



Сергей Бородин

САМАРҚАНД
ОСМОНИДА ЮЛДУЗЛАР

Иккинчи китоб

САФАР ТУЛХАНЛАРИ



Сергей Бородин
САМАРҚАНД
ОСМОНИДА ЮЛДУЗЛАР
— Иккинчи китоб —
САФАР ГУЛХАНЛАРИ

ТОШКЕНТ
«ЁШ КУЧ»
2020

УЎК: 821.512.133-311.6

КБК: 84(5У)6

Б - 86

Бородин, Сергей

Самарқанд осмонида юлдузлар [Матн] К. 2. Сафар гулханлари: роман-трилогия / С. Бородин. Рус тилидан Малик Раҳмон таржимаси. – Тошкент: Ёш куч, 2020. – 512 б.

ISBN 978-9943-5739-1-8

“Самарқанд осмонида юлдузлар” роман-трилогиясининг иккинчи китоби – “Сафар гулханлари” 1400 йил воқеаларига бағишланади. Ёзувчи унда Озарбайжон ва Арманистон халқларининг Темур истилосига қарши курашини маҳорат билан тасвирлайди.

Китобнинг мазкур диққатга сазовор қисмига эътибор қаратамиз:

“Ҳалил бобосидан:

– Бизнинг отларимиз бақувват эмасми? – деб суради.

– Боязидда бунақа отлар ҳаммага етишмайди. Қолганлари кучсиз отлар. Бунақалари ҳам бизникилардан ўза олмайди.

– Демак, бобо, Боязид устига юрамиз, а?

– Жаҳонда икки ҳукмдор бўлиши мумкин эмас...”

Дарҳақиқат, юқоридаги сатрларни ўқиган китобхон Темурнинг олдинда бўлиши кутилаётган катта туқнашун – Усманийлар сулоласининг йирик вакили Йилдирим Боязидга қарши жангга тайёргарлигини ва бу жанг Соҳибқирон учун катта аҳамиятга эга эканлигини англайди.

Рус тилидан
Малик РАҲМОН таржимаси

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:

Ислом ЁҚУБОВ,

ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчи:

Поён РАВШАНОВ,
профессор

ISBN 978-9943-5739-1-8

© Сергей Бородин, «Самарқанд осмонида юлдузлар. Сафар гулханлари». Иккинчи китоб. 2020.

© Сергей Бородин, «Ёш куч», 2020.

БИРИНЧИ ҚИСМ
1400 йил баҳори



БИРИНЧИ БОБ ТУТУН

Қорабоғ вилояти устини ёнғин тутунлари қоплаб олган. Қуюқ оқ тутун гоҳ ер бағирлаб сузар, гоҳ эса шишадек тиниқ март осмонига буралиб-буралиб, устун бўлиб кўтарилади.

Темур лашкарлари қишки қароргоҳларидан қўзғалиб йўлга тушди. Улар билан бирга пода-пода моллар ва юк ортган аравалар ҳам жўнади. Улар сонсиз-саноксиз кўчманчилардек тинмай йўл босадилар.

Аравалар гиламлар ва кигизларга лой сачратиб, балчиқ кечиб ғичирлаб, чайқалиб кетиб боради.

Имиллаб кетаётган юк араваларни ёнлаб ўтиб, отлиқ аскарлар қуриб қолган ерлардан елиб бормоқдалар.

Пиёда аскарлар чопонларининг этакларини бар уриб белбоғларига қистириб олганлари ҳолда, этикларини билан баҳор лойини кечиб борадилар.

Пиёда аскарлар орасида устига майда-чуйда ортилган эшаклар дикиллаб кетмоқда.

Аскарларнинг бир томонида ўрқачлари худди занжир ҳалқаларидек бир-бирига туташиб кетган туя карвонлари катта йўлдан узоқда тоғ ёқалаб бормоқда. Бу ерда бир вақтлар сайёҳлар, савдогар карвонлар юравериш топталиб кетган сўқмоқлар бор эди.

Ёнғин тутунини барра ўтлар устида, энди ниш уриб чиққан экинлар устида, дарахтлари куртак чиқарган боғлар устида, кўпириб-ҳайқириб оқаётган бўтана сойлар устида сузиб юради.

Йўлларни кесиб ўтган сой сувларидан отлиқлар кечиб ўтар экан, отлар барқутдек қора, илиқ тумшуқларини муздек сувга тикмоқчи бўлиб интилардилар.

Йўл бўйларидаги бутазорлардан париллаб қушлар учиб чиқар, чуғиллашиб сайрашар, аммо ўша баҳор қушиқ айтиш одамларнинг кўнглига сиғмас эди.

Аскарлар товуш чиқармай йўл босар, уларнинг да-рагини эшитган халойиқ ҳам индамай жунаб қоларди. Улар жимгина узоқ чўл-биёбонларга, тоғ ораларига чиқиб кетар, дарбадарликда кун кўрмоқ учун оз-моз керакли нарсанигина олволар эдилар. Темур кетаётган йўлдан ҳамма ўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Темурни икки невараси ўртага олиб бормоқда эди. Улардан бири Темурнинг қизи дунёга келтирган Мирза Ҳусайн бўлиб, у ўша куни қоровуллик қилган отлиқ аскарларга бош бўлиб кетмоқда. Иккинчиси эса Темур тонг маҳалида чодиридан чиқиб, отга минганида бобосининг кўзига ташланиб қолган Улуғбек эди.

Темур неваралари билан бирга экан, қизиқ воқеалар ва жанг тўқнашувлари бўлмаган узундан-узоқ, бир маромдаги йўлни қандай босиб ўтганини ҳам билмай қоларди.

Улар селдек оқиб бормоқда бўлган аскарлардан бир чеккада кетардилар, аммо отлар ва лак-лак одамларнинг бадбўй тер ҳидларидан, арава ғилдиракларининг ғичирлашидан, отларнинг туёқ товушидан қочиб қутулиб бўлмас эди. Булар ҳаммаси тоғдан тошлар қулаганда гумбурлаб эшитиладиган қаттиқ овозга ўхшар эди.

Темур тутун кўтарилган томонга, йироқларга назар ташлаб, узоқ сукут сақлаб борарди.

Бу тутунлар гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда кўзга ташланар, аскарлардан илгарилаб, изғиб кетмоқда бўлган илғор қисмларнинг ҳийла-найрангларини ошкор қиларди.

Озарбайжон мамлакатининг бутун ерлари кўпдан жаҳонгирнинг ҳукми остида ҳисобланарди. Каспий қирғоғида эса Темур томонидан бу улкага ҳукмдор қилиб қўйилган ва унга кўпдан итоаткор Ширвоншоҳ ҳоким эди.

Ширвоншоҳ Иброҳим Бокуда ва ўз шаҳри Шимохийда саройлар ва масжидлар қурдирди. Темур унга тўсқинлик қилмади ва ишига аралашмади, ҳокимнинг ҳам жаҳонгир билан иши бўлмади.

Бу жойлар ўзиники ҳисобланса ҳам, лекин йўлда дуч келган ўлжани қўлдан чиқариб бўлармиди!

Қишки шамолларда қорайиб кетган илғор қисм аскарлари водийлар ва тоғ ораларига назар ташлаб, бирор жойдан тутун иси чиқмасмикан, ўлжа унмасмикан, дегандай исканиб кетардилар. Аммо теварак-атрофдаги ҳамма қишлоқлар хувиллаб қолган, фақат аҳён-аҳёнда бирор бедармон чол ёки омочининг қулоғи қўлида қолган деҳқон учраб қоларди. Баъзи жойда боғлоғлиқ қолган итлар вангиллар ёки оғилхонада қолиб кетган оч сигир маърарди.

Қочиб кетганларнинг танбеҳини бериш учун ёки эрмак учун пастак уйларнинг томларини бузиб кетишар, итларни ўқ-ёй билан ўлдиришар, ёнадиган нарсаларга ўт қўйишарди. Шу билан ҳукмдорнинг йўлидан қочганларга раҳм-шафқат йўқ эканлигини билиб қўйсинлар, демоқчи бўлишарди.

Аъёнлар, саркардалар ва уруғ оқсоқоллари от устида, баъзилар чарчаганликдан эгар устида мункайиб қолган, уриниб-суриниб, бирин-кетин Темур орқасидан боришар, баъзилари от устида савлат ва виқор билан борарди.

Секин қадам ташлаб, яйраб кетаётган отлар гоҳ пишқириб бошларини чайқар, гоҳ кумуш тақинчоқларини шиқирлатиб қўяр эдилар. Отлиқлар ҳар замонда отларга аста қамчи уриб қўярдилар.

Аъёнларнинг суҳбати қовушмас, ҳар кимса ҳукмдорнинг ҳаракатини синчиклаб кузатар, унинг фикр ва ниятларини билмоқчи бўлиб уринарди.

Темур отнинг қадам ташлашига монанд бир маромда чайқалиб борар, эгнида сариқ мовут чакмон, бошида катта қалпоқ бор эди. Тонг маҳалида ўткинчи булут уларни савалаб ўтганидан чакмон жиққа ҳўл бўлиб, подачининг эски чопонига ўхшаб қорайиб қолган эди.

Темур узоқ-яқиндан аста сузиб кўринган қора, кўнғир оқ тутунларга тикилиб қарарди. Улар муқаррар бўлган истилолар ва узоқ ёки яқинда бўладиган жанглардан дарак берувчи бир аломат эди.

Темур бирдан отининг бошини тортиб тўхтатди, шу дам неваралари олдинга ўтиб кетди, ҳамроҳларининг отлари эса ҳукмдорнинг орқасига келиб тиралиб қолди, Темур қайрилиб қамчиси билан тутун кўтарилган томонни кўрсатди. Ҳамроҳлари унинг бу ишорасини тушунмадилар. Тонг маҳалидан бери ўша томонда, уларнинг олд томонида тутун кўтарилар эди.

Ҳукмдор уларга тутунни кўрсатган эди, чунки у томонда тутундан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

Темур ҳамроҳларининг фаросатсизлигидан жаҳли чиқиб, ўша томонга қамчиси билан яна уч-тўрт марта ишора қилди.

Шундагина улар пайқадилар. Рўпарада эмас, кунчиқар томонда буралиб-буралиб, осмонга биринкетин тутун кўтарилмоқда эди. Ҳўл похолга ўт қўйилганда кўтарилган тутунлардек йўлнинг бир томонида, юқорига қараб кўтарилмоқда эди. Тутун кўтарилиб ёнган жойлар орасидаги масофалар бир хилда бўлиб, борган сари узоқлашмоқда эди. Бу хавотирлик аломати эди. Душманнинг бостириб келаётганини билдирувчи қоровулхона гулханлари шу хилда ёнади. Бу қоровулхоналарни ким қурди экан, фалокат ҳақидаги хабарни кимларга ва қаёққа билдиришяпти экан?

Қийшиқ бошчилиги остидаги юз нафар аскар қўшин орасидан ёриб ўтиб, отларни аёвсиз қамчилаб, тоғларга от солдириб кетди.

Безовталанган отини қаттиқ тортиб, Темур яна янги тутун кўринармикан, деб кутиб турди. Худди кутилган жойдан сўнгги тутундан нарироқда, энг баланд тепаликлардан бирида яна дуд кўринди.

Темур пошнаси билан отнинг қорнини ниқтаб ҳайдаб кетди, унинг кийик кўзлари ҳамон тутун чиқаётган ён бағирларда эди.

Қийшиқ бошлиқ отлиқ аскарлар жарликлар, даралардан ўтиб, тоғларга қараб учар эдилар.

Ниҳоят, тутун чиққан жойга етиб борсалар, у ерда ҳеч қандай қоровулхона йўқ экан. Жарлик устидаги тик тепалик устида, бултурги полизнинг бир чеккасида эски бир қапа турарди. Жўяклар орасида чириб, қорайиб кетган қовун поялари ётарди. Бир пой йиртиқ кавуш уларни масхара қилгандек жағини очиб ётарди. Ёниб соб бўлаёзган қапа шамолга учкун сочарди. Теварак-атрофни ва жарликларни, пастликдаги сой бўйини тоза қидиришди, ҳеч қаерда ҳеч бир зот йўқ эди. Қапа гўё ўз-ўзидан ёниб кетган эди. Бироқ узоқ бир тепаликда, жарлик ва дарёнинг нариги томонида худди шундай тутун кўринмоқда эди. Шағаллик жарлардан, тик лой қирғоқлардан босиб ўтиб, дарёга тушмоқ амримаҳол эди. Бўтана баҳор сувлари тўлиб-тошиб оққан гирдоб сувдан осонлик билан кечик топиб бўлмас эди. Кечик жойни топиб, шалаббо бўлиб, балчиққа беланиб, сийғанчиқ лой тепаликка тирмашиб чиққанларида гулхан ёниб бўлган эди. Бу ерда ҳам ҳеч кимни учратмадилар. Узоқ кўнғир тепаликда буруқсаб тутун кўтарилганини бу ердан туриб кўриб қолдилар. Дам тепаликлар устига от солдириб, дам тик жарликлардан пастликка тушиб, дам уларни ёнлаб ўтиб, ўша то-

монга тўғри от солдириб кетдилар. Бундай чопишда ҳатто сара отлар ҳам терлаб, кўпиклаб кетди, мункиб-мункиб пишқирарди. Яқиндагина қантариқдан чиққан отлар ҳали совимаган, сафарбоп эмасди. Шунинг учун бошда қизиб кетиб, сўнгра бирдан чарчаб, ҳарсиллаб қолди.

Бироқ ҳукмдорнинг олдига бўш қўл билан қайтиб бўлмас эди. Афтидан, бундаги пойлоқчилар олдиларига тездан аскар етиб келишини кутмаган бўлсалар керак, гулхан ёнидан узун папоқ кийган икки киши тоққа қараб қочди. Таъқибчилар терлаб-кўпиклаб кетган отларини ҳеч аямай тепаликлардан ошиб утиб, қочоқларни қувиб қолдилар. Маълум бўлишича, тоғ ён бағри ўткир қиррали қизил ва кўкиш тошлар билан қопланган экан. Отлар бу ердан йўртиш у ёқда турсин, ҳатто қадам ташлаб юриб ҳам чиқолмас эди.

Аскарлар отдан тушиб яёв юрдилар. Тоғ олдини қуршаб олиб, тирмашиб тоққа чиқа бошладилар. Икки озарбайжонлик тоғ такасидек тошдан-тошга ирғишлаб, қочиб кетмоқда эди. Таъқибчилар эса пидеда юришга ўрганмаганликларидан ўткир тошларга тизза ва қўлларини тимдалатиб, қоқиниб-суқиниб эмаклардилар.

Қувиш билан банд бўлган Қийшиқ узоқ бир тепаликда алангаланган янги гулханни кўрмай қолди. Дарҳақиқат, уни ҳеч кимса ўчиролмас эди: орада баланд-паст тепаликлар, жарликлар, дарёлар бор эди, таъқибчилар эса қушдек учолмас эдилар.

Ҳалиги икки озарбайжонлик ҳамон юқорига кўтарилгани кўтарилган эди. Тепалик эса борган сари тиклашар, ўнг томонда чуқур бир тоғ дараси бор эди. Рўпарада ошиб бўлмайдиган баҳайбат тоғ ётарди.

Қочқинлар кетиб қолиши мумкин эди-ю, бироқ уларни тоққа қисиб қўйдилар.

Темурнинг ҳолдан тойган аскарлари уриниб-сури-ниб, тўхтаб қолган қочқинлар устига бостириб бора-верди.

Энди қочқинларнинг башараси ҳам кўриниб қолди. Гирдиғумдан келган пакана, серсоқол, семизи кафти билан пешона терини артарди. Иккинчиси, қотмагина ёш йигит эди. Унинг бўзарган ва қотма юзи ҳадеб учиб турар, оғзини очмай, тез-тез бир нима деяётгандай эди.

Қийшиқ уларга қараб:

– Ҳа, қўлга тушдиларинг-ку, қўлга! – деб қичқирди. Чопганидан ичаги узилай деган Қийшиқ нафасини ростлаб олмоқ учун тўхтади.

Шу он қочқинлар бир томонга қараб қочдилар: каттаси худди ерга кириб кетгандек бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Кичиги шериги ғойиб бўлган жойга етганича йўқ эди, абжирлик билан сиртмоқ қилиб отилган арқон бўйнига тушиб, йиқилди.

Олдига боргач, таъқибчилар унинг шериги ирғиб тушиб кетган чуқур жарликни кўриб қолдилар. Жарликда тик тошлар қорайиб кўринар, ундан ҳам чуқурликда кўзни тиндирадиган дарё оқиб ётарди.

Кичик қочқин сиртмоқда типирчилар, бироқ уни юкдек юмалоқлаб, пастликка судрардилар. Тепаликка чиқишдан кўра пастликка тушиш ниҳоятда оғир эди.

Юқорига чиқишда улар қизишиб кетган эдилар, энди тоғнинг нишаби ҳам, чарчаганликлари ҳам билиниб қолди. Уларнинг рўпарасида, тоғ этакларида кимсасиз тепаликлар қаққайиб турарди. Узоқ пастликдан уларга мунтазир бўлган отларнинг кишнаши эшитиларди.

Дам олмоққа фурсат йўқ эди: ҳукмдор кутган маҳалида бетоқат бўлишини яхши билардилар. Дарҳақиқат, у кутмоқда эди.

Бу тепаликдан узоқ томонда, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда тутунлар кўришиб қолар, яқиндагилари сўниши билан наригилари кетма-кет тутамоққа бошлар эди.

Хабар кетди, мақсадга ҳам етиб борди. Бу хабар нима учун ва кимга юборилган, Темур аскарлари учун унинг оқибати нима бўлади? Буларни асир гапириб беради. Башарти, у атайлаб оғзини маҳкам юмиб олса, оғзини очиришади. Чунки бу хабарни Темурнинг ўзи кутмоқда эди. Тупроқ ва қонга беланган бу йигитнинг жавобини Темурнинг ўзи кутмоқда эди.

Темур отларга дам бермоқ учун тўхталадиган водийдаги манзилга йўл олди. У Озарбайжонни босиб олган маҳалдан бери қадам босмаган йўлдан кетмоқда эди. Тошқин дарё тик бурилган муйилиш устида бир тош уй борлиги эсида қолган эди. Учта катта чинор бу уй устига соя ташлаб турар, уларнинг шох-шаббалари ҳар ёққа тарвақайлаб, иморат ва дарё устида саланглаб турарди.

Шу чинорлар соясида юргани эсига тушди, ўша маҳалда қулочга сиғмайдиган чинорларнинг йўғонлигига ҳайрон қолган, кимсасиз, ҳувиллаб қолган бу уй жинига ёққан эди. Бу мўъжаз уйнинг айвонида тўрт устун бор эди. Давр ўтиши билан қорайган устунларнинг шу дамгача ҳеч ерда кўрилмаган ажойиб ўймакор нақшлари бор эди.

У уйнинг эшигини бир тепиб, бу уй ичига кирганида қош қорайган эди. Уй ичидан бурнига бадбўй рутубат ҳиди урди.

Темур машъал келтиришни буюрди. Тутун аралаш ёнган машъал ёруғида у анчагача нақшинкор шифтни томоша қилди. Уни худди бир гиламнинг афсонавий сирини ўқимоқчи бўлгандай томоша қилиб қолди. Шифтга юлдузлар туркум шаклида эмас, балки гул шаклида солинган бўлиб, улар бир-бирига новдалар

билан пайваста қилинган эди: кичик юлдузлар ғунча, катта юлдузлар эса очилган гулларга ўхшарди. Шифтга шу водий устида қоқ ярим кечада чарақлаб турган осмон сурати чизилган эди. Гул новдалари юлдузларнинг йўлини кўрсатарди.

Темур ўз умрида тунларда сафар қилиб, юлдузларни яхши таниб қолган эди. У чўл-сахролардан ўтганда юлдузларга қараб ўз йўлини топа оларди. У юлдузларни карвонбошилардек, кемачилардек ва тунда пода ҳайдайдиган чорвадорлардек яхши билар эди.

Темур деворларни ҳам яхши томоша қилди. Бу кичкина уйнинг деворлари оддий бўлиб, китоб ёки идиш териб қўйиладиган ганч сувоқ токчалари кичкина эди, мўъжазгина қора мўркони ҳам бор эди. Аммо, таажжубки, нақшсиз деворлари усталик билан қилинган, усталар худди тош гилам тўқигандек ялпоқ ғишталарни моҳирлик билан турли шаклда терганлар. Ўша сафарда ўғли Мироншоҳ ҳам Темур билан бирга эди.

Темур ўғли билан ҳовлига қайтиб чиққанида атрофидаги нарсаларни, ҳовлини, дарёнинг гирдобини завқланиб томоша қилиб шундай деган:

– Уларнинг бир-бирига монанд қилиб ишланганларини қара-я, – деди. – Худди қўшиқда сўзлар бир-бирига усталик билан пайванд қилинганидек, бу ерда ҳам шундай. Битта сўзни олиб ташласанг, бутун қўшиқ бузилади.

Мироншоҳ миқ этмади.

Темур атрофини томоша қилар экан, ўз одатича бу уйни қурган усталарнинг хатосини қидирар, душман қалъасини олиш ёки душманни тор-мор этиш вақтида унинг заиф жойини қидиргандек, бу ердан ҳам камчилик излар эди. Аммо бу ерда ҳаммаси бекаму кўст эди. Бу нарса унга бир жиҳатдан ёқса, иккинчи томондан алам қилар эди. Чунки бу бино Самарқандда эмас, бегона бир юртда эди.

Ниҳоят, у боши билан ҳовлининг ўртасига ишора қилди. Терилган оқ тошлар орасида ёввойи атиргул ўсиб ётар эди.

— Бу жойга ҳовузча қилиш керак эди, улар гул ўтказиптилар!

Мироншоҳ чурқ этмади, аммо отасининг товушида заҳарханда борлигини пайқади. Отаси бу гузал бино олдида завқланишни истамаганини билиб қолди. Аммо, эҳтимол, бинокорнинг ихтиёридан ташқари ўтказилган бу ёлғиз гул унинг завқига халал беролмасди. Ўғлининг индамаганидан таажжубланиб, хафа бўлган Темур ундан сўради:

– Буни кўрган усталар қаерда экан? Жуда бошлаптилар-да.

Мироншоҳ бу ерлик усталардан ҳеч кимни билмагани учун фақат елкасини қисиб қўйди.

Темур одатда дам олволгач, ўз ҳузурига қиссахонни ёки бирор ҳофизни чақиртирар эди. Шу кеча эса ўша ерлик усталарни чақиришни амр қилди. Аммо бу ерда усталар йўқ эди. Унинг олдида қўшни қишлоқдан икки боғбонни, шу ерлик бир савдогар, аллақандай бир оқсоқ соҳибкорни бошлаб келдилар. Боғбонлар қўрққанларидан эсанкираб, қоқиниб кетган эдилар.

Темур улардан:

— Кимнинг уйи бу? – деб сўради.

Савдогар тиз чўкиб, гуноҳкордек таъзим қилди:

– Улуғ шоҳим, билсангиз, биз бу уйни мунажжимхона деб атаيمиз. Донишманд Маҳмуд бинни Абубакир қарилик чоғини узлатда кечирмоқ учун Мароғийдан шу ерга келиб қолган. Бу жой ўша кишига қуриб берилган.

– Э, мунажжимми? Фаҳмлайдиган эка... – деб тухталиб қолди Темур.

Қандайдир бир кекса мунажжим ҳақида ўз фикрини озарбайжонликка айтишни муносиб кўрмаган эди.

Савдогарга ҳам мунажжим нимани фаҳмлаши номаълумлигича қолди.

Уша ўтган кеча Темур фақат сўрар эди, аммо қонга белаб, тутунини кўкларга чиқарган бу мамлакатда ўзига нима ёққан-ёқмаганини ҳеч кимга айтмади.

– Уста қаёқда? – деб сўради Темур.

– Бундан юз эллик йил бурун худога жон таслим қилган.

– Яна қандай усталарни билурсан?

Унга Нахчивондаги ажойиб дахма тўғрисида ва уни қурган Ажам отли уста тўғрисида гапириб бердилар.

– У қаерда?

– Икки юз йил бурун у ҳам жон таслим қилган.

Темурнинг кайфи бузилди: улар нуқул ўлганларни тилга олишар эди.

– Юртларингизда бошқа усталар ҳам борми? – деб сўради яна.

Унга ганч сувоқ қилиб нақш солинган ёинки кошинкор дахмалар, миноралар – Солмас ва Бардидаги, Урмия кўли бўйидаги тинч Қорабоғлар ва ҳукамолар шаҳри Мароғийдаги, бутун Озарбайжон тупроғидаги дахма ва миноралар тўғрисида гапириб беришди. Унга машҳур усталарнинг номларини: Аҳмад бинни Айюб, Ажамнинг отаси Абубакирни ва Маҳмуд бинни Саъднинг номини айтдилар.

Темур:

– Бу усталарни қаердан топса бўлади? – деб сўраган эди, улар хафа бўлгансимон ерга қараб туриб: «Бу усталар икки юз ёки юз йил бурун дунёдан ўтганлар», деб жавоб қилдилар. Темур улардан назарини олиб қочмоқчи бўлгандек, кўзларини қисиб туриб, ўзини босиб:

– Тириклари қаерда, ахир? – деб сўради.

Боғбон жавоб қилди, соҳибкор бош ирғаб, унинг гапини маъқуллаб турди.

– Озарбайжон ҳеч қачон усталар танқислигини кўрмаган, улуғ шоҳим, уста Юсуф бинни Яъқуб бор. Яъқубнинг отаси, Юсуфнинг бобоси уста Ҳамид эди. У донишманд Рашидиддиннинг қабрлари устига кўркам бир дахма қурган. Уша дахма...

– Кўрганим бор, яхши қурилган.

– Уста Ҳамиднинг невараси, Яъқуб устанинг ўғли Юсуф уста тирик, ажойиб уста! У кўп жойларда масжид қурган, Табризда ҳаммом, Шамохийда расталар қурган.

– Уша Юсуф қаерда?

– Яқин ўртада, тоғда. Уни бир бола етаклаб юради. Афсуски, кўр бўлиб қолганига бир неча йил бўлди. Ҳозир қўлидан ҳеч иш келмайди, улуғ шоҳим.

Шу кеча унга Самарқандга олиб кетса бўладиган ҳеч бир устанинг номини айтмадилар.

Темур ғазабнок бўлганини ҳам, тоқатсизланаётганлигини ҳам билдирмади. Бир маромда савол бериб, жавобини индамай тинглар эди. Уша кеча отасининг ёнида ўтирган Мироншоҳ безовталаниб ўтирди, лекин чурқ этмади.

Темур озарбайжонликларга жавоб берганидан кейин ўғлига тикилиб қараб:

– Хўш? – деб сўради.

Мироншоҳ хириллаб:

– Мен уларни қамчи билан савалаб айттирдим, – деди.

– Сен уларни қандай тушундинг?

– Улар ўзларини соддаликка соляптилар, сиз уларнинг ёлғон гапларига қулоқ бериб ўтирдингиз!

– Мен усталарни уларсиз ҳам топиб оламан. Самарқандга озмунча усталар олиб борилганми? Гап буларда эмас. Мен уларнинг, халқнинг кўнглидагини билмоқ учун гапларига қулоқ солдим.

– Нега?

– Улардан ҳеч бири бирорта ҳам устанинг номи-ни айтиб бермади. Менга уста кераклигини фаҳмла-шиб қолди шекилли, айтишмади. Улар на зодагон ва на аскарӣй бошлиқлар, авом халқ. Ҳаммаси бир гур! Бу ерлик боғбонлар ўз усталарини яхши биладилар, ўз халқининг хунарини қадрлайдилар, ғурурларини ичда сақлайдилар. Ўз халқининг хунари билан ўлгун-ча фахрланадилар. Қўрқувдан титрасалар ҳам, ўзла-рини маҳкам тутадилар. Булар шунақа. Авом халқни билмасдан туриб, бу халқни қўлга ололмайсан, қўлда тутиб туролмайсан.

– Дада, қамчи билан, кишан билан йўлбарсни ҳам шундай сақлайдилар.

– Йўлбарсни қўшга қўшиб бўлмайди. Ҳеч нарсага тушунмабсан.

– Халқ итоаткор бўлиши керак, мен буни кўпдан ту-шунганман. Уларнинг ёлғон гапларига қулоқ солмоқ – уларга эрк бермоқ демақдир. Уларни итоатда ушламоқ учун занжир керак, уларни хушига келтириб турмоқ учун қамчи керак.

– Шунча халққа занжирни қаердан топасан? Озмун-ча темир кетади дейсанми?

– Занжир билан бўлмаса, у ҳолда нима билан? Мен нима биланлигини билмоқ учун уларга разм солдим.

Темур ухламоқ учун кўзғалди. Уғлининг олдидан чиқиб кетаётиб, яна сўради:

– Нима билан-а?

– Қилич билан, дада.

– Қилич билан оладилар, аммо ушлаб турмоқ учун нима керак?

Мироншоҳнинг нафаси ичига тушди. Шунда Темур жавоб қилди:

– Ўз йўли билан ушлаш керак бўлади. Ҳар бир халқ учун ўзига яраша йўл бўлади. Бирига бир хил, иккин-чисига иккинчи хил...

Мироншоҳ индамаган эди, Темур зарда билан деди:

– Бу жойда қандай йўл тутиш кераклигини билмоқ учун халқини билмоқ керак. Бу халқни сен идора қиласан. Шунинг учун утириб бош қотир, қандай йўл тутиш керак бўларкин бу ерда.

Уғлининг индамаганидан жаҳли чиққан Темур чодирига кириб ётишдан олдин дарё бўйидаги чинорлар остида у ёқдан бу ёққа юрди. Сўнгра жимжит қоронғи тунда, ой ёруғида бир нимага қулоқ солиб тургандек кўринган унинг атрофини айланди.

Уйнинг орқасида Темур харсангтош ётқизилган саккиз бурчак ҳовузчани кўриб қолиб:

– Уйнинг орқасига ким ҳовуз қилади? – деб тўнғиллади. – Бу ерга ташқари ҳовли ва отхона керак. Нима, у от асрамаганми, мунажжим?

Темур яна қайтиб ичкарига кирди. Ёввойи атиргулнинг қора шохини кўриб, унинг ёнида тўхтади:

– Гул ўтқазган жойларини қара-я! – деб вайсади. Шундан кейин тинчланиб, уйқуга кирди.

Тонг маҳалида Темур ўз кўшинини яна олдинга бошлади. Ушандан бери бу жойда бўлмаган эди!

Энди унинг йўли яна шу ёққа тушди. Орадан шунча йиллар ўтгандан кейин у яна азим чинорлар соясида ўтиргиси, кимнингдир ўлмас илиқ қалби макон топган кичкина уйчада бўлгиси келди. У ўша ерда қароргоҳ тайёрлашни буюриб, ҳозир ўша томонга кетмоқда эди:

– Тутун устига тутун... Хавотирлик соляптилар! – деди хафа бўлиб.

– Кимлар, бобо? – деб сўради Улуғбек.

Темур унга жавоб қилмади. Аммо бу гўдакнинг саволидан алам яна кучайди. Бутун гап шунда эди: кимлар эканини ўзи ҳам билмас эди.

Улар одамлари кўчиб кетиб, хувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтдилар. Бу қишлоқни илғор қисмлар вай-

рон қилиб кетган эди. Бир кулбанинг эшиги олдида муккасича тушган бир деҳқон ўлиги ётар эди. Унинг тепасида куйиб сасиб ётган тўсин осилиб қолган, уйнинг томи эса кесаклари тушиб кетган деворга суяниб қолган эди.

– Бу жой шаҳарми, бобо? – деб сўради Улуғбек, Унинг бобоси билан гаплашиб кетгиси келар эди.

– Илонлар макони, – деди Темур жаҳл билан ва отлиқ қоровуллар бошлиғига: – Ер билан яксон қилинсин, билиб кўйсинлар, – деб амр қилди.

Улар тор кўчадан чиқиб улгурмасданок йўғон харилар ёниб, қарсиллаб туша бошлади, кесак деворлар гумбурлаб йиқила бошлади. Боғларда дарахтлар қарсиллатиб кесила бошлади.

Кўшни қишлоққа етиб улгурмаслариданоқ қутурган аскарлар бу ерда ҳам ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилмоқда эдилар. Кимнингдир фарёди эшитилди-ю, яна бир зумда тинди. Дарахтлар болта зарбидан титраб турарди.

Улуғбек жойнамоз сингари тахта-тахта экинзорларга суқланиб қаради. Кўм-кўк пайкалларнинг атрофи тош девор билан ўралган эди. Аҳён-аҳёнда чўзилиб ётган энсиз буғдойпоялар учрарди.

Ҳайдаб кўйилган, лекин ҳали экин экилмаган ерларда узун-узун соч толаларидек эгатлар чўзилиб ётарди. Ҳар жой ҳар жойда шудгорлар ичида, ҳайдаб улгурмаган ерлар четида, ташлаб қочиб кетилган омовлар қаққайиб турарди. Гўдак болаларнинг табасуми сингари ҳаётбахш кўм-кўк буғдойзор, арпазорлар гўё ҳеч нарса бўлмагандек ҳар жойда яшнаб ётар эди. Бир-бирига чирмашиб кетган қалин бедапоялар кўринарди. Аммо ҳеч бир деҳқон, на бир кўш ва на бир кўппак ит кўринмасди, Ҳамма ёқда аскарлар изғир эди. Ҳар ёқда сафар олдидан тозаланган яроғ-аслаҳаларнинг темир ва пулатлари ярқирарди.

Улуғбек бобосининг эгар устида чапанича ўтириб олган аскарларига хурсанд бўлиб, мағрурона назар ташлар эди. Бобоси эса ҳар вақтдагидек қовоқ солиб, эгар устида мункайиб ўтирар, вақти-вақти билан аскарый бошлиқларига фармонлар берарди. У кўм-кўк экинзорларга ишора қилиб:

– Бу жойларга подаларни қўйиб юборинглар, минбаъд ҳайдаб, экин экилмасин, молларни шу жойларда боқинглар, – деди.

Улуғбек энди бу ерларда экин бўлмаслигини англаб, бошқача бўлиб кетишини тасаввур қилди, илгари пайқамаган кўп нарсаларни шунда кўрди. Энди кўрмайдиган нарсаларни у доим янги қиёфада тасаввур қиларди. – Ўлдирилгани олиб кетилган одамлар, вайронликка маҳкум бинолар... У бу нарсаларда аллақандай узоқ эса қоладиган, илгарилари назардан қочган, энди эса уларнинг сўнгги дамида бирдан намоён бўлиб қолган қандайдир хусусиятларни бирданга пайқаб қоларди. Аммо бунинг қандай рўй берганини, нега ўзгача бўлиб туюлганини у англай олмасди.

Йўлнинг муйилишида учраган кичик қишлоқ Улуғбекнинг хаёлини чалғитди. Тоғ бағрига қапишган қишлоқнинг кўчалари ён бағирликда бир-бирига мингашиб кўтарилган эди. Кўшни тоғ устини кўкиш туман қоплаган, қишлоқ чошгоҳ қуёшидан чарақлаб турар эди.

Аскарларнинг том-деворларни бузаётганликлари, катта тошлардан қурилган минораларни қулатмоқчи бўлганлари кўриниб турарди:

– Уларнинг жазоси шу, жазоси шу! – деди Темур.

Улуғбек паст-баланд кўчалар, қатор-қатор уйлар, баланд қалъа минорасининг қадимги кунгираларини, ҳаммомнинг пастак, қўнғир гумбазини эслаб қолиш учун уларга диққат билан қаради. Энди ортиқ ҳеч ким

кўрмайдиган, ер юзида энди ҳеч қачон бўлмайдиган бу нарсаларга назар ташлади.

Яна бир муйилишда пастликда водий кўринди. Буз дарёнинг қайрилиб оқаётган жойида азамат чинорларнинг яланғоч шохлари тарвақайлаб турарди. Дарё бўйида ранг-баранг чопон кийган одамлар кўринарди. Учоқлардан буралиб-буралиб кўкиш тутунлар кўтариларди. Эгарлоғлиқ отлар бошларини пастга қилиб, тўда-тўда бўлиб туришарди. Ранг-баранг япасқи чодирлар, дўппайган утовлар кўринарди.

Темур отининг бошини қаттиқ тортиб, гижингла-тиб тўхталди:

– Уй... қаёқда?

Ҳукмдорнинг ғазабноқ кўзларига зўрға қарай олган икки қоровул чинор томонга от солдириб кетди. Темур аъёнларга ўгирилиб қараб, яна:

– Уй!.. Қаерда? – деди.

Бу ерга биринчи марта келган Улуғбек бобосининг гапини тушунмади. Аммо аъёнлар отларини тисариб, бир-бирларига қараб қўйдилар. Темур: «Қаёқда дейман?» – деб ушқирди.

Чинор томонга шошиб кетаётган аскарларнинг кетидан ҳаммалари қараб, жимиб қолган эдилар. Бетоқат Темур бир жойда типирчилаб, борган сари ғазабноқ бўлиб:

– Мунажжимнинг уйи қаерда? – деб бақирди.

Темур ҳамроҳларидан ҳеч бири ўз саволига жавоб қилолмаслигини биларди. Улар доим Темур билан бирга бўлиб, шу давр ичида ҳеч ким бу ерга келмаган эди. Аммо Темур тезлик билан гап-сўзсиз жавоб берилишини кутарди. Эрталабдан бери от солдириб ҳайдаб келиб, кўраман деган уй қаёққа йўқолди?

Саволига жавоб кутиб ўтирмасдан, ҳамроҳларини ҳам, невараларини ҳам унутиб, у хатарли, қинғир-қийшиқ суқмоқдан чинор томонга қараб, қоматини рост-

лаб, отини учириб кетди. Бошқалар ҳаммаси орқада қолди. Отнинг ҳар бир қадами хавотирли бўлган бу жойдан от чоптириб ўтмоққа ҳеч кимнинг юраги бетламас эди.

Темур саросимада қолган бир тўда одамлар орасига отилиб кирди. Ҳалиги икки қоровул ҳозирча бир нарса билолганлари йўқ эди. У кимдан сўраш кераклигини бир қарашдаёқ билиб олди. Сўйилган қўйнинг терисини шилаётган озарбайжонлик қассоб Темур от солдириб келганида унинг қаршисида титраб-қақшаб, қонли кафтини беихтиёр ёнига арта бошлади. Темур унинг мурдадек қотиб қолган юмалоқ юзига қараб:

– Мунажжимнинг уйи қаерда? – деб шивирлади.

– Подшоҳим... Улуғ..

– Ҳўш?

– Гуноҳ менда эмас... мен эмас...

– А?

– Улуғ... мен эмас.

– Бўлмаса ким?

– Кўп бўлди... икки йил бўлди. Буйруқ келди.

– Кимдан?

– Ҳокимдан... жаноб олийларидан, Мироншоҳнинг ўзларидан.

– Нима, нима? Қачон?

– Икки йилча бўлди. Мироншоҳ жаноб олийларидан.

Темурнинг ғазаби пасайиб, ўрнини қайғу-алам босди.

У отдан тушди, уйнинг ўрнидаги майдончага қурилган ўтов томон, қўлтиқбардорлар ҳимоясида аста оқсоқланиб йўл олди. Ўтовнинг эшиги олдида сертикан ёввойи атиргулнинг шоҳлари тарвақайлаб ётарди. У индамай ўзини тўшакка ташлади ва ҳаммаларинг кетинглар, дегандай қўл силтади. Ҳамма ёққа сукунат чўкди. Ҳукмдорнинг ғазабнок бўлганининг сабабини ҳеч ким билмас, ҳеч ким оғиз очиб гапиролмас

эди. Ҳамма тош ютгандек нафаси ичига тушиб кетди. Фақат қозиқларга боғланган отлар пишқирав, абзаллари шақир-шуқур қиларди. Бу хилватгоҳни четлаб ўтаётган аскарларнинг гулдуриси узоқдан эшитилиб турарди.

Яқин аъёнлари ўтовга яқин келганларида катта ёстиклар орасида Темурнинг ғужанак бўлиб ўтирганини кўрдилар. У аъёнларга ўтиришни ҳам, ўтовга киришни ҳам таклиф этмай, аста сўради:

– Ҳа, кўрдиларингми?

Ҳамма жим турарди.

Шоҳ Маликнинг узун соқолига тикилиб туриб, яна деди:

– Кўрдингизми, кимнинг гуноҳини сўраганингизни? – Темур оғирлашган бошини кўтарди. Қайғули чўкик, қисик кўзлари чақнаб кетди.

– Кимни ёқладингиз? – деди у гинахонлик билан. – Бизлар қурамыз, у ёввойи чўчқа бузади.

Ҳамма ҳукмдорнинг қаҳр-ғазабини кутди, аммо у эса этакларига ўралашиб қолиб, ўтирган еридан туролмас, чунки этагини ўзи босиб олганини ўзи билмас эди. Фақат койир эди:

– Бева хотиндек кўнгилларингиз эриб кетган эди, сиз энага бўлсангиз арзийди...

Ҳамма сукут ичида эди. Унинг ғзаби ҳали ичида бўлиб, илондек заҳар сочмоқчи бўлганида Темурнинг нақадар хавfli эканини улар кўп йилдан бери билар эдилар. Яхшиси, индамаслик, чекиниш керак. Биринчи оғиз очган киши биринчи зарбага учрайди.

Аммо ҳозир Темурнинг ғзаби юзага чиқмади. Темурнинг бундай назари кам кўрилган, эҳтимол, ҳеч кўрилмаган эди. У йўл берган аъёнлар орасидан ўтиб, қўлларини орқасига қилиб, ҳовлига чиқди-да, аста юра бошлади. Унинг узун ўнг енги саланглар, чап қўлида қамчиси осилиб турарди. Оқсоқ оёғини босганда

қамчиси ўйнаб кетарди. У хаёл ичида ғўлдираб гапирарди:

– Бизлар қурамыз, у эса бузади. Бизга ёққан нарса унга ёқмайди. Унга нима керак экан?

Темур дарё лабига борди. Бўтана совуқ баҳор суви унинг кўз ўнгида гирдоб бўлиб айланарди. Чўнқайиб ҳовучига сув олди, сўнгра ҳўл қўли билан юзини сийпалади. Яна бир ҳовуч сув олиб, оғиз чайқаб, туфлаб ташлади. Кейин ўрнидан турди. Чопонининг чоклари текисланиб, елкалари кўтарилди.

Чодирларнинг бир томонида, дарё бўйида ўтовлар қорайиб кўринар, бу ерда кўшинлардан келган алоқачиларни, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг элчиларини, чопарларни кутар эдилар. Уша ерда, қоронғи ўтов ичида наमत устида Айёр ўтирарди. Ўтовдан ҳўл наमत ва зах ер иси келарди. Айёр бу жойга эрта билан келган эди. Бу ерда у ҳар хил шаҳарлардан келган бир талай эски танишларини учратди. Гурунглашадиган одамлар бор эди. Аммо ҳукмдорнинг бу ерга келганини билиб, аста ва кам гаплашар эдилар. Ўтовга яқин келган ҳар кимсага хавотирлик билан қарар, чопарлардан биронтасини чақиртирмаганмикин, деб бад олишарди. Аммо ҳеч ким чақиртирилмаган эди.

ИККИНЧИ БОБ КЎКСАРОЙ

Айёр қишни Самарқандда Кўксарой мулозимлари орасида ўтказди... Бекорчиликдан бу жонсарак одамнинг тоқати тоқ бўлган эди. Ҳоким Муҳаммад Султон ихтиёрида кўпгина чопарлар доим хизматга тахт бўлиб турарди. Булар вақтларини беҳуда ўтказар: кун бўйи шашқол ўйнар, ҳадеб хизматкорлар хонасига, ошхоналарга кириб чиқар, бир-бирларига ботирлар

ва жодугарлар тўғрисида эртак айтишар эдилар. Аммо Айёр тонг отиши билан ўзига бирор эрмак излаб қоларди. Ҳаво яхши кунлари бозор айланиб, савдо-сотик ишларини томоша қиларди. Ҳаво бузуқ кунлари эса сарой қўралари, устахоналарини айланар, Темурнинг турли мамлакатлардан келтирган ҳунармандларини бориб кўрар эди.

Сарой қўраларида, ертўлалардаги устахоналарда у ўзига таниш-билиш орттирарди. Бегона юртлик одамларнинг либослари уларнинг қалбини Айёрнинг назаридан яширолмас эди. Дунё кўрмаган кишиларга бошқа юрт одами ваҳшийдек кўринар, либоси ўзгача бўлгани учун ўша одам ҳам афсонавий ва ёт бир кишидек туюларди. Бошқа юртларнинг урф-одатларини кўрган кимса ажнабийларга ҳам ўз кишисидек қарайди. Айёр кўп мамлакатларда, кўп халқлар орасида бўлди. Ҳозир устахоналарни кўриб юрар экан, босган йўллари, кўрган-кечирганлари бирма-бир эсига тушарди.

Турли мамлакатлардан бу ерга келтирилган усталар ўз юртларининг либосини эгниларидан сира ечмаганликларига диққат қилди. Бу усталар кийимларига ўз халқларига бўлган абадий вафодорлик хотираси деб қарардилар. Либослари ишдан чиққач, оз-моз орттирган пулларига худди ўз юртлариникидек қилиб янги либос кийиб олар эдилар.

Турли юртдан келган бу одамлар ўзларини худди бир отанинг боласидек ҳис қилар, нон-тузларини баҳам кўриб, ватан ғамини ҳам бирга ҳамдамлашар эдилар. Бу усталар: уйғурлар, арманлар, араблар, хуросонликлар ёнма-ён ўтириб ишлашар, саррожлар бир қатор, бофандалар бир қатор, заргарлар бир қатор ўтирар эдилар. Кўксаройда усталар қайси тилда сўзлашларига қараб эмас, балки касбларига қараб ўтқизиларди. Бу ерда баъзилар даранг-дурунг қилиб мис қўзаларга гул солар; бошқалар тутун буруқсатиб,

маъдан эритар; баъзилар ним қоронғи, зах уйларда мато тўқир эдилар. Улар тайёр қилган буюмларни оморчиларига топширадидлар.

Бегона одамлар саройдаги бу устахоналарга йўлатилмас, шунингдек, усталар ҳам бу ердан ҳеч қаёққа чиқарилмас эди. Аммо қоровулларга бўйсунмайдиган бу подшоҳ чопарининг йўлини ким тўса оларди?! Айёр бу ерга тез-тез кириб турар ва бундан шубҳасиз фойда кўрар эди.

Айёр айланиб юриб, кимнинг моҳир уста эканлигига, уларнинг қандай назорат қилинаётганлигига, қилинган ишлари қандай ҳисобга олинаётганига, қўлларига узун таёқ олиб усталарнинг орқасида айланиб юрган назоратчиларнинг хулқ-атворига разм солар эди.

Айёрга назари тушган усталар ҳам беихтиёр унга одатланиб қолиб, ҳар замонда чопарга луқма ташлар, Айёр ҳам уларга гап отар эди.

Инсон нақадар ҳолдан тойиб, нақадар эзилмасин, ҳатто қулликда бўлса ҳам унинг ўзига хос орзу-умиди бўлади. Баъзилари ўз юртидаги баланд минораларни, боғларни, ўз уйлари, бола-чақаларини, шўх ўғилчаларини эслаб кетар, баъзиларнинг эса умид-орзуси сўнган, улар бир бурда иссиқ нондан бўлак нарсани ўйламас эди.

Айёр бир-икки сафар бу ерга нон-пон, олма-ўрик келтириб, уларни худо йўлида асир усталарга улашиб берди. Усталар Айёрнинг шаҳардан бу ерга киритиш тақиқланган буюмларни келтира билишини пайқаб, унга баъзи бир нарсаларни олиб киришни ялиниб-ёлвордидлар: хизмат ҳақингизни тўлаймиз, деб бир нима ваъда ҳам қилдидлар.

Айёр ҳамсухбатининг кўрсатган буюмига синчиклаб қараб, мийиғида жилмайди:

– Нима?

– Мана, ўзим ишлаган буюм, ол-да, пулла, кейин менга бирор нарса...

Усталар назоратчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, Айёрнинг қўлига бир нарса тутқизар ва ҳар ким ўзига даркор буюмни келтиришни илтимос қиларди.

Айёр ўзи эплаб олиб чиқиб кета оладиган буюмларнигина олар, бу ерга эса из қолдирмайдиган нарсаларнигина келтирарди, яъни баргак, чақилган ёнғоқ мағзи олиб келарди. Айёр посбонлардангина ҳадиксирамасдан, балки усталарнинг ўзларидан ҳам кўнгли тўқ эмасди.

Усталарнинг бозорбоп молларинигина олиб чиқарди. Кетидан гап чиқмайдиган оғир ва моҳир усталарнинг, бир имо билан гапни уқиб оладиган усталарнигинина молларини оларди. Бошқа усталар олдида эса ўзини гўлликка солар, ўзини ҳафтафаҳм қилиб кўрсатар ва ҳеч қандай аврашларга учмас эди.

Бир куни Айёр қўйнида шойибоп арабнинг бир лахтак шойисини, озарбайжонлик устанинг эгар-жабдуғи кумуш тўқасини, Эрон устасининг нақшли мис довтени бозорга олиб чиқди.

Совуқ шамол изғиб турганидан бозорда одам сийрак эди. Дўкандорлар пахталик чопонларига, баъзилари эса тулки пўстинларига ўралашиб утирар, баъзилари телпакларини бостириб кийиб, тўнғиган оёқларини иситиш учун дўконлари олдида депсинишар, харидорлар эса савдоларини нари-бери битириб, совқотган қўллари билан тугунларини чангаллаганларича, ҳар замонда енглари билан оғиз-бурунларини тўсиб қатқалоқ йўлдан сийғаниб-сийғаниб жўнаб қолар эдилар.

Расталар қоронғи эди. Тимларнинг тешик-тирқишларидан ҳар замонда қор уриб турмоқда, ҳамма ёқ сув қўйгандек жимжит эди.

Айёр шунга қарамай чорраҳадаги гумбаздан чиқаётганида ҳалиги шойининг бир учини қўйнидан чиқарди. Шошиб-пишиб рўпарадан келаётган бир чол тўхтаб:

– Сотасанми? – деб сўради.

Шунда Айёр шойининг ярмини чиқариб кўрсатди.

– Агар сизга жуда маъқул бўлган бўлса, тақсир...

Шойига ишқибоз бўлган чол ҳадиксираб сўради:

– Қиммат эмасми?

– Бунақа шойи қаерда арзон?

– Нархини келишсак олардим.

– Молини кўринг...

Чол шойини қўлига олиб эзғилаб кўрди ва индамай Айёрга қайтарди:

– Атрофдан келтирилганми?

– Ҳа, узоқ жойдан.

– Бағдоддан шекилли...

– Харидор тамизли бўлгани яхши.

– Нархи қанақа?

– Нархи йўлига қараб. Ҳилпирашини қаранг.

– Ҳилпирагани яхшимас-да. Менга қалинрок бўлсайди.

– Кимга қанақаси, – деди Айёр елкасини қисиб шойини индамай қўйнига тикар экан. Чол тамшаниб нарироққа борди, кейин қайрилиб қараб тўхталди.

Айёр чопонига бурканиб олди. Чол орқасига қайтиб:

– Яна бир кўрай, – деди.

– Отахон, совуқ. Бекорга ёқамни очавераманми?

– Бер бўлмаса.

Чол музлаб қолган қўллари билан титраб-қақшаб пул санай бошлади. Сўнгра йўлга тушиб яна тўхталди-да, шойини ёруққа солиб ушлаб кўрди, тўғри Бағдод шаҳридан келиб, ўзига насиб бўлгани учун ичидан суюнди.

Айёр бу савдосидан хурсанд бўлиб, бозор ичига да-
дил қадам қўйди. Унинг белбоғига қистирилган мис
буюмлар ҳали қорнида осилиб турарди. Ахир, ҳамма
майда-чуйдани йўлда ёйиб сотиб бўлмайди. Раста оқ-
соқоли ҳам тархашлик қилади, дукондорларнинг ҳам
ғаши келади. Айёр бу молларни мискарлардан бирига
ўтказмоқчи бўлди. Эҳтиётдан уларни бирор эроний
ёки озарбайжонлик келгинди устага пулласаммикан,
деб ўйлади, кейин хушёр тортиб: «Эронийлар молнинг
қаердан олинганини пайқаб қоладилар, ишига қараб
устасини танийдилар, озарбайжонликлар ҳам...»

Усталар бир-бирининг ишини тезда таниб, билиб
олади. Айёр шуларни ўйлаб тулалик совутсоз уста На-
зарнинг ишхонаси ёнидан ўтиб қолди. Назар юганга
нақшли ҳалқа ясаб ўтирарди. Айёр тўхталиб:

– Ҳорманг, уста, – деди.

– Худо сизни ҳам кам қилмасин.

– Юганга ҳалқа ясаёпсизми?

– Ёқмадим дейман!

– Менда эгар-жабдуқ тўқаси бор, узоқ жойдан кел-
тирганман, лекин менга даркори йўқ.

– Нокерак бўлса, нега ушлаб ўтирибсиз?

– Нима қилай, ўзим дукон-пукон очайми энди? Бу
иш мартабамга тўғри келмайди, уста. Олсангиз-да,
ҳалқаларингизга қўшиб пулласангиз.

– Мен ҳалқаларни тайёрлаб кутарасига сотаман.
Биз ўзимиз ясаган молни сотамиз, бировникини эмас.

– Бир кўринг, тўғри келмасмикан?

Айёр белбоғини ечиб, нақшин тўқаларни Назар-
нинг олдига тўкиб ташлади. Назар уларни хилларга
ажратиб терди, қайсисининг нимага боплигини бил-
моқчи бўлиб:

– Қани, бир кўрайлик-чи, – деди. – Нафсиламр, бу
ернинг ишига ўхшамайди.

– Узим ҳам шундай дедим-ку, уста.

– Одамлар гапираверади, молини мақтайверади. Қаерники бўлди?

Айёр туқаларни ясаган устанинг озарбайжонлик эканини эслаб:

– Ширвонники, – деди.

– Чопарларимиз йироқларга ҳам борар экан-да!

– Қаерга юборса бораверади, – деди Айёр ва шу замон ўзига келиб: «Мени қаёқдан танир экан?» – деб ўйлади.

Айёрнинг бошида қизил кокилли телпаги йуқ, ёнида йўлда отини алиштириб олишга ҳуқуқ берадиган дастаси тамғали, калта қиличи ҳам йуқ эди.

– Балки мен чопармасдирман, уста! – деди Айёр маккорлик қилиб.

– Мен бир вақт сизни саройда кўриб эдим.

Айёр ташвишланиб қолди. Саройга кириб юрар экан! «Ишни бузиб қўймадиммикан?»

Назар гапини давом эттириб:

– Ширвондан келганингизга кўп бўлдими? – деб сўради.

Айёр довдираб: «Нима десам экан? Ростини айтганда, кўпдан бери борганим йуқ у ерга. Уста бу туқалар қаердан, деб сўраяпти. Яқинда қайтдим десам, саройга бориб турадиган уста менинг қаерга сафар қилганимни билган чиқар. Ёлғончилигимни билса, обрўйим тукилар!»

Айёр одамларнинг ўзи тўғрисидаги фикрларига бепарво қарай олмасди. Одамларнинг кимлигидан қатъи назар, улар олдида обрўли бўлиши лозим... Душманнинг нафрати чин дўстларнинг меҳрини совутмаслигини, душманнинг мулойим гапи дўстнинг аччиқ сўзидан хавfli эканини у билмас эди.

Айёр сийрак соқолини сийпалаб, маънодор қилиб жилмайди.

– Чопарнинг бормайдиган жойи йўқ.

– Нимасини айтасиз, подшоҳ чопарининг борадиган жойи кўп. Подшоҳингиз кўп йўл босди ва босмоқда. Эртага қаерга боришини уйласанг, ваҳм босади.

– Ҳукмдор ўз йўлини билади, – деди Айёр насиҳатомуз.

– Бўлмаса-чи? Яхши билиши лозим, шунинг учун ҳам ҳар ерга боравермайди.

– Бу нима деганингиз?

– Йўли сирпанчиқ, ҳавоси совуқ, халқи кучли томонга бормас!

– Ҳукмдоримиз шаънига бу нима деган гап? – деди Айёр ташвиш билан бош ирғаб. Темур ҳақидаги бу ғалати гапни бирор кимса эшитмадимикан? Лекин совқотган усталар ўз ишлари билан банд, атрофда ҳеч ким йўқ эди.

Назар Айёрнинг ташвишланиб қолганини сезиб, мийиғида кулди.

– Қандай гап дейсизми? Эҳтиёткор деганим, ўз йўлини билади. Сиз ўзингиз ўша Ширвонга яна бир бориш ниятида эмасмисиз?

Шунда Айёр билан Назарнинг кўзлари тўқнашди. Устанинг қараши сокин эди, Айёр унғайсиз аҳволда қолди. Бу бамаъни одам олдида мақтаниш ўринсиз эди. Айёр тўнггина жавоб қилди:

– Менинг қаерга боришим ўз ихтиёримда эмас-ку!

– Бу гапни менга гапирмасангиз ҳам бўлади. Ширвонда менинг ҳеч кимим йўқ. Мана бу лаш-лушларингизнинг ҳаммасини қолдилинг. Бир амаллаб пуллаб қўяман, кейин ҳисоблашамиз.

– Менда яна шунақа майда-чуйдалар кўп, уста.

– Опкелинг, уларни ҳам пуллармиз.

Айёр асир усталарнинг олдига, Кўксаройга қайтиб келиб, қилган харидларини улашиб берди. Усталарнинг Айёрга ишончи ортди, лекин унинг серилти-

фотлигига таъмагирлиги сабаб бўлгани ҳам уларга аён эди. Уша кундан бошлаб Айёр саройдан мол олиб чиқиб, бозордан майда-чуйда сотиб олиб келишга одатланди. Борган сари дадиллашди ва эпчиллашди, унинг ҳамёни тобора кумушга тўлиб қаппайди.

Агар Темур Самарқандда бўлганида Айёр бу қадар жиловсизланмаган бўларди. Темур йўқлигида ишлар бошқача тус олди. Назоратчилар ҳам кўз-қулоқ бўлмай кўйдилар, посбонлар ҳам илгаригидек эмасди. Усталар ҳам жонланиб, дадилланиб қолдилар. Темур сафардалигида шаҳарда кўп нарса ўзгарган – шаҳар гўё кенгайган, одамлар ҳам қад кўтарган эди.

Қиш чиқиб, ёмғиргарчилик бошланган февраль ойида Муҳаммад Султон Айёрни чақиртирди. Айёр ҳукмдорнинг олдига бориши керак эди. Жўнаш олди-дан у устахонага кирди. Усталар Айёрнинг янги этигини, бошидаги қизил кокилли телпагини кўргач, унинг сафарга отланганини фаҳмладилар. Кўплари унинг сафари қаёққа эканлигини билмоқчи бўлдилар.

– Сафарим қаёққалиги ўзимга аён, – деди дудмол қилиб.

Туқаларни ва Назарга элтилган бошқа чиройли майда буюмларни ясаган озарбайжонлик уста шу ҳақда гап сўраб қолганда, Айёр маънодор қилиб кўз қисиб:

- Сен томонга, – деб кўйди.
- Ширвонгами?
- Ким билсин?
- Мароғийгами?
- Нимайди?
- Мароғийда бозорда, мунажжимхона орқасида, мискарлик растасида...
- Биламан.
- Ширвон бозор деган жой бор...

- Эзма экансан.
- Уша ердаги бир кишига бир оғиз гап бор.
- Қандай гап?
- «Кутмоқдамиз, ишонамиз».
- Қариндошингми?
- Мен бу икки оғиз сўзни айтсаму, икки қулоққа кирса, агар у бўлмаса... У ҳолда калламдан ажралиб қоламан-ку.
- Атиги икки сўз. Қуруқ қўймаймиз.
- Туқа биланми? Туқани ўртага соладиган вақт ўтди.
- Қуруқ қўймаймиз.
- Энди нима билан?
- Ҳали бир исирға қўйган эдим, ёқут тошли. Тешика тушириб юбордим.
- Сенми?
- Мендан-ку ундириб олишарди, оқсоқол тушириб юборди. Қидириб ҳеч қаердан топишолмади. Сизга топилади.
- Ёқут тошли исирғани кўпдан буён кўрганим йўқ, яхшими ўзи?
- Даволик тош. Тақиб юрган киши жигар дардидан тузалади, баъзиси эса...
- Биламан.
- Гумбаз орқасида ўнг қўлдаги дўкон. Уша ерда жуда қартайган бир чол бор. Ушанга: «Самарқанддан уста Ризо: «Кутмоқдамиз, ишонамиз» деган гапни айтишни топширди», дегин.
- Борди-ю, чол қазо қилган бўлса-чи?
- Мўйлови катта бурни устидан осилиб турган, чўзик юзли озарбайжонли уста Айёрга юмалоқ кўзлари билан синчиклаб, ўқрайиб қаради-да: «Айтармикин ёки чақармикин?» деб ўйлаб:
- Уша чол доим уша жойда, – деб Айёрни ишонтирди.

Гап булинди. Қоронғи устахонага энгашиб оқсоқол кириб келди. Айёр шивирлаб:

– Исирғани олгани кечқурун келаман, – дея олди.

Йулда чопарлик телпагининг урнига қалпоқ кийиб, кейинги олиб борган буюмларининг пулини ундириш учун Назарнинг олдига кетди.

Устахонада Бориснинг ўзи ишламоқда эди. У қора кафтини чарм фартуғига артиб, Айёрнинг келганини айтиш учун Назарнинг олдига чиқди. Қайтиб келиб:

– Кеча устанинг оёғига болға тушиб кетди, ётибди, юринг олдига кирайлик, – деди.

Борис меҳмонни бошлаб ишхонадан пастак хужрага олиб кирди. Ерга намат тушалган эди. Пастак тахта сўрида уста кўк чопонини ёпиниб ётарди.

Айёр ҳол сўради:

– Нотобмисиз?

– Ҳа, андак... Туролмайман, оёғим соғайишини кутиб ётибман.

Айёр сўрининг бир чеккасига утирди:

– Жунашим керак.

– Қайси томонга?

Борис эшик олдига турар, Айёр унга кўз қирини ташлаб:

– Қаёққа борсанг ҳам пул керак, – деди.

– Молингизни сотиб қўйдим, мана пули. – Назар урнидан кўзғалиб, девор томонга угирилди-да, ёстиқ остидан пуллик ҳамённи ола бошлади.

Айёр темирчи устанинг кенг яғринига, унинг қорайган бақувват гарданига, айлантириб қирқилган қалин сочларига назар ташлади. Уста Назарнинг келишган қадди-қоматида аскаргами ёки деҳқонгами хос бўлган туғма бир хислат бор эди.

Бироқ Айёр:

– Ваъда қилган нархдан кам берсангиз олмайман, – деди.

Назар Айёрга қарамасдан пулни қўлига тўқди, санаб, бир қисмини ажратди-да:

– Нега кам берай? – деди. – Ваъдага мувофиқ. Мана тушган пул...

У ҳамённи беркитиб қўйди-ю, Айёрга ўгирилиб қаради:

– Йўл харажатиغا етадимми?

Айёр пулни яхшилаб санаётгани учун жавоб қилмади.

– Хўш, йўлингиз қай томонга? – деб сўраб қолди уста.

Айёр ўз одатига мувофиқ тўғри жавоб беришдан бош тортмоқчи эди. Бироқ, у биринчи марта келганидагидек Назарнинг дўстона ва самимий сўрашганини кўриб, беихтиёр тўғриси айтиб қолди.

– Ҳукмдорнинг ўз ҳузурига!

Назар ҳукмдорнинг қаердалигини билганини яширмай:

– Ҳаволангами? – деб сўраб қолди.

Айёр ўзига келиб, хато қилмадиммикан, деб уйлади. Подшоҳ чопарларининг сирларини ошкор қилиш яхши эмас-ку!

Назар Айёрнинг хавотирланганини кўриб, бепарволик билан гапирди.

– Шундай ёғингарчилик маҳалда ўз уйингда, томи қалин, пана жойда ўтириш нақадар яхши!

У Борис билан кўз уриштириб олиб унга:

– Бор, тезроқ бўл, англадингми? – деб қўйди.

Борис чиқиб кетиши билан Назар гап бошлади:

– Баҳор яқин қолди, йўллар сирпанчиқ, йўл юриш қийин.

Айёр унинг гапини маъқуллаб:

– Биз чопарларнинг йўли доим сирпанчиқ, – деб зорланди.

– Бизнинг бутун умримиз, ҳаётимиз тойғоқ.

– Ҳа, бутун умримиз... – деб унинг гапини маъқулади Айёр.

Улар форсий ва туркий сўзларни аралаштириб, асрлардан бери Осиё бозорларида эшитиладиган бозор тилида секин гаплашар эдилар. Бу ердан кетиш ва йўл ҳозирлигини кўриш вақти келган бўлса ҳам, у устанинг олдидан бу иссиқ сокин ҳужрадан, Назарнинг бамаъни сўзларини ташлаб кетгиси келмас, ўзини ўз уйидагидек ҳис қиларди. Бу ҳис қаердан келганини ўзи ҳам билмас эҳтимол, у доимо хушёр бўлиш, йўлларда узоқ тентираб юришдан чарчаганидан бўлса керак...

Борис қайтиб келди ва Назарнинг сўзсиз саволига бош ирғаб жавоб қилди.

Айёр Назарга қараб, айбдор кишидек гапирди:

– Бутун умримни эгар устида ўтказдим, лекин сизнинг юртингизни кўрмадим, йўлларини босмадим, Масков узоқ.

– Жудаям эмас, – деди Назар ўйланқираб. – Жудаям узоқ эмас...

– Урисларни кўп кўрдим, лекин мамлакатингизни кўрмадим.

Борис гапга аралашиб:

– Русларни қаерда кўрдингиз? – деб сўраб қолди.

Айёр учун Назар жавоб қилди:

– Руслар ҳамма ёқда бор. Сен бу ерда йўқлигингда чопар гапириб берди: ҳар бир катта шаҳарда, хунармандлар орасида, боғларда бизнинг халқимиз кўп.

– Минглаб! – деди Айёр унинг гапини тасдиқлаб.

– Қаёқдан шунча? – деди Борис шубҳаланиб. Яна Назар жавоб қилди:

– Ўрдаликлар олиб келган. Волгадан, Окадан, улар талончилик қилган, қуролсиз одамлар устига босқин қилган жойлардан. У ерда банди қилиб олиб, бу ерга келтириб сотадилар. Бу ердан қайтиб кетай десанг,

йўл узок: ҳар ёқда пойлоқчилар, йўлда беркинадиган жой йўқ, қаёққа борасан! Худонинг берганига қаноат қилиб яшайдилар. Бу ерда баъзилар сабр-тоқат қилиб, ўз юртлари, ўз ерларини соғиниб кун кечирадилар.

Борис русчалаб гапирди:

– Худонинг хоҳиши. Мен бундай деб уйлайман. Вақти келганда қутқариб оладилар. Москва мустақамлашяпти.

Айёр бир чўчиб тушиб, Борисга қаради.

– Масков тўғрисида нима дедингиз?

Назар Айёрга кўз қирини ташлади, аммо чопарда синчковликдан бўлак нарса сезмади. Борис туркий тилда жавоб қилди:

– Москва менинг юртим.

Шу вақт эшикнинг ҳалқасини шиқирлатиб, бақа-лоқ сарбадор кириб келди, унинг кўнғир соқоли бир томонга силлиқ қилиб таралган эди.

Айёр билан сарбадор, икки юпқа эски қилич ҳавода бир-бирида тўқнашиб, яна ўз қинига тушиб кетгандек, бир-бирларига сергакланиб қараб олдилар. Назар Айёрга:

– Бизнинг кўшнимиз бўладилар, наматчи, – деди. – Мана шу ерга солинган наматни ҳам шу киши босган. Намат қишда иссиқ бўлади.

– Рус юрти тўғрисида гаплашдиларингми? – деб сўради қийшиқ соқол.

Айёр жавоб қилиб деди:

– Дунёни кўп кездим, лекин Рус юртини кўрмадим деяпман.

– Сизнинг йўлингиз ҳукмдоримиз юрган жойларда.

– Дарҳақиқат, шундоқ, тақсир, – деди кўнгли тинчиб Айёр.

Назар қийшиқ соқолга:

– Чопаримиз яна йўлга ҳозирланяпти, – деди. Қийшиқ соқол жилмайиб кўйди.

– Агар йўлингиз ҳукмдор томонга бўлганда эди, салом йўллар эдик.

– Салом енгил нарса, жой олмайди, – кўнди Айёр. – Кимга?

– Мароғий шаҳрида бўларсиз, дейман.

– Эҳтимол, бўлсак.

– Мунажжимхона гумбази орқасида Ширвонбозор бор.

– Биламан, – деди Айёр мийиғида кулиб.

– Уша бозорда бир дегрез бор. Номи Ализода. Унга, Самарқанддан бир киши салом айтди, денг. Мол кут-япмиз, аминмизки, яхши мол келади деб. Мовароун-наҳрда харидорлар истаганча топилади. Ишқилиб, яхши мол бўлса бас. Эсингиздан чиқармасангиз керак.

– Айтиш-ку қийин эмас, лекин эсдан чиқмасайди.

– Хотирда сақлашингиз учун бирор нишона берармиз, – деди Назар.

Айёр ажабланди:

– Бу мол қайси бирингиз учун. Темирчига бир хили керак, наMATчига бошқа хили.

Қийшиқ соқол:

– Яхши мол ҳаммага ҳам асқатади, – деди.

Назар ўйланиб қолди.

– Хотира учун сизга нима берсак экан?

Айёр илтифотсиз қўл силтади:

– Нимани мурувват қилсангиз.

– Биз фақир одамлармиз. Тузукроқ бир нарса беролмаймиз, чакана-чукана нарса беришга кўнглимиз бўлмайди.

Қийшиқ соқол қўйнига қўлини тиқиб, тугмадек оқ бир нарсани олиб, чопонига артди-да, Айёрга узатди.

– Шу кузда бир аскардан сотиб олган эдим, олинг.

Айёр унинг кафтидан юмалоқ суяк исирғани олди.

Унга филчанинг сурати билан парвоз қилаётган икки қушнинг сурати ўйиб солинган эди.

Қийшиқ соқол яна гап қотди:

– Атиги тирноқча келмайди-ю, заргар фил билан икки қушни жойлапти-я!

Айёр ҳайратланганини яшира олмай:

– Кичик бўлса ҳам, ҳунарини айтмайсизми? – деди.

– Кичик, аммо заргар ҳунар кўрсатиб, ўйлаган нарсасини жойлабди. Усталикка буюмнинг катта-кичиклигига қараб эмас, ҳунарига, санъатига қараб баҳо бер, – деди Назар.

Айёр:

– Зап ҳунари бор экан, – деди.

У яна бир нима демоқчи эди-ю, тилини тишлаб қолди. «Инъомга суюнмаса ҳам бўлади, ҳар бир совғани арзимас бир нарса деб қабул қилиш керак. Қимматбаҳо бир буюмни оддий бир нарсадек қабул этсанг, шунда атрофдагиларнинг сенга ҳурмати ошади. Ажойиб нарсага ажаблансанг, тушунмаган нарса устида ўйланиб қолсанг, ғаройиб нарсага завқлансанг, одамлар назарида мартабанг пасаяди. Одамларга ҳамма нарсани билган, кўрган кишидек бўлиб кўриниш керак, токи улар сени ўзларидек ҳисобламасинлар».

Айёр исирғани менсимагандек отиб, яна кафти билан илиб олиб, кулиб қўйди:

– Кўриниб турибди, заргар анча меҳнат қилган. Лекин у нимага ярайди, ундан нима фойда? Балки қизларнинг қулоғига ярашар, ўшандаям жуфти бўлганда... Аскарнинг қулоғига ярашмас дейман, тақсир.

– Ўзларидан қоладиган гап йўқ, – деди қийшиқ соқол.

Айёр исирғани томоша қила бошлади.

– Бизникига ўхшамайди.

– Уруш сафарида ўлжа қилиб олинган бўлса керак, – деб тахмин қилди Назар, – балки Ҳиндистонникидир.

Борис ўйланиб туриб деди:

– Эҳтимол, бир ҳинд қизининг қулоғидан юлиб олишгандир. Вақтида иккита бўлгандир, энди ахтариб жуфтини топ-чи! Эҳтимол, дунёнинг бир бурчида бўлса бордир, қидириб топ. Одамлар билан ҳам шундай бўлади. Бу исирғанинг эгаси ким бўлганини ҳам билиш керак.

Айёрнинг кетгиси келса ҳам, аммо бу одамлардан ажралгиси келмас эди.

Борисга қараб:

– Тўғри айтасан, – деди. – Жуфти қаерда экан? Жуфти бўлмаса нима қиймати бор? – деди.

Айёр ҳужранинг ўртасида туриб, суҳбатга хотима ясагандек:

– Сиз камгап ва жиддий халқсиз, – деди. – Қанча ардоқласанг ҳам ўз юртларини унутмайдилар. Бизнинг динимизга кирмайдилар. Кўпларини кўрдим, ҳаммаси бир хил, қовушмайди, ўзини тортади. Бир-бирлари билан оға-инидек қалин. Эсларида тутишларига қараганда юртингиз чакки эмасга ўхшайди.

Назар маъқуллаб:

– Яхши, – деб қўйди.

– Ҳар бири ҳам, ҳаммаси ҳам бир нарсани кутгандек ётсирайди, ўзини тортади. Гуё кўзлаган бир мақсадлари албатта юзага чиқадигандек. Халқингизни тушуниб бўлмайди, нима кутар экан?

– Ўзларига аён, – деди Назар.

Айёр ҳужранинг ўртасида депсиниб туриб, кетгиси келмай, исирғани қўйнига тикарди.

Бошини эгиб эшикдан чиққач, ҳовлидан келишган қорача бир аёлнинг енгил чопиб ўтганини кўриб қолди.

Тонг маҳалида шаҳар дарвозалари ланг очилгач, Айёр Самарқанддан жунаб кетди.

УЧИНЧИ БОБ ЧОПАР ЙЎЛИ

Айёрга тўрт аскар ҳамроҳ бўлиб кетди. Ҳар бирининг тагида Темурнинг Жиззахдаги уюридан янги от, чакмон остидан калта қилич тақиб олган, қўлларида энгил шамшир бор эди.

Атроф қорсиз тақир текис чўл, қиш мавсуми, йироқларда гоҳ туман қоплаган, гоҳ қор босган баланд тоғлар кўзга чалинади. Хўл, сирпанчиқ узоқ йўл бир неча кунга чўзилиб кетди. Чўллар, тоғлар, саҳроларни, ўз қишлоқлари ва истило қилинган бегона шаҳарларни босиб ўтдилар, ёввойи қабилаларнинг турар жойлари, моҳир усталарни ўз шаҳрига олиб кетмоқ учун ҳукмдор вайронликка айлантирган, одам турмас хароба қалъаларни, ўз далаларида ариқлар қаздирмоқ учун деҳқонларни бу ердан олиб кетиб, ерлари саҳрога айлантирилган ташландиқ далаларни босиб ўтдилар.

Айёр эгар устида маҳкам ўтириб олиб, бепарво кетар эди. Аскарлар унга тенглашиб олиб, кимсасиз жойлардан ўтганда отларини дам йўрттирар, қишлоқлар кўринганда халқни ўзларидан қочирмоқ учун дам от чоптириб кетар эдилар. Подшоҳ чопари кўчасидан ўтган қишлоқ гўё бир мартабага мингандек бўлар эди.

Ёмғирдан ва тердан оғирлашиб қолган чакмонда, катта қайрилма қалпоқ кийган ва шамшир кутарган бу аскарлар оддий аскарлар эмас, балки қизил кокилли чопарнинг ҳамроҳи бўлган отлиқ ҳукмдор аскарлари эди.

Февраль ойи, атроф худди сут қуйгандек ғира-шира оқариб кўринади.

Кучалари тор қадимги Қарши шаҳрида гавжум карвонсаройга тунамоқ учун тушдилар. Бу саройни катта қайрағочлар бозордан тўсиб турар, ёз ойларида улар-

нинг шохлари чирмашиб қуюқ соя ташлар, ҳозир эса яланғоч, қаққайишиб турарди.

Кечаси шамол турди, қайрағочнинг қора шохларида бир гала қарға тинмай қағиллашар ва қоронғи осмонда парвоз қилиб юрган хешларини чақиришар эди.

Қишки пайтда шарқ томондан эсаётган рутубатли шамолни бу яйдоқ дарахтлар тўсолмас эди. Карвонсаройнинг кенг кўрасида ўйнаган шамол томлардан одамларнинг устига хас-чўпларни учириб туширарди.

Отни тез ҳайдаб қизишиб кетган Айёр чакмони, иссиқ чопонини ечиб ташлаб, отхонага борди. Дам олишдан бурун отларни алиштириб олиб, тонг отгунча уларни тахт қилиб қўйиш керак эди.

Чопарнинг йўлда узоқ дам олиши учун фурсат йўқ. Чопарнинг юрадиган йўли ва карвонларнинг ҳар бир манзилда тўхтаб ўтиши «Сафарнома»да аниқ кўрсатилган. Ҳеч бир чопар ва ҳеч бир карвон бу жадвални бузишга ҳадди йўқ эди. Карвон Бухородан Қаршигача тўрт кун; чопар эса уч кун йўл юриши лозим эди. Карвон Қаршидан Балхгача саккиз кунда, чопар беш кунда етиб бориши керак эди. Йўлда ҳар бир шаҳаргача неча кун йўл босиш кераклиги аниқ кўрсатилган эди. Агар чопар отини яхши қантарилган отга алиштириб олиб, йўлини мўлжалдагидан тезроқ босиб ўтса мукофот оларди.

Қош қорайди. Уйлар кўзга чалинмай қолди, шамол эса ҳеч тўхтамас эди. Бирдан қор ёға бошлади. Қарғалар қағиллаб, бир балони бошлаган эди! Қорда тез йўл юриб бўлмасди. Ана, улуғ малика Сароймулкхоним туғилган Қарши шаҳри. Илгари номи Насаф бўлган бу шаҳар ҳозир шу сабабдан Қарши – сарой номи билан юритилади. Насаф шаҳрида Чингизхоннинг невараси, Сароймулкхонининг отаси Қозонхон сарой қурдирган эди. Сароймулк шу шаҳарда туғилиб, беш ёшига-

ча, яъни отаси Қозонхонни Қозғонхон ўлдиргунча шу ерда яшаган. Темур Қозонхоннинг куёви бўлгани учун Қўрагоний, яъни «хон куёви» лақабини олган. Ҳозир энди Қаршида хон саройи йўқ. Тўхтамишхон бундан ўн йил бурун Темур билан урушган вақтида бу саройни буздириб ташлаган. Шу тобда ўша кўрнамак Тўхтамиш қаерда санқиб юрган экан? Темур у кўрнамакнинг жазосини бермоқ учун икки марта юриш қилди. Чистополь шаҳри яқинида, Терек дарёси бўйида уни савалади. Аммо ҳалигача Тўхтамишнинг боши омон, тишини ғижирлатиб, қиличини қайрайди, тиниб-тинчимайди, жаҳонгирга бош эгмайди.

Ҳозир Қарши деб аталган Насаф шаҳрининг бино бўлганига, балки минг йилдан ошгандир. Кўп ишларни кўрди бу шаҳар, бу ерда кўп одамлар яшаб, унутилиб кетди. Чўллардан шамол учуриб келган қалин қор бу ерда эриб, йўқ бўлиб кетди. Ҳозир ҳам қор учиб келяпти, қор уряпти. Ваҳоланки, саҳар туриб йўлга чиқиш ва от солдириб кетиш керак.

Айёр кечаси бир неча бор ўрnidан сакраб туриб, қор тўхтамадимикин, тонг отмадимикин, деб ташқарига чиқиб қаради.

Тонг ғира-ширасида дарвозадан чиққанларида Айёрнинг эти увиша бошлади, ҳеч исина олмади. Шаҳар уйларининг томларини қалин қор босган эди. Оппоқ қор ёққан ясси томлар орасидан яланғоч, кулранг те-траклар қаққайишиб турар, намиққан кесак деворлар сарғайиб кўринарди.

Ер бетини қалин қор қоплаб олган, отлар юмшоқ қорга ботиб-ботиб кетар, баъзан сирпаниб, баъзан эса ариқ ва қатқалоқ дўнгчани кўрмай, қоқилиб мункиб кетар эди.

Бепоён Қарши чўлида отлиқларнинг юзига совуқ шамол келиб урарди. Отларнинг терисини қиров босди, совуқ шамолдан кўзларга ёш келарди.

Маймурга етиб борганларида қош қорайди. Чопарлар бир сурув қўй билан тўлган пастак бир карвонсаройда тунадилар.

Айёр иссиғи кетган эски бир кўрпа остида кечаси билан тўлғаниб чиқди, қўл-оёғи бушашса ҳам, бўш келмай касални енгишга уринди. Мадори қуриган бўлса ҳам, тонг маҳалида гандираклаб отига минди ва йўл юриб кетди. Бироқ эгар устида ўтиришга мажоли қолмади. Ҳадеб ерга ётгиси, ором олгиси келар эди. Бундан кейинги манзил Работи Остона карвонсаройи эди. У ерда тўхтаб ўтиш ҳам мумкин, бироқ бу саройга карвонлар камдан-кам тушар эдилар, мустаҳкам, гавжум, от ва туяларга ем-хашак топиладиган, яхши ошпазхонаси бўлган Миёнкал карвонсаройига етиб олишга уринар эдилар. Бироқ Миёнкал тугул, Работи Остонагача етиб олиш учун Айёрнинг мажоли қолмаган эди.

Томигача қор босган кичкина бир қишлоқда Айёр отини тўхтатди. Ҳамроҳлари биринчи қўрғончага уни суюб олиб бордилар ва қорайиб кетган пастак бир эшикни тақиллатдилар.

Қўй терисидан чолвар кийган бир чол эшик очди. Чолварининг чоклари баъзи жойларда сўкилиб кетган, қўнғир қўй жуни чиқиб кўриниб турарди. Чолнинг юзини пўстак сингари қоплаган пахмоқ соқоли устидаги қўй кўзлари ёшланиб турарди. Кўкраги очиқ узун бўз яктаги чолнинг қоқшол баданини изғириндан асрай олмасди. Бироқ у эран-қаран меҳмонлар билан сўрашиб, сарпойчан оёққа кийган кавушини музлаган ер устида дўқиллатиб босиб, уларни ҳовлисига олиб кирди.

Шифти қоп-қора, пастак кулбада ерга солинган эски намат билан эшик олдида турган сопол кўзадан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Аммо кирган кишиларга бу ер ташқаридан кўра иссиқроқ туюлди, чунки бу ерда қа-

лин деворлар тунғиган кишиларни шамолдан ҳимоя қилгани учунгина иссиқ кўринарди.

Аскарлардан бири уй эгасига, Айёр касал бўлиб қолди, деб айтмоқчи эди, лекин чол уни тинчитгандай бўлиб, бир қўлини юқори кўтарди-да:

– Шошма, ҳовлиқма, – деди ва шошганича бошқа уйга кириб, у ердан иккита пўстак олиб чиқди. Пўстакларни намат устига солди. Дармонсиз Айёр уларнинг устига ўзини ташлади. Чол бирпас унинг тепасида туриб, яна чиқиб кетди. Қайтишида серямоқ катта жун чакмон олиб кириб, Айёрнинг устига ёпиб қўйди ва «ётавер» деди.

Аскарлар хуржунни келтириб, эшик ёнидаги девор бўйига, суяниб ётсин учун эгарни Айёрнинг боши тагига қўйдилар.

Айёр ётишдан олдин кўзларини юмиб, кўнжидан халтача олиб, ўғри чўнтагига солиб қўйди, кейин аскарларга деди:

– Уй эгаси мени эҳтиёт қилиб сақлайди. Сизларга бу ерда ўрин йўқ. Работи Остонага бориб мени кутиб туринглар. Нон-пон ёки бирон нарса топсаларинг, эртага битталаринг менга опкелиб беринглар. Уй эгаларида ҳеч вақо йўққа ўхшайди.

– Бор, топилади меҳмонга, – деди уй эгаси жонини фидо қилмоқчи бўлгандек ҳовлиқиб. – Бизни хафа қилмоқчимисан?

Айёр чолнинг гапига кириб, аскарларга деди:

– Мени Работда кутинглар. Бу ерда ҳеч кимнинг ҳеч нарсасига дахл қилманглар, олманглар.

Аскарлар норози бўлгандек бир-бирларига қараб қўйдилар. Подшоҳнинг чопари бетоб бўлиб қолиб, бунақа ишлар учун ҳеч ким дакки бермайдиган бўлгандан кейин юлқиб олиш мумкин бўлган нарсадан воз кечиш уларнинг одатига хилоф эди. Бироқ Айёр гапидан қаттиқ турди.

– Жунанглар, бўлмаса қош қорайгунча етиб ололмайсизлар. – Шунини деб ҳолдан кетиб чўзилди. Уй эгаси аскарларни кузатиб келганидан кейин:

– Менга ҳеч нарса керак эмас, ота, ухласам бас, – деди, чол тез орада сопол товоқда доғланган ёғ олиб келиб, Айёрнинг кукрагига, товонига, кафтларига суркади.

– Нима, мен гўдак боламанми? – деди Айёр эътироз қилиб, лекин бу оталарча қилинган ғамхўрликка рози бўлмай иложи йўқ эди. Бундай ғамхўрликни болалик чоғидан бери кўрмаган эди.

Мудроқ ичида:

– Отингиз нима, ота? – деб сўради.

– Анорбой.

– Яхши номингиз бор экан.

– Ҳа, энди бир номда, – деб кулиб қўйди уй эгаси. – Етиб дамнингни ол.

– Менинг лақабим Айёр.

– Биламан, аскаринг айтиб эди.

Уй эгаси яна жилмайиб қўйди. Энди чопарнинг бу лақабидан кулган эди.

Айёрнинг кўзлари тиниб, ҳеч нарса кўринмай қолди.

Эрталабга келиб, Айёрнинг титроғи босилди. Кундузи эса чарақлаган офтоб ва гармсел таъсиридан қор тепалари эриб кетди, фақат соя-салқин ерлардагина қор излари қолган эди.

Айёр беҳол ётар, боши тошдек оғирлашган, тева-рак-атрофдаги нарсалар худди тушидагидек хаёлотга ухшар эди. Кўзини очиб қараса, чол ёнида ўтириб, пичоқ билан бир нарсани йўнаётгандек кўринди, кўзини бир очиб қараса, кеч кирибди. Эшик олдида барваста бир қиз турибди. Яна бир очиб қараса, тунда бўрилар билан олишиб қолган итларнинг хириллаши эшитилди.

Бир-икки кун утгандан кейин Айёр енгил тортди. Лекин ўзи бир оз заиф, боши оғирроқ эди. Ўрнидан

туриб уй эгаси билан гаплашиб утирар, исиниш учун ташқарига, офтобга чиқар эди.

Нам ердан баҳордан дарак берувчи лолалар ниш уриб чиқа бошлади. Чол уларнинг олдига бориб шундай деди:

– Чиққанларига бир ҳафтача бўлди. Офтобга ишонган эдилар, қор босиб қолди. Улар яна бўй қўйибдилар, Назаримда, қор тагида ҳам ўсаверибдилар.

Аммо Айёрнинг суҳбатга тоби йўқроқ эди.

...Ҳовлида ҳам, уйда ҳам барваста чўтир қиз рўзғор ишлари билан ивирсиб юрар; шувоқ супурги билан ҳовли супурар, ҳовлининг бир чеккасидаги тандирга таппи қалар, номаҳрам кишидан қочгандек бўлиб бошига чопонча ташлаб, қалами лозими остидан қора товонини кўрсатиб, у ёқ бу ёққа ўтиб турарди. Аксари юзини беркитиш ўрнига чопончасини тескари ёпиниб, юзини йигитга кўрсатиб ўтарди. Айёр индамай унга қараб қўярди ва қарагиси келарди. Қизнинг қомаги унча келишмаган, чўтирроқ эди, қўллари қоракуя, қўлини юзига суркаган бўлса керак, пешонаси қорайиб қолган. Бироқ унга қараш нашъали эди.

У хамир қорилган сопол тоғора, кўзалар орасида эпчиллик билан ишини битириб юрарди. Учоқ олдида чўққайиб ўтириб тезак пуфлар, бир тутам хашакни ўчоққа ташлаб ловуллатар, алангадан қочмас, уни фақат кафти билан тўсар эди.

Кейин қумғондан сув қўйиб, қўлини чайди. Нон яса керак. Сувни аяб, қўлига камроқ қўйди.

– Сув камчилми? – сўради Айёр уй эгасидан.

– Қудуқдан фақат қўйларни суғорамиз. Ўзимиз ичмаймиз, шўр.

– Бўлмаса сувни қаердан оласизлар?

– Хув анави жарликдан. Қизил тошни кўряпсанми? Уша ерда сув бор, ёзда қуриб қолади. Ёзда қудуқдан ичамиз.

– Рузгор ишларини қизингиз бажарадимми?

– Аёлим йўқ.

– Йўқми?

– Ҳаттиз йил бўлди, Тўхтамишхон Қаршига келганида аёлимни олиб кетган. Қизимни пинжимга тиқиб асраб қолдим, янги туғилган кўзичоққа кўзим тушган эди, уни ҳам пинжимга олдим. Жарликка тушиб тошнинг панасига яшириндим. Тўхтамиш кетгандан кейин қайтиб чиқдим. Қизимни ҳам парвариш қилдим. Қизим уч ёшда, кўзи туғилганига уч соат бўлган эди. Уғлим олти яшар эди, ўзи яширинди. Томга чиқиб пушиб олди. Билишмади. Аёлимни олиб кетишди.

– Уғлингиз ҳаётми?

– Ҳукмдорнинг ўзи билан бирга. Ҳукмдор билан бирга бўлгандан кейин тирикми, ўликми фарқи йўқ. Ўнбоши.

– Икковларинг қийналсаларинг керак.

– Олтимиш ёшда эдим. Сўққабош эдим. Чўлда қўйлар орасида ёлғиз эдим. Бу ердан бир куни минглаб бандиларни ҳайдаб ўтдилар. Ҳукмдоримиз Хоразмни олиб, одамларни Самарқандга ҳайдатибди. Бандилар ҳадеб ўтаверди. Қарасам, улар чанг босиб, қорайиб кетибди, кўзлари қизарган. Олти кунгача ўтишди. Олтинчи куни бир қиз оқсаб кетяпти. Оёғи чиққан бўлса керак – йўл босолмайди. Юрмаса ўлдиришади. Мен уни эпчиллик билан одамлар орасидан суғуриб олиб, муйилишга тортиб қолдим. Ўзи ҳам фаҳмлаб, девор орқасига оқсаганича ўтиб олди. Шундай қилиб қолиб кетди, мен хотинлик бўлдим. Уйланиш ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Нима билан боқаман? Қаллиқ олиш учун ҳеч нарсам йўқ эди. Қўйларни берсанг, ўзингга нима қолади? Шундай қилиб, менга хотин бўлиб қолди. Оҳ, қандай хотин эди! Олиб кетишди. Унақасини топиб бўлмайди. Баҳорда мен қирққан жунни ёзда ип қилиб

йигириб, буюб, қишда гилам тўқир эди. Тўқиган гиламини Қаршига обориб сотиб, рўзғорга керакли нарсаларни олиб келардим. Турмушимиз яхши эди, уни олиб кетишди.

– Қизингиз гилам тўқишни билмайдими?

– Биладиди-ю, энди жун қаёқда дейсан. Қўйларни ўша вақтда ҳайдаб кетишган. Хотинимдан чала тўқилган бир гилам қолган эди, уни кўришмади. Қизим шу гиламга қараб тўқишни ўрганди. Лекин жун топиб беролмадим.

– Тирикчиликларинг қандай?

– Қўзи боқиб сотиб, дон оламиз. Ёрғучоқда ун тортиб, нон ёпиб еймиз, кетидан доғ сув ичамиз, Шу баҳор ўткинчи бир отликқа бўрилар ҳамла қилган. От қочиб қутулгану, сағри дабдала бўлган. Йўловчи отини ташлаб кетди. Қўшним билан бирга ўша отни сўйиб олдик, бўлмаса ўзи ўларди. Кузда қази қилиб осиб қўйганмиз. Андак пишириб, сени қази билан сийлай.

– Шундоғ, ота... Тириклик осон эмас.

– Нимасини айтасан? Ҳар куни бир нағмаси бор, товланиб туради.

– Турмушми?

– Ҳовва.

– Сиз шу ерда туғилганмисиз?

– Ҳа, шу ерда. Бошқа қаерда ҳам тириклик қилиб бўлади.

Теп-текис Қарши чули қоронғилик ичида. На бир дарахт ва на бир бута кўринади. Онда-сонда қаққайиб тош кўринади ёки дўнг тепалик.

Қулоғи, думи кесилган катта чул итлари кўринди. Уй эгаси чол уларга кулиб қараб:

– Кечаси булар иккита бўрини ғиппа бўғдилар, анави тош ёнида. Мен терисини шилиб олай деб борсам, тери қаёқда дейсиз, дабдаласи чиқибди, – деди.

Қиз ҳамон ҳовли ичида юрарди. Қизиган ўчоқнинг оғзини қопқоқ билан ёпиб қўйди, ўчоққа гир айлангириб нон ёпилган эди. Ўчоқ бошини супуриб бўлиб, кўзани елкасига қўйди-да, узоқ тош орқасидан сув олиб келгани кетди. Бошидаги чопончасининг барини шамол учиради, кенг кўйлагини ҳилпиратар эди.

– Нега яланг оёқ?

– Пойабзал оғирлик қилади, узоқ, – деди чол аста гапириб.

– Ҳали баъзи жойларда қор кўринади, совуқ.

– Қорда ҳам яланг оёқ юраверамиз, пойабзални қаёқдан оламиз?

– Совуқ-ку, ахир, – деди Айёр.

– Ўғлим яланг оёқ эмасдир, у аскар, унбоши. Бу атрофда сен оёғи бут одамни учратдингми? Бизда ўлжа нима қилсин!

Айёр босиб олинган ерларни эслаб:

– Ҳар қалай сизлар у жойдагилардан кўра яхши кун кечирасизлар-ку, – деди.

– Нимасини айтасан, ҳукмдор ўзимиздан. Биз унга аскар берамиз, ғалла берамиз, қўй боқиб берамиз, аскарини боқамиз. У эса ўлжани олиб, бизга подшоҳлик қилади.

Чол салмоқлаб гапирарди. Чолнинг сўзларида унга ўз лақабини айтганда унинг юзида зоҳир бўлган жилмайишга ўхшаш кулги асари кўринди. Энди бу жилмайиш Айёрни хафа қилмади. Бу ерда у, Назарнинг олдидаги сингари, кўнгли тинч эди. Аскарлар орасида ёки карвонсаройдагидек эмас эди.

Қиз чўл томондан елкасига кўзасини қўйиб, оқсаб келарди. Қўлини майда қадам ташлашига монанд силкитиб, муздек шабадага қарши эркин юриб келарди. Кўза остида ўзи сотупроқдан қилинган ҳайкалдек кўринарди. Шамол кўйлагини баданига қапиштириб

қўйган, баланд кўкраги, йўғон путлари шамолда билиниб турарди.

Афросиёбда кўйлаклари ҳилпираб турган маъбудаларни тасвирловчи сопол ҳайкалчалар топилиб турарди. Самарқанд болалари Афросиёбда шундай маъбудаларни топиб олардилар. Эрта баҳор ёмғирлари тингандан кейин болалар бу маъбудаларни топиб уларга чипор кўйлаklar кийгизишиб ўйнашар эди.

Қоронғилик босиб келаётган чўлда оғир кўза кўтариб келаётган қиз тирилган маъбудадек эди.

Шу вақтда карвон туялари кўнғироғининг турна курқурашига ўхшаш овози эшитилди. Ҳозир, эҳтимол Самарқанддан келаётган карвонни ва одамларни Айёр кўргиси келмас эди. У ўрнидан туриб, бу карвондан ўзини олиб қочарди-ю, лекин қизнинг келишини кутгиси келди.

Қиз яқинлашиб қолган эди. Бироқ Анорбойнинг итлари ҳуришиб, ўзларини йўлга отдилар. Уйнинг муйилишидан йўл устида эшак минган йўловчилар кўриниб қолди. Уларнинг орқасидан туялар мағрур бошларини ғоз кўтариб, битта-битта қадам ташлаб келмоқда эдилар. Карвон итлари эшаклар оёғи остига ўзларини олиб, акиллашиб тишларини иржайтириб, бу ердаги итларнинг ҳужумини даф қилмоқчи бўлардилар; улар уришмас, чунки бу ер ёт-бегона кишиларники эди. Итларнинг ҳуриши ва кўнғироқларнинг садоси остида бир-бирларига калта арқон билан боғланган, арқоннинг бир учи олдинги туянинг эгарига, бир учи кейинги туянинг бурнидаги ёғочга боғланган, туялар мағрурлик билан битта-битта юриб, бир маромда, бепарво қадам ташлаб ўтмоқда эдилар.

Қиз йўлнинг нариги томонида қолди. Карвон катта, туя кетидан туя ўтмоқда, эшак минган карвончилар бир кўриниб, яна узоқлашиб кетарди. Қиз эса кўзани ерга қўйганича, йўлнинг нариги томонида кутиб ту-

рарди. Айёр билан унинг ораси икки қадам бўлса ҳам қизнинг келишини, эҳтимол, узоқ кутиб туриш керак эди. Баъзи карвонларда юзлаб туялар бўлади. Баъзан минглаб туялар, қўнғироқларини даранглатиб, эран-қаран, менсимагандек бошларини баланд кўтариб ўтаверадилар.

Туриб-туриб Айёрга алам қилиб кетди. Карвон ҳеч қачон Айёрга халал бермас эди: ҳамма подшоҳ чопарига йўл бўшатар эди. Ҳозир эса қўлидан ҳеч нарса келмайди! Карвон қанча узун бўлса, унинг назарида, қизнинг бу ерга, ҳовлига шунча тез етиб келиши лозим эди, усиз Айёрга бир нарса етишмайдигандек эди, бир ёқдан кулча куйиб кетаётган эди. Карвон ҳамон ўтмоқда эди. Баланд ва яхши бир эшак устида кулоҳ кийган дарвиш ўтди.

Айёр жаҳли чиққанини яшириш учун:

– Художўй одам, – деб қўйди, аммо бу гапни шундай ғазаб билан айтган эдики, чол уни маъқуллагандек:

– Пода бор жойда бўри ҳам бор, – деди.

– Қандай қилиб?

– Одам пода орқасидан кун кўради. Пода чўлда овқат топиб ейди. Чўлда бўрилар туғилади. Бўрилардан қутулмоқчи бўлсанг, чўлга ўт қўй. У чоқда подани нима билан боқасан? Хах-хо! – Чол тупуриниб: – ё, Оллоҳ, – деб қўйди.

Айёр чолга қараб ўйга толди. Бир неча кундан кейин Айёр от минадиган ҳолга келди. Хайрлашаётганда Анорбой чопарнинг хуржунига янги ёпилган лочира, бир бўлак қоп-қора от қазиси ва иккита пиёз солди, бу қуруқ чўлларда пиёзни бирор нарсага ўткинчилардан алмаштириб олиш жуда маҳол эди, шу сабабдан Айёр чолнинг сахийлигига қойил қолди. Бироқ Анорбойга совға қилиш учун Айёрда ҳеч нарса йўқ эди. Айёр унинг кўнглини олиш учун:

– Отажон, қўшин орасида ўғлингизни учратиб қолиш насиб бўлса... унга айтадиган нима гапингиз бор? У ерда ўғлингизни қандай топаман? – деди.

– У Султон Хусайннинг отлиқ қўшинида. Оти Мумтоз, лақаби Курсоқ.

– Нега унга бунақа лақаб қўйибдилар?

– Нафси бузуқ бўлгани учун.

Айёр чолнинг сўзларида адоват борлигини пайқади.

– Унга нима дейин?

– «Уришавер, уришавер», де. Унинг жойи – уша ер.

Чўтир, барваста қиз дам эшик олдида тўхтар, иши бўлмаса ҳам сал оқсоқланиб ҳовлидан ўтиб турар, бошидаги чопончаси билан номаҳрам кишидан юзини боягидек беркитмоқчи бўларди.

Айёр бу қизнинг эрта билан ўсма қўйганини, юма-лоқ юзига келишган қошлари бир-бирига пайваста қилинганини пайқаб қолган эди. Энди Айёрга бу қиз узининг митти кўзлари билан эмас, шу қоп-қора пайваста қошлари билан қараётгандай туюлди.

Айёр қўйнидан кичкина бир тугунчани олиб, уни очди ва Назар берган ҳинд исирғасини олиб, Анорбойга чўзди:

– Ота, шуни олиб қизингизга беринг.

Анорбой унга эътироз қилиб:

– Киши қаллиғига қимматбаҳо нарса беради, – деди.

Айёр исирғани кафти билан қисиб: «Қаллиқни менга ким қўйипти! Эгар устида олиб юраманми? – деб уйлади. – Мен оилам билан қаерда яшайман? Қаерда уй кураман? Ким менинг эгардан тушишимга рухсат беради? Қиз бўлса, юргани юрган. Совчи юборса ҳам бўлади...»

Бироқ чолга:

– Ота, мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим, – деди, – Эсдалик учун бирор нарса бермоқчи эдим.

– Шусиз ҳам эсда олиб қоламиз.

Айёр исирғани яна қўйнига солиб қўйди.

«Бу бола чопонини улар қаердан олди экан», – деб уйлади у. Бу кесак девор, япасқи уйни, қўйларнинг туёғи билан босилиб заранг бўлиб кетган, деворлари соясида мудраган бўридек, қора тумшуқ катта итлар ётган ҳовлини ташлаб кетгиси келмас эди... Бу чопончани ташлаб кетишга шошилмас эди.

Анорбойга:

– Қайтишимда уйингизга тушиб ўтаман, – деди.

– Биз бу ерда бўлмаймиз.

– Нима учун?

– Лолалар ниш уриб, бизни чўлга чорлаяпти. Бор-йўғимизни эшакка ортиб, қўйларни ҳайдаб кетамиз, қиш тушгунча қўйларни чўлда боқамиз. Фақат қишлаш учун қайтиб келамиз. Ўзинг биласанки, одамнинг ҳаёти қил устида. Қишгача нима бўлишингни билмайсан! Ёзда бизни қаердан топа олардинг! Қаерда бўлишимизни ўзимиз ҳам билмаймиз. Йўлдан узоқроқ юрсанг, бошинг омон бўлади. Замонамиз шундоқ!..

Анорбойнинг икки қўшниси – шу кичкина қишлоқда қишлаган, кўхна чакмон кийган икки чол уларга яқинлашди. Айёр уларга ҳурмат билан таъзим қилиб, Анорбой билан кучоқлашиб хайрлашди ва отланар экан, сўнган ўчоқ олдида қотиб қолган қизга кўз қирини ташлади.

* * *

Айёр Работи Остонага етиб келиб, кутавериб кўзлари тўрт бўлган аскарларини оёққа турғизди:

– Кутиб қолдингларми? Қани бўлинглар, отларни тезроқ эгарланг, кетдик!

Йўл чўл-биёбон устидан ўтар эди. Аҳён-аҳёнда чўлда яйловга кўчиб кетаётган чорвадорларнинг озгина подаларини учратар эдилар. Бир марта катта бир қўй сурувини четлаб ўтишга тўғри келди: чўпонлар бой

бир аъённинг қўйларини юкли туялар билан бирга ҳайдаб кетаётган эдилар.

Нишон қишлоққа етиб боришлари билан Айёр, гарчи яхши бўлса ҳам, ўз отларини янги отларга алмаштириб олди, отларнинг дам олишини кутиб ўтиришни истамади. Қоқ ярим кечада ўрнидан турди: тонг маҳалида ухлаб қолишни истамас эди. У дарвозани ўзига ҳаммадан бурун очиб беришларини илтимос қилди. Дарвозани ғичирлатиб, тўнғиллаб очиб беришлари билан, чопар отини чоптириб кетди. У касал бўлиб ётган кунларининг ҳиссасини чиқармоққа шошилар эди. У қаерда соғлом ва бақувват қорабайирни кўрса, дарров отини унга алиштириб оларди. У қорабайирни бошқа от навларидан афзал кўрарди.

Амударёдан кечиб ўтиладиган жойга кечқурун етиб бордилар. Аму билан Сирдарё ўртасини энлаб ётган Мовароуннаҳрнинг жанубдаги чегараси шу ердан ўтар эди. Темур Мовароуннаҳрни ота юрти, азиз ватани, бепоён подшоҳлигининг юраги деб ҳисоблар эди. Мовароуннаҳрдаги шаҳар ва қишлоқларда одам камайиб қолмасин деб, бу ердан ҳар кимни ҳам четга чиқармас эдилар. Темур босиб олган ўлкалардан кўчиртириб келтирилган юз минглаб муҳожирлар шу ерда меҳнат қилар эдилар.

Кечаси дарёдан кечиб ўтиш мумкин эмасди. Дарёнинг нарёғидаги Керки шаҳри қалъасининг миноралари қад кўтариб турарди. Дарёнинг бу томондаги қирғоғида деворлари мустаҳкам катта карвонсаройлар, кушхоналар, работлар бир-бирига сиқилиб турарди.

Тонг маҳалида солчиларнинг кемалари қирғоққа келиб тўхтади. Энг яхши соқчилар орасидан танлаб олинган чегара пойлоқчилари қирғоққа чиқдилар. Улар шу қадар бебош ва қўпол эдиларки, уларнинг йўловчиларни тинтиётганлари ва сўроқ қилаётган-

ларини кўриб, подшоҳнинг дахлсиз чопари Айёр ҳам ҳайиқиб турди.

Отлар ҳуркмасин деб уларнинг бошларига чопон ва эски-туски ташлаб қўйдилар, уларни кеманинг ўртасига олиб келиб, ўзлари жиловларидан ушлаб турдилар, Бутана сувли Амударё қайнаб, гирдоб бўлиб оқмоқда эди. Баъзи жойларда сув чирпирак бўлиб, гўё юмалоқ бошли шерлар камардан чиқиб оғзини очиб тургандек туюларди.

«Худоё ўз паноҳингда асра», – деб ўйлади Айёр.

Дарёнинг нишаб бўлиб тушган қизғиш қирғоғи яқинлашмоқда эди. Қирғоқдан шаҳарнинг четидаги ясси томлар, болалар лойдан ишлаганга ўхшаган кунгирадор қалъа деворлари, лойдан ишлангандек пастак, даҳшатсиз бурчак миноралари – Керки шаҳри кўринарди.

Пойлоқчилар билан ғиди-биди қилиб кемага мингунча дарёдан сузиб ўтиб яна юкларни қирғоққа туширгунча кеч бўлди. Хуфтон намозига яқин, шаҳар дарвозалари ёпилиши олдидан, йўловчилар тунагани Работга келиб тушдилар.

Айёрнинг аскарлари шаҳар айланиб, бозори шабни томоша қилмоқчи эдилар, аммо Айёр фақат ҳаммомга тушишгагина рухсат берди. Ҳаммомда қотма ходимчилар қора чироқнинг хира ёруғида аскарларни наридан-бери ходими қилиб, устларидан сув қуйиб ювинтирдилар.

Улар узун кун ишлаб чарчаганлари учун ишни тезроқ битиришга шошилар эдилар.

Айёр тонг отмасдан бурун ўз соқчиларини уйғотди. Намоз бомдоддан олдин улар отларига миниб, намозхоналар, масжидлар ёнидан от солдириб ўтиб кетдилар, тақводор одамларнинг таънали қарашлари остида шаҳар дарвозаси томон йўл олдилар.

Дарвозабонлар бомдоднинг ўқилиб бўлишини кутдилар. Ниҳоят, дарвоза очилиши билан шаҳарга Марвдан келган карвонлар кира бошлади. Бироқ Айёр карвоннинг тўхтатилишини талаб қилди. Дарвозабонлар эътироз қилишга юрак бетлай олмадилар, туялар қўрғон тагида тўхтатилди, Айёр улар ёнидан утиб, шаҳардан чиқиб кетди.

Дарвозадан чиқаверишдаги эски қабристон, сағаналар ва кўҳна дахмалар ҳувиллаб ётар эди. Қабрлар орасидан қўлида жўмраги узун кўза ушлаган дарвиш бош кўтарди, у яна энгашиб, ердан жойнамозни олди. Айёрнинг соқчилари Керкида шундан бошқа нарсани кўрмадилар. Дахманинг нураган деворлари ёнидан ўтгач, Айёр тўғри йўлдан отини чоптириб кетди.

Баъзан кечаги бетоблиги асар қилиб, боши карахт бўлар, оёқлари увишар эди. Шунда Айёр эгардан тушиб, оёқларининг вазиятини ўзгартирмоқ учун дам узангини қисқартирар, дам узайтирар, яна отига миниб, ҳайдаб кетарди.

Қум саҳролари бошланиб, иссиқ шамол эса бошлади. Осмон беғубор, ерда сўфитўрғайлар йўрғалаб юрарди. Баланд пахса деворли работлар аҳён-аҳёнда учрайдиган бўлиб қолди. Саҳро қудуқларининг суви шўр, одамлар камгап ва сусткаш эди.

Бир куни эски хум ва кўза сопол синиқлари ер билан битта бўлиб ётган йўлдан ўтдилар: бир вақтлар одамлар узоқ замонгача сувсиз қишлоқларга шу йўлдан ширин сув ташиган эдилар. Бадан учун қон қандай керак бўлса, ер учун ҳам сув шунча зарур: ариқ қазиб, узоқ дарёлардан сув оқизиб келтирилганда, қирғоқларга жон кириб ер яшнар, асрий ташналигини қондиргани учун одамларни меҳнатига яраша мукофотларди. Темур, Чингизхон истилосидан сўнг қуриб қолган ариқларни тозаламоқ ва кенгайтирмоқ учун қақраган чулларга юз минглаб бандилар, қуллар

ва деҳқонларни ҳайдаб келтирган эди. Улар Мурғоб чулларида, Афғонистондаги водийларда, Хуросон далаларида ариқ қазиш билан банд эдилар: аскарларни боқиш учун Темурга ғалла керак, янги ерларни урушиб олмоқ учун аскар керак эди. Аммо бир замонлар ғалла битадиган бу ерлар янтоқзорларга айланган, шўр ўт босган, сувсиз эди. Бироқ на ариқ қазиётиб ташналикдан ўлаётган қулларнинг меҳнати, на назоратчиларнинг қамчилари, на қақраган ерларни ҳайдаб яшнатиш учун ўз ерларидан ҳайдаб келтирилган деҳқонларнинг тажрибалари бу ерларга жон киргизишдан ожиз эди. Бу ерлар Чингизхон отлиқ аскарларининг отлари ва моллари туёғи остида заранг бўлиб кетган эди. Ўз далаларини қунт билан ишлайдиган юз минглаб ёш деҳқонлар керак эди, бироқ, ёшлар сўқа дастасини ушлашни унутган, тўхтамай йўл босган Темурнинг отлиқ аскарлари сафида хизмат қилиб, қилич дастасини маҳкам чангаллаган эдилар.

Айёр Мурғоб дарёсидан ўтиши лозим эди. Қалин тўқайлар дарёни тўсиб турарди. Қамишзор орасидан дарёга торгина сўқмоқ бор эди. Бу ерда тунаб қолишга тўғри келди, чунки солчилар нариги қирғоқда эдилар.

Айёр қамишзорнинг бир чеккасидаги қишлоққа тушди. Аскарлар эгардан хуржунларини олиб, кичкина бир кулба олдига келдилар, хуржунларини кесак деворга тираб қўйиб, ўзлари соя ерга ўтирдилар.

Офтоб ҳали анча баландда эди. Торгина қизил мата қўйлак кийган, бошига оппоқ саллача ўраган бир кампир ўчоққа қамиш қаламоқда эди. Кун шу қадар ёруғ эдики, ўчоқдаги олов куннинг ёруғида кўзга кўринмай, тутун чиқармай ёнар, гўё қуёш нуридан алангаланиб кетаётгандай эди.

Уйдан нарироқда қўй терисидан қора папоқ кийган, яктагининг этаklarини белбоғига қистириб, иштонининг почасини тиззасигача шимариб олган новча,

яланг оёқ бир одам омоч суриб юрарди. Омочни териси тим қора, мугузлари оппоқ хўкизлар оғир бўйинтуруқ остида бошларини эгиб, аранг судрамоқда эдилар.

Терлари офтобда йилтиллаган хўкизлар кўм-кўк осмон остида ҳайдалган қорамтир ерни битта-битта босиб юрар, деҳқон эса гоҳ омочни қаттиқ босиб, гоҳ уни кутариб, хириллаб бақириб хўкизларни ҳайдар эди. Унинг анча вақтдан бери ер сураётгани билиниб турарди. Келган одамларни кўриб, у омочни ерга қаттиқроқ ботириб, хўкизларни бўйинтуруқдан чиқарди ва оқсоқланиб уй томон юрди. У ер ҳайдаётган маҳалда оқсоқлиги билинмас эди, бироқ энди у хўкмдорнинг ўзидан ҳам оқсоқ экани билиниб қолди. Яқинроқ келганида чап кўзи кўр эканини кўрдилар.

Деҳқон яктагининг этаги билан терлаган юзини артиб, Айёрнинг олдига келиб тўхтади, гўё бирдан ҳолдан кетаётгандек ерга ўзини ташлаб, деворга суяниб олди. Унинг юзини яна тер босди, у яна этаги билан артинди.

– Кўпдан буён ҳайдаяпсизми? – суради Айёр.

Ўзи билан батакаллуф ҳол сурашаётганидан мамнун бўлиб:

– Беш кундан буён, – деди. – Яна икки кунлик иш қолди.

Кампир унинг олдига бир кўзада муздек сув ва сопол пиёла олиб келиб қўйди. Уй эгаси пиёлани Айёрга узатди, бироқ ўзининг бўзарган қалин лабларини ялаётган чолга қараб, Айёр:

– Ичинг, олдин ўзингиз ичинг, – деди.

Деҳқон пиёлани маҳкам чангаллаб, гўё сувнинг мазасини кўраётгандек, шошмай оз-оздан ҳўплаб ича бошлади. Шундай ичганда ташналик тезроқ қондирилади. Агар катта-катта ҳўплаб ичилса, ташналик қонмасдан бурун қорин тўлиб қолади. Сувга муҳтож киши сувни қандай ичишни билади.

Қамишлар шитирлар, баъзан қарсиллаб кетар эди. Улар дарё бўйини қоплаб олган ботқоқлик жойлардан анча нарига чўзилиб кетган эди.

Ичига кун тушмайдиган тўқайзорларда ёввойи ҳайвонлар из солган сўқмоқлардан ҳафталарча юриб, охирига етиб бўлмас эди. Бу ерларда изғиб юрадиган ёввойи тўнғизлар болалаб кўпайиб кетган, очиқ ерларда сергак оҳулар ўтлаб юрар, яшил кўзларини қисиб ёввойи мушуклар, олачипор барслар, Темурнинг ўзидан ҳам кучли, мағрур йўлбарслар ов қилиб юрарди.

Уй эгаси Айёрга:

– Ерни ҳайдаб бўлиб, девор уришга тушаман, дала-ни баланд девор билан гир айлантириб ўраб олиш керак, – дер эди. – Бўлмаса тўнғизлар кириб, экинзорларни пайҳон қилади. Агар девор урмасанг, на қовун, на тарвуз эка оласан. Ҳароми тўнғизлар бир балойи офат.

– Ёлғизлик қилиб қийналмайсизми? – Нима қилман? Икки ўғлимни бериб қўйдим. Бири Кама дарёси бўйида Тўхтамишхон кўлида ўлди, иккинчиси Ҳиндистонда, Деҳли устига юриш қилганда... Ўзим ўн йилча ўқ-ёй кўтариб юрдим... Хайриятки, Бағдодда мажруҳ бўлганимдан кейин, ҳукмдоримиз, мени уйимга қайтариб юборди. Гап шунда, бировларнинг далаларини оёқости қилганингда, ўз ерингни ҳайдаб, экин қилгинг келади. Ўз еринг – ўз жойинг тўғрисида қанча кўп ўйласанг, бировларнинг жойини шунча қаҳри ғазаб билан бузиб ташлайсан. Феълим шунақа, экин-тикин қилишни яхши кўраман. Сафарларда олтин олиб, қопингни шойи билан тўлдираётганингда ҳам, ўзинг аланглайсан: ўз ерингга сочмоқ учун бир ҳовуч уруғлик дон ахтарасан.

– Урушдан қайтганингизга хурсандмисиз?

– Бўлмаса-чи! Аммо одам баъзан хурсанд бўлмайди...

– Нега?

Подшоҳ чопарининг бу саволига уй эгасининг жавоб бергиси келмади. Бир зайлда шитирлаб турган қамишзордан бирдан қисирлаган овоз эшитилиб, дарров тинди. Уй эгаси тўқайзорга ўгирилиб қараб:

– Йўлбарс пусиб келаётган бўлмасин, тагин? – деди. – Отларингизнинг исини билган чиқар. Йўлбарс бўлса, уни қилич билан даф қилиб бўлмайди.

Қамишзордаги тор сўқмоқдан йўлбарс эмас, балки кийикдек хипча бўз от минган, қоракўл папоқ кийган, букчайган бир чол чиқди, унинг орқасида йўрға жийрон от минган қуролли бир йигит келмоқда эди.

Чол Айёрга кўз қирини ташлаб, бир чеккадан ўтиб кетди.

Чол дала бўйлаб, қалъадек баланд бир кўрғончага томон йўл олди. Кечки қуёш нурларида унинг орқасидан узун кўкимтир соя чўзилиб борар эди. Осмон кўмкўк тусга кириб, қамишлар қизарди.

– Ким бу? – деб суради Айёр. – Мен уни қаердадир кўрганман.

– Кечикда кўрган чиқарсиз? Уша ерда у соқчиларга унбоши, бизнинг устимиздан ҳоким.

– Бераҳмми?

– Бераҳм деб бўлмайди. Ёмонлаб бўлмайди. Уз ишини бажаради. Мен бўлсам ўз вазирамни адо этаман. Шунақаман.

– Нима қипти?

– Ҳеч нима! У деҳқончилик қилишимга халақит бермайди. Бизни ҳукмдоримизнинг ўзи ерга ўтирғизиб қўйиб: «Деҳқончилик қилинг, менинг аскарларимга ғалла беринг. Мен сизларни кўриқлайман, сизлар эса мени боқасиз», деган. У мендан ғалла ундириб олса, ҳаққи бор, хафа бўлмайман. Уша назоратчи ҳеч кимни ранжитмасдан ҳукм суради, олиши лозим бўлган ҳамма

нарсани олади, аммо ҳарорат одамнинг лаб-даҳанини қуритгандек, у ҳам кишини ўз қонига ташна қилади.

– Агар у ортиқча нарсани олмаса, нега сизни қонингизга ташна қилади?

– Ортиғини олмайди: мен ҳукмдорнинг хизматини адо этган одамман. Менга ёқмаган жойи шуки, кунда келиб текшириб кетади. Мен жонимни жабборга бериб, ўз ишимни қиламан, ҳосилни кўтариб, тегишини бераман. Унинг тепамда тургани нимаси? Келаётганини кўриш билан қўлим ишга бормай қолади. Қаққайиб қараб тураверади, менинг қўлларим эса шалвираб ёнимга тушади. Қўлимни қимирлатишга, ер ҳайдаш ва чопиқ қилишга ҳолим қолмайди. Нега у бақрайиб туради дейсизми? У менинг даламда қанча экин битишини ҳисоблаб кўради. Унинг бурни – баайни тарози. Бир тортишда ҳамма нарсанинг оғирлигини билиб олади. Мен уруғ сочаётганимда ҳам, ўраётганимда ҳам донни тарозига солиб тортмайман. Менга ишнинг ўзи қадрли – ернинг ҳиди, ҳўкизларнинг қадам ташлаши, омоч билан ер суришим... Азоб чексам ҳам вақтим чоғ бўлади. У бўлса қаққайиб туради, менинг вақтим нега чоғлигига тушунмаслиги менга аён, ернинг ҳиди қанақалиги, ҳўкизларнинг гапга тушуниб, итоат қилиши, ердан экинларнинг бош кўтариб униб чиқиши, чанқоқ ернинг қандай сув ичиши билан унинг иши йўқ. Бунақа нарсаларни тушунишга унинг ақли етмайди, у фақат ҳосилга қизиқади. Экин-тикинни йиғиштириш, ўроқ қилиш эмас, уни ғалланинг оғирлиги қизиқтиради.

– Унинг иши, унинг вазифаси шу-да.

– Мен бунга қарши эмасман. Нега тепамда бақрайиб туради? Деҳқончиликнинг кайфини суришга имкон бер. Донни унга топширай. Улар ҳар ерда ҳозир-нозир. Ер ҳайдалаётган жойда, мол боқилаётган жойда – тай-

ёрга айёр. Биз ҳосил етиштириш билан, улар ҳисоблаш билан овора. Агар тепангда турмасалар, ўз ишингдан хурсанд бўлишга йўл берсалар кошки эди.

– Нима демоқчисиз, мен тушунолмадим, – деди Айёр тўмсайиб.

– Чопар жанобларининг ўзлари ер ҳайдаганмилар?

– Ҳайдашга тўғри келмади. Ёшлигимда ҳайдай олмасдим, кейин еримиз бўлмади. Бир қаричлигимдан буён аскарман.

Осмон мовий тусга кириб шаффофлашди. Юлдузлар чақнаб кўрина бошлади. Кампир ўчоққа хас-чўп қалади, олов ловиллаб ёниб, тутуннинг аччиқ иси анқиб, қозон жаз-буз қилди.

Тун қоронғиси босди.

Ухлагани томга ўрин солдилар. Бу ердан қорайиб кўринган бепоён қамишзорлар яққол кўзга ташланиб турарди. Узоқда ой нури остида дарё йилтиллаб кўринарди.

Тун бўйи қамишлар шитир-шитир қилиб чиқди, улар орасидан ўқтин-ўқтин шопиллаган овоз эшитиларди, ботқоқликдаги сувми, тентираб юрган тўнғизларми, ғалати овоз чиқарарди.

* * *

Чопарни Хуросоннинг илиқ шамоллар, зумрад осмон, шафтоли гуллаганда қизғиш тусга кирган, бодом гуллаганда бўзарган, сароб сингари шаффоф боғлари ўз кучоғига олди. Тепаларнинг ён бағирларидаги кўмкўк майсазорларда баъзан зангори, баъзан сариқ гуллар жилмаярди.

Совун кўпиги сингари товланиб турган енгил булутлар зумрад осмонда сузиб юрарди.

Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда харобалар уймалашиб ётарди. Темур бу ерларга биринчи марта бостириб кирганига йигирма йил ўтган, шамоллар ва ёмғирлар шу йиллар ичида харобаларни силлиқ қилиб, текислаб

қўйган эди. Тоғларнинг ён бағирларида чўзилиб ётган боғлар аллақачон ёввойиlashган, кўклам кўпдан буён эгасиз қолган эски мевали дарахтларни уйғотган эди.

Айёр Хуросон йўлидан пастга, водийга тушган сари тепалар, дарахтлар орқасидан кўринган вайроналар, босиб қолган гумбазлар, тупроқ уюмлари тез-тез учрай бошлади, тупроқ уюмларидан бир учи чиқиб турган чирик бўйрачўплар – сўнган ҳаёт излари бўлиб, бу жой ташландиқ уй эканидан дарак берарди.

Айёр Хуросон йўлидан пастликка тушган сари боғлар шунча кам учрай бошлади. Рутубатли баҳор шамоллари ташландиқ далаларни кўм-кўк майса билан қоплаган, аммо бу майсалар лалмикор буғдойпоя эмас, балки қишки ёмғирдан намланган, ер қуриши билан қовжираб кетадиган кир ўтлари эди. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда йўлни жарлар кесиб ўтарди – булар эски ариқларнинг қуриб қолган ўзанлари эди. Теварак-атрофда на деҳқонлар, на уй ҳайвонлари ва на итлар кўринарди.

Фақат ер бева хотин сингари ўз ҳаётининг бахтли кунларидагидек ясаниб-тусанарди. У ёрқин кўклам байрамини ҳар вақтдагидек кутиб оларди, ўз атрофидаги ҳамма нарсани ясантириб, даф қилиб бўлмайдиган қашшоқлик ва хароблик аломатлари бўлган вайроналарнинг устини беркитарди.

Айёр бир водийга келди, бутун Хуросондан ҳайдаб келтирилган минглаб кишилар бу ерда ариқ қазимоқда эдилар. Хуросон ерлари ўз ота юртининг абадий бир қисми бўлиб қолганига ишонган Темур, Хуросон далаларига сув чиқарилсин, деб амр қилган эди.

Ариқ қазувчиларнинг лой теккан, кечаси билан ёққан ёмғирдан жиққа ҳўл бўлган йиртиқ-ямоқ эски кийимлари уларнинг кўкариб кетган қоқсуяк, сержун баданларини беркитолмас эди. Кетмонни аранг кўтариб ташлаб, бир ҳовуч тупроқнигина тортиб қўйишга

қурблари етар эди. Уз ерини чопаётган ёш бир дехқоннинг бир кетмон билан олиб ташлайдиган тупроғини улар узоқ вақтгача чиқаролмас эдилар. Улар чошиб эмас, тирнаб ариқ чиқараётгандай эдилар. Уларда на куч-қувват, на кишига қувват берадиган ишга муҳаббат бор эди. Улар нима учун, ким учун бу ерда жон койитиб ишласинлар? Фақат назоратчиларнинг таёғини емаслик, тушда бериладиган бир товоқ атала ва яримта нонга етиб олиш учунгина ишлар эдилар.

Чўлда меҳнат қилаётган бу беҳисоб одамлар на суз ва на ҳаракат билан чўлнинг сукунатини бузмас эдилар. Кетмон тегиб кетган тошнинг тақирлаши, қумнинг ғичирлаши ва назоратчиларнинг хириллаган бақириқларигина эшитиларди, холос. Ҳатто таёқ ҳафсаласизлик билан ишлаётган бир одамнинг орқасига келиб тушганда ҳам фарёд овози эшитилмас, гўё таёқ жонли одамнинг танасига эмас, балки кесакка теккандек булар эди.

Айёр бундай манзарани кўп кўрган эди. Ҳукмдорнинг бир оғиз сузи билан ўн минглаб кишилар – қуллар ва ерлилар катта қурилишларда, ариқ қазиш, қалъа деворларини уриш ишида зуриқиб ишлашга киришар эдилар. Одамлар букчайиб тоғда тош тарашлаётганда ҳам, чўлларда қалъа қуриш учун лой қораётганда ҳам, шаҳар ва работларда масжид ва саройлар қураётганларида ҳам манзара бир хил эди. Бир томонда эса назоратчиларнинг дастидан қутулиб, «жаннат» ёки «жаҳаннам»га қочган ўнлаб, юзлаб одамлар учун қабр қазилар эди. Баъзилар бу кунларидан жаҳаннамни афзал кўрар эдилар. Кура дарёсининг тошлоқ қирғоқларидан, Фрот дарёсининг қумли соҳилларидан, Ҳинд дарё бўйидаги яшил далалардан, Волганинг ён бағирларидан келиб жон берган одамлар қабрларида ёнма-ён ётар эдилар. Уларнинг ҳаммаси сўнгги дамда у:

дарёларини кўришга муяссар бўлмаган кўзларини осмонга тикар эдилар.

Айёр улар ёнидан ўтаётганида эгар устида туриб, бир-бирларидан фарқи бўлмаган минглаб одамларни, мадорсиз кўлларининг бир маромда имиллаб ҳаракат қилишини томоша қиларди. Ҳаётларининг бошланиши бир-бирига ўхшамаган бу одамларнинг ҳаёти бир хилда тугалланар эди. Уларга нажот йўқ, бирор ўзгариш рўй бергунга қадар умрлари етмасди. Илгари бу ҳақиқатни ҳаммалари англамаса ҳам, энди бу ерда оғир меҳнат қилаётиб, бошлари гўрга киргунча тинмай ер қазишларини билиб қолган эдилар. Фақат гўрдагина улар қимир этмай чўзилиб ётиб, худонинг марҳамати, адолатини кутишлари мумкин, чунки ҳамма динлар одамларга у дунёда худонинг марҳаматини ваъда этади.

Йигирма йил бурун пайхон қилдириб ташлаган бу чўллар энди суғорилсин, деб амр қилган Темур адолатли эмасми, ахир!

Итоатга келтирилган юз минглаб одамни гўрга жо қилган, қолган ўн минглаб одамларнинг қўлига кетмон тутқазиб қўйган Темур марҳаматли эмасми!

Эҳтиёткор Айёр назоратчилар ёнидан ўтиб кетар экан, баланд овоз билан:

– Адолатпаноҳ ҳукмдоримизнинг умрлари узоқ бўлгай, – дер эди.

Унинг итоаткор соқчилари:

– Илоҳи омин, – деб қўйишарди.

Қурилишга ишбошилиқ қилаётган самарқандлик Калданинг ўғли Шавкатбек, подшоҳ чопарини узоқдан кўриб, дам олсин, деб унга одам юбортирди. Айёр ш аъённи хафа қилмаслик учун унинг таклифини рад та олмади.

Чопар отини устига ипак чодир қурилган тепага қаб бурди. Бу ердан туриб, ишлаётганларнинг ҳаммаини кўриш мумкин эди.

Ошпазлар Шавкатбек учун кабоб пишириб, ош дамлаётган эдилар. Хушбуй кум-кук тутуннинг иси ҳар ёққа таралаётган эди.

Айёр чодирга кирар экан: «Бу тутун бу хилдаги таомлардан бенасиб бўлган одамларнинг бурнини қитқлаётгандир» деб ўйлади ғаши келиб. Нега ғаши келганини ўзи ҳам билмас эди.

Қотма юзи докадек оқарган, дирдов, қийшиқ оёқ, рангпар Шавкатбек чўлда бекорчиликдан зерикиб, бу ердагиларни қаттиқ ишлатиш билан ўзини овунтирарди. Энди у чопарни чақиртириб, ундан бирор янги хабар, шаҳардаги ғийбат гаплар, иложи бўлса муҳим хабарлар эшитмоқчи бўлди.

Семиз ошпазларнинг яктагидаги доғлар, соясалқин чодир, ичига озиқ-овқат солиб қўйилган усти ёпиқ хумлар, минглаб кишиларнинг ҳаёт-мамоти қўлида бўлган дирдов, ёш, лекин мазаси кетиб қолган йигит Айёрнинг ғашини келтирар эди.

– Утириб дам ол. Эрталабдан бери от устида чарчагандирсан. Юз-қўлингни ювиб келиб, шаҳардаги гаплардан сўзлаб бер.

«Мендан жирканяпти шекилли» деб ўйлади жаҳли чиқиб Айёр ва унинг гапига унамади.

– Журъат эта олмайман, тақсир. Агар кечиксам, подшоҳимиз жазолайдилар. Таклифингиз учун раҳмат.

Ишбоши подшоҳ чопарини зўрлаб олиб қолишга ботинолмай, йўлга нон бердирди, бироқ ўзининг хафа бўлганини яшира олмади:

– Кўриб турибман, жуда ҳам вазифашунос экансан.

– Хукмдоримизнинг амри! – Айёр таъзим қилди-да, тандирдан янги узилган ноннинг хушхўр ҳидини завқ билан ҳидлаб, новвойнинг қўлидан қайноқ нонларни олди.

Айёр ўз соқчиларининг қадам ташлашига қараб, уларнинг истар-истамас йўлга чиқаётганларини, шу

ерда дам олиб, сихларда жизиллаб пишаётган кабобдан еб, бу ерга қаердандир келтирилган муздек қимиздан ичишга кўнгиллари суст кетганини пайқади. Унинг ўзи ҳам ўтиргиси келарди, чунки тушлик овқатни еб, соя-салқинда роҳат қилиш, отларга дам бериш учун қулай пайт келган эди. Бироқ Айёрнинг қалбида ажиб бир ҳодиса рўй берган эди: иссиқ нон ва кабобдан бутун умр маҳрум бўлган минглаб одамлар кўришиб турадиган бу тепалик устида унинг томоғидан овқат ўтмас эди.

Дашт бора-бора тепаликларга айланди. Орадан кўп ўтмай йўл тор бир дара ичига кириб кетди. Даранинг икки томонидан қулаб тушган кўк тошларнинг устини ҳаворанг бахмал ўтлар қоплаган эди.

Шу ердаги бирор булоқ ёнида дам олмоқ ниятида эдилар. Айёр бир неча бор озиқ-овқат солинган халтани қўли билан тимирскилади: ҳаммалари очиққан, нонлар ҳали ҳам иссиққина эди. Айёр сингиб пишган нонлар халтага солинаётганида уларнинг қирсиллагани ёдида эди. Жангчилардан бири тоғларнинг кенглиги, гуллар устида из қолдириб сакраб юрган охулар тўғрисидаги эски бир қўшиқни айта бошлади.

Шу пайт ранги тоғларнинг ён бағрига қўшилиб кетган кулранг бир нарса йўлдан ўзини четга олиб қочиб, тошлар орасида ғойиб бўлди. Жангчилар сергакланиб, отларнинг бошларини тортиб шамширларини чангаллаганларича аста ҳайдаб кетдилар.

«Барс эмасмикин?» деб улар ўша тошларга яқин борганларида, тош орасидан бир киши сапчиб чиқиб, жангчилар томон келаверди. Унинг эғнида йиртиқ-ямоқ кўҳна бир яктак бор эди, йиртиқлари орасидан кулранг бадани кўришиб турар, қорайиб кетган юзини қоплаган соқоли патила-патила бўлиб кўксига тушарди. Унинг косасидан чиқай деган кўзлари Айёрнинг кў-

зига тик қараб турарди. Бу одам яктагининг ёқасини юлқиб, яна тўғрилаб қўйиб, йўлнинг ўртасида тўхтаб:

– Меними?.. Қувиб етдингизми?.. – деди.

Айёр бу жулдуз кийимли кишига қараб, унинг тилидан, ким экан бу, арманими ё грузинмикан, деб тахминлаб турарди. Бу одам назоратчиларнинг кўзини шамғалат қилиб қочгани, кетидан қувиб келаётганларнинг ўтиб кетишини кутиб шу ерда пусиб ётгани, ҳеч ким уни кутмаса ҳам, бошпана жой топмаса ҳам, овқат берадиган, уни беркитадиган одам бўлмаса ҳам, боши оққан томонга кетмоқчи бўлгани чопарга аён бўлиб қолди.

Қочқин кўмирдек қоп-қора оёқлари билан заранг ер устида депсиниб турарди. У йиртиқ яктагининг ёқасини тўғрилаб:

– Мана, ушлаб олинг мени! – дерди.

– Йўқ, биз изингдан қувиб келганимиз йўқ... – деди Айёр кўзини қочқиннинг бақрайган кўзларидан опқочиб. – Отларингни ҳайданглар, – деди у жангчиларга. – Бизнинг ишимиз эмас. Агар биз йўл-йўлакай изғиб юрсак, ҳеч ким бизга раҳмат демайди, бизга бошқа иш буюрилган. Бунинг учун ҳукмдор бошимизни силамайди!

– Ҳаққас рост, – дедилар жангчилар унинг гапини маъқуллаб. Улар Айёрга маълум бўлган, тагидан жилдираб булоқ суви чиқаётган қоя тошга томон от солдириб кетдилар. Бу нам тошнинг устини босиб кетган ингичка пояли юмшоқ ўтлар жингалак кўк соқол сингари пастга осилиб турарди.

Бир нима тўғрисида хаёл суриб кетаётган Айёр йўлдошларидан сал орқада қолиб, эгарга боғланган халтачадан иссиққина бир нонни олди-да, киши билмас йўл устига тушириб юборди.

Қочқин эса қайноқ тупроқ устида депсиниб, узоқлашиб кетаётган жангчилар орқасидан қараб турарди.

Айёр касал вақтида йўқотган кунларининг ҳиссасини чиқармоқ истар эди. У ўз таниш-билишлари билан карвонсаройларда дам олиб ўтиргиси, узоқ шаҳарларнинг бозорларини айланиб томоша қилгиси келса-да, на кулоллари лаган ва товоқларга кишининг кўзларини қувонтирадиган нақш солувчи Рай шаҳрида тўхташни истади, на авлиё Ҳайдарнинг мозорига сиғиши учун ҳар тарафдан зиёратчилар тўпланадиган, кучалари тор, серодам Султонияда дам олишни истади, на донишмандлар ва мунажжимлар шаҳри бўлган Мароғий шаҳрида тўхтади. Ҳалокухоннинг мақбараси қад кўтариб турган, юз йилларча бурун солинган мадраса ва расадхоналарнинг деворлари қорайиб кўринган Мароғий шаҳрига бир кириб ўтишга тўғри келди, чунки Айёрга, ҳукмдор шу шаҳарга йўл олган, ҳамма чопарлар уни шу ерда кутиши керак, деган эдилар. Бироқ Темур, чопарлар бу ерда тўхталмасинлар, мен қаерда бўлсам, уша ерга борсинлар, деб амр қилган экан.

Уша куни ҳукмдорнинг олдига семиз ва мағрур бир ҳиротлик савдогар кетаётган эди. Айёр тинмасдан йўл юриб, жуда чарчаган соқчиларини аяб, ҳиротликларга қўшилиб олди. Ҳиротликлар тижоратларини саёҳатга айлантиришга уринсалар ҳам, Айёр уларни тезроқ йўл юришга мажбур қилди.

Подшоҳ чопари олдида савдогар ювош ва итоаткор бўлиб қолди, бироқ кўниб ўтадиган жойга тушмай, йўл юришга тўғри келганда у уҳ тортиб кўярди.

Баъзан улар «қисқа йўл» босадиган чопарларга дуч келиб қолар ёки уларга қўшилиб олар эдилар. Темур юрадиган йўлларда Айёр сингари кенг мамлакатнинг «у бошидан бу бошига» яширин ёки ошиғич иш билан юбориладиган чопарлар қатнар эди. Буларнинг телпагида қизил кокил, қиличларининг дастасига попукли тасма тақилган бўлар эди. Бу аломатлар, улар-

га йўлда истаган отни тортиб олиш ва йўлда тўхта-маслик учун истаган уйдан ем-хашак олиш ҳуқуқини берарди; аммо булар қаторида икки шаҳар, ёки икки ҳоким ўртасида қатнайдиған «қисқа йўл» чопарлар ҳам булар эди. Булар билан кўп ҳисоблашиб ўтирмас эдилар, бироқ Айёр улардан гап суриштиришни яхши кўрарди, чунки улар ўз вилоятларини яхшироқ билар, қизил кокилли телпак олдида улар ҳайиқиб, ҳатто ўз ўнбошиларига ҳам айтишга юрак бетлай олмайдиған нарсаларни Айёрга гапириб берар эдилар. Айёрнинг йўлида улар ҳар ерда, ҳар манзилда дуч келардилар. Аммо Айёр бу сафар улардан гап суриштирмади, у касаллиги туфайли йўқотган кунларининг ҳиссасини чиқарган эди, аммо эҳтиёт бўлмоқ лозим, худо асра-син, агар Темурга, Айёр Самарқанддан кечикиб кел-ганга ўхшаб кўринса нима бўлади!

Кутилмаганда йўлнинг ўртасида чопарларни отдан тушириб, дарёнинг бурилиб оққан жойига бошлаб олиб бордилар. Уларни ҳали барг чиқармаган катта чинорлар остидаги қоронғи ўтовларга жойлаштир-дилар ва шу ерда ўтириб, ҳукмдорнинг чақиршини кутинглар, дедилар.

Айёр шошилар, бир куни ҳам бекор ўтишидан кўрқар эди, бу ерда эса бир куни ўтиб кетяпти!..

Чопар ҳўл наMAT ва нам ернинг иси анқиб турган ним қоронғи ўтовда, кигиз устида ўтирар эди.

Кўёш ботмоқда, кун ўтмоқда, аммо чопарлар ҳамон ўтирар ва кутар эдилар. Агар ҳукмдор бу ердан узоқда бўлганда чопарларни бу ерда ушлаб ўтирмас эдилар. Ҳамма бирдан жимиб, ҳушёр бўлиб қолганида Айёр ҳукмдорнинг етиб келганини пайқади.

Энди улар наMAT устида ўтириб, ўтовга яқинлаш-ган ҳар бир кимсага, менга келяптимиқан, дегандек ташвиш билан қарар эдилар.

Бироқ анча вақтгача ҳеч ким чақиртирилмади.

ТҮРТИНЧИ БОБ ҚАРОРГОҲ

Кеч кирмоқда, қуёшнинг булутлар орасидан ёриб ўтган сўнгги нурлари кўзни қамаштирар эди.

Улуғбек четларига текис тош ётқизилган ҳовуз бўйида ўтириб баҳорги тошқин сувларнинг чайқалишини, оқшом пайтида оламнинг сувдаги аксини – бобосининг қуюқ кўланка ичидаги оқ ўтовини, ўтов эшиги олдидаги рум совути кийган соқчиларининг соясини томоша қиларди. Кун шуъласидан совутлари ярқираган соқчиларнинг акси гўё безгаклари тутаётгандек сув ичида титраб турарди. Ўтов олдида тикиб кўйилган туғнинг қизил дастаси илондек тўлғанарди.

Улуғбек бу ерда, ҳамманинг ўз иши, вазифаси бўлган қароргоҳда ёлғизликдан зерикар эди. Шаҳзода хизматидаги жангчилар ивирсиб, сув бўйига от ҳиди уриб қолган узун тўшакни солдилар.

Улуғбекнинг уйқуси келмас, хаёл суришнигина истар, устози бир ёққа кетиб қолгани яхши бўлган эди.

Бу сафар, бола узоқ муддатгача ўз бувисидан ажралиб қолганида, бобоси аскарлар орасида Қайиш ота лақаби билан машҳур бўлган, тажрибали бир мингбошисини Улуғбекка «отабек» қилиб тайинлаб қўйди.

Қотма, чайир Қайиш ота бутун умрини эгар устида ўтказган эди, унинг учун сафдошлари билан душман отлиқ аскарларининг устига қилич яланғочлаб, от солдириш, қалъа деворларига қўйилган шотилардан чиқиб, қамалдагиларни ерга улоқтириб ташлаш, ғафлатда қолган душманнинг орқа томонига ўтиш учун чуқур жарликлар тепасидаги тор сўқмоқлардан пусиб бориш, Темурнинг орқа томонига ўтиб олмоқчи бўлган душманларнинг олдини тўсиш учун чўлда музлаган ер устида пойлаб ётишнинг бир-биридан фарқи

йўқдек эди. Бу кекса жангчининг бадани оғриқни ҳам, чарчашни ҳам писанд қилмасди. Танаси ҳам, қиличи ҳам, ҳукмдорнинг шон-шуҳрати учун душманга зарба беришга тайёр булган Қайиш отага баравар хизмат қиларди.

Ҳукмдор арра бўлиб қолган бу эски қилични жанг учун эмас, балки панд-насихат қуроли сифатида кутариб, Улуғбекни қуриқлашни, сафар машаққатлари ва ҳарбий одатларни шаҳзодага ўргатишни унга топшириб Қайиш отага жуда катта ҳурмат кўрсатди. У итоат этди, бироқ ўзи учун жанг қилиш даврининг тамом бўлганлигини билиб гангиб қолди. Шу вақтгача у ўзининг етмиш ёшга кирганини пайқамаган эди. Ўзи пайқабди-ю, ҳукмдор пайқабди! Демакки, унинг ўзи Темурга етмишга кирганини билдириб қўйипти-да! Шаҳзодага «отабек» бўлиб тайинланиш ҳукмдорнинг сафдоши учун улуғ ҳурмат, бироқ бу ҳурмат Қайиш отанинг кўнглини оғритарди. Ўзининг мингта аскарини бошлаб душманнинг олдини тўсиш, унинг учун ҳар нарсага қизиқадиган тирмизак болага у ёки бу жанг усулининг устунлигини тушунтиришдан кўра ўнғайроқ эди.

Жанг усулларининг қайси бири устун эканлиги чолга шундай аён эдики, уларни исботлаш учун далил келтирмас эди. Шу сабабдан устод билан шогирд тортишиб қоларди. Чунончи, бир куни Қайиш ота Кама дарёси бўйига қилинган сафар ҳақида, Тўхтамишхоннинг илғор қисмлари билан жанг қилгани ҳақида гапириб берди:

– Қарасам, унинг пиёда аскарлари оз, отлиқ аскарлари кўпроқ. Мен ўз отлиқ аскарларимни асрадим, пиёда аскарларимни урушга солдим. Сен ҳам шундай қил.

– Нима учун? Кучлироқ аскарларни асраш керак эмасмиди? – деб ҳайрон бўлди Улуғбек.

– Йўқ, мен қандай қилган бўлсам, шундай қилган яхши. Ҳукмдоримиз ҳам худди шундай қилар эдилар, Мен ўрдаликларни мажақлаб ташладим, ҳукмдор менга ҳамма ўлжани инъом қилдилар. Сафар энди бошланган вақт эди, шунинг учун ҳукмдоримиз сахийлик қилдилар.

– Бошқача ҳаракат қилиш керак эди деб айтаётганим йўқ, аммо нима учун худди шундай қарор қабул қилиш лозим эди?

Чол довдираб индамай қолди. Улуғбек далил келтиришни талаб қиларди. Шунда Қайиш ота ғазабини зўрға босиб:

– Мен ёлғон гапиришга одатланмаганман, – деди. – Шундай қилиш яхши дедим, вассалом!

Бундай ҳолларда Улуғбек чолни риоя қилиб мийғида мулойимгина кулиб қўярди, аммо Қайиш ота бу кулгисиз ҳам ҳаддан ташқари ҳар нарсага қизиқадиган ва ёшлигига қарамасдан саводхон бўлган бу арзанда темурийзодадан ҳайиқар эди. Қулай пайт келганда бир ёққа чиқиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай пайт келганди. Чунки соқчилар алмашинган, шаҳзоданинг утови тикилган, кеч кирган эди. Маҳрамлар ўзининг оқ ўтовида танҳо ўтирган Темурнинг чиқишини безовталиқ билан кутар эдилар. Унинг хилватга чекинишидан яхшилик кутиб бўлмас эди. Маҳрамлар, умумий хавф-хатар рўй берган вақтдагидек иноқлашиб пичир-пичир қилишар, оёғи куйган товукдек типирчилаб турар эдилар.

Қайиш ота ёшлардек ариқдан ҳатлаб ўтиб, уларнинг олдига кетди. У ҳам сувда акс этар, Улуғбек унинг оёғи осмондан бўлганини кўрар эди.

Қуёш тоғ орқасига ботай деб турар эди. Суви оқиб чиқиб кетиб турган ҳовуз қорайиб кўринар, қуёшнинг сўнгги нурларида одамлар ва дарахтлар, бир замон-

лар кўркам мунажжимхонани акс эттирган сувда эр-таклардагидек ярқираб кўринарди.

Энди мунажжимхона эмас, балки ҳали яланғоч, баъзи шохларида бултурги барглари осилиб қолган азим чинорлар сувда тўнкарилиб турар, болага улар ёллари гоҳ сап-сарик шерга, гоҳ жимирлаб оққан сувда ўр-качлари диккайиб турган туяларга ўхшаб кўринарди. Баъзан бошига телпак кийган, кўнғир соқолли бобосининг катта боши ҳовузда кўрингандек бўларди.

Улуғбек тўшакка чўзилиб ётиб олди, у қаттиқ эгар устида узоқ йўл босиб чарчаганидан уйқуси келарди, бироқ «бобом ўтовидан чиқармикан?» деган ўй унинг ҳорғинлигидан устунроқ эди.

Дам ботаётган қуёш ёруғида кўринган, дам кўланка ичида ғойиб бўлган аъёнларнинг акси секин оққан сув ичидаги соялар орасида пайдо бўлиб, бир-бирларининг ўрнини босар, гоҳ чўзилиб кетар, гоҳ ғужанак бўлиб олар, илондек тўлғанар, билтанглар эди. Сайид Барака мункайиб, соқолли итга ўхшаб кўринар, унинг соқоли сув оқими ичида бир-бирига чирмашган бўз илонларга ўхшарди. Шайх Нуриддин билан гаплашиб турган барваста Шох Маликнинг сувдаги акси бошига оқ кўзача кийгизилган кўм-кўк ҳўкизни эслатарди. Кенг чопон ва учи узун дўппи кийган тор елкали Қайиш ота уч бурчакликка ўхшарди. Мана ҳовузнинг у бўйидан бу бўйигача бобосининг акси чўзилиб кетди, у энгашиб, бир ҳовуч сув олгандек бўлди, – сув жимирлаб титрай бошлади, гўё бобоси бу улуғвор одамларни ҳовучлаб олиб, ирғитиб ташлагандек бўлди, улар чақа пул ва майда тангалардек сочилиб кетди. У ҳовучида сув олиб ичдими, юзини ювдими, қаддини ростлаб ҳовуз устида қаққайиб турди, эҳтимол, ўша жойдан туриб, неварасига тикилиб қараётгандир. Сув сокин бўлиб қолди. Яна аста тўлқинланиб, бутун ҳовуз бўйлаб

хукмдорнинг узун гавдаси, кўнғир этиги, ботаётган қуёш ёруғида олтиндек товланган чопони, пистоқи ранг салласи сувда акс этди.

Баланд бўйли, бардам бобоси билан сувдаги қамишдек узун, хипча ва титраб турган соя ўртасидаги фарқ Улуғбекнинг кулгисини қистатган эди.

Сув кўпаяётгандек эди. Улуғбек бобосининг сувдаги акси букчайиб кетганини, бошсиз қолган танаси титраб турганини кўрди.

Ҳаёт сингари тинмай оқиб турган сув жараёни бобосининг гавдасини ўзгартириб, бошсиз қилиб кўрсатган эди.

Қуёш тоғ орқасига ботиб тўсатдан ғойиб бўлди. Энди бўзариб қолган сувда ҳеч нарсанинг акси кўринмас эди. Тезда қош қорайиб ҳаво бирдан совиди.

Улуғбек ҳовуз ёнидан туриб жўнади. Хизматкорлар шошиб-пишиб унинг истиқболига югурдилар. Қоровул бўлиб турган жангчилар ўринларидан туриб, қоматларини ростладилар. От ҳиди уриб қолган тўшакни унинг орқасидан кўтариб кела бошладилар. Чунки унинг бошқа тўшаги йўқ эди, Улуғбек бу жой маликаларнинг карвони тушган манзилгоҳ эмас, балки ҳарбий қароргоҳ эканини, у ўзининг томошага эмас, ҳарбий сафарга чиққанини эсида тутиши лозим эди. Қишки дам олиш тугади, юриш бошланди – ҳамма учун, оддий жангчилар учун ҳам, жаҳонгирнинг неваралари учун ҳам оддий овқат берилар, қаттиқ турмуш тартиби жорий қилинганди. Китоб солинган сандиқча орқада карвон билан, қазии-қарта, нозии-неъматлар маликаларнинг ошпазлари билан келмоқда эди, гарчи тўқим устида ухлашга мажбур қилмасалар-да, ўзлари шойи кўрпа-тўшак олволмаган – ўзлари билан фақат отга буктариш мумкин бўлган нарсаларни олиб юрар эдилар. Фақат катта манзилгоҳлардагина, орқадан

карвон етиб келган ва жангчилар карвонга эргашиб юрадиган савдогарлар, табиб-жарроҳлар, хунармандлар ва турли-туман одамлар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетганларида, чиғатойилар эса қўшин кетидан подалари билан келаётган оилаларини бориб кўришга имкон топган вақтларидагина фаровонликда яшашга йўл қўйиларди. Бундай манзилгоҳларда баъзан бир неча кун турилар эди. Улар орасидаги манзилларда эса бир кунгина тўхталиб, жангчилар огоҳ бўлиб тунар эдилар.

Темур ўз ўтови олдида ўтирарди. Ёқилган машъаллар бу ернинг гулзор сингари олачипор гилами устида бўриқиб ўтирган ҳукмдорни ёритиб турарди.

Шайх Нуриддин мулозимларнинг кумуш дастшў ва обдаста олиб келиб, унинг қўлига сув қўйишларини кутиб сочиқ ушлаб турарди. Йўл юриб ҳамма очикқан эди. Бироқ Темур овқатланишга рухсат беришдан олдин чопарлар тўғрисида суриштириб қолди.

Айёр шайланиб ўтирган бўлса ҳам, уни чақиришлари билан дарҳол ўрнидан сакраб тура олмай қолди.

– Оёқларинг увишиб қолдим дейман, – деди ҳукмдор олдига чақиргани келган фаррош.

– Йўғ-е, увишгани йўғу, лекин... – деб бироз чайналди Айёр.

У қоматини ростлаб, соқолини сийпаб, белбоғимга қистирилган номалар жойидамикан дегандай тимирскилаб кўрди.

Қадам ташлар экан, муғамбирлик қилиб:

– Оёғим увишгани йўқ, аммо бу ерда жуда узоқ ўтириб қолдим, – деб минғиллади.

– Ҳаммадан олдин сени чақиртиряптилар, – деди фаррош уни юпатгандай, аммо унинг бу гапи Айёрни ташвишлантириб қўйди: «Шу тобда ҳукмдорнинг кайфи жойидамикин, кун бўйи кўнглида тўпланиб қолган ғазабларини бошимга сочмасмикин», деб ўйлади у.

Лекин Айёр ғаззабга дучор бўлмади. Темур гиламнинг бир чеккасида чарм ёстиққа суяниб бошини энгаштириб утирар, унинг ёнгинасида ёниб турган машъал ёруғини ёстиқ тўсиб турарди, Темурнинг боши устидан ошиб ўтган машъал нури уни сояда қолдириб, оёқларини ва гиламни ёритиб турарди. Гилам ёнида тиз чукиб утирган котиб ўрнидан туриб, чопарни қаршилади. У най қилиб ўралган номаларни қабул қилиб оларкан, одатдагидек, «сенга жавоб» деган маънони билдирувчи «офарин» сўзини айтмади. Чопар хавфсираб турар, кўзидан йўқолсам тинчроқ бўларди, деб ўйларди.

Маҳрамлар, аъёнлар хат ўқилганда уни эшитмаслик учун ўзларини четга олдилар, аммо ҳукмдор чақириб қолса, унинг олдига дарҳол етиб бориш учун узоқроқда ҳозир бўлиб турдилар. Аммо Айёр ҳаммага кўринадиган жойда қаққайиб, ўқилган хатни эшитиб турарди.

Самарқанд ҳокими бениҳоя саломлардан сўнг Ашпарага қилинадиган сафарнинг рўёбга чиқмай қолганлиги тўғрисида хабар бериб, ҳамма айбни Мирза Искандарга тўнкаган эди. Кейин Мирза Искандарнинг маҳрамларига жазо берилганлиги тўғрисидаги хабарни етказди. Муродхоннинг ҳам жазога мустаҳиқ қилингани тўғрисидаги хабарни эшитиб, Темур қимирлаб қўйди. У қўлини аста кўтариб, ўқишни тўхтатди. Битикчи Темурга қараб кутиб қолди.

«Ақлли – фаросатли! Уддабурон. Шоҳруҳга нома юбориш керак, хотининг – маликага акасининг ўлимидан бизнинг хафа бўлганимизни билдириб қўй, деб ёзиш керак. Аммо «Азиз биродаринг ва садоқатли дўстингдан айрилибсан», деб шама қилиб қўшиб қўйиш керак. Агар аҳмоқ бўлмаса «садоқатли дўстингдан» деган гапнинг маънисини тушунади. У фаросатсиз хо-

тин эмас. Ақли бўлгандан кўра ювошроқ бўлса, ўзига яхши бўларди», деб ўйлади Темур.

– Ҳирот маликасидан ҳам хат борми? – деб сураб қолди Темур котибдан.

– Бибиҳонимга. Оғзи муҳрли.

– Хатни унга ўзим ўқиб бераман, бу ёққа бер.

Котиб тиззаси билан юриб, гилам олдига келди-да, уроғлик номалардан бирини Темурга узатди.

Темур хатни қўлида айлантириб, ён бармоғи билан сурғучни тирнаб кўчирди-да, уни енгининг ичига тиқиб қўйди ва Муҳаммад Султоннинг ёзган хатини ўқишни давом эттиришга ишора қилди. Темур саркаш Мирза Искандарнинг бебошлиги ва ўзбошимчалиги тўғрисидаги узундан-узоқ шикоятни эшитар экан: «Унга хатни ким ёзиб берган экан? – деб ўйлади. – Ўзи ёзишга тоби йўқ. Бу хатни ёзган битикчига ишониб бўлармикин? Муродхонни бир ёқлик қилипти, аммо теварагида хуфиялар, айғоқчилар, риёкор одамлар ҳали кўпдир. Икки хўжайинга хизмат қиладиган – бизга садоқат билан, Шоҳруҳга ғараз билан хизмат қиладиган, биздан қочиб, унинг олдига боришни мўлжаллаганлар ҳам бор...»

Искандарнинг қатл қилинган сафдошлари орасида отабегининг номини эшитиб, утирган жойида қимирлаб қўйди, ёстиққа тирсагини тираб, ўқишни тўхтатди.

– Мирза Искандарга уни ўзим отабеги қилиб қўйган эдим. Ўзим ундан сўроқ қила олмасми эдим? Ўзи ақлли, уддабуронга ўхшаб кўринса ҳам, бироқ менинг орқамдан ишни битираверади! Ўз ақли билан иш қилмоқ истайди. Иккови ҳам ўзбошимча.

Темурнинг назари бирдан Айёрга тушди ва шу он унга қараб ўйга толди: чопарнинг калта камзулида, қизил кокилли телпагида шу қиш Самарқандда бўлган бутун ҳодисаларнинг сирини очиб бергудек бир нарса

бордек пайқади. Темур Муҳаммад Султонга бўлган ға-
забини аранг босиб, Айёрга зарда билан қўл силтади.

– Боравер, бор, тезда яна изингга қайтасан, – деб чопарнинг орқасидан қараб, ўйланиб қолди: «Кўзим тирклигида мен қўйган одамларни сўроқсиз-несиз калласини олсалар... бу ўзбошимчалик-ку!.. Мен уларни... уларни... Мен иморатлар қураман, давлат тўплайман, улар эса... а?»

Котиб қоғозни бармоғи билан текислар, оёғи увишса ҳам қимир эта олмасди.

Темур чопар кетган томонга, машъаллар ёруғида зим-зиё бўлиб кўринган Қорабоғ тунига ўқрайиб қараганича қолган эди.

Навбат Шоҳруҳнинг номасини ўқишга келганда Темур ёстиққа яна маҳкамроқ суяниб олди. Узундан-узоқ дуойи саломлар ўқиладиганда Темурнинг хаёли ҳамон Муҳаммад Султонда эди: «Мўғулларга нисбатан фаросатли иш қилибди, Искандар мўғулларни чўчитиб юборганидан кейин улар устига босқин қилиш керак эмас эди. Бориш тўғрисида мен ўзим буйруқ берганман. Ашпарага бориш керакми ёки уйда ўтиравериш керакми, деган масалани ўзи ҳал қилмасдан аввал мендан сўраши керак эди. Тўғри қилиптию, лекин сўрамапти. Яхшиям тўғри ҳал қилипти, фаросатли! Сўрамасдан ўзи-я!.. Қандай бўлганини унинг ўзидан сўраш керак...»

Чолнинг хаёли бирдан ўғлига кўчди: «Мирза Шоҳруҳ бирам гапга чечанки! Саломи куюқ, лекин хатни Самарқандга ёзади. Сафарга бирга олиб чиқмаганимга ранжиган кўринади. Сафар тўғрисида билмай қолмагандир. Муродхон боролмагани учун кечикиб билган, аммо хатни ёзган вақтида менинг Самарқандда йўқлигимни билган!.. Тилёғламалик қиляпти».

Бирдан ўғлининг озғин юзидаги шокосадек муғамбир кўзлари хаёлидан лип этиб ўтгандек бўлди ва ўғ-

лининг кимлигини дарров фаҳмлади: «Ранжиганини билдирмайди – чўчиганини яширади. Бошда ўтакаси ёрилиб, мени Ҳиротга келади деб кутган, Мироншоҳ томонга кетганимни эшитиб ўзига келган. Энди муғамбирлик қилиб, мен чўчиганим йўқ, ҳатто сизнинг сафарга чиққанлигингиздан ҳам беҳабарман, демоқчи бўлади!

Башарти қўрққан бўлса, демак виждони пок эмас. Нега? Мен унинг ҳамма ишларини билиб ўтирибманми? Хотиржамлигида тезроқ билиб олиш керак. Қандай ширин тил билан бошлапти. Хатни пирига ёки бирор китобшуносга ёзаётгани йўқ, ахир, отасига ёзаяпти. Афти-башарамни кўрмасин деб икки букилиб, кўзларини мендан опқочиб, салом бергани берган. Айёр, гўдаклигида ҳам шундай эди!»

Темур бу сирли хатга қандай жавоб қилмоқ устида ўйланиб қолди. Бу хат ниманидир пинҳон тутиш учун юборилганга ўхшайди: «Эридан қолишмаслик учун малика ҳам хат ёзипти. Эри нега ёзипти экан?»

У Гавҳаршоддан келган енги ичидаги хатни ушлаб қўйди: «Нимани яширяпти экан у? Чўчиган бўлса ўтди-кетди, хафа бўлган бўлса, энди суюнди, чунки менинг ўзи томонига эмас, балки Мироншоҳ томонига бурилганимни билди. Художўйлиги, китобпарастлиги учун мендан тап тортмайди, қандайдир гуноҳидан қўрқади. Қандай гуноҳ? У ерда аҳвол қандай экан?..»

Индамай котибга жавоб берди ва турғизиб қўйинглар, дегандек мулозимларга ишора қилди. Қўлтиқбардор аъёнлар ёрдамида гулхан томонга қараб тик туриб қолди. Гулхан олдига тўпланган беҳисоб одамлар шуълани тўсар эди.

– У ерда нега одамлар тўпланишиб туришипти? – сўради у Шайх Нуриддиндан.

– Тоғларда гулхан ёққанни ушлаб келишди, тўпланишиб томоша қилишяпти.

– Бўлмаса биз ҳам кўрайлик, – деди Темур.

Қўлтиғидан ушлаганлар уни қўйиб юборишди. У юриб кетаётганида қўлтиғидан суяшларини ёқтирмас эди. Башарти, суяшса, унинг оқсоқлигига, кучдан кетганлигига ишора қилишгандай бўларди.

Улуғбек ўз ўтовида ётар, тунги салқинда тоғдан эсган шамоллардан, кўклам ўланларининг хушбўй хидларидан баҳраманд бўлиб, нафас олиб ётмоқ учун ўтовнинг тепасини очтириб қўйди.

Қоронғилик ичида қушлар уйқу аралаш чирқиллашарди. Дарёда сув шовиллаб оқар, яқин ўртадаги қантариб қўйилган отларнинг юганлари шиқирларди.

Отларнинг тер ҳиди ва гулхан тутунлари ўтларнинг ва ернинг ҳиди билан аралашиб кетганди. Кўзига узоқ йўл кўрингандек бўлди. Зарбоф чопон кийган бошсиз бобоси оқимга кўндаланг тушиб ётгандек... Оқим эса тинмай оқарди...

Бўйи ҳаммадан баланд Темур оқсоқланар, гўё кўзга кўринмас эгар устида пиёда ҳамроҳлари орасида йўртаётгандек чайқалиб борарди.

У қоронғиликни ёриб тик борарди, унинг йўлига машъал тутишди, аммо у оёғи остига қарамай, тўғри гулхан шуъласига қараб юрди. Тўпланганлар унинг келаётганини пайқаб, турган жойларида қотиб қолдилар.

Қўллари орқасига қайириб боғланган банди ерда ётар, баъзан оғзини катта очиб, чуқур нафас олиб, юпқа лабларини яна маҳкам юмиб олар эди.

Йиғлаб қизаргандек шишинқираган катта қора кўзлари ила Темур ёнидаги одамларга бир-бир ўқрайиб назар ташлар эди. Банди Темурга парво ҳам қилмади, чунки гулхан ёруғида олтин дасталари ярқираган оқ ханжарлари, дамашқ қиличлари, зарҳал совутлари ярқираб турган ҳамроҳлари олдида Темур жуда фақир-

дек кўринар эди. Темурнинг ҳеч қанақа аслаҳаси йўқ, чап қўлида қамчиси бор эди, холос.

Невараси Мирза Ҳусайн гулхан олдидан Темур олдига югуриб келди. Унинг аскарлари кундуз кунги юришда қоровуллик қилган эдилар. Бандини ҳам шулар тутган эдилар. Шу сабабдан бандини ўз ўлжаси ҳисоблаган Мирза Ҳусайн ўз уддабурунлиги, ўз ғалабаси билан бобоси олдида мақтанмоқ учун Темурни кутган эди, аслида.

Пастак бўйли, бесаранжом Мирза Ҳусайн жавдираган қизил кўзлари билан дам бобосининг соқолига, дам унинг ҳамроҳларига қарар эди. Бировнинг зарбасини кутгандек ёки бировни урмоқчи бўлгандек, бир елкасини пасайтириб тик турарди.

Темур банди ҳақида суриштириб:

– Нималар дейди у? – деб сўради.

– Ҳар қандай йўл билан сўрадик, индамайди, – деди Мирза Ҳусайн ижирғаниб.

– Балки сўроқ қилишни билмагандирсизлар?

Ранжиган Мирза Ҳусайн елкасини қисиб қўйди:

– Қийноққа солмадик, сизни кутдик.

Бандини чарчаган отга ўнгариб, бу ёрга сўроққа олиб келгунларича у чурқ этмади. Бир қултум сув ёки ҳаво олиш учун худди қум устига отиб ташланган балқдек оғзини ҳар замонда каппа-каппа очиб қўяр, лекин индамасди.

Уни қанчалик қийноққа солиб сўрамасинлар, оғзини юмиб, кўзини сўроқ қилувчилардан олиб қочарди.

– Турғизиб қўйинглар уни, ўзим сўроқ қиламан.

Бандини турғизиб қўйдилар, у зўрға оёқда турар, уни асир олган аскар қўлтиғидан суяб турарди.

Темур гўё насиҳат қилгандек оҳиста сўради:

– Тилдан қолдингми?

Оёқ устида турган банди атрофга аланглаб қараб, биринчи марта оғиз очиб:

– Кеч бўп қопти-я, – деб қўйди. Кун бўйи унинг айтгани шу гап бўлди.

– Қани айт-чи, гулхан ёққан ким?

– Одамлар.

– Қанақа одамлар?

– Ўз ерининг хўжайинлари.

«Нега у аввал жим туриб, кейин бирдан тилга кирди?» деб ўйлади Темур.

«Бу ярамас илгариги сўроқларда оғзига тош солгандек жим туриб, энди бобомга жавоб қиляпти», деб алам қилганидан Мирза Хўсайннинг ранги бўзариб кетди. Энди бобоси, аввал сўроқ қилишни билмаганлар-да, деб ўйлаши мумкин.

– Ўзингнинг қанча еринг бор?

– Менинг ерим йўқ.

– «Хўжайинлар» деяпсан-ку.

– Бу ерлик одамлар – ўз ерларининг хўжайинлари.

– Ҳаҳ-ҳа, шунақа дегин. Қизилбошмисан!

– Йўқ, адигей.

– Номинг нима?

– Хатута.

– Шерикларинг ҳам адигейларми?

– Шу ерлик одамлар.

– Қизилбошларми?

– Озарбайжонликлар.

Темур Хатутани паришон ҳолда сўроқ қилар экан: «Нега у гапга кирди?» деб ўйга толди.

– Озарбайжонликлар дегин. Нега сен уларга аралашиб қолдинг?

– Ҳаммамиз бир.

– Кимлар?

– Шу ерлик одамлар.

Бу дангал жавоб Темурга ёқмади, аччиғини келтирди.

Ҳукмдорнинг ғазаби келишига сал қолди, лекин ўзини тутиб, боягича босиқлик билан қочирим қилгандай:

– Шундай дегин? Ерларини мендан қуриқлашяпти-ми? – деди-ю, бирдан ўйга толди:

«Шоҳруҳ ҳам шундай қияпти-ку. Мен инъом қилган ерларни мендан яширяпти, мендан қуриқлаяпти. Кейин ўзини итоаткорликка солгандек бўлиб, кўзимни чалғитиш учун хат ҳам юборди. У билан келишиб, унинг газандаси ҳамма жойда менинг одамларим ўрнига ўз одамларини тиқиштиряпти. Мен, кўз қорачиғингдек асрагин, деб топширган ерларимга ўз маликаси билан бирга ўз мулозимларини қўймоқда. Гап бундоқ. Шу йўл билан ўғлим мендан ажралиб кетмоқчи. Мироншоҳдек аҳмоқлик қилиб эмас, балки писмиқлик билан, минг хил тавозе билан мендан қутулиб кетмоқчи. Кейин шундай деб ҳам ёзади, мен ҳукмдорнинг сафардалигидан беҳабарман, отамнинг ишига аралашмайман, қаерга ўтирғизиб қўйган бўлсалар, ўша ерда жим ўтиравераман. Булак ишларга аралашмайман. Буни қаранг-а? Ҳай, майли...»

– Бундан чиқадики, мен ер босиб оламан, хўжайинлари эскилигича қолаверади!.. Қандай хўжайинлар-а?

Банди бу гапларни тушунмади. Сўзларида на ғазаб ва на илтифотсизлик бўлган бу чолдан айтган сўзларини такрорлашни сўраб бўлармиди!

Темурнинг ўғли Шоҳруҳга ғазаби қайнаб-тошган эди. Бу чалажон, арвоҳ банди билан Темурнинг иши бўлмай қолди. Уни яхшилаб сўроқ қилиш керак эди, аммо Темурнинг бандига нисбатан муруввати ва бирданига паришонхотир бўлиб қолиши атрофда турганларни ҳайратга солди.

– Менинг бу ерда ерим йўқ, – деди яна Хатута.

– Бўлмаса, бировларникини ҳайдардингми?

– Ер ҳайдаганим йўқ. Чўпонлик қилдим, ўтган ёз балиқ овладим. Овлаб бозорга олиб чиқардик. Сизлар бостириб келгунча ҳам балиқ овладим.

– Қаерда?

– Шу ерга яқин жойда. Ганжа ёнида, Кура дарёсида.

– Лаққа балиқми?

– Ҳа.

– Адигейлар ҳам балиқ овлайдими?

– Қўй йўқлигида емак керак-ку, ахир.

Шу дамгача чурқ этмаган бу боланинг энди тап тортмай гапирганига ҳайрон қолган Темур: «Нега унинг тили чиқиб қолди?» деб ўйлади.

– Бу ерда хўжайинлар кўпми?

– Қайдан билай?

– Эҳтиёт бўл, эсингга тушириб қўядилар.

– Сен энг катта подшоҳ бўлганигда ҳам, билмаганимдан кейин қандай гапиртирасан?

– Шеригинг ким эди?

– Бир балиқчи.

– Яна кимлар бор эди?

– Ўз ерининг эгалари бўлган кишилар.

– Анави... анави балиқчи билан ким бор эди?

– У билан биз икки киши эдик. Унинг қўл остида саккиз киши балиқ овлардик. У тоққа қочганида мени ўзи билан бирга олиб кетди.

– Бир ўзингга ишонар экан-да?

– Йўқ, мен чўпонман, тоғ йўллари яхши биламан.

– Сени бирга олиб кетганида нима деб эди?

– Сичқонлар кўпайиб кетмасин учун эски пичанларни ёқиш керак, девди. Биз ўт қўйдик. Кейин у: «Энди қочайлик, уясидан чиқиб сичқонлар бизни ғажиб ташлайди», деди.

– Сўроқ қилганларида нега индамадинг, бўлмаса?

– Уйқум кеп турувди, гапга ҳушим йўқ эди. Туни билан шу тоғда юрган эдик.

– Ёлғон айтасан. Бутун кечаси билан тоғда ўтириб йўл пойлаган чиқарсизлар-а?

– Мен, тоққа ұтган кеча чиқдик, деяётганим йўқ, бошқа кечада чиққанмиз. Ұтган кеча қапада ўтириб йўл пойладик. Рост, йўл пойладик. Юқоридан узоқ ерлар куринади, аммо кечаси тоғ усти аёз. Ухлаб бўлармиди? Кейин мени тутиб келишди, кундузи мизғиб олишга қўйишмади. Шунинг учун жим туравердим.

– Ёлғон айтасан. Шунинг учун бўлмаса керак.

– Нима ҳам дер эдим? Улар ҳам, неча киши эдингиз, деб суроқ қилишди. Икки киши эканлигимизни кўрганларидан кейин беҳуда жавоб қилишнинг нима ҳождати бор?

– Бошқа тоғларда-чи?

– Мен уларни кўрганим йўқ. Улар биздан узоқ.

– Тағин, ҳамма одамлар биз билан деяпсан?

– Тоққа ҳаммаси ҳам чиққани йўқ-ку!

Темур гапнинг тагига етди. «Индамай вақтни чўзмоқчи бўлган. Энди ҳамманинг тоғдан тушиб кетганини, тушмаганларнинг эса қора тунда яширинишини билади. Кундузи миқ этмади. Кечаси миқ этмасликка ҳожат қолмаган эди. Энди бошқаларни билмайман, деб ўзини гўлликка соляпти. Мени алдамоқчи. Калласини танасидан жудо қилишимни кутяпти. Лекин мен уни алдайман, калласини олмайман. Ҳанда калласини нима қилишини кўрамиз. Бунга тайёрлиги йўқ, ана шунда қўлга тушади».

– Ҳа, майли, Ухлаб ол, кейин балиғингни овлаб юр-вер.

Шунчалик машаққат билан қўлга туширилган асирдан ҳукмдор бир нарса билиб олмасдан жавоб бериб юборгани учун атрофда турганлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

Мирза Ҳусайн шошиб-пишиб бобосининг қаршисига келиб:

– Ана энди у билан ўзим гаплашаман, эрталаб ҳаммасини айтиб беради, – деди.

– Қўйиб юбор, ўз йўлига кетаверсин.

Шайх Нуриддин бу гапнинг маъносини дарров фаҳмлаб, эрон совути кийган серсоқол бир жангчини кузатувчи қилиб белгилади.

– Кузатиб қўй уни. Жавоб беришдан олдин тўйғаз, суҳбатлаш. Тинчроқ дам олсин. Уйқуси келяпти экан, эшитдингми? Уни эҳтиёт қилиб асра.

Шу буйруқни бериб Шайх Нуриддин шошиб-пишиб йироқлаб кетган Темурга эргашди. Жангчи эса озод қилинган бандини ўз чодирига бошлаб кетди. Агар бандини қўлтиқлаб олишмаса, ўзи юра олмас, оёқ боса олмас, ўша он қора ерга ўзини ташлар эди.

Темур ўз ўтовига қайтиб, Шоҳруҳга жавоб тайёрлади: «Эрта саҳарлаб Ҳиротга одам жўнатиш керак. Кимни юборсак экан? Юбориладиганлардан ҳеч ким шаҳзодага хайрихоҳ бўлмаслиги керак, китобхон, ҳудоҷўй, пирпараст бўлмаслиги, сўфи ва авлиёларнинг мухлиси бўлмаслиги керак.

Ҳирот маликаси Гавҳаршоднинг хешларидан бўлмаслиги керак. Бинобарин, бунга барлос уруғидан ҳеч ким тўғри келмайди...»

Бирдан у юрмай хаёл суриб турганини пайқаб қолди. Аъёнлар ҳам уни кутиб, ҳурмат билан тик турмоқда эдилар. Демак, у ўйга толган, улар эса кутмоқдалар. Илгарилари ўйлаган вақтида уларга кутиш учун фурсат бермас эди. Энди қартая бошладимикин? У илгари доим шундай ўйлай олардики, унинг ўйлаган-ўйламаганини одамлар пайқашмас эди. Ҳар бир масалани билиб қўйгандек, сўровчи савол бермасдан олдин жавоб қилар эди. Унинг тўғрисида, ҳамма нарсани у олдиндан билади, келажак тўғрисида кечалари ота-онасининг руҳи билан сўзлашади ва шу сабабдан ҳар нарсанинг жавобини билади, нима сўрамоқчи бўлганлари унга аён, душманни қуршаб олиш йўлини билади, чунки душманнинг ниятларини олдиндан пай-

қаб олади, деб гапирар эдилар. Темур бу гапларни рад этмас эди.

– Нега қараб қолдингизлар? Муни қаранг, ажойиб кеча, а? – деди у жиддий оҳангда тез-тез гапириб. Сизгир Шайх Нуриддин ҳукмдорнинг ерга қараб турганини ва зулмат баҳор тунлари ҳукмдорга унчалик ёқмаганини фаҳмласа-да:

– Кўклам! – деб қўйди.

Ҳаммалари яна ўтов томон йўл олдилар. Ошпазлар ланж бўлган паловни соқчиларга сузиб бериб, янгидан дамлаб қўйганларини Темургина пайқамади. Ошпазлар, илгариги ҳафсала ва илгариги ғайрат билан пиширилмаган бу палов ҳам ланж бўлиб қолмасмикин, деган хавотирда эдилар, чунки ҳар сафар пиширилган палов алоҳида пазандалик талаб қилади.

Темур ўтовига кириб кетди, аъёнларнинг қўлларига қўллар обдастадан сув қўйдилар. Ҳамма енгил нафас олди. Кеч кириб, ором вақти келди, кун тамом бўлди.

Улар жигар кабоблар солинган мис тоғоралар атрофида давра қуриб ўтирдилар, нонларни ушатдилар. Ҳазил-мутойибадан ўзларини тийиб, аста гаплашиб ўтирдилар, чунки ҳукмдор яқинда бўлиб уларнинг гапига қулоқ осишга тоби бор-йўқлигини ҳеч ким билмас эди.

Ҳукмдорнинг ўтовида катта мис шамдон хира нур сочиб турар, чордана қуриб олган котиб қоронғида кўринмай ўтирган Темурнинг буйруқларини ёзарди.

У кундузи келган ҳиротлик савдогарларни чақириб келишни буюрди. Шу бугун бирор иш чиқаролмаган ҳиротлик савдогарлар ухлагани ётган эдилар. Энди чақириб қолганларида, бир-бирларига туртинишиб, гўё зилзилада қолгандек кўрпалари устида ўрмалашиб қолдилар.

Шамдон рупарасига келиб босган ҳиротлик савдогар ним қоронғи утовда липиллаган шамдан бўлак ҳеч нарсани кўрмас эди, у бирор киши кирармикан, деб кутиб, уша томонга таъзим қилиб турди. Темурнинг унга таниш бўлган товуши бошқа томондан чиққанда у бутунлай довдираб қолди.

– Нималар келтирдингиз?

– Улуғ шаҳаншоҳ, бизлар сотадиган нарсамиздан сиз подшоҳга бирортаси керак эмасмикан?

– Нима билан савдо-сотик қилишинг ёдимдан кўтарилипти.

Савдогар бир нохушлик борлигини сизди. Илгарилари унинг молини кўп мақтаган Темур энди бирдан унинг нима билан савдо қилишини эсидан чиқарган. Савдогар ҳовуридан тушиб, кайфи қочди. У жавоб қилмасдан Темур яна бирдан сўраб қолди:

– Менинг бу улкаларда юрганимни сен қаёқдан билиб олдинг?

– Қаёқдан? Ким билмайди дейсиз буни, улуғ шоҳим.

– Мени қаердан топишни Ҳиротдан билган бўлсанг керак.

– Қаердан буларди, Ҳиротдан-да.

– Кейин бу ёққа савдо-сотик қилгани келдингми?

– Ҳа, шошиб-пишиб шу ёққа отландим...

– Қачон изингга қайтмоқчисан?

– Молларимни сотиб бўлиб қайтаман.

– Бу ердан нималар харид қилмоқчисан?

– Жаноб олий Мирза Шоҳруҳ ҳазратлари менга бу ердаги вайроналар ичидан суратли, зеб-зийнатли хушхат, нодир китоблар топиб, баҳоси қанча бўлса ҳам сотиб олишни буюрганлар. Озарбайжонда қадимдан яхши хаттотлар бор, деб айтдилар. Энди у ерда ҳеч кимнинг китоб билан иши йўқ, дедилар. Улуғ шоҳимиз жаҳонгир қиличларини у ерларда ярқиратиб юрар

эканлар, бошқа вақтда топилмайдиган китобларни у ердан топиш мумкин, дедилар.

– Мирзанинг ўзи шундай дедими?

– Шу иш учун мени ҳузурларига чақиртирдилар.

– Демак, менга мол олиб келаётганингни у билган экан-да.

– Нега билмасинлар, улуғ шоҳим. Ёлғиз менга эмас, кўп кишиларга шундай топшириқ берганлар. Хушхат, қадимий китобларни сотиб олинганлар, деганлар.

– Эрталаб олдинга одам юбораман, молларингни кўради, ҳозирча кетавер!

Савдогар шамдонга кўз қирини ташлаб, ташқари чиққанда қоронғи кечада қоровуллардан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. Аскар уни уйқуга чўмган ўтовлар ёнидан, наматларда донг қотиб ухлаб ётган аскарлар ёнидан, отлар боғланиб қўйилган, сукунат ичидаги жойлардан бошлаб ўтди.

Бироқ Темур ухлашга ётмади, кўзларига уйқу келмасди. Ниҳоят, эрта саҳарлаб яширинча Ҳиротга жўнатадиган уч мулозимни кўз тагига олди ва ўзи ёлғиз уйқудаги қароргоҳ бўйлаб кетди.

Наматлар устида жангчилар чалқанча тушиб ётар, худди саҳродан шамол учуриб келган қум тепаларга ўхшаб, бутун атрофда минглаб одамлар тўмпайишиб ухлашиб ётарди, Темур отлардан бир оз нарига бориб тўхтади. Улар уйқу ичида пишқирар, оғир-оғир нафас оларди. Қурсиллаган овозлар эшитилмас, чунки отлар хашак емас, уйқуда эди. Афтидан, уларни кечқурун яхши тўйғазишганга ўхшайди. Сўналар ва чивинлар ҳали уйғонганича йўқ, ҳаво совуқ, отлар безовта бўлмасдан турарди.

Темур яна сув бўйига келиб, сувнинг бемалол оқшини эшитмоқ учун тошга ўтирди. Унинг ихтиёридан ташқари оқиб кетаётган сирли сойнинг тинмай аста

шилдираши унинг кўнглида қандайдир ташвиш ва безовталиқ кўзғатарди.

У ниманидир тушуниб олгиси келарди, аммо ўша нарсанинг ўзи унга тутқич бермас, қайси саволга жавоб ахтаришни ўзи ҳам билмас эди. Сув унда қандайдир номаълум бир истакни туғдирган, у ана шу нарсани тушуниб олмоқчи эди. Бироқ сув унинг кўнглида нима уйғотганини англаб ета олмас, чунки унинг қалбида ҳеч қачон бундай ҳис кўзғалмаган эди.

Темур нариги қирғоққа ўтиб, мунажжимнинг уйи турган жойдан чиқиб қолди. Бир вақтлар бу уй ўз жойида турганида уни айланган эди, ҳозир ҳам бу изи йўқолиб кетган уйни бир айланди. Оёғи остида қандайдир майда қиррали тош ғичирлади. Бир вақт остона бўлган ялпоқ тош устига келиб ўтирди. Мрамр тош муздек эди. Бунда ўтирса оёғининг оғриғи зўриқиши мумкин эди. Сафарда оғриш эса унинг мақсадига номувофиқ эди. У ўрнидан турди. Шу кечада бирор ўтирадиган жой йўқмикан, деб ўйлади. Ўз ўтовидаги кўрпа-тўшагидан бўлак кўрпа-тўшак топилмас эди. Атрофда чўзилиб ётган кишилар ҳамма нарсани банд қилиб олган эдилар. Жим юрган қоровулларгина бедор эди, чунки уларнинг ўтиришга ҳеч ҳақлари йўқ эди. Аскарлар бошларига ёстиқ қилмоқ учун ҳатто эгарларни ҳам эгаллаган эдилар.

Темур қоронғилик ичига тикилиб, туриб қолди. Кейин мунажжимнинг уйига қайтди. Мироншоҳнинг қилган иши бу! Ҳаммаси аҳмоқчилик. Отасига ўчакишгани ўчакишган. Шоҳруҳ эса ўз улусида ҳамма нарсани эҳтиёт қилиб сақламоқда, ҳеч нарсани бузаётгани йўқ, аммо ҳеч нарса барпо қилаётгани ҳам йўқ. Ниманики сақласа, ўзи учун сақлайди. Отаси учун эмас, улуғ давлатнинг мол-дунёсини кўпайтириш учун эмас, ёлғиз ўзи учун. Мана, бир неча йилдан бери китоб сотиб

олади, хаттотларга кўчиртиради. Китоб тайёр бўлганидан кейин, офтобда сиёҳи ўчиб кетмасин, деб уни сандиққа солиб қулфлаб қўяди.

Уни бегона кўзлардан асрайди, фақат йилда бир мартагина ўз ҳамсухбатларига ғаройиб сандиғидан олиб кўрсатади. Ёшлигида ҳам шундай эди, катта бўлганда ҳам шу феъли қолди. Ёшлигида бирор нарсани топса тескари ўгирилиб қарагани қараган эди. Ўзи тўйиб томоша қилмагунча арзимас бир нарсани отасидан этак тўсиб яширарди. Онаси билан ҳеч қачон очилиб гапиришмас эди. Унинг онаси – тожик аёлга Темур ҳам серилтифот эмасди. Темур на Шоҳруҳни ва на Мироншоҳни валиаҳд деб ҳеч қачон тан олмаган эди. Ўғли Жаҳонгир оламдан ўтган, бир курднинг ўқи билан иккинчи ўғли Умаршайх ҳам шаҳид бўлган. Бу икки тирик юрган ўғилдан кўра Жаҳонгирнинг ўғиллари – Темурнинг набиралари аълороқ эди.

У Ҳиротга юбориладиган махфий элчиларга шаҳзодага нисбатан қаҳрли бўлишни, қатъий бўлишни буюради, гуноҳкорларни жазолаш ҳуқуқини беради. Фақат шаҳзодага дахл қилмасликни амр қилади. Юрагини бир олиб қўйса бас. Икки ўғилни баробар шарманда қилиш ярамайди. Шоҳруҳ Мироншоҳнинг жазоланганини эшитиб, ювошланиб қолган бўлса ажаб эмас, аммо ўз маслаҳатгуйларини ўзгартириб олганмикин? Агар ўзи ўзгартириб олмаган бўлса, уларнинг ўрнига бошқаларини қўядилар, у билан ҳисоблашиб ўтирмайдилар.

Темур қоронғилик ичида чарчади, гоҳ тошларга қоқиниб, гоҳ шағалларга туртиниб, ўтган йил шuvoқ босиб кетган бир чуқур олдига келиб тўхталди. Кейин шаҳзода Улуғбек ётган ўтов олдига келиб қулоқ солди. Ўтов ичида хуррак отиб, тўлғаниб, Қайиш ота данг қотиб ухлаб ётарди, лекин Улуғбекнинг овози чиқмас

эди. Темур ўтовни бир айланди. Қоровул ҳукмдорни таниб тарракдек қотиб қолди. Темурнинг чети қайрилган кигизга кўзи тушди. Невараси шу жойда ухлаб ётганини пайқади.

У энгашиб қоронғи ўтовга кирди. Ичкарига наманнинг қайрилган жойидангина ёруғ тушиб турарди. Неварасининг бош томонига, кўрпа чеккасига ўтирди. Қайиш ота аста бошини кўтариб, қоронғиликка назар ташлади. Ўз кўзи билан кўрмаса-да, лекин қулоғи ўткир Қайиш ота хириллаб нафас олишидан ҳукмдорни таниди. Темур одатда ўйлаган маҳалида шундай пишиллаб нафас оларди. Боланинг узун бармоқли ингичка қўли кўрпа устида ётар, бир қўлини эса уйқу ичида ёстиқ тагига тиқиб олган эди.

Темур бу нозик муздек қўлни ушлаб силади. У ўйга толгани ҳолда узоқ ўтирди, шу орада Улуғбек ҳам ўғониб қолди. Бобоси ёнида яқин ўтирганидан суюнган бола, гўё бу шарпанинг ғойиб бўлишидан кўрққандек, қимир этмай ётди. Бобоси боланинг ўйғоқлигини сезиб қолди. Отларнинг пешонасини силашга ўрганган қўли билан неварасининг юзини аста силади.

– Ҳўш, қалайсан?

Бу кимсасиз қоронғи кечада минглаб уйқуга толган одамлар орасида ҳамсуҳбат топгани учун чол жуда хурсанд эди.

Улуғбек индамай бобосининг қўлини ўпди. Кейин кўққисдан:

– Бобо, – деб қолди. – Душманнинг отлиқ аскарлари сизникидан кучлироқ бўлса-ю, сизнинг пиёдаларингиз кучли бўлса, нима сабабдан сиз пиёда аскарни урушга соласиз? Душманникидан кучсиз бўлган отлиқ қўшинни эҳтиётда тутасиз? Шундай қилиб енгиб бўладими? Яхши кучларни асраса бўлмайдами? Менинг отабегим сизни шундай қилади, дейди.

Қайиш ота қоронғида оғзини карракдек очиб, қўрқув ичида ҳукмдорнинг жавобини кутди. Газанданинг хотираси кучли, деб ғижиниб қўйди.

Темурга жон кирди. Кичкина невараси қоқ ярим кечада қўшин устида фикр юритганидан хурсанд бўлди.

– Қўз керак, кимнинг қанчалик кучлилигини билмоқ керак. Ҳар икки томон ҳам бир-биридан устун бўлмаса, кучли пиёда аскар тез орада кучсизларни қисиб қўяди. Душман отлиқлари ўз пиёдаларини ҳимоя қилиш учун отилади. Шунда жангни ниҳояси яқинлашгунча кутиб туриш керак. Душман отлиқларининг жангда ҳолдан кетишини кутиш керак. Отлиқлар чарчаб, пароканда бўлиб, қизишиб, пистирма борлигини унутиб қўйганда, сен сони оз бўлса ҳам, лекин кутиб тоқати тоқ бўлган янги отлиқларни ишга сол. Сенинг отлиқларинг сони оз бўлса ҳам, лекин руҳи бақувват бўлади.

Қайиш ота бесаранжом тўлғаниб, оғир-оғир нафас олди. Темур Қайиш отани эслаб:

– Кўрдингми, отабегинг тўғри ўргатибди, – деди.

Қайиш отанинг кўнгли жойига тушиб оёқларини чўзди, қўлларини боши остига чамбар қилиб қўйди.

«Ҳукмдор ҳузурида шундай бепарво ётиш умрингда бир марта муяссар бўлган бўлса керак».

«Мени хафа қилмади, анавиниси, газандаси эса!..»
Темур тўсатдан гап қотиб:

– Жангда ҳар сафар янгича ўйламоқ керак. Янги жанг – янги топишмоқдир, – деди. – Башарти, душманнинг аскарлари чарчамаган бўлса-ю, сен ўзингникиларни узоқ йўлдан бошлаб келган бўлсанг. Сенинг отлиқларинг дам олишга улгурмайди, отларни эса яна зўр бериб чоптириш керак. Узоқ йўл босиб келган отларда куч қайда бўлсин? Бинобарин, аввалги тажриба ярамайди, янгича ўйлаш керак. Бунинг устига ўйлаб ўтиришга вақт йўқ. Жанг топишмоғини тезда ечмоқ керак.

Темур неварасининг бошини силаб, ўрнидан тураркан, деди:

– Ухла, ухла, ҳали эрта. Саркарда бўлгин. Миянгни ишлатишга ўргангин. Китоблар сени бировни енгишга ўргатмайди. Душманингга қараганда ўзинг тезроқ ва равшанроқ ўйлагин. Китобдан тарих ўрганилади. Китобга қараб енгаман дейиш – орқага қараш демакдир. Олдинга қарамоқ, узоқни кўрмоқ керак. Ҳозирча ухла, ҳали эрта! Ухлаб, куч тўпла. Саркардага куч керак.

Бобоси «ҳали эрта» деб чиқиб кетганидан кейин Улуғбек ўзини ухлаганга солиб ётди. Яқинда тўлғаниб ётган Қайиш ота, ишқилиб гапириб қолмасайди, деб ўйлади.

Боланинг кўзига уйқу келмади. Катта бўлганида ўз аскарларини бошлаб ғалабали жангга киришлари кўз ўнгидан ўтгандек бўлди. Аста ўрнидан туриб, чопонини елкасига ташлади-да, ташқари чиқди.

Шундай кечада ўз аскарлари олдига бориб уларни уйғотиб, кўққисдан жангга олиб киришини тасаввур қилди. Халил Султон сингари у ҳам ҳаммадан олдинда филларга, арслон бўлса арслонларга биринчи бўлиб ҳамла қилади. Қўлида шамшир билан, визиллаган ўқлар орасидан ўтиб, ҳайқирган, найзабардор душман устига ўзини отади!.. Орқасида яқтак эмас, енгсиз оппоқ ёпинчиқнинг этаклари ҳилпирайди.

У шаҳдам қадам ташлаб, кеча кечқурун ўтирган ҳовуз бўйига чиқди. Осмон тонгга яқин сал ёришди. Кеча кечқурун қаққайиб турган яланғоч катта дарахт болани ҳайратга солди. Энди унинг бутун шохлари қуюқ қора барглар билан қопланган эди.

«Бир кечада-я! Кўкламни қаранг-а?»

Улуғбек ҳайрон бўлиб туриб қолди.

«Чинорнинг барглари катта-катта-ю, нега қора экан?»

Ҳаммадан олдин уйғонган бир от қаердадир кишнаб юборди, эҳтимол чанқагандир. Худди шамол тургандек чинорнинг барглари барабар шилдираб, осмонга учди. Улар чинор устида бир лаҳза туриб қолгандек бўлди-да, ўша замон яна юқори кўтарилиб, осмоннинг қоронғи томонида кўздан ғойиб бўлди.

Улуғбек кўрқиб, қалтираб кетди, яктагини тушириб қўйиб, майда қадам ташлаб, чопқиллаганича ўтовига қайтди, лекин қайрилиб, яланғоч дарахтга қарашга юраги бетлай олмади.

Баргларнинг бу хилдаги парвози умр бўйи унинг эсида қолди. У аксари буни эслар, кўп йиллар ўтгач, дунёнинг ғалати муъжизалари устида ўйлар эди.

У бунинг Ҳиндистондан гала-гала бўлиб учиб келаётган чуғурчиқлар эканини, улар шу дарахтда тунаб, тонг отиши билан, кўкламни ўз юртларига – шимолга, март ойи бошланган Москва томонларига олиб бормоқ учун бирдан париллашиб учиб кетганини пайқамаган эди.

БЕШИНЧИ БОБ МОСКВА

Ётоқ уйнинг ғира-шира қоронғисида музлаган дераза ойналари андак кўкиш тусга кирди – тонг отмоқда.

Москва улуғ князи Василий Дмитриевич уйқудан турди, ич кийимида серпат ширвон гилами устидан юриб бориб, қиров босган ойнани тирноғи билан қириб кўрди: ташқарида март ойи бошланган, лекин совуқ. Шу сабабдан печкалар кунда икки марта ёқилади, уй ичи иссиқ.

Уй ичида ҳаво дим, қуруқ, хушбўй ис келиб турсин деб кузда тушакнинг тагига ташлаб қўйилган ўтларнинг ҳиди анқийди.

Дераза ойналари кўкиш тус олар, лампанинг шиша-си қизариб кўринар, аммо уй ичи ҳали қоронғи.

Василий дубдан ясалган бочкачадан чўмич билан квас олиб ичди, мўйловини шоҳи рўмолча билан артди ва ўша рўмолчани кваснинг устига яна ёпиб қўйди.

Тимирскиланиб дастурхон устидан ингичка мум шам топди-да, уни лампага теккизиб ёндирди. Кейин венеция ойнаси олдидаги жимжимадор катта шамдондаги катта шамга липиллаб турган шамни теккизиб ёқди.

Бу ниҳоясиз ойна ичидан рангпар ва шишинқираган юзидаги тик қошлари остидан қуралай кўзлари кўринади. Василий ювуқсиз ибодат қилмаслик учун бурчакдаги мис тоғора устидаги ювинғичда юз-қўлини чайиб олди. Сўнгра дастгоҳ устига ўтириб кийинди. Хизматкорлари олдида ички кийимда туриш одатга хилоф бўлганидан доим ўзи кийинарди.

Ўйланиб туриб, ҳар куни киядиган либосини эмас, балки байрамда киядиган кафтанини олди. Унинг кўкимтир барқутига кумуш зар тикилган эди.

Сочини тараб, яна ойнага қаради. Тугарак қилиб қирқилган сочларининг ўртасини (пархешини) очди ва текисмикан деб қўли билан пешонасидаги сочини силаб қўйди.

Ёноқларим усти нега шишди экан, деб қўли билан юзини пайпаслаб кўрди. Юзи сарғайган, шипирги соқоли малла рангда кўринди. Соқолини ҳам таради. Юзида сепкили кўринмади, афтидан, бу йил йўқолиб кетган эди.

Табаррук отаси Дмитрий Иванович Донскойнинг муборак шаклига ҳурмат билан бош эгиб ибодат қилди.

«Отче наш» дуосини ўқиш билан кифояланди. Бу дуо марҳум отамнинг руҳига тегади, деб қаноат ҳосил қилди. Отаси у дунёда ўғли Василий учун худо-

дан нима тилак тилашини билади, ҳаммаси унга аён. Шу сабабдан у халоскор икона олдида таъзим қилиб турди. Отаси ўз ўғли Василийнинг дуосини эшитади, унинг бутун азият ва машаққатларини кўради.

Дуойи фотиҳасини қилиб бўлгач, дарров юз угириб, унинг олдидан кетишни эп кўрмай, яна бир оз туриб қолди. Халоскорга ошиғич иш билан эмас, балки эрта-лабки фарзандлик саломи билан мурожаат қилади.

Ётоқхонада бир нарса эсимдан чиқмадимикан, деб у ёқ бу ёққа қаради. Бу кечани у ўзи ёлғиз ўтказди ва ўзи ёлғиз ибодат қилди. Малика – улуғ княгина Елена Витотовна катта рўза муносабати билан энагаларнинг уйида тунаб чиқди.

Ойнанинг бронза роми шам ёруғида товланарди. Қирралари олтиндек товланиб турган, Византиядан инъом қилинган кумуш чилчироқ ўртада қимир этмай осиглиқ турарди. Лампада шуъласи кафтаннинг кумуш зарларини қизғиш қилиб товларди. Кўкиш тонг шуъласи буларнинг ҳаммасига шаффоф тус берар эди.

Василий боғичлардан аранг ўтган тўққизта юма-лоқ кумуш ғудур тугмасини қадади. Энг пастки тугмаси қолганда тўхталиб, ўйланиб турди-да, шартта тугмаларни ечиб, қимматбаҳо кафтанини ўриндиққа улоқтириб ташлади. Кейин парда орқасидаги қозиқдан кўк мовут кафтанини олди ва: «на ҳожат у» деб тўнғиллади.

Енгига томган шам ёғини тозалаб, эшик томон йўл олди. Даҳлизда уни маҳрамлар кутиб туришар, уларнинг баъзилари улғайиб қолган, ҳали бирор мансаб ва мартаба эгаси бўлолмай, подшоҳга хизмат қилиб юрар эдилар.

Даҳлиз совуқ бўлгани учун у чиқиши билан кафтани устидан елкасига пўстин ташлаб қўйдилар.

Даҳлизда яқин боярлар кутишар, улар Василий Дмитриевичдан эрталабки топшириқларни кутишар

ёки маслаҳат сўрамоқчи бўлишар ёинки кечаси юз берган ҳодисалар тўғрисида хабар етказиш учун туришар эди.

Улуғ князь гарчи бўйдор ва қадди-қомати келишган бўлса ҳам, зич саф тортиб турган барваста, семиз боярлар олдида худди йигитчага ўхшаб кўринди. Аммо у гердаймас, мартабасига қарамасдан содда, оддий бир киши эди. Боярлар олдида кўкрак кермас, соқолини кўксигача тушириб тарамас, доно ва ҳукмдорман деб қошини чимирмас эди. У аъёнлари олдида давлатнинг улуғ князи тарзида эмас, балки оддий бир боғбон сингари турарди. Аммо унинг бу соддалигидан боярлар ўтдан кўрққандек кўрқар эдилар: соддалиги туфайли у, одатда узоқ маслаҳат билан битадиган ишларни тезда ҳал қиларди. Гарчи кўринишда Василий оғир кўринса-да, лекин ўз қарорини қатъий айтиб қўя қоларди. Афтидан, ҳамма нарса тўғрисида ўзи ўйлар, боярларнинг ўйи битгунча, унинг иши битарди. Шу сабабдан у бир зумда қатъий бир қарорга келар, гўё булутсиз осмонда, бош устида чақмоқ чаққандек бўларди. Гарчи отаси барваста, бу эса қотма, отасининг сочи қора, буники сариқ, отаси дилкаш, бу эса бир гап айтишдан олдин гўё доим бир нарсани кутгандек кўринса-да, отаси Дмитрий Иванавичга қаеридир ўхшаб кетарди.

Василий қуралай кўзларини қисиб, дам у оёғига, дам бу оёғига босиб, нечундир лабларини пичирлатиб, навбатма-навбат боярларнинг гапини тинглар, лекин эртагача кечиктириб бўлмайдиган гапларнигина эшитарди,

Василий эрингандек сушт жавоб қилар, аммо сўзлари қисқа ва мазмуни ҳар сафар равшан бўларди. У ўз қарорини ўзгартиради, деган умид билан чайналиб ўтиришга тўғри келмас эди.

Боярлардан бири нолиди:

– Подшоҳим, нобоп бир иш руй бермоқда. Князь Тимофей Иванович Поповнинг ўрмонидан сарой учун ҳар йили икки пуддан асал олинар эди. Бу йил ўрмоннинг эллик десятинасини экин ери қилиш учун ёқишди, сенинг омборчиларинг бунинг устига уч пуддан талаб қилишди. Ўрмон камайиб кетди, асални эса кўп беравер эмиш. Ўрмон озайгандан кейин аричилар асални қаёқдан олишсин? Ўрмондан эмас, ҳайдаб экиладиган ердан асал оламан дейиш тўғри келмайдиган иш, подшоҳим.

– Экин ери кўпайган бўлса, у ерда одамлар кўпайган. Одам кўпайгандан кейин ўрмонни титкилайдиган, асалари ини қидирадиганлар ҳам кўпаяди. Ўрмонда жой кўп. Асаларини бир жойдан ҳайдасанг, бошқа дарахтга бориб макон куради. Топадиган одам бўлса бас. Бизда одам кам бўлса ҳам, асалари тўлиб ётипти. У менинг ўрмонимдан жой очиб ҳайдаган бўлса, бу билан камбағал бўлиб қолмайди. Уч пуд бериш қўлидан келади.

Бояр таъзим қилиб тисарилди. Даҳлиз одамлардан бўшаганидан кейин Василий, шарқ тилларини билгани учун унга аксари ажнабий ишларни ишониб топшириладиган Тютчевдан сўраб қолди:

– Ҳўш, ишлар қалай?

– Нима хусусидан, подшоҳим.

– Тўхтамишнинг элчиси омонми?

– Ҳар куни шоширгани шоширган.

– Ундай бўлса, бошлаб кел. Элчининг гапини эшитайлик.

– Қачон, шоҳим?

– Ҳозир, шу жойга.

– У ҳали уйқудан турмаган чиқар, чақирилишини кутмаётгандир.

– Ҳалигача ухлаб ётибдими?

– Осиёлик-да.

– Равшан, лекин яхши эмас.

– Нимаси яхши?

– Сен буюр, қараб келишсин. Кузини очган бўлса, келсин. Нима дейишини эшитайлик. Курайлик, муддаоси нимакин? Ана шу жойда, даҳлиздаёқ тинглаймиз. Тўхтамишхон катта хон эмаски, унинг элчисини Дума палатасига чақириб, чилчироқ ёқиб, аъёнларни тўплаб гаплашсак. Ҳашамсиз гаплашиб қўя қоламиз. Келтирган ёрлиғини ўзинг очиб, ўзинг таржима қиласан. Бор.

Кекса князь Тарусский билан ёлғиз қолганда Василий шундай деди:

– Тўхтамиш бизнинг халқимизга азалдан жабр етказиб келяпти. Биз бўлсак доим ёмонликни яхшилик билан даф этипмиз.

– Москва яхшилик билангина мустаҳкамланади, шоҳим, ёмонликни унутади.

– Унутишга унутмайди-я! Қандай унутсин: Куликов майдонидаги ғалабадан икки йил ўтгач, ўша газанда Тўхтамиш ҳийла-найранг билан Москвага пусиб келиб қолди. Отахонимиз Дмитрий Иванович аскар тўплаб келиш учун Костромага кетди, халқни тинчликда сақлаш учун бизни волидам билан шунда қолдирди. Биз кутиб ўтирмадик, Киприян – митрополит бизни шаҳардан олиб чиқиб кетди. Тўхтамиш бу ерга бостириб кириб, Кремлга ўт қўйди. Нодир қўлёзма китоблар ҳамма жойдан тўпланиб, сақлаш учун соборга олиб келинган, гумбаз тагигача тахланиб қўйилган эди. Унга нима! Ҳаммасига ўт қўйиб ёндирди. Тўхтамишнинг аскарларини қувиб юборгандан кейин тезда шаҳарни тикладилар. Қўлёзмаларни тиклаб бўлармиди? Уларни минглаб йиллардан бери ёзганлар. Тоғдек уйилиб қўйилган бу китобларда нима ёзилганини ким билсин! Шундай ёвузликни унутиб бўладими? Қандай қилиб? Майли, яна бир яхшилик қилайлик, бу унга ҳар қандай ёвузликдан ҳам қаттиқроқ ботсин.

– Қўлида қилич кўтариб келмагандан кейин майли!

– Нега қилич кўтариб келмайдикин у? Қаердан ҳам оларди. Лекин мен бераман, қиличми ё бошқа ҳарбий анжомми, бераман. Элчи менинг хужрамда ўтирар экан, ялиниб-ёлвориб, ўз хони учун қилич ва бошқа яроқ-аслаҳа сўради. Бу анжомлар унга Эдигейга қарши уруш учун керак. Эдигейга қарши бўлса – бераман. Эдигей ўз элини эплотмас экан, биз томонга етиб кела олмайди. Узоқроқ овора бўлиб қолишлари учун Тўхтамишга қурол берамиз. Уйингга ўт тушса, уни ўчириш билан овора бўласан, кўшнинг сендан безовта бўлмайди. Эдигейдан анчагача бежавотир бўламиз, шундоғ эмасми?

– Кўп мақбул гап, – деди Тарусский.

– Ўрда ҳақида бош қотириш биз учун янги гап эмас, Биз бунақа Ўрдаларнинг кўпини кўрганмиз. Ҳаммамизга равшан, ҳаммамизнинг жонимизга теккан.

Қорахўжа ором оғушида эмас эди. Тахтдан туширилган Тўхтамиш ўз элчисини Москвага, Ўрда пойтахти саройдан эмас, балки Эдигейнинг жосусларидан беркиниб ётган пастқам бир жойдан юбортирган эди. Эдигейнинг хуфиялари ва жосуслари ҳамма жойни титкилаб, Тўхтамишнинг изини қидирар эдилар. Агар изини топсалар Тўхтамишга яхшилик ва шафқат кўрсатмас эдилар. Шу сабабдан ишни тезлаштириш керак. Бўлмаса Эдигей қочқин хоннинг оиласини, яқинларини чангадек панжаси билан қамраб олади. Шу сабабдан Тўхтамишхон тўхтовсиз равишда дарҳол келишишни Қорахўжага топширди. Қийин бўлса ҳам тезда келишиб олишни, бу ишда сусткашлик кўрсатмасликни топширди.

Қорахўжа хоннинг топшириғини кечиктирмасдан бажо келтириш учун саҳардан бери кутиб турар эди. Москванинг ишни пайсалга солиши унинг тоқатини

тоқ қилди. Хар кун чақириққа тайёр, лекин чақиришмас эди. У приставга айтиб кўрди, Тютчевга ёлвориб кўрди, тезда қайтариб юборинглар, деб илтимос қилди. Аммо Москва уни эъзоз-икром қилса-да, лекин подшоҳ ҳузурига чорлашга шошилмади. Башарти, Тўхтамишхон бош кўтарса кимга суянади, аскарлари қанча бўлади, Эдигейга қараганда Тўхтамишнинг аскарларидан Москвага кўп жафо етмасмикан, деб билиб келиш учун улуғ князь Урдага айғоқчилар юборди. Тўхтамишнинг ҳоли нима кечганини, унинг яширинган жойини билиб олди. Эдигей қидириб тополмади, аммо Василий топди. Русь бозорларида рус савдогарларидан аниқлаб олди.

Тютчев хоннинг чопарини орқа эшикдан бошлаб, даҳлизга олиб кирди ва Василийга рўпара қилди.

Чопар Василий олдида довдираб қолди: икковидан қайси бирига таъзим қилишни билмади. Василийнинг ёнида князь Тарусский туради. Тарусскийнинг эғнидаги зардўзи қора бахмал чопон унинг кўзини қамаштирган эди. Агар улуғ князь башанг кийинган бўлса, Қорахўжа унинг боярлари қанақа либосдалигига эътибор ҳам қилмас эди. «Оддий кийинган Василий қанчалик бой ва муғамбир, ўзини камбағал қилиб кўрсатяпти. Бунақа оддий одамни алдайман деб ўзинг алданиб қоласан», деб ўйлади чопар.

Улуғ князнинг сарғиш кўзларида мовий учқунлар кўриши билан Василийни алдаш учун ишлатмоқчи бўлган найранглари ўзига бачкана бўлиб туюлди.

Қорахўжа чўзиқ юзини олдинга чиқариб, чангакдек абжир қўлларини орқасига ташлаб, тез-тез қизғин гапирди.

Тютчев Қорахўжанинг қўлидан най қилиб ўралган номани олиб, Василийга узатди. Василий эса номани очиб, Тютчевга қайтарди:

– Уқи.

Тютчев собиқ Урда хонининг номасини бирпасда ўқиб чиқди-да, муқаддима қисмидаги ошиқча гапларни тушириб қолдирди, буларда хушомадгўйлик оҳанги борлигини пайқади. У илон тахлит номани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, баъзан ўз сўзлари билан айтиб берди, баъзан сўзма-сўз таржима қилди.

– Ёзади: Олтин Урданинг хони Тухтамиш Улуғ Москва князи Василий Дмитриевичга илтимос қилиб, ўз кичик ўғилларини тарбиятига олишни сўраган.

Қорахўжа Тютчевнинг гапига қулоқ солар экан, девор томонга назар ташлар ва гўё қочиб яширинмоқ учун тешиқ қидиргандай бўларди. Москваликларга кўз қирини ташлаб яна деворга қарарди. Тютчев эса ҳеч бир дабдабасиз оҳиста давом эттирарди:

– Ёзади: биродарлик ҳурмати юзасидан ўғилларимга ўз меҳрибон қўл остингиздан жой бериб, васийлик қилишингизни, уларга ақл ўргатиб, бирга ғалаба қозонишимиз учун ҳарбий таълим беришингизни, илм ўқитишингизни, вояга етгунча икки орадаги муҳаббат ва дўстлик туфайли оталик мурувватингиздан баҳраманд қилишингизни илтимос этаман.

– Улар қайси динда? – сўради Василий.

Тютчев Қорахўжанинг жавобини таржима қилди:

– Муҳаммад динида.

– Уларнинг дини бошқа бўлгандан кейин, қандай қилиб мен уларга таълим бераман.

Қорахўжа эътироз билдириб:

– Худо битта, – деди.

– Шундоқ, лекин у бир неча шахсларда тажалли этади. Улар троицага мункирдирлар?

– Худо битта, – деди яна Қорахўжа.

– Ўз диндошларингизга юборилса яхши бўларди. Ўзи ҳам оқсоқ Темурдан ақл ўрганган. Ўз тирранчаларини ўшанга берса бўларди.

– Хавфли, Темурга ишонч йўқ.
– Шундоғ дегин, бўлмаса юборармиди?
– Темурга ишониб бўлмайди. Оқсоқ Темур менинг шоҳимдан хафа.

– Беш йилдан бери ҳовуридан тушмабди-да!

Қорахўжа турган жойида депсиниб, деворга кўз қирини ташлаганича индамай турарди. Темурнинг ишончидан бутунлай маҳрум бўлгани учун эндиликда Тўхтамишнинг маконсиз қолганини князнинг ўзи ҳам яхши билар эди. Самарқанд томондаги йўли абадий бекилиб қолганини Темурнинг ювиндихўри яхши билар эди.

Василий кунботар томонга деб тахмин қилган бурчакка имо қилди:

– Витовтга, Литвага юборса бўлмасмиди. Витовт Ольгердович менинг қайнатам, ёши улғайган. У сенинг хонингга синашта ва қалин ўртоқ. Ворскле дарёси бўйида икковлари Эдигейдан калтак еган.

– Бошқаларга эътимод йўқ, улуғ шоҳим. Ўзинггагина ишонамиз.

– Не сабабдан?

– Бизнинг улуғ хон сен улуғ подшоҳдан туҳфаларимизни қабул этишни илтимос қилади...

Қорахўжа шошиб-пишиб бирдан орқасига қаради! Орқасида туҳфа кўтарган ҳамроҳлари бўлиши керак эди, Улуғ князь билан чопарнинг суҳбати холи ўтсин деб, Тютчев ҳамроҳларини ташқарида қолдирган эди.

Тютчев имо қилган эди, даҳлизга уч ўрдалиқ кирди. Улар шоҳи сўзанага ўроғлиқ туҳфани кўтариб келишди. Қорахўжа яна гап бошлаб:

– Улуғ шоҳим, Тўхтамишдан келтирган туҳфани қабул этишга рухсат эт, – деди. – Сарсонликда юрган зотнинг бу арзимас совғасини қабул қил. Айб қилмай олсанг.

Василий қўлини силтаб:

– Тухфаси нимаси? – деди.

Лекин Қорахўжа ҳадеб қуллуқ қилаверганидан, Василий унга истар-истамас қўл чўзди.

Қорахўжа энгашиб, Василийнинг кўрсатгич бармоғидаги узукка қўйилган қимматбаҳо тошни ўпди, сўнгра орқасига тисарилиб, қутининг устидаги шоҳи сўзанани очди. Ҳамроҳи эса бу қутини Қорахўжанинг қўлига, шоҳи сўзана устига қўйди. Хоннинг туҳфаси Василийга шу хилда инъом қилинди.

Қутининг ичида ўймакор олтин қадаҳ бўлиб, ичи ярқираган бойқол дури билан лиқ тўла эди.

Василий қадаҳни кўриб, ранги андак бўзарди ва кўзларини қисиб, хатини ўқиди. Ёшлигида шу қадимий кнев олтин қадаҳида: «Ушбу қадаҳ, Галич улуф князи Мстислав Романовичники. Кимики бундан шароб ичса, соғ-саломат, душманлари яксон бўлсин» деган сўзлар ўйилган эди.

Минг икки юзу йигирма тўртинчи санада Калкада бўлган жангда ўрдаликлар қўлга туширган бу қадаҳ минг уч юзу саксонинчи санада Куликово майдонидаги жангда Мамайдан қўлга тушириб олинган эди. Дмитрий Иванович Донской уни Митрополит Алексей Бяконтнинг қабри устида турган иконанинг устини қоплатиш учун Чудово монастирига эҳсон қилган эди. Маълум бўлишича, монастир бу қадаҳни Тўхтамиш босиб келгунча қўйдириб, иконани қоплатишга улгуролмаган. Тўхтамиш черков анжомларини талаганида бу қадаҳни яна Ўрдага олиб кетган. Бу қадаҳ ўн саккиз йил ўз маконидан жудо бўлиб, ахир яна ўз жойига қайтиб келди.

– Қаердан қўлга туширганини унутганга ўхшайди, – деб тўнғиллади Василий.

Гарчи князнинг туҳфага қизиққанини пайқаган бўлсалар-да, на боярлар ва на ўрдаликлар унинг гапига тушунмадилар.

Василий Қорахужага қараб мийиғида кулиб:

– Тухфа учун хонга раҳмат, деб айт, – деди. – Хоннинг фарзандлари хусусига келсак... масалан, шундай дегин: майли, юборсин, қабул қиламиз. Яхши ният билан келсалар мамнуният билан қабул қилгаймиз. Бизга дўстлик қўлини чўзганларга қўл силташ – Москва одатига хилоф. Ёмон ният билан қўл чўзсалар, қўллари шартта кесиб ташлаймиз. Хоннинг туҳфаси эвазига мен яхши қилич билан совут беришни амр этаман. Шу тобда бундай совғалар унга олтиндан ҳам, инжудан ҳам қимматлироқдир.

Чопарга яна узук кўзини ўпишга рухсат этиб, Тютчевга амр қилди: – Чопарга йўл учун кўк ҳошияли сарик мовут пўстин бер. Бўлмаса, бу мусофир бизнинг совуқларга чидаёлмайди.

Хоннинг совғасини орқасидан кўтариб келаётган Тютчевга йўл-йўлакай гапириб, Василий ўз хосхонасига кириб кетди.

– Қаердан қўлга туширганини унутган чиқар. Эҳтимол, илгарилари бу ерга келиб юрганини эсимизга солмоқчи, бизни кўрқитмоқчи бўлгандир. Бироқ бизни кўрқитиб қўлга тушира олмайсан. Бизни кўрқитмоқчи бўлиб келганларнинг ҳаммаси кўрқувдан ўтакаси ёрилиб ўлган. Бизлар эсак, ҳалигача ўз юртимизда соғ-саломат юрибмиз. Мабодо фаромушхотирлик қилиб, яхши ният билан юборган бўлса, юз ўгириш бизга ярашмайди. Москванинг қадимдан одати шундай: дўстига ёрдам қилади, душманига жон деб қабр қазийди, шундай эмасми?

Тарусский дўриллаган овоз билан:

– Ҳозирги аҳволимизда бизлар бундан яхшироқ туҳфа кутсак бўларди, улуғ князь.

Василий бош чайқаб:

– Кўринишича, тухфа қилиш учун ҳеч нарса тополмаганга ўхшайди. Ўлжадан совға юборибди, хазинадан. Ўз хонасида совға учун мол топилмабди, соб бўпти-да. Унга раҳмат: совғасидан кучи ва қанча мол-мулки қолгани кўриниб турипти.

Василий совғага қараб, бош ирғаб:

– Зап қадаҳ-да, – деди. – Нега ёмон бўлар эди, ўзимизда, Киевда ишланган. Оламиз-да, Чудово монастирига қайтарамиз.

Тютчев қўшимча қилиб:

– Устига ёпган нарсаси ҳам Ўрданики эмас, грузия каштаси, – деди.

– Эҳтимол, уни Темурдан, Самарқанддан қўлга туширгандир. Бундай қилиш уларнинг одати. Ё бўлмаса, ўзи Терекдан олиб келган. Бу абжир ўғрибоши ўша ёққа ҳам қадам босган эди. Энди қандай қиламиз? Тўхтамиш фарзандларига мусулмонлик одатларини ўргатишимиз керак, аммо ўзимиз у одатларни билмаймиз. Агар биз уларни ўз одатларимизга ўргатсак, Тўхтамишга уят бўлади. Мен буни шундай тушунаман: уларни хон таълим учун эмас, тарбия учун эмас, балки ўзи бошпанасизлик вақтида, болаларини пана жойда сақлаш учун юбортирган, охири бир гап бўлар.

– Шундай бўлса керак, – деди Тютчев унинг гапига қўшилиб.

– Майли, ўзаро уришиб, бир-бирларининг этларини есинлар.

Василий совуқ зинадан бола-чақасининг олдига чиқар экан, тўхталиб, Москвага назар ташлади: ёғоч биноли кулранг Москвани қор босган эди. Баъзи-баъзи жойларда ибодатхоналар, жомхоналарнинг оқ тош деворлари қад кўтариб турарди. Оддий ва сернақш уйлар кўринарди. Дуб хариларидан қурилган боярларнинг уйи бўлса, баъзилари йўғон қарағайлардан қилинган

эди. Бу ёғочларнинг баъзилари эрталабки офтоб нурида сарғиш бўлиб, баъзилари кўнғир бўлиб кўринарди. Дубдан, қарағайдан, арчадан қурилган Москва уйлари қорайиб кўринарди, ҳар кимники ҳар қанақа, Боярлар уйларини дубдан қурганлар. Дуб мустаҳкам ва кўпга чидайди. Атрофдаги ўрмонларда кўп ўсади, аммо дуб ёғочлари оғир, уни ташиб келтириш қийин. Шу сабабдан ҳар қандай хонадон уни олиб келишга қурби етмас эди. Сувда оқизиладиган қарағай арзонга тушарди. Кўкламда уларни дарёда кўп оқизадилар.

Тайёр ёғочларни усталар Неглинная дарёси бўйида арзонгинага сотадилар, чунки дарёдан муз аримаган.

– Март ойи, лекин совуқ, – деб зорланди Василий. Нақадар сукунат!

Ҳамма уйкудалигида Москва сув қуйгандек жимжит. Тургандан кейин совуқни ҳам писанд қилмайди. Нақадар сукунат!

ОЛТИНЧИ БОБ ШИРВОН

Тош ётқизилган ҳужрада жинчироқ сасиб ёнар, шуъласи қорайиб кетган шифтга тушиб ўйнаб турар эди.

Пастаккина эшикчадан кирган муздек кечки шабада чироқни липиллатиб ўйнатарди. Чироқ олдида букчайиб ўтирган чол узун шуъладан кўзини узмас, шуъла гоҳ унинг юзини ёритар, гоҳ пешона ажинларини бўрттириб кўрсатар эди. Оқариб кетган соч-соқолидан юзи қорайиб кўринар, бир-бирига туташган ўсиқ қошлари оқ кўзичоқнинг баррасидек жингалак, қорача юзини босиб кетган чамбар соқоли ҳам жингалак-муй эди. Сурмаранг лўққи кўзлари чироқдан узилмас, таги кукарган бу кўзлар баъзан қизғиш тус оларди.

Чол тасбеҳ ўгириб ўтирар, қотма чўзинчоқ бармоқлари баъзан тўхталиб қолар ва яна бирдан тасбеҳ ўгиришга тушар эди.

Жинчиरोқ сасиб ҳужрани бурқсатган бўлса-да, чол баҳорнинг куртаклари, ёш баргларнинг ажойиб бўйини олиб келган шабадасидан яйраб ўтирар эди.

У баъзан мийиғида кулиб қўяра ва байт ўқирди:

*Бодом гуллар, гулин тўкар менинг қалбимда,
Шўх қушлар ҳам учар пар-пар менинг қалбимда,
Бу ҳудудсиз дунё қалбга жо бўлиб, мен-ла,
У дунёга этгай сафар менинг қалбимда.¹*

У янги тўқилган сатрларнинг оҳангига қулоқ бериб, яна янги сатрлар устида бош қотира эди.

Агар эшикдан меҳмон кириб қолмаганда, эҳтимол, бутун хилват тун бўйи риёзат чекиб чиққан бўлармиди. Меҳмон ғира-шира ёруғ тушиб турган эшик бўсағасида тўхтади: кейин остонадан берироқда туриб таъзим қилди. Сўнг эшик олдида турган бўш кўзани олди-ю, ташқари чиқиб, қоронғилик ичида ғойиб бўлди.

У сув тўлдирилган кўзани жойига қўйган чоғда, чол қандайдир қийин бир мисра устида ўйланиб ўтирган эди. У меҳмонга индамай синчковлаб қараб қўйди, бу билан у меҳмоннинг сўзидан эмас, балки чехрасидан ўз саволига жавоб излагандек эди.

Юзи рангпар меҳмон қўй терисидан қилинган узун пайпоқ кийиб олган, сарғиш юзи эса худди усталик билан фил суягидан йўнилгандек, чехрасининг чизиқлари эса беками-кўст эди. Майин қора соқолига туташган мўйлови баайни рассомнинг қалами билан чизилгандек. Толиққан уста рассом, гўё ҳафсаласи пир бўлиб, қора сиёҳ билан чалпиб ташлагандек кўзла-

¹ Шеърларни Охунжон Ҳаким таржима қилган.

ри алмойи-алжойи. У тўғрига қараб бақрайиб турарди. Сўнг калта бармоқлари билан мўйловини силади, қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилди, у чолга эмас, қора чироққа қараб таъзим қилган эди.

Чол нолигандек бўлиб:

– Мана, қоронғи ҳам тушди, мулла Имомиддин, – деб қўйди.

– Пешин намозидан олдин буд кўрибдурлар, Фазлулло ота, худо жазо қиличини қаҳр билан қиндан суғурибдур.

– Шу томонга келаётган эканми? – деб кулди чол.
– Босқинчиликни оқламоқ учун бу гапни муллалар тўқиганлар. «Худонинг балоси» эмиш, қаҳри келган худонинг «жазо қиличи» эмиш!

Шу гапни айтиб чол ташвиш билан яна сўради:

– Шу томонга келяптимики?

– У қишки қароргоҳдан қўзғалибди. Чўл ёнғини қарларга бориб етишини билиб бўлармиди? Бир нарса маълумки, ўтган йиллардагидек ёнғин тутунлари шу ерларгача етиб келар. Бу ердан қочсангиз қандоқ бўларкин деб билгани келдим.

– Қаёққа?

– Одамлар тоғларга қараб қочмоқдалар. У ерларда пана унгурлар кўп. Ҳамма ашқол-дашқолларини олиб, қолганларини кўмиб кетмоқда.

– Йўқ, кетмайман, қоламан, қочқинни қувиб етадилар, излаб топадилар.

– Бизлар фақир киши бўлиб панада яшаймиз. Омон қолсак...

– Башарти, унинг аскарлари бу ерга бостириб келса-чи?

– Биз аскарлари ичида бўлсак, улар учун хатарлироқ бўламиз.

Чол индамай ерга қараб қолди ва қатъий қилиб:

- Бизнинг кучимиз қуролимизда эмас, сонимиз оз, ҳарбий тажрибамиз заиф, унинг қаҳрини даф қилдиган тош кунгил эмасмиз. У қилич суғурмасдан ҳам бизларни отларига бостириб кетади. Аммо бизда маънавият кучи бор. Бу куч сўз қудратини туғдиради. Биз халқни асраб қолмоқ учун, халққа далда бермоқ учун шу ерда қолишимиз керак.

- Халқни сақламоқ учун? Гап-сўз биланми? Унинг аскарлари сурон солиб, майдонда қилич уйнатади, бизлар бўлсак, бурчак-бурчакларга биқинишиб, бир-биримиз билан шивирлашиб ғалаба қозонамизми?

- Бизлар омон қолганларни ёрдамга чақирамиз. Хужум босилиши билан биз уларни бир ерга жамлаемиз. Улар яна бир бутун халққа айланадилар. Кимики ўз ерини, ўз тилини, ўз урф-одатларини қадрласа яна бир ерга тупланиб, яна бир ёқадан бош чиқаради, бу ерларга хужа бўлади.

- Бизлар ўлимга маҳкум кишилармиз-ку!

- Мен йўқ бўлиб кетсам ҳам, сиз омон қоласиз. Иккимиз ҳалок бўлсак-да, хотирамиз абадий сақланади. Ҳалок бўлган бизларни ҳар кимса эсга олади. Улар учрашганда бизларни хотирлаб ўйга толадилар, бизнинг сўзларимизни эслайдилар, уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Бу ерда яна халқ ўз ерининг хужалари бўлиб яшай бошлайди.

- Илоё шундай бўлсин, отахон. Сиз ҳам биз билан бирга жўнанг. Мен сизга нон келтирдим.

- Қандай қилиб тоғларга чиқиб кетишаркин-а? Ахир мўл-қўл нон ғамлаб олишлари керак-ку. Қаердан олишади нонни?

- Улар учун биз шаҳарда қоладиганлардан кун буйи озиқ-овқат йиғдик.

- Қолаётганлар кўпчиликми?

- Баъзилари бетоблик ва дармонсизликдан, бир хиллари Оқсоқдан шафқат кутиб қолмоқчилар. Яна

бировлари ундан марҳамат тилаб. Бизлар ўз ишимизни биламиз. Оқсоқнинг қўлига тушмайман деганлар, майли, кетаверсин. Унинг тасарруфида қанча кам одам қолса, у шунча заифлашади, халқимиз шунчалик омон қолади.

Меҳмон бир оз ўйга толгач, яна қўшимча қилди:

– Майли, кетишаверсин. У ерда кўпгина довьюраклар жам бўлади. Улар тил бириктириб, қурол-яроғ қидириб топадилар. Ерга кўмиб қўйганларникини кавлаб оладилар-да, яна жанг бошлайдилар.

Чол қовоқларини уйиб олди:

– Оқсоқнинг тасарруфида икки юз минг чоғлик суворийлари бор. Дарвишларнинг айтишича, уч юз минг эмиш. Ўтмиш йилларда қилган жангларимизда ғолиб чиққан эдик. Аммо кейинчалик у бизни мағлуб қилди. Аскарининг адади ҳам кўп, тажрибаси ҳам. Уч юз минг кишига қарши уч минг киши нима ҳам қила олади? У куч ва тажриба тўплаб, жаҳл отига минган. Бизлар бўлсак ўт-ўлан ва илдиз хўрак қилиб, бутун қиш бўйи тўнғиб чиқдик. Устимизга ёпинчиғимиз бўлмади. Йўқ, биз у билан кўкрак кериб басма-бас кела олмаймиз. Фақат маънавият кучи билангина қарши тура оламиз. Бизнинг вазифамиз – фурсати келганда яна ҳам-мани бир ерга тўплашдан иборатдир. Шундай фурсат келадиям.

Меҳмон жим бўлиб қолди. Яна бирдан шошиб-пишиб:

– Нонни яширинг, отахон. Ўтган кеча Оқсоқ йўлга чиққан. Уч кун деганда унинг суворийлари бу ерга етиб келиб қолиши мумкин. Фурсат ғаниматида мен кетай, – деди.

Чол меҳмонни кузатиб эшик олдигача борди. Меҳмон эшикдан чиқмоқчи бўлиб бусағага қадам қўйиб энгашиганида, мезбон уни тўхтатиб, кичиккина илиқ кафтини йигитнинг елкасига қўйди.

- Эҳтиёт бўлинг, Имомиддин, ҳамма жойда унинг узун қулоқлари, айғоқчилари изғиб юрибди. Куз-қулоқ бўлиб туриш керак.

Имомиддин қаддини ростлаб, чолга юзланди. Чол мулойим табассум қилиб, кузларини Имомиддиннинг чўққи телпагига тикди:

- Эҳтиёт шарт, тақсир. Шуни хотирдан фаромуш қилмангки, улар Оқсоқни худонинг жазо шамшири деб улуғлайдилар. Улар ўз қавмларини, Оқсоқ бизга худо томонидан юборилган, унга итоат қилмаслик худонинг иродасига қарши бориш демақдир, деб уқтирмақдалар. Улардан эҳтиёт бўлиш керак.

- Ўша қилич бошларидан саллаларини ёки бошларини қўшиб учуриб кетмасин деб қавмларига насиҳат қилганлари қилган.

- Бас, шуни билсангиз, улардан эҳтиёт бўлинг. Ўзларини эҳтиёт қилмоқчи бўлган бу кимсалар ҳеч кимни аямайдилар. Шуни хотирда тутинг.

- Хўп бўлади, отахон.

- Ўзларинг қолиб мени жўнатмоқчи эдинглар.

- Сиз ҳаммамиздан улуғсиз, отахон.

- Мен оламдан ўтсам дунё торайиб қолмайди-ку,

- Шаробни эским, янгими, сақланган идишига қараб баҳо бермайдилар. Шаробни аслида идиши учун сақламайдилар. Шундай эмасми, отахон?

- Майли, ҳечқиси йўқ. Ўша идишни сизлар билан эҳтиётлашга уринаман. Олам бизлар учун димиққан маҳалда дўстнинг чанқоғини бостириш учун иш бериб қолар.

Меҳмон чолга ўгирилиб, елкасидан кучди:

- Отахон, энди ором олсалар. Тонг отишига сал фурсат қолди. Янги ғазал тўқидим дедингизми?

- Ёзмоқ учун фурсат йўқ. Бир-икки сатр ёзганингдан кейин илҳом ўти сунади-қолади.

– Мен шеър тўқидим. Аммо уни қандай куйлаб бўлади? Бундай қоронғи тунда бўриларгина улийди. Ёзиб олинг, отахон. Қоғоз-поғозингиз борми?

– Ҳа, бир парча қоғоз топилади.

– Ёзиб олинг, Фазлулло ота.

Чол яна табассум қилди.

– Тўғри айтасиз, мен ўзимни асрашим керак. Сиз ҳам эҳтиёт бўлинг, қизишманг. Теварак-атрофга назар ташланг.

– Отахон, нонни яширинг. Эртага келаманми-йўқми, билолмайман.

Меҳмон кетди, чол эса эшик олдида туриб қоронғи тунга боқарди.

Ўша кечаси бутун Шамохийда, бутун Ширмонда, бутун Озарбайжон тупроғида кўклам қоронғилиги ичида дам тез, дам секин босилган қадам товушлари, дам отларнинг дукурлари эшитиларди. Гоҳо болаларнинг чинқириғи, гоҳ бўғиқ хўрсиниш, гоҳ шитирлаган овоз, гоҳ бир талай одамларнинг шарпаси эшитилиб қоларди. Бу кўкламги зулмат ўша туни нақадар оромбахш эди. Шоир ва донишманд Фазлулло ал Ҳуруфи Шамохийдаги ўз хилват ҳужрасидан бу зулматга қулоқ бериб турарди.

Хурсанд бўлган халойиқ шаҳарнинг тор кўчаларидан юриб чиқиб кетмоқда эди. Чунки Темурнинг фармойишига кўра, шаҳар кўрғони бузиб ташланган, шаҳардан тўрт томонга йўл очиқ эди. Миноралар эса йўловчиларга бепарво, сукут ичида эди.

Фазлуллонинг шогирди шоир Имомиддин Насимий кимгадир қизишиб, қисқа-қисқа қилиб секин гап уқтираётгани эшитиларди,

Одамлар Шамохийни, Озарбайжон шаҳарларини ташлаб чиқиб кетар, ўзлари билан олиб кета олмаган нарсаларини ерга кўмишар эди. Темур келаётган йўлни шошиб-пишиб бўшатиб кетишарди.

Бола-чақаларини тоғ унгурларига узатиб қўйган кўпгина одамлар, фурсат ғаниматлигида кўрғон деворларини тиклаш, сув, нон ғамлаш, яроқ-аслаҳа тўплаш учун Мустаҳкам қалъа томон ошиқардилар, Алтун ботирнинг жасорати уларга мададкор эди.

Нахчивон яқинидаги Алинжон қалъаси ёнида Алтун ўзининг қуролдош биродарлари билан ўн беш йил Темурнинг зарбини даф этиб турди. Алинжон қалъа ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилиги узоқ давом этган муҳосара ва шиддатли ҳужумга бардош берди.

Бу ўлканинг эгалари пулат қиличларни худди оловда тоблагандек, асрлар бўйи ўз жанговарлик иродаларини тоблаб келар эдилар.

Минглаб йиллар, асрлар бўйи бу ўлкага истилочилар юз марталаб бостириб келган эди. Турли тилларда сўзлашадиган қалпоқ ва тумоқ кийган истилочилар бу ерларга вайронлик ва зулмдан бошқа нарса келтирмасдилар.

Душманларнинг ҳужумини даф этиб, халқнинг шонли қиличи авлодлардан авлодларга тобланиб, ўткирлашиб бораверди. Темурнинг тажрибали аскарлари жангларда нақадар жасорат кўрсатмасин, нақадар ваҳшийлик қилмасин, барибир Алинжон қалъа кўрғонлари остида ҳалокатга учрай берди, кўрғон эса душманни даф этаверди.

Кўрғон деворлари бўйларида Темурнинг ўзи айланиб юрар, яқинда асир олинганларни олдинга қўйиб, Алинжон қалъа кўрғонига ҳужумга ташлар, уларга эса орқада ҳужумга шайланиб, соқол-мўйловлари ўсиб кетган барлослар далда бериб турардилар, муҳосарачилар қаттиқ талафотга учиб бўшашиб қолганида Темур улар устига синашта аскарларини юборар, улар кўрғон деворлари учига темир қопланган ғалтакли оғир ёғочларни ғилдиратиб келтирардилар. Темур

аскарлари юзлаб нарвонлардан кулаб тушар, устига қорамой тўкилган найзали ёғочлар эса ловиллаб ёниб кетар эди.

Шундан кейин Темур муҳосарачиларнинг тинка-мадорини қуришиб, енгилга қарор бериб, қалъани пойлоқчилар билан ўраб олдирди, лекин мақсадига ета олмай, дили сиёҳ бўлганича жунаб қолди.

У йўл-йўлакай бутун Арманистонни ҳеч кимни аямай, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмай кесиб ўтди, даҳшат билан Грузияни тор-мор келтириб, Шамохийга кириб борди. Бундан яна Алинжон қалъага қараб юриш қилди.

Шундан сўнг Темур илгари ўзига зафар бахш этган ҳамма воситаларни ишга солиб кўрмоқчи бўлди: устига мис қопланган оғир ёғочларни, нарвонларни, тери совутли барлосларни ишга солди, ҳатто Трабзонда Генуэз савдогаридан сотиб олган, каптар сурати солинган тўпларни ҳам ишга солди. Аммо Алтун Темурнинг ҳужумига бардош бериб, қалъани сақлаб қолди.

Темурга қарши жанглarda қалъанинг кулранг тошларини эмас, балки ўз халқининг олтин шон-шухратини ҳимоя қилиб қолган бу бир сиқимгина одамлар ҳақида ҳали кўшиқ ва куйлар тўқишга улгурилганича йўқ.

Энди Шамохийдан Алинжон қалъага йўл йўқ эди.

Ширвон билан Нахчивон ўртасида, Темур тоғдан вағирлаб тушиб келаётган тошқин сувдек, даҳшат билан босиб келмоқда эди.

Фидойи йигитлар тоғ оралиқларида учрашмоқ учун бир-бирлари билан шошиб-пишиб келишиб олдилар. Бу фидойи йигитларнинг Темур аскарбошилари феъл-атвори ва маҳоратларини ўтган жанглarda билиб олган оғалари бу ерларда ўз ўлкасининг ҳимоячилари сифатида мардона иш кўрсатмоқ учун тўпланган эдилар.

Улар даҳшатли душманга қарши, тунги қоровул ва назоратчиларига, кўчма манзиллари-ю карвонларига Озарбайжоннинг осойишта шаҳарларини вайрон қилмоқчи, боғ ва далаларини пайҳон ва оёқости қилмоқчи бўлганларнинг ҳаммасига беҳосдан ҳужум қилиб, зарба бермоқ учун тўпланган эдилар.

Темур ҳукмронлик қилган бу мамлакатда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда қизғин жанг бўлмаган кун йўқ эди. Темур довюрак ботирларни ҳеч бир аямай жазолашни амр қилган эди. Хотиржам ўтиб келаётган келгиндиларни беҳосдан ўқ отиб қулатган кўчалардаги одамларга сира раҳм-шафқат қилинмасди. Темурнинг аскарларига ўқ узишга журъат қилган қишлоқ аҳлларига ҳеч қандай омонлик йўқ эди. Истилочилар карвонини тор-мор қилган йўллардан ушланган ҳамма йўловчилар омонсиз жазоланар эди. Ҳимоясиз ва беозор кишилар қатл қилинарди, аммо номаълум кишилар тўсатдан бошқа ерларда пайдо бўлиб қолиб, гоҳ у, гоҳ бу довонда манзил қуриб, Темурга янгидан-янги талафот етказардилар.

Кўлга тушган кишиларни кўпинча ҳукмдорнинг олдига судраб борардилар. Темур уларни гоҳ яхшиликча сўроқ қилар, гоҳ бурда-бурда қилдириб ташлар эди: аммо қасоскорлар умидсизланмас, беҳосдан узилган камон ўқлари истилочиларнинг энг жасурларини қулатиб турарди.

Темурнинг ўғли – Умаршайх илк марта шундай ўққа учраб ҳалок бўлган эди. Ҳукмдорнинг энг яқин кишилари, аъёнлари гоҳ-гоҳ ана шундай шарафсиз ўлимга дучор бўлар эдилар. Уларнинг жасадларини қалин кафанларга ўраб, узоқ йўллар билан Шаҳрисабзга, Темурнинг авлод-аждодлари барлослар, уруғ оқсоқоллари кўмилган қабристонга олиб кетар эдилар. Аммо эзгу ерга бориб ётиш шарафи ҳеч кимни овунтирмас эди. Ғала-ғовур жанглардан йироқдаги ўлим ваҳима

соларди. Босиб олинган қишлоқларда мўмай ўлжа қидириш унчалик ҳавас қилмайдиган иш бўлиб қолди.

Шундай қилиб, роҳатбахш ҳамал ойининг ўрталарида, қош қорайган маҳалда, асрлардан бери тобланиб, авлодлардан авлодларга муқаддас нарсадек ўтиб келган жасоратли халқ қўлидаги пўлат қилич яна яланғочланди. Чунки бу вақтда Озарбайжоннинг шаҳар ва қишлоқлари устида босқинчиларнинг қора тутуни ва алангаси пайдо бўлган эди.

Тутун одамларни Темурнинг босиб келаётганидан хабардор қилар, даҳшат босиб келмоқда эди. Босқинчилар етиб келгунча ҳамма ишларни қилиб улгуриш керак эди.

Чол тошдан ясалган хужраси олдида узун тасбеҳини ўгириб, қоронғиликка қулоқ солиб турарди.

Тоғ томондан субҳидам шабадаси эсар, азон намози яқинлашмоқда.

Шу он бирдан тор куча бўйлаб машъаллар ловиллаб қолди.

Икки отлик Ширвоншоҳ саройига ошиқаётган Шамохий бегининг кетидан зўрға улгуриб от солдириб келар, уларнинг қўлида ёйилган байроқ сингари машъаллар товланарди.

Ширвоншоҳ Иброҳим Дарбандий ўзининг лиқиллаб қолган омонат тахтида итоаткорлик билан бош эгганича Темурдан марҳамат кутиб ўтирарди. Шоҳ марҳаматга сазовор бўлса-да, ишонч қозона олмади, чунки Темур итоатга келтирилган ҳукмдорлар нақадар итоаткор ва марҳаматли бўлмасинлар, уларнинг ҳеч бирига ишонмасди. Ҳатто энг яқин сафдошларини ҳам зимдан кузатарди. Шоҳни ҳам Ҳиндистонда иш кўрсатган мингбошиси – Қурдайбек зимдан кузатар ва бу иродасиз ҳукмдорнинг ҳар бир ишини йўналтириб турарди.

Тун кечаси бўлишига қарамай бек шоҳнинг олдида киришни талаб этди.

Номатлуб меҳмоннинг олдида машъал кутариб данғиллама сарой ичидан, тик тош зинапоялардан, тош ётқизилган гумбаз тахлит равоқлар ёнидан олиб утдилар... Ниҳоят, бутун деворни шифтдан тортиб ергача қоплаб олган жимжимадор гулли, қаҳрабодек ярқираб турган қабулхонага бошлаб кирдилар.

Шоҳ ўзининг анча йироқдаги ётоқхонасида уйқудан тургунича бек қамчиси билан этигининг кўнжигача уриб-уриб қўйиб, хона ичида лапанглаб у ёқдан бу ёққа юриб турарди.

Шоҳ лоқайд жилмайиб бекка ўгирилиб қарашдан бурун тошдек қотиб турган энг яқин одамлари билан зимдан кўз уриштириб олди.

Бек таомил талаб қилган таъзимдан сўнг дўриллаб:

– Шундай кечада қаттиқ уйқуга кетганингизни қаранг-а, ҳазрат шоҳим, – деди.

– Кечага нима бўлипти?

– Ухлаб қолибсиз!

– Нима ҳодиса рўй берди, бек жаноблари?

– Қизилбошлар бир ниманинг ҳидини пайқаб қолибдилар, ялангоёқлар шаҳардан уриб қочиптилар. Сиз бўлсангиз юмшоқ тўшақда ухлаб ётибсиз.

– Мен ҳам қизилбошман-ку. Ҳеч нарсанинг ҳидини пайқаганим ҳам, ҳеч қаёққа қочганим ҳам йўқ. Сизни ким ранжитди.

– Халойиқ нима сабабдан, вабодан қочгандек шаҳарни ташлаб қочмоқда. Бу нима деган гап?

– Қочмоқда?!

– Ҳали хабарим йўқ денг! Халқ қаёққа, нима учун қочяпти, деб сўраб қолсалар, хоқонга ўзингиз жавоб берасиз. Хоқон албатта сўрайдилар, шоҳ ҳазратларига ўзингиз жавоб берасиз!

Шоҳи кўйлак-лозими устидан елкасига кенг чопонини ташлаб олган шоҳ кавушини шапиллатиб жилмайганича, бошини сал эгиб юриб келди-да, бирдан бекнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Ҳоқон жаноблари сизни бу ерга менга кўз-қулоқ қилиб қўймаганмилар, ахир? Менинг эшитмай-кўрмай қолган нарсаларимни сиздан сўрарлар, ахир. Мен кўрмай қолган бўлсам, сиз кўргансизки, жавоб қила-сиз.

– Мен одамларни кўча-кўйда ушлаб оладиган кучук эмасман-ку.

– Ҳозир одамлар кўчаларда деяпсизми?

– Энди кўчалар хувиллаб қолган. Ҳамма қочиб кетган. Қаёққа? Нима гап, нима ҳодиса рўй берди?

– Мен кўчаларга чиқмаслик, шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида фармон берганим йўқ.

– Шундай қоқ ярим кечада уларни ким ҳайдаб кетди бўлмаса? Узингиз ухласангиз ҳам, пойлоқчилар қўйиш керак эди-да!

– Тунги пойлоқчиларни сиз қўясиз, бек жаноблари. Кечасининг ишига аралашиб нима қиламан мен? Сиз бизда тун ҳокимисиз, ахир.

– Ҳамма кўча-ю муйилишларга қўйиш учун пойлоқчилар етишмайди. Шаҳар дарвозасининг биттаси ҳам беркилмайди. Қўрғон деворлари бузилган!

– Ҳукмдорнинг фармони билан бузилган қўрғон деворини тиклаб беринг демоқчи бўласизми?

Бек меҳмонхона ичида гурс-гурс қадам ташлаб, у томондан бу томонга юрди. Сунгра деворга угирилиб, унга моҳирлик билан солинган нақш, гулларни, паррандаларнинг суратини лоқайд кўздан кечирди.

Ғазабнок бўлган бек худди мункиб кетган кишидек қамчиси билан деворга нуқиб кўрсатиб:

– Қуш сурати?! – деди.

– Куш сурати бўлса нима қипти?
– Гуноҳдан қурқмайсизми?
– Қуръонда куш сурати солиш гуноҳлигини ўқиганим йўқ.

– Мен ҳам ўқиганим йўқ. Ҳар қандай жониворнинг, қушлар, ҳайвонлар ва қизларнинг суратини солиш гуноҳ эканлиги Қуръонсиз ҳам маълум. Бу ер Ҳиндистонга ўхшаш мажусийлар мамлакати эмас-ку, ахир. Сизлар ҳар нарсанинг суратини солаверар экансизлар. Бунинг учун уламолар бошингизни силамас.

– Бу тўғрида Қуръонда ҳеч гап йўқ. Қуръонда йўқ гаплар эса аслида бемаъни гаплар.

– «Қуръон, Қуръон» эмиш! Мен мулла эмасман. Мендан ҳукмдор, халқ шаҳардан қаёққа қочган, деб сўрайди. Нега қизилбошлар ўз шоҳларини ташлаб қочдилар экан? Халқсиз шоҳ нима қила олади? Мен нима жавоб қиламану нима дейман. Сиз бўлсангиз «қушлар, Қуръон» дейсиз.

– Гап қушлар устида эмас. Халқ қаёқда, халқ?

– Бек жаноблари, қаёқда қолибди менинг халқим?

– Ҳукмдорга нима жавоб қиламан?

– Мен сизга устоз эмасман, сиз менга шогирд ҳам эмассиз. Нима қилишингизни ўзингиз ўйлаб кўринг. Мен нима қилмоқчи эканингизни тусмоллаб билиб турибман. Эрталаб бозор бошлангунча кўзингизга учраган такасалтангларни йиғинг. Улар кечаси шаҳардан қочмоқчи бўлдиқ деб бўйинларига олишади. Кейин сиз уларни яна қайтариб бозорга ҳайдаб келасиз, токи бутун Шамохий шаҳардан қочмоқчи бўлган ярамасларни кўрсин. Сўнгра халойиққа пўписа қилиб, ибрат кўрсатмоқ учун бозор майдонига остирасиз. Шунда ҳукмдор сизнинг қаттиққўл эканлигингизни, ҳеч кимни шаҳардан чиқармаганлигингизни билади. Қолганларни қўлга тушириш учун вақт етишмаганидан воқиф бўлади.

– Мен пойлоқчиларнинг ҳам терисини шиламан. Аммо халойиқ шаҳардан чиқиб кетган-ку, ахир! Қаёққа, нима сабабдан кетган? Пойлоқчилар менга хабар қилишлари билан мен учганимча сизнинг олдингизга келдим. Ҳамма ёқ ҳувиллаб ётибди. Кучаларда изғиб юрган мушукдан бўлак жон асари йўқ. Нима ҳодиса юз берди?

– Халқ ўз маконидан қачон қочишини мен тусмоллаб бўлсаям биламан.

– Ҳукмдор келяпти? Унинг келишини биздан илгари қаёқдан билишипти экан? Ҳукмдор бу ерга келяптими?..

Шуларни ўйлаб бек ҳанг-манг бўлиб қолди: «Бу ёққа келади... Ўз ҳузурига чақиртиради... Халқ қаерда деб сўрайди. Қиш бўйи нима қилинди?..»

Шоҳ эса жилмайиб туриб:

– Бек жаноблари, мен сизга от инъом қиламан, – деди.

– Қандай от? – тумтайиб туриб сўради бек.

– Арабий.

– Сизда шунақа от борми? Қаёқдан олгансиз? Мендан яшириб юрган экансиз-да!

– Қишда савдогарлар келтиришди. Мен сизга атаб олдим. Бирдан ҳукмдорнинг иккимизни кўргиси келиб қолса, шунда ҳукмдорга тухфа қилиш учун сизга яхши от керак бўлиб қолади.

– Ҳукмдор ҳузурига бориш учун битта от камлик қилади!

– Башарти, яхши эгар урилган бўлса!.. Бунинг устига мен яна бошқа инъомлар ҳам ҳозирлайман.

Бек ўйчан ҳолда таъзим қилиб, ташаккур билдирди, «ётиб ухланг, тонг отай деб қолди», деб чиқиб кетди. Ширвоншоҳ бекнинг дастидан намози қазо бўлгани учун ранжиб, совуқ ва қоронғи хоналардан ўтиб, ўз ётоқхонасига кириб кетди.

Унинг орқасидан келаётган новча, бир оз букчайган хизматкор чол шоҳнинг елкасидан чопонини олиб: – Эплаганлар ҳаммаси қочиб бўлди, – деб қўйди.

Шоҳ ўзи билан ўзи сўзлашгандек, хаёл ичида деди:

– Мен уларга нон улашиб бера олмадим. Савдогарлар орқали жўнатамиз.

– Нонни-ку ўзимиз ҳам йиғиб берамиз-а. Уларга яроғ-аслаҳа етказиб бериш-чи?..

– Нималар деяпсан? Қаёқдан?

Хизматкор чол саройнинг тўрига ишора қилиб:

– Хув анави ёқдан! – деб дағал жавоб қилди. Шоҳ кўзини ерга қадаб, жим бўлиб қолди.

Хизматкор эса:

– Баъзи нарсаларни яшириб қўйсакмикан... – деди.

– Аммо билиниб қолмасин.

– Билдирмаймиз.

– Кундузи эсимга сол: фармон бериш керак, соқчилар бошқача кийиниб олишсин, тоза юришсин. Кимнинг қуроли яхши бўлса, яширсин. Эски шоҳлардан қолган кўҳна қурол-яроғларни тозалашсин. Бизнинг кучимиз борлиги пинҳон тутилсин. Доим тайёр туриш керак.

– Жуда соз булар эди-да. Тузук қурол-яроғларни йиғиб тоққа жўнатиш яхши булар эди, соз қурол-яроғларни яширсак бу ерда беҳуда ётади. У ерда бўлса иш бериб қолади...

– Менда биргина бош бўлса, оқсоқнинг кўзи мингта.

Хизматкор жимиб қолди.

Тонг отаётган бўлса-да, аммо саройнинг торгина ётоқхоналаридан ҳали ғира-шира аримаган, уйқусираган одамларнинг ва чит кўрпаларнинг бўйи анқиб турарди.

Ичкаридан аёлларнинг кулгиси эшитилар, ётоқхоналарда азон овозини эшитиб уйғониб кетган, лекин

уйқудан туришга эринган канизаклар бир-бирлари билан сузлашиб ётардилар.

Иброҳимшоҳ шулар ёнидан утиб кетди.

У энгашиб тор йўлакчага қадам қўйди. У ерга қават-қават қилиб ётқизилган тош тахта зинапоялар орқали юқорига, минорага чиқиларди.

Қуйи поғона токчасига қорачироқ ёқилган бўлиб, йўлакка ёруғи тушмай, фақат токчанинг ичинигина ёритиб турарди.

Шоҳ зилдек оғир темир эшикни беркитиб, зинапояннинг биринчи босқичига қадам қўйиб туриб қолди. Шоҳ юқориги поғонага бемалол чиқмоқ учун пуштиранг қўйлагининг олди этагини қора чироқ шуъласи тушиб турган, томирлари бўртиб чиққан узун бармоқлари билан кўтариб олган эди.

Бошқа қўлининг кафти билан эса токча ёнидаги деворни пайпаслаб кўрарди.

Шоҳ қора чироқни қўлига олиб деворни кўздан кечирди-да, секин юқорига кўтарилди.

Бундан беш йилгина муқаддам Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Ширвоннинг шаҳарларини поймол қилган маҳалида, Шамохийда, унинг қўшини устига Темур қўшини бостириб келаётгани тўғрисидаги хабарни эшитиб қолади.

Тўхтамишнинг Озарбайжон ва Грузияда жанглар, айш-ишратлар билан тинка-мадори қуриган ҳамда абжир қиличбозларидан айрилган қўшини бутун улкада тарқоқ бир ҳолда эди.

Тўхтамиш ўз довьорак йигитларини чақириб тўплаб олгунча Темур яқин орага келиб қолган эди.

Аммо Тўхтамиш кўп йигитларини чақиртириб ололмай бир талай қурол-аслаҳасини уловларга юклатиб жунатди-да, ўзи қўшинини собиқ хоқонидан олиб қочди.

Қурол-яроғлар юкланган уловлар Тўхтамишга етиб бормади. Терек дарёсида Темур уни қувиб етди. Ёйиқ бўйларида хон бўлиб турган Тўхтамишни Куликово жангидан кейин тушкунликка учраган Олтин Ўрда хони қилиб қўйган Жаҳонгир уни Олтин Ўрда тахтидан туширди.

Бир вақтлар Мамай Тўхтамишнинг қувғинидан чўл саҳролар орқали қочиб бегона юртларга ўтиб кетганидек, Тўхтамиш ҳам ўша чўл-саҳролар орқали қочиб, ёт ўлкада ўзига макон излаб қолди.

Қурол-яроғлар ортилган уловларнинг ҳаммасини Темур қўлга тушира олмади. Яроғ-аслаҳа ортилган катта карвон Ширвон шоҳи Иброҳимнинг қўлига тушиб қолди. Яроғ-аслаҳалар ичида ҳар қанақаси бор эди: Ўрдада ясалган оғир ва қўпол яроғлар, омади юришган Тўхтамишнинг илгариги жанг сафарларида қўлга тушириб олган Ширвонда, Арманистонда, Москвада ясалган, ҳатто Самарқандда Кўксарой аслаҳачилари ясаган, бир вақтлари Темур ўзининг Олтин Ўрдага қўйган одами Тўхтамишга инъом қилган яроғ-аслаҳалар ҳам бор эди.

Бу қурол-яроғлар нақадар кўп бўлишига қарамай Темурдан яширилиб, Шамохийдаги миноранинг тилсимхонасида сақланар эди. Қолган яроғ-аслаҳаларни Иброҳим Темурга холисона тақдим этди. Ўжар Темур Иброҳимнинг сахийлигидан эриб кетиб, топширган яроғ-аслаҳаларнинг жами шуми деб сўрамади ҳам.

Мабодо текшириб-нетиб қолса, Иброҳим Темурдан қасам ичиб ҳам, ҳусн-таважжуҳ кўрсатиб ҳам бошини омон сақлаб қололмас эди.

Иброҳим қора чироқни кўтарганича аста юқорига кўтарилаверди. Минора баланд, зинапоялари тик, ўй-хаёллар эса зилдек оғир эди.

Миноранинг ичига тўртта тор тешиқдан – шинақдан ёруғ тушиб турар эди. Бу юмалоқ минора кўпдан

шоҳга маъқул эди. Минора сарой устида, сарой бутун шаҳар, шаҳар эса кенг водий устида қад кўтариб турарди. Йироқ ерлар минорадан кафтдек кўринарди. Шимол томондаги шинакдан қор босиб ётган қўшни тоғлар кўринарди. Бошқа биридан эса водийдаги ғира-шира туман, шаҳардан водийга қараб чўзилиб кетган боғлар кўзга ташланарди. Учинчи шинакдан эса ёндаш миноранинг бир чети, унинг катта тошлари, хунук қилиб йўнилган ола-була тошлари кўзга чалинарди; тоғ бўйларидаги дарахтзорлар қорайиб кўринарди.

Ғарб томондаги шинакдан эса Темур бостириб келиши мумкин бўлган йўл кўриниб турарди.

Шинаклар оралиғидаги токчалар қорайиб кўринарди. Улар устида Иброҳимшоҳнинг кундалик зарурий буюмлари: ясси кумуш косача, унинг остида, ерда турнанинг бўйнидек узун бўйинли нақшинкор кумуш кўзача, унинг ёнидаги токчада эса эроний услубда гул сурати солинган сатранж тахтаси турарди. Токча устида қавилган сариқ пахтали кулоҳ осиглиқ турар, шабада турган вақтларда шоҳ миноранинг кунгурадор чўққисига чиққанда кийиб олар эди.

Қибла томонга қараган токчада эса тошга кичкина ярим ой уйиб солинган, ойнанинг атрофига хатти куфий билан ҳамду сано ёзилган эди. Бу ерда яшил саҳтиён жилд ичида Қуръон ётар, ерга солинган гилам устида Бағдодда садаф ва суяк қадаб ишланган тахта лавҳ турарди, тахта курсича ёнида эса тўзиб кетган қизил муқовали китоб – Низомийнинг девони ётар эди.

Қалин гиламлар солинган ерда қадам товуши билинмас эди. Шоҳ қоронғи деворлар бўйлаб ўтган кунги ҳодисаларни эслаб айланиб юрарди.

Шоҳ эрталаб минорадан тутун шарпасини пайқанларидан хабардор эди. Шу сабабдан бу тўғрида аъёнлар ва савдогарларни ўз бойликларини яши-

риш учун фурсатталаб бойларни воқиф қилиб қўйиш туғрисида фармон берган эди.

Аммо ҳаммани хабардор қилган, тор куча-ю паст кучаларни оёққа турғизиб, шаҳардаги камбағал, хунарманд ва мардикорларни бошлаб чиқиб кетган ким бўлди экан?.. Ким бўлди экан-а?

Хизматкорлар шоҳга сўнгги йилларда мазаси қочиб қолган бозорларда оддий кунларга қараганда савдо-сотик ёмон, фақат ғалланинг бозоригина чаққон, ҳеч ким ғалладан булак нарса харид қилмаяпти, деб дарак келтирдилар. Савдогарлар подшоҳ омборидан қарзга ғалла сўрашиб келдилар. Шоҳ эса: «Ҳозир кеч кириб қолди. Савдо-сотикдан кўра ибодат қилмоқ устида ўйлайдиган маҳал», деб рад жавоби берди. Сўнгра бозорлар ҳувиллаб қолди, расталарда ҳеч ким кўринмайди, майдонларда фақир ва қиссахонларни тинглаш учун ҳеч кимса тўпланмай қўйди, ошхоналарга кириб улфатлари билан хангомалашувчилар кўринмайди, деган хабар келтирдилар. Кечга бориб эса шамохийликлар шаҳарни ташлаб чиқиб кетмоқдалар, бутун бир қишлоқлар мол-ҳолларини ҳайдаб, лаш-лушларини олиб кетмоқдалар, деган дарак келтиришди.

Шу кеча халойиқ подшоҳни биринчи марта ташвишлантириб қўйди.

– Халойиқни ким оёққа турғизди-ю, ким уни тоғларга бошлаб чиқиб кетди? Буни подшоҳ ўз жангчилари орқалигина қила оларди. Буни муллалар масжидлар орқалигина қила оларди. Аммо шоҳ жар чақиртиргани йўқ, муллалардан ҳеч бири ўз қавмлари олдида лом-мим дегани йўқ. Бек нақадар кўпол ва даҳшатли қилиб: «Халойиқсиз подшоҳнинг қулидан нима ҳам иш келар эди» деди-я!

Халойиқ аввало душмандан бош олиб қочди. Мўғуллардан ҳам, Тўхтамишдан ҳам, Темурдан ҳам халойиқ шу хилда қочган. Ҳар кимса эплаган томонга қочди.

Гурли қишлоқлардан қочганларнинг бир-бирларига уч келган ҳоллари ҳам бўлди. Шундай бўлганки, ўзлариники қаерда, босқинчилар қаердалигини билмай душман қароргоҳига қараб қочганлар.

Аммо эндиликда улар ҳамжиҳат бўлиб, жаҳонгирнинг одамлари қадам боса олмайдиган тоғларга тўхтовсиз қочяптилар. Улар иложи бўлган жойларда ғалла сотиб олганлар. Баъзи уйларида қолган одамларларга ғалла берганлар. Шоҳнинг булардан хабари бор эди. Подшоҳнинг одамлари савдогарларга омордан ғалла сотиш тўғрисида шоҳдан юрак бетлаб илтимос қилдилар. Аммо шоҳ бу илтимосни рад этди, чунки Темур суриштириб, шамохийлик қочқинларни шоҳ ғалла билан таъминлаганини пайқаб қолиши мумкин. Башарти, жуда зарур бўлса, мумкин қадар бу ишни махфий қилиш керак.

Шоҳ ҳамон миноранинг ичида айланиб юрарди. «Халқ орасида юрган ким экан? Ҳаммани бунчалик оёққа турғизишга кимнинг қудрати етди экан? Тавба, кимнинг иши экан бу?»

Шоҳ юришдан тўхтади:

«Қандай халқ бўлди, индамай-нетмай, ҳеч кимдан сўрамай ҳаммаси бирдан жунаб қолипти. Гуё шоҳни писанд қилмагандай. Гуё уларни тўхтатиб қолиш учун шоҳнинг кучи етмайдигандай».

Шоҳ яна девор бўйлаб юра бошлади.

Йўқ, халойиқни тўхтатиб қолишга шоҳнинг қудрати етмас эди. Фақат кўрол кучи билан тўхтатиб қола оларди. Унда халқ подшоҳни кўрарга кўзи қолмас эди, лекин бундай зулм-ваҳшат ҳукм сурган замонда халойиқни на қамчи ва на дор билан кўрқитиб бўлмасди. Бундай пайтда халқ билан ҳамжиҳат бўлмоқ керак. Бек: «Халқсиз подшоҳнинг қўлидан нима ҳам иш келарди?» деб сўради. Ундай бўлса Темур бу ерда

шоҳни бекор қилган бўлар эди. Аммо унга саройни безаш учун эмас, балки фармонларни бажаришга қудрати етадиган шоҳ керак. Халқ устидан ҳукмронлик қилишни қандай тикламоқ керак? Шоҳ одами: «Ғаллани улар учун ўзимиз йиғамиз, лекин уларга қурол-яроғ зарурроқ!» деди. Йўқ, шоҳ қурол-яроғ бермайди. Башарти, бостириб келсаям яроғ-аслаҳа бермайди, яхшиси бекитиб суваб ташлаш керак. Бўлмаса кимга беради? Халқни ким бошляпти, қаёққа бошляпти, улар кимга қарши қурол кўтаришади? Ўша ёққа ғалла жўнатиш керак. От-уловда ғалла жўнатиш керагу лекин ўзларини огоҳлантириб қўйиш керак. Улар ҳужум қилиб ғаллани босиб оладилар, лекин ҳеч ким шоҳни айблай олмайди, Шамохийдан Бокуга ғалла юбормагин деб биров тақиқ қилганми? Халқ ғаллани ким юборганини биледи. Шоҳнинг халқ тарафида эканига ишонади. Аммо шоҳ уларга қурол-яроғ бермайди. Ўзига керак бўлади. Темур абадий бир киши эмас, Темур кўпдан яшаб келмоқда... Халққа кийим-бошдан юбориш керак. Тоғ совуқ, камзул-чопон шоҳнинг мурувватини ҳар кун эслатиб туради. Лекин шоҳ қурол-яроғ бермайди, ўзига керак...

«Халойиқ қаёққа кетди экан-а? Ҳаммаси кетиб бўлдимикан?»

Иброҳимшоҳ жомасининг этагини кўтариб, яна минарага чиқаверди.

Унинг юзларига муздек шабада келиб урилди. Водийни туман босиб, йироқ йўллари қоплаб олганди. Қуёш ҳали кўтарилганича йўқ, аммо шафақ юксалиб келмоқда эди.

Совуқдан жунжиккан шоҳ узоқларга тикилиб қараб қолди. Бутун водийни босган туман йўлни қоплаб олганди.

Шоҳ кафти билан тирсагини артиб, кавушини шапиллатиб зинапоядан тез-тез пастга тушди.

Шафақ эса юксак миноранинг кунгуралари устидан, туман устидан тобора баландга кўтарилиб борарди. Минора тоғлардан, водийдан, даралардан кўриниб турарди. У шаҳардан бурунроқ кўзга ташланарди. Шамохийдан чиқиб кетган ҳар бир кимса қайрилиб қараб уни кўрарди.

Ҳали гуллаб улгурмаган боғлар қорайиб, шаҳар атрофидан водийга туташиб кетганди. Куртак чиқариб қолаётган дарахт шохлари орасида учишиб юрган қушлар кимсасизликдан ваҳимага тушиб, бир-бирларини чақиришиб сайрашарди.

Кенг харсангтош ётқизилган, бозорга кўтариладиган тор кўчада ҳассаларининг учини қаттиқ тошга дўқиллатиб, тошлардан тошларга сакрашиб, сочлари ўсган қулоқли икки дарвиш жадаллик билан шаҳар томон йўл олади.

Ним қоронғи хужра эшиги олдидан нари кетган чол қора чироқни ўчирган бўлса-да, лекин Шамохийнинг шу чоққача кўрилмаган сокин тонгига қулоқ солиб турарди.

ЕТТИНЧИ БОБ ҚАШҚИРЛАР

Темур сафар вақтида тонгни доим эгар устида қаршилашни маъқул кўрарди.

Жангчилар тонг қоронғисида тўнғишиб, чопонларининг узун енги ёки бари билан шудрингдан намиққан отларининг устини тез-тез артишар, муздек нам терликларни отларнинг устига ташлаб, уларни эгарлашарди. Айилларини тортганда отлар безанглар, қоринларини қаппайтириб оларди. Лекин ўрганган қўллар ҳамма ишни дарҳол бажарар, тезлик билан сафга қўшилиб, жўнаб кетишарди. Орқада эса эрталабки туманда, сон-саноксиз гулханлар анчагача ёниб, сасиб қолар эди.

Озарбайжонда март ойларида тонг тиниқ ёришиб отади, аммо баъзан эса осмон ўз жамолини кўрсатмай қоп-қора тусга киради: шамол шитоб билан булутларни қувиб келади, бирдан ҳамма ёқ шаррос ёққан ёмғир остида қолиб кетади.

Қиш осмонини парча-парча қилиб ёриб ташлаган, қишлаб чиққан ерларни ювиб юборган кўкламги момақалди роқли ёмғир кишиларга роҳат бахш этади. Қора булутлар тарқала бошлайди, осмон кўм-кўк чарақлайди, майса ўт-ўланлар қадини ростлайди, дарахт шохлари илк баргларини чиқара бошлайди.

Бутун теварак-атроф шодиёна дабдабага, илк кўшиқларга чақирувчи, дастлабки гуллашга ундовчи кўкламги ёмғир одамларга нақадар роҳат бахш этади.

Аммо бу баҳор теварак-атроф ўлкадаги барча аҳоли кўкламги йўллардан бостириб келаётган гулдуросли қора булутларга юрак-бағри эзилиб қулоқ осарди. Бу ўлкага кўп марта кўз тиккан айёр оқсоқ Темур нималарни ўйлаган экан? Қаёққа йўл олмоқчи, ўз отини қайси йўлга бурмоқчи?

Темур индамай отлиқ йўл босар, унинг аскарлари, қурол-ашё ортган уловлари, кушхоналари орқасидан ўнлаб чақиримга чўзилиб эргашиб борарди.

Темурнинг орқасидан йироқламай юз кишидан иборат мулозимлари ўнта ўтов билан борар, улардан кейин чопарлари, мирзалари, тилмочлари ва энг кейинда хизматкорлари келар эди. Чопарлар олдида найза дастаси учига осиглиқ олтинранг тулки думи – чопарлар белгиси шамолда ҳилпираб борарди. Манзилларда эса тулки думи чопарлар ўтови устида товланиб турар, кечаси гулханлар ловиллаганда бирдан қоронғидаги ўтовлар устида пайдо бўлиб қоларди. Ўнбоши ва юзбошиларнинг ўз ишора белгилари бўлиб, бу минглаб аскарлар орасидан керакли одамни топиб олиш учун ёрдам қиларди.

Айёр бошқа чопарлар ўртасида ўзини сипо тутиб йўл босар ва ҳар доим керак бўлиб қолиш фурсатини пойлар эди. Озод қилинган Хатутани вақтинча уларга қўшиб қўйган эдилар, ўнбошига эга адигейни эҳтиёт қилиб сақлашни топширгандилар. Эрон совути кийган барваста бир одам уни зимдан кузатиб борарди.

Ҳукмдорга адигейнинг нима учун кераклиги устида ҳамма бош қотирар, ҳамма бу ишнинг оқибати нима бўлишини кутар эди. Бемор Хатута қаттиқ йўталар, барваста киши ёки ўнбоши гапга солмоқчи бўлганда Хатута сира индамас эди. Айёр Хатутани кузатиб, гоҳо уни гапга солмоқчи бўлиб:

– Адигей?.. Адигейларни ҳечам кўрганим йўқ. Қандай халқ экан-а? – дерди.

Хатута ҳеч жавоб қилмас, ўзини бир четга тортар, лекин Айёр уни бездириб қўймас, балки шу он ўзини ҳеч нарса сўрамаганга, фақат овоз чиқариб бир нималар деяётган кишига соларди. Иш билан машғул бўларди, чопонга ямоқ солар, пошна тузатар, қоп ямар эди. Баъзан Хатутанинг зимдан ўзларини кузатаётганини ҳам пайқаб қоларди.

Айёр шу йўсинда адигейни худди қўлга тушган йиртқичдек ўргатиб, кўниктириб борарди. Бекорчиликда зерикканидан ўзига ром қилиб олди. Ўргатилган бўри боласи ёки шундай нимжон бир кимсадан одам боласи нимаям тама қиларди? Шундай бўлса-да, Айёр яна васвасага тушиб, Хатутанинг қисмати нега шундай бўлди экан, тўрт томонинг қибла деб қўйиб юборишаверса нима қилар экан? Ё қийнашмоқчимикан? Ундай бўлса уни даволаб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Ўзи хуфия бўлса-да, очиқ одам. Ундан кура ҳокимият эгаларининг сўроқ қилишга қўллари тек-кунча аскарларнинг кетидан ҳайдаб келинган маҳбуслар орасига қўшиб қўйишса-ку бўларди.

– Адигейнинг нима хислати бор экан ўзи? Қанақа халқ бўлди бу?

Чўзинчоқ, ичга ботган юзлари бўзарган. Бурни узун ва тўғри. Худди биров чошиб ташлагандек бурун катакларининг олди тик қайрилган. Хатута йўталиб бўғриққанидан чеҳраси бир оз очилиб, чирой киргандек бўлади.

Йўтали тутганида қоқ суяк кураклари қўлга тушганида йиртилиб кетган жандаси ўрнига кийгизиб қўйилган чопони остида ғалати бўлиб дўппайиб кетарди.

Жанг сафари ҳамон давом этарди. Йироқдаги тизма тоғлар кўкиш товланиб кўринарди. Дарёлардаги зангори гирдоблар шовуллар, эгасиз қолган далалардаги майсалар борган сари қалинлашарди.

Хатута соғайганидан сўнг Айёрга ўрганиб қолган бўлса-да, аммо ўнбоши ёки барваста навкар кўзга чалиниши билан одамови бўлиб қолар эди. Онда-сондагина гапга жавоб қилар, ўзи тилга кириб сўзламас ва ҳеч нарсани сўрамас эди.

Гоҳо Айёр бегона кулоқлардан яширинча:

– Ўзингникиларни соғиндингми? – деб сўраб қўярди.

Хатута олазарақ бўлиб:

– Улар йироқда! – дерди.

– Бу теварак-атрофда ҳеч кимса йўқмикин-а?

Хатута минғирлаб бошини эгиб оларди.

Айёр ўзининг қалтис саволини тезда тушуниб қолиб, тасалли бера бошларди:

– Эҳ, ҳурматли зот! Улар билан нима ишим бор менинг.

Айёр шундай деб халтасидан қайиш билан бигиз олиб, ямоқ-ясқоқ ишига киришар, шу билан гапни бас қилар эди.

Аммо одатдагидек сукут сақлаш, доим ўзини сергак тутиш Хатутанинг жонига тегди. Лекин ўзи зимдан Айёрни кузатар, Айёрнинг ўнбоши ёки барваста

навкар билан яқинлиги борлигини пайқаб ололмади. Шайх Нуриддин қўшинида чопар билан аскар уртасида ҳаттоки адоват ҳисси бордек эди. Бу нарса чопарнинг эркин хизматига аскарларнинг ҳасад қилиши ва чопарнинг аскарлар хатти-ҳаракатига менсимай қарashi орқасида туғилган эди. Унинг нияти қўшин сафида хизмат қилмай, аскарлар орасида мартаба қозониш эди. Айёр аскарларга қўшилмас, башарти, у ўтов ичида гапга аралашса ҳам, одатдаги ҳазил-мутойиба, гоҳо одамларни зериктирадиган диққинафас гаплар билан чегараланар эди. Ўзиға лоқайд муносабатда бўлгани учун Айёр Хатутага маъкул эди: сўров-қистов қилмас, балки гап сўрар, қистаб, зўрлаб овқат егизмасди. Сийлаган вақтида Хатутанигина эмас, балки яқин орадаги кишиларни ҳам меҳмон қилар эди. Башарти, атрофида ҳеч кимса бўлмаса Хатутага гоҳ бир бўлак қовунқоқими, бир ҳовуч оқ кишмиш ёки қора майизми, ишқилиб, сафарда аскарлар учун тансиқ бўлган нарсалардан узатиб қўяр эди.

Бир куни Хатута ўзидан-ўзи гап очиб:

– Мени олиб кетишяпти, олиб кетишяпти, қаёққа экан? – деб сўраб қолди.

Энди бу сафар сукут қилиш навбати Айёрга келди: қаерга олиб кетишаётганини айтса, сафарнинг қайси томонга йўналиб кетаётганини билдириб қўйган бўлар эди. Ҳукмдорнинг ниятларини бегона одамга ошкор қилишга кимнинг тоби бор! Темурнинг сафари қайси томонга эканини қўшинда ҳеч кимса айтиб бера олмас эди ҳам.

Лекин Айёр гапни бўлиб қўйгиси келмади:

– Қаёққа? Ким билсин! Қаёққа кетаётганимиз билан ишимиз йўқ. Зерикиб қолдиларми, тақсир?

– Зерикмай ҳам бўладими.

– Биронтани соғиндингизми?

– Йўқ, ҳеч кимни. Шундай ҳам юрагим сиқияпти, ҳадеб олиб кетишяпти.

– Қўйворишса, қаёққа борардингиз?

– Қайга борсам ҳам доғи ҳасрат.

– Узим ҳам кўриб турибман, лекин ҳеч нарса қилиб бўлмайди, яхшиликдан дарак йўқ!

– Қўлингдан ҳеч нарса келмайди, яхшиликдан дарак йўқ.

– Сабр-тоқат қилиш керак! Тоқат қилмаган ким бор? Ҳар ким ўз аравасини тортиб кетяпти.

– Туғри, ҳар ким аравасини тортиб кетяпти. Фақат устига бировнинг юкини қўймасалар бас!

– Кимга қандоқ. Гоҳо бировнинг бойлиги остида елканг яғир бўлади. Ўзингнинг битта чўпингни ҳам кўтаришга мадоринг қолмайди.

– Кучинг бўлган тақдирда ҳам, муддаонгга етолмайсан: қўлинг калталиқ қилади.

– Худди кексалардек гапирасан-а.

Бу гап устига бехосдан ўтовга қайтиб келган ўнбоши кириб келди. Улар жимиб қоладилар.

Темур катта манзилда тўхташга амр қилган вақтда қўшин Мароғийни четлаб ўтиб кетмоқда эди.

Ўтовларни қўл узатса етадиган, савдо-сотиқ ишлари қизиган серодам Табризда эмас, балки бўтана сувли, тупаланг дарё бўйига, тоғ этакларига қурдилар, қозонлар учун ўчоқлар кавладилар, отларни боғлаш учун қозиқлар қоқдилар.

Тоғ бағрига ҳукмдорнинг қароргоҳи қип-қизил гилам белбоғли юмалоқ оқ ўтовни тикдилар, унинг атрофига маликаларнинг гулдор ва башанг ўтовлари, соқчиларнинг йўл-йўл чодирлари, хизматкорларнинг кулранг қора уйлари ўрнатилди.

Баландаги тоғ бағридан бутун қароргоҳ зич, лекин мустаҳкам тартибли ўтовлари тепасига низомга мувофиқ бири баланд, бири паст қилиб туғлар ва байроқ-

чалар осилган қароргоҳ якқол кўриниб турарди. Ҳеч қандай шовқин-сурон, талотуп асари сезилмас, ҳар кимса ўз ишини, ўз бурчини, аввалдан белгилаб қўйилган жойини яхши билар эди.

Бу ерда узоқ туриш мўлжалланган эди: Темур бу ерга Эронда қишлаган қўшинини чақиртирган, йўлда қолиб кетган ва Султонияда қишлаб қолган пиёда аскарлар бу ёққа қараб йўл олган.

Наридан-бери хайр-маъзур қилиб ёки сукут ичида подшоҳ чопарлари бирин-кетин Шоҳруҳ ҳузурига – Ҳиротга, Эрон, Ҳиндистон, Шероз, Ҳамадон, Қандаҳор ва Бағдод сингари забт этилган ўлкаларни бошқариб турган ҳукмдор неваралари ҳузурига от чоптириб кетдилар.

Ҳавоси очиқ яхши кунлар бошланди. Тонг маҳалида ҳам, оқшомлари ҳам қароргоҳдагилар ҳукмдорнинг оппоқ ўтови олдида ёқилган ўчоқдан баланд осмонга кўкиш тутун кўтарилганини кўрар эдилар. Гоҳо Темурнинг елкасидан чопонини тушириб ярим белигача яланғоч ҳолда, сартарошга сочини тақир қилиб қирдираётганини узоқдан томоша қилар эдилар.

Ўша кунлари унинг ёнида кичик хотинларидан фақат иккитаси ва кўрпа-тушагини, ўтов ичини саришталаш учун етти нафар жориясигина ҳузурида эди, холос.

Ниҳоят, ҳукмдорнинг юклари ҳам келиб етди. Маликалар ҳам ўз ўтовларига жойлашдилар.

Ёш шаҳзодалардан Иброҳим билан Улуғбекка чўлда ов қилиш учун рухсат этилди.

Улар бирга ўйнаб юрувчи ўртоқлари билан енгил-елпи соқчилар ҳимоясида бутун қароргоҳни кесиб ўтиб, майса ўтлар билан қопланган сокин даштни томоша қилдилар; ўтлар кўклам офтобининг иссиқ тафтида яйраб яшил тусга кириб товланар эди.

Шаҳзодалар апрель ойининг кўз қамаштирувчи офтоби остида соқчилардан йироқлашиб, кимсасиз тепаликлар сари кетиб қолдилар. Бу томонларда сийрак дарахтларнинг эндигина чиқарган барра барглари ва қандайдир сафсар гуллар кишининг диққатини ўзига тортар эди. Подшоҳ қиссахонининг жияни Ориф деган бола ҳам шаҳзодалар билан бирга эди.

Бу ерларнинг аҳолиси тумтарақай қочган, тинчликни фақат асалариларнинг ғунғиллашигина бузиб турар эди. Гоҳ ерларда деҳқонлар ҳайдаб ташлаб кетган, отлар юра олмайдиган далаларни четлаб ўтишга туғри келар эди.

Ўткир офтоб нурида товланиб шаффоф тусга кирган кўм-кўк бутазорлар орасида яшириниб ётган тустовуқларга кўзлари тушиб қолди. Тустовуқ галалари париллаб учиши билан Улуғбек камондан ўқ узди. Тустовуқлардан бири чап бериб қочди. Улуғбек отига қамчи босиб, бутазорлар орасидан тустовуқларни қувиб кетди. Иброҳим билан Ориф ҳам бутазор ичига от солдириб кириб кетдилар.

Шу вақт от бирдан ҳуркиб кетиб, Улуғбек дарахт новдасига бориб урилди. Отнинг ўзи эса шохлардан тимдаланиб, икки оёғини осмонга қилиб туриб қолди. Камонини тушириб юборса ҳам, Улуғбек эгар устида маҳкам ўтирар эди. Шу он кўзи сапчишга ҳозирланиб, тиржайиб турган катта бўрига тушди.

Улуғбекнинг қўлида қамчидан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

От эгасини кутиб турмай, шох-шабба устидан сакраб ўтиб, Улуғбекни нарига олиб кетди.

– Бўри! – деб қичқирди Улуғбек шерикларига.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй берди. Бир гала бўри куппа-кундуз куни отлиқ болаларни қувиб қолди.

Уч бола нотаниш, хатарли, жимжит чўлда ўқдай учиб борарди, бўрилар галаси эса бўш келмай қувлаб уларнинг олдидан тўсиб чиқа бошлади.

Бирдан олдда экин экилмаган шудгор ётар эди, Улуғбек отининг бошини шу заранг ерга бурди. Аммо ҳалиги шудгор четида эса ўт устида бир омоч юмалаб ётар эди. Отни тўхтатиб қолиш ва унинг устидан ҳатлаб ўтмасликнинг ҳам иложи қолмаган эди. Улуғбек кўзларини юмиб олди. Ўзини ўнгариб олган от шоти устидан ҳатлаб ўтди-ю, шу замон оқсай бошлади. Улуғбек аланглаб теварак-атрофига қаради. Шу он экинзор ичида юмалаб ётган от ёнида турган Орифга кўзи тушиб қолди. Афтидан, Ориф диккайиб турган палахса кесаклар устидан ҳатлаб ўтаман деб оти билан бирга йиқилган бўлса керак. Бўрилар уни ҳалқа қилиб ўраб келишмоқда эди.

Улуғбек отидан сакраб ерга тушиб, кўлида қамчиси билан бўриларга ҳой-ҳойлаб Орифнинг олдига чопди. Йўлда палахса қилиб ағдарилган кесакка қоқиниб кетди. Рўпарасида ранги бўзариб кетган озгин ўртоғи кўлида юмалоқ лой чангаллаб турарди.

* * *

Чопар набирасини кутаётган Бибихонимнинг фармонини етказганида Халил Султон ўз кўшини турган қароргоҳни кўздан кечирмоқда эди.

Қорабоғда қишлаганидан бери Халил бувисини кўрмаган эди. Чунки у сафда, бувиси эса юклар кетидан келмоқда эди. Бувисининг ўз набирасини бирга овқат қилишга чақираётганига ҳеч шубҳаланмай, овқат маҳали бўлганда бувисининг тоқати тоқ бўлишини эслаб, ҳилпираб турган яловлар остидаги подшоҳ ўтовлари жойлашган тепалик сари ошиқиб йўл олди.

Халил тепалик этагидаёқ отдан тушиб, тулпорини жангчига топшириб, пиёда, тик сўқмоқ орқали тепаликка чиқиб кетди.

Бувисининг чодирини бир-бирига яқин қилиб қурилган тўртта оқ ўтовдан иборат эди. Қимматбаҳо оқ кигизга худди қон билан чизилгандек катта муғул тамғаси кираверишдаги қип-қизил гилам, эшикнинг икки томонига тикилган узун қизил дастали иккита оқ ялов бувисининг келиб тушган жойининг нишонаси эди.

Орзиқиб – ардоқлаб кутган бувисининг ҳузурига Улуғбек билан биргаликда тезлик билан етиб келишларини бувиси яхши кўрганлигини билган Халил биринчи ўтов олдида тўпланишиб турган ва Халилни кўриб қочган каниз ва жориялар ёнида тўхталмасдан, ўтовнинг энсизгина эшигини аста итариб очди.

Аммо чодир ичига назари тушиши билан қўллари икки ёнига шалвираб тушиб, турган ерида тошдек қоғиз қолди: ўтовнинг намат кўтарилиб қўйилган тўрида сандиққа суяниб бобоси ўтирарди: беадаб келгиндига у қаҳрли кўзлари билан бир қараб қўйди. Бувиси эшикдан сал нарида саночдан заранг косага қимиз қўйиб ўтирарди.

Темур анқайиб қолган шаҳзодага бош чайқаб:

– Киравер, кир, биз сени чақиртирган эдик, – деди. Бобоси Халилни нақадар яхши кўрмасин, у ҳукмдорнинг ўтовига ҳеч қачон бу хилда шитоб билан кирмаган эди. Хижолат бўлганидан бўсаға олдида тиз чўкиб:

– Бувимнинг менга ишлари бор экан... Шунинг учун... – деб ўзини оқламоқчи бўлди.

– Бу ёққа кел, – деди Темур ёнидаги ерни қўли билан уриб қўйиб. Яна: – Биз чақиртирган эдик, – деб такрорлади.

Халил бобоси ёнига ўтирди.

– Биз сени, – деди бувиси қимиз тўла заранг косани Темурга тутаркан, – Ҳирот маликасининг мактубини ўқиб берарсан деб чақиртирган эдик. Балки бу ёрлиқ шундай ёзилгандирки. Унга мирзаларимизнинг тишлари ўтмас.

Бобоси қўлида туравериб ғижимланиб туси ўзгариб кетган, най қилиб ўралган ёрлиқни Халилга тутқазди.

Елим билан маҳкам қилиб ёпиштирилган ёрлиқни ўз тирноғи билан осонликча кучирганидан таажжубланган Халил уни очиши билан Гавҳаршодбегимнинг ижтиҳод билан ёзган эгри-бугри хатига кузи тушди. Гавҳаршодбегимнинг ёшлигидан гапни чузиш одати борлигини беихтиёр эслаб, Халил ёрлиқни ўқишга берилиб кетди.

Бутун қонун-қоидага биноан ғайрисамимий бепоян дуойи саломлар... Бундан неча юз йиллар бурун ҳам ёзиладиган, эскириб чўнтақдан тушиб қолган дуойи саломлар... Болалари Иброҳим ва Улуғбекка марҳамат ва саховат тилашлар...

Шу сўзларга етганда бувилари ҳукмдорга тезда бир савол назари ташлаб қўйди. Аммо ҳукмдор гарчи унга қарамаган бўлса-да, ҳеч бир сўзсиз-несиз ҳам хонимнинг ҳаяжонланганини пайқаб қолди.

Ҳукмдор ерга тикилганича боягидек сукут сақларди.

«Худонинг марҳамати соясида соғ-саломат юрган бувиларини болаларимиз Иброҳим билан Улуғбек ташвишга солиб, хафа қилиб ортиқча юк бўлмаятиларми? Худо уларни марҳаматидан дариғ тутмаятими?.. Болалар бувиларининг ҳурматини бажо келтир-яптиларми? Ўзларига муносиб иш қилиб, илм бобида ижтиҳодлари қандай?..»

Ўзининг чиғатой уруғидан эканлиги билан ғурурланувчи келинига бўлган адоватини эрига билдириб қўймаслик учун бу сафар Бибиҳоним ерга қараб олди. Темур эса бир назар ташлаб, унинг ички ҳисларини англаб олди, неваралари учун боболари олдида Бибиҳоним жавобгар эди. Бу шаҳзодаларни Бибиҳонимга ўзи топширган; шу сабабдан Бибиҳоним Гавҳаршодбегим олдида ҳеч қандай жавобгар эмас эди.

«Ургатяпти! Шаҳзодаларнинг қандай бўлиши кераклигини уқтиряпти. Уларнинг қандай бўлиб етишишини, уларни қандай тарбиялаб ўстиришни гуё биз ўзимиз билмагандек...» – деб ўйлади Темур, бу гаплар Бибихонимга ҳам қаттиқ текканини билиб.

– Иброҳим унга ўғил эмас-ку, ахир! – деди хириллаб Сароймулкхоним, Темур томонга қарамай.

– У Шоҳруҳнинг катта хотини бўлгани учун Иброҳимни сўраб-суриштиряпти-да. Иброҳим унинг эрининг ўғли! – деб эътироз билдирди Темур.

Хафалиқдан юзи қип-қизариб кетган Сароймулкхоним Темур томонга юз ўгирди: Шоҳруҳнинг чаёни томонидан қилинган бу сўроқ ўзи учун нақадар ҳақоратли эканини наҳотки Темур тушунмаса!..

– Майли, ўғлиям дейлик!

Энди Темур унинг ғашига тегмоқчи бўлди:

– Бизларда яхши тарбия олармикин деб ташвишланяпти-да, онаси.

– Ҳа, мен унга нимаман... – деб тутақиб кетди хоним, лекин жим туриб қолган Халил эсига тушиб, қимиздан кейин ейиш учун Темурнинг олдига секин бўғирсоқни суриб қўйди.

– Иброҳим менинг тарбиямда эмас-ку! Нега унинг учун мен жавобгар бўлай?

– Сиз менинг катта хотинимсиз. Шу сабабдан сиз жавобгарсиз. Иброҳим ёмон тарбияланаётгани учун Туманбикани ўзингиз қист-баст қиласиз-ку.

– Нима, мен унинг олдида жавобгарманми?

– Нега жавобгар бўлмас экансиз?

– Жавобгарман ҳам! – Сароймулкхонимнинг кўзлари чақнаб кетди.

Темур унга далда ва таскин бериб:

– Жавоб деган мана бундоқ бўпти, – деб қўйди.

– Сен менга хат ёзиб берасан, Халил. Мулойимгина қилиб. Болаларимизга ғамхўрлик қилиб марҳамат кўрсатгани учун бизлар ундан жуда миннатдордек.

Шошиб-пишиб итарилган эшик тавақалари яна ланг очилиб кетди-да, қизариб кетган Улуғбек Иброҳим билан Орифдан олдин тўғри кириб келиб, ўзини бувисининг қучоғига ташлаб:

– Бўрилар! – деб қичқирди.

Ташвишга тушган Темур елкасини қисиб, қовоғини уйиб:

– Кимлар экан бўрилар? – деб сўради.

– Биз ўшалардан ура от солдириб қочдик. Улар кетимиздан қувди. Бизларни қувиб ета олмади, орқада қолиб ҳам кетмади. Бошда ҳамма ёқ тинч ва осойишта эди. Шунинг учун биз соқчилардан йироқлашиб кетиб қолибмиз.

– Қандай қилиб, соқчиларсиз? Сизларга ким рухсат берди? – деди Темур ўшқириб.

– Теварак-атрофда ҳеч кимса йўқ, ахир! Бу ерлар кўпдан бизнинг тасарруфимизда! – деб жавоб қилди овга чиқиш учун невараларига рухсат этган Сарой-мулкхоним. – Лекин мен уларга соқчилар қўшиб берганман.

– Улар орқада қолиб кетишди! – деди Улуғбек, – Ориф икковимиз бўрилар ўртасида қолганимизда етиб келишди.

– Иброҳим-чи? – деб сўради Темур шошилиб.

– У отини елдириб қочиб қолди.

– Сизларни ташлаб, ўзи якка-я?

– У соқчиларни чақириб келиш учун кетди.

– Ҳм! Тезда кетиб қолди дегин! – Темур қовоғини баттарроқ уйиб олди. – Демак, бўрилар, оддий йиртқич ҳайвонлар дегин?

– Бўрилар деяпман-ку!

– Ҳай, майли. Сен, Иброҳим қандай қилиб қочиб қолдинг? Бўрилар бўлга... сен қочсанг?..

Темур «бўрилар!..» деб мийиғида кулиб қўйди-да, кейин уйга толиб, невараларига ҳикоя қилиб берди.

– Мен ҳам бир сафар Сирдарё бўйида бўриларга йўлиққанман. Биз Чинос ёнида мўғуллар билан жанг қилаётган эдик. Ёмғир қуйиб турар, отлар лойга ботиб юра олмасди. Мўғуллар бизларни суриб чиқардилар, биз қочдик. Оти яхшилар олдинга чиқиб олган эди, Биз Амир Хусайн билан олдинда от солдириб кетардик. Кечга бориб ҳамма биздан қолиб кетди. Амир билан икковимиз от солдириб кетяпмиз. Қоронғи тушяпти. Олдимизда кўз илғамас чўл, илдавроқ юриш керак. Душман устига бостириб бораётганда ҳам ошиқиш керак, душмандан қочишда ҳам. Аҳвол шунақа танглашиб қолганда – душмандан қочишимиз керак. Икковимиз отларни аямай ҳайдаб, Мирзачўлдан ўтиб кетаётганимизда бўрилар қуршовида қолдик. Бир гала-я! Мен уларни кўрибман. Отимнинг бошини буриб, уларнинг устига солдирдим. Биттаси чап бериб қочмоқчи эди, бошига шартта қилич билан солдим. Бўриларни қувиб юбормоқчи бўлдим. Бе, писанд қилмайдилар. Бири ағдарилиб тушса, бошқаси келиб ҳамла қилади. Мен яна улар устига от солдираман. Биттаси орқадан келиб, отимнинг думидан олмоқчи бўлди. Лекин от бўрини бир тепди. Шунда мен отдан йиқилдим. Майиб оёғим билан тушган эканман, сира тура олмадим. Яқин йўлаганини пешонаси ёки бўғзига қилич билан солавердим. Ҳаммасини чопиб бўлмас экан. Ўзимни аранг ўнглаб ўрнимдан туриб, яна ҳамла қиламан. Ўрнимдан туриб қочмасдан, ҳамла қилаверганимни кўргач, ўзлари итдек думларини қисишиб қолишди. Бунда энг муҳими қўрқмаслик керак. Қанча қийналсанг ҳам пайт пойлаб олға ташлан. Кимнинг тоқати зўр бўлса, уша қочиради. Шунда куч-

ликка ҳам фириб берасан. Чекиниш эмас, ўзинг унга ҳамла қил. Шу йўл билан ёввойи отлар ҳам қўлга ўргатилади, шу йўл билан душман ҳам тор-мор этилади. Менинг отимни Амир Ҳусайн тутиб олибди. Бу вақт ичида Чинос ёнидан қочганлардан икки-учтаси бизга етиб олди. Шундан сўнг бутун Мовароуннаҳрни босиб ўтиб, Балхга етиб бордик, битта ҳам бўри учратмадик. Ушанда мен андак сусткашлик қилсам, мен бобонгиз бўлмасдим, болалар. У вақтларда биз бўри деган нарсадан қочмасдик. У вақтда бизга фақат одамларгина қўрқинчли эди. Кейинчалик билсак, халқ биздан жуда қўрқар экан. Шу нарса жонимизга ора кирди. Душманнинг сендан қўрққани яхши! Душман сендан ҳайиқса кучинг икки ҳисса ошади. Шундай, Иброҳим. Уша Амир Ҳусайн мени ташлаб қочганда бўрилар мени ҳалок этарди. Баракалла, Улуғбек, бўриларга ҳамла қилибсан, сен менинг асл неварамсан!

Темур заҳарханда қилиб, ўзига-ўзи:

– Шундай қилиб, аввал бўриларни бартараф қилдим, сўнгра эса Амир Ҳусайнни... – деб қўйди.

Кейин, Сароймулкхонимга кўз қирини ташлаб, невараларига деди:

– Боринглар, ювиниб тозаланиб олинглар. Сен, Халил, шошмай тур.

Шундан сўнг Темур узоқ сукут қилди, Халил ҳам индамай турди. Хоним узоқ ўйланиб, заранг косага саночдан қимиз қўйди-да, индамай Халилга узатди. У ҳам бобосидан кўзини узмай, қимизни қўлга олди.

Темур ниҳоят деди:

– Бўрими, бўри эмасми, ким билсин уларни? Муддаолари нима экан? Фурсат ғаниматида чақиртириб қарайлик. Сен тайёргарлик кўриб сара навкарларинг билан Шамохий шоҳини бу ёққа чақириб кел. Ширинсуханлик билан чақиргил, аммо теварак-атрофиндагиларга қаттиққўл бўл. Сергак одамлардан танлаб ол.

Шу ердалигимизда, қўшинларимиз етиб келгунга қадар, шоҳ билан учрашайлик.

Халил косани қайтариб, сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Шу бугуноқ жунаб қолайми, бобо?

– Узингга қара, эпласанг жунайвер. Бўлмаса эртага.

– Бугун пиёда аскарлар етиб келди. Ҳали ҳаммасини жойлаштирганимча йўқ: чодир етишмайди, улар ўзлариникини опкелишга улгуришмапти.

– Буюр, бошқалар жойлаштирайсин. Узинг эса эртадан кечикмай жуна. Шоҳни олдимизга олиб кел.

Халилнинг ўрнидан қўзғалаётганини кўрган Темур уни яна тўхтатиб:

– Шошма, – деди. – Сен шу ердалигингда мирзаларни чақиришнинг ҳожати йўқ. Самарқанд ҳукмдори Муҳаммад Султонга нома ёз. Искандарни бу ёққа ўзи олиб келсин. Ораларидаги жанжалларини ўзимиз бартараф қиламиз.

– Бўлмаса чиқиб қоғоз келтирай.

– Машаққат чекмай қўя қол, менда Улуғбекнинг қоғозларидан бор, – деди Сароймулкхоним. – Сиёҳдон ҳам, қамиш қалам ҳам бор. Унинг ёзишини яхши кўраман, кўз унгимда ёздиртираман.

Халил Муҳаммад Султонга қисқача оддий фармонни ёзиб бўлганидан сўнг, бувиси Ҳиротга хат ёздиртирди.

Халил бувисининг мактубини дуойи салом бениҳоядан сўнг худонинг паноҳига топширилган Мирза Шоҳруҳга, унинг бола-чақасига соғ-саломатлик тиллашдан бошлади.

Бувиси Халилнинг шабадада қизарган қўлидаги қамиш қаламнинг чирсиллаб юришини кузатиб турар экан, кулиб қўйди:

– Минг қилсаям, Улуғбекнинг хати чиройли!

Ҳукмдор ҳам, Сароймулкхонимнинг ўзи ҳам савод чиқаришга фурсат топа олмаган эдилар. Аммо бир-би-

рига чирмашиб кетган, гоҳо нуқта ёки чизик қўйилиб безатилган, бир хилдаги чизиклар, улардан ҳосил бўлган сўзлар унинг диққатини ўзига тортган эди. Назарида бу нарса унга баданга бармоқни босиб, қандайдир ўт-ўлан билан дардни даволашни билган табибларнинг илми амалига, ҳукмдорга худо томонидан барча халқларни енгиш учун юборилган бир сирли илҳомга ўхшаб кўринарди. Озгина кишилар насиб бўлган, оддий кишилар муяссар бўла олмайдиган билим ва кучни хоним бир афсун деб билар эди. Шу сабабдан бу сирдан воқиф бўлмоқ учун неваралари мактуб ёзганда уларнинг ёнига ўтириб олар эди. Ҳукмдорнинг назарида мактубдаги сирдан ўзининг воқиф эканлигини изҳор қилмоқ учун бошини чайқаб:

– Чиройли, чиройли ёз... – деб кўяр эди.

Маликага Темур ер остидан ўқрайиб қараб:

– Ўзингиз олиб ёзиб қўя қолсангиз бўлмайдими? – дерди.

– Менга ҳожати йўқ бунинг, невараларим ёрдамлашади!

– Шундоқ, шундоқ... – деб кўйди Темур.

Халил мактубни тамом қилиб, бувисидан, дуойи саломлардан кейин яна нималарни ёзиш керак деб сўрагунча, бувиси хат устига эгилиб кутиб турди ва қатъий қилиб:

– Ёз, – деди. – Болалар роҳат-фароғатда, илм олишлари жойида, боболарининг чизган чизигидан чиқмайдилар, бувилариям улардан хурсанд, уйларини соғинганларича йўқ, Ҳиротга бориш кўнгилларидаям йўқ, тарбиячиларидан ажралгилари келмайди, машғулотга шу қадар ижтиҳодлари зўр...

Хоним қаддини ростлаб, ичга ботган лабларини қаттиқ қимтинганича ўйланиб қолди. Яна нималар дейишини кутиб турган ҳукмдорга бир қараб олди-да, яна қоғоз устига энгашиб, кўшимча қилди:

– Яна ёз: болалар китоб ўқишдан кўра аскарый ишга қизиқадилар. От минишни яхши кўрадилар, овга чиқадилар, йиртқич ҳайвонларга қарши биргина қамчи билан кетаверадилар. Ўйнаб-кулиб, дам олиб келгач, яна сабоқларига ўтирадилар.

– Нима, илм дастурхонмидики ёнига келиб ўтирадилар, – деди. Темур хонимнинг ғашини келтирмоқчи бўлди.

– Бўлмаса, нима дейин? Ахир улар юрган йўлларида ўқиётганлари йўқ-ку.

– Масалан, «қайтишлари билан тарбиячилари олдига чопадилар» – демоқ керак.

– Шундай бўлса ҳам хатни ўқиб уларнинг аҳволи билан танишгач, барибир, қанақа сўзлар билан ёзилганининг фарқига бориб ўтирмайдилар.

– У ерда ўсганларидек эмас! – Темур бу фикрга қўшилди. Хоним учун шу сўзлар кифоя эди, у ёздирган хати учун бундан ортиқ мақтов кутмаган эди: ўқлари нишонга бориб теккандан рози эди.

Аммо хоним бу икки неварачаларнинг хатда ёзилгандан кўра ҳам ўзгачароқ тарбия олиб ўсаётганларини зимдан билар эди. Улар аскарый ишлардан кўра китоб ўқиш билан кўпроқ шуғулланар эдилар.

– Ўсиб улғайганларидан сўнг янада яхши бўладилар! – деди хоним, эрига жавоб қилишдан кўра кўпроқ ўзига тасалли бермоқчи бўлгандек.

Мактуб тайёр бўлиб най қилиб ўралганидан сўнг хоним белида осиглиқ турган олтин муҳрини ушлаб, ёрлиққа босди. Халил эса уни елимлади.

Энди Гавҳаршодбегимнинг шарттаки саволлари билан кампир яна алангаланган, унинг келинига бўлган эски адовати яна кучайган эди.

Аммо ҳозир бунақа нарсалар билан овора бўлаган вақт эмасди. Эрини кузатиб қўйиши керак эди. Темур сандиққа суяниб ўрнидан турмоқчи бўлган эди,

хоним ёрдамга югурди. Халил кўлтиғидан ушлаган ҳолда Темур ташқарига чиқди.

Одатга мувофиқ Темур ёлғиз ўзи кичик малика, мўғул қизи Тавкалхонимнинг ҳузурига кириши керак эди. Аммо тушки овқат маҳали яқин қолганидан, бобоси Халилни кичик малика истиқомат қиладиган жойга олиб кетди.

Тавкалхонимнинг манзилгоҳи бир неча оқ ўтовдан иборат бўлиб, уларнинг устига зарҳал ҳошияли оқ намат тортилган эди. Темурнинг қароргоҳидан ҳам кўпроқ жой эгаллаган бу манзилгоҳ тепасидаги олтин қуббали ёғоч устида туғ ҳилпираб турарди.

Малика эшик олдида турарди. Қалин упа-элик суртилган олмадек юзлари қип-қизариб кетгани билиниб турар – у жаҳл отига минган эди. Ҳукмдор эрта-лабки вақтини катта маликаникида ўтказиши керак, аммо тушки овқат маҳалида Тавкалхонимникида бўлиши шарт эди. Ҳукмдорнинг бундан хабардор бўлган бошқа хотинлари, хоқон катта хотинникида ушланиб қолган экан, демак, у ер кичик хотинникига қараганда кўнгиллироқ экан-да, деб айтарлар. Ҳукмдорнинг у ерда нима иш билан банд бўлганидан кичик хотиннинг хабари йўқ эди, нома тўғрисида ҳам ҳеч нарса билмасди. Аммо жорияларнинг, овқат тайёр бўлганига анча бўлди, деганларидан хижолатда эди. Улар ҳам ҳукмдорнинг катта хотиникида ушланиб қолганидан ҳайрон эдилар.

Тавкалхоним сабр-тоқати тугаб, билагузукларини жаҳл билан бир-бирига уриб шиқирлатар, жорияларга эса ҳукмдорнинг келишидан воқиф бўлиб турунлар, деб тайинларди. Чунки ўзи унга пешвоз чиқиши керак эди. Борган сари хуноби ошарди.

Энди у келаётган Халилни кўрди. Ҳукмдордан ҳам кўра бу жасур йигит олдида ўзини унглаб олди-да, Те-

мур ўз жойига келиб ўтиргунча таъзим қилиб, орқага тисарилиб турди.

Тавкалхоним ҳукмдордан кўра ҳам, сафарларда қорайиб кетган, содда ва қўшиннинг арзандаси бўлган Халил олдида ўзини сипо тутарди.

Тавкалхоним хўракка қўл урмади. Фақат ёғли паловдан ва унга катта-катта қилиб тўғралган турп, Урганчдан келтирилган тансиқ пиёзи ансурдан пича тамадди қилди.

Темур эса кўп йиллик жигарранг Самарқанд мусалласидан хўплаб ўтирарди.

Тавкалхоним эрининг одатларига зўрма-зўраки ҳурмат юзасидан ҳукмдор ўз юртида севиб ейдиган овқат ҳозирлатган эди. Аммо ўзининг юртида Пекин ошпазлари томонидан пиширилган ажойиб хитой таомларини маъқул кўришини эрига изҳор қилмоқ учун овқатга қўлининг учинигина теккизиб қўяр эди.

Аммо ўзининг овқат егиси келар, у доим кўп овқат ер эди. Лекин ҳозир ўзини тутиб, итоатли жориялар келтириб қўйган таомларни нари суриб қўярди.

Темур Тавкалхонимнинг самарқандлик ошпаз пиширган бу паловга илтифотсизлик кўрсатаётганини пайқаб:

– Раҳмат сизга, малика. Самарқанд таомининг мазасини яхши тушунибсиз, кўриб турибман. Ҳаммаси Самарқанддан келтирилган. Сизга атаб яхши мусаллас ҳам келтиришган. Пиёзи ансурий ҳам жуда соз...

Мусаллас Темурнинг этини қиздириб, ором бахш этди. Темур бу қароргоҳнинг катталигини, тева-рак-атрофда неча чақирим жойни энлаб ётганини ўйлаб қувонар эди. У бу ерга қароргоҳ ўрнатиб, ўзининг қудратли қўшинини тўплаб, тайёргарлик кўриб турган маҳалида кенг ўлкалардаги халқлар нақадар қўрқув-таҳлика остида қолган экан.

Овқат маҳали ҳам тамом бўлди. Энди Халил чиқиб кетиши керак эди. Бу ерда утирганида Тавкалхонимнинг дурдоналар қадалган бўйнини буриб, гоҳ ер остидан, гоҳ елкаси оша ўзига қараб қўйганлигини, ҳукмдорга бир нималар деб шивирлаётганини эшитиб қолдимикин, дегандек кўз қирини ташлаганини Халил фаҳмлаб утирган эди.

Шу он жорияларнинг каттаси мўғул кампир илдам кириб келиб, маликанинг қулоғига шивирлади.

Тавкалхоним чўчиб Халилга бир қаради-да, Темурга деди:

– Ошиғич иш билан Шайх Нуриддин ҳузурингизга киришга ижозат сўрабди.

Ҳукмдор хотинларининг олдига кирган маҳалида уни безовта қилишга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эди. Аммо бу ерда Темурнинг невараси утирар эди, шунинг учун ҳукмдор, хабар жуда муҳим бўлса керакки, Шайх Нуриддин одатга хилоф равишда ўзи кирмоқчи бўлибди деб ўйлаб, ўз сафдошига кириш учун ижозат берди.

– Халил, чиқиб уни бошлаб кир.

Тавкалхоним соч ўримига тақилган оғир олтин попуқлар орқасида текис осилиб турган-турмаганини секин текшириб кўриб, дўмбоққина кафтлари билан вазмин шойи қўйлагини бир текислаб олди.

Шайх Нуриддин Темурга ва маликага таъзим қилди-ю, лекин ёстиқ ёнига бориб утирмади. Эшик ёнида туриб деди:

– Ҳукмдоримиз, икки чопаримизни ўлдириптилар.

Темур кўзғалиб тиз чўкиб қолиб:

– Ким? – деб сўради.

– Мурдани топиб келдилар, аммо ўлдирганларнинг изи топилмади.

– Қаерда?

– Биттасини шу яқин орада, пешин намозидан сал илгари. Иккинчисини нарироқда, бошқа йўлдан.

– Қидиришга одам юбортирдингларми? Кимни юбортирдинглар? Қани, юринглар!

Темур ниҳоят урнидан туриб, ҳали бирга утириши лозим бўлган хотинига ҳам қарамай, шошиб-пишиб унинг ўтовидан чиқиб кетди.

Тавкалхоним дастурхон йиғиштирилган гилам олдида туриб қолди. Юзини кафти билан беркитиб, йиғига тушди. Сунгра кўз ёшларини этаги билан артди. Юзлари сарғайиб кетди, кўзлари йиғидан шишиб, кичрайиб қолди! Соч толалари такяси остидан пешонасига осилиб тушиб, ғашини келтирарди. У гажагини пашша деб уйлаб ҳайдамоқчи бўлди, лекин гажаги ҳамон осилиб турарди.

У яна пешонасини артди. Бирдан гилам устида ётган, Темур ҳали тозалаб улгурмаган суякни кўриб қолди. У ёшлигидан суяк тозалашни яхши кўрарди.

Эшик томонга қараб берклигини билгач, суякни қўлига олди ва йиғлаган кўйи уни ғажиб, ичида қотиб қолган илигини қоқиб егач, бир оз кўнгли таскин топди.

* * *

Ўлдирилган чопарларнинг мурдасини олиб келиб, чопарлар ўтови олдига қўйдилар.

Темур уларни кўргани келди. Мурдаларни қуршаб турган жангчилар билан чопарлар бир четга чиқиб, унга йўл бериб туришди. Темур уларни текшириб кўришни буюрди.

Бирининг этиги қўнжигга, бошқа бирининг қўйнига тиқилган нома бутун эди.

Камон бирининг кўзидан тегиб, чаккасидан тешиб чиқибди, бошқасининг эса чаккасидан кириб, кўзидан диккайиб чиқиб турибди.

– Яхши мерганлар экан! – деди Темур жангчилар томонга қайрилиб қарар экан.

– Яхши-а?

Ҳамма кўрқа-писа бўлса-да, лекин ўзининг қойил қолганини дадил изҳор қилди. Темур ўлдирилганларга қараб ўйланиб туриб қолди.

– Ҳа, яхши мерганлар экан. Қани улар? Улар ўзи ким? А?

Хабарчи соқчилардан сўраб-суриштириб, чопарлардан бирининг чангалзор тош дарага кираверишда ўлдирилганлигини, иккинчисининг эса хароба бир қишлоқнинг кўчасидан ўтиб кетаётганида вайрона ичида ўлдирилганлигини аниқладилар. Иккала соқчи ҳам бошда бараварига шошиб қолипти, ўзларига келгач, теварак-атрофларини ҳар қанча тимирскилаб қараса-да, ҳеч кимсани топа олмапти.

– Ҳамманинг кўзи олдида икки соқчини ҳам қамчи билан савалаш керак, минбаъд ёвузларни қўлдан чиқармайдиган бўлсинлар. Бошқалар ҳам шуни эсда тутсинларки, душман гўё чакканга ўз камонини гўғрилаб қўйганини доим пайқаб турадиган бўлсинлар. Ухлаб ётганинда ҳам сергакланиб ётишинг керак. Йўл юриб кетаётганинда эса ухлаб қолмаслигинг керак. Эсдалик учун уларни савалаб қўйиш керак! Теварак-атрофда, ҳамма ёқда уруш кетаётганини тушуниб қўйсинлар. Бизлар ўйин-кулги билан эмас, балки уруш билан бандмиз, шундай эмасми, а?

Темурнинг орқасида турган Шайх Нуриддин шаҳзода Султон Ҳусайнга деди:

– Иккаласи ҳам бир хилда ўлимга учраган: чаккаси-дан ўқ еган. Иккаласи ҳам ўз қадрини билган, ўз ўқиға ишонган мерган экан. Улар оддий жангчиларни эмас, балки чопарларни мўлжалга олганлар. Бирисини беш соқчи-жангчи, иккинчисини эса уч соқчи-жангчи пойлаб борган. Ҳамма жангчилар омон қолибди-ю, икки чопарга ўқ тегибди. Танлаб отганини қаранг-а.

Темур орқасига қарамай деди:

– Бўрилар! Ер остидан чиққандек пайдо бўлгану ишини битириб қочган. Изини ҳам йўқотган!

Сўнгра, елкаси оша Шайх Нуриддинга қараб, амр қилди:

– Ўша жойларга отлиқ аскарлардан кўпроқ юбориш керак. Теварак-атрофни яхшилаб кўздан кечириб, ўзимизникилардан бошқа ҳаммасини тутиш керак. Шояд қўлга тушса! Чопарларга эса ўнбоши билан бирга ўн нафар пойлоқчи-соқчи бериш керак. Шундай қилмасдан бу жойлардан то Султониягача йўлга чиқармаслик керак.

Темурни кузатган аскарбошилар ўртасида қолиб кетган Шайх Нуриддин тезда кела қолмагач, Темур унга қараб бурилиб қичқирди:

– Нима дейилганини эшитдингизми? Нега қараб турибсиз? Тезда одам жўнатинг! Ё қидиришни эртага қолдирмоқчимисиз? Тезлик билан ўша ерга от чоптиринг. Қидиртиринг! Эрталабга етказдириб келинг ўша бўриларни! Қани!

Шайх Нуриддин бехосдан чўнқайиб, тезлик билан оёғини узангига олди. Эгарга ўтириб олиши билан қулочкаш қилиб солинган оғир қамчининг зарбидан оёқлари оқ-қора тўриқ от бирдан сапчиб кетиб, бошини орқага ташлаганича Шайх Нуриддинни шошиб-пишиб йўл бушатаётган жангчилар орасидан ўқдай олиб ўтиб кетди. Шайх Нуриддин эса отига қамчи босиб ўз отлиқ жангчиларининг қароргоҳига шамолдай учарди.

Темур нима тўғрисидадир ўйланиб сукутга толди. Ниҳоят, худди ҳушига келган одамдек ўзини ўнглаб, шошиб-пишиб Султон Ҳусайнга деди:

– Анави... тоғлиқ. Оти нима эди? Гулхан ёққан! Тўрт томонинг очик деб қўйиб юборинглар. Ёлғиз ўзини. Лекин сергак бўлиб кузатинглар, қаёққа бораркин.

Майли, ўз майлича юрсин, бироқ ҳар бир босган қадамини билиб турунглр. Ҳеч бир мўйига ҳам дахл қилманглр, бизнинг таъқиб этаётганимизни ҳечам пайқамасин. Шундай қилиш қўлингиздан келадими? Йўлга чопон тухфа қилинг, биздан инъом деб. Йироқдан кўриниб турадиган чопон беринг. Унинг юрадиган йўлларини тезроқ билмоқ керак. Бўрилар-ку ҳамма жойда изғиб қолган-а! У бизда тухум босгандек хотиржам утириб ўзига келди. Суюниб кетади.

Шу вақт Айёр Темурнинг кўз ўнгида чопарлар ўтовидан чиқиб келиб, ўтов ёнида ёстаниб ётган икки бебахт танишини ёнлаб ўтди-да, Самарқандга жўнаш учун буйруқ олганидан оти олдига кетаётган эди:

– Ҳой, чопар! – деб чақириб қолди бирдан ҳукмдор.

Айёр турган ерида қотиб қолди.

– Йўлда эҳтиёт бўл, чопар. Ўнбошисиз йўлга чиқма. Кокилингни шамолда ҳилпиратма, телпагингнинг тагига бостириб ол. Иложи бўлса, Султонияга етгунингча телпагингни қопга солиб қўй. Бошингга ҳамма жангчилар киядиган каллапўш кийиб ол. Эшитдингми? Шундоқ! Ҳамма чопарлар ҳам шуни билиб қўйсин. Эҳтиёт бўлмасалар чопарларнинг адабини бераман.

Айёр бошидан шартта телпагини олди, устара билан тақир қилиб олдирган бошини зўрға беркитиб турган бухорча оқ такаси билан қолиб нари кетмоқчи бўлган эди, Темур заҳарханда қилиб яна деди:

– Ҳой, чапани чопар, йўлда нонни тушириб қўйма тағин.

Бу даҳшатли сўздан Айёрнинг оёқлари бўшашиб кетди. Темур эса бу вақт оқсоқланиб бошқа томонга бурилиб кетмоқда эди. Унга ҳамроҳ бўлиб бораётган сафдошлари ва халойиқ орасида кўринмай кетди. Чопар эса жойидан қимирлашга мадори келмай турган ерида қотиб қолди.

«Билиб қолган ким бўлди экан? Ким чақди экан? Ахир ҳамма орқасига қарамай кетаётган эди-ку. Нонни ташлаб юборганимда мен орқада қолиб кетувдим-ку, Ким кўрди экан? Ҳаммаси ўзимизнинг дўстларимиз эди-ку; ошна-оғайниларимиздан қайси бири айтган экан-а? Ҳукмдоримиз нақадар марҳаматли-а! Билсаям, ўзини билмасликка солди. Хайрлашиш олдидангина айтди! Эсида турган экан! Оддий чопарнинг ҳар қандай хатосиниям хотирида сақлайди-я, лекин кишини беҳуда ранжитмайди. «Чапани чопар» дегани ҳар қандай инъомдан қиммат гап-ку, ахир!..»

Ҳукмдорнинг сўзларидан рағбатланган Айёр бутун жонини унинг йўлига фидо қилмоқ учун шитоб билан отлар сари юриб кетди, у шамолдек учиб бориб, ҳукмдорнинг шон-шарафи йўлида барча қашқирларни, барча довулларни даф қилгиси келди.

«Улардан қайси бири чақди экан-а? Қайси бири билиб қолди экан-а?»

Темур ўзича ғўлдираб сўзланиб, ўз ўтовига қараб йўл олди:

– Ҳамма ёқда изғиб юришипти!.. Ҳамма ёқда! Кўрқмаганликлари кўриниб турибди. Ер остидан чиқишяптими-я? Ҳеч ким кўринмайди-ю, лекин камонлар отилиб турибди. Гоҳ тоғдан тоққа тутун қўйиб юборишади, гоҳ камондан ўқ узишади. Атрофда эса ҳеч ким кўринмайди.

ИККИНЧИ ҚИСМ
Мунажжамхона
гумбази



САККИЗИНЧИ БОБ ЧОПОН

Узоқ сафарга от танлаш учун эрта тонг пайтида яйловга Халил Султон ўзи жўнади.

Офтоб олисдаги тоғ чўққиларини эндигина ялаган, тоғ ён бағирлари ва водий эса ҳаво айнигандек, ҳали қоронғилик ичида эди, аммо ҳаво очиқ бўлишидан дарак бериб турарди: одамларнинг товушлари жаранглаб чиқар, қушлар осмонда баланд парвоз қилар эди.

Халил уч жангчини енгил бикир отларда Шамохийга, меҳмонларга пешвоз чиқиш ва Ширвон шоҳи Иброҳимни воқиф қилиб қўйиш учун Қурдайбек олдига жўнатди. Ўзи эса қорабайирга миниб, абжир йилқичилар ўз олдидан ҳайдаб ўтган отларни юқоридан туриб томоша қилди.

Отларни кўздан кечиришни Халил яхши кўрар эди. У саркаш эркин отларнинг қад-бастини томоша қилиб сафар тараддудларидан дам олар ва ўз сафдошлари орасида ўйлашга имкони бўлмаган нарсалар тўғрисида ўйланар, ҳозир ҳам у ҳеч шошилмас эди. Фақат ўқтин-ўқтин у отлар томонга ўз қамчисини кўтариб қийқириб кўяр, шу он арқон сиртмоқ ҳавода визиллаб, ушланиши керак бўлган отнинг бўйнига бориб тушар эди.

Ниҳоят, Халил Султон отини аста қамчилаб, ўзи учун ажратиб олинган отлар билан кишнашиб баст-жавоб қилиб тоғ бўйларига чиқиб кетаётган, тиниб-тинчиб қолган йилқилардан кўз узмай, афсусланиб, қароргоҳга қайтди.

Халил Султон тиқилинч қароргоҳга кириб келиши билан уни нонуштага ҳозирланган овқат буғлари ва намиққан жун ҳидлари чулғаб олди. Қароллар кўрпа ёки наматларини думалоқлаб тунги соқчилик навбатига тайёргарлик кўрмоқда эдилар: чопарлар ўлдирилганидан сўнг Темур соқчиларга қароргоҳни яхши-

роқ кўриқлашни, қоровулларни тез-тез текшириб туришни, қароргоҳларнинг атрофига хандақ қазиб, кўрғон ясашни ҳамда ғовлар қилишни буюрган эди.

Халил Султон яқинда асирлар орасидан аскарликка олинган кишиларга дуч келди. Улар кетмонини елкага ташлаб, этагини бар уриб олган деҳқонлардек чуқур қазигани кетмоқда, кўплари оёқ яланг эди.

«Бу қаланғи-қасанғилардан ҳеч қачон жангчи чиқмас!» – деб ўйлади Халил, бу тутқин жангчиларнинг озғин, ингичка оёқлари ва қоқ суяк қўлларига қараб туриб.

Чопарлар ўтовлари олди гавжум эди. Ясанган-тусанган Султон Ҳусайн шу ерда, халойиқ ўртасида эканлигини билиб, секингина ёнлаб ўтиб кетмоқчи бўлди. Аммо унинг диққатини безаклар тақишган, отда, баланд қизил эгар устида ўтирган Султон Ҳусайннинг одатдан ташқари тантанавор кўриниши ўзига тортиб, Халил Султон нарироқда тўхтади.

Ўтов олдида кўрқувдан ёки эрталабки муздек совуқданми совқотиб титраган, ранги оқариб кетган Хатута турарди. Гарчи юзи Султон Ҳусайн томонга ўгирилган бўлса-да, гуё отнинг туёғи остида ер қаърини кўриб тургандек шаҳзоданинг оти туёғи остидан кўзини узмас, Султон Ҳусайннинг гапларини эшитиб турса-да, лекин ўзи мушкул бир масала устида бош қотирмоқда эди.

– Ҳукмдоримиз марҳамат қилиб сизга эрк бердилар. Қаерга борсангиз тўрт томонингиз очиқ.

Асирга эрк бериш сийрак учрайдиган ҳодиса эди. Шу сабабдан бу ерга томошага йиғилгандек жангчилар тўпландилар ва ҳаммалари нафасларини ичга ютиб ҳукмдорнинг фармойишини эшитдилар.

– Ўйнаб-кулиб кетинг, ҳукмдоримизнинг марҳаматларига тасанно денг. Лайлон қилиб ҳаёт кечиринг. Биз сизни зиндондан озод этилган одам тарзида эмас, бал-

ки меҳмон сифатида қўйиб юборяпмиз, чопон инъом қиляпмиз. Шу чопонни қайга кийиб борсангиз, ҳамма жойда сизга йўл очиқ.

Одамлар орасидан икки хизматкор ўртага чиқди, улардан бири чопон тутди, иккинчиси эса Хатутанинг бошидан тўзиган қалпоғини тезда ечиб олиб, янги тикилган телпак, эски чопони устидан эса йўл-йўл беқасам чопон кийгизиб қўйди. Дарров белига зангор белбоғ боғлатиб, катта марҳамати эвазига шаҳзодага таъзим қилмоғи учун қўлтиғи остидан суяб турдилар.

Аммо Хатута шошиб қолганиданми ёки унутганиданми, таъзим қилиш эсига келмади.

Қип-қизил бўлиб товланган чопонда унинг таъзим қилмай қараб турганини йироқдан ҳамма кўриб турган эди.

У фақат:

– Энди кетаверсам майлими? – деб сўради.

Султон Ҳусайн мийиғида кулиб бош чайқади:

– Майли, кетаверинг... Фақат йўлларимиз хавотирли-да. Агар ҳамроҳ топсангиз, тинчроқ бўлур эди. Майли, йўлдан қолманг.

– Нима ҳам дердим... Ҳамроҳни эса... қаердан топса бўлади? Бир амаллаб ўзим етиб оламан.

Султон Ҳусайн унга бошқа жавоб қилмай отининг бошини қайирди ва шу он отини ниқтаган Халил Султонни кўриб қолди.

Шаҳзодалар учрашиб, қароргоҳ ичкарасига қараб йўл олдилар.

Султон Ҳусайн Халилдан:

– Муҳаммад Султонни чақиртирибдилар! Эшитдингизми? – деб сўради.

– Чақиртирган бўлсалар келиб қолар.

– Келиб, қайсарлиги ва Искандардан ўч олгани учун бобомиздан эшитадиганини эшитади. Искандар ҳам

бобомизга Самарқанд ҳокими Муҳаммад Султондек набира-ку!

Халил Султон индамади.

Султон Ҳусайн яна ўз гапида қаттиқ туриб деди:

– Ҳокимликка ҳокиму, аммо бу ер унга Самарқанд эмас-да. Искандарнинг гуноҳи нима? Жанг қилганими? Галаба қозонди-ку. Қайсарроқ ҳоким. Худо кўрсатмасин, бобомиз... ҳалиги... унақа бўлиб... Бизга ҳоким бўлиб қолса-я!

Султон Ҳусайн яна нима дер экан, деб Халил ўгирилиб унга қаради.

– Халиги, унақа... Арш аълога чиқиб, худонинг даргоҳига борганида...

– Нима, бобомиз ўрнига ўзингиз ҳукм чиқаряпсизми?

– Сиз ҳали... менинг гапларимни бобомизга чақиш учун югурарсиз. Мен сиз билан ўз оғамдек сўзлашяпман, майли, айтсангиз айтаверинг! Мен сизга қарши бир нарса деяётганим йўқ-ку. Сиз билан биз ҳаммамиз бир одам. Мен сизга Самарқанд ҳокими тўғрисида гапиряпман. У валиаҳд. Унинг номидан пул зарб қилмоқдалар, ўзига қирқ минг кишилиқ кўшин ҳам ажратиб берилган. Нима учун? Бобомизнинг иродасига бўйсунмай қолганимизда бостириш учунми? У Самарқанднинг ҳокими ана шунақа! Бу ерга уни бобомиз ҳузурига жавобгарликка чақиртирганлар.

– Ҳасадинг келяптими?

– Нега? Тергашга чақиришганигами?

– Уни тергайдиган ўрни йўқ.

– Демак, сиз унинг тарафида экансиз-да.

– Мен бобомиз тарафидаман.

– Мен ўйлайманки, қайси биримизнинг ким билан гапимиз бир ердан чиқишини билиб қўйиш фурсати келган. Иккаламизнинг талашадиган нарсамиз йўқ. Кимнинг ким билан бирга бўлиши устида ўйлаб кўр.

Бобомиз етмиш ёшга кирай деб туриптилар. Пайғамбаримиз ҳам шунча ёшга кирмаган!

– Бобомиз бутун катта кенгаш олдида Муҳаммад Султонни валиаҳд деб эълон қиляптилар. Жаҳонни забт этган сиз билан биз эмас-ку, ахир. Уни тақсимлаш ҳам иккимизнинг ишимиз эмас.

– Билиб қўйинг, мен ҳам қирқ мингтасини тўплай оламан.

– Мен Шамохийга кетяпман. Вақтим зиқ. Одамлар кўпдан бери маҳтал бўлиб қолишгандир. Хайр.

Султон Хусайннинг «хайр» дейишини кутмасданоқ Халил Султон отининг бошини қайириб, ўтовлар орасидаги тор сўқмоқдан от солдириб кетди.

Бу вақтда қароргоҳнинг юравериби тақир бўлиб кетган ерларига илк офтоб нурлари тушган эди. Ўтовлар эса қизғиш тусда товланарди.

Тез орада Халил Султоннинг юк ортилган отлар ва ўтовлар олдида ўтирган ўз ҳамроҳларига кўзи тушди. Улар қуроқ дастурхон ёнида давра қуриб ўтириб олиб яхна гўшт япроқлашар ва нон ушатишарди. Оғизларидаги овқат билан ҳадеб сўзлашишар, негадир одатдагидан кўра қаттиқроқ кулишарди. Сафар олдидаги бу хилда нонушта уларни бир-бирига иноқлаштирар, сафар гашти уларни суюнтирарди.

Халил Султон келиши билан ҳаммалари ўрниларидан туриб, уни даврадан жой олишга таклиф эта бошладилар. У юмалоқланган тўн устига ўтираркан:

– Қўшимча отларни ўзим танлаб олдим. Бўлмаса отбоқарлар бизга шунақасини танлаб беришадими... Шоҳнинг совғалари яхши жойландими?

– Бўлмасам-чи! Палосларга ўралди. Ёмғирдаям ивимайди, дарёдан кечувдаям сув тегмайди. Энг новча отларга бошлаб ордик.

– Шамохийга хабар қилиш учун чопарларни юбортирдим. Уларга, йўлда биз учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйсинлар, деб амр қилдим.

Сафар ва зиёфатларда жұрабоши, палов пиширишга пазанда ва қўй терисини шилишга уста бўлган ашулачи Низом Холдор даврадагиларни кулдириб хурсанд қилиб ўтирарди. Нондан ушатиб қўяр экан:

– Олинглар, енглар, йўл узоқ, – дер эди у.

Шу он бирдан Айёр пайдо бўлиб қолди. У номани олиб жунаб кетмоқ учун ҳукмдор ўтови олдида кутиб турган эди. Аммо ҳукмдор, чопарлар ҳаммаси тахт бўлиб турсин, деб фармон берган бўлса-да, лекин жунаш учун ҳеч кимга рухсат этмаган эди. У икки чопар ўлдирилган жойни қуршаб олган отликлардан бирор дарак кутмоқда эди.

Айёрга кузи тушиши билан ҳукмдор Халилнинг карвони йўлга чиққан-чиқмаганлигини билиб келиш учун юбортирган эди.

Бобосининг гапини эшитган Халил:

– Ҳукмдоримизга айтгил: отланяпмиз. Ўзинг қаёққа бормоқчисан? – деб сўради.

– Ҳукмдорнинг фармони билан Самарқандга.

Халил Султон Айёрга жавоб бериб юборди, лекин чопар йўлга тушмоқчи бўлиб турганида уни отлар ёнида турган Низом Холдор чақириб қолди:

– Ҳой, чопар! Шаҳзода чақиряптилар.

– Жунашим керак. Ҳукмдор бир нарса деб қолмасинлар тағин. Хув ана, соқчиларим – ҳаммаси от устида ўтирипти! – деди Айёр жавоб қилиб. Шу билан ҳамсухбатига чопарларнинг фақат ҳукмдоргагина итоат қилишини билдириб қўймоқчи эди; шундай бўлса-да, шаҳзодага яхши қиёфада кўринмоқ учун сийрак соқолини шошиб-пишиб тузата бошлади.

Холдор чопарни чодир орқасига бошлаб олиб ўтди. Бу ерда уни ўз аргумоғига миниб олган Халил Султон кутмоқда эди.

Айёр Халил Султонга яқин келганида у эгардан паст энгашиб, секин деди:

– Самарқандга, сенга махфий бир топшириқ бор.

– Ҳукмдоримиздан махфий қандай топшириқ бўлсин? – деди Айёр эҳтиёткорлик билан.

– Менга хизмат қилишни истамайсанми?

Ўзини гулликка солганидан хижолат бўлган Айёр чин кўнгилдан иқрор бўлди.

– Шаҳзодаларнинг бахт-саодати ва омади юришин, ҳаммамиз дуодамиз.

– Самарқандга борсанг, наққошникига бирров кириб чиқ. Биласанми?

– Бўлмаса-чи!

Халил Султон мийиғида кулиб қўйди: наққошки билса, демак, бошимдан ўтган севги мижроларидан ҳам хабардор экан-да!

– Унинг қизига манави кичик совғани топшириб қўй ва айтгинки: Мирза Халилнинг қиличигина эмас, балки қиличидан ҳам сўзи ўткир ва қалби мустаҳкам. Эсингдан чиқармайсанми?

– Ҳақиқатан ҳам, сўзи қиличидан ўткир, қалби мустаҳкам.

– Манави йўл харажати учун, жонларинг учун мева-чева сотиб оларсан.

Халил Султон Айёрнинг қўлига майда пул солинган узун халтача берди,

Шаҳзода эгар қошидан кўксини кўтариб отини елдириб кетганида, ўз отлари олдига қайтиб келар экан, Айёр бошини сарак-сарак қилиб чуқур ўйга толди.

– Унга айтмоқ учун менинг ҳам юрагим дадил, сўзим ўткир бўлиши керак. Унинг қаердалигини энди қидириб топ! Чўл! Бепоён дашт!

Шоҳи рӯмолга уралган совғани у қўли билан аста пайпаслаб кўрди: билагузук...

Уни очишга журъат қилолмай, қўйнига тиқиб қўйди.

Халилнинг от устида кутиб турганини билган ҳамроҳлари шошиб-пишиб ўз отлари олдига жўнадилар. Бирдан ҳаммаларининг эсига бу ерда қилиниши керак бўлган, бировга айтилиши зарур бўлган бир нарса тушган эди.

Аммо тездан улар кўз ўнгида ястаниб Шамохий йули ётар, кун ҳам бинойидек очиқ эди.

* * *

Хатута судралиб Мароғий сари йўл олди.

Қадимий йўл чўзилиб гоҳ саҳродан, гоҳ яланғоч тепаликлар оша давом этарди. Бу йўл юзлаб йиллардан бери йўловчилар, карвонлар, ҳасса таянган ҳожилар ва босқинчи жаллодлар томонидан босилавериб заранглашиб кетган эди. Йўл бўйида гоҳо бирор кишининг қўрғони, боғи ёки ерини ихота қилиб турган тош деворлар учрарди. Баъзи жойларда чангдан оғирлашиб кетган ёш мева дарахтлари йўлга соя ташлаб турарди.

Дарахтларнинг барглари кўнғир тусга кирган, Шамохийдаги сингари яшил эмасди. Гарчи кун очиқ бўлса-да, лекин осмон хира эди. Хатутанинг устидаги беқасам чопони товланар эди.

Қароргоҳдан шаҳарга ўтган отлиқлар икки марта ундан ўзиб кетдилар. Отлиқларнинг баъзилари қуролларини чопон устидан тақиб олган бўлса, бошқалари чопон остидан тақиб олган эди. Хатута ердан олган хипчинни қўлида айлантириб, йўл босар эди.

Отлиқлар яёв кетаётган одам устига қуюқ чанг тўзитиб ўтиб кетарди. Қадимий одатга риоя қилиб, йўловчи билан ҳеч ким саломлашмас, оқ йўл тиламас эди. Аммо худо ёрлақаб йўловчини тўхтатиб хафа ҳам қилишмади. Темурнинг одамлари ва жангчилари изғиб юрган ёки қўшинидан орқада қолиб, ваҳшийла-

шиб кетган каллакесарлар санқиб юрган узоқ йўллар якка-ёлғиз йўловчи учун хатарли эди. Хукмдорнинг марҳамат юзасидан инъом қилган қимматбаҳо чопони уни, ҳимоясиз қолган кишини чиндан ҳам бало-қазодан асрайдигандек эди.

Шаҳарларни вайрон қилган, қурол-яроғсиз халқларни қийноққа солган салжуқийларнинг босқинларини ўз бошидан кечирган, Тухтамишнинг талон-торожларини, ўзидан илгари келган босқинчиларнинг урф-одатларини эслатувчи Темурнинг дастлабки кириб келишини кўрган қадимий шаҳарнинг деворлари кўринган маҳалида Хатутанинг кунгли анча енгил тортди.

Темур келгунга қадар бир ярим аср бурун Мароғийни Чингизхоннинг невараси Ҳалоку идора қилар эди. Мароғий унинг пойтахт шаҳри эди. Хуросондан буюк Арманистоннинг тоғ ва кўлларига, Эрон денгизининг қирғоқларигача, Месопотамиянинг иссиқ водийларидан Каспий денгизининг Озарбайжон қирғоқларига ёйилиб кетган ўз тасарруфидаги ерларга шу жойдан туриб фармон берарди.

Чингизхон ўғилларидан энг кичик ўғлининг ўғли бўлган Ҳалоку ўз улушига тушган ерларни бошқариш билан бирга, бобосининг катта меросхўрларидан узоқ яшаб қолиб, Чингизхон авлодларига қарашли бутун улуслар, подшоҳликларга ҳукмрон бўлиш дамларини кутмоқда эди. Улуғ хоқон дунёдан ўтган маҳалида Ҳалоку Муғулистонга қараб йўл олди. Аммо Мароғийдан муғул чўлларигача бўлган йўл узоқ бўлганлигидан Ҳалоку кечикиб қолди: унинг Хитойдан етиб келиб қолган оғаси Қублай улуғ хоқоннинг юртини эгаллаб олди. Қублай унга элхон халқ ҳокими деган унвон инъом қилди. Элхон Ҳалоку Озарбайжонга қайтиб келиб, ундан Сурияга қараб йўл олди. Миср султони Ҳалоку қўшинига қарши кучли қўшин жўнатди ва муғуллар-

ни қувиб ҳайдади. Ҳалоку яна Мароғийга қайтиб келди. Бу ерда у жаҳонгирлик орзу-ҳавасларини пинҳон сақлаб, илм билан шуғулланди. Шоҳ ва шайхлар ўз билимлари билан мақтанганликларини у бутун умр унута олмайди. Ҳалоку уларни ўз кучи билан енгган бўлса-да, аммо улардаги кибр-ҳавони йўқота олмаганди. Ҳалоку ҳам ўз атрофига олимларни тўплади. Унинг иши ўнгидан келиб, риёзиётчи, мунажжим ва ҳандаса олими Насриддин Тусий ҳам улар ўртасида эди. Ҳалоку Бағдод халифаси Одис Мустазим Насриддинни жуда юксак қадрлаганини яхши билар эди. Машҳур олимни халифа ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлганини ҳам билар эди. Хон халифага аттанг бармоғини тишлатиб, Мароғийда мунажжимхона солдирди. Уни ўз замонасидаги қурол-асбоблар билан тўлдириб юборди, бу ерга ўз қўл остидаги подшоҳликдан қўлёзмалар ва китоблар йиғдириб келишни буюрди.

Насриддин ўн икки йил Мароғий осмонини кузатиб, юлдузлар жадвалини тузиб чиқди ва уни элхоний деб атади. На Осиёда, на бутун дунёда бу каби ва унга тенг келадиган жадвал йўқ эди. Бу жадвалнинг аниқлиги, кўп асрлар ўтгандан кейин ҳам, барча мамлакатлардаги мунажжимларни ҳайратда қолдирганди.

Насриддин Эвклид ва Архимед, Менелай ва Птолемей, Гепсикл ва Автоликларнинг асарларини таржима қилди. Унинг «Эвклиднинг баёни» деган асари келажакдаги кўпгина олимлар бўғинига ёрдам қилди. Унинг сонлар, юлдузлар, бурчаклар, тошлар ва касалликларни даволаш ҳақидаги асарлари, Мароғийдаги мунажжимхонанинг сокин хужраларида иш олиб борган эмакдошларининг асарлари каби узоқ умр кўрдилар.

Хатута Мароғийга келганида шаҳардаги бинолар орасида мунажжимхонанинг ярим хароба қуббаларини кўрди, тик ва кўркам миноралар, ҳаммом ва масжид гумбазлари қад кўтариб турар, бозор чорраҳаларида-

ги гумбазларнинг қаппайиб турганини кўрди. У тўхталиб: «Булардан қайси бири мунажжимхона гумбази бўлди экан?» деб сўради ўз-ўзидан ва ўзининг ганжалик пирининг махфий айтган сўзларини такрорлади: «Мабодо ўша тарафларга бориб қолсанг, шуни хотирда тут, мунажжимхона гумбазидан Ализода деган кекса мискардан суриштир. Сен унга, шу ернинг хўжасиман, дегин. У киши «мис» деган сўз билан жавоб қилади. Сен ҳам у кишига “мис” деб айт. Маъқулми? Агар ишинг бўлса у киши бизнинг одамларимиз билан учрашадиган йўлни кўрсатиб қўяди...» Мароғий, Табриз, Султония – ҳамма жойда уларнинг одамлари бор; аммо Хатута уларни бегона кишиларга айтгандан кўра ўлгани афзалроқ.

Мароғий қароргоҳга яқин бўлгани учун Хатута бу ерга келди. Темур Кўрагоний, соҳибқирон ўзининг арзимас асирига шу қароргоҳда мурувват кўрсатиб, унга озодлик тўхфа қилган эди.

Шаҳарнинг тор кўчаларида пастак уйлар орасида, ҳар жойда дўппайиб тепаликлар ётар, уларнинг устини хашак ўтлар босиб кетган. Кесак деворларнинг нураган ерларидан йўнилган тошлар кўзга ташланади. Бу ерга қўни-қўшнилар ахлат-кул, суяк ва латта-путта олиб чиқиб тўкадилар, ўзи ўтиб келган боғ кўчаларга қараганда бу кўчалар Хатутага анча тинчдек туюлди. У ерда эркин шабадада дарахтлар шовуллар, ариқлардаги сувлар шилдирар, бу ерда уйлар эса сукут ичида, ранги ўчган латталарга ўранган ёки эски чопон кийган йўловчилар нафасларини ичларига ютиб ўтиб борардилар.

Бозор ҳам жимжит эди: деҳқонлар савдо-сотиқларини тугатиб жўнаб кетишган, савдогарлар эса қоп соябонлар остидаги пастак дўкончаларда харидордан умидлари бўлмаса ҳам, савдо-сотиққа кўзлари очлигидан ҳали кетмай ўтиришарди.

Қора ридо кийган новча бир араб унта туяни кимсасиз бозор майдонидан етаклаб ўтиб кетди. Туялар ҳам худди муаллақ туман сингари товушсиз қадам ташлаб борарди.

Хатута, араб саройга бориб туяларига юк ортса керак деб тусмоллаб, унинг орқасидан йўл олди.

Кеч кирди. Ғарб томонда, Урмия қули устида жигарранг булут осилиб турар, қуёш эса қизғиш тусга кириб ботиб борарди.

Қўринишидан кўп йиллар муқаддам катта тошлардан ясалган саройда, эшиги очиқ хужралардан бирида, озғин араблар тор давра қуришиб сукут ичида кечки овқат еб ўтиришарди. Туяларини эса сарой қўрасининг бир томонини энлаб ётган юклар олдига обориб қўйган эдилар.

Тиззалари қўришиб турган, калта чопон кийган нимжон бир чол, ингичка оёқларига кийиб олган катта кавушини саройнинг юмалоқ тош ётқизилган саҳнида судраб, Хатутани узоқдаги бир хужрага бошлади. Мусофирлар учун ажратилган бу хужрада аллақандай увада кўрпа-тўшак бор эди.

Хатута сарой қўрасининг саҳнидан ўтиб борар экан, саройда турувчи кишилар уни томоша қилиб орқасидан кузатиб қолдилар, чунки унинг устидаги ярақлаган чопон қоронғи кечада машъал ёруғидек ҳаммининг диққатини ўзига тортган эди.

Хатутанинг изидан саройга Темурнинг жангчилари ҳам кириб келдилар. Товуши дўриллаган ўнбоши бошлиқ унта жангчи бутун қўрани бошларига кўтариб бақириб, отбоқарга дағдаға қиларди. Улар узун арқонга боғланган сариқ қўйни етаклаб опкириб, тездан сўйиб, кечки овқатга унадилар.

Улар шанғиллашиб гаплашар ва уятчан бир шерикларини майна қилишарди. Унга, ўтган йили ёзда қу-

лоғингни ютқизиб қўйиб, шунча вақтдан бери қайтариб ютиб ололмайсан, деб таъна қилардилар.

У эса фақат қўл силтаб, эътироз билдирарди:

– Ҳали ҳаққим бор, ютиб оламан. Ютиб оламан! Қулоқсиз, дунё татийдими менга. Қулоғимни албатта оламан.

Шуни деб у, одати бўйича, кафти билан доим қулоғининг ўрнини босарди.

Уйқуга ётиш олдидан Хатута айш-ишратга берилган бу жангчилар ёнидан ўтганида улардан ҳеч бири ярқироқ чопон кийган бу кишига қайрилиб ҳам боқмади.

Ҳаётида биринчи марта эркин ва танҳо қолган бу кечада Хатута яхши ором олмоқчи бўлди. У хужранинг ичига кириб эшигини маҳкам беркитмоқчи бўлган эди, лекин ликиллаб қолган эшик яхши беркилмади. Эшикни қаттиқ итарган эди, ёндори майдаланиб тушди.

Хатута чопонини яхшилаб тахлаб бошининг остига қўйиб уйқуга ётган бўлса-да, уйғониб кетарди. Назарида, кимдир беркитилмаган эшикни очаётгандай бўлар эди. Сўнгра яна хотиржам бўлиб, ухлаб кетарди.

Эрталаб туриб бозор айлангани чиқди. Бу ер илгари олағовур эди. Эрондан йироқ Ҳалабга, Ўрта денгизга, Каспий денгизидан Ироққа, Месопотамияга, Хуросондан Византияга йўллар шу ердан ўтарди. Тошдан ва ғишдан қурилган карвонсаройлар, ҳаммомлар орасида тор дўкончалар тиқилишиб ётар эди. Энди эса савдо-сотик ишлари сусайиб кетипти. Самарқандлик савдогарлар бошқа йўлдан юрадиган бўлибдилар. Озарбайжон моллари Хуросон орқали Мовароуннаҳр бозорларига жўнатиладди. Мароғий катта йўлдан четда қолиб кетибди. Савдогарлар ҳам эндиги тартиб-қоидадан чўчиб қолган эдилар.

Темур Самарқанд шаҳридаги савдо-сотик учун фойдали бўлган кишиларнигина муҳофаза қилиб, рағбатлантирар эди.

Хатута бозор кучаларида уйиб ясалган ним қоронғи чуқурларда ишловчи ҳунармандларга назар ташлаб ўтиб борар экан, ҳунармандлик ишлари ҳам сиқилиб қолганлигини пайқади: ҳамма нарса ерли аҳоли эҳтиёжи учун ишлаб чиқариларди. Ерли аҳолининг эса нозик ишланган буюмлар билан иши бўлмай қолган, фақат кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмларнигина сотиб олар эди, Хатута бундай бозорларни Ганжада ҳам, Шамохийда ҳам хўп кўрган эди. Аммо Шамохийда Иброҳимшоҳ Темурнинг бож-хирож йиғувчиларини турли йўллар билан авраб, савдогарларни ва бир талай ҳунармандларни хонавайрон бўлишдан сақлаб қолган эди. Аммо бу ерда оддий фуқаро ўртасидаги қашшоқлик, бутун расталарни тўлдирган яланғоч, майиб ва мажруҳ, қорни шишган болаларнинг куплиги кишини ҳайратга соларди. Савдогарларнинг кўриниши ҳам ачинарли эди.

Бу ерда Темурнинг яхши от минган жангчи ва аъёнлари учрарди. Пиёда юрган жангчилар ҳам учрарди. Қароргоҳдан ҳамда Мовароуннаҳрдан келган савдогарлар ҳам тентираб юрарди. Ерли халқ орасида ҳар бир устахонага, ҳар бир одамга заҳарханда, синчков назар ташлаб юрган аллақандай корчалон ўткинчилар ҳам изғиб юрар эди. Буларнинг ҳаммасида бундай безоридан, унинг фақирлигидан кулиш қадимий Мароғий аҳолисини менсимаслик аломати сезилиб турарди.

Хатута мискарлик растасидан бир неча бор ўтди ва болға остида даранг-дурунг қилаётган мис асбобларнинг садоси қулоғини қоматга келтирди.

Растанинг охирида, бозор чорраҳасига яқин расталарнинг туташган жойи устида мунажжимхонанинг гумбази қад кўтариб турарди. Хатута шу жойда бир оз тўхталиб йўловчиларни томоша қилгач, сўнгра гоҳ у, гоҳ бу дўконча олдида бир оз туриб, кекса Ализода-нинг дўкони қайси, деб суриштирди.

Ниҳоят у, Ализоданинг дукончаси олдига келиб тўхталди. У бошига кўк салла ўраб олиб мис лаганчанинг қирғоғига секин гул солмоқда эди. Чолнинг каттакон қорача бурни, каптарнинг қанотидек оқ мўйловлари калта соқоли устида олдинга чиқиб осилиб қолгандек эди.

– Уста Ализода сиз бўласизми?

– Салом, салом, ўғлим. Ҳа, бирор нарса харид қилмоқчимисиз?

– Бу ернинг хўжасига мис даркор бўлиб қолди.

– Ўзимиз ҳам мис оламыз, ундан қилич ясаймыз.

– Мис қилич мўрт бўлади, бизга қаттиқроғи керак.

– Сиз ўзингиз қаердансиз?

Хатута чолнинг зийрак кўзларига тик боқиб туриб:

– Қароргоҳдан, – деди.

– Қочдингизми?

– Қўйиб юбордилар.

– Ўзингиз қаерлик бўласиз?

– Ганжаликман. Тоғдан ушлаб олдилар. Бир оз ушлаб туриб, кейин қўйиб юбордилар.

– Қўйиб юбордилар? Уларнинг бунақа одати йўқ эди-ку. Суякларни синдирмасдан, томирларни чўзмасдан қўйиб юбордиларми?

Хатута ўзининг тоғда қандай қўлга тушганини сўзлаб берди. Чол унинг гапини бўлиб:

– Бу ерда узоқ турманг! Чақани олиб, бошқа сафар келинг. Мана бу косага бир назар ташлаб йўлингизга равона бўлинг. Нима қилишингиз кераклигини бошқа сафар айтаман.

Хатутанинг коса ичида майда чақа солинган бўз халтачага кўзи тушди-да, чопонининг олдини очиб, пулни белига қистириб қўйди. Чол хаёлга чумиб, чопонни мақтаб кетди.

Хатута:

– Оқсоқнинг марҳамати, – деб керилиб қўйди.

– Сабаб?..

– Мени худди меҳмондек қўйиб юбордилар. Бу чопон устимда экан, улардан ҳеч қайси бири менга ёмон кўз билан қарамайди.

– Ҳеч нарса тушунмайман... ҳеч нарса...

Хатуга жунаб кетди. Чол эса одми кийим-бошлар ичида ярқираган Самарқанд чопонига қараб қолиб, ишлаб турган болғасини ҳам унутиб, бош чайқади:

– Ҳеч бир... ҳеч бир... Сабаб?

Хатута бозорнинг хилват кучаларидан бирига бурилганида, яқин орада мудраб ўтирган иккита чулоқ ўрнидан туриб ўтириб, оқсоқланганича Хатута кириб кетган кучага қараб ташланди.

Чўчиб-титраб кетган чол мискарлик устахонасининг қоронғи оғзида ялтираб турган мис кўзачани чангаллаб олиб, эшик тепасидаги михга осиб қўйди.

Орадан кўп вақт ўтмай чолга қарама-қарши бурчакда ишлайдиган жулдур кийимли, қоп-қора мискар чол келиб, томоғини қашлади-да, михда чайқалиб турган кўзачага қараб туриб:

– Қанча сўрайсиз? – деб сўради.

– Қиммат! – деб жавоб қилди чол. – Бир одам Оқсоқдан қочган экан. Мен ўшанга ёрдам қилдим. Қарасам, унинг изини пойлашяпти. Башарти, қочиб кета олмасам, билган кишингга айтиб қўй.

– Мен ҳам кўрдим. Алвон чопон-а?

– Ҳа. Алвон чопон изидан тушганларини у билмаса керак. Уни огоҳ қилинглар. Мен эса кетишим керак. Лекин қандай қилиб? Дўконни беркитсам, улар дарҳол пайқаб қолишади. Шундай кетсам, бирортаси келиб мени кутиб қолади ва қўлга тушади.

– Гуё бир айланиб келмоқчи бўлгандай дўконни очиқ қолдириб кетаверинг.

Қандайдир бир йўловчи секин келар, лекин дўконлардаги молларга қарамасди. Ализода чайқалиб турган кўзачага қўли билан ишора қилиб:

– Сиз уни олманг. Сиз бопи анавиниси, яхшиси, ўшани... – деди.

Қоп-қора мискар кўзачани олиб, қорнига чертиб кўрди. Кўзача жарангламади. Ализода ғунғирлаб деди:

– Усти мис чақа, ости кумуш. Кимга беришингизни ўзингиз биласиз.

Кўзачани олган харидор тезда уз жойига кета қолмади. Гуё айлангани чиққан одамдек, кўзачани қўлтиғи остига қистириб, яна икки-уч устанинг олдида тўхтади.

У дўкони томон қайтиши билан чол дўкони тепасига осилган кўзача яна чайқалди, лекин энди дўкончанинг ичи бўш эди.

Мунажжимхона гумбази олдидаги қоронғиликда икки киши Ализодани тўхтатганини қора мискар кўриб қолди.

Шу он уларнинг олдига шаҳар соқчилари етиб келди. Кейин бозорда дайдиб юрган қаланғи-қасанғилар уларни тўсиб ўраб олди. Уткинчилардан:

– У ерда нима гап ўзи? – деб сўради мискар.

– Ализодани қандайдир бир харидор ушлаб олибди: «Мен сендан мол олганимда мени ҳисобда алдабсан» дермиш. Соқчилар ҳаммасини олиб кетибди. Маҳкамасида текширармиш.

– Алдабди?! Балки алдагандир. Катта бозорда ҳар нарса бўлиши мумкин.

Йўловчи кетганидан кейин, қора мискар, орқасидан пойлаб келаётган одам йўқлигини фаҳмлаб, оғир кўзачани девор тагида турган уз моллари билан тўсиб кўйди-да, ўзидан ўзи сўзланиб:

– Э тангрим, банданг Ализодага тарахҳум қил, у ерда ҳам уларни алдасин, – дерди.

Хатута юпқа нон сотиб олди-да, уни юмалоқлаб буклаб, қаердан пиёздоғ ҳиди келаркин деб аланглади. У кўпдан бери ҳеч нарса емаганидан, қорни ўлгудек оч

эди. Шу вақт кўзи тошдан қурилган ғорга ўхшаш қоронғи ва пастак ошхонага тушиб қолди. Унинг ичига кириб, тахта ёнига утирди. Олдига бир коса шўрва келтириб қўйдилар. Хатута бир бурда нон билан коса ичини кавлаб, бир парча гўшт ва нўхати борлигини кўрди. Сўнгра нонини ичига тўғраб, то шўрва совигунча кутиб турди.

Шу вақт ошхонага салласини пала-партиш ўраган, кўкраги попукли, одми кўм-кўк чопон кийган, қўлтиғига китоб қистирган ўрта ёшлардаги бир қулвачча кириб келди. У ҳар вақтдагидек ошпаз билан саломлашди, ошпаз муллаваччанинг олдига аввал нон келтириб қўйди. Хатута унга жой бериш учун «эшакча» устидан сал нари сурилди.

Ошпаз фартуги билан юзидаги терини артаркан, муллаваччага деди:

– Шаҳримиз қароргоҳ бўлиб қолганидан бери бозорда қўй топилмай қолди. Семизроқ қўй сотиб олмоқ учун эрта саҳарлаб йўл тўсганимиз тўсган. Бозордан ҳеч яхши қўй топиб бўлмайди.

– Қўяверинг, ҳечқиси йўқ, – деб жавоб қилди муллавачча. – Ҳаммасини еб кетишмас. Чўпонларнинг боши омон бўлса, қўйлар қўзилайверади.

– Мен ҳам шундай деб уйлайман. Шундай бўлса-да, ҳозирча оғир-да.

Муллавачча индамай қолди. Бу вақт ошхонага бошқа хўранда кирмади. Гап тўхтаб қолмаслиги учун ошпаз муллаваччадан:

– Китоб ҳам ўқир экансиз-да? – деб сўради.

– Ҳа. Шу ерда ёзилган китоб. Насриддин деган киши ёзган.

– Эшитганим бор. Ҳамшаҳаримиз! Катта олим. Эшитмай-чи?

– Дарҳақиқат, Насриддин буюк одам. Абдужаббор Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Тусий шу киши. Бу китоб «Эл-

хон жадвали», арабча қилиб айтилганда, «Зиччи Эл-хоний» демакдир. Зур одам! Барча олимларимизнинг бошини бир ерга қовуштириб тўплаган! Теварак-атрофда халқ қирилиб турган бир пайтда олимларни нон билан таъминлаган. Ҳамма олимлар биргаликда ишлашсин, деб уларга жой ҳам ажратиб берган. Бизнинг илм-фанимизни муҳофазат қилиб қолган, зулмат ичра шамчироғимизни...

Шу вақт икки чўлоқ остона устида туриб ошпаздан хўрак сўради ва нонни тақсимлаш учун остона устига ўтиришди. Чўлоқлардан бирининг ўтираётиб, на ҳас-сага ва на деворга суянмагани муллаваччани ҳайратда қолдирди.

Хатута муллаваччадан:

– Ўша олим ҳали ҳам борми? – деб сўради.

– У киши бундан юз эллик йил бурун ўтганлар! – деб жавоб қилди у истар-истамас, кейин ошпазга бош ирғаб: – Бутун бозорда сиздек пазанда йўқ, – деб қўйди.

Хатута нордон оличанинг данагини туфлаб ташлаб:

– Жуда хушхўр таом, – деб қўшиб қўйди.

Лекин гапнинг нега бошқа ёққа бурилиб кетганини у фаҳмлай олмай қолди. У бу муллаваччадан шу ёрлик буюк олим ҳақида яна кўп нарсалар эшитгиси келар эди.

– Хуш, ўша мунажжимга нима бўлди? – сўради у муллаваччадан.

– Ҳеч нима. Ошпаз, манави китобни ким ёзган, деб сўради. Мен унга айтдим. Бошқа ҳеч нарса деганим йўқ.

Ошпаз ҳам муллаваччага ҳайратомуз қараб қўйди, лекин муллавачча овқат еяётганидан унга халал бериш унғайсиз эди.

Чўлоқлардан бири бирдан хирқираган овоз билан:

– Ошпазнинг китобга нима дахли бор? – деди. – Ошпазнинг иши чап қўли билан қўйни ушлаб, унг қўли билан қовурма пишириш. Унга китобнинг нима кера-

ги бор? Китобдан на кабоб қилиб бўлади, на шурва, нон билан қушиб ейиш учун бизга бир бош саримсоқ пиёздан чўз.

– Кимнинг таъби саримсоқ пиёз, кимники китоб хоҳлайди! – деди ошпаз унга жавобан. – Халқда фақат қорин эмас, калла ҳам бор.

– Бош ҳам бир хилда бўлмайди. Бир учоқда овқат пишса, иккинчисида шамол гириллайди.

Ошпаз бу гапдан ранжиб:

– Биринчи учоқ ғолибларимизнинг қорнига ўхшаса, иккинчиси эса халқнинг қорнига ўхшайди, – деди.

Муллавачча овқат устига яна баттар энгашиб олди. Хатута эса кўп йиллардан бери энди биринчи марта бу ўткир қочириқдан маза қилиб кулди.

Муллавачча бошини орқага ташлаб шўрвани тагигача ичди-да, пулини тўлагандан кейин нонининг қолганини тахта устида қолдириб чиқиб кетди.

Хатута чўлоқларнинг ўртасидан, қўлтиқтаёқ устидан ҳатлаб ўтиб ошхонадан чиққанида чўлоқлар ҳамон остонада ўтиришарди.

Муллавачча мискарлик растасидан ўтаётиб қора мислар олдида тўхтади-да, мис қаламдонга қалайлаб ёпиштирилган сиёҳдонга харидор бўлди. Бу қаламдонни олиб юриш осон, белбоққа қистириб кетавериш мумкин.

Муллавачча уни қўлига олиб у ёқ бу ёғини кўрар экан:

– Чўтир Райим ошпазнинг дўконида иккита чўлоқ ўтирибди, – деди. – Мен уларни бу ерда сира учратганим йўқ, келгиндига ўхшайди. Оёқлари бутун бўлсаям, қўлтиқтаёқ таяниб юришибди.

– У ерда яна ким овқатланди?

– Яна бир нотаниш, бегона киши. Савдогарми дейман, қимматбаҳо алвон чопон кийган. Биз томонда бунақа чопонни топиб бўлмайди.

– Алвон чопон? Яхши тикилган. Ишқилиб, устидан тушиб қолмасин-да! Бу қаламдон сизга бўлмайди. Қимматлик қилади, мулла йигит.

Муллавачча уни эгасига қайтариб бериб, шошиб-пишиб кетди. Аммо гоҳ у, гоҳ бу дўкон олдида тўхталиб, растада ўз орқасидан келаётган битта-яримтага қараб кўяр эди.

Бутун мискарлик растаси бўйлаб болғаларнинг мискарни бир маромда даранглатгани сира тинмасди.

Мунажжимхона гумбазидан ялангликка чиқадиган кўчадаги бир вақтлар Насриддин Тусий қурдирган минора вайрон бўла бошлаган эди. Итлар кириб бозор ахлатларини титкилаётган хароба ичида икки чўлоқ кўзлари уйнаб турган соқчи йигитга бир нималар дейишарди. У эса ўзини, ҳарчанд уриниб белбоғини боғлаб ололмаётган кишига солиб турарди.

* * *

Эрталаб барвақт Хатута сув олмоқ учун саройнинг кекса дарвозабони олдига келди. Жун чакмонини кийиб олган дарвозабон чол, кўзада олдига тоза сув кўйиб, сарой қўрасининг супуриб-сидирилган бир бурчагида ўтирар эди.

Хатута кўза устига энгашиши билан чол гапга кириб:

– Сизга бир махфий гапим бор, – деб қолди. – Аччиқланмасдан қулоқ солинг.

– Нега аччиқланай? – деди Хатута сергакланиб.

– Ана шу чопон ҳақида...

Аммо шу маҳал саройга тушган бошқа бир мусофир сув олгани келиб қолган эди, дарвозабон Хатутага эътироз билдиргандай қўл силтаб:

– Кейин! Кейин... Кейин ҳисоблашамиз, – деди.

Хавотирга тушган Хатута сувни обориб ювиниб, кийиниб кўзани қайтиб олиб келгач, чол яқин ўртада уйғоқ ётган жангчиларга бир аланглаб қараб олиб, шошиб-пишиб деди:

– Ажойиб, чопонингиз баайни олов-а! Нимага тегса ўт чиқаради, – деди.

Бир қулоғи йўқ жангчи бурилиб улар томонга қаради, чол эса лабларини чипиллатди:

– Бирам чиройликки!.. Бозорда йироқдан ҳаммага кўринади-я!..

Хатута саройдан чиқиб кетар экан, «ростдан ҳам чиройли чопон-да! Ҳатто шу эски супургигаям ёқипти-я!» – деб ўйлади.

У бозор майдони ўртасидан кетди, бу ерда деҳқонлар саватлардаги эртанги сабзавот, олхўри қоқи, шафтоли қоқи, олма қоқиларни жой-жойига қўйиб, ўралашиб турар эдилар. Булар жуда арзон моллар эди. Фақат бозор майдонининг тўрига ёйиб қўйилган гулдор гиламларгина эрталабки офтобда жимжима қиларди. Бу гиламларни тўқувчилар дағал иплардан эмас, балки ўз юртларини гуллатиш тўғрисида кўпдан бери кўнгилларига тугиб юрган орзуларидан тўқигандек эдилар.

Мунажжимхона гумбази остидаги лок ва бўёқ ҳидлари келиб турган зах қоронғиликда, тош супаларда савдогарлар олдиларига гулдор қутичалар, усти нақшдор қилиб ишланган пичоқ ва қинларни қўйиб ўтирар эдилар. Мўйнадузлар телпак ва қалпоқларни узун ёғочлар учига илиб, қозикларга осардилар, бозорда савдо-сотик ишлари ҳали бошлангани йўқ эди.

Мўйлови шопдек забардаст бозор қоровули ўзига яраша кибр-ҳаво билан теварак-атрофга аланглаб, айланиб юрар эди. У бели бурма калта камзул, кенг тўқ кўкиш чолвар кийиб, почасини сахтиён кавуши устига тушириб олган эди.

Хатута уни ёнлаб ўтиб, мискарлик растасидан чиқди.

Ализоданинг дўкони ҳувиллаб ётар эди, у гарчи очик бўлса-да, унинг тахталарида на кўзачалар ва на бошқа моллар кўринарди.

Агар мискар чол бозорнинг очилишига кечикиб қолса, дукони олдига парда тўсиб қўйиларди, буюмлар эса ўз эгаларини тахталар устида интизор бўлиб кутиб турар эди. Дуконларида ишлаган мискарлар тайёрлаган молларни кечаси уйга олиб кетмас, гоҳо иссиқ кечалари эса ўзлари ҳам устахонада, тайёр буюмлар ёнида тунаб қолар эди.

Хайрон бўлиб туриб қолган Хатута, Ализода келиб қолмасмикан, деб раста бўйлаб кўз югуртирарди.

Аммо Ализодадан дарак йўқ эди. Нонушта вақти бўлган эди, Хатута вақт-вақти билан дегрезчи дуконидан кўз узмай новвойхонага йўл олди; бу ерда қалин пештахта устида иссиққина юпқа нонлар ётарди.

Хатута худди кечагидек нонни юмалоқлаб буклаб ошхонага қараб жўнади. Ошхона ҳам ҳувиллаб ётар эди. Учоқларга ўт ҳам қаланмаган. Сопол кўза ва хурмачалар учоқ олдида юмалаб ётар эди.

Хатута бўсаға устида туриб, ошхона ичига назар ташлади. Нима ҳодиса бўлганлигини тушуна олмади. Ҳозир бозор одам билан гавжум бўлган бир маҳалда бу ерда ҳеч кимса йўқлигига хайрон бўлди.

Хатута кучани кесиб ўтиб бошқа ошхонага кириб, чопонини ғижимламаслик учун авайлаб утирди.

Унга қозондан эрталабга пиширилган аччиққина калла шўрвадан қўйиб келтиргунларича, теваарак-атрофга кўз югуртириб чиқди: ошхона ичи яхшилаб сувалган, деворлари оппоқ, тоза ва безаксиз, ерга ялтираган, силлиқ қалин «эшак» қўйилган, у жойда оппоқ қўйлак-лозим кийган икки ошпаз ва ким олдин ейишга ўйнагандек индамасдан шошиб-пишиб овқат еб утирган икки савдогардан бошқа ҳеч кимса йўқ эди.

Очиқ эшикдан бозор майдонининг бир чеккаси кўриниб турарди. У ерда чанг босган туялар устидан қандайдир сандиқларни туширмақда эдилар.

Овқат келтирган ошпазнинг кўзи Хатутанинг кузига тушиб қолгач:

– Самарқандлик савдогарлар мол келтирибдилар, – деди. – Энди молни фақат ўшалардан топиш мумкин. Нима келтирганликларини тезда билиб қолармиз.

– Бундай сандиқларда нима булиши мумкин?

– Ҳар нарса. Уларда ҳар нарса топилади. Бизнинг савдогарларимиз фақат ўшалардан мол харид қилишади.

Ошпазнинг бу гапини эшитиб қолган савдогарлардан бири овқатини бир четга қўйиб, эшик томонга қаради, чунки карвон уларга кўринмаётган эди.

Иккинчи савдогар ҳам овқатини чала ташлаб, шигоб билан эшикдан чиқиб кетди ва иккови ҳам қайтмади.

Ўзи ёлғиз қолган Хатута:

– Рўпарадаги ошхонанинг эгаси қаерда? – деб сўради.

– Раимми? Уни кеча соқчилар олиб кетди. У кимгадир бир нималар деганмиш. Лекин ўзи унчалик эси наст вайсайдиган одам эмасди. Бу тўғрида ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди, олиб кетишди, вассалом...

Дом-дараксиз йўқолган Раимни ўйлаб ўтириб, Хатута овқатини ичаверди.

Овқат тамом бўлгач, Хатута бошини кутариб бехосдан чўчиб тушди: нарироқда худди ер остидан чиққандек пайдо бўлган бир одам утирарди. Фақирона кийинган бу ўрта ёшли киши савдогарга ҳам, жангчига ҳам, ер эгасига ҳам ўхшамасди, лайлон қилиб юрган бекорчи одамга ўхшарди.

Хатута яна идиш устига энгашиб, нон билан шўрва ичидан бир булак каллапоча олди.

Ҳалиги одам эса ошпазга ҳеч нарса демай ва ҳеч қаяққа қарамай индамай, бамайлихотир утирарди. Аммо Хатута ошпазлардан бири иккинчисини гирсаги би-

лан туртганини кўриб қолди. Улар бир-бирларига индашмай, ўчоқ олдида ғимирлашиб қолишди.

Бўшаган товоқни олиш учун келган ошпаз одат бўйича фақат:

– Яна ейдиларми? – деб сўради.

– Раҳмат, – деб қўйди Хатута ва шўрванинг нархини билмагани учун тахта устига бир неча чақа пул ташлади. Унинг ярмисинигина олган ошпаз:

– Кўп ташладингиз, гўштли нўхат шўрва шунча туради, бу калла шўрва-ку, – деди-да, Хатутани кўчагача кузатиб қўйди.

– Сен ундан кам олдинг. Бекорга боқяпсан дейман! – деди индамай ўтирган киши.

Бу гапдан ошпазнинг тиззалари қалтираб кетди. Аммо таъзим қилиб, ўзини оқлай бошлади:

– Нони ўзларидан. Биз ортиқча нарх қўйганимиз йўқ. Негаям қўяйлик, оғайни? Нархни оширсак ошхонамизга ҳеч ким кирмай қўяди.

– Эҳтиёт бўл! – деб қўйди у киши чиқиб кетаётиб.

Бир ошпаз иккинчисига деди:

– Худога шукур, эсон-омон қутулдик. Шундоғ ҳам хўрандалар камайиб кетяпти, тўлашга пуллари йўқ.

Оддий одам учун бу озмунча пулми? Иши юришган савдогарнинггина қурби етади. Халқ эса олма қоқи суви билан қаноатланади. У кишига овқатимиз арзон бўлиб кўринганга ўхшайди.

– Махфий равишда юборилган!

– Ҳозир улар ҳамма жойда изғиб юрипти!

Хатута Ализоданинг устахонасига қайтиб келди. Бу ерда ҳеч қандай ўзгариш йўқ, дўкончанинг ичи хувиллаб ётар эди.

Энди қандай яшамоқ, қаёққа бормоқ кераклигини ҳеч кимдан билиб бўлмас эди: бу саволларга фақат Ализодадангина жавоб олиш мумкин эди.

Хатута кейин кун буйи бозорда ерли савдогарларнинг арзон молларини томоша қилиб юрди. Самарқанд ва Ҳиротдан келган савдогарларнинг гиламлар устида ўтириб олиб, молларига жуда баланд нарх қўйганликларини кўрди. Уларда қадимги, тинчлик вақтлардаги ҳар хил моллардан топилар эди. Бу моллар тўғрисида фақат қариялар эслаб сўзлаб беришарди. Теварак-атрофда эса мароғийлик олиб-сотарлар уймалашиб, нархни тушириш ва ерли савдогарларга четдан келтирилган моллардан пича пул ишлаб қолишга имкон бериш тўғрисида ялиниб-ёлворар эдилар. Аммо тумтайган, дамдўз келгинди савдогарлар келтирилган молларнинг нархини ким туширар экан, деб хавотир олиб, бир-бирларига қараб-қараб қўйишар эди.

Хатута шу зайлда кун буйи ҳеч тинмай расталарни айланиб юрди. Кечга борибгина мунажжимхона гумбазига қайтиб, мискарлик растасига чиқди.

Ализоданинг дукончаси олдида ичига турли мис буюмлар солинган иккита оғир саватни кўтариб бир эшак турарди.

Хатутага жон кириб: “Чол қайтибди-да!” деб ўйлади.

Чол ёруққа орқа қилиб, устахонада катта-кичик турли кўзачаларни, качкил, мис лаган ва ликобчаларни тахта устига термоқда эди.

Хатута одоб сақлаб, ўзи қараб қолар деган ниятда уни чақирмай кутиб турди.

Аммо унга қора папоқ кийган, қирғийбурун узун оқ мўйлов, юмалоқ кулранг кўзлари ғамгин боқувчи бошқа бир чол угирилиб қаради.

Хатута чол билан салом-алик қилмасдан, энди нима қилишини билмай, карвонсаройга қайтди, Бутун кечаси билан ёлғиз ўтириб, пирининг узоқ Ганжада айтган сўзларини ҳадеб такрорлайверди. «Урмия томонга бориш тўғри келиб қолса, Мароғий шаҳрига кириб

ут. У ерда мунажжимхона гумбази борлигини унутма. Мискарлик растаси. Уста Ализода, мўйсафид доим уша ерда».

– Мана сенга доим!

Қоқ ярим кечада саройга аллақандай янги кишилар келди. Хатута, отларни орқа кўрага олиб ўтганларини ва кимнингдир отбоқарга бу отларни яхши асрашни буюргангани эшитди. Бу товуш танишдек ва нимаси биландир ёқимлидек туюлди, аммо Хатута бу товуш кимники эканлигини эслай олмади. У хужра эшигини беркитиб ётди, бу шаҳардан энди қаёққа боришини билмасди.

Тонготар маҳалда эшикнинг ғижирлашидан уйғониб кетди. Хатута ўрнидан сал кўтарилиб қоронғи хужра ичидан ёришиб келаётган кўранинг бир чеккасини кўра олди, аммо эшик яна ёпилди. Кимнингдир оғир кавушини тўқиллатиб хужрадан йироқлашгани эшитилди.

Уша куни эрталаб сувли кўза олдида ҳеч кимса кўринмади. Хатута кийиниб, дарвоза олдида турган кекса дарвозабонни учратди. У яланғоч қоқ суяк оёғида зўрға босиб турар ва оғир-оғир нафас олар эди, касал бўлиб қолган бўлса керак. Чол Хатутага дарвозани очиб берар экан, йўтала-йўтала, нафаси қисиб деди:

– Ўғлим, мен сизнинг олдингизга бормоқчи эдим, лекин халал бериб қолишди. Мен сизни эҳтиёт қилиб қўймоқчиман. Чопонингиздан бир оз ҳадик олсангиз булар эди.

Лекин шу он бегона киши келганини пайқаб:

– Майли, бораверинг, ўғлим, айланиб келинг. Нақадар таниғлик чопон-а! – деб қўйди.

Хатута ҳудди кечагидек нима қилишини била олмай растама-раста анчагача тентираб юрди, ҳеч нарса харид қилмаса-да, лекин баъзи бир майда-чуйда нарсаларга харидор ҳам бўлиб қўйди. Ўз моллари учун ун-

дан катта ҳақ сўраган савдогарлар ҳам бу ўткинчига ҳеч нарса даркор эмаслигини кўпни кўрган ўткир кўзлари билан кўриб, пайқаб турардилар.

Аммо Хатутани шубҳалар ташвишлантириб қўйди:

– Чол ҳадеб нима дейди-я? «Чопон, чопон» дегани-деган. Бу хоннинг инъоми-ку. Дахлсиз нарса... Йўл-пулда ушламасликлари учун савдогарларга олтин тахтакач бериб қўядилар. Менга эса чопон бердилар. Мен бу чопонни кийиб истаган еримга бора оламан. Дарвозабон: «Бу чопон нимага тегиб кетса олов чиқаради» дейди. Қандай ёнғин? Чол яна «таниғлик» дейди. Нимаси таниғлик?

Хатута шуларни ўйлар экан, яна мискарлик растаси устидан чиқиб, дўконнинг янги эгасидан Ализодани сўрамоқчи бўлди.

Аммо дўкон олдида елкадор ва абжир жангчи бир баркашни қўлида айлантририб, у ёқ бу ёғини кўриб турар, гоҳо дўкон эгаси билан ҳазил-мутойиба қиларди.

Хатута Темурнинг жангчиларидан ҳадиксирамай қўйди; инъом қилинган чопоннинг дахлсизлигига ишонч бу йигитда илгари ўзига ёт бўлган беғамликни туғдира бошлади. Ҳолбуки, илгари дўстлари кўпгина мушкул ишларни унга жуда ишониб топширар эдилар.

Хатута жангчи тезда кетса керак деб ўйлаб, дўконга қараб йўл олди. Аммо бирдан ҳайратда қолди. Ўткинчиларга туртилиб орқасига тисарилиб кетди: Хатута бу жангчининг Айёр эканини таниди.

– Сизга айтиш учун нақ Самарқанднинг ўзидан топширдилар... Гумбаздан кейинги учинчи устахона шуми ахир? Ҳисобдан адашмабманми? – сўради Айёр Ализодадан.

– Ҳа, учинчи... Сиз ўзингиз ким бўласиз? Самарқанддан тўғри менинг олдимга келдингизми?

– Менми?.. Ўткинчи бир жангчиман. Ўша ёқдан келдим. Бу ерга келишга қўлим тегмаган эди, энди

бу ердан у ёққа кетяпман. Кириб бирор нарса харид қилмоқчиман. Танлаб оламан. Биз томонда сизнинг ҳунарингизни жуда қадрлайдилар. Бизда ажойиб усталарингиз бор. Биттаси тайинлади: мискарлик растасида ўнгдан учинчи устахона... Мунтазир бўлиб кутамиз, ишонамиз, деди.

Чол Айёрга яқинроқ силжиди:

– Қандай, қандай? У, ишонаман деб айтдим и ёки ишонамиз деб?

– Ишонамиз, деб айтди.

– Бошқа сўзи нима эди? Кутадим, кутишадими?

– Кутишади, деб айтди.

Уста ўз суюнчини яшира олмади, чеҳраси ёришиб кетди. У ўзининг шалвираган узун мўйловини қаттиқ-қаттиқ буради, шу билан ўз суюнчини босмоқчи бўлди.

– Қариндошми дейман? – сўради Айёр мужмалроқ қилиб.

– Қариндошдан ҳам яқин.

Бу жавобдан Айёр, хато қилмадиммикан деб сергакланди. Темурнинг нон ҳақидаги шафқатли гапларидан сўнг чопар бировларнинг ишлари ва қайғуларига аралашмасликка қасам ичган эди. Энди кутилмаганда яна ғафлатда қолди... Қариндош-уруғлардан, марҳамат юзасидан, дуойи салом келтирса нима бўпти?.. Модомики бу одам у ёқдагиларга қариндош бўлмай, дўстигина экан, у билан галлашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор эди, уларнинг кўнглида нима гаплар борлигини ким билсин?

– Мана, сиз улардан хабар келтирдингиз, яхши киши. Башарти, уларни кўриб қолгудек бўлсангиз, биздан уларга биргина сўз айтиб қўйинг: «Бардаммиз!» Шунга айтиб қўйинг, азизим. Манави кўриб турган кўзача катта бўлмаса-да, лекин чиройли қилиб ишланган. Совға қилиб олиб бориш учун биздан қабул этсангиз.

Мабодо тўғри келиб қолса, етиб борганингиздан кейин уларга кўрсатинг; оғайниларингиз ишляпти денг. Сизларнинг ишингизни хотирдан чиқаргани йўқ денг. Уларга худди шундай денг: «Сизларнинг ишингизни хотирдан чиқаргани йўқ». Усталардан усталарга хабар олиб бориш Айёр учун олижаноб бир ишдек туюлди. Усталар бир-бирлари билан баст-жавоб, қўлни қўлга бериб ишлашган тақдирдагина ишлар яхши юришиб кетишини Айёр тушунар эди. Кўзача эса унга жуда маъқул бўлганди: ўзи кичкина, хуржунчага жойласа бўлади, аммо ишига ҳавас қиладиган.

– Агар яхши кишиларнинг кўнгли кўтариладиган бўлса, нега уларга икки-уч оғиз сўз олиб бормаслик керак? – Айёр мийиғида кулиб қўйди.

– Майли, айтинг, салом айтинг!.. Худо ёрлақагур!

Айёр кўзачани хуржунга солар экан, хайрлашаётиб бир нарсга эсига тушгандай сўради:

– Ализода исмли мискарни қаердан топсам бўлади?

– Нима хизматингиз бор эди?

– У кишигаям салом етказмоқчи эдим.

– Шунақа денг!.. Ализода менинг ўзим бўламан.

Айёр бу воқеага дарҳол тушуна олмади. Кўксаройдан озарбайжонлик бу ёққа салом йўлласа, қийшиқ соқол самарқандлик билан анави рус... Назар ҳам шу устага салом йўллабди. Самарқандда шунча одам танийдиган Ализода ўзи қанақа уста экан? Бунинг тагида нима гап бор экан? Бунга устанинг ўзисиз тушуниб бўлмайди.

– Самарқандлик киши... Аллақандай келгинди эмас, балки асл самарқандлик салом айтди ва молни пулла-япмиз деб айтишни тайинлашди. Яхши мол бўлишига ишончлари зўр. Уларда бунақа моллар учун харидор сероб. Фақат мол яхши бўлса бас. Менинг ўзим бўлсам сизнинг кўзангизга қараб туриб, улар сизларнинг

молларингизни бекорга кутмаётганликларини фаҳм-ладим. Ҳақиқатдаям яхши мол, тақсир!

– Шундай, яхши мол. Астойдил ясалган. Бутун куч-қувватимизни шу молни ясашга сарфлаганмиз! Уларга шундай деб қўйинг: дуойи саломлари учун минг раҳмат. Мол эса топилади, бор. Кўнгиллари тўқ бўлсин, кутишаверсин. Бўлади, мол бўлади!

Шундай қилиб, мен жойимдан қўзғалмай иккала ваъдамни ҳам бажардим.

– Мана, манавини ҳам олинг, хотира учун. Мис занжир. Жойни кам эгаллайди. От боғлашга ярар... Бу нақаси фақат бизда ясалади. Илон нусха!

Айёр занжирга ҳам қойил қолди, самарқандлик таниши билан кўришишга, озарбайжонлик усталардан тез кунларда яхши моллар етиб келади, деб айтишга ваъда берди.

Суҳбат чўзилиб кетди. Чопар бу ерда саёҳат қилиб юргани ҳам йўқ, савдо карвонлари билан ҳам бирга эмас, дунёдаги барча одамларга худди Бухоро ёки бўлмаса Ҳирот сингари шунчалик машҳур бўлган бу шаҳарчани фақат босиб ўтади.

У Қарши гиламидан тўқилган яхши хуржунчасини елкасига ташлаб, йўлига қараб кетди.

Шу он бирдан халойиқ орасида кўзлари шилпиқлашиб қизарган, чўчибми ёки суюнибми, ўзига тик боқиб турган Хатутани кўриб қолди.

– Сиз ҳали ҳам шу ердами? – ажабланди Айёр.

– Бўлмасам-чи?..

– Қочсангиз бўлур эди! Чопон ҳам ўзингизники... Бу билан қоча олмайсиз. Худонинг сабр-тоқатини тоқ қилмай, бошингиз омонлигида қочиб қолинг.

Айёр хуржунини елкасига ташлаб қайрилди-да, бу бир лаҳзалик учрашувни биронта пайқаб, пинҳона айтган гапларимни бирорта эшитиб қолмадимикан деб ташвишланиб атрофга аланглади.

Хавотирга тушган Хатута Айёрнинг кетидан бо-ришга журъат қила олмади. Яна бир оз туриб, қаш-шоқлар орасида ярқираган чопонини кўз-кўз қилиб, тез-тез юрганича мискарнинг дўкони олдига борди.

– Қаёққа кетганини айта олмайсизми?..

– Кет бу ердан, ўғлим. Сенга бу ерда мол йўқ. Ме-нинг молларим қиммат туради. Сенбоп эмас. Сарой дарвозабонидан кўза сўра. У сенга текинга беради. Ҳеч ёққа бурилмай тезда уша ёққа бор. Йўлда ҳеч ким билан сўзлаша кўрма.

Хатута энди ўзига келди. У душманлар орасида экан, Мароғийга сайр-томоша қилгани келмаган экан. Уни ҳадеб шоширяптилар. Балки янги бир иш учун-дир.

«Э гап бундоқ экан! Таниқли чопон! Мен эса ишо-нибман... ишонибман-а! Душмангаям ишониладими, ахир?»

У илгаригича шошилмай, расталарда айланиб юр-гани сингари салмоқланиб юраверди, аммо юраги эса худди парвоз қилмоқчи бўлиб қанот силкитувчи бур-гутдек талпинарди.

Саройнинг дарвозаси олдига етганда дарҳол дар-возабонга қайрилиб қарамасдан оёғидан тушиб қо-лаётган кавушини тўғрилаётгандек, унинг қулоғига шипшиди:

– Сизнинг олдингизга юборишди. Сизда менбоп кў-зача бор экан.

– Биладан. Бориб ёта туринг. Кейин узим чақираман.

Бир неча жангчи эгарлоғлик отларни айвон таги-дан кўра саҳнига олиб чиқди. Тезда айилларини тор-тиб текшириб кўриб, юклар боғланган қайишларни тортиб маҳкамладилар. Улар олдига бўшаб қолган хужра ичидан Айёр чиқиб келди.

Шу он бирдан Хатута Айёрнинг товушини эрталаб тонг маҳалида эшитганини эслади. Лекин ҳозир тес-

кари ўгирилиб уларнинг ёнидан ўтиб кетди-да, хужрага кириб ичидан беркитиб олди. У йўлга чиққан отларнинг дупур-дупурини эшитиб турди.

«Чопарнинг бошида нега чопарлик қалпоғи йўқ экан-а? Агар мен уни танимаганимда, подшоҳ чопарининг ўзи Мароғий шаҳридан ўтиб кетаётганини пайқамаган бўлур эдим...»

Хатутада икки тарафга ажралиб кетувчи икки ирмоқдек икки хил ҳис туғилди. Бири – чопарлар ўтовида кечирилган оғир кунларда ҳамсуҳбатига нисбатан туғилган яхши ва илиқ ҳис бўлса, иккинчиси – оқсоқ Темурнинг содиқ хизматкорига, камбағал мискарлардан турли буюмлар олиб улгурган чаққон чопарга нисбатан туғилган адоват ҳисси эди.

Хатута Айёрдан нима деб ўпкалаши устида ўйлашиб қолган эди. Аммо шу он Айёрнинг ачитиб-ачитиб тез-тез гапиргани, лекин ўзининг тақдири туғрисида хавотир олиб, бозорда огоҳлантириб қўйгани эсига тушди.

Айёрга бўлган муҳаббати икки ҳисса ошди. Энди уларнинг йўллари эҳтимол узоқ йилларгача, балки абадий ажралди. Улар Самарқанд сари, Хатута эса... Хатута-чи? Бу чопонида эса баайни бир бургутдек: бошида қалпоқ, оёғида занжир. Занжирнинг бир учи эса оқсоқ Темурнинг қўлида. Буни энди Хатута яхши тушуниб қолди.

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ ШИРВОН

Шамохийда шовуллаб ёмғир ёғмоқда. Қиялаб ёққан ёмғир дарахтлардан чангларни ювиб кетмоқда, бўтана сувлар ариқча бўлиб, кўпириб паст-баланд тор кўчалардан пастга қараб оқмоқда.

Бозорда одам асари қолмаган. Чакана савдогарлар ўз қути ва саватлари билан гумбаз остидаги тош супаларга, гумбазнинг тор йўлакларига ва масжид жиловхоналарига кириб тиқилишиб яшириниб олганлар.

Савдогарлар дўкончаларда чордана қуриб, дўконларининг раҳини ювиб кетаётган ёмғирга қараб ўтирадилар.

Бозор тимларининг баъзи жойидан чакка ўтиб кетди. Тимдан оқаётган сап-сарик сувлар панада яшириниб ўтирганларнинг юзларига уради. Чакка тагида шамохийликлар сўқинишар, қийқиришар, баъзилари кулишиб ўзларини четга олиб қочишади.

Халил Султон билан унга ҳамроҳ бўлган жангчиларнинг чопонларини бошларига ташлаб, сел остида букчайиб Шамохийга кириб кетаётганларини кўрганлар ҳам ўзини кўрмаганга солиб тураверди.

Аммо Ширвоншоҳ Иброҳим ўз минорасининг шинигдан эрталабдан бери Темур келадиган йўлга, унинг невараси кутилган томонга қараб турарди. Неварасининг бу томонларга келиши, Темурнинг бу ерга қадам ранжида қилмай бу йил Ширвон боғларида ором олишидан дарак берар эди.

Ширвоншоҳ шинак олдидан кетиб гиламга бориб ёнбошлади-да, қўлтиғи остига ёстиқ қўйиб, тасбеҳ ўгириб хаёлга чўмди: «Модомики Темур бу ёққа келмас экан, ўз йўлидан қолмай кетавериши керак эди. Унинг нияти нима экан? Арзанда неварасини нега бу ёққа юборди экан? Бу юқори мартабали меҳмон бизнинг бошимизга нималар келтирар экан?»

У шу билан эрталаб пастга, мирзолар ўтирган ва яқинлари турли юмушлар билан кириб чиққан хонага икки марта тушди.

Ширвоншоҳ қабулхонанинг ним қоронғи, яланғоч деворларини хуш кўрмас, ишини битириши билан яна тезликда юқорига чиқиб кетар эди.

Ширвоншоҳ ичкарига, хотинлар ёнига ҳам кириб чиқарди, таряк тутуни каби кишини маст-аласт қилувчи, нафис исларга тўла бу жойнинг илиқ бўйидан тўйиб-тўйиб нафас оларди.

Аммо ўша куни эрталаб бир жойда тиниб-тинчиб ўтира олмади. Фақат Мароғий йўлини кўрсатиб турган минорадан ўзига тинч жой топгандек бўлади. Бу ер бутун ўлкага тумтарақай бўлиб кетган ўз халқини кузатиб турадиган ягона қоровулхона эди. У Бокуда, Қиз қалъасидан мовий Каспийнинг қирғоққа урилиб қайтаётган тўлқинларини кўрганда ҳар сафар қандай ваҳимага тушган бўлса, ҳозир йироққа назар ташлаганда ҳам уни шу хилда ваҳима босарди.

Иссиққина бурчакда тасбеҳ ўгириб ўтирар экан, шаррос ёққан ёмғир товуши остида у Кубада тўқилган катта тўқ қизил гиламни томоша қилар эди. У ўз ватанининг бутун дунёга, Венеция саройларигача ва савдо-сотик шаҳри бўлган Генуягача, Брюгге ва Дельфтгача, қорли Москвага, Улуғ Новгород князининг оқ кошонасигача донғини кетказган ўз гиламини яхши кўрар эди. Чевар қўллар шундай оғир йилларда ҳам гавжум Ганжада, хилват Кубада, Ширвонда, Қозоҳ ва Қорабоғда гилам тўқир эдилар.

«Қорабоғда?.. – Ширвоншоҳ қовоғини уйиб олди. – Қорабоғда камбағал қизларга энди гилам тўқиш қаерда...»

Ширвоншоҳга, кичкина тоғли қишлоқда Темур жангчиларининг уйларига бостириб кириб, эндигина гиламини тўқиб бўлай деган бир қизга ҳужум қилганликларини сўзлаб бердилар. Қизнинг гиламни тўқиб тамом қилишига озгина қолган экан. Буруннинг қонидек катта қизил гилам тайёр бўлай деган экан Қизларни босиб олиб кетиш жангчиларга аввало ўз кайф-сафоси учун керак бўлса, иккинчидан, бозорга олиб бориб сотиш учун керак эди. Бозорларда эса бош-

қа ҳар қандай ўлжага қараганда қизларга ҳар доим галаб катта бўлар эди. Қизнинг қўлида катта бигизи бор экан, уни ўзига дафъатан дахл қилган жангчининг бўғзига тиқиб олипти. Буни кўрган иккинчи жангчи қизни чопиб ташлабди. Қиз шилқ этиб гилам устига тушибди. Шунда зўравонлар қон босган оғир гиламни кўтариб кетишга эринибдилар. Аммо бу ўлим фожиаси тоғ-тошларда яшириниб ётган барча аҳолига бир лаҳзада эшитилибди. Золимларга қарши халойиқ ҳамжиҳат бўлиб ҳамла қилибди. Шунда ҳеч ким халқ ғазабидан қочиб қутула олмабди.

Халойиқ қизни қонга беланган гиламга ўраб, шу қимматбаҳо кафан билан ўз тоғ-тоши орасига кўмибди.

Айтишларича, табаррук жой учун бирдан кўзи очилган шу тинч тоғ халқидан чакқон ва шафқатсиз қасоскорлар ҳозир ҳеч ерда топилмас эмиш.

Озарбайжон гиламлари... яшнаган далалар, боғроғлар, сурувлардан нусха олиб солинган нозик сернақш гиламлар. Ганжада гиламларга туя, қўй ва бошқа ҳайвонларнинг атрофига турли ўсимликларнинг суратини солиб тўқийдилар. Гарчи бу гиламларнинг гуллари катта-катта ва бўёқлари равшан бўлса-да, лекин тўқувчининг нима демоқчилигини фаҳмлаб олиш қийин. Ганжа гиламлари шундай тўқилганки, турли рангдаги катта-катта гуллари гўзалликда бир-бири билан рақобатлашиб, бир-бирига чирмашиб кетгандек. Қорабоғ гиламларида эса тоғ орқасидан чиқиб, чаманзорга тушиб қолган қуёш тангаларининг тасвири солинган. Табриз гиламлари нафис зарнусха бўлиб, унинг устида қизлар кўп йиллар қунт билан ишлайдилар.

Озарбайжон гиламлари... Улар туркман гиламларидек бир услубга қаттиқ риоя қилмайди, эрон гиламларидек мураккаб эмас, лекин майин, момикдек ва чиройли.

«Табриз гиламлари олтиндек... Табриз, Урмия ва Мароғий бу ўлканинг иссиқ жойлари, ёввойи кўчманчилар даштларидан келган ҳукмдорлар томонидан зўрлик билан тортиб олинган ерлар... Бу парча-парча қилиб ташланган ерларни яна бирлаштирадиган пайт келармикан-а?...»

Ширвоншоҳ Иброҳим яна ўрнидан туриб, узоқ Табриз йўлига кўз ташлай бошлади.

«Меҳмонни бу ерга алдаб олиб келиш керак. Уй эгаси учун меҳмоннинг ўй-фикрларини истаган томонга йўналтириш осон. Бу ердагина унинг ички сирларидан тезда воқиф бўлишимиз мумкин...»

Ниҳоят, Иброҳим уларни кўриб қолди. У ўткир кўз бўлмаса-да, бир томондан қиялаб ёғаётган ёмғир йироқ-йироқларни тўсиб қўйган эса-да, лекин келаётганларни у дарров пайқаб олди. Улар ёмғирдаям эгар устида енгил ўтириб келмоқда эдилар.

Халил Султон Қурдайбекнинг уйи ва унинг дарвозаси олдида ёмғирдан ивиб турган соқчилари уймаллашиб турган тепаликка чиққанда, азиз меҳмоннинг келиш шарафига эндигина кийиб чиққан ялтироқ чопонда одамлар орасини ёриб ўтиб келаётган Қурдайбекни кўриб қолди. Афтидан, Қурдайбек аскарбошига муносиб равишда қиличиниям тақиб олишга улгурмасдан, маккор Ширвонда ҳукмдорнинг кўз-қулоғи бўлган саркардага лойиқ либос билан эмас, балки савдогарвачадай тугмалариниям қадамасдан чиқиб келган эди. Бу ҳолатдан Халил ранжиди: «Шаҳар ташқарисига чиқиб мени қаршиласа ивиб қолмаган бўлур эди!»

Қурдайбек билан салом-алик қилиш учун Халил жўрттага дарвоза олдида отидан тушмасдан, уни отининг ўмгари билан бир четга итариб суриб ташлаб, сарой ичига кириб кетди. Унинг кетидан ҳамроҳлари ҳам эргашишди. Қурдайбек эса отдан тушаётганда

шаҳзодани қўлтиғидан олишга шошилиб, меҳмонларнинг отлари орасида тентираб чопиб юарди.

Катта япалоқ тошлар ётқизилган, ҳангиллаб ётган сарой ичи отларнинг кишнаши, кучукларнинг вовуллаши, хўжайинларнинг ҳайқириғи ва хизматкорларнинг «лаббай!»и билан тўлиб кетди. Тонг отиб қолган бўлишига қарамай қўлларига фонус кўтарган хизматкорлар у ёқдан бу ёққа шошиб қолдилар, сарой ичида шу соатда кириш керак бўлган кўпгина қоронғи бинолар: ертўлалар, қазноқлар, хужралар кўпгина эди.

Халилни қўлтиғидан ушлаб унинг келишига ҳамма нарса ҳозирланиб қўйилган равоққа олиб кирдилар.

Хизматкорлар унга янги либослар келтиргунлари-ча у ёлғиз ўзи қолди. У кафти билан итариб, бозорга қараган нақшли дераза ромини очиб юборди. Равоқ ичи сувнинг шовқинига тўлди. Тор бир кўча устига сершоҳ катта дарахтлар соя ташлаб турган масжиднинг ёнидан пастликка қараб тушган эди. Масжиднинг рўпарасида эса томи япалоқ ғиштдан ёпилган қандайдир тош иморат қаршисида кўпикчалар ҳосил қилиб сув оқарди. Узун тарновдан кўча ўртасига бўтанароқ сув оқиб ётарди.

Япалоқ ғиштдан ишланган гумбаз тахлит хонақо, мадраса, эски сарой ҳовлиси, бозор растаси, дўконлар кўзга ташланарди. Булар ҳаммаси бир замонлари бу ерларда савдо-сотик ишлари авж олганидан далолат берарди.

Кўчадан ҳамма ёғи шалаббо бўлган бир ит чопиб ўтди. Ёмғир ҳам тинай деб қолган эди.

Халил момикдек гилам устидан яланг оёқлари билан юриб дераза олдидан узоқлашиб, либос келтирган хизматкор билан Низом Холдорга киришга рухсат этди, аммо Қурдайбек илтифот билан эшикдан бош суққан эди, ўзим чақиргунча кутиб тура туринг, деб ижозат бермади.

Қурдайбек Халилни худди Ҳиндистонда кўрганидек ботир, лекин мулойим ва беозор шаҳзода деб ўйлар эди. Аммо бу ерга келган Халил ундай эмас эди. Қурдайбек қаттиқ чўчиди. Эшик олдида депсиниб турган маҳалида кўркуви баттароқ ошди. Ўз ишларидан қаттиқ хавотирланди. Уни шаҳзода ҳузурига чақиртирганларида у равоқ ичига жуда тушкун бир қиёфада кириб келди.

Халил Қурдайбекнинг ёшини ва саркардалик мартабасини ҳурмат қилмай, қисқа қилиб:

– Қани, гапиринг, – деб амр қилди.

– Бошлаб нимадан гапирсам экан?

– Ширвоншоҳнинг муддаоси нима? Нималар қилмоқда?

Қурдайбек пойма-пой бўлса-да, лекин ҳеч бир яширмасдан аҳолининг қочгани, Ширвоншоҳнинг ўз қўл остидаги савдогарларга, ерли хунармандларга эрк бериб қўйганлиги, деҳқонларга мурувват кўрсатаётгани тўғрисида сўзлаб берди.

– Найранг қилипти-да. Бизга оз, ўзига куп тегсин деб, маккор.

– Ўзигами?

– Фақат ўзига эмас, ҳаммаларига деб, савдогарлар серфойдароқ, хунармандлар даромадлироқ бўлсин, шаҳар халқи оч қолмасин депти-да. Демак, бари баҳраманд бўлсин депти-да. Ана энди унинг одамлари бизникиларга ҳужум қиляпти. Бизнинг келаётганимиз хусусида тутун чиқариб бу ёққа ишорат берган, йўлимизни тўсиб бизга ҳужум қила бошладилар. Демак, ҳаммаси шу ердан бошланади. Ини шу ерда. Шу ин тўғрисида сиз нима биласиз?

– Мен шу ерда, нақ бозорнинг ўзида одамларни остирдим. Ҳаммага ибрат бўлсин деб. Қўлга тушганининг бўйнига сиртмоқ солдиравердим.

– Қароқчиларнингми?

– Қароқчилар ҳам булар эди. Ўзлари кимлигини айтади дейсизми? Оғзига сув олгандек жим! Улса ҳам буйнига олмайди. Мен ўз ишимни яхши биламан, қўлга тушдим, уларнинг нима дейишини кутиб ўтирмасдан буйнига сиртмоқ солдиравердим.

– Бу босқинчи тўдаларнинг яширинган жойини билишга қизиқмадингизми? Қаерлардан келиб йиғилишади? Куролни бу ердан олишмасмикан? Ўзлари шаҳардами, тоғлардами?

– Қанақаям қилиб билиб буларди? Бизлар шундай ҳам бозор кунлари шаҳар ташқарисига чиқиб, шаҳарга келаётган пиёдаларни ушлаб оламиз. Отлиқларини эса отидан улоқтириб ташлаймиз. Ҳаммасини келтириб сўроқ қиламиз. Бошда яхшиликча сўраймиз. Иқроқ бўлмаса осамиз. Юракларини олиб қўйиш бу энг яхши чора.

– Иқроқ бўлганлари борми?

– Ҳали бунақалари топилганича йўқ.

– Ширвоншоҳ ўз тўдаларини бизга қарши босқинчилик қилишга юбориб турадими? Ҳеч кимсага курол-яроғ бергани борми?

– Кўрганимиз йўқ. У ерда менинг ўз одамларим бор. Мен уларга ўзимда бор нарсалардан бериб турибман. Унинг курол-яроғ берганини ҳали ҳозирча ҳеч ким пайқагани йўқ. Эшитмадик ҳам.

– Унинг ўзида курол-яроғ борми?

– Билмадим ҳам, кўрмадим ҳам, мен ўзим у ерларда бўлиб сарасоп солдим. У ерда одамларим ҳам бор. Билмадик.

Курдайбекдан узоқ сўраб-суриштириб ўтириш учун Халилнинг вақти йўқ эди, чунки шаҳзодани муборакбод қилиш учун саройга шамохийликлар тўплана бошлади. Курдайбек ўз жавоблари билан меҳмонни хурсанд қилиш эмас, балки хафа қилиб қўйганини

пайқаб қолди. У Халилга таскин бермоқ учун жон-дилдан чиқариб бирор нарса демоқчи эди:

- Қидирамиз. Шояд қурол-яроғлар ҳам, босқинчилар ҳам топилса. Кўзга кўринмадими, демак бор. Ўзимизникилардан кўра уларга кўпроқ кўз-қулоқман. Атрофда нима ҳодисалар бўляптийкин? Ҳаммасини билиш қийин-да.

Аммо Халилнинг зардали важоҳатидан, Қурдайбек ўзининг мушқули осонлашмаганлигини пайқаб қолди.

Қурдайбек хафа ва паришон бир ҳолда, худди қозондек қайнаб турган ўз қўрасига мутасаддилик қилиш учун чиқиб кетди.

Кўра ичида одамлар бир-бирларига туртинишиб, югуришиб, боғ-боғ ўтин ташир, ертўладан қозонларни кўтариб чиқиб қириб-қиртишлар, сўйиш учун ювош қўйларни етаклаб ўтишар, хушбўй беда боғларини бостирма остига ташишар, қуруқ наमत парчаси билан отларни артишар, бир-бирлари билан салом-алик қилишиб туриб, серзарда бўлиб қолган мулозимларга хавотирланиб қараб қўйишар, ўзларини бехосдан бошланган жанг сурони остида қолгандек ҳис қилишарди.

Ўзининг ҳусн-жамоли билан одамларни ҳайратда, беқиёс жасорати билан бутун дунёнинг ақлини танг қолдирадиган ноёб шаҳзоданинг худойи таоло паноҳида эсон-омон етиб келганлигидан хабар олмоқ учун Ширвоншоҳнинг вазири ташриф буюрди:

- Итоатгўйлари Ширвоншоҳ олиҳиммат шаҳзоданинг ўз кулбаи вайронасининг азиз меҳмони бўлиб туришларини илтижо қиладилар.

Катта қорнига маҳкам ёпишган ва уни бегона кўзлардан белбоғининг попуклари билан яшириб турган банорас камзулли вазирнинг калта оёқлари кенг чолвори ичида яна қисқа кўринар эди. Унинг гулдор чолвори нафаси қисилиб қироат билан талаффуз қилган ҳар бир сўзидан дириллаб кетар эди.

Чеварлар тиккан гулдор қизил белбоғи ҳам белига бураб-бураб боғланган эди. Бундан вазирнинг белбоғи ҳам, қорни ҳам, белбоққа қистириб олган, қимматбаҳо тошлар қадалган катта эгри ханжари ҳам – ҳаммаси савлатли кўринарди.

Халил вазирнинг таклифига узрини айтиб, Ширвоншоҳнинг саройига ўтишга розилик бермади, фақат эртага бўсағаларига бориб, соғликларидан хабар олишни ваъда қилди. Мозор босиб келган қоқ нонидан тановул қилиш учун шаҳзода вазирдан қолишни илтимос қилди.

Вазир қолди.

Темурнинг зиёфатларида ҳам дастурхон бунчалик мул-кўлчиликни кўрмаган эди. Лаганлар кетма-кет алмашилиб турди. Зираворларнинг хушбўй ислари сингиган буғ кўкиш тусда шифтга кўтарилар эди. Лаганларни янгилаб, хушбўй шамохий ичимликлари, Самарқанд ва арман шароблари солинган кўзачаларни тортиб турган хизматкорлар меҳмонлар атрофида парвона эдилар.

Вазир зиёфатда Халилга яқин жойда, ўзининг шоҳона хуснининг мулойимлиги билан одамлар қалбига роҳат бахш этувчи шаҳзоданинг табассумидан баҳраманд бўлиб ўтирар эди. Ҳар бир табассум кетидан вазир ҳамтовоқлари билан бирга, гарчи ғайридинлар томонидан тайёрланган бўлса-да, лекин худонинг неъмати бўлган узумдан пиширилган ҳақиқ ранг ўткир арман шаробидан бир чинни косада даст кўтариб ичиб юборди. Идишни бўшатгач, марҳаматли шаҳзоданинг ҳурмати учун ичилган шаробнинг бир томчиси ҳам қолмаганлигини кўрсатмоқ учун идишни тўнкариб кўрсатди. Бу бесўнақай аъёнга шаҳзоданинг нақадар диққат-эътибор қилаётганини кўрган бошқа меҳмонлар унинг шароб косасини дам-бадам тўлди-

риш ғамида бўлдилар. Ширвоншоҳнинг саройида катта зиёфат маросимларини кўрмаган, ғайри шаръий ичимликларни ичишга одатланмаган бу бақалоқ вазир, қўпол ва қаноатсиз бўлса-да, лекин бу содда одамлар орасида худди ҳолвага учган ёш боладек суюниб утирарди.

Дарҳақиқат, яқиндагина жаҳонгирга суҳбатдош бўлган одамлар орасида утириш бу вазир учун шараф эди.

«Хукмдорга! Қайси хукмдорга!.. Ҳар нарса қўлидан келадиган! Бир имоси билан бутун бир мамлакат худди қашқир панжасига тушган товуқ каби тушадиган!

Одамга сал-пал қўли тегиши билан соб қиладиган! Ундан на одам қочиб қутулади, на... Мана тевакатрофда қандай одамлар утирибди! Қандай... яхши кишилар-а! Шундай одамлар учун... Худо ёрлақаб бундай одамлар билан бирга бўлиш нақадар яхши ва хавотирсиз. Ахир улар билан бирга... ҳар нарса қилса бўлади. Нақадар самимият, шаҳзоданинг ўзи, жаҳонгирнинг арзанда невараси эл қатори ёнма-ён утирибди-я! Меҳмон ичяптимики деб сарасоп соляпти-я. Ичаман, ичаман!.. Мен бутун жоним билан чинакам содиқман. Ё раббий... Нега ичмайин? Ҳамма нарса муҳайё...»

Шу вақт бирдан уйқусираган вазирнинг эсига узоқ йиллардан бери одат ҳукмига кириб сингишиб кетган одати – шом намозини ўқиш вақти келгани тушди. Ўрнидан қийинлик билан туриб, меҳмонлар орасидан девор бўйлаб ўтиш, унинг учун анча мушкул бўлди.

Вазирнинг бу ҳаракатидан намоз ўқимоқчи бўлганини Қурдайбеккина пайқаб қолди.

Қурдайбек тақводор киши эмас, мусулмончилик қонун ва қоидалари устида камдан-кам ўйлар, суннийлар билан шиалар ўртасидаги нифоқнинг мазмунини ҳам тушунмасди. Аммо бу ерда, озарбайжон шиалари ўртасида дин ишларида ўзининг афзал эканлигидан

керилиб юрарди. Чунки у, сунний мазҳабидагилар ҳазрат Али мухлисларига кўра худога яқин турадилар, деб ҳисобларди. Вазирнинг намоз ўқимоқчи бўлиб кўзғалганини пайқаган Қурдайбек чуқур ўра сари кур-курона илдам қадам ташлаб кетаётган кўрга ўхшаш вазирнинг орқасидан зимдан бадхоҳлик билан кулиб қолди.

Аммо вазирнинг чиққанини кўрган Халил Султон сапчиб ўрнидан туриб, кетидан чиқди.

Кирган ҳужрасининг қанақа жой эканлигини вазир тушунолмади қолди. Бу ерда шаҳзода ўзи ёлғиз вазирга кулиб қараб турибди. Вазир ҳам қаддини рост тутмоқ учун бор кучини сарф этмоқда. Шу сабабдан ҳам гуноҳкордек кулиб, таянч қидириб у ёқдан бу ёққа чайқалади:

– Чиндан ҳам бутун қалбим билан содиқман! Ё Али! Бутун жоним билан-а!

Сафар чарчоғини бостириш ва ёмғирдан кейин бир оз исиниб олиш ниятида шаҳзода бир косагина шароб ичган эди. У қоп-қора шаҳло кўзлари билан кулиб, унга тикилиб турарди.

– Мана «содиқ, садоқатли», камарингизга эса ажойиб ханжар қистириб олибсиз. Кимга қарши ишлатмоқчисиз буни? Бу ерда жанобларининг душмани йўқ-ку! Ё сизнинг алоҳида душманингиз борми? Мен уларни йўқ қилиб ташлайман. Мен ўзлари учун фақат хайрият тилайман. Содиқ дўст деб билаверинг мени. Бу яроғингизни кимга қарши ишлатмоқчисиз, кимдан хавотирдасиз?

Шаҳзоданинг бу хушомадли сўзларига вазир зўрма-зўраки жилмайиб, таъзим билан жавоб қилди:

– Бу ханжарни бобомга дўстлик учун Эрон шоҳи туҳфа қилган. Ханжармисан ханжар-да!

– Жуда чиройли ханжар, сизнинг фуқаронгиз қурол-яроғни қаердан олган? Унга ким берган? Сизларми?

– Эй тақсирим!.. Мен шу ханжарни... сизга инъом қиламан!..

– Йўқ, ҳожати йўқ, ўзингизга жуда ярашиб турипти. Бу ханжардан нима фойда? Яхшиси, мендан арзимас инъом қабул этсангиз.

Шуни деб Халил бош бармоғидан ёқут кўзли катта ҳинд узугини чиқарди. Халил бу узугини яхши кўрарди, лекин бу узук вазирнинг ҳеч бир бармоғига сиғмасди.

Вазир шам ёруғида товланиб турган ёқутга мароқланиб қараб туриб, таъзим қилмоқ учун бошини кўтарган эди, бирдан гандираклаб кетди.

Халил унинг тирсагидан ушлаб қолиб, яна сўради.

– Халқингиз қурол-яроғни қаердан олган ўзи? Ким берган унга?

– Халқда қурол-яроғ бор?! – Чўчиб кетган вазир яна узини ростлаб олди. – Унда қурол-яроғ бор?!

– Сизлар бермаганмисизлар?

– Асло!.. Биз берганимиз йўқ!..

– Сизларда йўқмиди?

– Нега бўлмасин?! Бору берганимиз йўқ. Нега берайлик. Берганимиз йўқ.

– Бўлмаса беҳудага занглаб ётгандир-да. Бирор ерга кўмилгандир-да?

Инкор қилай деса, қурол-яроғ борлигидан буларнинг хабари борга ўхшайди. Эҳтимол, шаҳзоданинг ўзи шу қурол-яроғлар учун келгандир? Аммо вазир олов билан ўйнашадиган кишилардан эмас, ҳукмдорнинг марҳамати кенг, аммо унинг ғазабидан қочиб қутулиб ҳам бўлмайди. Бунинг устига, шундай ажойиб зиёфатда шаҳзода билан нега меҳмон меҳмон билан дардлашгандек дардлашмаслиги керак.

– Зангламайди, минора ичида, қуруқ жойга қўйиб, устидан суваб қўйилган.

– Кўпми?

– Ҳаммаси ўша ерда. Тўхтамишдан қолгани ҳам, ўзимизники ҳам, ҳаммаси ўша ерда. Зангламайди асло. Ўша ерда ётаверади, ҳеч нима бўлмайди.

– Демакки, халққа бермагансизлар?

– Қандай бериб бўлади? Унга бир бериб кўр!.. Уни халойиқ тоғ-тошларга, дараларга опчиқиб кетиб қолади. Кейин ким қайтариб олиб келади уларни? Ўзимизга даркор бўлиб қолганда, кейин қаердан топамиз?

– Қачон керак бўлиб қолади?

Вазирнинг боши оғирлашиб, тили гапга қовушмай гулдурай бошлади.

– Ҳукмдор келмаса, керак бўлиб қолади.

– Кимга?

– Кимга бўларди? Шоҳга-да!

– Қора халқ эпчиллик қилиб ўмариб кетса-чи? Балки у ерга пишиқ пойлоқчилар юбориш керак бўлар? Қайси минора у? Ўзи алоҳида, якка турадими?

– Йўқ, доим шоҳнинг ўзи турадиган қалъада. Қурол-яроғнинг қаердалигини халойиқ қаердан билсин? Суваб ташланган бўлса...

– Ишқилиб, эҳтиёт қилинглар. Босқинчилар қаёқдан қуролланган, бўлмаса?

– Кимда нима бўлса ўзлари йиғиб олгандир. Аввал тоғ-тошларга чиқиб кетишган, кейин тўплашган бўлса керак. Биз эсак... асло... Худо сақласин бу каллаке-сарлардан! Тангри ўзи сақласин. Худонинг марҳамати кенг.

Вазирнинг остидаги замин бамисоли тебрангандек бўлар эди. Хизматкорлар келишиб, вазирни зиёфатга олиб кетишди.

Халил Султоннинг шовқин-сурондан, диққинафас иссиқдан, зиёфат ташвишлардан холироқ жой топгиси келиб қолди.

У яна дераза олдига келди.

Кундузги ёмғирдан сўнг шаҳар оқшоми сокин ва баҳаво эди.

Деразадан унинг кўзи яна қадимий бинонинг томига – болохонага тушди. Худди тўнтариб қўйилган косага ўхшаш гумбаз ортида липиллаб шам ёнар, қандайдир кишилар қимир этмай ҳофизнинг овозига қулоқ солиб ўтирардилар.

Халил Султон илгарилари бу ерларга сафар қилганида бу жойда айтилган қўшиқларни, Озарбайжон қўшиқларининг ноласини эшитган эди.

У қулоқ бериб тинглади. Ҳофиз куйларди:

Кулгуси ҳам гажагидай тўлқинли ва дилрабо...

Халилнинг кўзлари мулойимлашди. Бу мусаффо оқшом пайти ҳали тоғлардаги қорлари эрмаган Самарқанд баҳорига ўхшаб кетади.

У ўз ичида такрорлади:

– ...кулгуси ҳам гажагидай!

Шодмулкнинг ҳам сочлари қора ва жамалак-жамалак. У ўзининг қирқ кокилини билакдек қилиб битта ўриб бошига танғиб олади ва бир учини салланинг печидек тушириб қўяди. Бир тутам сочи эса боши узра худди тождек туради. Фақат меҳмонларнинг ҳузурига чиқиш олдидан худди қирқта илон сингари кокиллари орқасига ташлаб олади. Фақат меҳмонлар ҳузуригагина шундай қилиб юради. У уларникига келган маҳалда эса Шодмулк қора сочларини билакдек қилиб турмаклаб юраверади. Сочларининг учи эса тождек чиқиб туради. Агар у Шодмулк билан шивирлашиб сўзлашса, соч толалари юзларини қитиқлайди.

Халил Султон табассум қилади:

– Сочлари жамалак, кулгилари ҳам қўнғироқдек. Томда ёнида ўтириб, қўшиқ тинглаш улар учун роҳат бўлса керак-да! Афтидан, бу яхши кишиларнинг ҳар

бирининг ўзига хос ишқ-муҳаббати бордир. Уларнинг олдига борсаммикан-а?

Янги ой кўтарила бошлади.

Меҳмонлар ҳали тарқалишмаган, гурунг-гурунг овозлар эшитиларди: меҳмонларга жон кириб, шаҳзоданинг йўқлигидан фойдаланиб мириқиб суҳбатлашадилар.

Халил Султон хизматкорлардан бирига хушфеъллиги учун сафарда ёқтириб қолган Низом Холдорни чақиришни амр қилди.

– Бир шаҳар айлансамми дейман, Холдор оға?

– Хавотирли эмасмикан? Теварак-атрофда босқинчилар изғиб юрибди. Олинган хабарларга қараганда, Султониядан келаётган яна бир кичик карвонни тўсишипти. Ҳамма соқчиларни отиб ташлашипти. Бу жойда шунақа ҳодиса кўп такрорланяпти! Бизнинг одамларимиз бу жойларнинг йўлларида кўрқишади. Қурдайбекнинг ўзи ҳам шаҳарга тушмай, уйда ўтириб қолипти. Соқчилари, кечаси қоронғида кўрқамиз, дейишяпти. Сизнинг эгнингизда яна мана бунақа чопон!

– Қурдайбек билан яна сўзлашамиз. Чопон эса... Тўғри айтасиз. Сафар чопонимни кийиб олсаммикан.

– У ҳали қуриганича йўқ. Қанақа ёмғир остида келдик.

– Зиёфатдагилардан бирортасиникини олиб турсак... Кейин борсак... Бу ер жуда димиқиб кетди. Ҳў анави ерда ҳофиз куйлаяпти. Эшитмаяпсизми?

Ўзи қўшиқ айтишни яхши кўрадиган Низом Холдор ўша томонга қулоқ солди:

– Бунақа қўшиқни ҳеч қачон эшитмаганман. Овози яхши-ку. – Бир оз қулоқ солиб туриб: – Жуда яхши-ку, – деб кўйди.

– Олдиларига борайлик. Бизга ҳам айтиб беришар.

– Мен бориб бир чопон топиб келай-чи.

Кимнингдир деворга осиглиқ озарбайжонча кук чакмонини топиб чиқди.

– Энди телпаги ҳам озарбайжонча бўлсин-да. Тагин бир қаранг-чи.

– Телпак эмас, куй терисидан тикилган папоқ бор экан. Кийиб олинг. Чакмон билан жуда мос тушади.

Қурдайбекнинг хизматкорлари уларни тарқалиб кетаётган меҳмон фаҳмлаб дарвоза эшигини очиб турди.

Улар хира ойдин кечада кимсасиз бозор майдонини кесиб ўтдилар-да, тепаликка чиқадиган тор кўчага бурдиллар; бу ерда масжид рўпарасида қорайиб қадимий бино кўринарди.

Низом Холдор елкаси билан итарган эди, пастак пештоқ остидаги дарвозанинг оғир тавақаси секин очилди.

Уларга бир йигитча пешвоз чиқди, дарвозани кимдир очиқ қолдирганидан ажабланди.

– Қандай кирдинглар?

– Дарвоза очиқ экан.

– Нима хизмат?

– Биз юқорига, хониш қилинаётган жойга.

– Фазлулло ота ёнларигами? Сизлар ким бўласизлар?

– Мусофир ҳофизлар.

– Майли, киринглар. Зинапоянинг қаердалигини биласизларми? Хув анави, ўнг томондаги бурчакда, девор ичида, қоронғи. Зинаси чап томонда.

– Раҳмат сизга!

Улар тусмоллаб болохонага чиқдилар. Йигит эса кўчага хавотирланиб қараб кўйиб, катта сурғич билан шошиб-пишиб дарвозани беркитди.

Улар беҳосдан кириб хонишни бўлиб қўймаслик учун гумбазлардан бири ортида турдилар. Ҳофиз куйларди:

*Лабларимга томмаса эрди агар куз ёшлари
Давр ҳавоси ташналикдан улишим эрди аниқ...*

Халил Султон шивирлаб сўради:

– Фазлулло ота? Ким бўлди бу киши?

– Ким билсин дейсиз? Қўрамиз.

Улар гумбаз ва қоронғилик панасида туриб, мулоим жилмайиб қўшиқ оҳангига бош чайқаётган чолга сарасоп солардилар.

Оппоқ соқол босган бу ёқимли, қорача, нуроний чеҳрада осойишталик ва иззат-икром ифодаси бор эди.

У қўшиққа кулоқ осар экан, ичида бир нималар деб пичирлади. Балки у қўшиқнинг ўзини мутаассир қилган, лекин тотли сўзларини такрорларди.

– Замонанинг диққинафаслигидан... – Халил Султон ҳам такрорлади ва чуқур ўйга толди: замонанинг диққинафаслигидан...

Қўшиқ тугаши билан Халил Султон ҳофизлар ёнига чиқди. Утирганлар унга сергакланиб қарашлари билан Халил Султон, Мовароуннаҳрдан бу ўлкаларга тентираб келиб қолган қўшиқ муҳиблари эканликларини, бу эшитган қўшиқларига шайдо бўлиб кирганликларини айтди. Кўчада яшириниб эшитишдан кўра, бу ерга кириб қўшиқ эшитиш иштиёқида эканликларини ҳамда ҳофизга миннатдорчилик изҳор қилиш умидлари борлигини билдирдилар.

– Мовароуннаҳрдан? – Жиддий қиёфада сўради Фазлулло, – ҳозир одамлар у ерларда нима ҳақида куйлайдилар?

– Кўпгина янги қўшиқлар чиққан.

– Бирортасини куйлаб берсангиз.

Ўзининг товуши йўқлигига ишонган Халил Султон Низомдан илтимос қилди. Низом кимнингдир қўлидан дуторни олиб узоқ созлади. У Самарқанд дутор-

ларига қараганда пастроқ товуш чиқарарди. Аммо Низом тезда дуторни созлаб олиб:

– Нимани айтсам экан? – деб аста сўради Халил Султондан.

– Оғайни, сиз билан мен ўзга юртда мусофирмиз. Камолнинг қўшиқларидан айтиб қўя қолинг, – деди Халил Султон ҳазиломуз қилиб.

Низом Холдор ғурбат ҳақидаги қўшиқни куйлади:

*Бўлмагач дўсту қадрдон ушбу манзиллар аро
Одамга тўла куча ҳам саҳрога ўхшар гўё.*

Чол кўзларини юмиб, бошини қоп-қоронғи осмонга қилиб, афтидан ўзига яхши таниш бўлган қўшиқ сўзларини такрорлади. Шу сўзлар Халилнинг қулоғига чалинди:

Бунда ёмғир ҳам бегона, ётдир ҳатто лойи ҳам...

Низом Холдор қўшиқнинг авжига чиқиб қуйидаги байтларни куйлаганда чол утирганларга ғамгин назар ташлади, бошқалар ҳам унга шундай назар билан қараб қўйдилар.

*Дарбадар кезгум ватан деб, кўнглимда юртим ўйи
Найлайн ғурбат элида ғурбату ғурбатдаман.*

Шу қўшиқдан сўнг ҳамма жимиб қолди. Ниҳоят, чол деди:

– У сизларнинг юртингизда дунёга келган эди, аммо бизга ҳамшаҳар бўлиб дунёдан ўтди.

Халил Султон марҳум шоирга ачиниб:

– Ҳа, Камол Хўжандий... – деб хўрсиниб қўйди.

– Мен у кишининг камбағал қашшоқликда, бошпанасиз, кўрпа-тушаксиз қолиб, Табриз шаҳрида ўлга-

нини ўз кўзим билан кўрганман. Бизнинг қўлимиздан у кишига ёрдам бериш келмас эди. Оқсоқ ҳамма ёқни вайрон қилганди. Ҳамма оч-яланғоч, оёқ яланг қолганди. Камол!.. Ўлганига ўн икки ёз бўляпти. Улар Ҳофиз билан баайни икки булбулдек баст-жавоб қилиб сайрашарди. Камол – Табризда, Ҳофиз – Шерозда эди. Боғи Эрамда куйламоқ учун иккаласи ҳам барабар бу дунёни тарк этдилар.

Низом Холдор:

– Эшитяпсизми, «оқсоқ» дейишяпти? – деб шипшиди.

Халил Султон Низомнинг билагидан аста ушлаб:

– Жим туринг, эшитайлик-чи, – деди.

Чол эслаб кетди:

– У Табризда биз билан бирга яшар эди. Бир вақт Тўхтамишхон келиб қолди. Кўз ёшлари, қон тўкишлар, қайғу-аламлар оқсоқ келган вақтдагидан кам бўлмади. Тўхтамиш ҳам Камолни ўз ўрдасига саройга олиб кетди. Унинг ҳам ўз саройида махсус булбули бўлиш керак эди. Беш йилгача биз Камолдан ҳеч дарак топа олмадик. Аммо, у ниҳоят қайтиб келди. Биргалашиб қашшоқлик тортмоқ учун бизнинг олдимизга қайтди. Бизнинг умримиз уникидан узоқ экан. Аммо ўлгунимизча қашшоқликдан бошимиз чиқармикан-а? Камол эса фақат шуни ўйларди. Сиз, тақсир Имомиддин шу қўшиқни айтардингиз-а? Бизга ҳам айтиб берсангиз!..

Қандайдир ёш бир овоз қоронғилик ичидан секин чолга шама қилди:

– Отахон! Ёнгинамизда – Ургимчакникида зиёфат давом этяпти. Шаҳзода келган эмиш. Эшитиб қолишса, тағин бир балога йўлиқиб юрмайлик.

– Қўшиқларимизни эшитишга уларнинг вақтлари йўқ. Теварак-атрофимизда авом халқ, ўзлари қўшиқ айтишга журъат қила олмай, уй-уйларига кириб тамбалашиб олиб, қўшиққа қулоқ солишяпти. Майли, мовароуннаҳрлик меҳмонлар ҳам ўз Камолларининг

қўшиғини эшитишсин, ахир бу шоир Самарқандда таҳсил кўрган, биз томонга уша ёқдан келган.

Бир йигит дуторни олмоқ учун қўл чўзди. Унинг юзи чироқ ёруғида бир дам кўринди холос. Халил Султон унинг худди фил суюгидан йўнилгандек сарғиш афтини кўриб қолди, аммо унинг ажиб равишда ғилай кўринган кўзларидаги ифодани пайқаб ололмади.

Имомиддин бармоқлари калта қисқа қўлини дуторга чўзиб олди-да, байтини эслаб ўйланиб қолди. Сўнгра ўзини қоронғига олиб, қўшиқни бошлаб юборди:

*Иродангни бука олмас эй ошиқ, на юртнинг султони,
На унинг кишанлари, на-да даҳшатли зиндони.*

У жононини кўмсаб куйларди, аммо бу оддий қиз ёки йигитнинг ишқи орқасида туғилган қўшиқ эмас, балки у севган ватани ҳақида, бу муҳаббатни букадиган куч дунёда йўқлиги ҳақида куйларди.

Аммо Халил Султонга бу қўшиқ оддий ишқ-муҳаббатнинг зўр кучини тараннум этгандай туюлди.

Қўшиқ Халил Султонга қаттиқ таъсир этди. Жонони жуда йироқда – тоғлар, саҳро кумлари ортида, кўпириб оқувчи катта дарёларнинг нарёғида эди... лекин жононаси қаерда бўлса ҳам, унинг кўнгли ўша ерда эди. Кўзларини сал-пал юмиши билан пастакки-на кулранг эски дарвоза эшиги, эгри-бугри ёғочларга ишланган ток занги, садақайрағоч остидаги ҳовуз кўринади... Эҳ, Самарқанд!

Кумларда нозик из қолдирадиган чаққон оёқлар, ҳар нарсани уқиб оладиган ўйноқи кўзлар, андак хирллаб, сўзларни чўзиб гапирадиган шаҳдам товушлар... Эҳ, Шодмулк!

Қўшиқ Халил Султонни эритиб юборди. У яна Холдорга секин:

– Кейин сўзлашамиз. Ҳозирча эшитайлик, – деб кўйди.

Унинг сафарларда сергакланиб қолган қулоғи дарвоза ҳалқасининг аста қоқилганини пайқади, дарвоза тавақаси ғирчиллаб очилиб, кимдир ичкари кирди-ю, пошнасини тўқиллатиб тош зинапоядан юқори кўтарила бошлади.

Тез орада болохонада яна уч озарбайжонлик пайдо бўлди.

Имомиддин дуторни ерга кўйиб, чолга юзланиб деди:

– Муҳтарам меҳмонларга жавоб бериб, ишларимиз тўғрисида сўзлашиб олсакмикан?

Халил Султон унинг қилган шамасига жавобан:

– Бизнинг зарур ишимиз йўқ. Бизларни ўз қўшиқларига мафтун қилган одамлардан ажралиб кетишга ачинамиз, – деди. – Биз сизларнинг суҳбатингизга халал бермасмиз дейман.

– Биз ўз дўстларимиз ҳақида сўзлашиб олмоқчимиз, – деди Фазлулло унга жавоб қилиб. – Бизнинг дардимиз ва бизни ранжитаётганлар тўғрисида эшитиш сизни хафа қилиб кўйса керак.

– Сизларда душман нима қилсин? – деди Халил Султон лутфан. – Сизни кўрган киши беихтиёр қулингиз бўлиб қолади.

– Дўстларимизнинг душманлари бизнинг душманимиз эмасми, ахир.

– Дўстларингизнинг душманлари? Демакки, сиз дўстларимиз кўп деяпсиз-да, а?

– Ватанни севган ҳар бир кимса менинг дўстимдир. Бизнинг ватанимиз гарчи яхши бўлса-да, лекин шўрпешонадир.

– Биз сизнинг суҳбатингизга халал бермоқчи эмасмиз, агар малол келмаса, зарур ишимиз ҳам йўқ, – деди Халил Султон шартта.

Чол тараддудланиб қолди, аммо Имомиддин унга яқин сурилиб, қулоғига бир нима деб шивирлади.

Шундан сўнг чол нарироққа сурилиб, қатъий қилиб, баланд овоз билан деди:

– Мовароуннаҳрда ҳам оддий халқ кўп. Майли, биз билан бирга ўтиришаверсин.

Ой булутлар орасига кириб яшириниб, зулмат қуюқлашди. Гарчи болохонага янги чиққан уч киши шундай ёнларига, гиламга чўккалаган бўлса-да, Халил Султон уларнинг юзини аниқ кўра олмади. Ёнгинасида ўтирганидан қандайдир саҳро гиёҳининг ҳиди келар эди.

Улардан бири шошилганиданми, савол беришини кутмасданоқ ўзи томдан тараша тушгандек сўраб қолди:

– Отахон! Бизларни нонга юборишди. Қаердан олсак экан? Болалар ҳам биз билан бирга. Ҳаммага етишмаяпти.

Имомиддин:

– Кейин сўзлашамиз. Шошмай туринглар, – деб унинг гапини шартта бўлди.

– Тонг отгунча у ерга қайтишимиз керак. Бизни кутишади. Нима қилсак экан?

Имомиддин ўрnidан туриб, зарда билан жавоб қилди:

– Юринглар. Отахонимиз кейинроқ ўзлари борарлар, – деб уларни пастга бошлаб тушди. Улар бир хужрача ичига кириб кетдилар.

Сергакланиб қолган Халил Султон:

– Булар қаердан? – деб савол ташлади.

– Тоғ томондан. Чўпонлар. Бизларнинг подаларимизни боқишади, – деб жавоб қилди чол. – Узр, мен энди бир оз дам олай.

Бу ерда энди қолишнинг иложи қолмаган эди. Шундай бўлса-да, Халил сўради:

– Сизни яна қачон келиб эшитсак бўлар экан?

– Келаверинглар. Бизлар гоҳо шунақа йиғилишиб, хониш қилиб турамиз. Баъзан шеърият бобида баҳс юргизамиз.

Халил Султон Фазлулло билан хайрлашгач, уйга толиб ҳовлига тушиб кетди.

Кўчада ҳамон ҳеч кимса йўқ эди, аммо масжиднинг панасида, девор бўйида қандайдир одамлар турарди. Қандайдир одамлар масжид рўпарасидаги томда ўтирардилар. Бу ўтирганлар балки чол айтган оддий, ўзлари қўшиқ айтишга ботинолмай, юзлари худди фил суягидек йўнилган йигитнинг қўшиқларига қулоқ солишиб ўтирган кишилардир.

– Улар биздан тезроқ қутулмоқчи бўлишади шекилли, – деди Низом Холдор.

– Зарур ишлари борга ўхшайди, – деди унга жавобан Халил Султон.

– Эшитдингизми, бу ярамастар ҳукмдоримизни нима деб аташяпти?

– Улар Қурдайбекка ҳам ўргимчак деб лақаб қўйишипти. Нима ҳам қилиб бўлади – авом халқ-да.

– Авом?

– Ширвоншоҳ саройидан эмас-да, ахир.

– Чўпонлар ҳам авом-ку. Нега бўлмаса улар қоқ ярим кечада изғиб юришипти?

– Ҳозир ўнбошимизни юбортирамиз. Шу... чўпонларнинг бир пайдан бўлишсин-чи. Нон бериб боқаётган қўй-моллари қаерда экан, бир текшириб кўрайлик-чи. – Кейин бир кулиб қўйиб: – Босқинчиларни қандай қилиб тутиш кераклигини Ўргимчакка бир кўрсатиб қўямиз, – деди.

Улар қоронғи кўчадан кўтарилиб, майдонга қараб кетдилар. Қурдайбекнинг машъаллар ёритиб турган саройига бир неча қадам қолди деганда, қўлларига катта найза ушлаган беш соқчи:

– Келаётган ким? – дедилар Халил Султонга.
– Үзимизникилар.
– Үзимизникилар бу ерда бекорга тентираб юрмайди. Тўхтанглар!

Уларни қуршаб олдилар. Каттаси Халил Султоннинг эғнида озарбайжонча чакмонни кўриб:

– Қанақасига, булар үзимизникилар? Ушланглар буларни, – деди.

Уларнинг қўлларини орқаларига қайиришиб, Қурдайбек саройига ҳайдаб кетдилар.

Халил Султон индамай оёғини тираб туриб олди. Низом Холдор эса сарой ўртасида ўз отбоқарларини кўриб қолиб, хириллаб:

– Ҳой, отбоқарлар, бизларни манавилардан қутқаринглар, – деб қичқирди.

Холдорни итариб ертўлага туширдилар. Маҳбуслар ётган ертўла шаҳзодани ҳам комига тортди.

Отбоқар Холдорни таниб қолиб, тўғри Қурдайбек олдига чопди. Меҳмонлар тўла хонага уни дарров киргиза қўймадилар.

Маст-аласт ва чарчаган Қурдайбек қўл силтади:

– Кимики қўлга тушмасин – ёнгинамиздаги бозор майдонида... эрталаб барчанинг кўз ўнгида бўйнига шартта сиртмоқ соламиз, иншоолло!

– Бир қарасангиз-чи, ахир! – деб қичқирди отбоқар.
– Кимни олиб ўтганларини бир кўринг, ахир. Меҳмонларингиз, ахир!

– Қанақа меҳмонлар... Уларни қоронғи кўчадан тутишди-ку. Қанақа меҳмонлар бўлсин? Мастлар-ку!

– Үзимизга қарашли. Ҳукмдор ҳузуридан келганлар.

Қурдайбек шубҳаланиб, ўрнидан кўзғалмоқчи бўлган эди, эриниб ўзи ўрнига мирзасини юбортирди.

Мирза ҳам эриниб ва имиллаб сарой саҳнига чиққунча зиндоннинг эшигига тамба урилган эди.

У тамба урилиб иш битганига хурсанд бўлди, чунки унга зиндонни очишга амр-фармон йўқ эди.

Хукмдор олдидан келган меҳмонни ушлаб бундай аҳволга солишнинг оқибатини яхши тушунган отбоқар эса мирзани судраб зиндон эшиги олдига олиб борди-да, тамбани ўзи очди ва ҳолдан тойган мирзанинг этагидан маҳкам ушлаб, қоронғи ертўла ичига қараб:

– Ҳой, меҳмонлар, бу ёққа чиқинглар, – деб чақирди.

– Қўлингни бу ёққа бер! – деди Холдор пастдан туриб. – Бу ердан чиқиш осонга ўхшамайди.

Холдордан кейин Халил Султон ҳам чиқиб олди. Кимнингдир қўлидан қамчисини шартта тортиб олиб, меҳмонхонага қараб югурди. Аммо эшик олдида уни тўхтатиб қолдилар:

– Сенга нима керак?

– Қаёқда ўша эшакмия?

– Ким керак сенга, ўзи?

– Қурдайбек-да, ким бўларди яна!

Шу вақт зиёфатда ўйнаб-кулган шамохийликлардан бири:

– Мана ўғри тутилди! – деб бақириб юборди. – Чакмоним билан папоғимни олиб кетибди-я! Маҳкам ушланглар уни!

Бу ҳодисага қизиқиб қолган Қурдайбек эшик олдида уймалашиб қолган одамлар олдига борди. Шу жойда, одамлар кўз ўнгидаёқ ўғрини остирмоқ ва ҳар бир зиёфат остонасида жиноятчиларни жазолайдиган хукмдор сингари, буни ҳам тезда жазолаб зиёфатга жон киргизиш учун меҳмонларни турткилашиб, олға интилди.

Шу вақт соқчининг қўлидан шартта чиқиб кетган Халил Султон Қурдайбекнинг юзига қулочкашлаб ачитиб қамчи солди ва устига-устак қилиб:

– Аввал кимни ушлашни билиб ол! – деб ушқирди.
Қурдайбек гуп этиб ерга ўтириб қолди. Меҳмонлар эса орқаларига тисарилиб кетишди.

Халил Султон бошидан папоқни олиб, эгасининг юзига улоқтирди.

Ҳамма шаҳзодани таниб қолди. Меҳмонхонадагилар ҳаммаси ура қочди.

Ёлғиз вазиргина ўз жойида баҳузур ухлаб ётар эди.

Бу талотўпда тунги соқчилар шубҳа остидаги чўпонларни пойлаб қўлга туширадиган вақт аллақачон ўтган эди.

УНИНЧИ БОБ ТЕМИРЧИЛИК ИШХОНАСИ

Мароғий ҳали уйқуда. Харсангтошлардан ясалган пастак кулбаларда кун бўйи меҳнат чеккан ва уйлардаги бўйра-бордон устида мижжа қоқмоқчи бўлган мароғий халқи ором олмоқда эди. Қисқа муддатга бўлса-да, уйига кетишга эринган ҳунармандлар ҳам ўз ишхонасида ухларди. Темирчилар ва мискарлар ҳам чўғи сунган қўра яқинида ухлаб ётар эди. Нақш солувчилар қўза ва челаклар орасида, новвойлар эса ун солинадиган идишлар ёнида, аравасозлар эса янги араваларнинг қўланкасида, тикувчилар кун бўйи тўпланиб қолган лахтакларни бошлари остига қўйиб ухлаб ётар эдилар.

Дўконларини тамбалаб бўрибосар катта итларини ечиб юбориб савдогарлар ҳам, карвонсаройларга тушган мусофирлар, бошқа юртлик савдогарлар, босқинчи аскарлар, ёт улкаларда тунашга одатланиб қолган карвонлар ҳам уйқуни урардилар.

Кечаси билан савдо йулининг чорраҳасида турган тунги соқчилар мудрашарди.

Ой осмонни кезиб чиққан. Юлдузлар сўнмоқда. Эшакларнинг бир-бирига баст-жавоб қилиб ҳанграшлари ҳам тинган, бомдод намози вақти, худодан осойишталик ва кушойиш тилаш вақти яқинлашган эди.

Тонготар олдида қўра ичида чол оғир кавушини шалоплатиб юриб келиб эшик ёнида тўхтаган маҳалида Хатута қоронғи хужрада утирарди. Чол ўша ерда бирпас турди-да, тор эшикни аста очиб, қўлида кўза билан ичкарига кирди.

– Ухляяпсизми?

– Уйқу қаёқда!

– Чопонингизни ечиб қўйсангиз булар эди.

– Аллақачон ечиб қўйганман. Ҳу ана.

– Менга беринг. Яшириб қўяман. Меникини кийиб олинг. Кўримсиз, шу ерли одамларники сингари жундан тўқилган. Манг, кийиб олинг-да, кўчада ҳали одам йўқлигида қоровулхонага бориб ўтиринг. Одамлар кетаётганини эшитсангиз, сиз ҳам одамлар борган томонга қараб бораверинг. Масжидга борса масжидга, бозор томонга юрса бозорга. Одам гавжум ерда бўлаверинг. Қалпоқни бостириброқ кийиб, кўнглида кири йўқ кишидай бошингизни кўтариб хурсанд юраверинг. Бозорда ҳамма уйқудан тургач, бозорнинг қоқ ўртасида, мунажжимхонадан сўл томонда, сандиқчилар растаси орқали тўғри шаҳар қозисининг маҳкамасига боринг. Ўша растада султонияликларнинг карвонсаройи бор. Самарқандлик савдогарлар шу карвонсаройдан Шамохийга йўл бошловчи излайдилар. Сиз бу йўлни танийсиз. Ўша жойдан биродаримни кўргани келдим, уни топа олмадим, қайтиб кетишга тўғри келади, денг. Йўл бошловчи керак деб эшитдим, денг. Аммо менинг тўғримда индаманг. Улар сизни йўл бошловчи қилиб олишади, шундай қилиб икки ёки уч

кундан сўнг йўлга чиқасизлар. У ерда беҳудага кўзга кўринаверманг, зарурият бўлмаса яширинманг. Тағин бировдан кўрқаяпти деб ўйлашмасин. Икки кунда изингизга тушишмас, башарти, тушганларида ҳам дарҳол ушлаб олмаслар. Афтингиздан биров танимайди сизни, қизил чопонни овлашади. Худо хоҳласа, шаҳардан чиқиб олсангиз, тўрт томонингиз очиқ.

Чол узоқ ва оҳиста сўзлаганидан чарчаб тўхталди-да, атрофга қулоқ солди.

Сарой уйқуда эди. Шаҳар ташқарисидаги йироқ бир қабристонда қашқирлар увулларди.

– Шундай, ўғлим! Фаҳмладингизми? Ганжада эса ўз йўлингизни ўзингиз топиб оласиз. Шамохийга бориш керак бўлса, эсда тутинг: у ерда қоронғи тушиши билан, бозор орқасида гоҳ у, гоҳ бу жойда кўшиқ айтишади. Фаҳмладингизми? Чопонни беринг, мен яшириб қўяй.

– Раҳмат, отахон!

Чол қоронғида чопонни олиб юмалоқлаб кўзанинг оғзидан тикди, кейин кўзанинг қопқоғини беркитиб қўйди. Сўнгра Хатутани чиқариб юбориб, қия очиқ эшикдан қулоқ солиб пойлаб турди.

Сарой ҳамон уйқуда эди.

Чол гўё сув тула кўзасини кўтариб, қўра ичига ётқизилган текис тошларни тарақ-туруқ қилиб босиб, пастак кесак девор орқасида одамлар таҳорат қиладиган жойга қараб йўл олди.

У ерда ҳеч кимса йўқ эди. Чол у ердан тез орада бўш қўл билан чиқди.

Қароргоҳ соқчилари тушган хужра ёнидан ўтиб кетаётганида жангчилардан бири бошини сал кўтариб:

– Таҳорат қилиб олдингизми, отахон? – деб сўради.
– Бизнинг ҳам турадиган вақтимиз бўлипти-да?

– Ҳозир азон айтади. Тонг ҳам ёришай деб қолди, – деди чол қоровулхонасига йўл олар экан.

Кучадан масжидга ўтаётган кишиларнинг салмоқли қадам товушлари ва аста гаплашиб кетаётганлари эшитиларди.

Қоровулхона бўм-буш эди.

Уша саҳарда шаҳар қозисиникига Темурнинг невараси, қизининг ўғли Султон Ҳусайн келган эди.

У ўз одамлари билан, шаҳарда сўнгги кунларда қўлга олинган бандилар иши юзасидан келган эди. Темур, қароргоҳнинг атрофидаги ҳамма йўлларда душманларнинг худди ер остидан чиққандек пайдо бўлиб, худди яна ерга кириб кетгандек ғойиб бўлиш сабабларини аниқлашни амр қилган эди. Бутун Озарбайжонда ҳужум кучайган, кичик тўдаларга, қўшиннинг тунги манзилларига, карвонларга, чопарларга, саркардаларга қарши ҳужум авж олган эди. Мерганлар пана жойлардан туриб ҳатто катта тўдалар устига қўққисдан ўқ ёғдирар, танлаган кишиларини ўлдирарди. Бу ҳодиса Темурнинг юришини тўсиб, қонини қайнатарди.

Қозихонада, зиндон ёнида жаллодлар бандиларни сўроққа тахт қилиб қўйдилар. Катта сўрига эса Султон Ҳусайн учун гилам тўшадилар.

Султон Ҳусайн бобоси олдида ўзини кўрсатмоқ учун ошиқар ва шу иш билан яқин орадаги шаҳарларга жўнатилган бошқа саркардалардан қолишгиси келмас эди. У ўз жойига чиқиб чордана куриб ўтириб олди.

Йўл юриб келганидан ялпоқ юзи бўғриққан эди. Туртиб чиққан ёноқларини соқол босиб кетган, чўччайган бурни кичик бўлса-да, бурун катаклари катта эди. Жавдираган қисик кўзлари ертўлани бир зумда кўздан кечириб чиқди.

Султон Ҳусайн чиғатойча кокилини қалпоғи остидан чиқариб, чап қўлининг муштини тиззасига тираб, олдин қўлга тушган маҳбусни олиб чиқишни амр қилди:

– Бошқаларниям тайёрланглар. Қўлга олинган тартибда менинг олдимга ҳозир қилинглар. Биринчиси тўғрисида нима гаплар бор?

Унга гапириб бердилар.

– Бўйнига олдимми?

– Муғамбирлик қияпти.

– Бизга қилолмас. Келтиринглар.

Афтидан, бу маҳбус қаршилик қилмасдан даҳшатли ертўлага ўзи кирган бўлса керак, гир атрофи ўралган қўрага очиладиган иккита кичкина дарчадан аранг тушиб турган ёруғликдан кўзларини қисиб чиқиб келди. Кичкина қалпоғи устидан боғланган кўк салласини, ёзилиб кетмаган бўлса-да, лекин одатича қўли билан тузатиб-тузатиб қўярди чол. Кабутарнинг қанотидек ёйиқ мўйловларини тўғрилаб, чўққи соқолини тагидан кафти билан силаб кўтариб қўйди.

– Нега боғламадинглар?

– Кексайиб қолган заиф чол. Қайсарлик қилгани йўқ, – жавоб қилди соқчи боши.

– Кекса бўла туриб босқинчилик қиялсанми?

– Бизнинг босқинчилигимиз битта: мис қуйишу гул солиш. Мис эса қилич эмас. Бусиз ҳеч нарсага сув солиб бўлмайди.

– Айёрлик қилма!

– Пайғамбаримиз ҳаққи, ростини айтяпман.

– Тақводорликка ўрганяпсанми? Аввал бу дунё ишларини бил. Қизил чопонли босқинчига пул бердингми?

– Ҳечам берганим йўқ.

– Одамлар кўришипти: сен берган пулни белбоғига қистириб олипти.

– Белбоғини ечиб, пул олмаганмикин? Балки ҳисоб-китоб қилмоқчидир. Бир кунда шунчалик кўп харидор келадики, ҳаммасиям эсда туравермайди.

- Қанақа харидор? Ҳаммасигаям пул беряпсан экан.
- Шунақа ҳодиса бўлгани эсимда йўқ.
- Эсингни жойига келтириб қўямиз.

Султон Ҳусайн бир мўйлов қилган эди, жаллодлар чолнинг устига ёпирилишди. Унинг юзларидан тирқираб қон оқди, қалпоғи билан салласи бошидан учиб кетди. Чол кўзларини юмиб, тоқатсизлик билан:

- Мис, мис, мис!.. – деб қичқирди.

Уни бир лаҳза тинч қўйганларида, Султон Ҳусайн:

- Эсладингми? – деб сўради.

Чол индамади, жаллодлар яна ёпишдилар. Чол қақраган оғзи билан хириллаб:

- Мис, мис, мис!.. – деди-ю, ҳушидан кетди.

Итариб-туртиб иккинчи маҳбусни келтирдилар. Бу Райим ошпаз эди. Қўли орқасига қилиб боғланган, шу ваядан елкаси яна кенгайган ва тик кўринарди.

Сабр-тоқати тугаган Султон Ҳусайн ўшқирди:

- Гапир, бўл, гапир! Бўлмаса...

- Айтаман, муддаоингиз нима?

- Босқинчиларни бепул боқдингми?

– Ўзим пиширган шўрва. Қўйни ўз пулимга сотиб олиб, ўзимиз сўямиз. Истаган кишимни сийлайман. Кимдан истасам, шундан пул оламан.

- Кимдан олмадинг?

- Ўзимга ёққан кишидан олмайман.

- Қизил чопон босқинчидан олдингми?

– Олдим. У бу ерлик эмас. Бизникилар шоҳи киймайди. Шоҳи кийиш уларга йўл бўлсин. – Ошпаз катта бурун катагини жийириб, яна деди: – Мунча бу ер кушхонадаги сингари сассиқ.

– Ишинг бўлмасин бу билан. «Бизникилар» дега-нинг кимлар?

– Бизникиларми? Шу ернинг эгалари. Ейдиган нарсалари йўқ бўлгандан кейин уларни боқамиз-да. Кел-

гиндилар билан нима ишимиз бор! Биз уларни бу ерга чақириб олиб келибмизми? Кимики биз билан бирга яшамоқчи бўлса, яшайверсин. Биз билан бирга қўй боқиб юраверади. Бизнинг қўйларни сўйса, узиникини – ўзи еса, бунақаси кетмайди. Унақаларни ўзимизникилар деб ҳисобламаймиз. Бунақалар бизнинг еримизнинг эгалари бўла олмайди.

– Қурол билан бизнинг одамларимизга ҳужум қиладиган дўстларинг қаёқда?

– Бунақа дўстларим йўқ.

– Дўстларинг ҳужум қилипти-ку, ахир. Бир эслаб, айт-чи уларнинг номини.

– Қандай айтаман, қайси бири ҳужум қилганини кўрмаган бўлсам.

– Эслаб кўр!

Яна жаллодлар ишга тушдилар.

Ошпаз тишини тишига қўйиб турди. Бир оз бўш қўйган маҳалларидагина у бир оз тилга кирди. Шунда Султон Ҳусайн:

– Эсингга тушдимми? – деб сўради.

Ошпаз оғриқни енгмоқ учун бошини қимирлатиб, жавоб қилмади, фақат ҳайратланиб:

– Вой, қассоблар-эй... – деди.

Ундан шундан бошқа нарса била олмайдилар.

Икки қўлидан маҳкам ушлаганча адоват кўзи билан термилиб турган новча ва озғин, учинчи маҳбусни келтирадилар.

Ҳамон душманларининг изини аниқлай олмаган Султон Ҳусайн, жаллодларни бир чеккага суриб ташлаб, тилсиз маҳбусларни ўзи дабдала қилишга тайёр эди.

– Айт, ифлос! Ким билан дўстлашдинг? Қизил чопонли билан қаёқдан иноқлашиб қолдинг?

– Ақлинг жойидами ўзи, номинг нима сенинг?

– Номим билан ишинг бўлмасин. Айт, суроққа жавоб бер, босқинчилар қаерда?

– Ўзинг босқинчисан! Бўлмаса ким бўлардинг! Ким тинч юрган савдогарларни ушлаб, талаб қийнайди, а? Эсингни едингми?

– Сени бу ерга гап сотгани келтирганлари йўқ. Сен қаёқдан савдогар бўлиб қолдинг? Ё савдо-сотифингни босқинчилар уясида қиласанми?

– Самарқанд сенга уя эмас.

– «Самарқанд!» Қизил чопон билан қаерда топишиб қолдинг.

– Нима-нима?

– У билан бозорда шивирлашиб, пул чўздинг-ку.

– Бу ёғи ўзимнинг савдо-сотик ишларим. Мирзага мол ҳақида мактуб ёздирганимда ўзимга нима кераклигини яхши биламан. Яхшиси, сен мени ўз ҳолимга қўй; мен ҳатто ҳукмдорнинг олдиғача ҳам бораман, сен босқинчиларни эса нафасингни учиртириб қўяман.

– Бориб бўпсан!

Бу маҳбусдан бир нарса чиқара олмай кўп қийнадилар: у бир жаллодни ғажиб ташлади, иккинчисини афтига тупурди, учинчисини пошнаси билан келиштириб тепди. Кўзларини чақчайтириб, хириллаб хўп сўкинди, тишлади ва чинқирди. Шундан кейин уни бир чеккага ташлаб қўйдилар. Ерда юмалаб ётганида белбоғидан Самарқандда мисдан ясалган олтин тахтакач тушиб кетди. Бу унга бегона юртларда савдо-сотик қилиш учун берилган ҳуқуқ эди.

Султон Ҳусайн ташвишга тушиб қолди:

– Бу нима деган гап? Ўзимизнинг савдогарларимиз ўз карвонларимизга ўқ узадими?

Савдогарни судраб олиб кетдилар. Унинг ўрнига бошқа бир маҳбусни келтирдилар.

Буниси қотма ва чаққон озарбайжонлик эди. У маҳбуслар орасидан сапчиб ертўланинг уртасига келиб, тез-тез аланглаб, Султон Ҳусайнни кўриб қолди-да, унга таъзим қилди.

Султон Ҳусайн кўзларини қисиб туриб:

– Ҳа-ҳа, қўлга тушдингми? – деди.

– Нима билан?

– Қизил чопон билан. Қанақа иш учун сен уни дўконга чорладинг?

– Буни эслаш гуноҳ.

– Яхшиси ўзинг эсла. Бўлмаса ўзимиз эслатиб қўямиз!

– Эркакларга хос юмуш билан: мактуб ёздириб олиш учун. Ҳофизнинг ғазалларидан келтириб, номага ёздириш учун. Муҳаббат изҳор қилмоқ учун.

– Қайси маънида?

– Бир жононга махфий нома.

– Махфий? Яхши гўзалми?

– Бошида эри бор. Эри карвон билан жўнаб кетганида мен унга ўз севгимни изҳор қилмоқчи эдим.

– Бизни лақиллата олмайсан. Қизил чопон сенга дўстмиди?

– Эски танишим. Ун беш йилдан бери сирдошмиз.

– Ун беш йилдан бери ёзадими?

– Камида. Мен у вақтда ҳали бўйдоқ эдим. Жон олғучиларга бир хил. Чиройли болаларга бошқа хил ёзади. Уста! Сўзга печан.

– Тирикчилигинг нима?

– Тўхтамиш бу ерларга келгунча олтинимиз кўп эди, ўшанда заргар эдим, узук ва исирға қилардим. Ҳозир, ўз-ўзидан маълум, олтин анқога шафеъ бўлиб қолди. Кул қизларни олиб сотишга ўтдим. Бу ишни ҳам ташладим, арзонга олиб, боқиб-боқиб фойдасига сотиш амримаҳол. Талаб йўқ. Агар сизга, мени яширинча олтинфурушлик қилади деб чақишган бўлса,

турган-битгани ёлгон! Уни кимдан ҳам олардинг. Олтини борлар аллақачон топширган. Бу ерда кўз-кўзни пойлайди.

– Сайраб бўлдингми? Энди тўғрилиқча жавоб қил: қизил чопонни қаердан танийсан?

– Айтяпман-ку, ўн беш йилдан бери менга ғазал-мактуб ёзиб беради, деб.

– Ахир унинг саводи йўқ-ку!

– Ҳазрат Али ҳақи!.. Унинг хати жуда чиройли, майда қилиб ёзади. Кўзни олади! Жимжимадор хат, шунақа бўлишиям керак.

– Демак, у бизнинг бошимизни ғовлатган экан-да. Бунинг устига... Қандай бўлди бу? Ўн беш йилдан бери сенга ёзиб бериб юрса... Ўзининг ёши йигирмага бормаган-ку... Нима, туғилган кунидан бери ёзадими-а?..

– Ёши қирқда. Мен ундан икки ёш каттаман.

– Сен ўзинг жинни-пиннимисан? Кишанда ўтирганнинг йўқми?

– Худо сақласин!

– Иккинчи ифлос ҳам, босқинчи мирза бўп қолди, деб лоф уради менга. Ҳаммангнинг тилинг бирга ўхшайди.

– Ҳақ гап бу, худо шоҳид!

– Сенингча қизил чопон ким бўлди, ўзи?

– Бу қандоқ гап? Уни билмасангиз, у билан нима ишингиз бор?

– Сен фақат жавоб қилишни бил!

– Унинг номи Зоидали. У мухтарам шаҳар қозисининг ҳурматли мирзалари. У кишини худо ҳукмдорнинг қаҳридан сақласин! Чиройли хати учун қози ҳам уни қадрлайди.

– Тўғрисини айтмасанг, савалаттираман. Қани гапир-чи!

У азобга чидай олмади. Исканжага солишлари билан чинқириб ҳушдан кетди.

Сўнгра бошидан сув қуйиб, яна сўроқ қилдилар. У калтак азобидан яна чинқириб-додлаб, қизил чопон шаҳар қозисининг мирзаси, қирқ яшар, деди.

Жаллодлар унинг гапига ишонмай яна саволни такрорладилар. У яна ҳушдан кетди.

Яна бир неча маҳбусни наридан-бери сўроқ қилдилар. Темур шаҳарни олганда булар пул бериб ўз жонларини сақлаб қолган ва эндиликда бозорда савдо-сотик ишлари билан шуғулланаётган кишилар эди. Улар ҳаммаси қизил чопонни бутун шаҳарга машҳур бўлган қозининг мирзаси кийиб юради, деб қаттиқ қасамёд қилдилар.

– Тил бириктирганмисанлар? Агар ўзларинг иқроп бўлмасаларинг, бадбўй инларингни тўздириб юбораман.

– Ахир қасамёд қиляпмиз-ку. Биз учун ҳақиқат қиммат нарса! Зоидалини бу ерда танимаган киши йўқ.

Темурнинг, Хатута кезиб юрган маҳалларида унинг пайдан бўлиб бир мўйига ҳам дахл қилмаслик тўғрисидаги фармонига, уни қизишмасдан кузатиш, агар Хатута пайқаб қоладиган бўлса, ҳатто суҳбатдошларига ҳам ёпишиб олмаслик тўғрисидаги буйруғига қарамасдан Султон Ҳусайн чидаб тура олмади: у ҳамма саркардалардан олдин босқинчилар уясини яксон қилиб, барчасини қўлга олгуси, бошқа шахзодаларни орқада қолдириб бобосига ўзини манзур қилиб, шахзодалар орасида биринчи ўринни олгуси келиб қолган эди.

«Қойил қолдирай, майли мен ҳукмдорнинг ўғилларидан эмас, қизидан тарқалганман. Мендай абжири улар орасида топилмайди!.. Бобомнинг кўнглини овласам бошқа ҳамма арзандаларини – анави Халилни ҳам, саводхон Улуғбекни ҳам, мишиқи Иброҳимни ҳам унинг бағридан осонликча ситиб чиқариб ташлайман. У вақтда тўғри Муҳаммад Султоннинг ўрнини эгаллайман!.. Тамшаниб ўтирмай, ўз ҳолига ташлаб

қўйилган ярамаснинг ийиғини чиқармасанг бир иш чиқмайди. Бунда ишни худди жанг майдонидагидек тезлик билан, ҳеч шафқатсиз бартараф қилиш керак. Бобом янги-янги босқинчиликларнинг изини йўқотмаслик учун Хатутани асраш кераклигини топширган. Мана босқинчилар ҳаммаси, улардан нима фойда? Улар ҳақиқатни айтармиди! Муллаям доим тўғри гапирмайди. Булар бари жиноятчи-ку, нимаям яхшилик чиқарди. Эчкини ушлаб тездан оёғидан осиш керак».

Қидириш учун юборилган кимсалар тез орада қизил чопоннинг дарагини топиб келдилар. Шу он Султон Ҳусайн ўзи унинг олдига, бозорга от солдириб кетди.

Мунажжимхона гумбази остидаги соя-салқин жойда мўйловсоз, сипо, бозор оқсоқоли қизил чопон билан суҳбатлашиб ўтирарди.

Султон Ҳусайн тўғри қизил чопон устига от солдириб бораверди. Шаҳзоданинг олдида кетаётган учқурлар:

– Пўшт, пўшт! Йўл беринглар! – деб қичқирди.

Қизил чопон ўзини бир четга олиб, аланглаб қолди, маълум бўлишича, бу кўзига катта оқ тушган, сийрак соқол, қотма бир киши экан.

– Тусингни ўзгартириб олдингми, а?

Султон Ҳусайн ўзини тутиб тура олмай унинг устига от билан бостириб бориб, телпакдўз дўконига қисиб қўйди; дўкондор ранги бўздек оқариб, икки қўлаб телпакларни йиғиштира бошлади. Султон Ҳусайн эса эхонаси ўйнаб кетган чўтирга ҳамла қилиб, эзиб, мажағлаб ташламоқчи бўлиб, бақирарди:

– Тусингни ўзгартирдингми-а?

– Менинг... гуноҳим нима?

Султон Ҳусайн дарҳол мирзани эслади: уни қозихонада кўрган эди. Ҳар томондан одамларнинг югуриб келаётганини пайқамаган Султон Ҳусайн:

– Чопон!.. Қаердан? – деб қичқирди.

Мирза орқасига тисарилиб, телпакдўзнинг дукони-га бориб ўтириб қолди, энди бошқа қимирлайдиган жой қолмаган эди.

– Ё худо! Ўзинг раҳм қил мен бандангга. Мен фақиру ҳақир сотиб олишга журъат этган эдим.

– Қаерда?

– Мана шу жойда. Гумбаз ортида.

– Кимдан?

– Чодра ёпинган бир камбағал кампирдан. Эрим ўлган, дейди. Ўзи арзонгина. Пулга муҳтож бўлдим, дейди. Ялиниб-ёлворди. Чопонга ишқибоз бўлиб қолдим. Яхши эмас, албатта. Жаноблари, гуноҳимдан ўтинг...

– Еч чопонни, еч! – деб бақирди Султон Ҳусайн унга ваҳшат билан, бошқа нарса дея олмай. У шундай катта ишни чалкаштириб юборган эди. Соқчиларга қараб қақраган овоз билан:

– Ушланглар буни! – деб амр қилди.

Ўз-ўзидан орқасига тисарилиб кетаётган соқчига қайрилиб қараб:

– Кўзинг қаёқда эди? Бу ерда кимни кўриқлаяпсан деб ўшқирди.

Султон Ҳусайн бир қамчи солиб, соқчининг бошидаги зилдек қалпоғини ерга учириб юборди. Сўнгра халойиққа қараб, яна қамчисини ўйнатиб:

– Кўрдингларми? Ўзини мирзаликка солиб олипти. Аслида эса босқинчи, ўшаларга хат ёзиб бериб юрган. Бундан бизнинг хабаримиз бор. Сизлар бўлса унга йўл қўйиб қўйибсизлар! Чопон кийиб биздан яширина олмайсан, биз ҳаммасини беш бармоқдек кўриб турамиз. Ҳадларингдан ошиб кетибсанлар-а, босқинчилар!..

У қаҳр-ғазаб ичида икки букилган мирзани олиб кетаётган соқчиларгаям, шаҳзоданинг ғазабидан тумтарақай қочган бозор аҳлигаям қарамасдан ўз масканига от солдириб кетди.

Шу он унинг ўрганган кўзлари йиртиқ кўйлак ва мой босган қора папоқ кийиб, деворга қапишиб қолган юмалоққина, қип-қизил юзли ўн яшар болага тушиб қолди.

Султон Ҳусайн ўйноқилаб кетаётган отининг бошини шартта буриб, ўзига тик қараб турган болага яна бир карра қаради-да, орқасида чошиб келаётган отликқа:

– Ушла уни. Керак бўлиб қолади, – деб амр қилди.

Шундан у бир оз таскин топгандай бўлди.

* * *

Султония карвонсаройига тушганлар эрта саҳарлаб ўринларидан туришди.

Устларига юк ортилган, туякашлар томонидан нуқиб безовта қилинган туялар бўкиришиб ўрnidан тура бошлади.

Бомдод намозини ўқиб бўлган карвонбоши савдогарлардан бирининг ҳамроҳлигида қовоғини уйиб турнақатор туяларни бир кўздан кечириб чиқди-да, бошдаги туя олдига қайтиб, эшакка миниб, тизгинни қўлга олди.

Қора кигиз чакмонга ўралиб, ранги айниган белбоғни ўраб, эски папоғини бостириб кийиб олган Хатута ўз эшагига миниб, карвонбоши ёнига келди.

Дарвоза очилиб карвон жунади. Бозор майдонини кесиб ўтиб, тор мискарлик растасига кириб бордилар.

Хатута ўз сандонлари олдида ўтириб, япалоқ ва майишқоқ мисларни даранглатиб болғалаётган мискарларга қараб борарди.

Буюмлари териб қўйилган кўпгина очик, хувиллаб ётган устахоналарни кўриб Хатута ҳайрон қолди. Уларнинг ичида на усталар, на халфалар кўринарди, гўё ҳаммалариям шу тобдагина бир жойга чиққандай эдилар.

Карвон ўз устахонаси ёнидан ўтганда қора мискар унга қовоғини солиб қараб турди-да, кейин юзини тескари ўгириб олди.

Ализода кулранг ғамгин кўзлари билан эски папокқа бир назар ташлаб қўйди. У Хатутага илгаригига қараганда ҳам ранги кетган ва уйга толгандек кўринди.

Мунажжимхона гумбази ёнидан ҳам ўтдилар. Бу ер, гарчи барча савдогарлар ўз молларини ёйиб ўтирган бўлса-да, одатдагича гавжум эмас эди.

Расадхона харобаларигача чўзилиб кетган кўчага бурилганларида шаҳар қозиси дарвозаси олдидаги майдонда шундай одам кўп тўпланган эдики, уларнинг орасини ёриб ўтиш қийин бўлди.

Одамлар карвонга истар-истамас йўл бердилар. Ҳамма дарвоза томонга қараб қолган эди. Бу ерда майдоннинг бўш ерида жангчилар от ўйнатиб тўпланган одамларни орқага тисармоқда эдилар.

Карвон нарига юра олмай, шу ерда тўхтади.

Халойиқ исканжасида қолган Хатута одамларнинг боши устидан қўл-оёқлари боғланган беш маҳбуснинг арқон осилиб турган баланд аравалар ёнида турганликларини кўриб қолди. Арқонларнинг сиртмоқлари маҳбусларнинг бўйинларига кийгизиб қўйилган эди. Арава жойидан сал қўзғалиши билан сиртмоқлар таранглашиб маҳбус гуп этиб йиқиларди. Аравакашлар эгар устида қўзғалиш ишоратини кутиб ўтирмоқда эдилар.

Хатута маҳбусларни дарҳол таниди. Бири ўзига пул берган мискар Ализода, иккинчиси ошпаз Райим эди.

Қолганларни биринчи марта кўриши эди. Бири барваста, йиртилиб кетган самарқандча чопон кийган, иккинчиси эса ҳадеб осмонга қараб бир нималар деб нола қилаётган озғин озарбайжонлик эди. Учинчиси эса кўзига катта оқ тушган, чўтир ва кўса, ранги бўздек оқариб кетган бир киши эди. Бунни, сиртмоқни

олдин тортиб юбориб йиқилиб тушмаслиги учун икки жангчи суяб турарди.

Жангчиларни тўсиб олган халойиқ шов-шув кўтарар, озарбайжонликнинг нима деяётганини Хатута англай олмас эди.

Султон Ҳусайн отда қози ва аллақандай отлиқлар билан дарвозадан чиқиб келганида ҳамма жим бўлиб қолди.

Султон Ҳусайн қамчисини ўйнатиб, ғазабнок юзини халойиққа ўгириб, қичқирарди:

– Босқинчилар! Биз билан урушмоқни хаёл қилиптилар-а! Булар қанақа жангчи бўлсин! Орамизда яшириниб юриб қўлга тушдилар. Биздан ҳеч ким қочиб қутула олмайди. Уларнинг афт-башарасига бир қаранглар! Қайси бирларинг буларнинг орқасидан борасизлар, ўйлаб кўринглар. Қаранглар! Ким боради? Сиртмоқ ҳаммага етарли. Босқинчилик қилишни мен сенларга ўргатиб қўяман!..

Хатута Ализодадан бошқа ҳеч кимга қарамас эди. Унинг яланг боши дир-дир титрар, ўзи эса Султон Ҳусайнга баст-жавоб қилишга тайёр турган одамдек, тап тортмасдан диққат билан тикилиб турарди. Чолнинг чап юзи калтак зарбиданми ёки бошқа нарсаданми кўкариб кетган, аммо соқоли ҳамон олдинга диккайиб чиқиб турарди.

Султон Ҳусайн қамчисини пастга қаттиқ силтаб:

– Биринчисини торт! – деб қичқирди.

Арава бир ғижирлаб қўйди. От жойидан дарров кўзғала қолмади. Ализода оғриқдан эмас, алам-ҳасратдан ижирғаниб, ерга йиқилди. Хатута уни бошқа кўра олмади.

Хатута юзини ерга қилиб олди. Ўзи ҳам йиқилай-йиқилай дерди, аммо одамлар уни зич қуршаб олганидан, йиқиладиган жой ҳам қолмаган эди.

Аммо бир лаҳзадан кейин ўзига келиб, ёнида турган одамнинг елкасига суяниб, қаддини ростлади.

Шу он бирдан тоғдан чуқур жарга сакраган ошнасининг илгари тушунилмаган сўзини энди англаб қолди:

«Чол доим ўша ерда». Ализода ҳалок бўлди. Аммо мискарлик растасида ўз жойида ўша ном ва қалб билан бошқа бир чол ўтирарди.

Чолга ачиниш бу кекса одамларнинг пинҳона жасоратига қойил қолиш билан қўшилишиб кетган эди. Хатута лабини қаттиқ тишлаб Султон Ҳусайнга тантанавор дадил қараб қолган эди. Султон Ҳусайн эса яна:

– Торт! – деб бақирарди.

Хатута Султон Ҳусайндан ҳам ғазабнок ошпаз юзига қарай олмай кўзини ерга қадаб олди.

Хатута араванинг кўзғалганини кўра олмай қолди. Фақат халойиқ устидан денгиз тўлқинидек шовуллаб ўтган бир шовқиннигина эшитиб қолди. Шаҳзоданинг янги фармони эшитилгунча ҳамма ёқ сукунатга толди.

Аммо фармонни эшитмаган халойиқ уриниб-суринарди. Ҳамма Султон Ҳусайннинг бўғиқ сўзларини эшитиш учун бўйнини чўзиб қарарди.

Султон Ҳусайн самарқандча чопон кийган савдогар атрофида ўралашиб қолди.

Узоқ, бегона юртда бўйсундирилган халқ олдида ўз самарқандлик савдогарини жазолаш, бегона юртлик маҳбуслар каби ўлдириш, бобосининг жаҳлини чиқариши Султон Ҳусайнни бирдан ўйлантириб қўйди. Агар у қароргоҳга ҳақиқий босқинчиларни келтирганида иш бошқача бўлган бўлар эди, аммо улардан ҳеч бири айбини бўйнига олмаяпти; ҳеч бирини на садоқ ва на қилич билан қўлга туширилгани йўқ. Қароргоҳ олдида юз ёришадиган бирор иш кўрсатгани йўқ, бундай ноқулай аҳволда савдогарга эҳтиётроқ бўлиш яхши эмасмикин?..

Жаллодлар фармон кутарди.

Султон Хусайн эса иши юришмаганидан дарғазаб бўлиб, энди нима қилсам экан, деб ҳадеб бош қотирарди, савдогар эса бўйнида сиртмоқ билан турар, бобосининг кўзга кўринмас даракчилари эса халойиқ ичида яшириниб, бу ҳодисаларни албатта томоша қилиб турган бўлса керак.

Жаллодлар ҳамон кутарди.

Жазолаш маросими тўхтатилди. Халойиқ эса бошини кўтариб, шаҳзоданинг ҳар бир ҳаракатини таъқиб этарди.

Нихоят, у жаллодларга секин деди:

– Бунисини қўя туринглар... Бу қандай гап? Самарқандлик савдогар йўлтўсарлик қилиптими? Бизда бунақа савдогар йўқ. Қўлга тушдингми? Нима, энди тавбангга таяндингми?

Савдогар оғиз жуфтлаб бир нарса дея олмасди. У фақат гўлдирарди:

– Қароқчилар! Тўғридан-тўғри бозорда талончилик! Молларимизни олиб кетдинглар! Менинг молларим қаёқда қолди? Ўғрилар!

– Бунисини қўя туринглар... Анави икковини тортинглар!

Жойидан баравар кўзғалган икки араванинг гупчаклари бир-бирига тегиб, тезда юриб кета олмади. Озарбайжонлик эса:

– Мен ҳали сенларга кўрсатиб қўяман! – дея олди холос.

Мирзани қўйиб юборгандилар, ўзи муккаси билан ерга тушди.

Аравалар ғилдираklarини ғижирлатиб, йиқилган кишини судраб кетганида, Султон Хусайн олдида самарқандликкина қолган эди.

Султон Хусайн дарғазаб бўлиб ўз қилмишларига қаттиқ ачинди-да, фармон берди:

– Ҳой йигитлар! Манавини ечиб қўйинглар! Йўлига кетаверсин. Бор, кет! Олди-сотдингни қилавер!

Аммо савдогар жойидан қимир этмай турар, фақат увишган қўлларини бир-бир ишқалаб, деди:

– Нимани сотаман? Аввал таладинг, энди бўлса «олди-сотдингни қилавер!» дейсан! Мен ҳали ҳукмдорга-ча бораман. Менинг молларим қаерда, дейман. Қайси ўғрилар талаб кетди? Унинг бошлиғи ким, дейман. Ўз савдогарларинг билан қандай муносабатда бўлишни у сенга ўргатиб қўяди. Ақлингни жойига келтириб қўяди. Келтирганда тағин қандай!..

Султон Ҳусайн тезда фаҳмласа, бу савдогарни қўйиб юбориб бошига бало орттирипти...

– Бунга раҳм-шафқат қилган эдим. Қарасам ўғри, босқинчи, сал бўлмаса қўлдан чиқадиған! Қани йигитлар, буни обориб, яна ертўлага ташлаб қўйинглар-чи. Босқинчилар кимлар эканлигини бир эсласин! Буни ҳукмдорнинг олдига ўзим олиб бораман. Ўшанда бу ажалидан беш кун бурун ўлади.

Султон Ҳусайн шуни деб қозихонага от солдириб кетди.

Халойиқ жазоланганларни судраб кетаётган арава орқасидан гуриллаб эргашди.

Одамлар сийраклашгач, карвон қўнғироқларини даранглатиб яна йўлига равона бўлди.

* * *

Карвон Мароғийдан йироқлашиб кетган эди.

Ширвоншоҳ Иброҳим тасарруфидаги Ширвон ерлари бошланган эди. Озарбайжон бекликларга бўлиниб ташланган, бирлашган давлат йўқ эди.

У замонларда ҳар бир шоҳ, ҳар бек, ҳар кичик-кичик мулк эгаси ҳам бир-бири олдида кеккайиб ва бир-бирдан хавотир олиб, қўшниларига муҳтож бўлмаслик, қўшниларининг ўзларидан кулиб: «гиламниям ўзим

туқиттираман, мискарларим ҳам бор, зардўзлар ҳам, аслаҳасозларим ҳам, пахта етиштирувчилар ҳам, май пиширувчилар ҳам, боғбонларим ҳам – ҳаммаси менда бор, сендан ҳеч нарсада қолишадиган ерим йўқ», дея олмасликлари учун ўз ер улушларида ҳамма нарсани етиштирар эдилар.

Башарти бирортаси пахта экмаса, қўшниси: «менда бор, сенда йўқ!» деб айтмасин деб пахта эктирарди. Агар бирортасиникида узум яхши пишмай, виноси сиркадек нордон чиқиб қолса, унинг соҳибкорлари ҳосилсиз ерда бўлсаям эгаси, «менинг ҳам ўз шаробим, ўз пахтаман ва буғдойим бор» деб мақтаниши учун нимжон тоқлар орасида ўралашиб юраверади.

Аммо халқ эса бошқа жойларда яхши ҳосил берадиган, аммо бу ўлкада яхши битмайдиган экинни ўстираман деб оғир меҳнат чекар, қийналар эди. Хўжайинлар эса бир-бирларидан кўрққанларидан ва қўли баланд келса бир-бирларига ҳасад қилиб қўшниларида бўлмаган нарсани ўз ерларида етиштирар эдилар.

Шоҳлар, беклар ва майда мулк эгалари ўз юртларини парча-парча қилиб ажратиб ташлаган, Озарбайжонда ягона давлат йўқ эди. Аммо Озарбайжон халқи, унинг қалби эса бирлашган эди. Ҳамма жойдаги сингари, бу ўлкада ҳам ҳар бир шаҳар ўз хислатлари, урф-одатлари, ҳунармандлари ва бинолари билан, ўтмиш замонлардаги ўз қаҳрамонлари ва ўз тарихи билан мақтанарди. Табриз ёки Урмиянинг донғини чиқарган усталарнинг Шамохийнинг ҳам, Ганжанинг ҳам донғини кетказган эди. Улар шаҳарма-шаҳар юриб ишлаб, ўз ҳунарларини бир-бирларига ўргатиб, умумий орзу ва қўшиқлари билан бир-бирларини хурсанд қилар, оқсоқ Темур ўз оилаларидан ва ҳамжиҳатларидан ажратиб узоқ Мовароуннаҳрга олиб кетиб қолган кишиларни эслашиб, хунибийрон йиғлашарди.

Темур томонидан Ширвоншоҳ тасарруфига қолдириб кетилган Ширвон ерлари бошланди. Темурнинг кўзи ўткир пойлоқчилари ҳам борган сари кўринмай сийраклашиб қолди; бу ерларнинг ҳавоси енгилдек туюла бошлади.

Кунлардан бир кун Хатутанинг карвони кучли отликлар ҳимоясидаги карвонга тўқнаш келди. Халил Султон кузатиб бораётган Ширвоншоҳ оёқлари ингичка қора тўриқ айғирга миниб олган эди. Унинг кўк зийига йўл-йўл қилиб қизил ип билан тикилган сафари мовут чакмони остидан кўкиш ва бинафша тусда ярқираб шоҳи камзули кўриниб турарди.

Гарчи у Темурнинг олдига кетаётган бўлса-да, кўзлари осойишта, майин боқар ва бу хатарли учрашувнинг оқибати қандай бўлишини ўзи ҳам билмаса керак.

Ширвоншоҳ билан нима тўғрисидадир сўзлашиб кетаётган Халил Султон қаттиқ хавотирли бир қиёфада кўринарди.

Уларнинг кетидан Халил билан Ширвоншоҳнинг аралаш-қуралаш бўлиб кетган, турли рангдаги яхши отлар минган суворийлари борарди. Икки отни, бири навкар, иккинчиси саман отнинг жilовини ушлаб борардилар. Гиламлар билан ёпилган бир неча соябон аравадан узилиб қолмаслик учун шошилмай йўл босардилар. Аравада бировни олиб кетилаётгани билиниб турар, аммо араванинг орқасидаги йўл-йўл палос чайқалиб, унинг ичини кўришга халал берарди. Йилқиларни ҳам ҳайдаб кетмоқда эдилар. Бир неча аравага турли юк ортилган эди.

Юмалоқ қилиб қора кигизга ўралган иккита узун юк Хатута карвонида кетаётган самарқандликка қизиқ туюлди.

У чидаб тура олмай, дуч келган аравакашдан, йўлни сураб-суриштирмоқ учун орқада қолиб кетди.

Улар йўлдан бир четга чиқиб гаплашиб турганларида, карвонлар бир-бирига йўл бериб ўтиб кетди. Жангчилар қуршовида индамасдан эгар устида ўқрайиб боқарди, иккинчиси эса осойишталикка мойил даранглаган қўнғироқ садоси остида аста жўнаб қолди.

Орқада қолган самарқандлик эшагини ғитиллатиб чоптириб ўз карвонига етиб олди ва теварак-атрофга хавотирли назар ташлаб кечагина тор бир дара ичидан ўтаётганларида карвонни аллақандай босқинчилар ўққа тутиб қолганини ва тоғ-тошлар орасида ҳеч қандай отлиқ уларга етиб ололмаслигини билиб, тездан яширинганини сўзлаб берди.

– Роса ўққа тутдилар-да, шоввозлар! Шундай соқчилар химоясида кетаётган карвондан нимаям олиб бўларди. Беш кишини ўлдирдилар. Шамохий вазири ёнида Қурдайбек суҳбатлашиб кетмоқда эди. Бирдан ўқ келиб Қурдайбекнинг чаккасига тегса бўладими! Устма-уст яна икки ўқ келиб тегди. Қурдайбек тамом бўлди. Шоҳни тўсмоқ учун вазир отини чоптирди. Лекин шоҳга кўриниш бериши биланоқ пешонасидан ўқ еди. Буниси, эҳтиёт бўл, деб шоҳга қилинган пўписа бўлса керак. Қолган учтаси соқчиларимиздан. Босқинчиларни қувамиз, деб ўқ еган бўлсалар керак. Қурдайбек билан вазирни кигизларга ўраб олиб кетишяпти. Бошқаларини ўша жойдаёқ дафн этишди. Бу босқинчилар гарчи кичик тўда бўлса-да, лекин ҳамма жойда изғиб қолган. Ҳамма жойда! Шундай йўлларда юриб савдо-сотик қилиб кўр-чи! Қашшоқлик, сотиб олишга ҳам ҳеч кимнинг қўрби етмайди.

«Эҳ, савдогарлар, савдогарлар, – деб ўйлади Хату-та, – йўллар хатарли эканини билишади, халқ эса қашшоқлашган, шундай талон-торож қилинган ўлкадан фойда қидириб ўзларини ўққа тутиб беришади-я!»

Кеч кириши билан туяларга хашак бериб олиш учун даранинг оғзидаги бир карвонсарой олдида тўх-

тадилар. Хувиллаб қолган кичик бир қишлоққа тушиб дам олиш керак эди.

Хатута харобалар орасида, тош уюмлари, ташландиқ боғларнинг ёнган ёки синдирилган дарахтлари орасида юриб оёғининг чигилини ёзди.

Баъзи жойларда гулларни ўт босиб кетган, ўтлар устида сопол коса ва кўзаларнинг синиқлари ётар, шувоқ ўтлар ва биқсиган тутун ҳиди анқирди. Сой устида, тепаликдаги ҳовли орқасида ҳамма ёғини дуд босган темирчи ишхона бор эди, қош қорайган бўлса ҳам бу ерда темирчилар ишлаб турарди.

Бутун йўл давомида дуч келган ҳар бир кимсага сарасоп солиб келган Хатута бу ерли одамларни ҳам назардан қочирмади: карвонсарой атрофида Темур жангчиларидан бошқа шу ерлик одамлар кўзга чалинарди.

Бекликларга бўлиниб кетган Озарбайжон ерларида халқ бир ёқадан бош чиқармаса, унинг бирлиги бузилса, Тухтамиш ва Темурнинг босқинчилик ҳужумлари натижасида ўн минглаб одамлар қабрга тиқилган, ўн минглаб кишилар асирликка олиб кетилган, бу ерлар шип-шийдам бўлиб хувиллаб қолган бўлар эди. Аммо ўша вақтларда тинчроқ бўлган вилоятларда яшири-ниб жонини сақлаб қолган кимсалар босқинчилик алангалари сўнгандан кейин кули кўкка совурилган жойларига қайтиб келиб, янгидан ҳаёт бошлаб юборардилар.

Гарчи ҳеч қандай иши бўлмаса-да, Хатута темирчилик ишхонасига кириб эшик олдида чўнқайди.

Темирчилар ҳеч ёққа қарамай така ясамоқда эдилар.

Ниҳоят, қип-қизил бўлиб яллиғланган ва мумдек эзилган такани челақдаги сувга ташлаб юборгач, темирчи ўгирилиб Хатутага қаради. Белигача чарм фартук тутиб олган темирчи ярим яланғоч ҳолда эди.

Кўмир алангасида у забардаст кўринар, кўкрак ва қорнини қоп-қора жун босиб кетган эди. У Хатутадан:

– Карвон билан келдингми? – деб сўради.

– Ҳа, ҳозиргина келдик.

– Йироқданми?

– Мароғийдан.

– Шу ерликми?

– Самарқандлик савдогарлар.

– Ўзинг-чи?

– Шамохийгача йўл кўрсатувчи.

– Оқсоқ йўл кўрсатувчисиз ҳам ҳамма йўлларимизни яхши билади. Савдогарлар билмайди дейсанми? Бекорга кўшилибсан.

– Сен ҳам бу ерликка ўхшамайсан.

– Армани.

Ҳеч қачон Мароғийдан нари чиқмаган, Арманистонда ҳеч бўлмаган Хатута:

– Арманиям темирчилик қиладими? – деб сўради.

– Керак бўлгандан кейин қилади-да.

– Арманилар савдогарлар-ку.

– Сенингча Арманистонда отларни болға билан эмас, ҳамён билан тақалайдиларми?

– Яна нималар қилишади?

– Бу ерда нима қилса, у ерда ҳам шундай, – мийиғида кулди темирчи. – Сен ҳам озарбайжонликка ўхшамайсан. Тилинг ҳам ширин, ҳуштак чалгандек сўзлайсан, Булбул деса бўлмас, озарбайжонлик ҳам эмас.

– Ҳуштак чалиб? – ажабланди Хатута. – Насл-насабим билан адигейман. Аммо шу ерда ўсганман.

– Карвонга қандай илашиб қолдинг?

– Тирикчилик ҳам керак-да!

– Одамлар ана шу қармоққа илиниб қоладилар. Улар сенга бир бурда нон берадилар, сен эса эвазига каллангни берасан.

Хатутага бу гап анча дадил айтилгандек туюлди ва:
– Биз ўз еримизнинг хўжасимиз, – деб жавоб қилди.
– Ундай бўлса бошқа гап! – деди темирчи. – Сенга темир керакми?

Хатута тезда фаҳмлаб қолди. Мискарлик растасида мис орқали баст-жавоб қилишган эдилар, темирчига эса темир билан баст-жавоб қилиш ўнғай. Кейин:

– Туяга тақа қоқилмайди-ку, – деб қўйди.

– Рост айтдинг, – деди темирчи кулиб. – Қани, бу ёққа ўтир-чи. Сенга бирор нарса керакмасми?

– Эндиги ишларимиз нима бўлади, шуни билишим керак.

– Нега йўл бошловчи бўлиб қолдинг? – деб сўради яна темирчи.

– Оқсоқдан қочиб.

– Ундай бўлса... нега Шамохийга йўл оляпсан?

– Бўлмаса, яна қаёққа борайин?

– Ўзингникилар олдига боришинг керак эди.

– Уларни қаёқдан топай? Улар мени йўллардан қидиришаётгани йўқдир.

– Туғри айтасан. Фараз қилки, бу ерда яшириниб юрганингда мен сени учратиб қолдим.

Хатута сергакланди, биринчи марта кўраётган одамга қандай қилиб ҳам ишонсин.

Темирчи унга маслаҳат бериб:

– Ана шу ерда, тоғда кутиб турасан. Ўша жойда бизнинг капамиз бор, – деди. – Одамларимиз келиши билан, ўшаларга қўшилишиб кетаверасан.

Хатута шубҳаланиб қолди: «Агар мени Темурга тутиб бермоқчи бўлса, ҳуштак чалса бас эди, ана улар теваарак-атрофда изғиб юрибди. Ишонмай илож йўқ».

Шу он бирдан суҳбат бўлиниб қолди: кутилмаганда кўққисдан, худди қоронғилик ичидан чиқиб келгандек, деҳқонча кийинган, узун ва ингичка бармоқлари

билан кулранг қулоқчиннинг тугунини ечмоққа ури-
наётган бир озарбайжонлик пайдо бўлиб қолди.

У темирчининг кўзларига қараши билан, армани
болғасини кўйиб, у билан бирга девор ёнига борди.
Озарбайжонлик шошиб-пишиб:

– Отлар еттита. Иккитасининг тақаси тушиб кет-
ган. Бошқаларининг тақаси ейилган, тошлик жойлар-
да сийғанади. Бу бизларга сираям тўғри келмайди;
бир ёрдам қилсанг, Арам.

– Бу ёққа опкелиб бўлмайди. Карвон келиб қолди.
Бегоналар кўп. Отлар қаерда ўзи?

– Яқин орада, сойнинг нарёғида.

– Мана, менинг шогирдим боради. Чўчиб юрманг-
лар, қоронғи бўлсаям чироқ ёқманглар. Қоронғидаям
ишлайверади у. Тақаларни оборади.

Шуларни деб темирчи кун бўйи тайёрланган тақа-
лар уюлиб ётган бурчак томон юрди ва улар ичидан
ярайдиганларини танлаб олди. Кейин шогирдига қа-
раб:

– Боринглар, лекин оқистароқ, у ерда темирчилик
йўқ, – деб тайинлади.

– Раҳмат, Арам, ўзимиз ҳам биламиз.

Улар қоронғилик ичида кўздан ғойиб бўлишлари
биланоқ, темирчи уларнинг орқасидан чақириб:

– Бирпас шошманглар-чи!.. – деб қолди.

Кейин Хатутага юзланиб:

– Сен, энди нима қилай деб сўровдинг-а? Шамохий-
га бориб нима қиласан? Анавиларнинг олдида боравер.

– Ўзимизникиларми?

– Ўз ерларининг эгалари.

Озарбайжонлик кўмир алангасининг хира ёруғи ту-
шиб турган қоронғироқ бир чеккада турарди. Хатута
унинг олдида бориб саломлашди.

Улар қоронғилик ичига кириб яшириндилар.

Темирчи сандони олдига қайтиб, қорачироқни яқинроқ суриб қўйди-да, бошқа шогирдини чақирди.

Итоаткор болға остидан яна бир-бир кетин учқунлар сочиб тақалар ясалиб чиқиб, челақдаги сувни ва жирлатиб биқирлатаверди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ ҚАРОРГОҲ

Шаффоф туман орасини ёриб ўтган тонг ҳукмдорнинг ўтовини нурга чўмдирди.

Темур ўтовидан ташқари чиққан маҳалда бир томони қора кўланка ичидаги оқ намат бир оз чайқалиб қўйди. У ўтов олдида кўзларини қисиб туриб, энди уйқудан турган кенг қароргоҳга бир назар ташлади, бир маромда, секин эшитилган овозларга қулоқ солди. Беҳисоб туғлар ва яловларнинг эрталабки шабадада чайқалиб ҳилпирашини, гулханларнинг илк тутунлари қандай ўрлаётганини томоша қилиб турди. Темурнинг ўткир саҳройи кўзлари оддий тартибнинг андаккина бузилганини ҳам, жангчиларнинг бир жойда керагидан ортиқ тўпланиб қолганини ҳам дарров пайқаб олди: «Бу тўпланган жангчилар нима қилишяптийкан?» Эгари олиниб, бошини қуйи солиб турган отга кўзи тушди. «Ким келган экан у ерга?» Бир хилдаги ҳаётдан безган жангчиларнинг гурунглашиб, қий-чув қилиб турганларини кўриб: «Ҳадемай кўнгилларининг чигили ёзилади», деди.

– Яқин орада чигиллари ёзилади, – қароргоҳга орқа ўгириб ғўлдиради у. Кейин секин оқсоқланиб, соқчилар ёнидан ўтов орқасига ўтди. Бу ердан тепалик ён бағрига Ширвоншоҳ учун қурилган янги ўтовлар яққол кўриниб турарди.

Темур кўлларини орқасига қилиб, бу ўтовларга қараганча узоқ туриб қолди. Балки уларга томон юзини

угирган бўлса-да, лекин энди у томонга қарамаётгандир, у ёққа бунчалик узоқ қараб туришининг ҳожати ҳам йўқ.

Аммо у бу ерда ёлғиз эди, уни ўз ўтови бутун қароргоҳдан тўсиб қўйган. Бу ерда уни баланд осмонда парвоз қилиб юрган бургутдан бошқа ҳеч кимса ҳам кўрмаса керак.

Илк офтоб нурларида илиган кўз илғамас жойлар саробдек жимир-жимир қиларди.

Темурнинг ним қоронғи ўтовга киргиси келмасди. Тез орада унинг олдига Нуриддин ва Чингиз авлодидан бўлган Султон Маҳмудхон ҳамда шоҳ Маликлар келади. Улар турли ўлкалардан – Арманистондан, Боязидга қарашли шаҳарлардан, Суриядан, Мовароуннаҳрдан ва бошқа кўп жойлардан даракчилар тунда келтирган кўпгина хабарларни текширадилар.

Ҳали қуриб қовжирамаган қалин ўт устига ёнбошласа яхши бўлар эди. Аммо илож йўқ: у ёш болаям ёки оддий бир жангчиям эмас, ўт устида ётганини одамлар кўришса ҳайрон қолишади. Қоқ ерда ҳеч нарса тўшамасдан ётиб ухлаган вақтлари ҳам кўп бўлган эди. Баъзан қаттиқ қоқ ер ва янтоқдан бошқа ҳеч қандай ўт-улан ҳам бўлмас эди.

Темур оқсоқ оёғини ўт устидан бир олиб ўтган эди, ҳали шудрингдан вазминлашиб турган ўтлар яссилашиб ётиб қолди.

Кейин, секин оқсоқланиб, ўз ўтови олдига қайтди, йўл-йўлакай юзлари юмалоқ, қорачадан келган, қийиқ кўзлари гўё пинҳона кулгидан қисилгандек барлос соқчилар олдида тўхталди. Уларнинг момиқдек силовсин қулоқчинлари бутун бошларини қоплаб, елкаларига тушиб турарди. Барлослар эшикнинг икки ёғида иккитадан бўлиб, қўлларида шамшир ушлаб, Темурнинг назари тушганда нафасларини ичларига ютиб, қаққайиб туришарди.

Темур уларга қараса-да, лекин уларни балки кўрма-гандир, чунки уларга узоқ тикилишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Унинг диққатини ўтовини қўриқлаб турган, лекин унинг ташқари чиққанини пайқамай қолган уч аъён ўзига тортган эди. Улар пастликдан қароргоҳ томондан югуришиб чиқишар, ўзларининг рухсатсиз йўқ бўлиб қолганликлари учун Темурдан яхшилик кутмасдилар.

Лекин ҳукмдор:

– Келаётган шоҳни қаерга жойлаштирасиз? А? – дебгина кўяқолди.

Шунда улар кетиб қолганликлари учунгина саҳр қилмаганликларини, балки фаросатсизлик ҳам қилганликларини ўзлари тушуниб қоладилар. Шоҳни бирга олиб келиш учун шаҳзоданинг ўзи кетганини, уни иззат-икром билан бошлаб келаётганини, шоҳни оддий ўтовда қабул қилмасдан, балки тонг ёришгунча ҳашамли чодир тикиб кутиб олиш кераклигини пайқамаслик қандоқ гап ахир! Токи ўзга юртнинг подшоси жаҳонгирнинг куч-қудратинигина эмас, балки унинг дабдаба-ю асъасасини ҳам бир кўриб қўйсин-да.

Темур шундан бошқа бир сўз айтмасдан ўз ўтовига қараб йўл олди.

Ўтовнинг икки томонидаги кигиз ғириллаб шабада ўтиб туриши учун бир оз кутариб қўйилган эди, Темур ёруғ тушиб турган шу жойдан гоҳо офтоб шуъласидан товланиб кўринган майса ўтларга, гоҳо аллақандай саҳро қушининг сайраши эшитилиб турган ёққа қараб-қараб кўярди, гоҳо эса ўчоқлар устида беҳисоб устундек кутарилган паға-паға тутунлар томонга, қароргоҳнинг одатдаги ғала-ғовури эшитилиб турган томонга қараб кўяр эди.

Гўё катта бир куч серсув дарё бўйидаги кўнгилли бир жойини оромгоҳ қилиб тўхтагандек эди. Куни кеча хуросонликлардан тузилган қўшин етиб келган

эди. Темурнинг катта қўшини ўн минглаб бегона юрт-ли жангчилардан тўпланган қўшин эди; асирга олинганларнинг энг яхшилари танланиб қўшинга қўшиб олинган, қолганлари эса ишлаш учун жўнатилган ёки кул бозорида сотилган эди; агар қуллар орасида бозорга чиқариб сотиш учун яроқсизлари бўлса, уларни чўлга обориб ўлдириб юборадилар. Темур одамлар билан ҳайвон подаларини бир-биридан фарқ қилмас, соғлом кишилар олиб қолиниб, кекса ва бедармон кишилар ўлдирилиб ташланарди. Хўжаликда оғир юк бўладиган, нафи тегмайдиган ҳеч нарса қолдирилмасди. Темур кўп мамлакатлар ва неча ўнлаб подшоҳликларидан ташкил топган давлатини жуда билиб, усталик билан бошқарар эди.

Шу кунлари қароргоҳга жуда кўп қўшин тўпланган, уларни Темур чақиртирган эди. Ўзлари учун ажратилган жойларни эндигина ишғол қилиб, ўз чодир ва ўчоқларини қуриб олган, ўттиз мингдан кам бўлмаган бу хуросонликлар кўпдан манзил қурган қароргоҳнинг кундалик ҳаётига сира халал бермасдилар.

Куни кеча Шоҳруҳ ўз чопари орқали Темурнинг фармони олиши билан ўз қўшинини тўплаб, ҳукмдорнинг байроғи остида қўшинини ўзи бошлаб келишини хабар қилган эди. Аммо Темур Шоҳруҳни кутмасликка жазм қилганидан, Шоҳруҳ сафарга чиқишга унчалик ошиқмасин, ундан кўра яхшироқ қуроллансин, деб жавоб қайтарган эди. Ҳиротга бориб тартиб ўрнатмоқчи бўлган мансабдорларга, уруш сафари олдидан ўғлини ранжитмаслик учун, Шоҳруҳдан ўч олишни кейинроққа қўйишни буюрган эди.

Темурнинг невараси – форс ҳокими Пирмуҳаммад бобосининг фармонига ҳеч қандай жавоб қилмади. Ўша вақтларда йироқ Ҳиндистон чегарасида турган унутилмас Жаҳонгир Мирзанинг ўғли, катта Пирмуҳаммад эмас, балки бошқа невараси, курдлар томо-

нидан улдирилган, узбошимча Искандарнинг акаси. Гавҳаршодбегимнинг синглисига уйланган, Ҳирот шаҳодаси Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммад жавоб қилмади. Унинг жавоб қилмаганини Темур уруш сафарига боришни истамаганлик ва фармонга итоат қилмаслик деб тушунди. Гавҳаршодбегимнинг таъсири бўлмаганда бу иш рўй бермас эди.

Энди Темур шабадада роҳат қилиб, бир оёғини буюкиб ўтирар экан, оқсоқ оёғини тинчитадиган ҳолатни топа олмай уни гоҳ йиғиштириб олар, гоҳ чўзиб ўтирарди; гарчи бу фаслларда ҳаво қуруқ бўлиб, ҳеч нарса ёғишдан дарак бўлмаса-да, лекин оёғи зирқираб оғрирди. Аммо оғриган оёғини гоҳо кафти билан ишқалаб-ишқалаб, теварак-атрофига назар ташлагани ҳолда, ўз маслаҳатчиларининг гапларига астойдил қулоқ бериб ўтирарди.

Шоҳ Малик Мовароуннаҳрдан келган даракчилар тўғрисида гапирарди. Муҳаммад Султон Искандарнинг айби билан муғуллар устига қилинадиган юришни тўхтатиб, бир қисм қўшининигина қайтариб юбориб, қолганларига эса ўша юришдан сал бурун Сирдарё бўйида, кўчманчи саҳройилар чегарасида, Ашпарада қурилган кичкина қалъаларга кириб жойлашиб олишни буюрибди. Итоатсиз Искандар эса Кўксаройда соқчилар назоратида эмиш. Унга шаҳар ташқарисидаги боққа чиқиш учун фақат онда-сонда рухсат этилармиш, аммо шундайм ёнига ишончли ҳамроҳлар қўшиб берилармиш. Нақшчилар оқсоқоли, ўктам Шодмулкнинг отаси уйида ҳаёт бир маромда давом этаётган эмиш, отаси қизининг ҳеч қандай ноҳўя ҳаракатларини сезмаётган ва хулқ-атвори тузук, ҳозирча ҳеч қандай ноҳўя иш ундан содир бўлмаётган эмиш. Савдогарлар олди-сотди ишларидан мамнун эмишлар, аммо баъзи бир касб эгалари норози эмиш: савдогарлар молларини пуллашга йўл қўймас, нархи-

ни ерга ураётган эмиш, кўксаройлик усталар ясаган молларни кўпроқ олаётган эмиш; бу моллар гарчи қиммат турса-да, лекин харидорнинг кўзини алдар экан. Заминдорлар эса ариқ-зовур қазиш ишларини фуқарога ташлаб қўйиб, сув келганида эса ўз боғларини суғорар, сув қаҳатчилигидан деҳқонларнинг ерларида ҳосил унмасмиш. Бунинг устига бу мансабдорлар ариқ оқсоқоллари билан аксари жанжаллашиб, ўз ерларига хўжайин эканликларини пеш қилиб, ариқ ва зовурларни қазишга тўсқинлик қилармишлар.

Самарқандда масжиди жоме қурилиши давом этаётган, Бибихоним қўл остидаги меъморлар ғишт тараётган эмиш. Масжидда саҳннинг икки томонига хужраларнинг деворини тиклаганлар, мадрасада эса гумбазини ҳам бошлаб юборибдилар. Жалда ҳукмдор олдига ўз одамини юбортириб, қурилишдаги ютуқлар билан мақтанмоқчи бўлибди. Мадрасадан ҳар ҳафта Бибихоним ҳузурига чопар юборилар ва унинг олдидан ҳам кўпинча одамлар келиб турармиш. Бибихонимда ҳамма нарса мўл-кўл эмиш, масжид қурилишида эса сир солиш учун гоҳ зар етишмас, гоҳ новвоснинг қони етишмас эмиш; натижада сиркорлик иши яхши чиқмаётган, усталарнинг қўл остида эса яхшиси йўқ эмиш. Кушхонадан қон келмай қолганида эса Бибихоним ўз молларини ҳеч бир аёвсиз сўяверишга буйруқ берипти. Кечалари салқин бўлгани учун қонни у кишига мешларда келтирилармиш. Сиркорлик учун зар ва кумуш меъморларда тўлиб ётган эмиш. Бу тўғрида ишлар тўхтаб қолмас, бировдан сўрамас ва кутиб қолишлар ҳам рўй бермас эмиш. Олтинларнинг эса кўпини Жалда ўзи учун яшириб қолаётган эмиш, шу сабабдан масжиддаги сиркорликка етишмаётган эмиш. Мана бундоқ гаплар ҳам бор эмиш. Жалда тайёр кошинларни Бибихоним одамларига катта фойдага

сотаётган эмиш. Масжид қурилишига олиб борилиши керак бўлган кошинлар мадрасага кетаётган эмиш.

Темурнинг чап томонида ўтирган мирза ҳукмдорнинг ишорати билан даракчилар келтирган хабарлардан баъзиларини ёзиб олар эди. Темур ўз одатича янги хабарларга қулоқ солиб ўтирар, аммо маслаҳатчилардан ташқари, танҳоликда ўйлаб ҳукм чиқарар, ўзидан баъзан ун кунлик масофада бўлган кишиларнинг тақдирини ёлғиз ўзи ҳал қилар эди.

Форсдан келган бошқа даракчилар Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммад уруш сафарига тайёрланиш ўрнига олим табиблар билан суҳбатлашиб, уларнинг маслаҳати билан қандайдир кўкатни қайнаттириб, хатарли бир заҳар тайёрлаётган эмиш, аммо бу заҳарнинг нима учун кераклигини ҳозирча билиб бўлмабди, деган хабарларни келтирдилар.

Мароғийдан келган даракчилар Султон Ҳусайннинг маҳбусларни қаттиқ жазолаётгани ҳақида, улар орасидан босқинчилар тўдасини топмоқчи бўлиб урингани, лекин ҳеч нарса топа олмагани, адигейни қўлдан чиқаргани тўғрисидаги хабарларни келтирдилар. Адигейни анчагача ҳеч қаерда учратмаганларидан кейин уни қидириб карвонсаройга борибдилар, аммо у ердаги хужрада унга тухфа қилинган гилам дўппидан бошқа нарса қолмабди. Султон Ҳусайн эса шу дўппининг пайдан бўлишни тайинлабди. Балки адигей келиб олиб кетар деб, икки кун пойлашибди. Энди бўлса изи йўқолипти. Бундан ғазабнок бўлган шаҳзода ҳатто ўз самарқандлик савдогаримизниям қийноққа солипти. Ҳатто уни осиб ўлдирмоқчим бўлипти-ю, лекин қўрқиб яна зиндонга ташлатиб қўйипти. Ҳозир энди қайтишда қуруқ қўл билан қайтаётган эмиш, жазолаш учун бу ерга савдогарни босқинчи деб опкелаётган эмиш.

Яқин орада отнинг туёқ товуши эшитилганда ҳам Шоҳ Малик даракчиларнинг хабарларини етказмоқда эди. Шу он туёқ товуши эшитилди, жангчи қароргоҳ соқчиларнинг бошлиғи Шайх Нуриддинни чақириб қолди.

Шайх Нуриддин тўғри мирзалар ўтовига қараб йўл олди. Бу ўтовдан сал нарида отидан тушиб унинг ёнида ўзини кутиб турган жангчини кўрди ва уни дарҳол таниди. У ўз отлиқ жангчиларнинг ўнбошиси эди.

– Ҳуш, нима хизмат?

– Ҳунук хабар.

– Қаердан?

– Мен меҳмонларни кутиб олиш учун чиққан Шайх Маннур ҳузурида эдим. Бизларни Иброҳим Султон билан Мирза Улуғбекни қўриқлаш учун юборган эдилар, ҳукмдор уларни Мирза Ҳалил Султон билан Ширвоншоҳни кутиб олиш учун юбортирган эдилар. Кун кеча тунда чўлда эдик. Бирдан тонг маҳалида бизга саккизта босқинчи ҳамла қилиб қолди. Ўн иккита жангчимизни ўлдирдилар, олтитасини чала ўлик қилиб отдилар.

– Босқинчилар қаёқда қолди ўзи?

– Саккизовиям ҳар тарафга қараб от солдириб қочди. Бизникилар отлангунча уларнинг изиям йўқолди. Ҳамма ёқ туман эди. Қарасак, отлари янги тақаланган, учқур. Туманда уларни қаёқдан топиб бўлади дедик. Шундан кейин Шайх Маннур хабар қилиш учун мени бу ёққа жўнатди. Мирза Улуғбек, нега орқасидан қувмадиларинг, деб қаттиқ ғазабланди. Қандай қилиб қувиб бўлади.

Шайх Нуриддин хижолат ичида ҳукмдор олдига қайтди. Шоҳ Малик Султон Ҳусайннинг Мароғийдаги беҳуда қидиринишлари, адигейнинг ғойиб бўлиб қолгани тўғрисидаги гапларини энди тугатаёзган эди, бу-

нинг устига яна босқинчилар ҳақида дарак! Ҳукмдор шундай ғазабнок бўларки, худо ўз паноҳида сақласин!

Шайх Нуриддин чопони барини тиззасигача кўтариб, узун ва ингичка оёқлари билан чўккалаб юриб Темурнинг ўтовига кириб борди-да, пойгоҳдаги гилам устига ўзини ташлади.

Уни кузатиб турган Темур:

– Ҳуш, нима гап? – деб савол ташлади.

– Марҳаматли шоҳим, шаҳзодалар карвонидан чопар келди. Яна босқинчилар ҳужум қилибди! Саккиз киши эмиш.

– Шаҳзодалар қаёқда қолди?

– Худо ўзи асрабди. Жангчиларимиздан ўн киши ўлдирилибди.

– Босқинчилар ўзи нима бўлибди?

– Туманда қочиб қолишибди.

– Дам тоғ-тош, дам туман, дам дарё – бизга ҳаммаси халақит беради, уларга ҳеч нарса, а?

Темур Шайх Нуриддинга, икки минг чоғлик отлиқ жангчиларингизни олиб, у ярамастарни топиб қуршаб олинг-да, майда-майда қилиб чопиб ташланг, деб фармон беришга тайёр турарди.

Аммо шу он яна ўзига келиб, бутун қароргоҳ кўз ўнгида, саккиз аблаҳни қувиш учун икки минг чоғлик одам юбориш!.. Унда бу саккиз кишининг куч-қудрати ҳақида жангчилар қандай ўйларга борадилар-а!

Ғазабини зўрға ичга ютганидан ранги оқариб кетган Темур:

– Бу даракчининг сўзларини оддий жангчилар эшитганлари йўқми? – деб сўради.

– Ҳамма ёқ жангчи эди. Отини ҳам ушлаб туриб эдилар.

– Ундай бўлса энди бутун қароргоҳга гап тарқалади: босқинчилар энди шаҳзодаларгаям таҳдид қила бошлапти-да. Энди бизларнинг ҳаммамизниям омон

қўймайди, дейдилар. Миш-мишлар нималигини била-
сизми ахир?

Ранги оқариб кетган Темур ўрnidан туриб, оқсоқ
оёғига зўр бериб босиб, кенгашчилар даврасини ёриб
ўтиб, тўғри эшик томон юрди. Хукмдор худди ўз усти-
га ташлангандек ҳанг-манг бўлиб қолган Шайх Нурид-
дин ўтов деворига қапишиб қолди. Темур эса унинг
узун оёқлари устидан ҳатлаб ўтиб, ташқари чиқди ва
шу он кўз ўнгиди Самарқанд барқутидан ажойиб гул-
лар ва нақшлар солиб, зар билан йўл-йўл қилиб тикил-
ган, Ширвоншоҳ келиши шарафига тикилган баланд
чодир намоён бўлди. Чодир иплари табриз усталари
томонидан ўймакор қилиб ишланган қизил олтин қо-
зиққа тортилиб қўйилган эди.

Темур чодирнинг вазмин, лекин майин этагини
кўтариб, ичига назар ташлади. Ерга тўшалган оқ на-
мат устидан гуллари ярақлаб турган қип-қизил Са-
марқанд гилами тўшалган эди.

Чодирнинг учи ерга кўмилган, Ҳиндистонда фил
суягидан йўниб ишланган ва бир-бирига кийгизила-
диган пояга тиралиб турарди. Кўксаройда хуросонлик
усталар томонидан қизил олтиндан қўйилган иккита
шамчироқ, Ҳурмузда фил суягидан йўнилиб ишланган
ва ўша ёқдан шаҳзода Муҳаммад Султон томонидан
бобосига туҳфа қилиб келтирилган тахтнинг икки
томонида турарди. Деворларда эса қилич, шамшир ва
ханжарлар осиглиқ турар, уларнинг дасталарига қа-
далган қимматбаҳо тош ва олмослар товланиб ярқи-
рарди. Чодирнинг саккиз бурчагига осилган сернақш
қалқонларнинг асл тошлари ҳам ярақ-ярақ қилиб,
кўзни қамаштирар эди.

Агар Темур катта сафарларда ўнта катта темир сан-
диққа жойланган бу чодирнинг ҳамма жойда кучли
соқчилар ҳимоясида орқасидан эргашиб юрганлиги-
ни билмаганида эди, назарида, эрталаб офтоб нурида

ўт-ўланлари товланиб турган яланглик бир даланинг қоқ ўртасида худди муъжизадай кўққисдан пайдо бўлиб қолган бир нарса деб билган бўлар эди...

Кўпгина зафарли юришларни эслатган бу ярқироқ чодир ҳукмдорнинг ғазабини босгандек бўлди. Чодирни айланиб ўтган Темурнинг ранг-руйи андак ўзига келган ва унчалик оқсамас ҳам эди.

У яна бир неча қадам ташлади.

Бу жойда Шайх Маннур томонидан юборилган серсоқол суворий, отининг жиловидан ушлаб, атрофини ураб олган жангчи ва мирзоларга озарбайжонликларнинг қилган ҳужуми тўғрисида ҳикоя қилиб турар эди. Бу гапларни тинглаётганлар серсоқолнинг атрофига уймалашиб олишган, жўнаб кетишга фармон кутган чопарлар эса ерда ёнбошлаб ётиб, қулоқ осар эдилар. Янги хабарларни дунёнинг ҳар бурчагига ёювчилар бор эди.

Темур кўринган маҳалида, ҳар вақтдагидек, баъзилар унинг кўзларига тик боққанларича таъзим қилиб хушвақтлик билан табассум қилиб турсалар, баъзилар кўлларини кўксиларига қўйганларича таъзим қилиб, ҳурккандек орқага тисарилиб туришарди.

Темур ҳаммага эшитиларли қилиб баланд овоз билан отликдан сўради:

- Ҳуш, айт-чи, бу қизилбошлар неча киши эди?
- Валлоҳу аълам, саккиз чоғли киши бўлса керак.
- Нима, сен мулламисан? Очиқроқ айт: қанча эди?
- Саккизта.
- Бизникилар-чи?

– Бизнинг мингбошимиз Шайх Маннур кўл остида икки юз чоғли, яна бунинг устига соқчилари билан шаҳзодалар ҳам бор эди. Жами бўлиб уч юз кишидан кам эмас.

- Бизникилардан қанчаси ўлдирилди?
- Жасур жангчиларимиздан ўн икки киши.

– Қизилбошлардан-чи?

– Ҳаммаси қочди.

– Ҳаммаси?

– Бешикаст қочди.

– Қандай қилиб қочди?

– Бизникилар отларини ечиб, ўзларини эгарга олгунларича, қалқонларни келтиргунларича босқинчилар тумтарақай қочиб бўлди. Қувганинг билан фақат биттасига ета оласан, холос. Қаердан топиб булар эди уларни? Тонготар маҳалида ҳамма ёқни туман боғгани эди. Осмон оқариб қолса-да, ер усти эса қоп-қоронғи эди. Тонг отиши билан изларига разм солиб қарадик. Теварак-атрофда эса битта ҳам босқинчи кўринмас эди.

– «Жасур жангчилар» деяпсанми? Жасурлар бировларнинг чўлида мижжа қоқмайди, душманни яқин йўлатмайди, кўрдими – кўлдан чиқармайди. Тоғлардаги эчки подаларни отиб ташлаб, уйга безарар қайтиш мумкин. Жасур жангчиларни бемалол отиш мумкин эмас. Уларни отиб ташлаган бўлсалар, демак улар жангчилар эмас, балки эчкилардир! Эчкилар! Уларни отиб ташлаган бўлсалар ажаб бўпти. Жангчи ҳар вақт сергак туриши керак. Қувиб етолмаганларни, вақтида бир жойга тупланмаганларни, Шайх Маннурга буюраман: бутун қароргоҳнинг кўз унгида ҳар қайси бирини эсидан чиқмайдиган қилиб ўттиз таёқдан урдирсин. Бу қолган бутун қароргоҳга ибрат бўлсин. Қизилбошларга баракалло! Уларнинг ёрдами билан кўшинимизни эчкилардан тозалаб оламиз. Хужум қилгани учун раҳмат! Улардан кўрқиб бизлар учун кулгили-ку ахир! Эҳтиёт бўлмоғимиз, ҳар биримиз душмандан асранмоғимиз керак.

Бир оёқлаб туришдан чарчаган Темур иккинчи оёғида босиб турди. Утовлардан чиқиб келган кенгашчилар орқа томонида жим туришарди.

У яна қўшимча қилди:

– Мана сен... жасур жангчиларимиз деяпсан. Анқов, эчкиларни жасур жангчилар деб мақтаганинг учун сенгайм ўттиз таёқ. Шайх Нуриддин фармон беринг. Тезлик билан ноғоралар чалинсин, бутун қароргоҳ эшитсин. Нима учун калтакланаётганларини билдириш учун фармонни ўқиб эшиттиринг. Ҳақиқий жасур жангчиларни мен эчкилар билан аралаштиришга йўл қўймайман.

Темур қайрилиб, аъёнлар ҳамроҳлигида ўз ўтовига қараб йўл олди.

Шайх Нуриддин қолиб, отличнинг қўлидан жиловни олиб, қўлларини бураб, пастга, қароргоҳга олиб тушиб кетганликларини кўриб турди. Шундан кейин Шайх Нуриддин ҳам пастга, оти боғлаб қўйилган ёғоч олдига тушиб кетди.

Бирпасдан кейин бутун қароргоҳ бўйлаб ноғоралар тарақлади; карнай ҳам наъра тортди, лекин қароргоҳга яқинлашиб келаётган Ширвоншоҳ, менинг келиш шарафимга карнай чалиняпти, деб ўйламаслиги учун Шайх Нуриддин карнай чалишни тўхтатиб қўйди. Агар унинг келиш шарафига карнай чалиш лозим бўлса, бошқа фармон берилади, бу фармонни шоҳ Малик беради, шоҳ Малик билан Султон Муҳаммад қароргоҳга кираверишдаги ғов олдида Ширвоншоҳни кутиб олмоқ учун жўнаб кетдилар.

Калтаклашлар учун қароргоҳ тикилганда ўртасидан атайлаб ажратилган жойга томошабинларни чақириб ноғоралар сайради. Ҳукмдорнинг Бухоро, Самарқанд ва кўпгина машҳур шаҳарлардаги сингари, боргоҳи олдидаги майдонни Регистон деб атаганларидек, жангчилар ҳам бу жойни Регистон деб аташга одатланиб қолган эдилар. Бундай майдонларда фармонлар ўқиб эшиттирилар, одамлар жазоланар, томошалар ўтқазиларди.

Ноғоралар гумбурлар, баланд от минган Шайх Нуриддин ноғорачилар орқасида турарди. Кимни нима учун ва қандай жазолашларини кўрмоқ учун жангчилар ўз ўтовларидан чиқиб келдилар. Қўллари қайрилиб боғланган гуноҳкор қора соқоли устидаги қалин, негадир қип-қизил лабини чўччайтириб ҳайратомуз қарарди.

Ноғоралар овози тинганда Шайх Нуриддин ноғорачилар олдига чиқиб, қўйнидан қоғоз олди-да, саводи бўлмаса ҳам қоғозни қўлида ушлагани ҳолда йиғилган томошабинларга қараб серсоқол жангчининг айбини эълон қилди: бу одам тоғ эчкилари ёки чўл жайронларидек ўзларини бемалол ўққа туттириб берган анқовларни жасур жангчилар деб атади. Ҳукмдоримиз эса чинакам жасур жангчиларини, оддий қизилбошларни ҳам қувиб тута олмайдиган анқовлар билан аралаш-қуралаш қилишга йўл қўймайдилар. Қизилбошлардан ким ҳам кўрқарди дейсиз! Душмандан эҳтиёт бўлиш керак, агар у бошини суқса уни ўққа тутиб, тутдек тўкиш керак. Бу одам бўлса анқовларни жасурлар демоқчи бўлди. Лапашанглиги ва анқовлиги учун ана шу жасурлар шу ерда кечки пайт ўттиз таёқ билан жазоланади. Қизилбошлардан кўрқишипти-я! Қувишга эринишипти-я! Душманни ўққа тутиш ўрнига ўзларини ўққа тутиб беришипти-я! Ана шунақаларни жасурлар деб бўладими? Шундай дегани учун ўттиз таёқ ёмоқчи, анави, оти нима эди?.. Оти қурсин!

Ноғора садолари тиниб, Шайх Нуриддин ноғорачилар олдига келиб чиққанида, Ширвоншоҳ карвони қароргоҳга яқин келиб қолган эди. Ширвоншоҳга пешвоз чиққан Султон Муҳаммадхон ва Шоҳ Малик билан ғов олдидаги бирпаслик мулоқотдан сўнг карвон қароргоҳдаги ўтовлар оралаб салмоқ билан ба тартиб ўтиб кетди.

Султон Муҳаммадхон билан Шоҳ Малик олдинда, уларнинг кетидан Ширвоншоҳ Иброҳим билан Халил Султон, уларнинг орқасидан эса Улуғбек билан Мирза Иброҳим борардилар.

Улардан кейинда мансабдорлар, жангчилар ва юклар борарди.

Шайх Маннур тўдасида эса тунда соқчилик қилган, лекин ҳужум вақтида анқовлик кўрсатган ўттиз ёки қирқ чоғли жангчи кечкурун баданларига ўттизтадан таёқ урилишидан беҳабар савлат билан гердайишиб борардилар.

Ноғоралар яна гумбурлаган, жаллодлар айбдорларнинг орқасида таёқ ўйнатаётган бир вақтда карвон қароргоҳ ўртасидан ўтди.

Карвон ўтовлар орасидаги тор йўллардан савлат тўкиб, салмоқ билан ўтиб кетарди. Ўтовлар орқасида эса турлича кийинган ва турли яроғ-аслаҳалар билан қуроолланган, башаралари бир-бирига ўхшамаган, гўё дунёнинг турли-туман халқларидан тўпланган, лекин бир хилда ёвуз, тўқ ва мамнун кўринган ҳисобсиз жангчиларнинг яроғ-аслаҳа ва қурооллари ярақ-ярақ қиларди. Ширвоншоҳга Темур жангчилари доим шундай кўринардилар.

Ноғоралар гумбурлар, Ширвоншоҳ Иброҳим Шайх Нуриддин олдига етиб келиб, отини тўхтатиб у билан салом-алик қилишган пайтда ҳам, жаллодлар ўз ишлари билан жуда банд эди.

Бутун карвон ҳам тўхтади. Ширвоншоҳ жаллодлар ҳамон калтаклаётган кишининг дабдаласи чиққан орқасига кўз қирини ташлаб:

– Нима учун уряптилар? – деб сўради.

– Сизларнинг босқинчиларингиздан карвонингизни яхши кўриқламагани учун.

Ширвоншоҳ ўзининг вазири ҳам қурбон бўлган ҳужум тўғрисида сўзлаётган бўлсалар керак деб ўйлаб,

ёқмаганиданми ёки миннатдор бўлганиданми, индамай бош ирғаб қўйди.

Шоҳ билан Халил Султоннинг отлари узоқ туриб қолганларига хурсанд бўлиб бошларини ирғитар эдилар. Аммо Ширвоншоҳ отини узанги билан секин нуқиб қўйди. Шу билан карвон ўзига йўл берган қароргоҳдан тартиб билан аста ўтиб кетди.

Ноғораларнинг товуши тинди, чунки калтаклаш тамом бўлган эди. Орага чўккан жимликда жазоланганни кўтариб оёққа турғизмоқчи бўлдилар.

Мирза Иброҳим қайрилиб қараб, жангчиларнинг ўз шерикларини кўтаришга уринаётганларини кўриб қолди-да, Улуғбекка ғудранди:

– Қандай жангчи бўлдики, уни оёққа турғизмоқчи бўлсалар? Шароб ичгандек жуда бўшашиб кетипти. Соқоли эса пастга тортиб кетяпти.

Калтакланган кишини кўрганда ҳар доим ранги оқариб кетадиган Улуғбек эса елкаларини қисиб:

– Яхши жангчини бобом ҳеч қачон ранжитмайдилар, – деб қўйди.

Катталарга қараганда кишига ғамхўрроқ бўлсалар ҳам, ўзлари такаббур бўлган ёш шаҳзодалар отлари устида ўз қоматларини ростлаб олиб, карвонни томоша қилишга югуришиб чиққан ун минглаб одамлар олдидан ўтиб кетдилар.

Аммо йиғилган халойиқ – ҳисобсиз жангчилар, қароргоҳда ҳозир бўлган савдогарлар, яқин орада ишлаб турган ҳунармандлар шаҳзодаларга эмас, бу болаларни улар қароргоҳда кўп кўриб юрар эдилар, балки гоҳ устига гиламдан соябон қилинган, гоҳ оддий қоп ва тойлар ортилган араваларга суқланиб қарардилар: бу араваларда шоҳ нималар келтиряпти экан деб тусмоллар, яроғ-аслаҳамикан-а? Совға-саломмикан-а? Кимга, қандай нарсалар экан-а? – дердилар.

Карвон уша жимлик ичида секин-аста тепалик-ка кутарилиб, ширвонлик меҳмонлар учун қурилган утовлар олдига яқинлашди.

Йўлдан чарчаб келган Ширвоншоҳ жойлашиб дам олволсин деган мақсадда шахзодалар у билан хайрлашиб, Халил Султон билан бирга уч киши бўлиб қароргоҳга тушиб кетдилар.

Улар бу ерда ажралишлари керак эди, Халил Султон ўз қўшини томон, болалар эса қароргоҳнинг чеккаси билан юриб, маликаларнинг утовлари томон чиқиб кетишлари керак эди.

Лекин Халил болаларни чақириб:

– Мен сафар кийимларимни ўзгартириб олай, бирга борамиз, – деб қолди.

Улуғбек Халилнинг таклифни ҳеч қачон рад қилмас эди. Акасининг гапи Иброҳимга маъқул тушди. Улар ҳамроҳлари етиб келишини кутмасдан учовлари Халил Султон қароргоҳига от солдириб кетдилар.

Халилнинг ўтови олдида унинг яқинлари – туман оғалари, мингбоши ва мирзалари, ҳатто мусиқачилари ҳам тўпланишиб туришарди. Яна, уруш сафарларида шахзодага ҳамроҳ бўлиб юрувчи юзлари юмалоққина, муъжазгина, самарқандлик Мавлоно Бисотий, ҳасса таяниб букчайиброқ юрадиган бухоролик Исматилло ҳам шу ерда ҳозир эдилар. Шоир Исматилло Халилга назм ёзиш қоидаларидан таълим берар, ўз шогирдининг шеърларини гоҳо билдирмасдан тузатиб қўяр эди.

Халилнинг ўзларига хайрихоҳ эканлигини билган бу шоирлар унинг кетидан ўтовга эргашиб кирдилар.

– Бу сафарингизда шавқ илҳомингиз нечук бўлди? – деб сўради Хўжа Исматилло.

– Биз у ерда Камол Хўжандийнинг ғазаллари билан айтиладиган мақомлардан баҳраманд бўлдик. Улар бу шоиримизни яхши танишар экан.

– Камолми? Э мирзам, у биз томонлик бўлса ҳам бизники эрмас.

– Ахир у Хужандда дунёга келиб, Самарқандда таълим олган-ку. Қандоқ қилиб бизники бўлмасин?

– У бизга зид бўлган нарсаларни мадҳ этади. Шу сабабдан улар куйлаган чиқарлар.

– У ерда ажойиб нуроний бир чол ўз ғазалларидан куйлаб берди.

– Ширвондами? У ерда шоирлар бор. Менинг қўлимга шамохийлик шоир ал-Хуруфийнинг ғазаллари тушиб қолди. Баҳодирларимиздан бири қўлга туширган экан. Кейинчалик мен бу ғазалларни йўқотиб қўйдим, аммо ажойиб ғазаллари бор эди-да. Бироқ мазмуни худога қарши.

Халил ювинмоқ учун ўтовдан чиққан маҳалида Исматилло жимиб қолди.

Шаҳзода қайтиб киргунча, шоир соқолини силаб, катта оқ салласининг ғижимини тўғрилаб олди, сўнг-ра ингичка бармоқлари каҳрабо тасбеҳини ўгира кетди. Иккинчи шоир на шаҳзодага ва на Исматиллога қарамай, мағрур қиёфада, бир нарса устида қаттиқ ўйланиб қолган эди. Бирдан тилга кириб:

– Хуруфий Фазлулло, – деди. – Мен Табризда учратганман. Кейин у Табриздан Ширвонга қочган, биздан қочган. Муғамбир чол. У шеъриятда оқиллик тарафдори. У ярамас чол. Шогирдлари эса унинг маслакдошлари бўлиб, худо номидан ҳукмдорларни савалайдилар, муносиб кишилар ҳоким бўлишни унутадилар. Ким ҳоким бўлади? Худо насиб қилган киши. Фазлулло ҳар бир ҳарф илоҳийдир, шу ҳарфлар билан Қуръон ёзилган. Демак, шу ҳарфлар билан ёзилган ҳамма нарса муқаддас. Одам дунёнинг тамали деган фикрни, «вахдатил вужуд»ни тасдиқловчи ярамас шеърлар ҳам, Қуръон ҳарфи билан ёзилгани учун муқаддас

эмиш! Бу йўлдан озганларни Парвардигор ўзи кўриб туради.

Исматилло Бисотийнинг гапига кўшилишди.

– Шу важҳдан ҳам мен Парвардигорга қарши бўлган ярамас ғазалларни улоқтириб юборганман. Ҳуруфий ўз шогирдларини ҳақиқат йўлидан оздиради, аммо унинг мухлислари беҳисоб кўп. Мен ширвонликлар мақтаб кўкларга кўтарадиган бир йигит тўғрисида эшитдим, қандайдир Насимий деган шоир эмиш. Аммо у Насимий эмас, унинг номи Имомиддин. У ҳам шу ерлик оддий халқ тушунадиган тилда ёзади ва ўз халқининг фикрини чалғитади. Мен ўзларини олим қилиб кўрсатиб, ҳаётларини сақлаб қолган ва ҳукмдоримиз Самарқандга келтирган кишилар билан суҳбатлашдим. Улар ўз мақсадларини яширин тутадилар, лекин ўзлари ўша Ҳуруфий билан Насимийнинг мухлисларидирлар ва ҳаммалари ҳуруфийчилардир; ўз халқларининг тинчлигини бузишимизни сира-сира истамайдилар; вақти келиб улар бизнинг ҳимоя ва ҳомийлигимиздан халос бўлиш ниятидалар. Мен ниятларини пайқаб қолдим, лекин улар ўзларини пинҳон тутадилар. У ерда улар билан оғиз-бурун ўпишган дарвишлар ҳам бор!

– Уларга ишона кўрманг! Асло ишона кўрманг!..

Шоирлар кулишиб, ўринларидан қўзғалдилар, чунки Халил қайтиб кирган эди.

Исматилло қўлидан тасбеҳини тушириб юбориб, яланг оёғи билан уни босиб олди-да, тийғониб кетди ва ҳамма тургани ҳолда у ноқулай ҳолда ўтириб қолди, Халил Султон ҳукмдор олдига борадиган либосини кийиб олди.

Бехосдан ўтириб қолган Исматилло, ўтираверсамкикин ёки турсамкикин деб тараддудланиб қолди. Унинг туриб ўтираётганини ҳамма пайқаб қолиши мумкин. Аммо у икки букилиб бўлса-да, туриб олди.

Улуғбек шоирнинг бу тараддудларини пайқаб Иброҳимни туртиб қўйди. Болалар бир-бирларига қарашиб олиб, ўзларини тутиб тура олмай кулиб юбордилар.

– Нега куляпсизлар? – сўради Халил, кейин: «Балки шўхлик қилишаётгандир» деб ўйлади. Лекин бегона кишилар олдида улар билан бемалол гаплашгиси келмади.

Иброҳим дарров гап топиб:

– Эсимизга калтакланаётган серсоқол жангчи тушиб қолди, – деди.

– Соқолнинг катта-кичиклиги доим хизматнинг катта-кичиклигига мос тушавермайди, – деб қўйди Халил. Темурнинг қароргоҳига яқинлашганда, Халил ёш шаҳзодалардан айрилиб, отининг бошини тик сўқмоқ орқали бобосининг ўтовига қараб бурди.

Болалар маликалари ўтови сари йўл олдилар. Отларнинг туёғи кириб ўйиб ташлаган сўқмоқ йўл топталган ўтлоқ орасида илон изи бўлиб кетган эди. Катта ўтовлар забардаст қад кўтариб турарди.

Одамлар кучманчилик ҳаётининг қонун ва қоидаларига риоя қилган ҳолда у ёқ бу ёққа юриб туришарди.

Баъзи ўтовларнинг эшиги олдидаги ёғочга усти рўмол билан ўралган тўрқовоқда беданалар осиб қўйилган эди. Беданалардан бири тез-тез, қаттиқ сайрар, баъзан авжигача чиқа олмай бўғилиб хириллаб қоларди.

Иброҳим йўлда тўхталиб:

– Яхши бедана экан-да, – деб қўйди.

Гарчи Улуғбекнинг ўзиям беданалар сайрашига ишқибоз бўлса-да, лекин Иброҳимнинг ҳам ишқибозлигини билгани ҳолда унинг ғашини келтириш учун:

– Мен кўпроқ сихдаги беданани яхши кўраман, – деб қўйди.

Болалар кўпинча бир-бирлари билан тортишишни яхши кўрардилар. Ҳатто шоирларга нисбатан ҳам уларнинг майллари бир-бирларига тўғри келмади.

– Шамохийлик шоир тўғрисида гапирганида муҳтарам Бисотийнинг ҳақоратомуз сўзларини қара-я... Мен унинг ғазалларини ўқиганим йўқ. Насимий? Насимий ҳавойи демак, шундай бўлса керак, а?

– Кўринишича, Бисотий ҳам Насимийнинг ғазалларини ўқимаган. Бу ғазалларни қаердан топса бўлар экан-а?

– Бу шоирлар орқали топиш амримаҳол бўлса керак! – деб кулиб қўйди Улуғбек, лекин шу он ичида: «балки Халил у ерларда бўлган, ёрдам қилар-ей», деб ўйлади.

– Қизиқ: бизнинг мураббияларимиз бу қадар койиниб гапирган шоир қанақа шоир бўлди экан? Албатта топиш керак!

Девонини бўлмаса-да, Насимийнинг бир неча ғазалларини биринчи бўлиб топишни болалар ўз кўнгилларига тугиб қўядилар.

Катта тош чарх олдида бир неча жангчи енгини шимариб олиб, сўкинишиб, чаққонлик билан қиличларни чархларди, пулат қиличлардан қип-қизил учқунлар сачрарди. Жангчилар чарх устига энгашиб, бош бармоқлари билан тиғнинг ўткирлигини текширишарди, ҳатто қўлларининг жунини қириб кўришарди.

Жангчилар ишга шундай берилиб кетган эдиларки, ёнларидан ўтиб кетаётган шахзодаларга ҳеч бири қайрилиб ҳам қарамасдилар.

Шу ерга келганда улар ажралишлари, Улуғбек ўз мураббияси Сароймулкхонимникига, Иброҳим ўз мураббияси Малика Туман бегимникига кетиши керак эди.

– Сен ўша ғазалларни топасан деб жуда-жуда умид қиламан! – деб эслатиб қўйди Иброҳим.

– Агар сен ҳам ахтарсанг мени жуда хурсанд қилган бўлар эдинг. Бунинг учун сенинг вақтинг купроқ.

Аммо уларнинг ҳар бири ширвонлик шоирнинг ғазалларини яширинча ўзи топмоқчи бўлиб, қаттиқ аҳд қилиб қўйди ва буни ўзларининг шарафли бурчлари деб билди.

Улар ажралишиб кетаётганда бу масалани ҳал қилишда кимнинг устози ёки хизматкори ёрдам бераркин деб ўйлаб, уни тезроқ ҳал қилиш устида бош қотиришар, ишқилиб анави мендан илгари бирор иш қилиб қўймасин, деб хавотир олишарди.

Улуғбек мураббиясиникига етар-етмас ҳукмдорнинг қароргоҳида от чоптириб келаётган Халил Султонни кўриб қолди ва акасини кутиб тўхтади.

Халил Султон отидан тушаркан:

– Бобомнинг ҳузурларида саркардалар бор экан. Улардан озиқ-овқат, қурол-яроғ ва ўқ-дориларнинг етиш-етмаслигини суриштиряптилар. Уларнинг кенгаши тамом бўлгунча, бувимни кўриб келай дедим. Юр, бирга борамиз.

Бувисининг ўтови олдига келганда Улуғбек қопга юмалоқлаб тикилган узун нарсалар ёнида акасининг бир неча хизматкорлари уймалашиб турганини кўриб қолди. Улар Халил Султонни кутиб туришар ва афтидан, уни бунчалик тез қайтиб келиб қолар, деб ўйлашмаган бўлсалар керак. Хизматкорлар баравар қопга ёпишиб, аранг кутаришиб шаҳзоданинг орқасидан юрдилар.

Неваралар кириб борганда бувилари ранжиган бир қиёфада эди: Бибихоним олтин ўрдалиқ мансабдор Ҳамза Мирзани жазоламоқда эди. Бу одамни Темур бундан бир неча йиллар бурун Бибихонимнинг хўжалиқ ишларини бошқариш учун тайинлаб қўйган, шундан бери у шу вазифани бажариб келарди.

Улар Ҳамза Мирзани ажиб бир ҳолатда учратдилар: уни тўпиғидан арқон билан боғлаб, одам бўйи баробарида тўсинга осиб қўйган эдилар, боши эса ерга тегай-тегай деб турарди. Бошига қон қуйилган бу одам гоҳо хириллар, гоҳо қонталаш кўзларини очиб юмарди.

Улуғбек қизиқсиниб шу ерда тўхталиб қолди, Халил эса ичкари кириб, бувисига салом берди.

Хизматкорлар унинг кетидан юмалоқланган қопни олиб кирдилар. Халил, Ширвондан келтирган арзимас совғани қабул этсангиз, деб илтижо қилди.

Бувиси ҳам марҳамат кўрсатиб:

– Қани, қани, очинглар-чи, – деб рухсат этди.

Унинг кўз ўнгида катта шамохий гиламини ёйиб ташладилар, бу гиламга унинг ўтови кичиклик қилиб қолди.

– Жой торлик қилиб қолди, Халил. Ташқарига, ялангликка опчиқиб ёзиб кўрсак. Олиб келганинг учун минг раҳмат.

Бувиси уни бағрига босиб, пешонасидан ўпиб қўйди. Бу маҳал ўтовга кириб қолган Улуғбек юмшоқ гиламни кўриб қолди-да, ҳаваси келганидан ўзини тутиб туролмай, унинг устида умбалоқ ошиб, бувисининг олдига бориб қолди.

Аммо у Улуғбекнинг бу ҳунаридан ҳам хурсанд бўлмади. У нимадандир қаттиқ хафа бўлганидан невараларининг жавобларини паришонхотир бир аҳволда тамшаниб ўтириб тингларди.

Халил суҳбат асносида пайт пойлаб туриб:

– Оёғи осмонга қилиб осиб қўйилган Ҳамза Мирза нима гуноҳ қилибди? – деб сўради.

– Идилдан келтирилган сандиқдаги чиройли, гулдор заранг коса билан қошиқни писанд қилмай жангчиларга бўлиб берипти. Ўрнига эса қандайдир Гуржистондан келтирилган ёки шу ерда ўлжа олинган мис идишларни солиб қўйипти. Менга ёғочдан

ясалгани керак эди. Мис билан кумушдан ясалгани ҳар кимда топилади. Олтин билан ҳам ҳеч кимни танг қолдиролмайсан. Олтин ҳаммада ошиб-тошиб ётибди. Ёғочдан ясалган идиш эса ҳеч кимда топилмайди. Уни Идилдан Урда саройи орқали, денгиз оша келтиришади. Унга ҳар хил таомни солиб есанг бўлади, оғизни куйдирмайди. Мен унга бу идишларни эҳтиёт қил, деб айтувдим, у эса улашиб юборибди. Унга гулдор мис идиш билан бу ерда ишланган қимматли кумуш буюмлар қадрли. Шунақа нарсаларни у яхши сақлайди. Мен нимани яхши кўрсам, тарқатиб юборади. Шу сабабдан ҳам уни тўсинга остириб қўйдим.

– Ўлиб қолади-ку, юзлари бўғриқиб кетибди, ҳашпаш дегунча ўлади! – деди Халил.

– Чидайди! Ҳеч бало бўлмайди.

Шаҳзодалар бувилари билан гаплашиб ўтирар эканлар, Ҳамза Мирзанинг осилганлиги тўғрисидаги хабар Темур олдида ҳурмат ва мартабага эга бўлган кўп дўстларининг қулоғига етиб борган эди.

Бувисининг йўқлигидан фойдаланган дўстлардан бири айбдор мансабдорнинг боши олдида чўнқайиб ўтириб, унга тушунадиган қилиб гапиришга уринди:

– Сабр қилинг, ука. Ҳозир мен тезлик билан ҳукмдорнинг олдига бориб гуноҳингизни тилайман. Бунақада ўлиб қолишингиз ҳам мумкин. Бирпасда тамом бўласиз. Сабр қилиб туринг, мен чопиб бориб келай.

Аммо Ҳамза Мирза хириллаб ва оғир нафас олиб, гудранди:

– Асло бора кўрманг. Иложи борича сабр қиламан. Агар хоним чақимчилик қилинганини эшитиб қолсалар, энди оёғимдан эмас, худди томоғимдан остириб юборадилар. Отнинг думига боғлаб, саҳрода судратадилар. Бўлмаса... бошқа бир жазо ўйлаб чиқарадилар, яхшиси, иложи борича сабр қилай. Отга судратгандан кўра шу яхшироқ. Хонимнинг қаҳри қаттиқ. Унинг

фармонини ҳукмдор ҳеч бекор қилган эмас. У ҳозир негадир... жуда қаҳрли.

Сароймулкхоним неваралари билан гаплашиб бўлиб, Халилга жавоб берди:

– Бобонг кутиб қолгандир сени. Бор энди, Улуғбек, утириб гапимга қулоқ сол. Борганингдан кейин итоатсизни қўйиб юборишга фармон берарсан. Иккинчи менинг сандиғимга қўл урмас. Бепарволик қилиб қўл силтаса боши кетадир.

Улуғбек Халилни кузатиб қўймоқчи эди, бирга чиқдилар. Ҳамза Мирза энди оҳ-воҳ қилмас, нафаси ўчган, тўсинда зилдек бўлиб осилиб ётар эди, лекин бўртиб ва лўқиллаб турган чакка томирларидан ҳали тирик экани кўриниб турар эди.

Халил билан бирга кетар экан, Улуғбек ширвонлик шоир ҳақида гап очди.

– Билмапсизми, Халил ака, ширвонлик Ҳуруфий ва Насимий деган шоирларнинг ғазалларини қаердан топса бўлади? Улар тўғрисида сизнинг мураббиянгиз шундай ёмон гаплар қилдики, бу тўғрида ундан сўраш...

– Қўлида Ҳуруфийнинг ғазаллари бор эканми?

– Афсуски ташлаб юборганмиш.

– Бундай гапларга сира ишона кўрма. Улар қўлига тушган нарсани сира ташламайди. Сандиқ ёки қутига солиб, яхшилаб сақлайди. Билишимча, Насимийнинг ғазалларини эшитиб билармиш.

– Назаримда менгаям шундай туюлди.

– Аммо қидиртирамиз. Низом Холдорни ширвонликлар олдига юбортираман. У билан бирга келдик. Низом улар орасидан кўп дўстлар орттирган.

Ушалардан билиб келади.

– Ақалли бир неча ғазали бўлсаям... Қандай шоир экан?

– Номи нима эди? Насимийми?

– Унинг номи, айтишларича – Имомиддин, тахаллу-
си Насимий экан.

– Имомиддин? Бошқасиники-чи?

– Ҳуруфий, қари чол.

– Имомиддин ва чол? – Халил Султон бу жумбоқ-
дан ажабланган ҳолда тўхталиб қолди. Ҳуруфийнинг
номини кечқурун ўз шоирларимиздан суриштираман.
Агар унинг номи Фазлулло бўлса, мен уни кўрганман.
Э, Улуғбек, агар у уша бўлса... жуда таъсирли! Ҳуруфий-
лик тариқати? Жуда мароқли!..

– Ҳа, шундай-шундай, улар Фазлулло деб айтдилар.

– Жуда мароқли...

Кейин Халил Султон бутун йўл бўйи жим борди.

Улуғбек бобосининг ҳузурига ижозатсиз киргиси
келмади, бобосининг ўтови олдида кўзни қамашти-
риб ярақлаб турган ўзига яхши таниш, лекин ҳар са-
фар уни ўз салобати билан ҳайратга солувчи чодирни
бир оз томоша қилиб тургач, орқасига қайтди ва На-
симийнинг ғазалларини Иброҳимдан олдин топишда
Халил Султон балким менга ёрдам қилар деган фикр-
дан жуда суюниб кетди.

Бу ғазаллар қандай бўлишидан қатъи назар,
Иброҳимдан илгари қўлга киргиши керак эди.

Ўтиришдан чарчаган бўлса керак, Темур ўтовнинг
ўртасида тик турар эди, у Халил Султонни қаршилаш
учун юрар экан:

– Ҳуш, қайтиб келдингми? Уқдан омон қутулиб қол-
дингми? – деб сўради.

«Эҳе, бобомга дарров хабар келипти-да. Қандай ул-
гуради-я у. Менга қарашли одамлардан ким бобомга
холис хизмат қиларкан-а?»

– Худога шукур, омон келдим.

– Нега улар сени аяптилар-а?

– Худонинг марҳамати.

- Йўқ, улар сени аяганлар. Нега?
- Мен уларга ҳеч раҳм қилмаган эдим, бобо.
- Ана улар аяганлар!
- Нима учун бундай раҳм-шафқатга сазовор бўлганимни билмайман.

- Жангу жадал ҳақидаги нарсаларни ўрганиб ол. Кўрдингми: Қурдайбекка бараварига уч ўқ отишипти. У ерда катта хато қилган, уларга алам ўтказган. Шу сабабдан хато қилмай унга уч ўқ узишган. Ўқ ёнгинангга келиб вазирга теккан, билсанг, улар бехато отишади. Сенга қараб отишмаган. Сабаб?

- Қайдам. Онт ичаманки, уларнинг илтифотларига сазовор бўладиган бирор иш қилганим йўқ, ахир.

- Бас, маълумки, улар бу билан мени огоҳлантиришмоқчи. Хўш, Ширвонда нима гаплар бор?

- Билсам, улар қурол-яроғларни яширишипти. Кўп экан. Шоҳ халққа қурол бермапти. Ҳатто нон ҳам бермапти.

- Эҳтиёт қилаётгандирда, а?

- Қайдам. Балки истамаётгандир.

- Кимдан билдинг? Гап тарқалмаслиги учун у одамни йўқотиш керак.

- Йўқ, ўзим билдим.

- Сенинг билганингни улар ҳам билишадими?

- Йўқ.

- Ўша одам, ахир, битта сенга хизмат қилмаса керак! Махфий юборилган эмасмикин ёки адоват туғдириш учун шоҳга тухмат қилмаяптимикин? Қасдини олмоқчимикан? Ақлли одам бор нарсани гапирмайди, кўнгилдагисини гапиради... Шоҳ эса доно. Сени алдамаганмикан?

- Йўқ, бобо!

- Қандай қилиб ишондинг?

- Вазирини маст қилиб ичкизиб, узук инъом қилиб, сўраб олдим. Кейин уни яна зиёфат маросимига

олиб кириб, узук билан мақтанмаяптимиқан, деб сарасоп солиб турдилар. Мастликка бардош бера олмай, қайтиб менинг олдидан кетгандан кейин данг қотиб ухлаб қолипти. Шундан сўнг узукни қўлидан секин олиб қўйишибди. Менга келтириб беришди. Ҳушёр тортгандан сўнг, балки безовта бўлиб қолар деб кутишди; узук эсига тушиб қолса, икки орада бўлиб ўтган гап эсига келарди. Гап эсига тушса узукни ахтариб қоларди. Эрталаб ҳушёр тортганида эса ҳаммаси эсидан кўтарилибди. Сўнгра, йўлда, бизга ҳужум қилишлари олдидан мен уни синаб кўрдим. Мутлақо эсидан кўтарилипти. Энди бўлса эслай олмайди ҳам: ёвуз ўқ биз учун хайрли бўлди.

– Бирдан эслаб қолса, ҳолинг нима кечарди: инъом қилинган нарсани тортиб олибсан!

– Мен ўз одамларимга зиёфат бўлган жойдаги ҳамма гиламларни қоқишга амр қилган бўлар эдим. Ҳамма ёқни шипиртирардим. Шунда топиларди. Ҳар эҳтимолга қарши ўша куни доим қўлимда эди.

– Шундай иш содир бўлса, нима бўлар эди?

– Бобо, сиз менга таъна қиялсиз, инъом қилинган нарсани тортиб олибсан деб. Яхши қилибманми?

– Ким айтади яхши қилибсан деб.

– Мабодо шундай қилиш керак бўлса-чи?

– Инъом қилиб, тағин қайтиб олиш яхши эмас-да.

Халил Султон аллақарларга назар ташлаётган бобосига зимдан кўз қирини ташлаб, шартта шундай деб сўради:

– Бир узук нима бўпти! Бундай узукнинг баҳоси ўнта бия-да. Бутун бир мамлакат инъом қилиниб, тағин қайтиб олинса-чи?

– Сен нима тўғрисида сўзлаяпсан?

– Шунақаям бўлган эди-ку, бобо. Бек ёки амирга хизмати сингиган сафдошингизга, баъзан эса неварангизга бирор вилоят ёки мулк ажратиб бериб, ке-

рак бўлганида яна қайтариб олган вақтларингиз ҳам бўлган-ку.

– Керак бўлганда-да! Тушундингми? Керак бўлганда! Бобонг билан бу хилда гаплашишинг яхши эмас! Шундай эмасми?

– Менинг бобом тўғри сўзни яхши кўрадилар.

– Шундай сўзни айтиш фурсати келганда. Ҳозир бу ерда унинг нима ҳожати бор?

– Бу тўғрида хунук гаплар қилиб юрган кишилар бор: «Эрталаб менга бериб, кечқурун қайтариб олиб бошқага берсалар, қандай қилиб бу менинг ерим бўлди, дейдилар».

– Кишилар? Шунақа кишиларни хотирда яхши сақлаб қолиш керак.

– Ҳаммасини ҳам сақлаб қолиб бўлмайди-да, бобо. Бунақалар сизнинг сафдошларингиз орасида ҳам бор, кекса тархонлар орасида ҳам. «Бизга абадийси керак: ҳукмдор бутун жаҳонни ўз авлодларига бириктириб бераётганидек инъом қилинган ерлар ҳам бизнинг болаларимиз ва чевараларимиз ихтиёрига ўтса-да» деб вайсайдилар.

– Кўп вилоятларни мен шунақа абадий суюрғол қилиб бериб қўйганман. Тортиб олганим йўқ ва тортиб олиб қўймоқчи ҳам эмасман. Асрлар бўйи ўзлари ва уларнинг авлодлари эздан чиқармасинлар деб ўз одамларимга бериб қўйганман. Шу сабабдан улар менинг авлодимга садоқат билан хизмат қилишлари керак. Ким тўнғилляпти?

– Амирлар, беклар, тархонлар... Мен улар тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Мен: бунда нима яхши-ю, нима ёмон, билолмаяпман, шуни сўрамоқчи эдим. Сизнинг салтанатингиз остидаги ерларда ўзларини подшо деб ҳис қилмасликлари учун бу ерлар сизларнинг ихтиёрингизга берилган, ихтиёрларингиз билан яна

қайтариб олиниши ҳам мумкин деб уқтириб қўйиш керакмикан? Ёки ўзларига абадий берилганлигига кунгиллари туқ бўлса, хўжалик ишларини йўлга солиб, ерларни обод қилган бўлармидилар.

– Абадий берилгани яхши, ўз ғам-ташвишлари бўлади. Мабодо душман бостириб келса, ўз ерларини жон борича мудофаа қиладилар. Кимларга ер бераман мен? Қадимий ҳақ-хуқуқлари, авлод-аждодларига қараб эмас, балки ким менга хизмат кўрсатса, шунга бераман. Улар ихтиёридаги ерлар ҳаммаси вилоят ҳокимлари қўл остида бўлади. Вилоят ҳокимлигига кимларни қўйяпман? Невараларимни. Менинг невараларим ҳаммаси бир оила-ку, ахир. Бек ва амирлар менинг невараларимдан ҳеч ёққа қочиб қутула олмайдилар. Ҳамма ерлар бутун ҳолида бизнинг уруғимиз қўлига ўтиши керак. Уруғимиз эса – битта.

– Менинг даракчиларим кўп марта шундай мишмишларни етказдилар. Мен эсам, ким ҳақли, ким вайсаётганини билолмай, сиздан сўраяпман. Узр кўрасиз, бобо.

– Керак вақтида сўра. Бу яхши хислат. Бобонгдан яширсанг бундан ёмони йўқ.

– Менми, бобо?!

– Совғаларингни анавингга юбортирдингми? Нега яширинча? Менга келтирганингда, уша чопар билан ўзим юбортирган бўлар эдим.

– «Ярамас! – деб ўйлади Халил ранги оқариб чопар ҳақида, – эсини жойига келтириб қўяман?..»

Аммо бобоси Халилнинг шубҳасини сезгандек, яна деди:

– Бу чопарнинг яланғоч баданига ўттиз таёқ урдириш керак ё бўлмаса қирқ таёқ, ҳийла-найрангини биринчи марта қилаётгани йўқ. Тезда кетди-қолди. Мен орқасидан қувиб юраманми! Нақадар ботир,

ишончли, аммо утакетган айёр. Бу ерга келаётганида қочоққа нон берипти. Бу қочоқ эса қоровулимизга дуч келиб қолипти. Унда оқ нон борлигини билишипти. Суриштиришса чопардан олдим, деб буйнига олипти. Уша куни уша йўлдан бир чопар ўтган холос. Сенинг совғангни олиб кетган чопар. Айёр чопар, бировнинг нарсасини менинг ёнимдан олиб ўтипти-я. Неварам ҳам муғамбир, бобосидан яширади! Сенинг гуноҳинг унча оғир эмас. Урганган кунгил ўртанса қўймас, деган гап бор-а?

Халил ерга қараб қолди: «Чопар айтмаган бўлса, энди ким бўлди? Одамларимдан бирортаси бобомга астойдил хизмат қилаётганга ўхшайди!»

Темур бир оз жим тургач, яна деди:

– Бор, шоҳни таклиф этадиган вақти бўлди. Тайёрлик кўриш керак, ўзинг ҳам ҳозирлан, чодирда қабул этамиз. Болаларга ҳам айт – яхши кийиниб олишсин.

– Кечиринг бобо.

– «Кечиринг эмиш!» Яхши бориб келдингми?

– Худога шукур. Лекин анави Қурдайбек...

– Унинг мурдасини бу ерга келтиришнинг ҳожати йўқ эди: уқ еган жойида кўмиб келавериш керак эди. Ширвонда у шон-шуҳратимизни кўтариш ўрнига, шарманда қилди. Айт, ҳозироқ пинҳона равишда кўмсинлар.

Қурдайбекнинг бизнинг олдимизда обрўли одам эмаслигини Ширвоншоҳ ҳам билиб қўйсин.

– Шоҳнинг кўз ўнгида сизнинг яқин одамингизни йўл ўртасига қандай қилиб кўмиб бўлади, бобо?

Темур қовоғини солиб:

– «Яқин одамингизни!» Уларнинг кўписининг ботирлик кўрсатадиган вақти ўтиб кетган. Аллақачон ўтиб кетган. У бизнинг уруғимиздагина донг чиқарган, ахир. Қаёққа қўйиш керак эди уни?.. Ширвонга юбортирдим. Содик бўлади деб ўйловдим, содиқ ҳам

бўлди. Садоқатли бўлиш учун бош ҳам керак-да, ахир. Шунда мен янглишдим. Йўл ўртасига бўлса... нима қипти? Қайси йўллардан босиб ўтган бўлсак, ўша йўлларда бизнинг қабрларимиз бўлади.

Темур ўйга толди, Халил кетиши биланоқ, хизматкорларига ўз устидан оддий чопонини ечиб олишни амр қилди.

Бошқатдан кийинар экан, у сукут сақларди. Зилдек оғир зар чопони устидан дурдоналар қадалган камарини боғлаётганларидагина бирдан:

– Ҳамма йўлларда! – деб қўйди.

Хизматкорлар ҳукмдорнинг нима деганига тушунмадилар. Лекин у бошқа ҳеч нарса демай, уларга жавоб бериб юборди.

УН ИККИНЧИ БОБ СОЗАНДАЛАР

Чодирнинг ичи қоронғи эди, аммо юқорисидан андак қайириб очиб қўйган эдилар, унинг ичидаги беҳисоб қимматбаҳо нарсалар устига «гур этиб» ботиб бо-раётган қуёш шуълалари тушди.

Шу он Ширвоншоҳ чодир ичига кириб келди.

Темур фил суягидан ясалган тахтида ўтирар, орқасида эса кумушдек ярқираган яроқ-аслаҳали барлослар тошдек қотиб туришарди. Унг томонида эса кичик шаҳзодалар, сўл томонида эса яқин аъёнлари турарди.

Халил Султон Ширвоншоҳга пешвоз чиқиб, уни қўлтиқ остидан олганича Темур ҳузурига йўллади.

Темур энгашиб, Ширвоншоҳ билан қучоқлашиб сўрашди. У ҳам Темурнинг рўпарасига қўйилган бошқа тахтга чиқиб ўтирди.

Меҳмон мезбон билан соғлик-саломатлик, бола-чақаларнинг соғлиғи ва ишлар ҳақида баст-жавоб қилишар экан, атрофдагилар Темурнинг аъёнлари

ҳам, Ширвоншоҳга ҳамроҳ бўлиб келган Шамохий аъёнлари ҳам қимир этмай туришарди.

Ниҳоят, Темур шамохийликларга юзланди; улар Темурга икки букилиб таъзим қилдилар. У ҳам ўз навбатида бошини сал эгиб жавоб қилди. Шундан сўнг бошқалар чиқиб кетишиб, Ширвоншоҳ жияни Дарбанг беги ва Темур Халил Султон билан қолдилар.

Темурнинг орқасида боягидек барлослар туришарди, аммо улар форс тилини тушунишмайди ва шу вазждан суҳбатга халал беришмайди, деб уйлашди.

Темур:

– Ширвон халқи роҳат-фароғатдами? – деб сўради.

– Мен туфайли Ширвондан олишингиз мумкин бўлгандан кўра кўпроқ бож-хирож бермоқ зарурати имкон берганича фароғатда яшамоқдалар.

– Демак, менга оз қоляпти, деб зорланаяпсанми?

– Ўзим учун ҳам, меҳмоним учун ҳам доимо бир бурда нон топилади.

– Курол-яроғларинг кимлар учун? Қайси меҳмонга ўқталиш учун?

Шоҳ жиянига назар ташлаган эди, лекин у бир лаҳзали боқишни пайқамай қолди. Чунки йигитча Темурдан кўз узмас эди, у ҳукмдорнинг бир кўз бурчидагина виқорли заҳарханда борлигини пайқаб қолди.

Шоҳ тезда ўзини ўнглаб, табассум қилди:

– Шаҳаншоҳ жаноблари, агар бу яроғ-аслаҳаларни сизга қарши ўқталмоқчи бўлганимни билганингизда эди, уларни мендан кўп йиллар бурун тортиб олиб қўйган бўлур эдингиз. Менга қолдирган вақтингиздаёқ олиб қўйган бўлур эдингиз.

Энди Темур ўз ҳаяжонини яширишга мажбур бўлди: «Ўзини айёрликка соляпти. Қачон қолдирган эканман мен?»

Сўнгра Темур ўзини бепарволикка солиб:

– Кимларга қарши сақланияпти бу яроғлар? – деб суради.

– Ширвонга, сизга, садоқатли ўлкага қасд қилганларга қарши, яъни сизнинг душманларингизга қарши.

– Демак, у яроғ-аслаҳалар бекор ётиптими?

– Қурол-яроғи ва халқи бўлмаган шоҳдан сизга нима фойда? У вақтда унинг садоқати, унинг заифлик аломати бўлмасмикан?

– Халқ сенга итоаткор ва содиқми?

– Ҳовва.

– Демак, менинг отларимнинг туёқ товушларини эшитгач, сенинг изминг билан пана жойларга қочган экан-да?

Ширвоншоҳ Темурнинг таънасига жавоб қидирган-дек ерга қараб қолди.

Темур кўз қири билан яна заҳарханда қилиб қўйди.

– Шундоқ, шундоқ!

– Қочинглар деб айтганим йўқ.

– Тўхтанглар деб ҳам айтмадингми?

– Сиз йироқ ерда эдингиз, шоҳим, бутун бир халқни тўхтатиб қолиш учун менда қудрат йўқ эди.

– Демак, улар устидан ҳукмдорлигинг заиф экан-да!

– Мен уларга на яроғ ва нон берганим йўқ.

– Яроғ-аслаҳам бор, халқим ҳам бор деяпсан. Яроғ бору, халқ-чи? Халқсиз подшо – бармоқсиз қўл демак-дир...

У унғайсизланиб икки бармоғи йўқ унғ қўлини енги ичига тортиб олди...

– Шаҳаншоҳи олам, ростини айтсам, бармоқлар бутун. Агар мен одамларни тўхтатиб қолмоқчи бўлсам, уларнинг ўзлари кетиб қолган бўлур эдилар, Ҳокимлик қилмоқ ва ҳукмдорлик учун куч керак. Қудратинг зўр бўлса, халқнинг ишончи керак. Халқни ўз майлига қўйиб юбориб, мен унинг ишончини сақлаб қолдим. Сизга халал бермаслиги учун бу ишончини мен куч

билан ушлаб турибман. Менга қарши ўқ отаётганлар одамларми ёки тош қўғирчоқларми?

– Менга итоат қилмайдиган каллакесарлар.

– Ахир улар менинг одамларимни ўлдиряптилар-ку.

– Улар менинг вазиримни ҳам ўлдирдилар.

Бу жавобдан Темур ўйланиб қолди.

«У ўз вазирини ўлдириш учун уларни атайлаб юборган бўлса керак. Менга шундай жавоб бериш учун! Балким сирни очиб қўйган одамни йўқотиш учундир. Ҳали бизга яроғ-аслаҳа турадиган махфий жойни кўрсатмадию, лекин кўрсатиб қўйиши мумкин деб хавотирлангани учун шундай қилгандир. Бизнинг бу гаплардан хабардор эканимизни биз томонга келгунча билган экан. Қурдайбек хизматкорлари орасида бирор одами бўлган чиқар, бўлмаса маст-аласт вазирнинг лақиллаб қўйганини кимдан эшитарди? У қурол-яроғни қаердан олди экан? Мен берганман? Қачон?»

Темур ўзининг оқсоқ оёғини қаерга қўйишини билмаган кишига солиб, шоҳдан ўз ўй-хаёлларини сир тутди-да, яна бошини кўтариб, деди:

– Ҳм... Вазирни. Худо жойини жаннатда қилсин. Қурол-яроғлар эса... жангчилар қўлидагина ярақлайди, ертўлаларда эса занг босади. Ботир жангчилар қўлида бу яроғлар янги зафарларга хизмат қилган бўлур эди.

– Сизнинг жаҳонгирлик салтанатингиз остидаги мамлакатлардан бирига ҳужум қилиб қолганда заиф душманни ҳам даф этишга Ширвон шоҳи ожизлик қилиб қолса-чи?..

Темур қурол-яроғлар шоҳнинг қўлига қандай ўтиб қолди экан, деб ўйга толди. Шоҳ бу қуролни топиши ёки сотиб олиши мумкин бўлган ҳолларни бир-бир кўздан кечириб, бирдан англаб қолди: «Тўхтамиш. Тўхтамишнинг карвони! Мен шоҳга ишонган эдим. Энди эса у: ўзларинг қолдириб кетгансизлар, деяпти. Менинг рухсатим билан олгандай ўзини гўлликка

соляпти. Энди нима қилмоқ керак? Мен у вақтда саҳв қилган эдим, тан олмасам-чи! Унга ишондим, Тўхтамишдан келган барча юк ва ўлжаларни текшириб кўрмадим!»

Темур риоя қилиб, лекин кескин тарзда:

– Қурол-яроғларни бунчалик узоққа яширишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди, – деди. – Уни топиб улашиб бергунча, содиқ одамларни уни ишлатишга ўргатгунча душманлар қараб, кутиб ўтирмайди-да. Сенга қолдирган нарсани ўзимдан яшириб ўтирибсан-а! Нима ҳожат? Тўхтамишдан сенга қолдирилган қуролларни мендан нега яширяпсан, а?

Шоҳнинг ранги бўзариб кетди.

– Йўқ, мендан яширма. Мен ўз аскарларимдан ўн минг чоғлигини қолдириб, сен билан бирга Ширвонга жўнатаман. Улар у ерда туриб, сенинг одамларингга қурол-яроғ билан муомала қилишни ўргатадилар. Ўзим бўлса бу вақт ичида жанг сафарига жўнайман. Сен ўз қўл остингдаги ерларда тартиб жорий қил, ўз босқинчиларингни босиб тинчитиб қўй. Менинг бола-чақаларимни ҳам эҳтиёт қилиб сақла. Мен уларни Султонияга жўнатаман. Сен улар учун жавобгарсан. Эҳтиётлайсанми?

Шоҳ ўрнидан туриб, Темурнинг қўлини ўпди.

– Эҳтиётлайман!

Темур шоҳни қучоқлаб, елкасига суяниб ўрнидан турди. Шоҳ унга таъзим қилиб:

– Улуғ шоҳим, каминаи камтариннинг фақирона тухфасини кам кўрмасангиз, – деди.

– Баракалло.

– Мен сиздан ўтиниб илтимос қиламан: бу ҳашаматли қўшиқдан бизнинг фақирона тухфаларимиз устига қурилган чодирга ўтсалар...

Темур илтифот қилиб тахтдан тушди-да, эшик томон юрди. Ташқари чиқиши билан шундай чодири

рупарасида ажойиб Ганжа шоҳисидан ясалган офтобдек чарақлаб турган чодирга кўзи тушди. Темур Ширвоншоҳ билан суҳбатлашиб ўтирган маҳалида шамохийликлар бу чодирни тикиб қўйган эдилар. Ширвоншоҳ чодирнинг бир чеккасини қия очиб, унга аввал Темурни киргизиб юборди. Офтобнинг сўнгги яллиғи энгил шоҳи орқали ўтиб чодирнинг ичини оч пушти шаффоф нурга ғарқ қилган эди.

Темур тухфа қилиб келтирилган гилам устига қадам қўйди, паррандалар, гуллар ва турли ҳайвонларнинг суратлари солиниб, қирғоқлари гажимдор қилиб тикилган бу гилам ерда кишининг кўзини қамаштириб, ҳавасини келтириб ётарди. Бу гилам жаҳонгининг чодирига солиб ясатилган катта гиламдан юз карра чиройли ва яхши эди. Бир қарашдаёқ Темур буни фаҳмлаб, тегишли баҳосини бериб қўйди.

Темур бошини юқори кўтариб, гиламнинг ўртасида турган асосий тухфага назар ташлади.

Юзларини ҳарир шоҳи рўмол билан беркитиб олган етти нафар жонон нозик қизғиш оёқлари билан гилам устида босиб турардилар. Улар ҳаммаси бургутни кўрган қушдек тошдек қотиб қолган эдилар.

Темур гиламдан кўз узиши билан уларга синчиклаб назар ташлади. Уларнинг қора кўзларига кўзи тушиши билан донг қотиб, хина билан бўялган мўйловининг учини тишлаб қолди.

Буларнинг ҳаммасини ҳали замон сўнадиган кўз қамаштирувчи офтоб нури ёритиб турарди.

Темур бу ерда бир лаҳза бўлса-да, узоқроқ туришни эп кўрмай, чодир ичидан шоҳ олдига чиқиб, унга миннатдорчилик изҳор қилди ва уни гилам устида тайёрланган зиёфат маросимига таклиф этди.

Улар орқасидан эргашган Халил Султон қойил қолди: «Бувимнинг даракчилари ўткир экан-да: Ширвон-

шоҳ бобомни қандай совға-саломлар билан хурсанд қилишини ҳаммадан олдин билипти, шу сабабдан ҳам кун бўйи жаҳли чиқиб, Ширвоншоҳга қароргоҳга келган соатидан бери ғазабланиб юрган экан-да».

Гарчи бувисининг тарбиясини олиб ўсган бўлса-да, Халил, афтидан, бувисини яхши билмас экан. Ҳукмдордан ҳам кўра ўзи чексиз ва батамом ҳоким бўлган ҳарам нақадар катта ва ажойиб эканлигидан у керилиб юрар эди. Унинг назарида жононлар билан айш-ишрат қилиш эрининг мартабасинигина оширар: эрининг навқиронлиги, унинг қуввати ва эрлик шарафи шулар билан белгиланар эди. Ажойиб китобларнинг мафтунни бўлган Шоҳруҳ агар гўзал хотинлар борлигини ҳам унутмаганда, Бибихоним унга нисбатан ҳам бунчалик илтифотсиз муносабатда бўлмаган бўлур эди. Бувиси ёшлигидан бери яхши билар эди: «Эркак киши фақат жанглардагина эмас, фақат от чопардагина эмас, балки ишқ-муҳаббат бобида ҳам абжир бўлиши керак. Ҳақиқий эркак бошқача бўлиши мумкин эмас!»

Унинг жаҳлини бошқа нарса чиқарган эди: унинг даракчиларига қараганда, Темурнинг даракчилари доғулироқ чиқиб қолдилар. Унинг одамлари эрталаб, самарқандлик даракчилар Жалданинг найранглари-ни фаҳмлаб қолиб, унинг қаттиқ сир сақлаган нарсаси ҳақида ҳукмдорга хабар етказганини эшитиб қолди. Башарти, Ширвоншоҳ бошқачароқ туҳфа келтирганида бу алам унчалик авж олмаган бўлармиди?..

Узоқ давом этган зиёфат асносида ҳар вақт маълум бир сукунат даври бўлади. Бу вақт ичида меҳмонлар бамайлихотир суҳбатлашиб олмоқ учун, баъзилари – намоз ўқиб олмоқ ва бир хиллари увишган оёқ-қўллари-ни ёзиб олмоқ учун ноз-неъматлар олдидан туриб кетадилар.

Фурсатдан фойдаланган ошпазлар янги таомлар пишириб оладилар.

Ана шундай сукунат пайти келганда, Темур зарур бир иш йўқмикан деб меҳмонларга билдирмасдан секин ташқарига чиқди.

Шунда унга, Мароғийдан қайтиб келган Султон Ҳусайн зиёфатга кирмай сизни кутиб турибди, деб айтдилар. Темур невараси ўз хатоларига иқрор бўлмаганда, вазифани ҳалол бажариб келганда туғри зиёфатга кириб келиб шаҳзодалар қаторида ўтиришини фахмлади.

– Ўзинг билан бирга савдогарни ҳам судраб келдингми? – деб сўради Темур.

– У ёқдан яширинча бир боланиям олиб келишган экан.

– Мен савдогар туғрисида сўраяпман! – деди Темур зарда билан.

– Келтирдим.

– Уша савдогарни олдимга олиб кел. Шаҳзоданинг ўзи эса чақирмагунимча, нарироқда тура турсин.

Савдогарни хилватроқ кичик бир ўтовга келтирдилар, бу ерга ҳеч кимнинг йўлашга ҳаққи йўқ эди.

Савдогар ўтовнинг тўрида ўтирган ҳукмдорга тиз чўкиб таъзим қилди. Темур озиб, офтоб ва шамолдан қорайиб кетган савдогардан:

– Савдо-сотик қиласанми? – деб сўради.

– Молни зўр-базўр келтираверасану, бу ерда сотиб улгурмасингданоқ сени босқинчи деб тутиб олсалар, қанақа қилиб савдо-сотик қиласан?.. Ҳеч суриштирмай тутаверадилар, саркарданинг ўзи эса одамларни жазолайверади.

– Нима, мен саркардалиқни қўйиб, этикфурушлиқ қилайми?

– Бу менинг ишим эмас! Одамларни билиб жазолаш керак-да, ахир! Савдо-сотик қилиб ўтирсангу шунда сени ушлаб олиб «босқинчи» десалар! Менинг ота-бо-

боларим ҳеч қандай босқинчилик қилганлари йўқ. Чингизхон талон-торожигача ҳам бутун Самарқандда машҳур савдогарлар эди. Ҳозир Самарқандда амаким Садриддинбой машҳур савдогар. Уни танимаган одам йўқ. Энди бўлса ҳамма молларимни талаб кетдилар; ўзимни судраб келдилар, мол сотган пулларимни ҳам қолдирмадилар. Худонинг марҳамати билан, жоним бир амаллаб қил устида сақланиб қолди. Мени шипшийда қилиб шилдилар, бунинг устига босқинчи ҳам бўлдик. Адолатли ва марҳаматли улуғ ҳукмдор! Бутун Самарқандда савдо-сотик ишларини таҳқирлаган ёвузларнинг жазосини берсангиз. Бўлмасам, маълум-машҳур одамни ёлғиз чопонда қолдириб, тўппа-тўғри бозордан тутиб кетаверсалар ким ҳам мусофир юртига бориб савдо-сотик қилади.

– Гапни жуда чўзиб юбординг! – деди Темур унинг гапини шартта бўлиб, савдогарнинг чанг босиб, ғижимланиб кетган, жуда қимматбаҳо чопонига кўз қирини ташлар экан. Кейин Султон Ҳусайнни чақиришга амр қилди.

– Қандай қилиб сен ўзимизга қарашли савдогарни ушлаб олдинг? – сўради Темур шаҳзодадан, унга ютинишга зўрға имкон бериб.

– Шубҳали одам экан. Каллакесарлар билан савдо-сотик қилибди, ўшаларни таъминлаб турар экан. Биз ундан, улар томонга бориладиган йўлларни, қанақа одамлар орқали улар билан иш тутишни, уларни қаердан топиш мумкинлигини суриштирдик. У оёқ тираб туриб олди. Биз эсак унинг қўлини орқасига бурадик. Мен кейин, самарқандлик савдогарларимизни ҳар қандай қаланғи-қасанғилар олдида бадном қилмаслик керак деб ўйлаб қолдим. Шундай қилиб, сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилиб, бу ёққа олиб келдим. Қизилчопон билан шивирлашиб турган экан.

– Қаёқда ўзи, ўша... қизилчопон?

Султон Ҳусайн ерга қараб олди. Темур:

– Ҳуш, айт-чи? – деб қистади.

– Уларнинг ҳаммасининг ити бир, уни яширишган. Мен Мароғийнинг кулини кукка совурган бўлар эдим, бу ўғрилар уясини.

– Ҳали ҳаммасига улгурамиз. У ерда бусиз ҳам кўп нарса қолгани йўқ. Ҳозир шов-шув кўтарадиган вақт эмас. Мароғий ортимизда қолиб кетади, биз нарига ўтиб кетамиз. Сен, яхшиси, уни қандай қўлдан чиқарганингни бир эслаб кўргил. Унинг пайдан бўлиш учун, у орқали ўша босқинчилар уясига йўл топиш учун у ёққа минг чоғлик киши юбортирдик. Сен бўлсанг болага қизиқиб қолиб, босқинчини қўлдан чиқарибсан-да. Сен у ёққа бола учун юборилмаган эдинг-ку!

Жимиб қолган савдогарга норози бир қиёфада кўз қирини ташлаган Султон Ҳусайн фурсатдан фойдаланиб деди:

– Нима десам экан... Унинг олдида...

– Гапиравер, эшитгани шу ерда қолади.

– Бутун бозорни ағдар-тўнтар қилдим. Чопон топилди-ю, лекин унинг устида эмас...

– Хабарим бор, қандай қутулиб кетганидан гапир!

– Шундай қилиб, қутулган кетган-да.

– Демак, керакли одамларни ушламабсизлар-да, Маънилик бир иш чиқмабди-да! – деди савдогар тўсатдан гапга кириб.

Темур бунга ҳеч қандай жавоб қилмай, савдогарга чиқиб тур, деб амр қилди.

Шаҳзодага эса деди:

– Уни қўлга ол, қўлдан чиқара кўрма, Мирза. У менинг саркардаларимга тил теккизяпти. Саркардалар тўғрисида мулоҳаза юритиш савдогарларнинг иши эмас. Обор уни, у билан яна ким бор?

– Яна самарқандлик икки олиб-сотар ҳам бор. Уларга дахл ҳам қилганим йўқ.

– Шу ердами улар?

– Бирга олиб келдим. Хужайинлари бу ерда бўлгандан кейин қолдириб бўлмади-да.

– Уларни эҳтиёт қилиб сақла. Ҳаммасини тайёр ҳолда тут. Нима қилиш кераклигини сенга кейин айтаман.

Темур зиёфат маросимига кириб кетди. Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди. Зиёфат эса алангаси осмонга кўтарилган гулханлар ёруғида ҳамон давом этмоқда, атроф эса кўз илғамас зулмат эди.

Бироқ бу қоронғилик ичидан ўн минглаб кўзлар гулхан ёруғида қимирлаган ва ҳаракат қилган кимсаларни кузатар, ҳукмдорнинг зиёфати нималар билан тугашини тусмоллаб билишга уринар эди.

Жангчилар кўп тажрибалардан, ҳукмдорнинг бир нималар устида ўйлаб, бир қарорга келгани, пухта тайёргарлик кўриб, ўйлаб қўйган ниятларини амалга ошириш олдидан бир оз хурсандчилик қилмоқчи бўлганидагина зиёфат қуришини ва кайф-сафо қилишини яхши билар эдилар. Зиёфат маросимида у шамохийлик меҳмонлар билан банд бўлишдан кўра ўз сафдошларининг кўнглини овламоқ билан кўпроқ овора бўлар эди.

Меҳмонларнинг иззат ва ҳурматини жойига қўймоқ учун ўша кунга у Табриздан энг яхши озарбайжон хонанда ва созандаларини келтирган эди.

Беллари букчайиб, ерга қараб, уч созанда қўлларини кўксиларига қўйган ҳолда таъзим билан кириб келдилар. Улар калта кўк камзуллари устидан қизил белбоғ боғлаб олган, шоҳи қўйлақларининг оқ ёқаси ярқирарди. Учаласи ҳам бир хилда учли папоқ кийиб олганди. Улар зиёфат даврасида бир чеккага жойлашиб ўтирдилар. Бири секин торини созлади, иккинчи-

си ғижжагининг қорнига камончасини теккизиб қуйди, учинчиси эса оғзини енгига қилиб йўталди.

Ширвоншоҳ бу қабиладошларига, Ширвондан зўрлик билан ажратиб олинган, майда хонликларга бўлиб ташланган, турли-туман қабилалардан иборат ҳокимларнинг ихтиёрига топширилган, ўз халқининг бирлиги ҳақида аждодлар васиятини балки Табриз олағовурида унутган бу кишиларга юз угириб қаради. Улар кийим-бошлари билан ҳам дарбандлик ва шамохийликлардан фарқ қилиб турардилар, юзларида эса эрон тупроғининг офтоби акс этиб турарди.

Ширвоншоҳ бошини қуйи солиб, дард-алам ичра, уларнинг хониш қилишини кутиб турар ва ўзгаларнинг зулми остида эзилган бу итоаткор кишилар ўз хўжаларининг ашуласидан бошқача ҳеч нарсани айтмасликларини билар эди.

Шу он бирдан, ҳавода қилич ярақлагандай, камонча торлари сайрай бошлади. Кўҳна мақом, авлоддан авлодга ўтиб келган оҳанг, озарбайжон халқининг шу кечадек бепоён қалби нола қила бошлади.

Икки кишигина – тор билан камончигина чалар, ҳофиз эса доира билан уларга жўр бўлар эди. У вақт-вақти билан Ширвоншоҳга кўз ташлаб қўяр ва бу оддий ҳофизнинг назари Иброҳим шоҳнинг жиддий савол назари билан бир неча тўқнашган эди.

Мана ҳофиз ҳам куйлай бошлади. Қўшиқнинг биринчи сўзлари шоҳнинг қулоғига кириши билан у сергакланиб қолди, бу Насимийнинг қўшиғи эди; Шоҳ уни танир эди, чунки ёш Насимий машҳур бўлиб, аксари Ширвоншоҳлар саройида бўлар эди. Бегона табризлик ҳофиз шамохийлик шоирнинг шеърини жуда азобланиб куйларди, гўё вайрона Табриз йироқ Шамохийни тинглаб турибди, демоқчидай бўлар эди.

*Боқди-ю хуснингга ўз хуснидин озор чекди гул,
Лабларингнинг олдида шакар хижолат бўлди бил.
Кипригинг ўқдир, қошинг қатлим учун ёй тортади,
Ҳар нигоҳинг янги қурбон излашин сезди кўнгил.*

Ҳамма бу таъсирли кўшиқни вақт-вақти билан бош чайқаб ўтириб эшитди. Фақат Ширвоншоҳ хаёл суради: «Даъват? Ҳофиз истилотчиларга қарши пинҳона кураш олиб бораётган Ҳуруфийнинг ғазалини куйляпти. Шу ерда истилочилар зиёфатида. Улардан энг даҳшатлисининг тўғридан-тўғри юзига қараб айт-япти».

Ниҳоят, ҳофиз доирани аста чертиб, сўнгги сатрларини куйлади:

*Йиғлагайман, кўзларимдан ҳар нафас қон оқар,
Бу ширин жонни йўлингга садқалар этгум дадил.
Ол юзингдин пардани ким ойни ул этгай хира.
Токи юрмасин Насимий ғурбат ичра хаста дил.*

Ҳофиз куйлаб бўлгач, тикка Ширвоншоҳ Иброҳимнинг кўзига боқди.

Ширвоншоҳ тушунди: «Бу савол-ку! У, юзингизни кўрсатинг деб илтижо қиляпти. Кўрсатсам кўрсатай...»

Ширвоншоҳ розилик ишораси учун ерга қараб, бош ирғади. Сўнгра жимиб қолган ҳофизнинг кўзларига тикилиб, табассум қилди.

Ўтирганлар ҳаммаси шоҳнинг табассумини ажойиб кўшиққа изҳор қилинган миннатдорчилик деб тушундилар.

Ёлғиз Халилгина кўшиқ ижодкорининг номини эшитиб, тараддудланиб қолди: «Яна ўша Насимий! Афтидан, улар орасида машҳур бўлса керак! Улуғбекнинг илтимосини унутмаслик керак. Бу шоирнинг де-

вонини қидириш керак... Унинг олдига Низом Холдорни юборишни унутмаслик керак!..»

Ҳофизга бир қадаҳ шароб тутдилар.

У шаробни ичиб юбориб, қадаҳни ерга қўйгач, гулдор белбоғи билан оғзини артиб, дўстлари томон ўгирилди. Улар созларни бошқа мақомга созламоқда эдилар.

Ҳофиз яна куйлай бошлади. Бу қўшиқнинг сўзлари шоҳни ҳайратга солди. Ҳофиз Низомийнинг «Искандарнома»сидан Ширвоншоҳ ёд биладиган жойини танлабди. Искандар Дорога қўшин сура туриб, донолардан кенгаш сўрайди. Ҳофиз доноларнинг жавобини куйлайди:

*Ушбу дарахт барқ уриб ва гуркираб ҳар он
Шоҳнинг буюк қудратини этар намоён.
Салтанату қудратинг янада ошсин,
Нах пойингга юмаласин ёвларинг боши!*

Ширвоншоҳ ҳофизнинг сирини очиб қўймаслик учун Темурга қарашга бетлай олмади: жаҳонгир ўз меҳмони Ширвоншоҳ шаънига айтилган бу ғазалга қандай муносабатда бўлар экан?

Аммо шу замон Ширвоншоҳ ғалаба истакларини ўз зиммасига қабул этган ва бу истакларни сафар олдидаги яхшилик нишонаси деб билган Темурнинг маъқулловчи садосини эшитди.

Ширвоншоҳ енгиллашиб нафас олди, лекин, ҳарқалай, Темурга қайрилиб қарамай, ўзини астойдил мақом эшитаётганга ва ҳукмдор билан ҳамдард, ҳамфикрдек ўтирди:

*Ҳар бир сўзинг нур эрур, кўзларинг ҳам эрур нур,
Ҳеч бир кенгашу ўғит сенга эрмасдир зарур.*

*Шундай бўлса ҳам қошингга бизни чорладинг бироқ,
Энди сендан илтижомиз шу эрур, тутгин қулоқ:
Тингла, нелар келганини оқилларнинг бошига
Оқилларнинг угити-ю, оқиллар кенгашига.*

Ҳофиз мақомнинг шу бандини куйлаб бўлиб, до-
нолар берган кенгашини куйлашга утишдан олдин,
шерикларининг тор ва камон чалишда нақадар санъ-
аткор эканликларини кўрсатмоқ учун хаёлга чўмио
тўхталиб қолди. Шу сабабдан тинглаб утирганлар, до-
нолар нима дейишаркин, деб бир нуқтага диққат қи-
либ қолдилар.

Темур ҳам ҳофизни шоширгандек:

– Қани!.. – Қани!.. – деб гўлдираб қўйди.

Енгидан бир нимани олиб ташлаётган Ширвоншоҳ
ҳам кутиб турарди.

*Фисқу ғараз ўртар бўлса гар ёвларнинг юрагин
Қиличингдан бир-бир ўтказ, ерга теккиз курагин.
Ёвларингга ёв бўл доим, мингил ғазаб отини,
Бошларида қилич ўйнат, бер барчасин додини.*

*Сен – ёш сарв, улар эса қари, ичи пўкак тол,
Сарв билан тол тенг бўларми? Бовар этмайди хаёл!
Ёвларингдан чўчимагил, ҳа ёвларинг шу қўйда,
Ғанимингнинг кушандаси бор ҳатто ўз уйида!*

Темур ўйланиб қолди: «Бу башорат! Чиндан ҳам:
Боязиднинг душманлари бор, улар менга хизмат қила-
дилар. Ҳофизларни ардоқламоқ керак, ҳамма бизнинг
душманга нисбатан қаҳрли, лекин бу қизилбошлар
бизга хизмат қилса, уларга нисбатан марҳаматли эка-
нимизни билиб қўйсин!»

Аммо Ширвоншоҳ созандаларни бошқача англади:
«Бу – бир маслаҳат! Улар, сен, Ширвоншоҳ сарвсан,

дейишяпти. Анави сенинг душманинг эса қари тол. Ғазаб отига мин! Ҳеч тап тортма! Табризнинг эзилган халқи уларга шу сўзларни менга айтишни топширган. Менинг ким билан эканимни билмоқ учун улар менинг жавобимни кутишмоқда».

Ширвоншоҳ ёнидан шоҳи халтачасини олиб, созандалар олдига ирғитмоқчи бўлган эди, лекин чангалдек қўл билагидан маҳкам ушлаб олди, халтача ерга тушиб кетди. Ширвоншоҳни Темур ушлаб қолган эди.

– Сен меҳмонсан. Уларни мен ўзим хурсанд қиламан.

Шундай деб, Темур улар олдига ўзининг оғир чарм ҳамёнини ташлади; бу сахийлиги билан ҳамма сафдошларини ҳайратда қолдирди. Сафдошлари диққатларини бир жойга жамлаб, мақомнинг сўзларини эсга туширмоқчи бўлдилар ва уни ўз ҳукмдорлари учун бир башорат, эзгу бир насиҳат деб фараз қила бошладилар.

Аммо созандалар Темурга хокисорлик билан таъзим қилиб, сўнгра Ширвоншоҳ Иброҳимга қарадилар. Энди Ширвоншоҳ ҳам ҳеч бир ийманмасдан уларни маъқуллаб ва далда бериб бош ирғаб қўйди.

Темурнинг сафдошлари Ширвоншоҳнинг бу маъқулловчи табассумини жаҳонгирга ўқилган мадҳия учун созандаларни бир рағбатлантириш, Ширвоншоҳнинг садоқатини билдирувчи белги деб тушундилар.

Шамол эсиб, гулхан алангаси чайқалди, дам юқори кўтарилиб, дам ер бағирлаб ўйнади. Зиёфатдагиларнинг юзларидан соялар ўрмалаб қолди. Шу сабабдап бу зиёфат кечасида кимнинг кулаётганини ва кимнинг тумтайиб ўтирганини ҳам билиб бўлмасди.

Темур ўз олдига қандайдир бир мингбошини чақиртирди. У ҳукмдорнинг олдига тиззалаб келиб, кескин тарзда берган буйруқларини эшитгач, ўрнидан тура солиб, югурганича Султон Ҳусайннинг олдига қараб чопди.

Зиёфат тарқалиш олдида оғирлашиб қолган меҳмонларнинг вақтларини чоғ қилмоқ учун, зиёфат қурилган жойдан сал нарида «гуноҳ» қилган кишиларни жазоладилар. Гулханга ўтин ташлаб унинг лангиллаган алангаси ёруғида айбларини тантанали равишда эълон қилиб, шериклари билан бирга самарқандлик савдогарни осиб юбордилар.

Султон Ҳусайн уларнинг гуноҳларини эълон қилар экан, йиғилган халойиққа, бу савдогар фойда кетидан қувиб самарқандлик савдогарлар номига иснод келтирди, босқинчилар билан оғиз-бурун ўпишиб, уларга арзон нархда истаган молларини етказиб бериб турди. Икки шериги унга ёрдамлашиб турди, деди.

Темурга яқин жойда турган Шоҳ Малик Халил Султонга деди:

– Яхши эмас бу иш. У ўз харидори кимлигини билмаслигиям мумкин.

– Эндиликда, қароргоҳга кирганимиздан бери, гоҳ жазолаш, гоҳ дафн...

Уларнинг секин гапиришаётганларини эшитиб қолган Темур зарда билан ерга қараб, жавоб қилди:

– Майли, кўриб қўйишсин. Бизда гуноҳкорларга раҳм-шафқат деган нарса йўқ. Ўзлари эҳтиёт бўлишсин. Ўз кўзлари билан кўришса итоатлироқ бўлиб қолишади. Сен бўлсанг яхши эмас, деяпсан. Агар уларни кўйиб юборсам, неваралари тентаклик қилиб одамларни жазолаяпти, деган гап тарқатадилар. Ҳатто ўзларигаям раҳм қилмайди, худди бўридек одамларга ҳамла қилишяпти, дейишади. Хунук гаплар тарқалади. Англадингми?

Темур шу гапларни гапириб, Шайх Маннурга ноғорачиларни чақириш ҳамда ёш шаҳзодаларга йўлда ҳужум қилган саккизта босқинчини қувиб етиб ушлаб ололмаган қирқ чоғлик аскарини жазолашни амр қилди.

Султон Хусайн савдогарларни жазолагандан кейин, ўз одатича, ҳукмдорнинг олдига жўнади ва отини навқари қўлига топшириб, Темурнинг ёнида турди.

Ҳамма гулхан ёруғида ерга ётқизиб қўйилган қирқта аскарнинг жазоланишини томоша қилиш билан банд бўлиб қолганида, Темур Султон Хусайнга ўғирилиб:

– Савдогарнинг гуноҳини сен ўйлаб чиқардингми, а? – деб сўради.

– Мен ҳеч қандай гуноҳ ўйлаб чиқарганим йўқ, бобо. Мен уни иқрор қилдиришга уриндим, ахир, сизнинг фармонингиз билан ўғрилари қидиртирдим-ку. Қийин-қистовга олиб сўрамасангиз топиб бўладими?!

– Ҳм... йўқ, сен бир нарсани эсингда тут, мирза, аслида савдогар эмас, сен гуноҳқорсан. Агар мен савдогарни ҳақли деб билсам, унда сени бадном қилган бўлар эдим. Савдогарни остириб юбордим, бу менинг сенга бўлган тухфамдир. Ўзгача тухфага тез орада муяссар бўла олмассан дейман. Ҳозирча шунга ҳам қарздор бўлиб қолдинг. Шунга эсингдан чиқарма.

Меҳмонларнинг жазолаш маросимини томоша қилиб бўлиб, айланишиб яна дастурхонга қайтганларини кўрган Темур ҳам меҳмонлар олдига келди.

Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган бу тунда паст-баландликлардан зўрға одимлаб Ширвоншоҳ ҳам зиёфат маросимига қайтди. У билан бирга дадил-дадил қадам ташлаб, лекин амакисидан олдинга ўтиб кетмасликка ҳаракат қилиб, жияни ҳам қайтди.

У Ширвоншоҳга секин шундай деди:

– Кун бўйи жазолаяптилар. Худога шукурки, ҳаммасиям ўзларининг одамлари.

Ҳамон табризлик созандалар билан учрашув ва уларни Шамохийга меҳмонга таклиф этиш устида ўланиб кетаётган Ширвоншоҳ жиянига паришонхотир жавоб қилди:

– Йил яхши келса, бўрилар бўриларни емайди. Афтидан, етакловчи бўри қутурганга ўхшайди. Бугун: «Ўз уйида душманлар бор», деб бежиз куйламадилар-да. Бу хилда жазолашлардан душман камаймайди, аксинча, кўпаяди. Эҳтиёткор бўлиб олади, бўйсунди, лекин кеки ошаверади, кейин ўзини...

Бироқ шу вақт улар ёнларида Шоҳ Малик билан бирга келаётган Халил Султонни кўриб қолдилар. Ширвоншоҳнинг эса нафаси ўчди.

Чарчаган меҳмонлар Форсдан келтирилган раққосларнинг ўйинини томоша қилмоқда эдилар. Қиз бола кийими кийгизилган эроний болалар ўзларининг узун сочларига улама қилиб солинган узун кокиллари-ни силкитишиб ўйин тушишар, гоҳ меҳмонларга қош учиришар, гоҳ толиқтирувчи рақсдан ранглари буздек оқариб кетар эди. Устларидаги кийимлари қизларники-дек содда эмас, аммо ҳаракатлари шаҳдам ва таъсирли эди. Рақслар меҳмонларни ҳаяжонлантириб юборди.

Ниҳоят, Темур ўрнидан кўзғалди, меҳмонлар ҳам турдилар. Темур шамохийликлар билан дўстона вазиятда хайрлашди. У гулхандан узоқлашиб, ўзига ётар жой ҳозирланиб қўйилган ўтовига кузи тушиши билан шаҳдам ва тез-тез қадам ташлаб, қўлларини орқасига қилиб ўша ёққа қараб кетди. Ўтовга яқинлашиши билан узун мўйловининг учини тили билан тортиб тишлаб олди.

Халил Султон ўзини кутиб турган Низом Холдорни кўриб қолиб олдига чақирди ва ундан, қанчага бўлсаям, шамохийликлардан Насимийнинг девонини топиб сотиб олишни илтимос қилди. Агар бу девон уларнинг қўлида бўлмаса, Шамохийда кимдан сотиб олиш мумкинлигини билишни топширди.

Улуғбекнинг ўтовига етганда, Халил Султон тўхтади ва қоронғи кечада уйкудаги қароргоҳни босиб ўз ўтовига ўтмаслик учун шу ерда тунаб қолмоқчи бўлди.

Зиёфатдан эндигина қайтиб келган Улуғбек ҳали ухламаган эди.

Халил ичкари кириб утиргач, Улуғбек гап бошлади:

– Эшитдингизми? Табризликлар Насимийнинг ға- залларини айтишди: «Боқди-ю ҳуснингга ўз ҳуснидин озор чекди гул!...»

– Бу янги гап эмас, форс шоирларининг шеърлари бундан кучли.

– Аммо энди улар йўқ-да, булар бизнинг ичимизда.

– Йўқ, Улуғбек, бизнинг ичимизда эмас, биздан ташқарида. Аммо биз билан замондош. Сен шуни унутмагилки, биз билан замондош бўлганларнинг ҳаммасиям биз билан бирга эмас-да.

– Ҳамма касофат шунда-да. Ўзларига ёмон.

– Биз билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси учун ҳам яхши эмас-да, – деди Халил.

У устидаги чопонини ечиб, шоҳи кўйлак-иштонда, яланг оёқ беркитмоқ учун эшик олдига борди ва ёниб тугаётган гулханлар орасида, тепаликда турган хизматкорларга кўзи тушиб қолди. Улар дастурхонларни йиғиштириб, катта гиламларни юмалоқламоқда эдилар. Шу он дастурхондан топиб олган суяк ёки бир бўлак гўшти кулишиб бир-бирларининг кўлидан юлқишиб олардилар. Суякни ғажиб олмоқ учун ишни тўхтатар, кейин яна иш бошлаб юборардилар.

Гулханлар ёниб кул бўлмоқда. Зиёфат аллақачон тугаган. Донг уйқуга кетган қароргоҳ устини қоп-қоронғи зулмат қоплаб олган эди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ МАРОҒИЙ

Бутун қароргоҳ устини қуюқ туман қоплаб олган эрта саҳар пайтида Ширвоншоҳ орқасига қайтди. Шайх Маннур йўлда Ширвонда муҳофазат қилиб ту-

риш учун минг чоғлик тажрибакор кекса аскарларини бошлаб кетди.

Ниҳоят, қуёш булут орасини ёриб чиқди. Булутлар баланд кўтарилиб, тоғларга қараб сузиб кетди. Худди баҳор киргандай қуюқ ўт-ўланлар кўкиш тусда товланди.

Темур сартарошни чақиртириб, одатича ярим белигача яланғочлаб ўтови олдиға ўтирди-да, сочини қириб ташлашға амр қилди.

Ҳеч қачон ўткир қилич олдида бўйин эгмаган ҳукмдорнинг ўткир устарага бошини жўнгина эгиб бериб ўтирганини бепоён қароргоҳ кўриб турарди.

Темур сартарошнинг кафти остида бўйин бериб ўтирар, саркарданинг пишиқ ва чайир қорача танаси эрталабки совуқда андак жунжиккандек эди.

Бутун кўз илғамас қароргоҳ соч қирдириш маросимининг ниҳоясини кутиб сергакланиб турарди: уруш сафарлари, ғалабалар, катта зиёфатларнинг ҳидини олдиндан билган чоғдагина ҳукмдор эрталабки шабадада соч қирдирадиган одати бор эди.

Гарчи ҳеч қандай фармон берилмаган бўлса-да, бутун қароргоҳ, ҳар бир ўнбоши ўз одамлари билан бир-галикда ҳамма ёқни, от-уловларнинг жабдуқларини бир неча марта кўздан кечирдилар, қурол-яроғларини, қалқонлар, совутларини бошқа кунларга қараганда яхшироқ артиб, тозаладилар. Ҳар қандай шўхлик, шашқолбозлик, югур-югур ва гапбозликлар хотима топди, ҳаттоки камондан ўқ отиб, от чоптириб ўйнаш учун ён бағирларга чиқиб кетадиганлар ҳам ўз ўнбошиларидан йироқлашмай тонг отишини пойлаб турдилар.

Устига кийим, бошига салла ўрнига телпак кийган Темур улуғ маликанинг ўтовига қараб йўл олди.

Темур кириб борганда у ерда яна икки малика ҳам бор экан. Чевар жориялардан бири уларга, зар қанот-

ли ва зангор думли кумушранг товус сурати солиб, кўрпа устидан солиб қўйиладиган сўзанани кўрсатиб турарди.

Маликалар эҳтиром юзасидан қўлларини кўксила-рига қўйишиб чиқиб кетдилар. Чевар жория ҳам икки букилганича судралиб ғойиб бўлди. Утов ичида улуғ маликанинг ўзигина қолди.

У эри сафардан қайтиб келганда Султонияда кутиш кераклигини эшитган, аммо у ёққа қайси куни жўнаб кетиши номаълум эди.

Сароймулкхоним утов ичида югуриб-елиб, одатда Темур утирадиган жойга, қалин сўзанани сандиқ то-мон суриб, ёстик қўйди.

Аммо Темур утирмади, гилам устидан юриб бориб, унинг дунёси кўпмикан деб чамалагандай атрофга аланглади, тахлаб қўйилган кўрпаларга, сандиқларга, гиламларга назар ташлади:

– Йиғиштиринглар!

Улуғ малика эрининг ўзига зимдан жаҳли чиққани-ни пайқади, нима учунлигини яхши билса ҳам, аммо ўзининг зийраклигини билдириб қўймаслик учун ин-дамай пусиб тураверди. Темур маликанинг ҳаракати-ни дарҳол пайқаб: «Сезяпти!» деб қўйди. Ундан лоқайд юз ўгириб, индамай қўлини кўксига қўйиб, утовдан чиқиб кетди.

Ташқарида у салласиз ва чопонсиз қаёқдандир пай-до бўлиб қолган Улуғбекка дуч келди:

– Бобо! Бутун қароргоҳ сафарга отланяпти.

– Мен ҳеч қандай фармон берганим йўқ.

– Шундай бўлсаям улар тайёргарлик кўришяпти!

– Сен бувинг билан Султонияга борасан-ку.

– Сизни бирга кузатиб қўяйлик... Бизни ҳам олиб кетинг.

– Сен тўппа-тўғри ўрнингдан туриб келганга ўх-шайсан-ку.

- Бирга олиб кетинг...
- Сафаргами?
- Бобо!
- Хайр, майли, Мароғийгача бирга бор.
- Раҳмат, бобожон!

Шу он шаҳзоданинг отабеги Қайиш ота, югурганича Улуғбекка телпак билан чопон келтирди, аммо Улуғбекнинг бобоси билан гаплашиб турганини кўриб, нарироқда қараб турди.

Темур Қайиш отага амр қилди:

– Мирзани сафарга шайла. Жунашимиз билан ўзинг бирга кузатиб борасан. Қайтишларингда яхши соқчилар бўлсин, эҳтиёт бўл. Мароғийгача биз билан бирга борасизлар.

– Раҳмат, бобожон! – деди Улуғбек суюниб.

– Бор, ҳозирча жим ўтира тур. – Сўнгра Қайиш ота билан Улуғбекка қараб: – Ҳозирча ҳеч кимга индай кўрманглар, – деб қўшиб қўйди.

Шуни деб Темур ўз йўлига қараб кетди. Чопонини кийиб олган Улуғбек тинч ўтира олмади: Иброҳимнинг олдига чопгиси келарди, лекин бўлғуси сафар ҳақида унга бир нарса деб бўлармикан? Иброҳимнинг мураббияси Туманбика турадиган ўтовда бобосининг ниятлари туғрисида бирор нарса гапириб бўлармикан? Шундан шубҳаланарди.

Темур ўз ўтовига қайтиб, яқин маслаҳатчиларини чақиртирди.

Улар тезда етиб келиб, унинг рўпарасида давра куриб ўтиришди, лекин ўзи бир оз нарироқда, қамчиси билан гиламга савалаб, ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқ кишига солиб ўтирди ва дастлаб Арзирум йўллари ва Арзирумнинг ўзи ҳақида даракчилар нима хабар келтиргани туғрисида гапириб беришни амр қилди. Бу жойлар арман ерлари бўлиб, Арзирум сиртида Боязид қўшинлари турар эди.

Кенгашчилардан бирортаси гапирганида ёки бошқалари бирор иш юзасидан ўзларига маълум бўлган маълумотларни қўшимча қилганларида Темур индамай қулоқ осиб ўтирарди.

Сўнгра қўшин ҳақида сўраб-суриштирди, кейин ҳар бир хабар устида қаттиқ ўйланиб, қайси қўшиндан қанчаси қаерда турибди, уларнинг ҳар бири катта қўшин билан қаерда бирлашади, бу қўшинларнинг ҳаммаси ҳам тайёр бир аҳволдами – шуларни суриштирди.

Маълум бўлишича, тоғли-тошли йўлсиз жойларда бир ерга жам бўлишга улгура олмаган, бутун мамлақатида эгаллик қилиб турган, Грузиядан чақиртирилган қўшингина кечикибди.

Темур қамчиси билан илгаригидан ҳам кўра қаттиқроқ уриб қўйиб, шундай деди:

– Уларни кутиб ўтирмаймиз. Улар бу ерда қолиб тартиб ўрнатсин. Ширвоншоҳ ўз қизилбошларини тинчитмагунича бу ерда осойишталик бўлмайди. Ширвоншоҳ ҳам бизнинг қўшинларимиз билан дудил ва ҳаракатчан бўлади. Грузин амири Георгийга шафқат бўлмаслиги керак; уни доим таҳликада тутиш керак. У шундай одамки, шафқат кўрсатилса, гўё биз унга хушомад қилаётгандай, ўзини дарров катта олиб қолади. Бизникилар у ердан кетганидан сўнг, тепасида доим қилич осилиб тургандек бўлсин. Бу амир ўзи заиф бўлса-да, лекин кибр-ҳавоси баланд, бундайларга инониб бўлмайди. Кимнинг совути қалин бўлса, ўзи шунча заиф бўлади. Грузин беклари эса гўё қиличлар улар учун душманни ўлдириб берадигандек, бутун ён-верларига тақиб олганлар. Улар бизга тўсқинлик қила олмайдилар, лекин шундай бўлса-да, ўз тоғларига маҳкам ёпишиб олмасликлари учун уларни қаттиқ тутиш керак бўлади. Уларнинг одамлари тоғларда, тоғларда эса кучли одамлар бор. Тоғлар эса жуда тик. Бекларни қўлга олволганимиздан кейин тоғлари биз

учун тинч, тоққа суяна олмагандан кейин эса беклари безарар бўлади. У ердан қўшинимизни олиб чиқиб кетар эканмиз, уларни қаттиқ чўчитиб қўйиш керак: ҳар-ҳар жойда шаҳарларни вайрон қилиш, ёндириш ва ғала-ғовур кўтариш керак, токи уларга ҳамма жойда биз жўнаб кетаётгандек эмас, балки эндигина қайтиб келаётгандек бўлиб туюлсин. Уша ёққа Султон Ҳусайн мирзани юбормоқ керак, унинг қўлидан келади бу ишлар, аммо мирза эса бизга керак. Уларни ваҳимага солиш учун кимни юборсак экан?

Улар бир-бирларига қарашиб олиб икки-уч номни айтгач, табиатан қаҳрли бўлган бир туман оғасини танладилар, катта сафарга усиз чиқилса ҳам, қўшин ҳеч нарса йўқотмас эди. Ун минг чоғли суворийни Сосун тоғларидан ошириб, ёнлама йўл орқали Арзирумга олиб боришга қарор берилди: у чоқда арманилар ўз кучларини уларга қарши юбориб, ёнлама йўлга буриладилар, катта қўшинни кутишга кечикадилар. Арзирумнинг ичкарисига бетўсқин кириб олиб, арманларнинг ортидан зарба бериш учун фурсатдан ютиш керак бўлади.

Шу тариқа бирин-кетин, бутун йўлни олдиндан чамалаб чиқдилар, қўшинлар бирлашадиган қароргоҳларни қаерга қуришни белгиладилар, куч-қувватни аямай, қайси жойларда катта манзиллардан ошиш, қайси шаҳарларга отнинг бошини буриш, савдо шаҳарларидан қайсиларини поймол қилиш, савдо-сотиқ ишларига барҳам бериш, бефойда қамал билан одамларимизни ҳалок этмаслик, асосий юришга зарар қиладиган тўхталишларни йўқ қилиш, қайси шаҳарларни сақлаб қолиш устида бир фикрга келиб олдилар.

Кигизи андак қайрилиб қўйилган, шабада ғириллаб ўтиб турган сокин ўтовда узоқ шаҳарлар, қишлоқлар ва юз минглаб одамларнинг, кундалик ташвиш, меҳнат билан банд бўлган одамларнинг тақдирлари ҳал қилиб қўйиларди.

Уларнинг ва улар бунёдга келтирган барча нарсаларнинг тақдири шу бугун эрталаб ҳал қилинди. Темур қамчини билан гиламга бир уриб қўйиб, уридан қўзғалмоқ учун муштини ерга тиради-да, инқиллаб-синқиллаб:

– Ҳозиргарлик кўринглар. Кеч кириши билан жунаб кетамиз, – деди.

* * *

Темур тонг маҳалида Мароғийга кириб келди, шаҳар кўчаларидан ҳали қоронғилик кўтарилмаган эди. У масжидлар ёнидан ўтганда рукуга кетган намозхонларнинг хаёллари қочган эди. Шу онда шаҳар Темурнинг кўзига хунук кўриниб кетди: шаҳарда вайроналар камдан-кам, одамлар ўз кулбаларини омон сақлаб қолган эдилар. Карвонсарой ва масжидлар ҳам омон сақланган. Бозордаги гумбаз, расталардаги дўконлар бутун сақланиб қолган эди.

Ҳалокухон қабри устида мақбара гумбази қад кўтариб туради.

Султониядан Ўлжайтухон мақбарасининг гумбази-дек катта ва улуғвор бўлмаса-да, лекин бу салобатли гумбаз эди.

Одамлар кўринмас, аммо ҳозиргина шу ерда бўлганликлари билиниб турар эди: дўконлар ва устахоналар ланг очик қолган, девор бўйларига солинган шолча ва кўрпачалар кўзга ташланарди, ётган ёки суҳбатлашиб ўтирган қоровуллар шу тобдагина ўридан туриб кетгандек эди.

Темур отининг бошини тортиб, салмоқ билан кетиб борар, ҳамроҳлари ҳукмдорга яқин ёпирилиб бормаслик учун орқароқда борардилар. Икки томонда эса кўча бетларида кўриниб қоладиган одамлар ёки бекорчиларни яқинлаштирмаслик учун салмоқланиб пиёда барлослар қадам ташлаб кетар эдилар.

Бобосидан орқада қолмай Улуғбек унинг ёнида бобосининг диққатини тортган нарсаларга сарасоп солиб борар эди.

– Бобо! Бизнинг Самарқанддагидек!..

– Нима биздагидек! Нимани сўраяпсан?

– Каптарлар!

– Ҳа... – Темурнинг кузи эндигина каптарларга тушди. Улар раста томларида, мунажжимхона гумбазида ғув-ғувлашиб, учиб ўйнаб юришарди. – Каптар қаёқдан...

Темур ёшлик чоғларидан бозорни ёқтирарди. Ҳар сафар янги бир шаҳарга борганида аввало бозор айланар, шунда ўзига нотаниш бўлган шаҳарнинг бутун иги-жигини билиб оларди...

Энди бўлса, йиллар ўтиши билан, шаҳарларга бозорига қараб баҳо бериш унга камдан-кам насиб бўладиган бўлди: у сафар қилган йўлларда ҳамма ерда хароба дўконлар, хувиллаб қолган расталар намоён бўлар, бозорлардаги молларни эса қўшиннинг олдинги қисми талаб кетган бўлар эди. Энди эса шаҳарлар ҳақида аскарларнинг қўлга туширган улжалари ёки асирларнинг қиёфасига қараб ҳукм чиқаришга тўғри келарди.

Қашшоқлашган, ўзининг оғир қисматидан азоб-уқубат тортган Мароғий бозори эса Темурни ҳайратга солди.

– Қанчадан-қанча устахона-я! Ҳар биридан ҳам буюмлар кўриниб турибди. Биз бу ердан усталарни олиб кетган эдик, қара, яна урчибди-я!

Мискарлик растасида Темур очиқ бир дўконча олдида тўхталиб, аскарларига дўкондаги молларни менга кўрсатинглар, деб амр қилди.

Унга бўйни узун, қорнига жимжимадор қилиб, нафис гул солиб ишланган мис кузачани олиб кўрсатдилар.

– Баайни лайлак-а! Нима ёзилган? – деб сўради у Улуғбекдан.

Улуғбек кўзачани бобосининг қўлидан олиб, уни айлантриб ўқий бошлади.

*Соқийё, бизга бода сунгил бот-бот,
Лаболаб этиб сув, кўнгил ўлсин шод!*

– Бобожон! Бу Ҳофизнинг ғазали-ку!

– Ҳофизники! Шерозлик жулдурвоқими? Уни кўрган-ним бор. Узи зўрға оёққа босиб туради-ю, лекин кўрс-лик қилади. Афтидан, соқийлар билан учрашиб тур-моқни яхши кўрса керак.

– У ўлган, бобо.

– Қачон ўла қолди?

– Кўп бўлган.

– Ўлганми?

Шу он Темур бирдан шаддод чолнинг дунёдан ўтганига бир лаҳзагина ачинди. Негадир бу чол унинг ёдида сақланиб қолган эди: маишатпараст кишилар-никига ўхшаш катта кўкиш бурун, кўрқув асари йўқ беўхшов кўзлар. Балки Темурнинг кўзига одамлар бир-бирларининг кўзларига қарагандек тикилиб қараган киши дунёда кам топилгани учун ҳам эсида сақланиб қолгандир.

Ўз билимдонлигини бобосига кўрсатмоққа ошиқиб:

– Ҳофизнинг ҳар бир девони шу байт билан бошла-нади, – деган Улуғбекнинг гапи ҳам унинг қулоғига кирмади.

Темур қуруқ кафти билан мис кўзачадаги ғадир-будур нақшин ёзувларни силаб кўрар экан, мискарда яна қандай моллар бор, кўрсатинглар деб амр қилди.

Нақшин ёзувлар солиб ишланган бир косани қўлига олиб томоша қилди, лекин ёзувини ўқиб ўтирмади. Косанинг кўринишигина унга маъқул бўлган эди.

Мис буюм кунт билан ишланмаган эди, шошили-ган ва ҳавас билан ишланмаганга ўхшарди; агар уста

катта тажриба ва ҳунарга эга бўлмаса бу арзон буюмни шундай тез ясамаган бўлур эди; қимматбаҳо буюмлар устида узоқ йиллар тер тўкиб ишланган тақдирдагина осонлик билан ажойиб буюмлар ясаш мумкин бўлади; тасодифан харидорларга илтифотсиз қаралгандагина, илгаригича гўзалликка риоя қилиб шундай жун нарсалар ясалади. Чунки гўзалликка садоқатли бўлиш истеъдоднинг ажралмас бир қисми бўлиб қолди.

– Усталарни олиб кетавердик-кетавердик, улар эса бу ерда бояги-боягича! Бозорни ҳам тузатиб олиптилар. Қани, анави дўкончада қанақа моллар бор экан?

Темур янги буюмларни кўздан кечира бошлади.

Ниҳоят у, Шайх Нуриддинни олдига чақиртириб, ўз одамларини бозорга чиқариб юборишни, яхши усталарни кўз тагига олиб, илгариги одат бўйича бутун бола-чақалари билан Самарқандга жўнатишни амр қилди.

– Бизда ҳаммасига иш топилади.

Мунажжимхона яқинидаги майдонга етганда Темур отининг бошини қозининг уйи томон бурди, бу ерда ҳукмдорга нонушта ҳозирланган эди. Олдинда кетиши керак бўлган қўшин шаҳарни кесиб ўтиб, катта йўлга чиқиб олгунча Темур бутун кунни шу ерда ўтказиши лозим эди, даракчилар келтирган янги хабарларни шу ерда эшитиш ва кечга бориб, ўзини узоқ, машаққатли сафарга кузатиб қўювчилар билан хайрлашиши лозим эди.

– Яна қанчадан-қанча йўл босиш керак, мирза! – деди бобоси Улуғбекка ўйланқираб. Улуғбек ҳофизнинг ғазали ўйиб солинган узун бўйинли кўзачани қўлига олиб томоша қилганидаёқ, бобоси бир нималар тўғрисида хаёлга чўмганини пайқаган эди; илгарилари камдан-кам сезилган бунақа ўйчанлик эса бугун эрталаб ҳеч тарқалмади.

Аммо Улуғбек бу ҳақда сўрашга ботина олмади, балки сўрашнинг уддасидан чиқа олмаган ҳам бўлар эди.

Катта гиламлар солинган қозихонада ўнлаб аъёнлар Темурни ва унинг неварасини отдан туширмоқ учун бараварига узангига ёпишдилар.

Бу қисқа муддатли ташрифни юзлаб йиллар хотирдан чиқармаслик, уни ўнлаб афсона, хотира ва ривоятлар билан безамоқ учун Мароғий уларни қабул этиб олди. Ҳолбуки, шу тобда бу кўрада Мароғийнинг тубжой халқидан ҳеч кимса кўринмас, бу унутилмас меҳмонлар босиб ўтган кўчаларда зоғ учмас эди.

Кўп ўтмай саркардалар Темур ҳузурига кирдилар. Халил Султон билан Султон Ҳусайн у билан бирга қолди. Улуғбек эса ўз мураббийси билан Мароғийни томоша қилгани чиқиб кетди.

Кўра ичида бир-бирларини алмаштириб турган, айрим туманбошилар томонидан юборилган, сафар машаққатлари билан эзилган ва чанг босган суворийлар уринишиб-суринишиб юрардилар. Чопарлар ва даракчилар ҳам келиб туришарди. Қаровсиз қолган отлар кишнашиб-ҳангиллашиб, бир-бирларини ғажий бошладилар, бақириб, пўпўса қилиб ва қамчилар билан савалаб уларнинг ҳовурини пасайтириб кўярдилар. Кўра ичини терлаган отларнинг ҳиди, эгар-жабдуқ, чарм ҳидлари ва чанг босиб кетган эди.

Шаҳарни кесиб ва уни ёнлаб минглаб пиёда ва отлиқ аскарлар тумтайишиб ўтиб борарди. Ѓижирлаган ва инграган ғилдираклар зилдек оғир манжаниқларни, шотиларни, вазмин ва шеркалла тахлит, Венеция ва Генуя тамғалари солинган бут суратли, католик нишонлари туширилган мис тўпларни тортиб ўтарди.

Деҳли султонлари томонидан жангбозликка ўргатилган гала-гала ҳинд филлари ўтдилар. Бу жангчилар ўзлари қишлаб чиққан Султониядан келмоқда эдилар. Гоҳ у ўлкани, гоҳ бу ўлкани даҳшатга солиб бу

қўшин узоқ айланма йўл босиб келарди. Бу ўлкаларда эса Темурнинг кимлар устига ҳужумга тайёрланаётганини савдогарлар ёки дарвишлар орқали сўраб-суриштириб билиб олардилар.

Улар шошилмай секин келаётгандек бўлса-да, лекин тўхталадиган ҳар бир манзил ва ҳар йўл олдиндан мўлжаллаб, белгилаб қўйилган бўлар эди. Фақат кечагина бу дабдабали юриш Мароғий томонга қараб бурилди ва шу ерда катта сафар оқимига қўшилиб кетди. Ҳали жуда узоқларда бўлган, ён ва айланма йўллар билан юриб келаётган ва ўз йўлида белгиланган жанг вазифаларини – шаҳарларни босиб олиш, қамал қилиш, вайрон қилиш ишларини бажариб келаётган, аммо керакли кун ва керакли жойда катта сафар юришига қўшилиб оладиган ўн минглаб қўшинлар учун ҳам тегишли жойлар белгилаб қўйилган эди.

Бир вақтлар Мароғийда мунажжимлар бутун кинотни мунажжимхонадан кузатиб, сайёраларнинг матонатли ҳаракатига, уларнинг бузилмас тартибига ҳайратда қолар эдилар. Ҳозир энди Темур қозининг димиққан ва ним қоронғи уйида ўзининг даҳшатли қўшинларининг ер устида қанча йўл босишларини ўйлаб, ҳисоблаб ўтирар, улар қиладиган жанглар, улар тўхтайдиган манзилларни белгилаб, уларнинг йўлида учрайдиган барча тўсқинлик ва қийинчиликларни олдиндан кўриб кўяр эди.

Бу ҳисобсиз одамларнинг ер узра ҳаракатлари, замон ва макон жиҳатидан, самовий жисмларнинг ҳаракатига ўхшаш аниқ бир тартибга бўйсундирилган бўлиши лозим эди.

Олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан тез ёки суст ҳаракат қилган кимсалар, энг катта туман оғаси, яъни ўн минг суворийни бошлаб борадими, жаҳонгирнинг энг кекса сафдоши бўлган мингбошиларданми, забт этилган ўлкаларда умр бўйи Темур билан елкама-елка

юрган кишими ёки оддий ўнбошими, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилинмас, ҳамма учун талаб бир хил эди: белгилаб қўйилган йул ва ҳаракат муддатидан ҳеч кимсанинг четга чиқишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди. Аммо жаҳонгир чизиб берган чизикдан чиқмай ўзи жанговарлик маҳоратини кўрсата олмаган, йироқдан кенгаш кутган, ўз бурчини ўша жойда ўз ақл-фаросати билан англаб ета олмаган, жасорат кўрсатиб ғалаба ва ўлжа қозона олмаган кимсаларнинг ҳолига маймунлар йиғлар эди.

Темур сафардошларига йул-йўриқлар бериб, чарчаганликдан нафаси қисилган чопарларнинг хабарларини тинглар экан, ўз қўшинлари ер юзининг ҳозир қаерда кетаётганини, қаерда жанг қилаётгани, қаерда ҳалок бўлаётгани, қаерда тантана қилиб, қаерда ором олаётганини қамраб ўтирарди.

Буюк Арманистоннинг қишлоқ ва далалари тутун ичида қолди. Дастлабки талафотлар ва илк ғалабалар ҳақидаги хабарлар етиб келди. Қиличларнинг ана шундай дастлабки тўқнашувидан, халқнинг жаҳонгирга ғазабидан душманнинг кучи, ақли, хулқи ва иродаси қандай эканини англаб олса бўлар эди.

Ван йўлидаги арман қишлоқлари аланга ичида қолган эди. Нахчивон ёнида, тоғдаги монастирга черков бойликлари билан қопда териға ёзилган қадимий китобларни ташиб кетаётган олтита арман монахи ушлаб олинади.

Ани шаҳарининг аҳолиси катта ибодатхоналардан бириға кириб яшириниб олиб, эшиклар очилсин деган бўйруққа, шинаклардан ўқ узиб жавоб қайтардилар. Двина қишлоғи йўлида йигирма минг чоғлик деҳқон ва боғбонлар қўлга олиниб тоғ орасиға тўпланганлар, улар ўз қисматларини кутмоқдалар. Тўсатдан қўлга тушириб олинган деҳқонлар ўзларини яхши мудофаа қилмаган эдилар, аммо узоқ қишлоқларнинг деҳқон-

лари эса мудофаачиларнинг кучига куч қўшмоқ учун шаҳарларга кириб яшириниб олганлар. Қўрғон деворлари йўқ шаҳарларда ибодатхона, монастырлар ва тошдан қурилган карвонсаройлар қалъага айлантирилган.

Темур оқсоқ оёғини узатиб, соғ оёғини йиғиб ўтирар, бир-бир кетин алмашилиб турган одамларнинг гапларини гиламга қараганича индамай тинглаб ўтирарди.

Ингичка қора бармоғи билан гиламга ниманидир чизар ёки гўё бу нақшлар ер устидаги эгри-бугри йўллардек, гиламнинг узун нақшли йўлини сийпалар эди.

У ёлғиз бир мартагина бошини кўтариб, ўзидан сал нарида ўтирган Султон Ҳусайнга қараб, шаҳзодагами ёки ўзидан-ўзими:

– Ҳамма йўлларда... Ҳамма йўлларда... – деб қўйди секин.

Лекин янги кириб келган чопар унинг фикрини чалғитди, яна бошини қўйи солиб гиламга қараб Трабзонга юборилган чопарнинг қўшин ҳаракати ҳақидаги хабарини тинглай бошлади.

Мураббийси ва бошқа аъёнлар ҳамроҳлигида Улуғбек Мароғий шаҳрини айланиб, унинг шоёни ҳайрат жойлари билан танишди.

У Ҳалокухон мақбарасини бориб кўрди. Мақбара устидан, ғиштлар орасидан тикандек бўлиб сап-сарик ўт ўсиб чиқибди. Пештоқи нурабди, зинапоялари ейлиб кетибди. Қандайдир қашшоқ чол ҳассасини суяб қўйиб, деворга тикилганича чўккалаб дуойи фотиҳа қиляпти, лекин бу жойга дафн этилган хон авлиё ёки мусулмон бўлганми, буни хаёлига ҳам келтирмас эди.

Улуғбек бозор айланди, қадимий мунажжимхонани бориб кўрди. Бу жой илгаригича ҳувиллаган, дўкон ва устахоналар ланг очик, ичи ҳар хил бўлмағур молларга тўла эди, аммо ҳеч бирида эгаси кўринмасди.

Шундай бўлса-да, мунажжимхона гумбази остида мароғийлик бир неча савдогар ерга гилам ёйиб, шаҳарга ташриф буюргани учун Улуғбекдан ёдгорлик тариқасида совға-саломларни қабул қилиб олишни илтимос қилдилар. Улар шаҳзодага жуда ажойиб қилиб тикилган чопон, бир кийимлик шаффоф шоҳи, патли катта гилам, жилд ичига солинган хати насх билан ёзилган китоб туҳфа қилдилар. Шундай нодир китобни кўриб суюниб кетган Улуғбек, бошқа ҳамма инъомларни унутиб, китобни мароқ билан варақлай бошлади. Китобнинг бошдаги варағига нафис қилиб, қизил, зар ва қора туш бирикмасидан нақш солинган эди. Бошқа саҳифаларида эса шу хилда равшан қилиб самовий жисмлар ва минорадан осмонга қараб турган мунажжимлар сурати солинган эди.

Қайиш ота хурсанд бўлиб кетган шаҳзодага ер остидан хўмрайиб қаради. Чунки аллақандай бир шаҳарчадаги паст табақа одамларнинг туҳфасига бунчалик парво билан қараш шаҳзода учун бир таҳқир деб билар эди. Бирор қурол-яроққа эмас, балки китобга бу қадар эътибор бериш шаҳзодага муносиб эмас!

Шаҳзоданинг китобга рағбати зўрлигидан хурсанд бўлган бир савдогар унга гап уқтирмоқчи бўлди:

– Бу китоб бундан бир юз эллик йил бурун бизнинг ҳамшаҳримиз буюк олим Абужаъфар Муҳаммад Насриддин Тусий томонидан шу ерда ёзилган, шу ерда машҳур бир котиб томонидан кўчирилган...

– Мирзамни кўп овора қилманглар, – деб гап қотди Қайиш ота.

Улуғбек бу қадар кўп шоҳидлар олдида мураббийсига итоатсизлик қилишга ботина олмади-да, китобни беркитиб, қирғоқларидаги зарҳали қирилиб кетган қалин жилд ичига китобни яна ўзи солиб қўйди.

Аммо савдогар худди шаҳзоданинг ўзига гапираётгандек қилиб, унинг мураббийсига сўзламоқда эди:

– Ота-боболаримизнинг айтишларича, бу ерда, шу китоб ёзилган замонда беш юз минг китоб бор экан. Уларни Ҳалокухон уруш сафарларида юриб тўплаган экан. Беш юз минг шунақа китоб бизнинг Мароғийимизда! Энди қани улар? Мана, омон сақланиб қолган биттасини сизга топширяпмиз. Халқимизнинг бахт-саодати учун Оллоҳ таоло бу китобни омон сақласин!

Қайиш ота бирдан шундай деб қолди:

– Сахийлик савдогарни синдиради, лекин шаҳарга зийнат беради.

Ўз мураббийсидан ҳеч қачон бундай ҳикматли гап эшитмаган Улуғбек жуда ҳайратланиб қолиб, атрофида турган кишиларни унутди-да:

– Ия, бу гапни ҳозир ўзингиз ўйлаб чиқардингизми? – деб сўради.

Қайиш ота қовоғини уйиб туриб, насиҳатомуз қилиб деди:

– Мен жаҳонгиримизнинг отлари ерда қолдирган бир туёқ изиман.

– Бас, бу сўзларни бобом айтганмилар?

– У киши яхшироқ қилиб айтган бўлур эдилар, – деди Қайиш ота гапни чалғитиброқ бошини қуйи солиб.

Улуғбек савдогарларга қайрилиб қараб:

– Сизда яна яхши китоблар борми ўзи? – деб сўради.

– Бозорга опчиқиб туришади ҳар замонда.

– Сизда Насимийнинг девони йўқми?

– Йўқ, тақсир, Ширвондан топилади. Бизда йўқ.

«Бу ерда ҳам уни танишар экан!» – деб қўйди Улуғбек ичида.

Қайиш ота, совға-саломлари учун савдогарларга ташаккур тариқасида чопон кийгизишга амр қилди-да, Улуғбекни шаҳарни томоша қилдиришга бошлаб кетди.

Улар ҳаммомни бориб кўрдилар, ривоятларга қараганда, жанг сафарларидан қайтганида Ҳалокухон шу ҳаммомда ювинишни ёқтирар экан. Бу ҳаммом кўп асрлардан бери бор экан. Унинг олтига кичик гумбази қуршовидаги ясси гумбази қорайиб, моғорлаб кетгандек эди, бўсағаси рангдор мрамор ва харсангтошдан ясалган экан. Қарияларнинг айтишича, румлик бир меъмор ясаган экан.

Бир томонда қорайиб турган, нураган девор кўринарди.

– Бу ер қалъамиди? – деб сўради Улуғбек.

– Бу – мунажжимхона! – жавоб қилди қозихонада тилмоч бўлиб ишловчи, уларга ҳамроҳ бўлиб юрган мароғийлик.

– Кимники?

– У ерда бизнинг буюк олимларимиз яшаган. Улар билан бирга дунёнинг ҳар қаеридан – Ҳиндистондан, Румдан келган олимлар яшаган. Ҳатто хитойлик олимлар ҳам бор эди. Бу ерда кўп бошқа бинолар ҳам бўлган. Бир хилларида одамлар турар, бошқаларида эса китоблар сақланарди. Беш юз минг китобни Ҳалокухон дунёнинг ҳамма жойидан ташиб келтирган. Бу ерда осмонга қараб туриладиган минора бор эди. Айрим бинода кеча-кундуз хаттотлар ишлар, китобларни турли тилларга кўчириб ёзар эдилар.

– Ҳозир нима бор у ерда? – деб сўради Улуғбек ва отининг бошини шартта ўша хароба томонга бурди, ҳеч ким уни алаҳсита олмай қолди. Ҳамма ясанган-тусанган, аъён ва навкарлар ҳам, икки от ёнма-ён юрса зўрға сиғадиган тор кўчага отнинг бошини бурдилар, япасқи кулбалар устида нураган деворнинг қолдиқлари нақадар салобатли ва мотамсаро қад кўтариб турганини томоша қилиб бордилар. Деворларнинг баъзи ерларида кўкиш кошинлари сақланиб қолган эди.

Тор куча вайроналари соя ташлаб турган яланг бир тепаликка олиб чиқар эди. Ҳамма ёқ бозордан олиб чиқиб тўкилган сопол синиқлари ва ахлатдан дуппайиб турарди.

Хароба устига фақат Улуғбек, унинг мураббийси ва йўл бошловчи озарбайжонлик чиқдилар. Бошқаларга жой йўқ эди.

Улуғбекдан офтобни тўсиб қолган деворлар айниқса қорайиб кўринарди. Ялпоқ ғиштдан ясалган деворнинг остлари нураган ва катта бино ҳозир қулаб кетаётгандай эди.

Оёқлари қийшиқ қотма бир чол нималарнидир қидириб девор остини титкиларди. Нарироқда, дунёнинг ишларидан кўпдан бери безгандек кўринган эшаги бўйнини эгиб турарди. Улуғбек пайдо бўлиши билан девор орқасидан йиртиқ бўз кўйлак кийган бир бола чиқиб қолди. Жулдур кийинган, қийғир бурунли, қора кўз бола келганларга бир қараб, бошини мағрур силкиб кўйди.

Ўз иши билан банд бўлган чол отлиқлар келганини ҳаммадан кейин пайқади.

– Нима қиляпти у? – сўради Улуғбек Қайиш отадан.

– Нима қиларди, ахлат титкиляпти-да.

Аммо чол, бу гапни эшитиб, керилган оёқлари устида қақдини ростлаб, тушунтирди.

– Ғишт теряпман, ғишт. Бунақаси ҳеч қаерда йўқ.

Улуғбек, эшакка ортилган хуржуннинг икки кўзи оғир ғиштлардан осилиб тушганини пайқаб қолди.

– Чўкич бўлса яхши бўлар эди. Йўқ-да! Куруқ қўл билан яхши кўчириб бўлмапти – ганчи қаттиқ экан. Ғишт ғиштга худди пайванд қилиб ёпиштирилгандай.

– Сизга ғишт нима учун керак? – ажабланиб сўради Улуғбек.

– Бу ерлардан оқсоқ жанг қилиб ўтган. Ҳали эшитганинг йўқми? Ҳаммани бошпанасиз қолдирган. Ун-

дан омон қолган кишилар бир йилдан бери баайни итдек уяларда кун кечирадилар. Қачонгача шундай яшаб бўлади, ахир? Энди эшитсак, оқсоқнинг ўзи бу ерга меҳмон бўлиб келган эмиш. Бу ерда меҳмон бўлиб турганида кулбаларимизни бузмаса керак деб ўйлаймиз. Шу сабабдан бошпана қуришга киришдик. Нимадан қурадик? Ким бизга ғишт пишириб беради? Ана шунақа жойлардан оламиз-да. Пойдеворга ахир, бир нарса териш керак-ку. Етганича девор остига пишиқ ғишт қўйган яхши-да. Мана, жаранглашини қара!

Чолнинг Темурга нисбатан бунчалик адовати Улуғбекни ҳайратга солди. Бобосини оқсоқ деб аташларини Улуғбек биларди, аммо бу авом халққа уни шундай аташни ким қўйипти? Ҳамсуҳбатидан кўнгли совиган бўлса-да, лекин Улуғбек бу чол билан бўлаётган суҳбатини шартта бўлиб қўйгиси келмади. Ҳамсуҳбатининг ёшига нисбатан одат тусига кириб қолган эҳтиром бу чолга нисбатан туғилган ҳар қандай адоватдан ҳам, беҳаё соддадилликдан ҳам кучлироқ эди. Шу сабабдан Улуғбек одоб билан совуққина қилиб:

– Теварак-атрофда иморат кўп-ку. Нега сиз ҳадеб бир жойни кавлаб ётибсиз? – деб сўради.

– Қанақа теварак-атрофда? Мақбара, масжид – ҳаммаси табаррук жойлар. Уларни бузиш гуноҳ. Мана бундақалар кимга ҳам керак. Шунинг учун оляпмиз. Хайр, бугунга етар, бўлди! Эшагим фил эмас, ортиқ кўтара олмайди, – деб жавоб қилди чол. Кейин неварасидан: – Қани, оз-моз кавлаб чиқардингми, сен ҳам? – деб сўради.

Бола «йўқ» дегандек бошини чайқади.

– Қазиб олиш қийин. Синиқларини бир жойга тўпла – бировга керак бўлиб қолар: синиғидан нима фойда?

Қайиш ота илтифотсизгина гапга аралашди.

– Сен ҳадеб тагини қазияпсан, устингга девор қулаб тушмайдами?

– Нималар деяпсан, оғайни! Бу деворлар бир неча юз йилдан бери қад кўтариб турипти. Нега менинг устимга ағдариларкан?

Улуғбек бу тартибсиз ётган улкан харобани айланиб ўтмоқ учун отини қамчилади.

Қайиш отанинг оти кетидан лапанглаб югурган чол шошиб-пишиб секин сўради:

– Назаримда сен ҳукуматдорлар билан бирга кўри-насан. Хўш, айт-чи, анави худо кўтаргур оқсоқ энди кураётган жойларимизни бузмайдими?

– Йўқол, кет! – деб дағдаға қилди Қайиш ота, Жаҳонгир ҳақида шундай одобсиз сўзларни айтгани учун уни озарбайжонлик олдида уришни ўнғайсиз деб билиб.

Ранжиган ва таажжубланган чол эшаги олдига борди-да, бутун аламини эшагидан олиб, уни савалаб ҳайдаб, тор кўча бошига бориб тўхтади, чунки отлиқлар ва навкарлар билан тўла бу тор кўчадан юк билан тугул, куруқ эшакнинг ўзи билан ҳам ўтиб бўлмас эди.

Бир вақтлар юксак ва гўзал бўлган деворларни томоша қилди. Баъзи жойларида номаълум белгилар билан солинган нақшларнинг пуштиранг ганч изи сақланиб қолган; баъзи жойларида эса одамларнинг сурати кўринади; бошлари йўқ таналар қўлларида қандайдир ажиб учбурчак ва жазбар ёки китоб ушлаб турибдилар. Бошқа жойларда эса танасиз бошлар сақланиб қолган. Булар доно ва мутафаккир мўйсафидлар ёки йигитларнинг бошларига ўхшайди. Юлдузлар сурати ажиб бир уйғунликда. Синиқ тошлар устида араб ва форс тилларида ёзувлар...

Ярми қулаган бир минора ичида айланма тош зинапоя омонат сақланиб қолган. Зинапоя тошлари сийқаланиб кетган. Афтидан, бу зинапояга кўп одамлар чиқиб тушганга ўхшайди. Энди бу одамлар қаёқда қолди экан-а?

Киравериш устидаги кошинкор равоқ сақланиб қолган. Аммо шу эшик орқасидаги хона бузилган.

У ерда нима бўлган, у эшикдан ким кириб-чиққан, ичида нима бўлган, ким ҳаёт кечирган – номаълум эди.

Улуғбек секин-аста бутун хароба майдонни айланган сари, унинг кўз ўнгида ўтмиш ҳаётнинг янги-янги қолдиқлари намоён бўлаверди. Токчали ҳужралар, деворларидаги ёзув қолдиқлари кўринади.

– Мунажжимхона шу ерда бўлганми? – деб сўради Улуғбек. – Номи шунақами?

– Ҳа, шундоқ, – деб тасдиқлади озарбайжонлик. Дунёнинг ҳар тарафидан келган буюк олимлар ишлашган. Номлари ҳам табаррук. Бизнинг олимларимиз уларнинг асарларини кўз қорачиғидек сақлайдилар. Бу ерда жамланган ҳикмат ва донишмандлик авлоддан-авлодга кўчиб келади, бу донишмандлик инсон хотирасидан сира ўчмайди. У кўп халқларнинг ақлига ақл қўшган.

– Улар чиқиб-тушиб юрган зинапоёга энди...

Аммо Улуғбек бош-оёғи қаёқдалигини билиб бўлмайдиган эски зинапоёни кўрганида ўз ҳисларини изҳор қилолмай қолди. Улуғбек яна ҳувиллаб ётган бозорга чиқди. Қандай бир гадо кампир шол кўйлагини липпа уриб олиб, эгри ҳассасига таяниб, бўш халтасини силкитганича нимжон оёғини зўрға босиб тентираб юрарди. Кампир бирдан тўхтаб негадир кулиб, бошини сарак-сарак қилиб, яқиндагина одамлар гавжум бўлган бу ернинг нега ҳувиллаб, жимиб қолганини пайқамай, яна йўлида давом этаверди.

Чарчаб қолган шаҳзоданинг кўрага қайтгиси келиб қолди. Темур қаерда бўлса, унинг кўраси шу ерда бўлар эди: фақат бобоси ёнидагина Улуғбек тинч ва ўзини яхши ҳис қилар эди.

Темур турли-туман ва кўпгина масалаларни ҳал қилгунча ўзи ушлаб турган саркардалар ва маслаҳатчиларга жавоб бериб юборди. Бу вақтда ўз сафдошларидан кимларнинг ўзига керак бўлиб қолишини олдиндан билиб бўлмас эди.

Энди чопарларни уларнинг ўзлари, сал бурунроқ Султон Хусайн одамларни қийнаб суроқ қилган ертўлада қабул қила бошладилар. Бу ерга лаганларда турли ноз-неъматлар тортилиб турди. Чунки Темур ушлаб турганида сафдошларининг қоринлари жуда очиқиб қолган эди. Меҳмонларга ҳам шу ерда овқат тортиларди. Улар бир оз ором олишлари учун шу ерга кўрпа-тўшак солиб жой қилинган эди. Ертўланинг ичи кенг ва салқин эди.

Темур кун бўйи турган жойида ўзи ёлғиз қолди. У ўзи утирган гиламга диққат билан тикилиб қолган эди. Фақат орқаси билан ёнбошига ёстиқ қўйиб қўйишни амр қилди. Шунда унга майин теридан қилинган сафарий ёстиқларни келтириб қўйдилар.

Ана шу бирпаслик хаёл суриш даврида у дам олиб оларди; ана шу мудроқ ичида, у бутун ҳодисаларни овлоқда аниқроқ тасаввур этар, шу ҳодисалар натижасида туғилган барча муаммоларни ҳал қилиб олар эди. Шунда таскин топар, келажак эса кўзига ойдек равшан бўлиб кўринарди.

Ниҳоят, у ёстиқдан тирсагини олиб кўзларини очди. Кейин ўрнидан туриб, кўранинг ташқарисидаги тинч боғчага чиқди. Девор бўйлаб пастак қатор уйлар чўзилиб кетган эди. Афтидан, илгари бу ерда хонадон эгасининг хотинлари турган бўлса керак – кичкина эшикчалар боғчага очилар эди, кекса дарахтлар соясида чанг босган қандайдир заиф гуллар диккайиб турарди. Бу ерда турли-туман ҳодисалар, талай ҳан-

гомалар бўлиб ўтган, кўп қўшиқлар айтилган, кўп кўз ёшлари тукилган эди...

Илгари нозанинлар турадиган бу турқи совуққина тор хужраларда Улуғбек мураббийси билан, яна Темурнинг яқин аъёнларидан бир нечаси турарди. Бу аъёнлар ҳукмдорнинг хазиначиси, шахсий қорувулбошиси бўлиб, уларнинг сафарда бирга юрадиган навкарлари йўқ эди. Темурнинг пири Саид Барака ҳам шу ерда улар билан бирга эди.

Темур дарахтлар тагидан ўтар экан, гоҳ ҳовуз бўйида шошилишда эсдан чиқариб қолдирилган бир жуфт заифона кавушни, гоҳ болалар лойдан юмалоқлаб ўйнаган, дарахт тагида қолиб кетган қумалоқларни кўради. Бундан бир неча вақт бурун, яқингинада бу ерда ўзгача ҳаёт ўз мароми билан давом этмоқда эди. Темур кўп шаҳарларда бўлди, кўп жойларда манзил қурди, беҳисоб ҳовли, кўра ва хужраларда истиқомат қилди. Темур келиб тушган жойларнинг ҳаммасида доим у келгунча давом этиб турган ҳаётни ўзгартириб юборар эди. Ўзи келгунча одамларнинг у ерларда қандай ҳаёт кечирганликларини у кейин тусмоллабгина билиб олар эди. Бу ерда ҳам худди шундай бўлган эди. У ўзи учун ошиғич равишда бўшатиб қўйилган боғчада бамайлихотир айланиб юрарди. Хужралардан баъзилари бўшаб қолган – Темурнинг аъёнлари қаёққадир кетган. Фақат Улуғбек турган хужрадангина овоз чиқар эди. Хужра эшиги очиқ эди. Темур киши билмас аста юриб эшик ёнида гапга қулоқ осди.

Хужрада Темурни тўғридан-тўғри оқсоқ деб атаган қандайдир бир чол ҳақида гапиришмоқда эдилар. Бу чол босқинчи оқсоқ вайрон қилиб кетган уйи ўрнига янги уй солиш ҳаракатида экан.

Султон Хусайн дерди:

– Биз бўлсак босқинчиларни ахтариб юрибмиз, бит-таси шундайгина оёқ остимиздан чиққан экан. Уни ушламасдан қолдирибсизлар. Вой, сенларни қара-ю!..

Қайиш ота жаҳл аралаш хириллаб қўпол қилиб жавоб қиларди:

– Чол яхши ўйламасдан вайсади. Босқинчилар ўзига уй қуриб ўтирмайди. Улар бировларнинг уйларини вайрон қилаверади.

Султон Ҳусайн унга жавобан дерди:

– Бировларникини бузиб вайрон қилади-ю, лекин ўз бошпанасини тузатиб олади. Ҳалокухон вайрон қилиб-қилиб, ўзига бу жойда ва Табризда қаср солиб олган мунажжимхона қурдирган. Бу камлик қилганидек, уни масхараям қилган. Худди Тўхтамишдай. Бу ерда ҳам, биздаям кўп нарсани бузиб, вайрон қилиб, Саройда ўзига қаср солдирмоқчи бўлган. Фақат бобомиз келиб, унга халал бериб қолганлар. Бобомиз унга жавобан бутун Саройни остин-устин қилиб ташлаганлар. Мана, кимлар босқинчи!

Улуғбек дерди:

– Тўғри, бобомиз бузган, вайрон қилган. У қанақа босқинчи бўлсин? Бобомиз қанчадан-қанча қурдилару! Ҳалокухон бу ерда қурган бўлса, бобомиз Самарқандда қурдилар. Кам қурганлари йўқ.

Халил Султон дерди:

– Бизнинг Самарқандда: «Саҳройи бойиса хотин олади, самарқандлик бойиса уй қуради», деган гап бор.

Бирдан ҳаммалари жим бўлиб қолдилар. Хужра ичида бир нима бўлди шекилли, Темур теварак-атрофига аланглаб қаради. Атрофда уларни хавотирга соладиган ҳеч кимса кўринмасди. Темур ерга қараб пайқаб қолди: хужранинг очик қолган эшиги олдига ўзининг сояси тушиб турарди. Шунини кўриб жимиб қолишган экан.

Темур энди ўзини улардан панага олиб ўтирмасдан хужрага яқин борди. Қоронғи хужра ичида ўтирганлар унга яхши кўринмас эди.

Ўтирганлар ўз гапларидан уялишиб тошдай қотиб қолган эдилар. Гапимизнинг ҳаммасини эшитиб қолдимикан деб ўйлашиб, шоша-пиша оёққа босиб, сукут сақлаб турдилар.

Невараларининг суҳбатларига бехосдан қулоқ солиб қолганининг сабабини ўзи ҳам билмай, Темур тўғри хужра ичига кириб борди.

– Самарқандни соғиниб қолдингми-а? – деб сўради у Халил Султондан. Хижолатда қолган Халил индамади. Аммо бобоси ўтирмасдан жавоб кутди. Ҳамма қимир этмай тик турарди. У неваралари олдидан ўтиб, Халилнинг рўпарасига келиб тўхтади.

– Нима дединг?

– Бобожон, Самарқандни ким соғинмайди дейсиз.

– Шундоқ-шундоқ. Улуғбек дейман, сенга Мароғий маъқул бўлдимми?

– Бобожон! Менга улар китоб тўхфа қилдилар. Қадимий ёзувлик. Қанақа китоблигини билолмадим, лекин хатти насх билан кўчирилган.

– Хатти насх? – заҳарханда қилиб қайта сўради Темур. – Нима ёзилганини билмайсанми?

– Ўқимоқчи эдим, лекин ҳалиги...

Улуғбек ўпкалагандек мураббийсига қаради.

– Нима гап? – сўради Темур.

Қайиш ота гуноҳкордек тушунтирди.

– Мен ҳамма тўхфаларни ўраб, юклаб қўйишни буюрдим. Биз шаҳар айланганимизда келган тўхфаларни ўраб-чирмаб қўйдилар. Ахир, тонг қоронғисида йўлга тушамиз-ку. Бўлмаса, қачон йиғиштириниб юклаймиз. Китоб ҳам бошқа юклар қатори ўраб ташланган. Энди қаердан қидириб ўтиради киши.

– Ҳа, шундоқ, тезда йўлга тушамиз. Кечкурун.

– Анави, бобо, дунёнинг ҳар тарафидан келган олимлар турадиган бинодан фақат зинапоясигина қолипти.

– Дунёнинг ҳамма олимлари?.. Ҳаммасини йиғиб-тўплаб бўлмайди-ку.

Қайиш ота насиҳатомуз қилиб Улуғбекка уқтирди:

– Буюк жаҳонгир бутун дунё олимларини Самарқандга тўплайптилар. Ҳозир бу олимлар Самарқандда дунёнинг ҳар жойидан кўра ҳам кўп.

– Ҳаммасини қанақа қилиб йиғиб бўлади? Улар дунёнинг ҳамма ерида тарқалган-ку.

– Ҳалокухон ҳам тўплаган экан. Улар ҳаммаси ўтириб олиб китоб ёзишипти. Уларда беш юз минг китоб бўлган экан, – деди Улуғбек.

– Хабарим бор, биламан. Эшитганман, менга бу тўғрида айтишган. Ҳалокухон ўзи учун тўплаган. Бошқаларга ҳеч нарса қолмасин деб тўплатган. Аммо ўзи эса олимларнинг нима билан бандлигини, бу китобларда нималар ёзилганини билмаган.

Темур Ҳалокухонни яна нималар деб бадном қилишни билмас эди. У мўғул истилочиларининг урф-одатларини ёшлигидан хўп кўрган-билган эди. Самарқанд, Бухоро Термиздаги шаҳар майдонларининг ўт босиб ётгани Темурнинг ҳали-ҳали эсида, у истилочиларга қарши курашмоқ учун сафдошларини бирма-бир тўплаган эди. У ўз кучига ишонганидан бепарво бўлиб қолган мўғул карвонларига ҳужум қилар, буғдойзорларни топтаган пода-пода молларига саҳройилар ўтлоққа айлантирган тойларга ҳамла қилар, шаҳар бозорларидан мўғулларни қувиб чиқармоқ учун шериклари билан бозорларга бостириб кирарди. У забт этган ерларини кенгайтиргани кенгайтирган эди. У, туркий халқлар учун еримизни мўғуллардан

озод қиялпман, курашяпман деб ўзига ҳам тасалли берар, бошқаларни ишонтирмоқчи бўлар эди. Хоразмни Олтин Ўрдадан ажратиб олмоқ учун туркий халқлар Темур билан бирга борди. Эронни, Озарбайжонни, Арманистонни мўғуллардан тортиб олиш учун туркий халқлар Темур билан бирга юриш қилди. Мўғулларни қоқ кўксидан жароҳатламоқ учун турк қабилаларини Темур Олтин Ўрдага бошлаб борди. Кўпгина йўл босилди. Яна кўп йўл босиш керак эди. Уларни ўз ерида мажақлаб ташламоқ учун Мўғулистон саҳроларидан босиб ўтиш керак эди. Мўғулистонга боришдан олдин бу ерларда мустаҳкам ўрнашиб олмоқ керак. Усмонли Боязид орқангда турар экан, у ерларга бориб бўлмайди. Боязиднинг аскарлари урушларда тобланган, тажрибакор аскарлар. Унинг қўл остида шунақа икки юз минг чоғлик аскар бор. Бу қадар кучни сиртда қолдириб ўтиб кетиб бўлмайди. Одамнинг ер юзида қиладиган иши кўп, лекин вақт етишармикан? Темур эса отдан тушмай дунёни кезгани кезган.

Темур хужра ичида у ёқдан бу ёққа юрар экан, бу сўнгги узоқ жудолик олдидан арзанда неварасини ранжитгиси келмаса-да, лекин:

– Кимни мақтаётганингни биялпсанми? – деди Улуғбекка шиддат билан. – Кимнинг нима ишлар қилаётганини сен аввал бир тушуниб ол. Мўғуллар солган бинолар қаёқда? Улар ёзган китоблар қани? Уларнинг хунарлари, шаҳарлари қаёқда? Қаёқда, а? Улар ўзгаларникини забт этиб олдилар. Мароғийни, мунажжимхонани шу ерлик аҳоли солган. Олимлар ўз китобларини мўғул тилида эмас, балки араб ва форс тилларида ёзганлар. Олимлар орасида мўғуллар бормиди? Мароғийда бормиди? Биттаям йўқ эди. Бу ердигилар хонни лақиллатганлар, у мунажжимхона қуриб берган, улар учун китоблар ташиб келтирган. Хон учун буларнинг ҳеч қадр-қиммати йўқ эди, унга отларини

боқадиган жойгина керак эди. Сахрога қайтиш, буюк хон бўлиб ўтириш керак эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам: ҳамма ёқни ташлаб сахрога қочди, лекин кечикиб қолди. Қублай ундан олдин ҳаракат қилиб қолди. Яна Мароғийга қайтишга мажбур бўлди. Ҳаммасиям шундай қилди. Тўхтамиш ҳам: олимларни авраб олиб кетмоқчи бўлди, лекин алдовга кўнмай, бормадилар. Сўнгра зўрлик билан баъзиларини Саройга олиб кетди, кейин унинг кучи заифланиши билан улар ҳам орқаларига қараб қочдилар. Йўқ, сен уларни мақтама. Сен доим одамлар қандай ва нима учун ишлаётганларни бир тушуниб ол.

Гарчи ғазабини ичига ютса-да, лекин Улуғбекнинг гапларидан Темурнинг ғазабланганини Халил Султон пайқаб қолди. Аммо Улуғбек бобосини нима билан хафа қилганини Халил Султон тушуна олмади. У бобосининг гапларига кўрқа-писа қулоқ солиб турарди. Темур мўғулларни ёмон кўришини яхши билар эди. Бобоси ёшлигидаёқ мўғуллардан кўп жабр-жафолар тортган эди. Темур бутун ҳаёти давомида ҳормай-толмай, бир вилоят кетидан иккинчисини, бир мамлакат кетидан бошқасини мўғуллар чангалидан қадам-бақадам тортиб олганлигини Халил Султон яхши билар эди. Темур бир тўдагина довюррак одамлари билан сон жиҳатдан кўп бўлган кучли душман устига мисли кўрилмаган тезлик билан ёпирилган бўлса, кейинчалик гоҳ у ер, гоҳ бу ерда Темурнинг кўпгина кўшинлари устига бир тўда шоввозлар шундай ҳужум қилиб турдилар. Темур бу шоввозларни кўпинча дарров енга қолмас эди. Бу кураш баъзан узоққа чўзилар, кўп куч сарфланар, кўшинга катта талафот етказар эди. Нега бобоси бу тўғрида сира ўйламас, забт этилган вилоятларда ўзига ўнлаб ёки юзлаб довюрракларнинг ҳужуми ҳақида ўйлаганида нега ўз ёшлигини эсламади экан? Балки эслагандир ҳам.

Темур бирдан Улуғбекнинг олдига келиб, қаттиқ ғазабланганидаги сингари кўзларини қисиб қаҳр билан эмас, балки таъна билан деди:

– Сен Ҳалокухон қурган, бобом ҳам қуряпти, де-япсан-а. Лекин ундай эмас. У ўзгаларнинг қули билан ўзгалар учун қуриб берган. Ўзининг ҳеч нарсаси йўқ эди. Биз эса ўзимиз учун қуряпмиз. Бизда муғуллар ҳукмронлик қилган вақтда ўшалар бузиб вайрон қилиб кетган нарсалар ҳаммаси йўқолган ҳисоб, уни қайтадан бунёдга келтириш керак. Бутун турк элида ҳаммасини бирдан қуриб тамомлаб бўлмайди-да. Ишни Самарқанддан, яна баъзи бир жойлардан бошладик. Бироқ бизда ўз дидларига мослаб ўзимизникилар қурмоқда. Чет усталарни эса бизникиларга ёрдамлашсин деб тўплаяпман. Улар бизникиларга қуриб берсин деб.

Шу он бирдан ҳайқиб турган йигитчага эмас, балки ғазаб билан душманга ўшқиргандек:

– Бизникиларга! Шуни эсда тут! – деб бақирди.

Лекин шу соат яна ғазабини босиб, шивирлаб:

– Фарқи ана шунда! – деб қўйди.

Кейин, чиқиб кетаверсаммикан, ё яна гаплашсаммикан деб ўйланиб, эшик олдига келди. Сўнгра Улуғбекнинг ёнига қайтиб:

– Биз ҳамма йўллардан кетиб боряпмиз. Йўлларда қабрларимиз қолиб кетяпти. Муғуллар ҳам кўп қабр қолдириб кетган-ку. Нега келди экан? Улар ҳамма ёқни топтаб, оёқости қилди, сувли ва экинли ерларимизни пайҳон қилди. Боши етган ерда, бизнинг ерларимизни, бошқаларникиниям оёқости қилди. Ўрнига нима келтирди? Нималар қурди? Доно Чингизхон ботирнинг ўзининг ҳам қабри йўқ. Саҳрода бир тепалик – бўлган-турган қабри шу. Тепаликни эса ўт босиб ётипти. От боқилляпти. Мана сенга Чингизхон...

Халил Султон булар ҳаммаси бобосининг кўнглида кўпдан йиғилиб қолган гап эканини тушунарди, лекин у ҳаммасини айтмади, балки айта олмаган ҳам чиқар. Аммо Улуғбек бобосининг кўнглида бир дард бўлиб ётган нарсага бехосдан тегиб кетгани учун Темур илгари ҳеч кимга изҳор қилмаган гапларини ҳам айтиб юборди.

Бобосининг ўйи ва ниятлари эндигина Халил Султон учун ойдиндек равшан бўлди-қолди. Аммо уларни батамом тушуниб олмоқ учун кўп нарсани билиш ва кўп нарса устида бош қотиришга тўғри келар эди, лекин бобосининг ҳамма ишлари ҳам ўзи учун аниқ-равшанмикин?

Темур эса ҳамон сўзларди:

– Тўхтамиш-а!.. Чаён. Кўрганни чақади. Сабаб? Мен унга бошпана берсам, у менга ҳамла қилди. Ўрдага бориб, ўрдаликларни хафа қилди. Руслар ўз ишлари билан банд бўлганлари учун уни аяганлар, у куч йиғиб, бино қуриши керак эди, бунинг ўрнига русларга, Москвага ҳамла қилиб юрибди. Руслардан Литвага қочди, у ерда уни ўз паноҳларига олдилар: у эса Витовтни лақиллатди. Эдигей устига бошлаб борди. Эдигейдан Ўрдани тортиб олмоқчи бўлди. Бошқача айтганда, ёнғоқни бировларга чақтирмоқчи бўлди. Эдигей Витовтнинг тишини суғуриб олди. Тўхтамиш-никиниям. Шундай қилиб, ўз ниши билан ўзини у ёқдан бу ёққа ташлагани ташлаган. Чаён! Мўғул тирранча... Биз эсак ўз юртимизда. Биз уни тузатишимиз керак. Ҳаҳ-ҳа. Эдигей ҳам ўша зотдан экан-да!..

Темурнинг фикрлари чалғиди. Шу сабабдан у, ҳажонданми ёки аламданми муҳим гапни айтгиси келмас ёки айтолмасди.

– Жони қаттиқлигини қара-я! Қаёққа борсанг, улар бояги-боягидек.

Темур бехосдан эшик олдига келди-да, унга қараб туриб қолди, яна қайтиб кетди.

Ҳамма ундан кўз узмай қараб турарди. У оқсоқла-ниб бўлса-да, бамайлихотир, шошилмай шаҳдам қа-дам ташларди.

У илгари ўзи утирган, тўқ қизил гилам тўшалган хонага қайтди, лекин гиламга ястанмасдан танҳо ором олиш учун у ёқдан бу ёққа юрди.

У ўзининг йигитлик даврини яхши эсларди, куч-ли хонлар билан мардонавор курашганлари ҳали-ҳа-ли эсида. У доим эмас, камдан-кам ҳалол курашарди. У ўз душманларидан заиф эди. Шу сабабдан, бунақа курашда ҳалоллик хатарли эди. У душманни дои-мо ғафлатда босарди. У бошқалар саҳрога чиқишга қўрққан тунги пайтларда йўл юрарди, бирдан бошқа душманга ҳужум қилиш учун иккинчи бир душмандан олислаб кетар эди. Унинг душманлари турли-туман ва кўп бўлса-да, лекин ҳаммасиям бир хилда душман эди. Аммо у ўз душманларини енгиб, ҳаммасини ҳар хил йўллар билан йўқ қилиб ташлади. У ёшлик чоғини яхши эслар, бу давр бундан эллик йил бурун ўтиб кет-ганини яхши тушунарди. Сони оз, кучсиз душманлар, кичик тўдалар пайдо бўлганида, у ўзгача бўлиб қолди, Темур ана шулардан қўрқарди. Қўзғолон чиққан жой-ларда ҳаммани битта қўймай қириб ташларди. Қўзғо-лонлар эса тез-тез бўлиб турар, бир ўлка қўзғолон қилмаган йил йўқ эди: бундан ўн уч йил муқаддам Ур-ганч қўзғолон кўтарган эди. Ундан кейинги йил Сабза-ворда сарбадорлар қўзғолон кўтарди. Ўша йил Ҳирот қўзғалган, сўнгра Исфаҳон – ҳамма жойда ҳам оддий халқ қурол кўтариб чиққан, унга қарши мўғуллар эмас, мўғуллар зулмидан ўзи озод қилган шаҳарлар қўзғал-ган эди. У ҳаммага ибрат бўлсин деб қўзғолончиларни раҳмсиз қириб ташлади. Ўзи бир вақтлари мўғулларга қарши қўзғалганидек, шу кунларда ҳам, унга қарши

одамлар янгідан-янги исён қилмоқдалар. Ахир у бу ерларда тартиб жорий қилмоқ учун келган-ку. Уларни муғуллардан биринчи йили озод қилаётгани йўқ-ку. Бу ернинг одамлари бунинг фарқини тушунмайдилар. Улуғбек ҳам тушунмади. Ҳалокухоннинг китобидан олипти-я! Бу китобни Ҳалокухон замонидан хотира қилиб бу ерда юз эллик йилдан бери сақлаб келиптилар. Муғуллар қолдирган ҳар қандай меросни йўқотмоқ учун қанчадан-қанча йўллар босилди-я!

Темур юришдан тўхтади-да, қарс урди. Етиб келган хизматкорга карвонбошини чақириб қўйишни амр қилди.

Карвонбоши чайнагани бўғзида қолиб, чопганича етиб келди.

– Карвонингда меъмор борми? – деб сўради Темур ундан.

– Икки киши бор. Бошқаларини анави карвон билан Султонияга жўнатдим.

– Бири керак. Кимларни олиб қолдинг?

– Анави Румга бориб келган самарқандлик Бориддин билан бухоролик Зайниддинни.

– Бориддинни менинг олдимга юбортир.

– Ҳозирми?

– Агар йироқда бўлмаса, ҳозир...

– Мен уларни шу ерда ушлаб турибман. Улар сизлардан кейин жўнайди.

– Шундай қил, қидириб топиб, олдимга юбор.

Карвонбоши кетиши билан хизматкор келиб, ҳукмдор тамадди қилмайдиларми, деб сўради.

– Йўқ, – деди Темур, – сен эшикка чиқиб тур.

Ҳузурига Бориддинни бошлаб келгунларича Темур ҳамон юриб тураверди.

Оқ яктак кийган, сарғиш узун соқолли, қотма мўйсафидга кўзи тушгач, Темур барчани жўнатиб юбориб, унга:

– Билсанг, сен Шахрисабзга жунайсан, – деди.

– Жаноби тақсир, у ерда Оксаройни солиб тугат-
яптилар. Бунақа сарой дунёда ҳеч қандай подшоҳда
бўлган эмас. На Миср фиръавнлари ва на Рум қайсари-
да сизга атаб қурилаётгандақа сарой бўлган эмас.

– Сен саройни томоша қилгани бораётганинг йўқ.
Тездан мозорга бор. У ерда менинг отам, ўғлим Жаҳон-
гир дафн этилган. Ушаларга яқин жойга менга, ҳалиги
оти нима эди, румча сўз...

Меъмор Темурга айтишга ботинолмай турган эди,
униги ўзи шоширди:

– Қани?..

– Мақбарами?

– Йўқ. У ерда мақбара бор. Ушанга қўйиладиган
кути.

– Тош тобутми?

– Ҳа. Мармар топиб, наққош сангтарошларга тезда
буюр. Тезда, англадингми?

– Бош устига, тақсир.

– Устида сандиқникидай қопқоғи, илгаклик бўл-
син. Илгакни истаган нарсангдан: мис, олтиндан ясат,
ишқилиб, зангламаса бас, истаган вақтда беркилади-
ган бўлсин. Англадингми? Битгандан кейин менга ха-
бар қил. Қопқоғи очик, доим тайёр турсин.

– Жаноби тақсир! Катта-кичиклигини билмоқ учун
кимга... ясалишини билиш керак бўлади-да?

– Менга, менинг ўзимга.

– Тақсир, нега?

– Ёшинг нечада сенинг, ўзи?

– Саксон.

– Тош тобут тайёр бўлиб қопқоғини очиб кутиб тур-
са, умрингни бекор ўтказмайсан. У кутиб интизор бў-
либ тургани эсингда бўлса нима ишлар қилиш керак-
лигини тушуниб, билиб оласан киши. Англадингми?

– Ана шуни англаш менга далда бермоқда. Ёшим саксонга қараб кетяпти деб ўйлайман. Шу сабабдан ҳамма ишларни битириб олишга ошиқяпман.

– Шундоқ, шундоқ. Қани йўлингдан қолма. Саксонга киргунингча ҳаммасини эплаштир. Аммо тилингни эҳтиёт қил. Буюраман, сенга керакли нарсаларни беришади.

Темур бирдан тинчланиб, ўрнига ўтирди. Кўзлари чақнар эди.

Сунгра у, Мароғийга ўзини кузатишга келган шаҳзодаларни чақиртирди.

Дастурхон устида меҳмонлар гурунглашар, Темур эса бу гап-сўзлардан баъзисини эшитиб қолар, ҳукмдорнинг узоқдан ҳам гапларни эшитишини суҳбатдошлар пайқамас эдилар.

Темурнинг синашта сафдошларидан бир неча барлослар Ҳалокухонни ёдлашиб олдилар. Назарларига гўё Ҳалокухон тонг маҳалида қабридан туриб, кечгача, шаҳарда кўзга кўринмай одамлар орасида айланиб юргандек эди.

Ҳикоя қилаётган киши, бундан юз эллик йил муқаддам Ҳалокухон Самарқандга яқинлашганида, Масъудбек бой шаҳар ташқарисида унга пешвоз чиқиб, Конигул яйловида меҳмон учун зардан тўқилган чодир қурдирганини эслаб олди. Ҳалоку бундай меҳмондорчиликдан хурсанд бўлиб, айш-ишрат қуриб, Самарқандга дахл қилмай жўнаб кетган.

– Зар чодир, ҳамма ёғи зардан! – деб такрорлади ҳикоя қилаётган киши.

Бошқаси Темурга ўғринча қараб, мийиғида кулиб кўйди:

– Демак, у одам бизнинг ҳукмдоримиздан ҳам бой экан-да.

Учинчи бир аъён эса ўша замонларни эслаб, афсусланганиданми, ё таажжубланганиданми:

– Зап замонлар экан-да, а? – деб қаттиқ хўрсиниб қўйди.

Темурнинг чақнаб келаётган кўзлари яна сўнай деди: «Муғулларнинг умри узоқ чиқиб қолди. Айшишрат қилиб меҳмон бўлиб кетгани юз эллик йилдан бери эсда-я. Самарқандни ҳаш-паш дегунча олиб қўйишлари ҳеч гап эмас экану, лекин олишмапти! Умр нақадар калта-я, бирор иш қилиб улгура олмайсан. Ўзинг битира олмаган ишни қандай қилиб биров тугаллайди-а?»

Темур тез орада ўрnidан турди. Меҳмонлар ҳам кўзғалишди. Улар кетидан неваралар ҳам туришди. Тонг қоронғисида йўлга тушиш керак эди.

Тонг маҳалида ҳамма яна тўпланди.

Бобосининг қўлини ўпган Улуғбек унинг кетидан қараб қолди.

Кичкина ўйноқи от устида Темур атрофидаги саркардаларидан юксалиб борарди.

Улуғбек анчагача уни кўриб турди.

Бобоси бу сафар қандайдир ҳалокати муқаррар бўлган сафарга йўл олган эди.

Ниҳоят, Улуғбекка ҳам от келтирдилар, уни мураббийси ва ҳамроҳлари ўраб олишган эди. Улуғбек оёғини узангига қўйди.

Темур ҳам йироқлаб кетган. Ҳукмдор катта йўлга чиқиб, қўшинга бош бўлиши билан унга мунтазир бўлиб турган бир туман аскар ҳам орқасидан йўлга тушди.

Ўзга юртларнинг тошлоқ йўлларида сафар карвони яна турнақатор тизилиб кетди.

Темур кетиб борар, юрган йўлларида тутун аралаш ёнғин авж оларди.

ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ ҚҮЛОҚ

Улуғбек Мароғийдан катта савдо йўли орқали Султонияга жунаб кетди. Аммо орадан кўп ўтмай тўхташга туғри келди, чунки рўпарадан бутун йўлни тўлдириб қўшин, юк ортилган аравалар, уларнинг пойлоқчилари, қўй сурувлари келмоқда эди.

Ҳамма ёқни, қўшин устини қуюқ сарғиш чанг қоплаб олган. Чанг орасидан гоҳо туя карвонлари, ёғочга қадалган туғ ва яловлар кўриниб қолар эди.

Бу гуруҳ бутун йўлни энлаб олганди. Уни айланиб ўтиш ёки ўтиб бўлишини кутиб туриш учун кунлаб маҳтал бўлиш керак.

Қайиш ота бу гуруҳга соқчилик қилиб бораётган аскарларнинг бошлиқлари билан тезда маслаҳатлашиб олиб, шаҳзодадан отининг бошини сўқмоқ йўлга буришни илтимос қилди. Сўқмоқ йўлда қаршидан карвонлар келиб қолмас эди.

Ҳамма отининг бошини шартта буриб йўлдан пастликка, суви қуриб қолган сой ўзанига тушиб олди. Отлиқлар энгашиб, пастак ўсган ёввойи жийда дарахти ва чирмовуқ босган тоқзорни ёриб ўтдилар, қаршидан келаётган қўшин тез орада бир четда қолиб кетди, осмон ҳам ёришди. Шу алфозда яланг ва кимсасиз кенг бир тепаликка чиқиб олдилар, бу ердан узоқдаги ерлар кафтдагидек кўриниб турарди.

Турнақатор тизилишиб, гоҳо якка-якка, гоҳо жуфт бўлиб, одатдагидан тезроқ юриб боришарди. Офтобни гоҳо булут қоплаб олса-да, лекин ёруғ кунни хира қила олмасди.

Отлиқлар ҳазиллашиб бир-бирларига гап отишар, иккитадан ёки тўрттадан бўлиб юрадиган жойларда эса аста сўзлашиб боришарди.

Қайиш ота ва ўз шогирдига ҳамроҳ бўлиб борувчи тарихчи Низомиддин Улуғбекнинг икки ёнида кетмоқда эдилар.

Улуғбек:

– Бобом ҳозир энди арман юртида бўлса керак-а, – деб қўйди.

Қайиш ота Темурнинг кечагина шахзодалар хужрасида айтган гапларини эслатиб:

– У ерлардан муғулларни қуваётгандирлар, – деди.

Унга кўз қирини ташлаган тарихчи чурқ этмади.

Жарликка оқиб тушиб тошларга урилиб, вағирлаб оқаётган сойга дуч келганда вақт пешиндан оққан эди.

Дам олиш маҳали эмасди, лекин бехосдан шундай жойга дуч келиб қолганликларидан, олдинда, тепаликлар орасида бундан қулай жой бор-йўқлигини биллолмай шу ерда тўхтамоққа қарор бердилар.

Йўл қиялаб сойликка тушиб кетар ва шу йўсинда қиялаб, сойнинг нариги қирғоғига чиқар эди. Фақат йироқларда бу йўл сарғайиб қовжираган тик тепаликларга кўтарилар, тепаликларда эса кесилган дарахтларнинг тўнкалари ётар, афтидан, бир вақтлар бу ерлар қалин дарахтзор бўлиб, уни кимлардир қийратиб кесиб кетган, балки шу ердан ўтган Темур жангчилари яксон қилиб кетган бўлса керак. Бу ерда одам боласидан шугина из қолган, ҳамма тепаликлар эса кимсасиз хувиллаб ётар эди.

Ёлғиз тик қирғоқ устида, сув бўйидаги ўтлоқда барги сийраклашиб қолган икки қари дарахт омон қолган. Отларнинг айилини бўшатиб ўтга қўйиб, ўтлоққа кигиз ёзганларидан кейин, дарахтлар соясига қурилган ўчоқни ва сой бўйида, топталган ўтлар устида яқиндагина ёқилган гулхан изларини кўриб қоладилар. Афтидан, йўловчилар шу сўқмоқда азалдан дам олиб, сой бўйида тунашга одатланган бўлсалар керак.

Қайиш ота сергакланиб қолди: катта йўлдан четга чиққанлар ким бўлди экан? Бу эгри-бугри чекка йўл кимларга ёқиб қолди экан? Яқиндагина ўчган гулхан ёнида қайишга боғланган еттита тақа ётганини кўриб янада ғазабланди.

Онабош чўчқа ўзига таниш бўлмаган пастқамликка хавотирланиб кириб, исканиб теварак-атрофига аланглаганидек, Қайиш ота ҳам синчковлик билан теварак-атрофга сарасоп солди: ҳамма ёғи яланг сув бўйидаги ўтлоқ унга маъқул тушмади. Атрофда дўппайиб тепачалар ётар, тўнкалар орасида эса диккайиб буталар чиқиб турарди. Улуғбекнинг қароргоҳи чуқурликнинг тагида эди. Лекин на чора? Нотаниш йўлдан манзил қидириш учун навкарлар ва мулозимлар жўнатилди, катта йўл қўшин карвонидан бўшалгунча бу тепаликлар орасидаги йўлдан яна икки кун юриш кераклиги маълум эди.

Навкарлар кетган эдилар, ҳали олдинга юришнинг иложи йўқлигидан Қайиш ота шу ерда тунашга амр қилди.

Тўхташга буйруқ берди-ю, лекин бу жойдан кўнгли тинч эмасди, чунки бу пана жой қароргоҳ учун эмас, босқинчиларбоп манзил эди. Кекса жангчи, ҳамма ёққа хавотирлик билан қаттиқ разм соларди, ҳукмдорнинг шаҳзодани эсон-омон бувисининг паноҳига, Султонияга етказиб қўйиш тўғрисидаги фармонига қатъий риоя қиларди.

Улуғбекка кигиз устига кўрпа солиб бердилар. У эса кўрпа устида ечинган ҳолда яланг оёқ тарихчи билан суҳбатлашиб, хизматкорлар билан жангчиларнинг ҳаракатларини кузатиб турарди.

Мазгилдаги уринишлар, қурилаётган чодирлар, соқчи ва пойлоқчиларнинг ўз жойларига тарқалиш ётганини Улуғбек завқ билан томоша қилар эди. Ўчоқларга қарсиллатиб синдириб қуруқ шохлар ёқар,

ювиш учун қозонларни сой бўйига олиб тушар эдилар. Теварак-атроф гуё янги ҳаёт кечираётгандай янги уй-хаёллар билан уйқудан кўз очди. Чунки унинг оғушига кўпгина янги одамлар келган, уларнинг ҳар бирининг қанчадан-қанча зарур иш ва ташвиши бор эди.

Қора лас чопон кийиб, белини танғиб, кўкрагини очиб олган Қайиш ота қаддини ростлаб гоҳ Улуғбек олдига келар, гоҳ ҳар бир одамни ўз жойига қўйиб вазифа топшириш учун айланиб юрарди.

Қайиш ота қоровулларни текширгани кетганида, тарихчи пайтдан фойдаланиб, унинг кетидан заҳарханда қилиб кулди:

– «Мўғулларни арман еридан қувиш!» Асалдан пашшани ҳайдаш эмас бу, ахир!

– Бобомнинг ташвиши кўпга ўхшайди, – деб қўйди Улуғбек.

– Кеча ҳукмдор мўғулларни аллақандай ёввойилар деб атади.

– Бўлмаса, нима?

– Чингизхон қабри усти тепалик эмас, дахма. Лекин у ерда дахма бўлиши чакки! Нега ҳукмдор уни тепалик деб атайди? Уларда яна юзлаб ибодатхоналар бор. Уларда будда ҳайкалчалари, қадимий ноёб қўлёзмалар бор. Бинолари чакки эмас, ажойиб, ҳашаматли.

Улуғбек бобосининг сўзларини, мўғул босқинчиларга қарата айтган аччиқ-аламли сўзларини эслади. Мароғийда шаҳзодалар хужраси девори бўйида турган тарихчи Низомиддин ҳам бу сўзларни эшитган. Ҳукмдорнинг адолатсиз гапларидан Низомиддин ҳайратга келган.

«Кўчманчи мўғул чўлларида бундан юз йил муқаддам бутхона ва ибодатхоналар қурилганини, беҳисоб муқаддас ривоятлар, нақллар ва дostonлар ёзилганини у билмаганмикин? Ибодатхона деворларига, териларга, қоғозларга, самодаги ва ер остидаги ажойибот

ва ғаройиботларнинг тасвирлари, руҳ ва исёнлар, тана суратлари туширилган. Ажойиб усталарнинг қўллари билан тошдан йўниб, тунждан ҳайкал қуйиб, суякдан йўниб, Будданинг қиёфаси ясалган, донолар, дарвишлар, қаландарлар, зоҳидлар, фосиқлар қиёфаси ясалган. Мўғул истилочилари бу бойликлардан ҳеч нарса олиб кетганлари йўқ, ўзларига тобе бўлган халқлардан ҳеч кимга ҳеч нарса бермаганлар. Бу бойликлар тўғрисида, бутун йигитлик даврини мўғул зодагонлари орасида кечирган Темур билмаслиги мумкин эмас, мумкин эмас!

Мўғуллар бутун дунёни забт этиш учун ўз саҳроларидан бегона чўлларга ўз монастирлари ёнидан ўтиб кетдилар. Будда босқинчилик узангисига оёғини ҳам тикмади. Будда уларни фақат орқаларидан узоқ тикилиб, манфаат йўлида беҳаё югурган одамлар кетидан томоша қилиб қолди, чўлдаги ибодатхоналарнинг сокин хилватхоналарида хаёлга чўмиш ва асрий узлатга чекиниш учун бошини қуйи солиб олди.

Кўчманчи чўл оламни забт этиш учун сафарга отланди. Будда эмас, балки юзлаб шомонлар чирмандаларини чалиб, эзгулик дунёсига қарши бўлган ёвузликка ҳамроҳ бўлдилар.

«Наҳотки, – ўйлади тарихчи, – шомонлар ўйини мақтанчоқ ва гердайган мўғул беклари ўзи кўрмаган йироқ Мўғулистонни ҳукмдордан тўсиб қўйган бўлса? Мўғулларнинг гала-гала қўшинлари юриш қилганида тутун аралаш тўзон осмонни қоплаб олган эди. Энди орадан юз йил ўтгач, Чиғатой улусида босқинчилик чанги аллақачон босилган, мўғулларнинг минг йиллик донолигини кўриш пайти келганда нега энди у кўзини юмиб олди экан-а?»

Ҳақиқатда эса тақводор тарихчи Низомиддин шомонларнинг парихонлигини донолик деб билмас эди, буддизмнинг ўзи эса унинг назарида, разил мажусий-

лик эди. Аммо муғул чулларида бўлган савдогарлар тарихчининг суриштиришларига ибодатхоналар, бутхоналарда худди тош орасида яшириниб ётган илондек, бекиниб олиб ётган қўлёмалар, тушуниб бўлмас гузалликлар ҳақида сўзлаб бердилар.

«Наҳот Темур кўрган-билганлардан шундай афсоналарни эшитмаган? Йўқ, у эшитган, лекин ҳақиқатга илтифотсиз қараган!»

Тарихчи жангчининг душманнинг кийим-бошига эмас, балки унинг қурол-яроғига назар ташлашини, унинг қўлидаги қилич ва найзасини кўрмоққа ҳалал бермаслиги учун душманнинг ҳашамига боқмаслигини, унинг ниятларини тушуниб олишга монелик қилмаслиги учун душманнинг сўзларига қулоқ солмаслигини билмас эди.

– Муғулларни ҳайдаш – асалдан пашша ҳайдаш эмас, – деб қўйди Низомиддин яна.

Улуғбек тарихчига тақлид қилгандек ўз мураббийси тўғрисида заҳарханда аралаш истехзо билан:

– Фалсафа сотяпти, – деб қўйди.

– Нодон! Адолат қиличи остида қирқ йилдан бери туриб келган эса-да, амалда саҳройилигича қолиб кетпти. Калласи ўшанда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай...

– Бобом эса унга марҳаматли. Бир гап борга ўхшайди: бобом беҳуда тараҳхум қилмайди.

– Ҳукмдорга қилич керак. Қилич эса на хаёл талаб этади ва на туйғу!

Қўшинда жорий қилинган сўзсиз итоатгўйлик тарихчи назарида мустаҳкам қонун эди. Тарихчи Темурнинг саркардалари ва сафдошларига нисбатан илтифотсиз ва адоват билан қарар эди, чунки буларнинг ҳаммаси учун ёлғиз Темурнинг ўзи фикр юритар эди. Тарихчида ҳукмдорнинг андишасиз сафдошларига нисбатан бу адоват кучайган сари, у ўзининг

шавқ-завқини уларга нисбатан янада дабдабалироқ қилиб ифодалар эди. Қайиш ота билан сўзлашиш тўғри келган пайтларида ҳам у бутун йўл бўйи уни ўзига жазо қиладиган сўзлар қидирар ҳамда унинг ўзига ва ибратомуз сўзларига нисбатан лоқайд ва бифарқлигини сезгач, бу сахройини баттар ёмон куриб қолар эди.

– Бобом барибир қувиб юборади, – деди Улуғбек катта йўлга қараб туриб, ишонч ва қувонч билан.

– Шубҳасиз, – деб қўйди шошиб-пишиб тарихчи.

Тарихчи бир вақтлар мўғуллар томонидан забт этилган халқларни мўғуллардан озод қилиш билан Темур уларнинг устига ўз юкини ортишини билар эди.

Аммо туркий халқларнинг юки мўғулларникидан енгил эмаслиги устида Низомиддин бош қотирганича йўқ эди, чунки у ўзига ёт халқлар орасида эмас, балки ўзи адолат қиличи деб улуғлаган ҳукмдорнинг узангиси остида яшар эди, лекин киндик қони хароб этилган Эронда тўкилгани учун Темурнинг ўзи ҳам унга етти ёт бегона эди.

Гарчи Низомиддин уруш сафарарида тарих ёзмаган бўлса-да, лекин уруш сафарларида хотирида қолган нарсаларини пана жойга беркитиб олиб китоб қилиб ёзиб оларди, бу китобнинг номини у «Зафарнома» деб атамоқчи эди.

Ҳукмдорнинг иш ва сўзларини баён қилмоқ учун тарихчи ўз хотиридаги узоқ ўтмиш воқеаларни, аллақачон дунёдан ўтган донолар ва хоқонларнинг иш ва сўзларидан ибратли нақллар ва тимсоллар қидирар эди. Ҳукмдорнинг иш ва сўзлари устида фикр юритар экан, тарихчи ўтмишдаги буюк кишиларнинг фикр ва нақлларига мувофиқ келмайдиган ва ўхшамайдиган нарсаларнинг барчасини рад этар эди. Аммо у ўзини авом халқ билан, ҳукмдорнинг қўпол сафдошлари билан тенглаштирмаслик учун тарихчи бошига қалпоқ

урнига, чанг йуллар учун бир юк бўлган салла ураб олар, ўзини сафарда ҳамма сингари қалпоқ кийиб оладиган Қайиш ота билан тенглаштиргиси келмас эди. Тарихчи, менинг ақлим хоқонлар ва замонларнинг амрига боғлиқ эмас, деган ақидада эди. Фақат қулоғи, тарихчининг қулоғигина ўз замонасининг қалби тегишини эшитишига имони комил эди. У, куч мезонини ва одамларнинг саломатлигини ҳамда ҳодисаларнинг сирли мафҳумини англамоқ учун фақат эшитишгина кифоя қилиш-қилмаслиги устида бош қотириб ўтирмасди, ҳолбуки, аксари юрак бир маромда ишлаб турганида касаллик ёки ханжар уни тўхтатиб қўядиган ҳоллар ҳам учрайди. Тарихчи фақат ўз қулоғига ишонар, қулоғини ўзи учун бир мезон деб билар эди.

Қайиш ота ҳам, ўз ихтиёри билан эмас, балки ўзганинг ихтиёри билан умр кечираётганига ва бутун умр қалб амри билан эмас, балки ҳукмдорнинг амри билан жанг қилаётганига, ўз иродаси билан яшамаётганига шубҳа қилмас эди. У, ҳукмдорга итоат қилиш аллақачон унинг ўз истак-хоҳишларининг ўрнини олиб қўйганига ҳеч шубҳаланмас эди.

Темурнинг қалби ва унинг қўшинининг қалби билан ҳамоҳанг бўлиб уриб турган пайтда сафар йиллари, жангу жадаллар сурони бекор кетмаганига у чинакам ишонар эди. Қайиш отанинг назарида йиллар ўтиши билан катта қўшинда ҳамма учун ягона қалб ура бошлаган эди: ҳамма бир қарашидаёқ, бир ҳаракатиданоқ бир-бирини англар, ҳаммада бир одат ва бир хил майл пайдо бўлган, ҳеч кимса бир-бирига ҳеч нарсада ён бергиси келмас, ҳеч ким бировдан орқада қолгиси келмас эди. Ўн минглаб кишидан таркиб топган қўшиннинг кучи ана шундай мустаҳкамланган эди. Бунинг учун эса йиллаб вақт талаб этилган эди. Аммо ўша йиллар нақадар оғир ва хатарли бўлса-да, лекин бу йиллар одамларни ўзаро шу қадар мустаҳкам қи-

либ бирлаштирган эди. Ҳодисаларни бир четда туриб мушоҳада этувчи тарихчи Темурнинг кўпгина жанг ва ғалабаларини таъмин этган бу муҳим ҳақиқатни англаб етмаган эди; чунки ўзгаларнинг тупроғида, ўзга халқ нафрати ичида истилочининг бундан бошқа таянчи йўқ деса булар эди.

Ана шундай баҳайбат қўшинга парчинлаб қўйилган лак-лак аскарлар бир мамлакат кетидан иккинчисини оёққа турғизиб, бир халқ кетидан иккинчисини бостириб ўз йўлбошчиси орқасидан эргашиб борар, ўзи учун яхшилик келтирган нарса бошқалар учун кулфат бўлганини сира хаёлига келтирмас эди.

Ҳамма учун яхшилик бўлиши лозим бўлган нарса бошқа биров учун ҳам яхшилик бўлиши одамларнинг ақлига келармиди!

Оламда жуда кўп одамлар куч-қудратга чанқоқ эди. Баъзилари бу қудратни қўлга киргизган эдилар. Аммо у замонларда кучлилардан ҳеч бири ўз салтанатини мустаҳкамлаб, бошқа халқларга ҳам яхшилик келтирган кимсаларгина буюк қудратга эга бўлажакларини хаёлига ҳам келтирган эмас, куч-қудрат ўз билан кучи билангина эмас, катта ғалабалар учун дўстини суяб қолишга тайёр турган дўстларнинг ёрдами билан ҳам мустаҳкамланишини уйлаган эмас. Ўз салтанати учун ун минглаб жасур жангчиларни бирлаштирган Искандар Зулқарнайн буни билмаган. У ақлига сиғганича кўп мамлакатларни забт этиб, бутун жаҳонни ғолибона босиб ўтган. Аммо унинг жангчилари қирғоққа урилиб парчаланган тўлқиндек орқага кетган, қирғоқ тошлари эса бояги-боягича қолаверган.

Ўз сафдошларига бойлик ҳадя қилган Чингизхон буни билмаган ва ўша бойликлар орзусида мўғул уруғ ва қабилаларини бирлаштирган. Аммо мўғул истилочилари турклар учун ҳам, славянлар учун ҳам, эронийлар учун ҳам мўғул тиғи етмаган бошқа уруғлар учун

ҳам, ажал ўқлари учиб бориб етмаган, мўғул ҳукмронлиги остида тишини тишига қўйган кимсалар учун ҳам бир офат эди.

Темур туркий халқлар учун зарур бўлган хайрия нимадан иборатлигини билганидан кўнгли тўқ эди. Мўғул учун хайрли бўлган нарса улар учун бир офат эди. Шунинг учун бу офатни йўқотиш, жаҳонга мўғуллар босқинчилигига қадар Темур тасаввур этган ҳаётни, фароғат замонларни қайтариши керак эди. Темур мўғул қалқонидаги рахнани нишонга олиб, ўша жойга зарба берди. Бу билан чет эл босқинчиларига қарши ўз халқида нафрат туйғуларини уйғотди. Темур мўғуллар зулмига қарши курашар экан, ҳамма учун хайрли бир иш қиялман деб ўйлади. Бу хайрли ишни офат деб билганларга у жуда шафқатсиз эди. Тарихчи Низомиддин Темурнинг уруш сафарларини хайрли иш деб улуғларди.

Искандар Зулқарнайн билан Чингизхоннинг қалқони бошқа босқинчиларнинг қалқонларига рахна солган нарса, уларнинг ўзлари забт этган халқларга келтирган офатлари эди. Бу офат йилдан-йилга нафратни кучайтириб, босқинчиларнинг қалқонидаги рахнани кенгайтирар эди.

Нафрат эса мазлум халқлар тупроғида йиллаб, ўн йиллаб, юз йиллаб зўр бериб ўсар ва борган сари ўсий бориб қилич сингари босқинчилар қалқонини чопиб ташлаб, ажойиб қаҳрамонлик кўрсатарди, чунки халқларни зolimлардан озод қилиш доим хайрли иш ҳисобланар эди.

Қул қилинган, бўйсундирилган ва мазлум халқлар ўртасидаги нафрат зolimлар қалқонидаги шундай бир рахнаки, бу қалқон нақадар мустаҳкам ва катта бўлмасин, уни бузиб, ёриб ташламагунча ўсаверади.

Ана шу хилда, йигирма йил илгари Куликово майдонидаги жангларда Дмитрий Донской Русни юз эл-

лик йил мобайнида босиб келган, Олтин Урданинг Чингиз яساتган қалқонини мажақлаб ташлади.

Ян Гус билан Ян Жижка Рим папасининг оқ хоч шакли солинган, қирол Сигизмунд томонидан Чехиянинг анойи халқи устига кўтарилган қалқонда рахнага кўзлари тушиб қолиб, Темур Осиёдаги мамлакатларни эзиб-босиб ётган Чингиз қалқонига зарба кетидан зарба бераётган йиллари, католиклар қалқонига зарба бериш учун тайёргарлик кўрдилар. Чингизнинг қалқони дарз кетиб, Темурнинг шиддатли зарбаси остида қулаб тушди.

Лекин Дмитрий Донской, Ян Гус ва Ян Жижка ўз қалқонларида ўз уруғдошлари ва ватандошларининг умид-орзуларини юқори кўтардилар, аммо Темурнинг Самарқанд қалқони эса кўп эрксевар туркий халқларга Чингизнинг қалқонига қараганда оғирроқ туюлди. Ўз ерида бегона юртларнинг қалқонисиз яшашни орзу қилган, ўз жонажон юртининг эгаси бўлиб яшамоқчи бўлган кўп туркий халқларга зилдек туюлди. Аммо хукмдорнинг узангисига қапишиб олган эроний Низомиддиннинг қулоғи бунга диққат-эътибор қилмади.

Темурнинг мўғулларни тор-мор келтириш учун кўтарган қиличи гоҳ эрон, гоҳ турк, гоҳ бошқа саркаш халқларнинг қалқонига келиб теккан вақтлари кўп бўлган. Темур ҳам Чингизхоннинг қалқони офат, Темурники эса хайрият эканлигини тан олмайдиган халқларнинг мужмаллигидан ғазабга келди.

Ўз ерларининг эгалари кимсасиз тепаликлар орқасига яшириниб Қайиш отанинг карвонини таъқиб этдилар. Карвон чуқурликдаги тиниқ сой бўйига келиб тушган эди. Оқ салла ўраб, банорас чопон кийган чол кўрпача ўртасида турган бола билан суҳбатлашиб турарди. Чолнинг кеккайган ясама қиёфасидан бу ернинг эгалари қароргоҳнинг каттаси бу киши эмаслигини англадилар.

Болани эса атайлаб сафарга чиққан аскар кийимида кийинтирганлар, бола жангчи бўлмагани учун унга парво қилмадилар. Қолган бошқалар ҳаммаси у ёқ бу ёққа югурар, ҳар бири бир нарса билан банд эди. Бу ернинг эгалари эса чумоли уясига ўхшаш бу қароргоҳда ким катта эканлигини анчагача била олмадилар. Улар букчайганроқ, лекин шу он қаддини ростлаб, қароргоҳнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида бир нималар деб қичқирган чолни кўрдилар. Улар яна қоровулликда холи турган жангчиларни кўрдилар ва санаб чиқдилар; улар талотупдан бир четга, дарахтлар соясига тағларига чопонларини солиб ётган етти жангчини кўрдилар. Улар қуролларини бир четга тахлаб қўйиб, шашқол ўйнаб, дам олардилар. Улардан бири гоҳо ўрнидан туриб, оёқлари тушовланиб, сой бўйидаги барра ўтга қўйиб юборилган ўнта отдан хабар олишга борар эди. Бу жангчи тепалик устига чиқиб, унинг устидаги қовжираган ўтларни босиб ўтиши билан шу тепа орқасидаги водийни, унда ўтлаб юрган отларни, отлар ёнида эса бу пана хилватгоҳга яшириниб олиб, ўзларига кўз олайтирган кимсаларни отиб ташлашга тайёр турган неча ўнлаб ўз юртларининг эгаларини кўради. Аммо атрофдаги тепаликларда тентираш учун, қўшни водийларни томоша қилиш учун жангчиларнинг вақти йўқ эди: қароргоҳ учун тинч жой топилган эди.

Қароргоҳ кўриқланарди, гўё хужумчилар сўқмоқларни айланиб ўта олмайдигандек, гўё одамлар кўриқ ерлардан юрмайдигандек ҳамма сўқмоқларга қоровуллар ва пистирмалар қўйилганди. Гўё ости шағал, отнинг тўпиғидан келадиган тиниқ сой қоровулларни ёнлаб ўтмоқчи бўлган кимса учун йўл бўла олмагандек, фақат сой ўзанигина ҳимоясиз қолдирилганди.

Ўз ерининг эгалари қароргоҳнинг пайдан эдилар. Улар учоқ бошида ўт ёқиб, овқат пишириш билан банд бўлган хизматкорларни кўрар эдилар. Хизматкорлар орасида шу ердагиларнинг ватандошлари ҳам бор эди. Уларни сариқ папоқларидан, кўк чопонлари, қизил белбоғларидан дарров таниб олса булар эди. Букчайган новча чол қизишиб кетган отда атрофдаги ҳамма сўқмоқларни айланиб, қоровулларнинг қандай турганлигини кўздан кечириб чиқди. Агар душман улар устига йўлдан бостириб келса, Чингизхоннинг васиятига мувофиқ, қанотлари билан бош қисмини кўриқлаб саф тортиб келса, яхши ва тўғри турган соқчилар душманни қароргоҳга ўтказмайди. Ҳаттоки қоқ ярим кечада, қоронғиликка қарамай, қароргоҳга душман отлиқлари ҳужум қилгудек бўлса, қароргоҳдагилар мудофаага тайёрланиб улгурган бўладилар. Тажрибакор жангчи қоровул ва пистирмаларни жой-жойига қўйиб, ўз қароргоҳини чекка йўлдан ҳимоя қилади.

Аммо ўз ерларининг эгалари кўпни кўрган жангчининг аскарӣй фаҳм-фаросатини, кучини эмас, балки заиф томонини пайқаб олдилар.

Саркор назоратидан чалғиб қолган етти жангчи, аскарӣй бошлиқлар томонидан бу ерга қўйилган пистирма бўлса керак, улар шашқол ўйини билан банд бўлиб қолган эдилар.

Шаҳзода Улуғбекни кўриқлаб бораётган жангчилар орасида Султон Ҳусайннинг босқинчиларни тутиш учун Мароғийга бориб, қуруқ қўл билан қайтиб келган юз аскари ҳам бор эди. Бу юз аскар ичида кузда Шафқатли лақабли ашаддий ўйинчига ўз қулоғини ютқизиб қўйган қашқарлик Қуён ҳам бор эди. Ушандан бери бутун қиш ва кўклам фаросатсиз Қуённи «Ўз қулоғини қайтиб ютиб ололмаган жангчига уят

ва номус» деб тинмай мазах қилардилар. «Шафқатли» эса бутун шу вақт ичида Қуённинг тинка-мадорини қуритар, ўйинга жон деб аралашар, лекин қашқарлик қулоғини ютиб олай деганда иши чиқиб қолганлигини ёки биров чақириб қолганини баҳона қилиб, ўйинни бузиб туриб кетар, қотиб қолган латтага ўроғлик, аллақачон қуриб қолган қулоқни қўйнига тиқиб қўяр ёки эҳтиётлаб секин белбоғига ураб қўяр эди. Қулоғимни ютиб оламан, деган фикр хаёлидан нари кетмаган Қуён эса ўйинда фаросатини, эҳтиёткорлигини қўлдан бой берган эди. У кўп марта бутун қулоғини ўйинга тикиб, кесилган қулоғини ютиш пайида бўлди. Аммо Шафқатли эса Қуённи ўйинга тортиб, оддий ўйинлар қилар, майда ўлжаларни тикар, Қуённинг бошини ғовлатиб, у бор-йўғини ютқизганича ўйнар эди. Атрофга иккала ўйинчини ҳам яхши биладиган жангчилар тўпланишиб оларди. Ҳар сафар ўйин бошланганида йиғилганлар бир-бири билан гаров бойлашиб, бири Қуёнга, бири Шафқатлига пул тикарди. Булар жаҳонгирнинг Жангчиларига эмас, урушқоқ икки беданага ўхшардилар.

Улар бутун хилват жойга чиқиб, шашқол ўйнаб омадларини синамоқчи эдилар. Улар кўпдан ўйнашга муяссар бўлмай юрардилар: гоҳ бири қоровулда туриб қолар, гоҳ бири бирор ерга жўнатилар, гоҳ иккиси қароргоҳнинг Икки томонида қоровулда туриб қоларди. Мана энди бугун хотиржам ўйнайдиган кун келган эди.

Ёпиқларини ерга солиб ўтирдилар, этакларининг барини тақимлари остига йиғиштириб олдилар.

- Қани, - деди Шафқатли, - нима қиламиз?
- Бошлайверамиз, - деди Қуён босиқлик билан.
- Нима тикамиз?
- Вақтни ўтказмасдан қулоққа қулоқ тикамиз.

– Қайтариб ютиб олишгами? Қулоқни қандай баҳолайсан?

– Қулоққа қулоқ деяпман-ку.

– Йуқ. Анави қулоқ катта уйинда тушган. Ёнимда олиб юрибман, тулаб қайтариб олмайсан. Тулаб олмагандан кейин унинг нархи тушади. Уни сотиб ва қайтариб ютиб ололмагандан кейин бу қулоқ нимага ярарди? Иккинчисини ҳам ютиб олиб қўйнимга солиб юрсам нима фойда? Ҳеч. Иккита ёнғоқни қўйнингга солиб юрган билан баравар, ёнғоқ-ку, бирортага манзур бўлар-а, лекин сенинг қулоғинг кимга манзур бўлар, уни сотиб олишга қурбинг етмагандан кейин?

Ҳақорат! Сапчиб туриб қилич яланғочлаб, обрўни сақлаб қолиш учун ҳақоратни қон билан ювсамикан?

Ҳақоратни-ку қон билан ювасан-а, лекин қулоқ ютилмай қолаверади-да! Қон билан доғни ювиб бўлмайди-да, яхшиси, жим туриб сабр билан ютгунча ор-номусга чидаб туриш керак. Кейин ҳақорат қилган билан ҳисоблашиш керак. Шунда таомил бўйича сафдошининг хунига хун олсалар ҳам, қатлга бошингни мағрур тутиб борасан!

Қуён тишини тишига қўйиб, яхшиликча сўради:

– Унга сен қанча баҳо берасан?

– Кесилган қулоққами?

– У бутун қулоғингдан қимматроқ деяпсан-ку!

– Қимматроқ! Унинг баҳоси... – Шафқатли гўё ҳаммасини ичида ҳисоблаб чиқаётгандек кўзини қисиб туриб, пировардида, бир нарх айтувди, ҳамма: «Войбўй, қимматлигини қара-я!» деб юборди.

Мароғийда у-бу орттирган Қуён бор кумушини қўйин чўнтагида олиб юрарди.

– Балки ён бериб, уйинсиз ҳам сотиб оламан десам хўп дерсан?

– Сотиб олавер! Бироқ ён беришга бермайман.

– Мен сен айтган нархни беролмайман.
– Бўлмаса ўйна. Яримта тик. Устма-уст ютсанг – бахтинг. Ютқизсанг – ярмига кумуш берасан.

– Агар қулоғимни тиксам-чи?

– Ярим баҳога оламан. Соғ қулоғингнинг ёнига кумуш қўш. Қирқилган қулоғингнинг тўла баҳосига еткиз. Ютиб олсам менда иккита қулоғинг бўлади, бироқ бундан менга нима наф? Ярим баҳосига кумуш қўшсанг, ютсам, менга жилла бўлмаса ўша қолади-ку. Усиз ўйнаб нима қиламан?

– Уҳ, жуда ошириб юбординг-да! – Қуён иккиланиб қолди.

Қуёнга анчадан бери разм солиб турган ўнбоши Дағал ўйинга аралашди:

– Мени ҳам ўйинга қўш.

– Нима тикасан?

– Қулоқни қанча баҳоляяпсан?

– Боя айтдим-ку.

– Ён берсанг, қулоғимни тикаман!

– Қанчага?

– Мана шу етадими? – Дағал ўртага лаъл тошли, жимжимадор олтин исирғани қўйди.

– Нега биттасини қўйяпсан? Жуфт бўлса маъқулроқ бўларди!

– Бўлди!

Шафқатли шашқолни рақибига беришдан олдин исирғани яхшилаб кўздан кечириб, кафтига олиб кўрди-да, жиришни бузмаслик учун тортишди:

– Бу нима ўзи? Битта исирға-да! Битта қулоққа шунинг ўзими?

Қанақаси «нимаси». Хужайини куз ўтиб, қиш кирса ҳам сотиб олишга кўрби етмади. Нархи қанча ўзи?

Шафқатли бу ҳақиқатдан кўз юмолмади, лаблари музлаб кетган Қуён ўзининг қулоғини қандайдир қи-

зилбошларнинг исирғасини гапиргандай чалпишаётганини эшитса ҳам бу шармандаликка чидаб тураверди! Ё Оллоҳ, бу илдам аскарнинг қўлига бири-биридан зўр қанчадан-қанча исирға-ю, узуклар тушган бўлса ҳам биттасиям буюрмабди-я! Баъзи бировлар қўлига тушганини йиғиб, тўплаб, белбоғини узугу билагузукларга тўлдириб, отига кимхобдан ёпиқ қилиб юрибди-ю, Куённинг моли қўлида ҳеч турмайди. Ҳозир ўлжаси бўлса кунига ярарди-да! Агар Арманистонга бориш насиб қилса борми, яна у-буни қўлга киритади. Мана энди Арманистонга бошқалар кетиб Куённи орқага қайтаришди, у мана шу шип-шийдам йўлда тупроқ ялаб юрибди. Орқага қайтиб, то ўша Арманистонга етгунича унда нима ҳам қоларди дейсиз!..

Куён биринчи бўлиб отишга ҳаққи борлигини айтиб, тортишувга аралашди:

– Мен ҳали гапимдан қайтганим йўқ; ўнг қулоғимни ярим баҳога тикаман, қолганига кумуш қўшаман.

– Бизнинг муҳтарам ўнбоши мен айтган баҳога кўнди. Шартимиз қаттиқ. Шашқолни ҳам ўша отади.

Куён белбоғига тугилган озгина майда пулни пайпасларкан, хўп деб ўрнини берди. У қанча чиранмасин, Дағал тикаётган нарсадан оширолмади. Чунки лаъл исирға катта тикув эди.

Дағал шашқолни олиб отди.

Тошлар юмалаб бориб етай деганда биттаси четга чиқиб, кигизнинг қатига тегиб қийшайиб қолди.

Куён ўша заҳотиёқ: «Етти!» деб ҳисоблади ичида.

Бироқ тош ағанаб тушди: «Беш!»

Куён: «Ютқизди!» деб қувониб кетди. У қулоғи аввалги хўжайинда қолса нима сабабдан анча енгил тортажанини ўзи ҳам тушунолмасди. «Беш! Ками бўлмайди! Исирғанг кетди, муҳтарам ўнбоши!»

Шафқатли хурсандлигини билдирмаслик учун кўзини қисиб тош отди.

Тошлар юмалаб кетди, бироқ худди жони бордек тўсатдан бир-бири томон яқинлашиб, ёнма-ён ёта қолди. Дағал отгандагидек «Беш» ҳар доим келавермайди. Бироқ аҳён-аҳёнда ундан камроғи ҳам келиб қолади. Бу гал тош «Тўрт» га тушганди.

Дағал қоп-қора кафтини чўзганди, Шафқатли қовоғини уйганича қўйинини кавлаб, қулоқни олди-да, ўнбошининг кафтига қўйди.

Дағал қашқарликнинг қулоғи турган кафтидаги шўралаган латтани ҳазиллашиб бир силкитиб қўйди. Бир вақтлар алла, булбуллар хониши, хушрўй дилдорларнинг шивирлашлари, аскарларнинг суронлари, мағлуб душманларнинг илтижолари ва асираларнинг фарёдларини тинглаган жангчининг қулоғи, Қуённинг қулоғи кўз очиб юмгунча ўнбоши Дағалнинг мулки бўлди-қўйди. У бу мато қанча тураркин, деб баҳосини аниқламоқчи бўлаётгандай кафтида ҳазиллашиб отиб ўйнарди.

Қуён серрайиб қолди. Қулоқ бошқа қўлга ўтгандан кейин аввалгидан ҳам олислашиб кетгандай кўринарди. У Шафқатли турли қиморларда қулоқ баҳосидан ўн баравар нарсаларни ютиб олгандан кейин раҳм-шафқат қилиб, ўзимга қайтариб берар, деб умид қилиб юрарди. Энди Дағалнинг қўлига ўтган бу нарса қиморга тикиладиган ҳар бир ютуқ қаторига ўтиб қолди, шу ваядан унинг эгаси бунинг эвазига хаёлига нимаики келса ўшани сўраши мумкин эди.

Қуённинг бу шармандалиги етмагандай, шу чоққача чурқ этмай турган томошабинлар ўлганнинг устига тепган қилиб, бирлари олиб, бирлари қўйиб, уни мазах қилиша бошлади. Унинг кўзига бақрайиб туриб, шунақанги нарсаларни айтишардики, буларни эшитиш ҳам ҳайф эди!

Қуён тер ҳиди босган тўқимда чўкка тушиб ўтираркан, дам букчаяр, дам белбоғидаги Мароғийдан орт-

тирган ўлжасини пайпаслар ва нима қиларини билмасди. Шунда тили узидан-узи гапга келгандай:

– Агар мен сотиб олсам нима дейсиз, тақсир? – деди.

– Майли. Алиштирганим бўлсин. Бу – битта яхши от туради. Майли, отга алиштираман.

– Отга?!

– Уюрдан чиққан отга эмас. Эгар урилган дўнонга алишаман. Уни олиб келмагунингча бўлак нархга кўнмайман. Гапимни ҳаммаларинг эшитдиларингми, оғайнилар.

Шунда уларни ўраб турган аскарлар чувиллашиб:

– Эшитдик! – дейишди.

Бу қаттиқ шарт эди, шунинг учун ҳам Қуён Дағал айтган сўз отилган ўққа бараварлигини фаҳмлади. Унинг қиморда ютиб олиш умиди чиппакка чиқди, энди ўлгудай шармандаи шармисор бўладиган фурсати етган, то боши гўрга киргунча ундан қутулолмасди. У қанчалик ишлар қилиб, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатса ҳам, чиноқлиги учун ҳаммага масхара ва кулги бўлишдан боши чиқмас, одамлар назарида қиморда ишончсиз, ўлжа олишда ноқобил эди. У ҳар қандай ишга юборишса боришга тайёр, қўшиндаги энг аёвсиз ва довюрак аскар бўла оларди-ю, бироқ бу жаҳонгирнинг хизматидан нари ўтмас, қулоғи бўлса ўнбошининг кафтида қоларди. Ўнбошининг рапидадай кафтида ўйнаб турган қорайган, эзгу латтани қанчалик қон тўкиб, жасорат кўрсатиб ҳам қайтариб олиб бўлмасди.

Қуён шунда ҳам яна бир марта уннаб кўрмоқчи бўлди:

– Мен бошқа қулоғимни ҳам тиккан бўлардим.

– Ҳамманинг кўз ўнгида отни кўндаланг қил, дедим-ку. Бироқ жудаям хоҳлаётган бўлсанг майли, кўнаман, қулоққа қулоқ тикасан, аммо отни посирасига берасан... отни кузгача берсанг бўлди. Жангда отли

бўлишга омадинг чопмаса, омади келганлардан сотиб оласан, қишлоғга йўл олганимизда менга тутқизасан. Ҳамманинг ичида шунга қасам ичсанг, мен ишониб сабр қиламан.

– Қасам ичаман!

– Кулоққа кулоқ, посирасига отми?

Қуённинг музлаётган лаблари аранг қимирлади:

– Посирасига от...

Шу лаҳзада кимнингдир хаёлига ўчоқ бошидан хабар олиш вақти етди, деган фикр келиб қолди. Ҳамма очиққанди. Нега деганда ҳаммалари тонг қоронғи-сидаёқ йўлга чиқишган, ҳозир эса кун ботаётган эди. Аскарлар қиморни тўхтатиб ўчоқ бошига юришди.

Дағал ошпаздан қўй илигини олди-да, ҳамманинг ҳавасини келтириб, илдамлик билан бир тишлаб тортувди, сўнгатнинг қуруқ ўзи қолди.

Аскарлар ўнбошига ёқишга шошилганларидан, қойилмиз, дегандай кулиб қўйишди.

Дағал бўлса худди зўр жасорат кўрсатгандай яна битта сўнгат олди. Унинг гўштидан тишлаб тортувди, эплай олмади. Шунда қаттиқроқ тишлаб яна тортди. Барибир гўштини шилиб ололмади.

– Нега бизни хом гўшт билан сийлаяпсан? – деди ошпазга сўнгатни қайтараркан, – олдин яхшилаб пишириб, кейин аскарларни сийлаш керак.

Ошпаз бўлса ўзини оқлашга тушди:

– Қўйнинг ҳамма ёғи чандир экан. Бу ерда ўзимизнинг подамиз қайда, тўғри келганини ушлаб сўйяпмиз. Самарқанду Ҳисор водийларининг қўйига етармиди. Бу ерда одамнинг мияси ачиб кетади, эчкилиги афтидан кўриниб турса ҳам оти қўй эмиш.

Янги суякни кўриб қолган Дағал насиҳатомуз қилиб:

– Яхши ошпазнинг қўлида эчки гўшти ҳам қўзиникидай ширин бўлиб кетади! – деб эслатиб қўйди.

– Ҳақ гап. Гушт чандир бўлгандан кейин нима қиласиз! Нима, бу суякни шаҳзодага бериб, сизларга сон гушти пиширайми?..

Аскарлар тановул қилиб бўлишгунча қош қорайиб қолди.

Қайиш ота ошпазлар шаҳзоданинг оғзига ёқадиган овқат пиширармикан деб олазарак эди. Чунки Жаҳонгир бор пайтда ёки бувиси қаноти тагида олиб утирган пайтда эмас, балки тақир саҳрода Улуғбекнинг ташвишини тортиб, парваришлаш ёлғиз унинг зиммасида эди.

Тарихчи шаҳзодага анвои таомлар тайёрлаш керак деб оғиз очувди, Қайиш ота олимга чўлда ва сафарда шаҳардаги инжиқликлар кетмайди деб эслатиб қўйди. Улуғбек бўлса сафар таомларидан мамнун, чунки оддий, аскарий таомлар унга бобосининг одатларини эслатиб турарди. Унинг шу қилиқлари туфайли тарбиячиси билан у доимо аҳил эди.

Зим-зиё тун киргунча жойлар солинди. Аскарлар салқинроқ деб жилғанинг икки лабига чўзилишди.

Қайиш ота қоровулларни яна бир текшириб келгани кетди. Қароргоҳ тинчиган, сал наридаги тепалар орасида чирқ-чирқ қилаётган қандайдир чўл қушининг овозигина эшитилиб турарди.

Борлиқ зулмат қўйнига кириб, одамларни мудроқ босди. У ер бу ерда одамларнинг уйқуда хўрсинишлари, энтикишлари ва хуррак отишлари эшитилиб қоларди... Қушча ҳам тинди. Баланд осмондаги бир-бирига туташ юлдузлар эса жимирлагани жимирлаганди. Қушча яна бир чирқиллади-да, кейин яна жим бўлди...

Шу лаҳзада чуқурликка бамисоли катта тоғ ағдарилгандай бўлди. Беҳисоб йилқилар уюри сокин қароргоҳга томон учиб келаётгандай кўплаб отларнинг туёқ овози эшитилиб қолди.

Улуғбек кўрпадан чиқиб, эндигина ёнбошлаганида Қайиш ота уйғонаётган шаҳзода тепасида ханжар яланғочлаб турарди...

Улуғбекнинг ерга солинган ўрни томон қоронғиликдан номаълум суворийлар тўлқини учиб келарди. Бир лаҳзанинг ўзида бу ерда ётган одамларнинг бари отларнинг туёғи тагида қоларди. Битта-яримтанинг уюри бу ёққа ёриб утибди деб хаёлга борган Қайиш отагина ҳужумни кўкрагини қалқон қилиб қарши олди. Кўндаланг келган отга ханжар урди, бошқасини елкаси билан туртиб юборди. Шунда қоронғиликда теваарак-атрофни яхши кўролмаётган суворийлар ўриннинг бир четидан утиб кетишди. Боши қирқилган тарбиячи эса энди ўрнидан тураётган Улуғбекни босиб тушди.

Қайиш ота улкан, кучли кўшинлар билан жангларда, шаҳарлар қамалида, қудратли қалъаларнинг энгилмас остоналарида маккор, бироқ таниқли душманларга қарши мудофаада тажриба орттирганди. Темурнинг бу тажрибали аскарлари оддий кишиларнинг ғазаби, бениҳоя жасорати, жангга иштиёқидан беҳабар, шунинг учун унинг ўзи ҳам, ўз жойларида сергак турган соқчилари ҳам зим-зиё тунда қароргоҳдаги қирғин қайдан пайдо бўлганлигини ҳеч тушунолмасдилар.

Ногаҳон пайдо бўлган суворийлар Чингизхон ва сият қилгандай бургут ёки лочинлар янглиғ қанотларини ёйиб бостириб келмади, балки қилич тиғидай қароргоҳнинг ўртасига ёриб кириб, оёққа қалққанларнинг бошларини учириб, ётганларни топтаб кетди.

Қасоскорлар қароргоҳни пишган тарвуздай иккига бўлиб, йўлда учраганларни қиличдан ўтказиб пастликнинг этагигача боришди-да, кейин эслари ўзлари-

га келиб, отларига югурган аскарларга ташланишди. Уйқучан аскарларнинг бирортаси ҳам зим-зиё тунда отига етолмади. Қасоскорлар яна аввалгидай ўқдай ёпирилиб, тўзиб кетган отлар орасидаги аскарларни қилич ва найзалар билан қираверишди...

Хужумчиларнинг баъзилари аскарларнинг найзаларига дуч келди, қилич ва шамширларнинг зарбини қайтаролмай қолди. Бироқ бутун қароргоҳ дабдала бўлган, ҳамма нарса – тўзиган гулханларнинг алангаси, қиличларнинг ялтираши, зулмат, қирғин, отларнинг кишнаши, одамларнинг хириллаши, қилич еганларнинг фарёди ва ғолибларнинг ҳайқириқлари айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Қоп-қоронғи тунда чақмоқдек пўлат қиличларнинг бир-бирига урилиши, от тақаларининг тошга урилиши, гулхан чўғларидан тутаган қуруқ ўтлардан чиққан учқунлар...

Бу гирдобдан бир нима англаб ололмаган Улуғбек устига босиб тушган жасад тагидан ўрмалаб чиқди. Ўрнидан ирғиб турди-ю, безгак тутгандай қалт-қалт титраётган тарихчига урилиб кетди. У тунги жанг гирдобидан чиқиб, ур-сур ҳам, отларининг дупури ҳам эшитилмаётган жойга ўзини олди ва олдинга югуриб кетди.

Дағал ўнбошининг тўдаси кўнган жилға ёнидан ўтган хужумчиларнинг ҳеч бирига зарари етмади. Қасосчилар қароргоҳга от туёқларининг овозини кўмиб юборадиган дарё ўзани билан келишганди. Соҳилга чиққанларидан кейин қоронғиликка яна сал кўзлари ўрганди-ю, ухлаб ётган аскарларни сезмай кетаверишди. Шунда фақат Қуёнгина бедор эди. У эрталабки намоздан кейиноқ қимор ўйнаймиз деб Дағал билан келишиб кўйганди. Мабодо бутун қароргоҳдагилар сафарга отланса ҳам, улар биттадан отишга улгуришарди. Тош ташлаш бир лаҳзалик иш, шартини бўлса

келишиб қўйишган. Қуён мабодо ютқизиб қўйгудек бўлса, бутун қулоғини берар, кузда эса қишлоқдан аввал ўнбошига отни тутқизарди. У ўйлайверганидан уйқуси қочиб, отларнинг дупурини ҳаммадан олдин эшитди ва қароргоҳга яқинлаб келаётган суворийларни кўриб қолди. Шунда у:

– О, раҳмдил эгам! Ким бу? Олдин кўриб олиш керак! Ким бу? – деб ғўлдираганича ўзини четга урди.

Қароргоҳни ёриб ўтган қасоскорлар бу пайтда орқага қайтишди. Отларнинг дупури, қиличларнинг шарақлаши, жанг сурони жилға ва Қуён томонга яқинлаша бошлади.

Қуён жилғадан ҳатлаб ўтгандан кейин нариги бетда, ундан кейин эса ўзаннинг қоқ ўртасида бир-бирлари билан олишаётган одамларни ғира-шира кўрди.

Қуён ўзича хавф-хатардан холи жойга етиб олган бўлса ҳам, суворийлардан ҳануз узоқлаша олмаганди. Суворилар қандай пайдо бўлган бўлса бир томонга шундай учиб, яна қирғин қила бошлади.

Дағал белбоғсиз чопонда қилични шамдай ушлаганича Қуённинг нақ тумшуғи олдидан югуриб ўтди.

Қуён унинг кетидан ўзини отаркан:

– Ё, Оллоҳ, менинг қулоғим унда! – деб типирчилаб қолди.

Дағал орқасидан келаётган оёқ товушини эшитаркан, қоронғиликда ҳеч нарсанинг фарқига бормай қилич солди. Бироқ қилич солиш мутлақо хаёлига келмаганди. Дағалнинг қиличи шув этиб қўлидан чиқди-да, Қуённинг устидан ўтиб ғойиб бўлди.

Аскарлик малакаси ё жанг завқи устун келдими, ҳар қалай иккови ҳам ҳали эс-ҳушларини йиғиштириб олгунларича бўлмай, Қуён ўзини Дағалга отди. У оддий пичоқ билан (ёнида ўқдан бўлак ҳеч нимаси йўқ эди) ўнбошини чавақлади. Одамлар олисда олишишяптими

ё яқиндами, ҳеч қулоқ солиб утирмаёқ қулоқни шу ерига беркитган бўлса керак, деб Дағалнинг белбоғига қўл чўзди. Бироқ ўнбошида белбоғ йўқ эди, уни қаерда қолдирган, қаерда йўқотган, ўзи ечганми ё қирғинда тортиб олишганми – билиб бўлмасди... Қулоқ унинг қўйнида ҳам кўринмасди: белбоғсиз, чопонининг олдини очиб келаётган одамнинг қўйнида нима ҳам бўларди!

Улуғбек тоққа қараб югурди. Чуқурлик қозондек шақирлаб қайнаб турарди. Уни сўқмоқда соқчилар тўхтатишди. Улар ҳаммаси бўлиб ўн киши эди. Ўнбоши нима воқеа рўй берганига дарров тушуна қолмай шаҳзодани ҳам анча кеч таниди.

Улуғбек бўлса қизишиб, тоқатсизланиб уларга буйруқ берарди. У соқчиларни пастга, чуқурликка даъват қиларди. Улуғбек соқчиларнинг жавобини кутиб утирмай кимнингдир отига минди-да, итоатгўй ва гангиб қолган соқчиларни жанг қизиётган жойга эргаштириб кетди.

Жанг майдонига кираверишда ўнбоши зим-зиё зулматдан кўз узмай бунақанги тўс-тўполонда қўли баланд келишига кўзи етинқирамай тўхтаб қолди, бироқ шаҳзода нақ қирғиннинг ўртасига қараб учиб борар, ундан орқада қолиш, шаҳзодани якка қолдиришга ҳеч ким журъат қилолмасди. Ўнта соқчи шаҳзоданинг кетидан тоғдан пастга одатдагидек сурон солиб от қўйиб, бу ерларнинг хўжайинлари бундан олдин чуқурликка ёриб кирганларидек, суворийлар тўдасини ёриб кирди.

Янги аскарларнинг тўсатдан пайдо бўлиб қолиши, бу кучларнинг кўпми-озлигини кўришга халал берган зулмат қасоскорларнинг утакасини ёрди.

Қирғин қилгани келганлар тўзиб кетди.

Кўён оғир юк кўтариб келган одамдай ҳарсиллаб, нима қилишини ва жондан азиз қулоғи қаердалигини билмай Дағалнинг тепасида турарди.

Тусатдан ёнидан дупур-дупур қилиб суворийлар утиб қолишди. Улардан бир неча одим орқада эгасиз от ўтди. Қуён ўзини чеккага олишга улгурмади, юзига сув сачраб хўл қум келиб урилди.

– Кетишди шекилли?

Ҳамма ёқ дарров тинчиди-қолди. Зулмат қўйнида чарс-чарс қилиб тутаётган ҳар томонга сочилиб кетган чалаларгина бурқсирди.

Қуён жилғадан ўтди-да, сўнг шоша-пиша, олазарак бўлиб кимнингдир чалқанча ётган жасади устига эгилди, устини, бошини пайпаслаб кўрди... Қўлига нотаниш кишининг, эҳтимол, қароқчилардан бирининг калласи илинди...

* * *

Қоп-қоронғиликда қилич еганлар ва найза санчилганларнинг оҳ-воҳлари, ёрдам сўраб қилган илтижолари эшитиларди.

Қароргоҳда омон қолганлар тонг ёришиб осмон зангори тусга киргандан кейингина у ёқ бу ёққа аланглаб қарашди.

Эзилган ўт-ўланлар устида қиличдан ўтказилган, туёқ остида эзилган аскарлар ётишарди. Туёқ остида қолганлар қилич еб ўлганлардан кам эмасди. Баъзилар жилға томонга ўрмалашарди. Одамлар орасида найза теккан отлар ётар, баъзилари оёқларини қимирлатишга ҳам мажоли йўқлигидан аранг бошларини кўтаришарди. Оёқда туролганларнинг бари ҳалок бўлганларни оралаб юришарди.

Ўзининг ётган жойига қайтиб келган Улуғбек кўрпада кўндаланг ётган Қайиш отага тикилди. Ранги қув ўчиб, букчайиб қолган тарихчи ҳам қаёқдандир етиб келиб, шаҳзода ёнида турарди.

Қайиш отанинг қўл остида қарвонни юзта аскар билан қуриқлаб қолувчи учта саркарда ҳам етиб келди.

Улардан бири узоқ жимликдан кейин хўрсиниб қўйди-да:

– Икки қилич ебди, – деди.

– Йўқ, – деб Улуғбек унга эътироз билдирди. – Ота уларга ҳамла қилди, отга ханжар солди, бошқасини елкаси билан урди, улар бўлса унга битта қилич солиб ўтиб кетаверишди. Бир марта қилич солиб.

– Қанақасига бир марта бўлади. Бош суягини икки палла қилишибди, бу бир зарб. Қулоқ ҳам қолмабди, бу бошқа зарбники.

– Мен кўрдим-ку, бир уришда ағдаришди. Фақат бир зарб билан! – деди Улуғбек қаттиқ туриб.

Саркарда шаҳзода билан тортишувга журъат этолмай гапни бошқа ёққа бурди.

– Энди нима қиламиз? Соқчиларга ким бош бўлади?

Жаҳонгирнинг набираси бўлган Улуғбек бунга жавоб бериши керак эди. Унинг кўзи ҳаммадан олдин тарихчига тушиб қолувди, унга ўгирилиб деди:

– Сиз ўзингизнинг ерингизда жангларда қатнашиб, ўзимни кўрсатганман дегандай бўлувдингиз. Соқчиларга сиз бош бўлинг.

Низомиддин буни сира кутмаганидан бениҳоя манзур таклиф учун таъзим қиламан деб бир оёғининг тиззаси букилиб кетди. Унинг гангиб қолганини кўриб, саркардалардан бири ўзини тутолмай мийиғида кулиб қўйди.

Шу лаҳзада Низомиддиннинг кўзига янги лавозимининг даҳшат ва ишкалликлари кўриниб кетгандек бўлди. У ҳатто қўшинга бошчилик қилиш у ёқда турсин, қандай саф торттириш, керак бўлганда жангга олиб кириш, фурсати етганда сафардаги қўшинни тўхтатишни ҳам билмасди, Жанг-жадал бўлиб қолгудай бўлса, йўлдан қочиб, душман суворийларидан,

қўпол аскарлардан ўзини олиб қочишни афзал кўрар ва жангга кириб, ўз бошини қурбон қилишга тай-ёр бўлган одамларни ҳеч кўз олдига келтиролмасди. Ўзининг шаҳзодага садоқатини кўрсатиш зарур бўлиб қолганда нима қилиш керак?

– Сира иложи йўқ! – деди у ғўлдираб, – Эронда ҳамма ёқ қумли саҳро. У ер бошқа, бу ер тамоман бошқа. Иложим йўқ. Ҳа, буни эплай олмайман. – Низомиддин ниҳоят янги лавозимдан кўрқувга тушаётганини яширмай ошкора бўйнига олиб қўя қолди. – Уддалай олмайман!

Улуғбек шундан кейин тарихдан сабоқ берган устозининг қандайдир насиҳатини ғира-шира эслади-да, унга ҳам эслатиб қўйди:

– Бобом бўлса ҳамма мамлакатларда ўзини бирдай тутуди. Унга саҳроми, тоғларми, шаҳарларми барибир... У душман оёғи тагидаги ерни эмас, унинг ўзини кўради. Душман эса ҳар ерда ҳам душманлигини қилади.

Улуғбек хотираси яхшилигидан ичида ғурурланиб ва муҳим ишни ҳал қилишдек шоҳона ҳуқуқи борлигидан қувониб кетди. У чолдан юз ўгириб, саркардалардан бирига қаради-да, назокат ила эгилиб:

– Сиздан илтимос... Бобом сизни қадрлайди, – деди.

Жаҳонгирнинг қаердадир, номаълум вазиятларда бу кекса сафдошининг хизматларини қадрлагани ҳақида қисқа ва шунчаки қилинган эътирофни эшитган саркарда суюниб, терисига сиғмай қолди, соч-соқоли ўсиб кетган дағал юзига анор қизиллиги югурди. У ҳам ўз навбатида гангиб қолиб, таъзим қилди холос.

– Марҳамат, марҳамат.

Тарихчи эса хижолатдан кўзларини ерга қадаса-да, фалокат ўзини четлаб ўтганидан енгил тортиб, ичида суюниб ҳам қўйди.

Кекса саркарда қувончдан ҳали ўзини босиб ололмай соқчиларни қайтадан жой-жойига қўйиш, одамларни кўздан кечириш, ҳозирги кутилмаган ишлардан кейин қайси бирини қилиш зарурлигини аниқлаш учун отига қараб югурди.

«Тунги босқинчиларни қувиб етиб, қани энди адабини берсанг! Бироқ улар аллақачонлар, ярим кечадаёқ ғойиб бўлган. Бунинг устига теварак-атрофдаги тепаликларни ҳам ҳеч ким билмайди. Бу ерда оёқ босадиган жойингни ҳам билмаганиндан кейин тепаликлар бегонагина эмас, балки ғанимдир».

Сал нарироқда тўдалашиб турган аскарларнинг гулдураган қаҳқаҳаси эшитилди. Бири қийқириб, бири қаҳ-қаҳ уриб, бири босиқ кулар, кулмаган биронта ҳам одам қолмаганди. Гўр қазишга киришиш керак бўлган пайтда ўринсиз кулги қароргоҳдагиларнинг диққатини тортди. Улуғбек ҳам буни эшитгандан кейин одамлар нега хурсанд бўлишаётганининг сабабини билиб келишни буюрди.

– Бу ваҳшоният! – деди тарихчи дарғазаб бўлиб.
– Хавф-хатар ёнгинамизда турибди-я! Сал ғафлатда қолсак, босқинчилар яна келиб бошимизни олади! Буларга эса ҳа-ҳа бўлса бўлгани!

Кўп ўтмай Қуённи эргаштирган оломон шахзодага яқинлашди. Тўдадаги аскарлардан бири воқеани тунтирди:

– Манави Қуён лақабли киши қулоғини бизнинг ўнбошига ютқизиб қўйган эди.

– Унга ютқизганим йўқ.

– Қанақасига? Дағал ота қулоғингни ютиб олудди-ку!

– Тўғри.

– Чалкаштиришини кўряпсизми! Дағал ота бугун, тунда омонатини Оллоҳга топширди, Қуён бўлса энди

хужумдан олдин ундан қулоғимни ютиб олувдим, де-
япти. Биз ишонмадик. У бўлса бизга кўрсатди. Латтага
ўралган нарсанинг қулоқлиги билиниб турарди. Гарчи
ўйинда гувоҳлар бўлмаса ҳам, биз ишонаёздик. Бироқ
орамизда манави – қобиллик Пўлат ака бор. Жуда хуш-
ёр одам! У қулоқни пайпаслаб турди-да, кейин Қуён-
дан: «Сен қайси қулоқни ютиб олувдинг?» – деб сўра-
ди. Қуён бошини сийпалаб кўриб: «Чап қулоғимни»,
– деди. Пўлат ака шундан кейин биздан: «Иккита ўнг
қулоқли одам ҳам бўладими?» – деб сўради. Биз: «Йўқ,
бунақасини кўрмаганмиз», – дедик. «Бир қаранглар, –
деди қобиллик, – бу ерда ҳам ўнг қулоқ, Қуённинг бо-
шидаги ҳам ўнг қулоқ!» У латтани очувди, ҳаммамиз
қарасак, ростдан ҳам ўнг қулоқ! Шунга кулаётувдик.
У бизни аҳмоқ қилишга роса чиранса ҳам, охири ўзи
майна бўлиб қолди!

Шаҳзоданинг олдида ҳам жангчилар ўзларини ту-
толмай яна қаҳ-қаҳлашиб кулишди.

Улуғбек қулоқни кўрсатишни илтимос қилди.
Шундан кейин латтани очиб қулоқни шаҳзодага қим-
матбаҳо нарсадек кўрсатдилар. Латтадаги Қуённинг
қирқиб олинганига анча бўлган, қовжираган қулоғи
эмас, балки янги қирқиб олинган ва оппоқ тук босган
қулоқ эди.

– Уни қаердан олдинг? – деди етиб келган саркарда.

Қуён бўғиқ овозда:

– Ўзимники. Ютиб олганман, – деди.

– Қачон бой берувдинг?

Қуён кузда Султонияда эканлигидаёқ дардисар қу-
лоғини ютқизиб қўйганлигини биладиган кишилар
ҳам шу ерда эди. Шу вайдан Қуённинг ўрнига алла-
ким:

– Кузда, – деб жавоб берди.

– Кузда? Бу ҳозиргина кесиб олинган-ку!

Улуғбек қулоққа тикилиб туриб сўради:

– Қаердан олдинг? – У бирданига қулоқни олди-да, сал нарироқ югуриб, марҳум тарбиячиси устига эгилди.

Ҳамма шаҳзодани ўраб олди. У Қайиш отанинг қулоғи эди!

Қуён қоронғида биринчи дуч келган ўликнинг қулоғини қирқиб оларкан, тез орада уни бутун халойиққа кўрсатажаги хаёлига ҳам келмаганди. У қулоқ белбоғимда ётаверади, сафардан қайтганимиздан кейин беш-олти кун ўтгач, уни ютиб олганимни шерикларимга айтаман деб ўйлаганди. Мана энди тилидан тутилиб расвоси чиқди.

Темур аскарининг сафдошлари, айниқса, тўдасидаги шериклари назаридан қолиши жуда даҳшат. Қуённинг сафдошлари ҳаммаси шунақа экан деб ўйламасинлар тагин, деб ўйлаб қовун туширган шерикларини ёмонлашга тушди!

– Қуён одаммиди ўзи? – деб сўрашарди аскарлар бир-бирларидан, – уни бирорта одам билан яқин бўлганини ҳеч кўрганмисиз!

Марҳум Дағал ёнида ўралашиб юрган сезгир аскарлардан бири қўлтиғида хуфия чўнтаги борлигини пайқаб қолди. Унда Дағал кумуш ва олтин ўлжаларини ҳамда Қуённинг қуруқшаган қулоғини сақлаб юраркан. Аскарлар Дағалнинг қилич билан эмас, пичоқланганини билиб олдилар. Хужумкорлар отда келиб қирғин қилишган бўлса-ю, Дағални ким пичоқлаган бўлиши мумкин?

Қуён шундан кейин Улуғбекнинг оёғига ўзини ташлаб, ҳиқиллай-ҳиқиллай ҳамма гуноҳига иқроп бўлди.

Қўшин яна бир кун чуқурликда қолиб, ким ҳалок бўлган, ким яраланганини, Султонияга кимлар етиб боролмаслиги, соқчиликда кимлар қолганини, карвоннинг таланган-таланмаганлигини аниқлашди.

Карвон омон экан. Аммо соқчилар кўп талафот берган ўн кишилик ҳар бир тўда тўрт киши йўқотган экан.

Улуғбек қошига йиғилган саркардалар Қуённи ўртага олишди.

Улар:

– Қўшин сафарда... – деб гуноҳкорга раҳм-шафқат қилмасликни сўрашди.

Улуғбек гувоҳларнинг сўзини ва қотилнинг иқро-рини эшитгандан кейин бобоси жуда қаттиққўллик билан аскарларнинг аҳил бўлишларига эришганлигини эслади. Бу аскар бўлса ўнбошисини пичоқлаб ўлдирган, шахзода соқчилари бошлиғининг қулоғини қирқиб олган, кейин эса расво асирдай қилмишига пуншаймон бўларкан, ёлғон гапиришга ҳам уриниб кўрганди. Аскарнинг ёлғон гапириши ҳам оғир гуноҳ.

Барча кўрган-кечирганларидан толиққан тарихчигина ғижмалак кигизда оғзини сал очганича гўё омонат ва бевафо дунё ишларидан ҳайратлангандай қаттиқ ухлаб ётарди...

– Учта гуноҳ... Ўттизта ўқ, – деди Улуғбек.

Шунда ёнида турганларнинг ҳаммаси юзларига фотиҳа тортиб, бараварига:

– Мошоолло! – дейишди.

Карвон кун чиқиб, тошлоқ тепаларни қиздириб юборгунча анча жойни босиш учун тонготарга яқин йўлга чиқди...

Тўпланишаётганда тарихчи ҳаммани ҳайратда қолдирди. Ўтлар устида пала-партиш ётган ул-буллар орасидан аскарый қалпоқ топди-да, салласини улоқтириб, бошига кийиб олди.

«Қаёққа қарама душман! Салламни кўриб, амалдор деб уйлаб бирдан уқ узса узаверади-да! Бошсиз саллани асрагандан кўра, қалпоқли бошни асраган маъкулроқ», – деди у.

Куённи саҳрога олиб чиқиб, сўқмоқдан сал нарига ҳамманинг кўзига кўринадиган жойга турғизиб қўйишди.

Дағал тўдасининг қолган аскарлари, ўнбоши билан Куён ўрнига қўйилган икки аскар ҳам қотилнинг нақ орқа томонида саф тортганларида тонг отаёзган эди. Яна икки тўда икки томондан – ўнг ва сўл ёндан саф тортди. Кўшиннинг қолган қисми отдан тушмай томоша қилиб турарди. Карвон кўзғалишга ишора кутарди.

Куёш туманли тоғ остидан кутарилди. Жазирама иссиқ бошланишига яқин қолганди.

Тарихчи хўрозникига ўхшаш қийқиллаган овозда Улуғбекка:

– Бўла қолинг, бўла қолинг! – деб қичқирди.

Саркардалар ҳаддидан ошган олимга хўмрайиб қўйишди. Шаҳзодага буюришга ҳеч ким журъат қилолмасди.

Улуғбек бўлса умрида биринчи қатлга фармон беришга истиҳола қилиб турарди.

Бироқ аскарий қоидага кўра буйруқни у бериши керак эди. У бобосининг бунақа пайтларда қатъий ва тезкор бўлишини биларди. Улуғбек эса бунақа пайтда нима дейиш кераклигини билмасди.

У унсиз бош ирғади.

Аскарларнинг ҳаммаси ҳам унинг ишорасини тезда фаҳмлашолмади. Бироқ дастлаб уқ узганлар кетидан бошқалар ҳам отишди. Ўттизта ўқнинг ҳаммаси – бир хиллари тўғрироқ, бир хиллари ён томондан Куённинг вужудига санчилди.

Улуғбек отини ниқтаркан, яна бош ирғади. Жангчилар унга эргашиди. Карвон йўлга тушди.

Баданига ўқлар санчилган Қуён гүё одамлар олисдан ўтишаётганмикин, деб ерга қулоғини тутиб ётгандай қуруқ саҳрода қолаверди. Бироқ у қўшин бирдай одимлаётганини, отларнинг дуқури тобора узоқлашаётганини эшитмасди...

Тонг эса бамисоли қуруқ ўтин ташланган гулхандай алангаланарди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Арманистон

тошлари



ЎН БЕШИНЧИ БОБ САРОЙ

Саройда ўша сентябрь ҳаво бузуқ келди. Урал орқали Прикамьянинг қалин ўрмонзорларини тик босиб қора булутлар ёпирилиб келар эди. Қаттиқ шамол эсиб, жала қуя бошлади, янги қурилаётган бинонинг харилари, кулбаларнинг кулранг сувоқлари ёмғирда ивиб кетди. Кули кўкка совурилган жойларда ўсган қушқўнмаслар қаққайиб турарди.

Темурнинг эсдан чиқмайдиган босқинидан сўнг Сарой тезда қаддини тиклаб ололмади. Бундан беш йил муқаддам Ўрда ўзи босқинчилик қилар эди, орадан беш йил ўтгач, номатлуб меҳмонларнинг ҳужумига бардош бериш қанақалигини Темур уларга кўрсатиб қўйди.

Беш йил ичида катта шаҳарни оёққа турғизиб бўлармиди! Бунинг устига халқ ҳам сийраклашиб қолган, кўплар ўрмонга қочиб кетган, баъзилар шимолга, руслар юртига қочган, баъзи бировлар жанг майдо-нида – Чистополь, Кама дарёси, Волга бўйларида ҳалок бўлган, кўплар асир олиниб кетилган эди. Лекин Темур томонга ўтиб, унинг жаҳонгир қўшини сафида ҳукмдорга музаффарият, ўзларига эса ўлжа қидириб кетганлар ҳам бор эди.

Саройда одамларнинг Темур босқинчилигини эсламаган кун йўқ, ҳамма жойда, бозорда, уйларда шу тўғрида гапирар эдилар. Чунки Темур Саройни остин-устин қилиб юборган, кулини кўкка совурган эди.

Қочиб кетганлар қайтиб келмай, борган жойида туриб қолди. Аввал савдогарлар қайтдилар: чунки улар ўрмонларда ўтира олмас, жангларга қизиқмас, уруш сафарларига тоблари йўқ. Уларни бозор ўзига тортар,

савдо-сотик қизиқтирар, улар дўконларида ўтиришни маъқул кўрардилар.

Тарозик бозор майдонининг ҳар тарафидан қўйган ва харобазорга айланган жойлар кўришиб турган бир вақтда бозор майдонида қапа дўконлар қурила бошлади, карвонсаройлар, омборлар қурила бошлади. Темирчилар эса пухта бўлсин учун омбор эшикларига тулука қоқар эдилар. Шундай қилиб, савдо-сотикқа ҳам жон кирди. Аммо аввалгидек жонлана олмади, илгариги ҳолига келишига кўп нарса етишмасди.

Савдогарлар қадимий савдо ерлари кишини алдамайди, деб ишонар эдилар: Сарой Русь билан мусулмон мамлакатлари ўртасида қадимдан савдо йўли устида, Русдан Шарқ бозорларига: Ҳожитархон, Шамохий, Хоразм, Эрон ва Ҳиндистон каби мамлакатларга борадиган савдо йўли устида эди. Саройда савдо-сотик ишлари маҳаллий моллар эмас, балки четдан келтирилган моллар ҳисобига ривожланди. Бухоро, Арман, Нижегород карвонсаройлари дастлаб тикланиши бежиз эмасди. Кўрасининг бурчакларида ёғоч миноралар қад кўтарган қандайдир букчайган Қрим саройи қурилди; бу ерга Генуядан, иссиқ денгиз томонлардан христиан савдогарлари мол келтирарди. Бу карвонсаройларда аксари мол алмашишлар, байлашишлар бўларди. Катта мис тарозили Тарозик майдони билан савдогарларнинг иши бўлмас эди.

Ривоятларга қараганда, Нижегород бозорида Ботухон солиқчилари бу тарозини шайинидан олиб келтирган эдилар. Бу вақтда у ерда ҳамма рус шаҳарларидан Сарой хони Боту учун бож йиғиларди. Тарозининг қорайиб кетган катта мис паллалари занжирда осиб туриб турар, қишда шаҳарга келтирилган яхлаган мол гушти нимталаридан тарозининг бир палласига учта, гоҳо тўрттасинигина қўйиб тортиш мумкин бўлар эди.

Бу тарози нималарни кўрмаган денг! Генуя ёки Венеция тамғалари, немис хочлари босилган той-той моллари, қопларга қизил тамға босилган Новгород юклари, ингичка, узун қоплардаги Эрон юклари, Сибирь мўйналари солинган қоплар шу тарозида тортиларди, тажрибакор кўзлар бу қопларнинг устига тикилган турли рангдаги лахтакларга қараб, ичида Сибирь савдогарлари қанақа мўйналар келтирганини дарров билиб оларди.

Бу тарозига йироқ Адриатик, Буюк Новгород, жазирама Бухоро шаҳри савдогарлари оёқларига илаштириб келган чанглар кўп мартаба кўнган.

Темур бу томонларга келгунга қадар бу тарозининг мис палласида ўқилиши қийин ёзувлар бор эди. Рус савдогарлари бу ёзувларни ўқиб хурсанд бўлар, бу қадар узоқ ўзга юртга бундан юз эллик ва икки юз йил бурун мисга ўйилган рус сўзлари етиб келганидан мамнун эдилар.

Бу ёзувларда: «Ақл-идрок билан тўғри ўлчаб торт», «Қадоқ тош билан ўлча-ю, кўз билан чамала», «Тарози тошига эмас, молига қара», «Молни вазнига қараб эмас, нархига қараб қадрла», деган гаплар ёзилган эди.

Тарозининг ҳар бир палласи қирғоғида айланасига энсиз ёзувлар бор эди; палланинг ўртасида бир шер сурати, иккинчида эса якка шох ҳайвон сурати солинган эди.

Ҳозир якка шох ҳайвон суратли палласигина сақлашиб қолган. Иккинчиси эса Темур келганида занжири билан йўқолган. Унинг ўрнига сарой мискарлари билан темирчилари занжири билан бошқа палла ясаб берганлар. Янги палланинг ўртасига худди пулга ўйиб ишлангандек Эдигейнинг номини ўйиб солдилар ва унинг ишларига кушойиш тилаб, дуо ёздилар. Тарозибон бировнинг молини тортишдан олдин тарози пал-

лаларининг посангисини тўғрилаб оларди. Ҳар сафар тарози паллалари дам кутарилиб, дам пастга тушиб лапанглаб турар, гўё рус савдогарининг донолиги билан Ўрда хонлигининг улуғворлиги бир-бирини босиб кетмоқчидек бўлар эди.

Бу ерда Эдигейни жуда улуғлашарди. Олтин Ўрдага у, ё Темурнинг отлик аскарлари билан, ё карвони билан Самарқанддан келиб қолган эди. Бу ерга у 1391 йили, Темурнинг биринчи истилоси вақтида келиб қолган эди. Оқ Ўрданинг чаққон саркардаси Эдигей Олтин Ўрдада Тухтамишга қарши курашда Темурга сadoқат ва Сибирь мўйналарини ваъда қилиб, ўзи учун нажот қидирарди.

Тухтамишхон Чистополь ёнида, Кама дарёси бўйларида Темурдан батамом мағлубиятга учраб, Литвага қочди.

Самарқанд нонидан еб семирган Эдигей эса ўзини хон деб эълон қилишга ботинолмаса-да, инқилаб-синқилаб Олтин Ўрда тахтига чиқди. Ҳолбуки, аслхон қочоқ Тухтамиш эди. Эдигей эса Мамайдан қолган эски одатга кўра, Чингизхоннинг итоатгўй авлодларидан бирининг номидан юртни идора этарди.

Сарой ёндирилганидан кейин Тухтамишнинг қўйган қароргоҳи ўрнига Эдигейга ғиштдан жой қуриб, атрофини ғиштдан девор уриб, бурчакларига ёғочдан қоровулхона солиб бердилар. Бу жойдан туриб қоровуллар навбати билан бозорни кузатар, Волганинг нарёғидаги йироқ ўтлоқларни, чўлларни кузатардилар.

Литванинг улуғ князи Витовт Тухтамиш билан банд бўлганида Эдигей чет эл савдогарларини Витовт хузурига, гоҳ Киев, гоҳ Вильнага, Тухтамишнинг қаердалигини, ниятлари нималигини билиб келиш учун юбортирар эди, Эдигей Ўрдадаги ишончли одамлари-

ни Москвага, улуғ князь, Витовтнинг қудаси Василий Дмитриевич олдига юбориб, қайнатасини қоралар эди: «Москвани хароб қилган ёвуз ва илон Тўхтамишни қайнатанг ўз паноҳига олди. Василий, уша илонни сени чақтиришга тайёрламаяптимики-а? Эски муҳаббатим ва оталик меҳрим туфайли сени огоҳлантириб қўймоқчиман. Литвадан эҳтиёт бўл, унинг қўйнида, сенга қарши илон сақланаётган экан, у билан дўстлаша кўрма».

Аммо Эдигей Литва билан Рус ўртасидаги муносабатларни борган сари бўшаштиришга ҳаракат қилиб, Литвани ҳам, Русни ҳам заифлаштириш пайдан бўлди. Москва ҳам Литвани қўллаб-қувватламади, куёви ҳам қайнатасига ёрдам қилмади, шунда шошқалоқ Тўхтамиш томонидан васвасага солинган Витовт Киевдан Саройга қарши юриш қилди. Ворскле дарёси бўйида Эдигей, улар кутилмаган жангга тайёргарлик кўргунларича, Витовт билан Тўхтамишни пойлаб, икковининг аскарларини тор-мор қилиб, ўзига ишонган қўшинни дарё бўйида тумтарақай қилиб юборди. Литванинг баҳодир жангчилари ҳалок бўлди. Витовт ўзи оёғини судраб зўрға қочиб қолди. Тўхтамиш эса Эдигейнинг қўлидан бир амаллаб қутулиб кетди. Жангга ҳозирланганда қўлга киргизмоқчи бўлган бутун ўлжа Эдигейнинг қўлидан чиқиб кетди. Энди Эдигей ғалаба ва ўлжадан ҳам кўра, хонни қидириб топиш ғамига тушиб қолган эди. Хон кўз ўнгидалигида хатарли бўлса-да, лекин кўрқинчли эмас эди. Қайси томондан бостириб келишини билмагач, энди у кўрқинчлироқ бўлиб қолган эди. Икки йилдирки, Тўхтамиш кўздан ғойиб бўлди. Эдигей Тўхтамиш яқин орада, Ўрдада яшириниб ётган бўлса керак, балки саройнинг ўзида биқиниб ётган чиқар деб роса қидиртирди, лекин ҳеч қаердан топа олмади.

Агар бу қадар ишончли кишилари бўлмаганда Тўхтамишхон Урдада яшириниб олмаган бўлар эди, демакки, Урданинг ўзида Эдигейга кушанда кучлар, эҳтимол, энг яқин мулозим ва амалдорлар орасида бор, Тўхтамишнинг дўстлари ўзларини Эдигейнинг дўстимиз деб кўрсатиб юрган чиқарлар, деб ўйлади Эдигей. Эҳтиёт шарт юзасидан баъзиларни қўлга олиб қийноққа солдилар, аммо бу кишилар ё ишга алоқаси йўқ, ё мустаҳкам бўлиб, ҳеч нарсани айтиб бермадилар.

Мана шу руҳий ҳолат ичида Эдигей Москва князининг марҳаматидан умидини узиб, рус шаҳарларини кучсизлантирмоқчи бўлди, Москва савдогарларига тўсқинлик қилиб Волганинг қуйи томонлари билан бўладиган илгариги савдо-сотик йўлларини беркитиб қўйди, Москвадан, Нижнийдан, Твердан Жанубга, Шарққа қатналадиган дарё йўлларини кесди.

Ворскле дарёсида бўлиб ўтган жангдан кейин Москва Литвасиз ювошиб қолади, Урда иродасига бўйсунди, деб ўйлаган Эдигей Москва кемачиларини Саройдан пастга ўтказмади. Кемалар қирғоқда тўхтаб қолди, саройлик олиб-сотарлар эса рус молларини гўё бир ўлжадек арзон баҳога олиб, кемадан қирғоққа туширар, келгусида кўрадиган катта фойдаларидан суюнар эдилар, лекин охирида панд едилар. Рус кемалари Саройга мол билан ҳам, мол учун ҳам қатнамай қўйдилар.

Тез орада қуйидан, Шарқ мамлакатларидан келтирилган моллар Саройдаги омборларда, карвонсаройларда ва каппонларда ётиб қолди, чет эллик савдогарлар эса харидор қидириб шаҳарда тентираб юрар, синишдан қўрқмай, молларимизни қайтариб олиб кетамиз деб таҳдид қилар эдилар.

Эдигей Москва билан калондимоғлик қилиб сўзлашмоқчи бўлар эди. Урдага Ботухон замонини,

босқинчилик йилларини, рус молига ўлпон солиб эгалик қилган босқоқлар замонини қайтармоқчи, ғазабини ичига ютиб яширинча қилич чархлаётган рус князларини сўзсиз итоат қилдирмоқчи бўлар эди.

Эдигей бир йил, икки йил ўзбилармонлик қилди. Сарой бозори сув сепгандек жимиб, пристанлар бўшаб қолди, машхур Сарой олиб-сотарлари хонга аввалгидек таъзим қилмайдиган бўлдилар.

Хоннинг ишончли одамлари, сарой савдогарлари шивирлашиб, хонга қарши пичоқ қайрай бошладилар деб етказдилар. Эдигей эса парво қилмаса, улар ғалаён кўтариб, гапга кўнадиган бошқа хон ёллашларини фаҳмлаб қолди. Мамай замонасида хонларни ҳаялламай ўзгартиб турардилар. Мамай ўзи эса савдогарларга кенг йўл очиб бериб, асл хонлар авлодларидан ҳам юксак мавқега эришди, Дмитрий Донскойга зарба бергач, ишлари пачава бўлди. Хонга, русларнинг Днепрдаги қадимий савдо йўлини ўзлари учун очиш мақсадида Москва савдогарлари Витовт олдига жўнаганини хабар қилдилар, Днепрдан эса Қора денгизга, Генуя Каффасини ёнлаб ўтиб, қадимий рус йўли билан Византия, Царьград орқали Трапезундга, Эрон ва Ҳиндистон мамлакатларига чиқиш мумкин. Византия орқали Дубровникка, Венецияга, Генуяга чиқилади. Немис шаҳарлари орқали ўтадиган йўллар ҳам русларга таниш. Ботухон истилосигача Киев шу йўл орқали савдо қилар эди. Энди Витовт Киевда Эдигейдан аччиқланиб, Москвадаги куёви билан янада қалинроқ дўстлашиб, Москва савдогарларига катта йўл очиб беради.

Савдо-сотик ишларисиз Саройда сандирақлаб юрган чет эллик савдогарлар тўғрисида ҳам хонга хабар етказдилар: генуяликлар келаси ҳафтага, нақадар оғир бўлса-да, сотилмаган молларини Каффага қайта-

риб ортиб кетмоқчи бўлганлар. Эронийлар эса Ҳожитархонга қайтиб кетиш учун тил бириктиргандилар...

Бундан чиқди, шарқ савдогарлари бу ерда молларини пуллай олмайдилар, сотиб оладиган ҳеч нарса ҳам йўқ, руслар эса йўлларни қидирмоқдалар. Бошқа юртларда, бўлак шаҳарларда Москва Шарқ билан учрашади. Шунда Саройнинг расталари ва карвонсаройлари бўшаб қолади. Олтин Ҳрданинг савдо шаҳарлари хувиллаб, хароб ҳолга келади.

Савдогарлар Днепрдан Киевга, Смоленска, Москвага, Тверга йўл ахтариб, бир-бирлари билан учрашадилар. Сувсиз чўллардан Волгага етиб, ҳеч бир ерда тўхтамай, ҳафталаб, кўчманчилар ва саҳро йиртқичлари орасидан сузиб ўтишдан кўра Днепр йўли қулайроқ.

Афтидан, Ботухон замонаси ўтиб кетганга ўхшайди: Киевда энди рус савдогарларини тўхтатиб қолиб, Днепрнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Ҳар кимсага маълумки, Ҳрданинг энди Ботухон замонидаги кучи йўқ, ҳатто Мамай вақтидаги кучи ҳам қолмаган.

Нақадар аччиқ-аламли бўлмасин, Эдигей учун бундай қопқондан қандай қилиб қутулиш устида ўйлаш вақти келган эди. Қутулганда ҳам яхшиликча сир бой бермай қутулиш керак. Василий Олтин Ҳрда хароб бўлиб қолибди деб ўйламаслиги учун Москва князига ҳеч нарса ваъда қилмасдан, савдо-сотикни юксалтириш керак. Саройдаги аҳволни ҳаммага ёймасликлари учун шарқ савдогарларини Волгадан қуйига, орқаларига қараб қайтариб юбормасликнинг иложи қанча? Эҳтиёткор князь Василийни ёнлаб ўтиб, рус савдогарларини Волга савдо йўлига қандай қайтариш керак? Уларга қандай ваъдалар бериб кўнгилларини тинчитса экан? Бақириб-қичқириб кўрқитув билан савдогарларни чақириб келтириб бўлмайди. Бундай қилса, ўз бозорини ўз қўли билан йўқотган бўлади.

Барваста, семиз Эдигей букчайиб меҳмонхонага туташган узун ва тор хонада у ёқдан бу ёққа юрарди. Бу меҳмонхонада у ўз амалдорларини қабул қилар ва фармонбардорлик қилар эди.

Тахтаси ғирчиллаб қолган хона ичида юрар экан, ғиштин деворнинг остини босган қора доғларга кўз қирини ташлар, улардан моғор ҳиди келарди. Рутубатдан деворга гилам осиб бўлмасди, афтидан, моҳир булғор тошчилари хоннинг уйини ҳеч бир меҳрмуҳаббатсиз солганлар, деворининг мустаҳкамлиги ва чиройли чиқиши устида сира бош қотирмаганлар. Ҳолбуки, булғор тошчилари ўзларидаги Қора қасрни ва минорани жуда мустаҳкам ва чиройли қилиб қурганлар.

Эдигейнинг бир елкасидан кулранг чопон секин сирғалиб тушди. Афтидан, унинг бир елкаси қийшиққа ўхшарди, бошини ҳам гўё бир нарсага қулоқ солаётгандек ўнг томонга қийшиқроқ тутарди.

Ёлғиз ўзи у ёқдан бу ёққа юрарди, ёмғирли осмон ва ғиштин девордан бошқа нарса кўринмайдиган энсиз дераза олдига келиб тўхтайди.

– Тўхтамиш беҳуда бирор жойга яширинмаган, Сарой бозори қашшоқлашаётганини кўриб турса керак. Савдогарларнинг қутураётганини, Эдигейга нисбатан қаҳрланаётганини кўриб хурсанд бўлса керак. Яшириниб, фурсат пойлаяпти. Бир қарасанг, кимгадир бир нарса ваъда қилади. Кимга бўлди экан-а? Самарқандга у бўйин эгиб боролмайди. Балки Москвага бир нима ваъда қилаётгандир?

У ёқдан бу ёққа юрар экан, Темурнинг юришини кўз олдига келтириб дерди:

– Султонияни олди, Шамохийни олди. Энди Ҳожитархондан на денгиз орқали ва на қирғоқдан Эронга ҳеч қандай йўл йўқ. Трапезунд кесиб қўйилган, айла-

ниб утилган. Арманистонда хўжайинлик қилмоқда. У томондан ҳам йул йўқ. Биргина Царьграддан Дамашққача йул қолди холос. У ёқдан-чи... у ёқдан қаёққа!.. Йўқ, Темурни ёнлаб утиб бўлмайди. У, ростдан ҳам савдогарларга эрк бериб қўйган. Буни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Темурни ўртага солиб, савдогарларни кўрқитиб бўлмайди. Йул ҳақи олиб, қўйиб юбраверади. Ўзи ҳам бежиз олди-сотди қилмайди-да. Ҳатто Саройда ҳам унинг гумашталари бор. Моли ҳам кўп, у билан баҳслашиб бўлмайди, бунақа савдогар билан олди-сотди қилиш қийин. Жаҳонгир! Москва-чи! У Днепрдан Царьградга йул очади, у ердан бошқа томонларга катта кема йуллари бор. Москвани Тўхтамиш ёндириб юборди, лекин ҳаммасини куйдира олмади.

Олтин Ўрда бошига оғир замонлар келди. Тинмай ёмғир қуяди. Ҳамма ёқ ивиб, қочадиган жой йўқ.

Хоннинг касрига чет эллик савдогарлар келишиб, молларимизни бирор ёққа, юқори томонга, Булғор орқали Нижнийга ёки қуйи Ҳожитархонга дарё орқали олиб кетишга рухсат сўрайдилар.

Хоннинг Самарқанд беқасамидан чопон кийган, ихчам қилиб салла ўраган, димоғдор аъёнлари меҳмонларга ясама илтифот билан жавоб қиларди:

– Рухсат йўқ. Ҳали фармон берилмаган. Подшоҳимиз бетоблар. Энди бошқа илож йўқ.

Ташқарида эса шариллатиб ёмғир қуйгани қуйган эди.

* * *

Шундай қилиб, Олтин Ўрдани сентябрь ёмғири саваламоқда. Волганинг устини қалин булут қоплаб олган. Шунда беихтиёр Самарқанднинг шаффоф иссиқ кунлари, апрелдан ноябргача чарақлаб турган осмони, ҳовузлар устини қоплаб олган кўнғир барглар, қайрағоч ва чинорларнинг соя-салқини, гаромонлар-

да «Геворк армани, Геворк армани» деб ғув-ғувлашиб сайраётган мусичалар эсга тушади.

Бу ерда эса ёмғир ёққани ёққан.

Геворк Пушок Саройга келиб, молларининг бир қисмини иссиғида шу ерлик олиб-сотарларга ўтказди. Молининг кўп қисмини эса насияга сотди. Вақт ўтган сари нақд пулга мол сотиш қийинлашаверди. Ҳозир энди Сарой савдогарларининг омборларида Пушокнинг моллари ётар, харидор йўқ эди. Сотиб олинган моллар савдогарлар қўлида турар, аммо сотадиган жой йўқ, қайтариб олиб кетишга йўл қўймайдилар, ҳисоб-китоб ҳам қилолмайдилар.

Саройликларнинг ва Геворк Пушокнинг ишлари юришмай қолди: савдогарларнинг тақдирини бутун бозор ҳаётидан сира ажратиб бўлмайди. Бозор ҳаёти эса худди бир дарёдек гап: гоҳ у олтиндек чакнайди, гоҳ бўтана бўлиб, хас-хашак оқизиб келади. Шу дарё юзида бутун мамлакат юзи акс этади. Уззукун бевафо дарё тусини ўзгартириб туради, ундан бир лаҳза ҳам кўз узиб бўлмайди. Савдогарларнинг йўллари ҳам силлиқ ва тўғри эмас, тийғончиқ. Бозордан сал чалғисанг, қайтиб келиб гўё биринчи марта қалин ўрмонга кириб қолгандек бўласан; аҳвол ўзгарган, кучингни аямай бошқа йўл қидир, бўлмаса боши берк кўчага кириб қоласан. Сентябрь ойи тугаш олдида, лекин ҳамон савдо-сотикдан дарак йўқ!

Пушок ҳам Саройда тентираб юриб, савдогарлардан ўз пул ва молларини ундириб олмоқчи. Шаҳардаги ҳамма сўқмоқ йўллар унга таниш, ҳаммаси кўпдан жонга теккан. Пушок барча савдогарни ипидан-игна-сигача билиб қолган. Бу ерда энди қиладиган иши йўқ. Саройликлар мол харид қилиб бўлган, янги мол харид қилиш учун пул йўқ, харидор йўқ эди.

Нижнийга борсамикан, Эдигей ҳам Пушокни ҳинд моллари билан ўтказиб юборарди. Бу молларни са-

ройликларга насия бериб қўйган, ўзиники эмас. Ҳисоб-китоб қилмасдан бу молларни бировларнинг оморларида қолдириб кетиб бўлмайди-да.

Зилдек оғир ўрда этигини кийиб олган Пушок ҳасрат билан осмонга боқиб, Москвада бўладиган вақт аллақачон келди, деб лой йўлдан тентираб юрарди.

Дукончалар олдига қўйилган тахталар ҳўлликдан қорайиб кўринар, томлардан оққан совуқ томчилар ёқадан оқиб кирарди. Пушокни кўриб қолган савдогарлар тескари ўгирилиб, ўзларини кўрмаганга солардилар. Пушокдан мол олганларида хушомад қилган эдилар. Савдо-сотик ётиб қолганидан бери энди ҳеч кимнинг ҳисоб-китоб қилишга тоби йўқ. Шу билан бирга олган молларини қайтариб бергилари ҳам йўқ: савдогар пулига мол харид қилганида бели бақувват бўлади, ҳамёнда турган пул эса баайни ўлик бир нарса. Пулни яхши молга айлантириб сақлаш керак, Пушокнинг моли эса яхши, ишончли, лекин харидор йўқ эди.

Пушок рус савдогарларининг гапларига кирмаганига минг-минг пушаймон ерди. Астрахандан бу ерга бирга келган бу савдогарлар, Саройда тўхтамасдан, нарига кетаверайлик деганида, кўнмаган эди. Уларнинг гапига қулоқ осмай, катта фойда кетидан қувиб Саройда савдо-сотик қилиб қолган эди. Улар Ҳожитархонда харид қилган молларини Москвада, Тверда, ўз юрти Улуғ Новгородда пуллаб бўлиб, аллақачон янги йўлга отланмоқчи бўлиб тургандирлар. Сен эсанг Пушок, ўзингни ўзинг лақиллатдинг. Энди Сарой лойини кечиб, қимматбаҳо молларингни, жаҳонгирнинг Ҳиндистон ўлжаларини у қўлдан бу қўлга сотавер.

Пушок савдогарлар тийғончиқ йўлкалардан, ҳисоб-китоб қилайлик деб биров чақирмаяптимиқан деган ўйда олазарак бўлиб борарди. Орқасидан биров: «Қанча мол олганимиз эсимизда. Гарчи сен бизга

молларингни нақадар баланд нарх билан сотган бўлсанг-да, ишлар юришиб кетиши билан тўла ҳисоб-ки-тоб қиламиз», дегандек бўларди. Шундай дейишганда ҳам, Пушок бир оз енгил тортган бўлармиди! Бунинг ўрнига юзларини четга ўгириб индашмайди, кўплари эса ўрдаликлар ҳам, мусулмонлар ҳам эмас, ўзиники, арманилар. Савдолашмасдан ёпишиб олиб, Пушокни хурсанд қилган эдилар. Сураганига олавергандилар: нодир моллар эди-да. Пушок яхши пул топган бўлар, бунақа фойда Самарқандда ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган бўлур эди. Энди-чи, кут, юр. Уз пулинг учун энди ялиниб-ёлвор, яна тагин арманилардан.

Пушок арман карвонсаройига эмас, балки Бухоро карвонсаройига тушган эди. Темур одамнинг арманлар ўртасига жойлашиши ярашмас эди.

Эшиги қулфлоғлик ҳужралар, Бухоро, Самарқанд ва Урганчдан келган эҳтиёткор савдогарлар орасида туриш Пушок учун ноқулай эди. Улар ҳар бири гурунглашиб гаплашар, аммо гаплари савдо-сотикқа тақалганда жимиб қолар, одамлар биқинишиб ҳаёт кечиришар; ҳар бири енг учидан савдо-сотик қилар, арманига ҳеч бири ишонмас эди. «Жаҳонгирдан олтин ёрлиқ олган христиан. Бунақалардан эҳтиёт бўлиш керак: бу қадар узоқ ерларга, тинч савдогарлар олдида бунақаларни нега юборишар экан?»

Лекин савдогарлар турар жойни тил ва дин билан эмас, ёрлиқ билан олиши мумкинлигини Пушок Ҳожитархондаёқ тушуниб қолган эди. Ҳожитархонда Пушокни яхши қабул қилдилар, лекин кимнинг молини келтириб сотаётганини билиб қолганларидан кейин, арман карвонсаройида унга асир деб қарадилар.

Пушок бутун бозорнинг ичидан айланиб ўтиб, бозорнинг бир чеккасидаги арман маҳалласи қолдиқлари олдидан чиқди. Нижнийдан Ҳожитархонга сузиб келган арман савдогарлари шу ерга тушган эди.

Пушок эҳтиёт билан қадам ташлаб борарди: йўловчилар ёғоч йўлкага жуда кўп лой илаштириб келган эдиларки, йўлка билан катта йўлнинг фарқи қолмаган эди.

Йўл-йўлакай ўрдалик хотин-халажлар учрар, эркакка дуч келган бу аёллар тескари ўгириллар, Пушокнинг юмалоқ кўзларидан рўмолларининг учи билангина юзларини тўсар эдилар. Бухоро карвонсаройини наҳс босган эди, бозордан бузуқ бир хотинни худди бировнинг омборидан мол ўғирлагандек хўжраларига аста эргаштириб келардилар. Меҳмонларга асир аёлларни рўпара қиладиган хилват бозорга чиқиш бошқа гап; бундай жойга киши ўзи яшириниб боради; бундай кўрага кириш, ўғрисимон хўжайиннинг кўзларига боқиш, қандай мол учун келганлигининг қорни тўқ беҳаё хўжайинга изҳор қилишдан уят нарса йўқ. Меҳмоннинг кўнгли қолмаслиги учун у яна гапни айлантирарди.

Руслар эркин ва қувноқ яшар, ҳовлиларига бегона одамни йўлатмасдилар, уларнинг ҳовлиларига ўрдаликлар ҳам бекорга киравермасди. Эдигей даврида руслар ўрдаликларга қўшилмай қолдилар. Кўпроқ Сибирь молларини: мўйна, асал, мум, ёнғоқ сотиб оладиган бўлдилар, ўз молларини камдан-кам пуллар, Русга кам қатнар, борганда ҳам Эдигейнинг рухсати билан борардилар. Қассобликда қонга ботган шилимшиқ чангакларгина турарди. Бу ерга кушхонадан келтирилган моллар эрталаб сотилиб, тушга келганда кам қолар эди. Пушок қассобликдан ўтаётиб, юзини тескари ўгириб: «Кўй гўшти эмиш-а? Ундан пўстак ҳиди келади. Мол гўшти эса мўматалоқ, мойи сарғайиб кетган, баъзан кўкариб кетади. От гўшти эса бизлар учун эмас, ўзлари еб маза қилишаверсин».

Кўк бозорида полизчи деҳқонлар савдо қилар эди. Шаҳар яқинидаги полизчиларнинг кўпи рус шаҳар-

ларидан асир олинган, қул қилиб сотилган кишилар. Ўрдада қулларни, агар ҳунари бўлмаса, деҳқончилик қилдирадидлар. Ҳеч ким эркинликка чиқа олмасди; ерга оғир солиқ солинар, бозордан тушган пул ҳаммаси хўжайинларга топширилар, лекин оч қолмасдан бола-чақалари билан кун кечиришар, шу ҳаётларига ҳам рози, минглаб бошқа одамлар сингари сувсиз чўллардан Узоқ Осиёга пиёда ҳайдалмасликни афзал кўришар, у ерда олиб-сотарлар орқали бошқа қулларга ўтиб, қандай жафоларга дучор бўлганларига шукур қилишарди. Ўрдалиқлар энг даромадли мол тарзида ўз асирларини Мовароуннаҳр, Эрон ва Арабистонга олиб бориб пуллар эдилар. Генуяликлар бу асирларни ўрдалиқлардан сотиб олиб, Қора денгиз бўйларидаги шаҳарларга олиб бориб сотар, турклар уни Каффа ва Анапада сотиб олиб, денгизнинг нарёғига олиб кетар эдилар. Экинзорларидан айрилган, ўрмонларидан тутиб олинган кишилар, жангларда ярадор бўлиб қўлга тушганлар, кексалар, кампирлар, қиз ва йигитлар кучлари етганча шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор, қўлма-қўл ўтиб юрар, отлиқ соқчилар, чўл итларини қўриқлаб борарди.

Полизчилар турнақатор тизилишиб, тинмай майда-лаб савалаётган ёмғирда устларига чипта қоп ташлаб ўтиришар ёки сават билан ўзларини тўсишар эди.

Соқол-мўйловлари ўсиб кетган бу одамлар тумтайиб, ер остидан хўмрайишиб қарашарди. Уларнинг ялпок, қадоқ қўллари остидаги саватлар шолғом, сабзи ва пиёзга тўла эди.

Трапезунд, Сивас, Арзирум, Қарс, табаррук Эчмиадзин, катта ва кичик арман шаҳар бозорларида бўладиган хушбўй ўтлар уларда йўқ эди. Бу ерда молларни кемадан кемага ортар, омбордан омборга кўчираар, бозор эса ёмғир ва офтобда хувиллаб ётар эди. Ўз ом-

боридан олиб чиққан молни зимдан сотар, ўзлари эса гўё бекитиб пуллаётгандек атрофга алангларди. Яхши савдогар зимдан сотмайди, ҳаммага очик қўрсатиб, ошкора сотади.

Арманистон ва Самарқандда шундай савдо қилишади, бу ерда эса савдогарлар ўз эшикларидан, худди сичқон инидан мўралагандек мўралаб қараб савдо қилишади.

Сарой Пушокнинг жонига тегди. У бир оз енгил тортмоқ учун арман саройига кетди. Гапларга қараганда, Нижнийдан келган, лекин Ҳожитархонга кетмоқчи бўлган арманлар бу ерда қисқа муддатга тўхташган эмиш.

Катта дарвозанинг бир тавақасидаги пастак эшикнинг бир тавақаси ғижирлаб очилиб, унинг тирқишидан дарвозабон қўринди-да:

- Қаердансан? – сўради Пушокка бошдан-оёқ қараб.
- Шу ердан. Бухоро саройидан.
- Бухоро саройидан? У ерда армани йўқ.

Дарвозабон буни арманчалаб сўзлади. Лекин Пушок бу қотма, жаҳлдор, қўй кўз қоровулнинг гапини тезда англай олмади. Византия ёки Генуяда арманлар шу лаҳжада сўзлашадилар. У ҳамон ўқрайиб, совуқ қараб турарди. Ниҳоят, яна:

- У ерда арманлар йўқ, – деб жавоб қилди.
- Мен ўша ерда тураман.
- Нега бу ёққа келдинг?

Афтидан, Саройда карвонсаройлар бир-биридан ўзини четда тутса керак. Пушок ўзи бориб турган бошқа бозорларда буни пайқамаган эди.

- Бу ерда Нижнийдан келганлар борми?
- Ўшаларнинг олдигами?
- Ҳа, ўшалар билан кўришмоқчиман.
- Шошмай тур, бориб қараб келай-чи.

Дарвозабон эшикни маҳкам беркитиб, лукидонини суриб кўйди.

Тиниб қолай деган ёмғир яна савалай бошлади. Кенг чўллардан, Волга орқасидан муздек нам шамол эса бошлади.

Ҳамшаҳарлари чиқиб жавоб қилгунга қадар Пушок анчагача сабр-матонат билан бўйин эгиб кутди.

Ёмғирдан юзини тескари ўгирган Пушок эшик очилиб, дарвозабон бошини чиқариб кўчага аланглаганини пайқамай қолди. Дарвозабоннинг:

– Ёлғиз ўзингмисан? – деган товушини эшитиб чўчиб тушди.

– Бўлмаса ким билан бўларди?

– Ундай бўлса кир.

Пушок этагини юқори кўтариб, баланд бўсагадан ҳатлаб ўтди.

Кўрага ётқизилган тош ёмғирда кўкиш кўринар, ҳовли саҳни топ-тоза ва кимсасиз эди. Худди монастырдаги сингари қўранинг чор атрофида пастак, мустаҳкам, мис ҳалқали эшиклар қорайиб кўринар, деворлар оқланган эди. Эшиклар мой сургандек қора, ёмғирда эса кумушсимон ялтирар эди. Қўранинг ичи даҳшатли: кўкиш тошлар, қора эшиклар, қизил бўёққа бўялган энсиз тахта пиромонлар...

Афтидан, Темурнинг саройдаги тўс-тўполондан сўнг арманлар ўз саройларини тузатиб олган бўлсалар керак. Шу билан бирга қўранинг деворлари ҳам қалин эди. Буни Пушок дарвоза олдидаёқ пайқаган эди, бу ерда ҳатто қамалга чидаш бериш мумкин эди. Арманилар ўз молларини қўядиган жойни эҳтиёт қилган эканлар.

Қотма дарвозабон худди қўранинг эгасидек бошини баланд кўтариб Пушокнинг олдига тушиб борар, Бухоро саройидан келган бу кишига илтифот ҳам қилмасди.

Пушок ҳам олдида шошмай шаҳдам қадам ташлаб кетаётган кишини кўриб, ватандошлари олдига эмас, гўё ўзини қонхўр бир хоннинг олдига, гўё Темурнинг олдига олиб кетаётганларидек қўрқиб ўзини йўқотиб кўяёзди.

Келган меҳмонлар ўз ҳужралари олдига солинган гилам устида эндигина овқатланишиб бўлган эдилар. Ёғли бармоқларини кўм-кўк қалин сочиқ билан битта-битта артар, лаблари ҳали мойдан ялтирарди. Лаганда эса ғажилган суяк ва ортиб қолган турли-туман хушбўй кўкатлар ётарди.

Улар уч киши бўлиб, яқинлашиб келаётган Пушокка қараб турардилар. Улардан бири кўкиш узунчоқ юзидаги чўмичдай бурнини юқори кўтариб, оғзини чапиллатиб тишлари орасига кириб қолган гўштни тили билан чиқармоқчи бўлар эди. Унинг икки чаккасини кўнғир чамбар соқол босганди. Унинг номини қадимча Мкртич деб аташарди.

Иккинчисининг юзи юмалоғининг номи Саргис бўлиб, мойли бармоқларини жингалак қизғиш соқолига артар, кичкина бурни худди башарасига кўндириб қўйилгандек эди. Савдогар Саргиснинг бўйи ҳам пак-пакана эди.

Учинчиси эса қоқ суяк, букчайган, қорача, оёқлари узун бир киши бўлиб, у бир оёғи устида ўтирар, иккинчи оёғининг тиззаси чаккасига тегай-тегай дерди. У устига савдогарлар қиядиган белбурма камзул эмас, монахлар қиядиган ридо кийиб олганди. У қошигача ўсиб тушган қалин оқ сочли бошини бир оз эгиб Пушокка қаради. Кўзлари остидан ўсган узун силлиқ соқоли кўкрагигача осилиб тушган эди. Қўллари йиртқич ҳайвоннинг панжасига ўхшар, тирноғигача қалин жун босган эди. Унинг номи Ақоб эди.

Учаласи ҳам лаган устида бир-бирига энгашиб, ўзлари томон яқинлашиб келаётган Пушокка, ҳар бири-

нинг кўз қарашларида ўзига хос аллақандай пинҳоний бир ифода бўлса-да, лекин бир хил назар билан қараб турардилар.

Пушокка пешвоз ҳеч қайси бири ўрнидан кўзгалмади. Ҳаммаси бир нарса кутгандек индамай қараб турарди.

Пушок эса яқин келишга бетлай олмай, узоқроқдан туриб салом берди.

Арманилар ҳам ҳар қайси бири ўзича жимгина унга таъзим қилди. Сўнгра, Пушок нима дер экан, деб индамай кутиб турдилар.

У, туриб-туриб, яна салом қилди.

– Сизларнинг эсон-омон етиб келганларингизни эшитиб... ватандошларимга хайрихоҳлик юзасидан... ҳузурингизга келдим.

Ниҳоят, Мкртич жавоб қилди:

– Сафарингиз узоққами?

– Москвага.

– Мол биланми?

– Майда-чуйда нарсалар. Андак марварид, қимматбаҳо тошлар... бир халтачада... суякдан ясалган буюмлар, кумуш асбоблар. Шунақа майда-чуйда нарсалар.

Саргис унга:

– Марҳамат қилиб ўтиринг, – деб таклиф этди.

Бир чеккага ўтирган Пушок:

– У ерда бозор қандай? – деб сўради.

Мкртич сиполик билан овозига эътироз оҳанги бериб:

– Бизлар Москвадан эмас, Нижнийдан, – деб жавоб қилди.

– Ҳар қалай, у ер қандай?

Бу гапга Саргис жавоб қилди:

– Яхши мол олиб борсанг, Рус доим олиб, пулини тўлайди. Фақат мол олиб борсанг, бас!

– Қанақа молга талаб катта?

– Фақат олиб бор. Ҳзида етишмаган ҳамма нарсани сотиб олаверади.

Аммо Мкртич қовоғини солиб, Саргиснинг гапини тўғрилаган бўлди:

– Ярамас молни олмайди. Алдай олмайсан. Ҳурмуз марваридини хуш кўришади. Улар уни гурмиж марвариди деб аташади. Бадахшон лаълисини маъқул кўришади, Ҳзи қизилу, кўкиш товланадиганини. Моли жўнлар, яхшиси, овора бўлиб обориб юрмасдан, шу ерда пуллаб қўя қолсин.

Саргис қизиқсиниб:

– Сизнинг молларингиз яхши бўлса керак-а? – деб қўйди.

– Ҳар хили бор. Марваридим чиндан ҳам Ҳурмузники. Кимхоб – Ҳиндистонники. Суякдан, кумушдан ясалган буюмлар ҳаммаси Ҳиндистонники. Жавоҳирлар эса...

Мкртич тумтайиб, Пушокка таъна қилгандек:

– Бунақа мол билан енгил бўлади: кўп жой эгалламайди, – деб қўйди.

– Менда бунақа майда-чуйда нарсалар бир карвон эди. Яна саксон той юким қолиб кетди.

Мкртич билан Саргис тиззалари билан юриб Пушокка яқинлашиб келдилар, Мкртич ишонқирамагандек сўради:

– Бу қадар яхши молларни қаердан топиб бўлади?

– Самарқандда ёмон моллар сотилмайди!

Шу дамгача индамай ўтирган Ақоб оқ сочини бир силкиб орқасига ташлаб, Ҳайратланганданми ёки Ҳушчиганданми, Ҳийиллаган овоз билан деди:

– Самарқанд?!

– Нима қилибди?

– Армани бўла туриб, нега Самарқанддан?

– У ерда армани тўлиб ётибди.

– Ўша ерда яшашадими?

Қип-қизариб кетган Ақоб ўзидан қандай жавоб кутганини Пушок ҳали англамаган эди. Мкртич шубҳалангандек, қатъий қилиб деди:

– Биз ҳам у ерда бўлганмиз. Самарқанддан мол олсак ҳам Бухородан олсак ҳам уйга қайтамиз. Сиз эсангиз Самарқанддан Москвага кетяпсиз. Уйингиз қаерда ўзи?

Пушокнинг уйи карвонсаройлар, савдо йўлларида, чўлларда кўп учрайдиган работлар эди. Пушок ҳеч қачон бойиган эмас, бозорда ўзига мустаҳкам жой ишғол қилган эмас, бола-чақа орттириб уй ҳам сотиб олган эмас. Бир неча марта қўлига бахт қуши қўнган маҳал ҳам бўлган; ҳаш-паш дегунча уйлик, бола-чақалик, карвонлик бўлай деган. Бирдан яна, ҳеч нарсасиз қолган эди. Ҳар сафар шундай бўлиб келган. Пешонасидаги шу экан-да. Мажусий файласуфлар ҳар кишининг тақдири ўз қўлида ва уни ўзига бўйсундириши керак деб таълим беради. Бахти қўлида эканлигига Пушок ўзи ҳам тан беради. Аммо уни ўзига бўйсундириш учун инсоннинг кучи етмайди. Тақдир-тақдир-да!

Аммо у арман савдогарлари олдида ўзини ерга ургиси келмади. Шунинг учун илтифотсизгина қилиб жавоб берди:

– Уйимми? Қаерда бўлар эди? Самарқандда-да!

– Каттами?

– Мустаҳкам!

Ақоб яна чўчиб ва ҳайратланиб, жингиллади:

– Ҳали ҳам бутунми?

• Мкртич ҳам ишончсизлик билан:

– Темурнинг дастидан арманининг уйи омон қолганмикан-а? – деди.

– Нима қипти?

– Унинг арманиларга муносабати қандайлигини эшитмаганмисиз?

– Бир вақтлар, шундай бўлган. Шундан бери ун йилдан кўп вақт ўтди. У вақтда ҳам Самарқандда арманиларга дахл қилмаган.

– Ун йилдан кўпроқ? Ҳозир у ўша ерда.

– Мен Арманистонда деб эшитдим. Ҳозир Арманистондан эндигина ўтяпти, яна нарига кетади. Вавилон султонлигигача боради.

– Энди ўтяпти? Руҳонийларимиз даъватномасини эшитмадингизми?

– Қанақа даъватномасини?

– Қон, оловни айтмайсизми? Хотин-қизларимизни ифлос ғайридинлар ушлаб олиб кетган.

Дарғазаб бўлган Ақоб Мкртичнинг гапини бўлди:

– Китобларимиз тарқатилиб, ёндириб юборилган. Муқаддас жойларимиз оёқости қилинган. Монастирлар ва шаҳарлардан нишона ҳам қолмаган. Мен ўша ёқдан келяпман, ахир! Мана бу иккови билан кеча шу ерда учрашдим. Ўз кўзим билан кўрдим. Исо ҳурмати!..

Мкртич Ақобнинг гапини бўлиб:

– Уйларимиз ёндирилди, бузиб ташланди. Бола-чақаларимиз қаердалигини билмаймиз. Халқимиз қаерда? Ақоб оғани шу ерда учратиб қолиб, шу лаънати жойда тўхтадик. Энди қаёққа боришимизни билмаймиз. Қаёққа йўл олсак экан? Ҳожитархонда арман саройини талон-торож қилдилар. Муътабар кексалар ўлдирилди. У эса энди ўтиб кетяпти. Қаёққа? Қаёққа кетмоқда бу вабо?

– Қандай даъватнома, – чўчиб сўради яна Пушок. – Ҳеч қанақа даъватнома тўғрисида эшитганим йўқ.

Мкртич ишонмагандек бирдан орқасига тисарилиб, бақирди:

– Эшитмадингларми? Балки эшитишга тобларинг йўқдир?

– Нега бўлмасин? Нималар деяпсиз!

– Ундай бўлса эшитиб қўй!

Мкртич Акобга қўлини чўзди. Акоб елкасига осилган чарм халтачадан най қилиб ўралган, қорайиб кетган юпқа қоғоз чиқарди.

– Ўқиб беринг бунга, – деди жаҳл билан Мкртич.

Акоб най қилиб ўралган қоғозни ёзиб, қошини чимириб, секин ўқий бошлади:

«Ҳой арманилар, қаерда бўлсангиз ҳам кулоқ солинглар!

Бизнинг еримизга катта фалокат ёпирилди! Шўримиз қуриди!

Шарқ томондан, Самарқанд шаҳридан шафқатсиз, виждонсиз, ваҳший, ғазабнок, иблис, босқинчилар бошлиғи, қотиллар сарқори босиб келмоқда. Унинг номи Темурланг!

Биз арманларнинг шўримиз қуриди. Чунки Арчешдан тортиб Иберигача, Агван Кура дарёсигача, Ван шаҳарларигача, Себатия қўрғони, ҳозирги Сивасгача, ҳаммаси талон-торож қилиниб ҳалок этилди, қуллик, қирғин ва қон ичида қолди.

Ҳамма алам-кулфатларни айтиб ва ёзиб тугатиб бўлмайди!

Жонажон еримиз сизларни даъват этади:

«Ўғлим! Бошимиз кулфатда қолди. Туғилган кунинг, сен, мен ва отанг, ҳаммамизнинг ҳолимизга вой! Қийноққа солиш учун ўғли тортиб олинган, қўли синган ота, ғам-алам гирдобига ташланган ўғил ҳолига вой!»

Арманилар, сизлардан мадад кутамиз!

Бу сатрларни мурдаларга тўлган ўз юртини, пода сингари қулликка ҳайдалиб кетаётган минглаб аёл ва бегуноҳ гўдакларни, ҳеч нарсасиз қолган вайрона шаҳарни, булғатилган қадамжоларни, очлик ва қашшоқликни ўз кўзи билан кўрган киши ёзаяпти.

Вайроналар ичида жон сақлаб қолган кишилар яланғоч, ялангоёқ, ор-номус нималигини билмай пода сингари дайдиб юрибди.

Монастирлардан ва қимматбаҳо нарсалар сақланадиган жойлардан китобларимиз талон-торож қилинди. Ҳаттоки яхши китобларни пул билан ҳам қутқариб қолишнинг иложи бўлмади.

Шу нарсаларни сизларга маълум қилиб айтаманки, халқимизнинг жароҳат ва ярасини ғзаб кўз ёшлари билан ювинглар!

Буларни мен, мецоплик монах, Фома ўз кўзларим билан кўрдим.

Ҳой арманилар! Қаерда бўлсанглар ҳам мадад беришга ошиқинглар. Одамларимизни асирликдан қутқариб олинглар! Халқимизнинг заковати бўлган китобларимизни қутқариб қолинглар!

Бу гапларни ҳамма арманиларга ўқиб эшиттиринглар!

Учраган ҳар бир арманига бу сўзларни етказишни буюринглар!

Мадад, мадад кутамиз!..»

Акоб кўз ёшларидан ҳул бўлган юзини кутариб, тунд сарой осмонига қаради.

Ўз ҳаяжонларини, балки ўз ғзабларини яширмақ учун Мкртич билан Саргис бошларини қуйи солдилар.

Пушок фаҳмлаб қолди:

«Хукмдор яна арманиларнинг сандиғини титкилашга тушганга ўхшайди. Буларникига ҳам қўл чўзади, бу ернинг хони ғанимат фурсатни қўлдан бой бермайди!»

Пушок, яқин орада саройликлардан ҳеч кимса йўқмикан, деб атрофга секин кўз югуртирди.

– Сизлар буни фақат арманиларга ўқиб эшиттиряпсизларми? – деб сўради. – Бу ердагилардан ҳеч ким кўрмадимми уни?

Акоб кўз ёшини кафти билан артиб деди:

– Мени Фома ҳазратнинг ўзлари юбордилар. Мен уни мурдалар устидан ҳатлаб, хароба шаҳарлардан олиб утиб келдим. Ҳамма жойда арманиларга ўқиб эшиттирдим. Ҳамма жойда кўз ёшлари тўкилди. Куплар пул йиғиб, ишончли одамлар орқали юбортиришяпти.

– Арманилардан бошқа ҳеч ким эшитмадими?

– Бошига фалокат тушганда халқимиз нақадар азамат эканини ярамаслар билиб қўйсинлар.

– Бу жаҳонгирга қарши қаратилган-ку!

– Қароқчини шундай деяпсизми?

Пушок Саргисга ўгирилди:

– Сиз иона қиласизми? Пул юборасизми?

– Шўрим, шўрим, – деб бош чайқади Саргис. – Бизнинг уйимиз қаёқда? Молимизни қаёққа қўямиз? Биз садақа юборамиз. Аммо бу ерлик арманилар ўз молларини Саройдан олиб кетмоқчилар.

– Қаёққа?

– Уйлари ҳар хил: Каффага, генуяликларга, Константинополга, ҳамдинларига.

Пушок ўйланиб қолди: «Мен билан ҳисоб-китоб қилмай қочиб қолишса-я!»

Мкртич қовоғини солиб туриб деди:

– Бу фалокат қаергача боришини ҳеч кимса билмайди. У Каффагача борган, Константинополгача етиб бориши ҳам мумкин. У арман савдогарларига балки раҳм қилар, шунақа қилган, аммо арман молларига раҳм-шафқат қилмас!

Пушок ўрнидан кўзғалиб:

– Мен кетай, зарур ишим бор эди, – деб қолди.

Акоб ундан:

– Сизнинг эҳсонингизни қандай олсак экан? – деб сўради. – Халқ кулфатда!

– Берарман, берарман. Хайр!

Пушок нарироқда турган дарвозабонни кўрмай, дарвоза томон шошилди.

Дарвозабон Пушокни эшикдан қайғули таъзим билан кузатиб қўймоқчи бўлган эди, лекин Пушок дарвозабонни қўли билан бир итариб ташлаб, ўзи лўкидонни суриб эшик очди-да, бўсағадан бир ҳатлаб ташқари чиқиб кетди.

У ёмғиргаям, кўчанинг лойига ҳам қарамасдан шартта йўлнинг ўртасидан ошиқиб бозор томон йўл олди.

«Улар бу ердан қочмоқчилар, менинг молларим билан».

Пушокнинг сабри қарори тугади.

У пошнаси билан тўқиллатиб йўл босар экан, ўзидан қарзга мол олган, биринчи учраган савдогарларга ғазабини сочди:

– Савдо-сотик қияпсизми?

– Нима эди? – қарздор эринибгина жавоб қилди.

– Келинг, бир ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик.

– Ахир мен айтдим-ку, ҳадеб бир гапни такрорлай-верманг...

– Ҳисоб-китоб! – деди бақариб Пушок. – Мендан учтой мол олгансиз. Дарҳол ҳисоблашайлик. Бўлмаса дўконингнинг кули кўкка совурилади.

– Нималар деяпсиз, бе! – деди савдогар ўзига келиб.

– Ярамас, пул топиб ҳисоб-китоб қил. Бўлмаса хонга бориб айтаман.

– Ҳозир-ҳозир. Сизга нима бўлди? Армани бўла туриб шундай кунларда...

– Қандай кунларда? Хондан илтимос қиламан: қанақа кунлигини сўрасин. Қарзни тўлашдан чап бериш учунми бу ё? Агар омон қоламан десанг кечгача пул топ.

Бошқа савдогарлар ҳам буни эшитиб тўхталдилар. Пушок қарздорларга кўзи тушиб қолиб, уларга ёпишди. Энди Пушок секин гапиролмас, ҳисоб-китобни тезлаштириш тўғрисида илтимос ҳам қилмасди. У бақирар, дағдаға қиларди.

– Кечгача пул тайёр бўлсин. Бир тангаси ҳам кам бўлмасин!

Баъзилар, Пушокнинг молини қайтариб берайлик, дейишди.

– Менга?! Қайтариб?! Самарқанд молини ярамасга чиқаряпсанларми? Муттаҳамлар! Ваъдага мувофиқ тўланглар!

Бутун растани айланиб, заргарлик растасига бурилгач, у ерда мусулмон қарздорларни учратиб, газламафурушлар дўкони олдидан ўтиб, ҳамма ерда дағдаға қилиб бақирди Пушок.

Худди қанот бойлагандек ботқоқ Тарозиқ майдонига учиб келди; бу ерда тарози орқасидан хон саройи кўриниб турарди.

Пушок шоша-пиша дадил хон дарвозасига ўзини урди, пойлоқчилар уни тўхтатиб ушлаб қола олмадилар. У тўғри меҳмонхонага бостириб, Темур берган олтин тахтакачни кафтига қўйиб, тикка хон аъёни олдига борди. У самарқандча чопонни шалдиратиб, савлат билан чиқиб келмоқда эди.

Аъён мурувват билан салла ўраган бошини эгиб салом бермоқчи эди, лекин Пушок унга парво қилмай, унинг кўз ўнгида олтин тахтакачни ярқиратиб:

– Хоннинг олдига кираман, – деб туриб олди.

– Бугун хон чиқмайдилар...

– Чиқишларини кутишга вақтим йўқ! Мени бошлаб киринг!

Аъён савдогарларнинг қўлида жаҳонгир берган олтин тахтакачдаги тамғани – уч узукни кўриб қолди:

иккитаси пастда, биттаси юқорида; қаёққа айлантисанг ҳам иккитаси пастда, биттаси юқорида қолади.

Аъённинг кўзлари қонга тўлган савдогарнинг юма-лоқ кўзларига боқишга журъат қилолмай, салом қилиб, ўз чопонининг этагини босиб олганича, Пушокни хон саройига бошлаб кириш учун эшикни очиб юборди.

Хон эшиги беркилгач, Пушок билан аъён ўртасида бўлиб ўтган гапларни эшитган кишилар Олтин Ўрда хонидан ҳам тап тортмайдиган бу қутурган армани тўғрисида хабар қилиш учун тездан бозорга шошилдилар. Шундан кейин ҳамма қарздорлар қўрқишиб, унинг талабларини бажо келтиришга ошиқдилар; кечга бориб ҳамма у билан тўла ҳисоб-китоб қилди.

Пушок Эдигейнинг узун ва тор фароғатхонасида, унинг рўпарасида турарди. Бу ерда Эдигей у ёқдан бу ёққа юриб, Олтин Ўрдага тобе ва тобе бўлмаган улкаларнинг тақдири ва одамларнинг қисмати тўғрисида ўйлашни ёқтирар эди. Бу фароғатхонада, ўзини хон деб эълон қилишга журъат этмаган, лекин хонларнинг ҳеч бирига Олтин Ўрда устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўймаган Эдигейни ҳеч ким безовта қилишга ҳақ-ҳуқуқи йўқ эди.

Эдигей бу ерга бостириб кирган кишиларга қаҳр ва жирканч назари билан қаради. Сўнгра бошини орқасига бир силкитиб олиб, шошиб қолган аъёнга боқди. Ниҳоят, Пушокнинг гапига қулоқ солди:

Пушок тамғасини пеш қилиб бақирарди:

– Самарқандлик савдогарни хонавайрон қилиш-моқчи! Бу нима деган гап? Молни олиб, пулини тўлаш-маяпти. Мен бўлсам кутганим кутган. Жаҳонгир мени қаёққа юборганлар? Москвага. Бу ерда эса мени йўлдан ушлаб молимни олиб, омборларига беркитиб қўйдилар. Мен жаҳонгирнинг олдиларига бораман. Менга

хўжайин уша киши. Саройдаги савдогарлар молингизни тортиб олиб қўйишди, дейман. Ҳа, шундай дейман.

Тамғани кўрган Эдигей ташвишланиб:

– Ким олиб қўйди молни? – деб сўради.

– Анавилар! Ҳаммаси шу ерда!

Пушок энгашиб этиги кўнжидан най қилиб ўралган қоғоз чиқарди:

– Мана шунда ҳаммаси ёзилган, кимда қанча? Мен жаҳонгирга мол харид қилишим керак. Пул саройлик савдогарлар қўлида бўлгач, Москвада мен нимаям қила оламан. Ахир мен ўзим эмас, жаҳонгирнинг иши билан юрибман!

Эдигей аъёнга бақирди:

– Сиз нима қилиб қараб турибсиз? Моли қўлма-қўл бўлган савдогар биздан ёрдам кутяпти, ахир.

Эдигейни бундай қаҳрли ҳолатда кўрмаган аъён таъзим қилиб:

– Марҳамат!.. Марҳамат!.. – деб ғудранди.

Эдигей аъённинг гапига қулоқ осмай буюрди:

– Унинг ёнига ясовулни қўшиб беринг. Бозор айлансин. Шу қоғозда ёзилганлар билан ҳисоб-китоб қилсин. Тезда! Агар жанжал қилса дўкони ёпиб қўйилсин, қарздорнинг ўзи, қарзини тўламагунча, кишанга солиб қўйилсин.

Аммо Пушок бўш келмади.

– Мен Москвага боришим керак, ахир. Шу сабабдан йўлда ҳеч халал берилмасин. Бўлмаса, кечаси билан дарёда сузасан, эрталаб яна қоровулхона, яна тўхта! Ишқилиб сув йўли бехатар бўлсин.

– Сиз сафарга ҳозирланаверинг, ёнингизга одамларимни қўшиб бераман.

– Шундай бўлсин! – деди Пушок ўз ҳаракатидан ҳамон пишиллаб. – Шундай!

Аъён Пушокни Тарозиққа ўзи бошлаб борди. Тарозини ёнида ясовулни учратиб, Пушокка ҳамроҳ бўлиб юришни топширди.

– Хон айтганидек, дарҳол ҳисоб-китоб қилинсин, ким жанжал чиқарса, хоннинг амрига кўра дўкони ёпиб қўйилсин. Қарздорнинг ўзи эса кишанга солинсин. Англадингми? Калитларни менга топшир!

Ясовул Пушокни растама-раста олиб юриб:

– Манави қарздорми? Эсланг, ахир бу бой одам. Ўзи армани, – битта-битта сўраб-суриштирарди.

Шу ташвишли сентябрь кунлари – Саройдан жунаб кетар олдида Пушокдан тасодифий қарздорлар ҳам топилиб қолди.

* * *

Пушок ёздан бери Сарой этиги кийиб юрарди. У шунга мос қилиб сариқ жун чакмон ва наMAT қалпоқ сотиб олганди. Қалпоқ остидан чиқиб қолмаслиги учун арманча сочини қисқартирганди. Назарида энди, бошқа саройликлардан фарқи йўқдек эди. У йўлга чиқишга тайёр эди. Аммо Эдигей унга қўшиб берадиган ҳамроҳларни юбортирмай турарди.

Кутиш дамларини Пушок бекор ўтказмади: Саройдан Москвага анчадан бери мол бормаган эди, кўп ашёга, молларга Москвадагина эмас, балки Нижнийда ҳам талаб катта эди. Сарой савдогарларига пуллаган моллари ўрнига Пушок бошқа яхши моллар сотиб олди. Жаҳонгирнинг ҳинд молларига ўхшаш қимматбаҳо бўлмаса-да, олган моллари кам фойда келтирмас эди. Пушок молларни арзон харид қилганди. Хунук миш-мишларни эшитган Саройдаги армани савдогарлари молларини пуллашга ошиқар, хатарли кунларда молга қараганда пулни яшириш осон, йўлда ҳам жойни оз эгаллайди, деб билар эдилар.

Пушок арманилардан мол сотиб олишни афзал кўрарди.

– Яхшилар, – дерди у, – нега мунча қиммат сўра-
япсизлар? Молларингизни мукулмонларга қолдир-
моқчимисизлар? Эҳтиёт бўлинглар: улар бекорга
тортиб олиб қўйишади. Мен бўлсам христианман.
Христианларни талаш мен учун гуноҳ, мен сизларга
пул тўлайман. Ғайридинга фойдага сотгандан кўра,
ўзимникига арзонга сотган яхши. Шундай, шундай!

Бухоро саройида Пушокнинг сотиб олган молла-
рини куруқ хужраларга тўплайвердилар. Бир неча
кун ичида бир кема юк тайёр бўлди. Аммо ҳали кема-
дан дарак йўқ эди: Эдигей Пушок билан Нижнийгача
юбортирган одамларини олиб қўйиб, кечиктирмақда
эди.

Ниҳоят, Пушок хонни тезлаштириш учун Эдигей-
нинг олдида борди.

Хон дарвозаси олдида соқчилар савдогарни найза
билан тўсиб:

– Кириш мумкин эмас, – дедилар.

– Ахир менинг зарур ишим бор, – деди у.

– Хон жаноблари бетоб бўлиб қолдилар.

– Сабаб?

– Касал дегандан кейин касал-да.

Аммо Пушокни қабулхонада кўриб қолган аъён са-
марқандча чопонини шалдиратиб чиқиб келди. У Пу-
шокни ҳурматлаб, соқчиларни койиб берди.

– Қўйиб юборинглар! Бу кишининг кимлигини бил-
майсизларми, ахир?

У Пушокни қабулхона томон бошлар экан, дерди:

– Худодан марҳаматли хонимизга соғлиқ тилайлик.

У киши қаттиқ бетоб. Аммо мен сизнинг келганингиз-
ни кириб айтаман.

Қабулхонада ўтирган мирзалар, саркардалар, хон-
нинг яқинлари, муллалар Пушокка таъзим қилиб
ўринларидан турдилар. У кутиб турган маҳалида улар
шивирлашарди:

- Тему́р тамғаси...
- Бе!..
- Самарқанддан юборилган.
- Бе!..

Аъён тездан чиқиб, савдогарни хоннинг олдига бошлади. Улар узун қабулхонадан кичкина ним қоронғи хужрага ўтдилар; бу ерда Пушокнинг кўзи ҳеч нарсани дарров пайқаб ололмади. Ниҳоят, ёғоч қара-
вотда тўқ қизил кўрпа ёпиниб ётган хонни кўриб қолди.

Эдигей тирсагига таяниб туриб, деди:

- Жунаб кетавер. Кема тайёрланяпти. Орадан бир-икки кун ўтгач, молларни кемага ортсанг ҳам бўлаверади. Лекин шуни ёдда тут: Нижнийда рус савдогарларига, Саройда яхши ва арзон моллар кўп дейсан. Ҳеч кимга озор берилмайди, ҳар кимса фойда кўраверади. Волгада ҳар бир пристан – Услан, Ўрда ва Қозонда – Булғоргача соқчилар қўйилган, рус савдогарларига озор етказилмайди. Шундай дегин. Мен одамларимни сен билан Нижнийгача юбортираман. Нижегородликлар билан битим қилишсин. Улар бизлар билан олди-сотди қилишсин. Сен эса йўл-йўлакай, саройда мол кўп, рус савдогарларини кутишяпти, деб хабар тарқат. Маъқулми? Кофир ва саркаш бўлсалар ҳам чақиряпмиз, а!

Хон аламдан ўзини яна ёстиққа ташлади.

- Хон жаноблари, қарздорлардан насияларимни ундиришдаги ёрдамингиз учун қуллуқ. Жон деб Сарой тўғрисида хушхабарлар тарқатаман.

Аммо хон энди жавоб қилмас, ёстиқда бошини қи-
мирлатар эди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, ғижирлаган араваларда Пушокнинг юқларини Волга пристанига ташиб келдилар. Бошда молларнинг устини чипта билан ёпдилар, кейин бирдан бу ишни тўхтатдилар: бир ой-

дан бери Сарой устида уймалашиб қолган булутларни ёриб, осмон ёриша бошлади.

Жўнаб кетиш олдидаги сўнгги оқшом пайти етиб келди.

Офтоб гўё Волга бўйини соғингандек, ботиш олдида олов пуркаб ёндирарди. Агар сентябрь оyi сўнгги кунларидаги қаттиқ совуқ шамол дарахтларни ергача эгиб юбормаганда бундай ўткир нурдан товланиб кетган бўлар эди.

Кўнғир барглар қирғоқда чирпираб Волгага бориб тушиб оқиб кетар эди.

Пушок кемада хайрлашаётган шаҳарга қараб турарди.

Сарой қирғоқдан қараганда кўримсиз, пастак, юқорига эгри-бугри сўқмоқлар кўтарилар эди. Иморатлар дарёга тескари солинган, кўралари ифлос, култепалар кўринар, унинг ичида латта-путталар сасиб ётар эди. Қуритиш учун шамолга ёйиб қўйилган, кирлар осилган ёғочлар диккайиб турарди. Аммо кир қуритилмаган жойларда, уй бекаларининг кир ювишини кутиб томлар устида ходалар қаққайиб турарди. Бутун шаҳар устида, тахта томлар орқасида ёғоч қоровулхоналар тиккайиб турарди. Кўшнилари бир-бирини чақирисар, деворлар орқасида болалар ғувиллашар, ёмғирли маҳалда эса қичқирисни унутиб қўйган хўрозлар кеч киришидан хавотирланиб қичқирисарди.

Паға-паға булутларни қизартириб, шафақ товланарди.

Шу он бирдан шамолда эски ридосини ҳилпиратиб, сочлари тўзиган ҳолда булутларни тўсиб қирғоқда Ақоб пайдо бўлди-да, юқоридан Пушокнинг кемасига сарасоп солди.

Қуйидан, қоронғилик ичидан Пушок ҳайиқиб юқори қаради. Ақобнинг босма чакмони шафақдан қимматбаҳо чопондек товланарди.

Акоб Урда чакмонини кийиб олган Пушокни таниб хассасига таянганича тийғончиқ сүқмоқдан кема ёнига тушди-да:

– Ҳой, армани оғайни! – деб чақирди.

Эдигейнинг одамлари ҳали кемага етиб келмагани учун Пушок хурсанд эди, юкчи ва кемачилар юкларни тахламоқда эдилар.

– Нима хизмат? – деб сўради Пушок ундан.

– Мен ҳам сиз билан бирга кетсам.

– Узоққами?

– Нижнийга, арман оғайниларимиз олдига, Нижнийда арман кўралари кўп. Уларга Фома ҳазратнинг даъватномаларини олиб бораман.

– Кемада жой йўқ, – деб жавоб қилди Пушок. – Қаранг, кема сувга анча чўккан, яна андак чўкса, тўлқин уриб кетади.

– Мен уларга даъватномани ўқиб беришим керак! – деди Акоб қатъий қилиб, кейин қирғоққа ҳассасини тираб туриб кўприккача ирғиди.

Пушок ўзини бир четга олиб жим турди. Кейин бирдан жонланиб:

– Пул даркорми? – деб сўради.

– Эҳсонми?

– Йўл харажатига. Манавини олинг-да, анави қопнинг орқасига яшириниб олинг. Худо кўрсатмасин, ўрдалиқлар кўриб қолса борми, сизга Нижнийни шу ерда кўрсатиб кўяди, Темурланг булар олдида ҳолва бўлиб қолади.

– Раҳмат, эҳтиёт қилганингиз учун.

– Нижнийга етгунча қоп орқасидан чиқманг. Ридони ечсангиз бўлар эди.

– Мен уни ўлгунимчаям ечмайман!

Пушок кўз қирини ташлаб:

– Ўлгунимчаям, – деб қўйди.

Шу он тепаликда түрт ўрдалик кўринди. Эдигей уларни Пушок учун йўлга қоровул ва хизматкор қилиб берган эди.

Кечаси билан кемага юкларни жойладилар.

Тонготар маҳалда, азон товуши эшитилиши билан елканни ечиб юбордилар. Кемачилар ёғочларни қирғоққа тираб кемани ҳайдадилар, Волга тўлқинлари кема қирғоғига келиб урила бошлади.

УН ОЛТИНЧИ БОБ КИТОБЛАР

Темур босиб келмоқда.

Отларнинг туёқлари Арманистоннинг заранг ерларида тошларни тарақлатиб кетар эди.

Худди мазористондек кимсасиз тепаликлар, денгиздек кўз илғамас дўнгликлар орасида боғлар, тоқзорлар кўзга ташланарди. Улар худди булутлардан тушган сояларга ўхшарди. Қирлар ён бағрида, боғлар орасида экини ўриб олинмаган далалар сарғайиб кўринарди. Баъзи ерларда худди ерга қоқиб қўйилгандек қишлоқиларнинг фақирона кулбалари кўзга чалинарди.

Тепаликлар устида, илон изи йўл бўйларида минг йиллардан бери қорайиб кетган ибодатхоналар тумтайиб турарди.

Йироқда бу ибодатхоналар, вайроналар инсон қўли тузатиб, тартибга келтириб қўйган тошларга ўхшарди. Улар орасида ҳайкалтарош худди яхлит тошдан йўнаб ясагандек, тешик ва туйнуги йўқ, меҳроб ва ҳужралари бўлган ибодатхона ва монастирлар бор. Уларнинг ичи ўймакор қилиб, тош устунлардан ясалган, китоб сақланадиган тоқчалари бор, булар ҳаммаси бир тошнинг ичига жойлашган. Босқинчилик кун-

ларида бу ерга душмандан қочиб минглаб одамлар яширинади.

Эҳтимол, ўша қийинчилик кунлари улар бу тош-тоғларнинг ичида ўз дин бошлиқларининг хутбасини тинглагандирлар, Исога нола қилган ёки ватанларини оёқости қилган душманга лаънатлар ёғдиргандирлар.

Арманистоннинг заранг ери каби халқи ҳам ўжар ва қаҳрли эди. Бу ернинг деҳқони умр бўйи тошлар билан курашиб келади. Экин ерини кенгайтириш учун тошларни териб ташлайди, турар жой ва ибодатхоналар қуриш учун тошларни ўяди. Бу ерда ҳамма нарса қаттиқ. Ҳатто узуми ҳам тиш орасида қарсиллайди, ҳар бир армани душманга қарши қаттиқ курашади, ҳар бир ибодатхона қалин деворли ва туйнукли қалъага ўхшайди.

Савдогарлар бу ерни роҳат боғи деб таърифлаганлар: одамлари меҳмондўст, савдогарлари сахий, узуми ажойиб, халқи итоатли. Савдогарларнинг сахийлиги шундаки, бир сиқим кумушни ҳар бир савдогар қўлидан тиш билан юлиб олишга тўғри келади, юзлаб бошлар қиличдан ўтказилмагунча улардан бож ундириб бўлмайди.

Аммо Темур баъзилар бу ўлкага найза билан эмас, балки ҳасса билан келганликларини, тинч меҳмонга ер ҳам ўзгача кўринганини тушуниб етмаган. Қадимдан савдогарлар бу ерда бошпана топганлар, фойда кўрганлар, доно ва мулойим ҳамсуҳбат учратганлар, беозор боқадиган шахло кўз аёлларга дуч келганлар.

Ҳосил ёки мол ортилган оғир араваларни нотекис йўллардан толиқмас ҳўкизлар аста тортиб кетадилар, қишлоқларда тошлар устида қўшиқлар туғилади, тоқлар беҳисоб ҳосил қилади, гуллар хуш ис таратади – ўлкага меҳмон найза билан эмас, балки ҳасса билан келган тақдирда ана шундай бўлади.

Аммо арманилар қадимдан келгинди душманлар кўзига ташланмаслиги учун қишлоқларда ерни чуқур қазиб, япасқи кулбалар қурадилар. Бу кулбаларнинг устини ҳовли саҳнидан сал баланд қилиб тупроқ билан ёпадилар. Бор нарсаларини эса душман ҳужумидан қочишга доим тайёр туриш учун хуржунда сақлайдилар. Деҳқонлар омовнинг қулоғини ушлашдан олдин, уйдан чиқишда камарга ханжар қистириб оладилар.

Тошлоқ ичида минглаб йиллардан бери шу хилда умр кечириб келадилар, тошлар орасида уруш кулфатларига чидаб боғи эрам, гулзор, серҳосил тоқзорлар етиштирадилар, андак тинчлик бошланиши билан пайхон қилинган ерларга яна омов соладилар.

Арманистон тарихи қаттиқ ерда минг йиллаб астойдил тинч меҳнат қилиш, ҳосилдорликка айлантирилган тошлоқ далалар ҳақидаги қиссадир.

Шунчалик кўп қон тўкилган ер яна қаерда бор экан? Дўстлик ва муҳаббат ҳақида шунчалик кўп қўшиқ тўқиган халқ яна қаерда бор экан?

Бу ўлканинг қоқ ўртасида душманга ҳамла қилишга тайёр турган шердек букчайган Арарат ётади. Устини енгил қор ва булут қоплаган қадимий Арарат бутун ўлкага яққол кўриниб туради.

Эгар устида кетаётган Темур кўп марта дуч келган ўша қора шерга кўз қирини ташлаб борарди.

Ҳукмдорнинг оти кумуш абзалларини шарақлатиб кетиб борарди. Отларнинг туёқлари худди қабристондек кимсасиз қаттиқ ердан, Арманистоннинг денгиздек кўз илғамас тепаликлари орасидан тошларни тарақлатиб кетар эди.

* * *

Темур қора шерга кўз қирини ташлаб борарди. Бу ерда ҳамма нарса Озарбайжондагидан бутунлай ўзгача эди.

Бу ерда истилочиларга манзилларда, тоғ-тошлар орасидан тўсатдан ҳужум қилишмасди. Бу ерда ҳар бир тош, ҳар бир минора, ҳар бир ибодатхонага беркиниб олишар, уларни зўр талафот бериб, қалъани олгандек ҳужум билан олишарди. Эҳтиёткор жангчи бу даҳшатли ғалати душманни орқада илтифотсиз қолдириб, ёнлаб ўтиб кета олмасди. У орқасидан топталган йўл қолдиришга одатланган, бу ерда бутун йўлларда харсангтошлар ағанаб ётар, уларни чопиб бўлмас, чопсанг қиличнинг бетини тескари қилар ва вақтни олар эди.

Тоғли Қорабоғ аҳолиси, Сюни тоғи йигитлари тошлар орасида йиғилишиб Бардоғ тоғи чўққисига чиқдилар. Бунини ўзга юртли одамлар Тақалтов дер, чор атрофи дара эди.

Босқинчиларнинг аскарлари тор тоғ йўлига кириб келган маҳалда ерли аҳоли бу жойни тошлар билан ҳимоя қилган, душман устига катта тошлар юмалатган. Душман аскарлари отган ўқлар эса баландликка ета олмаган; бу жойларда арманилар тошлар панасига яширишиб олиб мустаҳкам ўрнашиб олганлар. Улар олдига айланиб ўтадиган йўл, бу тепаликка учиб чиқиш учун қанот йўқ эди, Бу рутубатли дара ичида душман аскарлари кўп талафот кўрди; бир шаҳарни олишда ҳам бунчалик талафот кўрмас эди.

Темурга Бардоғ шонли ҳимоячиларининг иш бошини сотиб олишга розилик билдирган бир армани топилиб қолди.

Жаҳонгирнинг элчиси йўлга тушди. Аммо йўл оғир, катта харсангтошлар ва мажақланган мурдалар устидан юриб ўтилар эди. Тоғ чўққисига етганда бу армани кўрқиб ўйланиб қолди, уни найза тўсиб қарши олдилар; шунда у ҳимоячилардан ўзини сафларига олишларини, бирга жон олиб, жон беришга тайёр эканини изҳор қилди.

Темур бошқасини юбортирди.

Бу армани даҳшатли манзарагаям парво қилмай сўқмоқ йўллардан тирмашиб юқорига чиқди. Аммо ҳимоячилар унга дахл қилмайдилар.

У тоғ чўққисида жасур ҳимоячилар қароргоҳини кўриб қолди. Улар тағларига чакмон солиб, устларига осмон гумбазини ёпиниб ётар эдилар. Овқатлари йўқ даражада оз, ичишлари муздан эриб тушган жилдираган сув эди.

Қароргоҳ ўртасида ўқ-дори ўрнида, устига зардўз ридо ёпилган замбиллар турарди.

Темурнинг элчиси бу жойни айланиб ўтиб, заҳар-ханда қилиб:

– Афтидан монастир бойлигини ёки савдогарларнинг молини олиб чиқдиларингми бу тепаликка? – деди.

– Йўқ! – деб жавоб қилдилар унга. – Бу ерда тева-рак-атроф қишлоқлардан ва монастирлардан тўпланган китоблар бор. Биз уларни ҳеч кимга бермаймиз.

– Қалқон кўтарган жангчини учратдим, лекин китоб ушлаганини кўрмадим.

Унга жавоб қилиш ўрнига уни пайлари ўйнаб кетган новча бир мўйсафидга рўпара қилдилар. Букчайганидан у унча катта кўринмас эди. Соқоли ўсиб патак бўлиб кетган. Шу тикандек соқол орасидан унинг нуроний чеҳраси кўриниб турарди. У Когб қишлоғининг оқсоқоли, Мартирос номли киши эди.

Темур ўтган сафар бостириб келганда ҳам бу одам босқинчиларга қарши курашган эди. Аликжон қалъаси ҳимоячилари орасида, армани ва озарбайжонликлар бир ёқадан бош чиқариб ўзларини ҳимоя қилган маҳалда, Мартирос оддий жангчи бўлиб қатнашган эди. Қамалда қолганларнинг йўлбошчиси, шонли Алтун, Мартироснинг кўрсатган баҳодирлик ва доноли-

гига қойил қолиб, уни қалъа минораларидан бирига бошлиқ қилиб тайинлаган эди. Ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб, мудофаада енгиб чиққан эдилар.

Эндиликла, у тоғлардан ўз ёнига янги жангчилар тўплаган, аммо душман эса ҳамон ўша-ўша эди.

Мартирос элчига мулойим ва ўйчан кўзларини кўтариб қаради ва индамай кутиб турди. Элчи ўзини бу тоғ ҳимоячиларидан мустақил тутиб, Темурнинг элчисиман, деб гердайиб, менсимагандек:

– Нега эчкига ўхшаб бу ерга чиқиб олдинглар, – деди.

– Сен арманимисан? – деб сўради ундан Мартирос.

– Армани! – деб жавоб қилди элчи кибр билан, – Қорслик.

– Қорс вайрон бўлган! Гузал Қорс энди ер юзида йўқ.

– Ҳаммаси сизнинг жулдурвоқиларингиз дастидан. Урушиб ҳукмдорни ғазабнок қиласизлар-да, у сизларни жазолайди, уйларимизни вайрон қилади. Ҳаммаси сизнинг мағрурлигингиз туфайли.

– Худонинг иродаси: у бировга мағрурлик беради, бировга бошпана.

– Сизлар нега мағрурланяпсизлар? Бирор ҳимоя қиладиган нарсангиз бўлмагач, нега ўжарлик қиласизлар? Бу ерга китобдан бошқа нарса олиб келмабсизлар, ҳолбуки, ораларингда китобни ўқийдиган одам йўқ.

– Нима демоқчи бўласан? – деди Мартирос унинг гапини бўлиб.

– Ҳукмдор, таслим бўлишсин, деб айтди. У ҳар бирингизга чопон ва пул берармиш. Ҳар бирингиз уйингизга қайтиб, бошпанангизни янгилаб оласиз, ҳўкиз сотиб олиб, осойишта ҳаёт кечирасиз. Йўқ, деб ўжарлик қилсаларингиз, ҳукмдор сизларни қириб ташлайди.

– Агар унинг қўлидан ўлдириш келса, ўлдирарди-я. Бугунги кунгача бизни ўлдира олмаган экан, бундан кейин ҳам қўлидан келмайди.

– Ҳукмдор ҳар бирингизга асирлардан қуллар беради; ўз ерларингизда ишлатасизлар. Яна ҳар бирингизга ёш жориялардан тухфа қилади.

Элчи ўз орқасида турган жулдур кийимли йигитга, тоғ бургутига қаради-да, ҳукмдорнинг ваъдаларини шанғиллаб яна бир карра такрорлади.

– Ҳар бирингизга ёш жория!

Мартирос ҳам илгаридан қаттиқроқ қилиб сўради:

– Сен арманимисан ўзинг?

Элчининг жаҳли чиқди:

– Ахир мен сизга айтдим-ку!

– Ерни қулларга ишлатадиган арманини кўрганинг борми? Арман оилаларида гўзал асирларни кўрганинг борми?

– Кўраман, беради.

– У сенга нималарни ваъда қилди? Ўз оға-иниларингни алдамоқчи бўласанми?

– Мен сизларга раҳмим келганидан... У ҳаммаларингни қириб ташлайди. Бармоғи билан бир ишора қилса – бас... У ўз жангчиларининг юз бошларига ишора қилган эди, улар қимирламай ерда, пастда ётишипти. Бери кел, ўз ҳукмдорингга бир назар ташла.

Элчи қоя тош бўйига келиб пастга қараб орқага тисарилиб кетди: тубсиз чуқурлик ичида офтобда товлашиб водий ётар эди. Мартирос шу водий устидаги тош устида турар эди. Гиламга ўхшаш жимжимадор водийда чодирлар қурилган, жангчилар, йилқилар уймалашиб юрар эди.

Офтобда яроғ-аслаҳалар ярқирар, қалқон ва совутлар товланар эди, Бардоғ тоғи этагида шу тоққа қараб ўн минглаб қўшин турар, лекин унинг устига чиқиш

учун йўл топа олмас, айланиб чиқиш учун вақт сарфлашни истамас эди.

Ён бағри тик тушган водий устида икки киши пастликка, баланд олтин қуббали чодирга қараб турарди. Пастдан қараганда бу кишиларни кўриб бўлмас эди.

Мартирос уйини кўрсатиб:

– Сен ўз ҳукмдорингга юқоридан туриб бир қарадингми, ўзи? – деди. – Мана бир қара-чи: хув ана оти. Бу ердан баайни сичқонга ўхшаб кўриняпти. Шундай эмасми? Қозиққа санчилган сичқон. Ўзиниям таниб бўлмайди. Хув ана, ҳаммаси ғужғон ўйнаяпти – қайси бири ҳукмдор – билиб бўлмайди.

– Эҳтиётроқ бўлиб гапиринг!

– Мен айтяпман-ку: бизларни у яксон қила олмайди, деб.

– Оғзингизга қараб гапиринг.

– Мен айтадиганимни айтдим.

– Мен у кишига нима деб кўяй?

– Биз ўзимиз жавоб қиламиз унга. Афтидан у, шу ёққа қараётганга ўхшайди.

Шундай деб икки ҳимоячи элчини тош устидан даст кўтариб, қулочкашлаб пастга, ҳукмдор олдига қараб отди.

Ҳукмдор буни кўриб турарди. Шунинг учун ўша замон ҳужумга енгил қуролли отлиқларни юбортирди, аммо отлар тошга тийғаниб кетиб, тепадан юмалатилган тошдан орқага тисарилиб кетди. Ёнлаб ўтиб, ҳимоячиларга қарши найза ўқталиб келаётган аскарларга қарши камондан ўқ уздилар. Енгил-елпи ғалаба кўлга киритилмади. Омон қолганлар қароргоҳга қайтиб келдилар.

Шундан кейин Темур ҳужумга тоғликлардан саралаб йиғилган минг чоғли найзабозни – Султон Хусайн найзабозларини юбортирди. Темур қалъаларни

олишда энг муҳим ишларни шу найзабозларга топширди. Булар ҳам тирмашиб, сийғониб, худди калтаке-сакдек билтанглашиб, андак юқорига кўтарилиш учун қўлга кирган тош қиррасига ёпишардилар. Аммо юмалатилган тошлар ва камондан отилган ўқлар уларни ҳам улоқтириб ташлади. Султон Хусайн тошларнинг бир-бирига уришиб, қизиганини кўргач, қуруқ қўл билан қароргоҳга от солдириб кетди.

Темур номаълум Бардоғ этагида хуноб бўлиб, энди узоқ айланма йўл билан кетди, чунки ҳали кўп жанг қилиш ва кўп шаҳарларни қамал қилиш керак, душманга мудофаа учун фурсат бермаслик керак эди. Шу сабабдан, Бардоғ (бу тоғни Темур Тақалтов деб айтарди) ҳимоячиларини ҳолдан кетказиб қўлга туширмақ учун тоғ этагида юз чоғли жангчи қўйиб кетди. Ҳимоячилар бир неча кун чидаш бергач, душман ўзи толиқиб кетиб қолганидан хабардор бўлиб қолдилар ва пастга тушдилар,

Улар устига зар кимхоб ёпилган тахтиравонни кўтариб кетар эдилар. Унинг ичида эса худди ўз ҳукмдорлари ёки ўз халқларининг донишманд бошлиғини кўтариб кетаётгандек эдилар.

Улар хилват Мецоп монастирига қараб йўл олдилар, роҳиб бу ерда уларнинг жасоратлари тўғрисида келажакка хотира учун абадий сўзлар битиб қўйди.

* * *

Темур Бардоғ этагида қўлдан берилган фурсатнинг ҳиссасини чиқармоқ учун илдам олға қараб кетди. У отларнинг ғамини еб, дам олиш учун қисқа муддат берди. Душманнинг мудофаа ва қамалга тайёрланишига фурсат бермай, мақсадга етиб олиш учун улар ҳордиқ чиқариб олишлари керак эди. Аммо бунақа тинимсиз йўл босишлар аскарни ҳам, отларни ҳам ҳолдан кетказарди. Катта йўлдан четда бўлган кўп киш-

лоқлар, монастир ва ибодатхоналар, талай одамлар улардан қутулиб омон сақланиб қолди: уларни қидириб ўтиришга Темурнинг фурсати йўқ, четга чиқиш эса қўшиннинг ҳаракатини сустлаштирарди.

Темур, назарида отига қапишиб қолгандек эди. У уйқусиз йўл босишлардан озиб кетган, ошпазларнинг гушт пишириб беришларини кутмай қотган нон ер, юзлари офтобдан ва чангдан қорайган, жазирама иссиқда тўхтаб ювиниб олмоқ учун на жой ва на фурсат бор эди.

Унинг аскарий тўдалари вақт-вақти билан бирор ибодатхонага кириб яшириниб олган арманилар билан жанг қилиб турар ёки яқин орадаги қишлоқларни вайрон қиларди. Бу жанглар қанчалик яқинда бошланса, аскарнинг умумий ҳаракати ҳам сустлашиб қолар эди.

Бунга қадар Арманистонни ўн икки йил хароб қилиб, одамларини қириб юборган Темур яна жанглар бошланишини, итоатли ҳисобланган ўлкани яна забт этиш кераклигини сира кутмаган эди.

У арманларнинг қаршилиқ кўрсатишини хаёлига келтирмаган эди, ҳолбуки, кўп мамлакатларга тарқалиб кетган арманлар ўз ерида озгина қолган эди. Улар устидан кўп йил Мироншоҳ Султониядан туриб ҳукмронлик қилди. Улар Мироншоҳ ўйлаб чиқарган ҳамма солиқ, ўлпон, бож-хирожларни вақтида тўлаб турганлар. Мироншоҳ уларнинг бозор ва монастирларини аяб, савдогар ва роҳибларига индамай йўл қўйиб қўйган эди. Улар Мироншоҳдан чўчир ва унга итоатли эдилар. Эндиликда эса Темурнинг ўзи бу ерга бостириб келганида арманлар қўрқувдан пусиб қолиши керак эди. Чунки улар ихтиёрида у вақтда ҳали на тузук қўшин ва ҳатто подшоҳлик деган нарса йўқ эди. Шундай бўлса-да, улар истилочилар йўлига ҳар бир тошни тик раҳна қилиб қўйдилар!

Темур уларнинг ўжарлик сабабини тушунмасди; ичидан пишган душман эса энг хавфли ҳисобланарди. Бу хилда душман билан олишганда бирор нарса ни олдиндан кўриб, чамалаб бўлмас эди. Кичкина бир шаҳарни эмас, балки ер юзидаги ҳамма душманлардан ҳам кучлиги ва энг хатарлиси бўлган Йилдирим Боязидни енгмоқ учун бораркансан, сиртингда бу хилда душманни қолдириб кетиб бўлмайди. Темурнинг Боязидга ҳужум бошлашидан ҳамма хабардор эди, лекин Темур унинг устига тўғри йўлдан эмас, айланма йўллардан пусиб борганини ҳамма кўриб турарди. Темурнинг хаёлида гоҳо Усмонли давлат устига бостириб бориш нияти йўқдек эди: унинг қўшини бирор арман қишлоғига йўл олиб, шу ерда жанг бошлар, бозорни талон-торож қилар ёки савдогарлардан катта тўлов олар, сўнгра бошқа бир шаҳарчага, тоғли йўлларга буриларди. Шунда бирдан улар бу шаҳарча Боязид қароргоҳи йўлида эканлигини билиб қоладилар. Темур ё бу йўлни босиб ўтар ёки ундан бурилиб, бошқа томонга от солдирар эди.

Темурнинг қўшин тортиб келаётгани ҳақида Боязидга кўп марта қўрқинчли хабар етказган эдилар, лекин бу ташвишли хабарлар ўрнига Темур бошқа ёққа бурилиб кетди, деган таскин берувчи хабар етиб келарди.

Гарчи Темур ҳар бир янги миш-мишдан сўнг бошқа ёққа, тоққа от солдириб кетган бўлса-да, лекин Боязид унинг ўз устига яқинлашиб келаётганини фаҳмлаб турар эди.

Боязиднинг яқинлари ўзаро пичирлашиб:

– Чиғатойларни бизнинг кабобимиз қизиқтираётганга ўхшайди, лекин кўппак савалашимиздан қўрқадим! – дейишарди.

Катта йўлга чиқиб олган Темур яна тўхтаб қоларди, бу сафарга тайёргарлик кўрганда йўли қайси халқлар-

нинг тупроғидан утишини, турли-туман қишлоқ оқсоқолларининг қаршилигини, жулдур кийинган чўпонларнинг адоватини, отларга ташланадиган ва орқада қолган отлиқларни қоғиб дабдаласини чиқарадиган итларининг ҳаммасини унутиб қўйган эди. Бу майда-чуйда фитналар жаҳонгирнинг жаҳлини чиқарар, донгдор саркардаларга дуч келиб олишувдан кўра, уни кўпроқ ташвишга солар эди. Темур бу майда-чуйда душманларга зарда қилиб кўп куч сарфлар ё арзимас қалъани олишга фармон берар ё хилват ибодатхонага кириб, яшириниб олган одамларни ўлдиришга буйруқ берарди. Атрофдаги тоғларни титкилаб, Қорабоғ тоғига тармашиб чиқиш, Суюн тоғи дарасига кириш, тоғлардаги дарахтзорларни ёндириш, монастырлардаги роҳибларни қўрқитиш учун мингбошиларини юборар эди. Шу билан бирга, мўғул урф-одатига амал қилиб, бекордан-бекорга монастырларни вайрон қилмас, агар итоатли бўламан дейишса, арман попларига дахл қилмас эди.

Темур бирор қароргоҳда тўхталган маҳалда ўз чодирини доим тепаликнинг чўққисига тикишни амр қиларди. Бу ердан ҳар томондан дала, водий ва йўллар, ташлаб кетилган қадимий шаҳарлар, тошлар орасига яширинган душманлар истилочига яққол кўриниб турарди. Унинг куч-қудрати, унинг арман ерларидан ўтадиган йўли аниқ кўринарди.

Мецоп монастыри бу йўлдан бир четда қолган эди. У ерда бинолар устида минг йиллик чинор ва ёнғоқлар тарвақайлаб бутоқли шох ёйган эди. Каҳрабодек сарғайиб беҳилар пишган, унинг муштан катта меваларини кумушранг япроқлари тўсиб ётар эди. Нозик шохлари билан тошларга суриниб, қалин зирк буталари ўсиб ётар эди. Бу ерга юзлаб қушлар ин қуриб, ҳамма ёқни чуғур-чуғурга тўлдирганди.

Дарахтларнинг қалин шохлари остида монастир қўраси қоронғи ва рутубатли бўлиб қўринарди. Ҳамма ёқ бино – ибодатхона, хужра, озуқахона эди. Тўмтайган, кулранг уйларнинг деворлари орасида тошдан уймакор қилиб ишланган қадимий мақбаралар қад кўтарган эди.

Бутун қўра ҳовлисига зич қилиб қўнғир ва қўкиш ялпоқ тошлар ётқизилганди. Деворларнинг тошлари зилдек оғир. Ибодатхона эшиги ёрнинг оғзига ўхшаш пастак, кунгурадор ялпоқ чинор барглари, ёнғоқларнинг қўнғир япроқлари титраб турарди.

Қўранинг ўртасига онда-сонда тушадиган ёруғлик гоҳ чайқалиб, гоҳ зўраяди. Соя ва нур ўйнаб турган салқин ҳавода ҳаёт шундай қайнар эдики, қўра ичи, ридо кийган роҳиблар қувноқ ва мулойим бўлиб қўринар эди.

Аммо арман ерларини қора булутдек босган йиллар на қувноқ ва на мулойим эди.

Роҳиблар Мартирос оқсоқолни ва Бардоғда замбилда китоб ташиб келган, ҳолдан кетган ўспиринларни ўз бағирларига қабул қилдилар.

Бу пана жойга истилочининг аскарлари келиб қолмасмикан, деб хавотирга тушдилар.

Бўрилар галаси тоғларда ҳориган кийикларни кеча-кундуз қувгандек, улар Мартироснинг изидан тушмадилармикан?

Дарахтларнинг қуюқ соясига, қўранинг муздек тошлари устига мата солиб китобларни ёйиб ташладилар.

Ҳар бирини йўл чангидан тозалаб, латтага ўраб, фалокат босмасдан туриб мустаҳкам жойга беркитдилар.

Китоблар ҳар хил эди: бири катта вазнли ва қорайган, бошқаси эса юпқа, оқ чарм муқовали, ҳар бирини мутолаа қилсанг беҳисоб мафҳуми бор.

Ним қоронғи кўрада, оқ мата устида китоблар тизилиб ётар, роҳиб суюк ўспиринлари, кексалар, деҳқонлар тўпланишиб индамай қарашиб турарди. Чунки бунчалик кўп китобни улар камдан-кам кўрган эдилар. Бу одамлар орасида китобни биринчи кўриш насиб бўлган кишилар ҳам бор эди.

Саводсиз тоғликлар бу китобларнинг ҳеч бирига қўл теккизишга журъат эта олмай, одамнинг донишмандлиги бу теридан ва матодан қилинган муқоваларнинг ичига қандай қилиб жойлаштирилганлигини фаҳмлай олмай тик қараб туришарди. Донишмандларнинг момақалди роқ каби сўзлари, одамларнинг қаҳр-ғазаби ва инсоний севги авлоддан-авлодга садосиз ўтиб келишига ҳайрон бўлиб турардилар. Роҳиб Фома, энг кичкина китоб устига энгашиб, уни ушлаб кўтарди. Таранг қилиб ишланган мато муқова мис илгакли эди. Қўлёзма китоб унинг қаттиқ муқовасидан анчагина юпқа эди.

Фома тўмтоқ бармоғи билан китобнинг илгагини ечди. Шунда марҳум шоир Фрикнинг шеърларига кўзи тушиб юзига андак табассум югургандек бўлди.

Гўё биров унга бу шеърларди куйлаётгандек узун сочли катта бошини чайқаб, китобни варақлай бошлади.

Шунда ҳамма унга, сарғайиб кетган қоғоз ичига яширинган сирларни ҳам дардлашармикан, деб қараб турарди.

Фома ўз ҳаяжонини яшириб қолмаганиданми, ё одамларнинг кутиб қолганини фаҳмлабми, овозини аста-секин баландлатиб дўриллаб ўқий бошлади:

*Сунгани йўқ ҳали ишонч оташи,
Дилда секин сенга қиламиз нола.*

*Эй тангрим, туну кун тўкиб кўз ёши
Бандаларинг доим номингни ёдлар.*

*Аммо тутқун қилди бизни осийлар,
Ўт ичида гурлаб ёнар ҳамма ёқ,
Эҳромларни тамом буздилар улар,
Ва қадаб чиқдилар ой тамға байроқ.*

*Душман қулдек сотар хотинимизни,
Кўз ёш тўкиб қолди етим-есирлар.
Гуноҳсиз қонимиз кўп оқди, сизди,
Ҳар кунни оҳу воҳ фалакка ўрлар!*

*Ахир қачонгача ситам, хўрликлар?
Тобакай этилдик қулликка маҳкум?
Нола чекишса-да банданг шўрликлар,
Худовандо, нега сен турибсан жим?*

*Ёхуд бандаларинг хунини олмай,
Ёхуд ситамларга тамоман барҳам –
Бермайсан? Ахир биз бетуйғу, беқалб
Тошдек эмасмиз биз, одаммиз биз ҳам!*

*Қамишмасмиз ёки дарёда ўсган,
Ёниб кул бўляпмиз аммо, ўтда лол.
Ёняпмиз худди катта гулханга
Ташлаб юборилган шох-шабба мисол!*

Шунда Мартирос:

– Ҳиссиз шох ўтин ёниб тамом бўлади. Аммо халқ эса бир боғ ўтин эмас-да. Халқ ҳар қандай оловга бардош беради, – деди.

У Фоманинг қўлидан китобни олиб, ўпиб пешона-сига суйкади-да уни бошқа китоблар қаторига қўйиб, амирона бир оҳангда деди:

– Душманнинг узоқ-яқиндалигини ҳеч кимса билмайди. Фурсат борлигида буларни яшириб қўяйлик.

Фома ҳам тоқатсизланиб, секин сўради:

– Буларни қаёққа жойлаштирамиз?

– Бу ёққа юринг!

Мартирос билан Фома одамлар томон ўгирилиб, ҳаммага бир-бир синчков назар ташладилар. Сўнгра бешта йигитни чақириб олиб, қўрадан чиқиб кетдилар.

Монастир девори бурчагида булоқдан сув ташиладиган сўқмоқни кўриб қолдилар. Бу йўл катта тошлар орасидан тиккасига дарёга тушар эди.

Йўлнинг бир ёғида катта чинорлар орасида қорайиб оғир тош хочли монастир қабристонини кўринарди.

Беш йигит Фома билан Мартирос кетидан эргашиб, тошлар ва қабрлар орасидан ўтдилар.

Бир чинор остида қабр қазिशга мунтазир бўлиб бир кетмон ётар эди.

Пастак бир мақбаранинг тош гумбази остида асрлар ўтиши билан қорайиб кетган қабр тоши ётар эди.

Фома шу тош устида анчагача индамай ўтирди-да, кейин ҳамроҳларига қаради. Сўнгра, пастга, одамларга бир-бир назар ташлади. Кейин:

– Тиз чўкайлик, биродарлар! – деди итоаткорона бир оҳангда. Ҳаммалари тиз чўкишди.

Фома секин гап бошлади. Унинг товуши дам ғазабнок, дам фарёд қилган бир оҳангда чиқар эди:

– Биродарлар! Мардонавор аждодларимизнинг ҳикматларини мана шу ерда сақласак, неварачевараларимиз учун сақласак. Мусибатли йиллар кўп чўзиладими, буни ҳеч ким билмайди. Кимнинг омон қолиш-қолмаслиги ҳам номаълум. Оғамиз Мартироснинг: бир боғ шох ёниб кул бўлади, лекин бутун бошли халқни йўқотиб бўлмайди, деган сўзларини унутманг.

Мартирос бир чўқиниб олди.

Фоманинг томоғи қуридими ёки ҳаяжони ошдими, тўхтаб-тўхтаб аста сўзлай бошлади:

– Бизлар етти нафармиз. Кимки омон қолса, йиллар ўтиб фалокат босилиб, осойишталик қарор топса... Кимки омон қолиб, фалокат босилганига амин бўлса, осмон ёришиб, бу ерга келса... пирининг дуосини бажо келтириб, кетмон билан бу хазинани кавлаб олиб, халққа қайтаради.

Ҳамма унинг гапини бошини қўйи солиб, оғир тошга тикилганича тинглади.

Фоманинг товуши бирдан баландлашди:

– Аммо ўтда куйсак ҳам, совуқда музласак ҳам дамимизни чиқармаймиз. Бошимизга қилич келса ҳам, ўзга юрт подшоси ғазаб қилса ҳам, қабрга киргуни-мизча ҳам, Арарат тоғи устида осмон ёришгунча ҳам нафасимизни ичга ютиб индамаймиз.

Гуё товушини булутлар орасидан биров эшитиб тургандек, у бошини кўтарди ва гапини шаҳдам давом эттирди:

– Жойини ва сирни еттовимиздан бошқа киши билмаслиги керак. Ота-боболар, фарзандлар, авлиёлар номидан қасамёд этайлик. Қани, менинг орқамдан сизлар ҳам такрорланглар-чи...

Фоманинг овози бошқа овозларга қўшилишиб гулдурадди:

– Ота-боболар, фарзандлар, авлиёлар номидан қасамёд қиламизки, бу сирни еттовимиздан ўзга одам билмайди. Саккизинчи бир кишига айтсак, тилдан қолайлик...

Ҳаммалари тиз чўкканча умр бўйи эслаб қоладиган жойга тикилиб турардилар.

Мартирос ўрnidан туриб, яна чўқинди-да:

– Ҳазрат, бошлайлик, – деди.

Фома ҳам бунга рози бўлди.

– Майли, Мартирос. Ёнингизга икки абжирни олиб таший бошланг. Қаёққа ташиётганингизни биров кўрмаслиги учун учинчи бир киши қоровул бўлиб турсин.

Мартирос уч йигитни чақириб монастир томонга кетди. Фома эса қолган икки йигитни олдига чақириб, қўлларига кетмон берди-да, ерга ботиб кетган тошга ҳеч заха етказмасдан кўчиришни амр қилди.

Тошнинг жойидан кўчгиси келмасди.

Фома уларга кафти билан кўтаришиб ёрдамлашди, сунгра тор елкаси билан итаришди, аммо тош жойидан жилмай тураверди.

Мартирос қайтиб келди. Икки йигит замбилда китоб кўтариб келди.

Улар замбилни ерга қўйиб, тошни силжитишга ёрдамлашдилар. Ниҳоят, тош жойидан кўчди. Унинг остидан чуқур, қоронғи лаҳад кўринди.

Фома тор тешикдан сиқилиб кириб, қаттиқмикан, деб оёғи остини пайпаслаб кўрди.

Мартирос:

– Новчароқ бир киши тушса бўлар эди, – деди.

Лаҳад ичининг чуқур ёки саёзлигини билмай, Фома ирғиб ичига тушди.

Тошни йўниб қилинган лаҳаднинг ичи тор эди. Бундан минг йил бурун, балки ундан ҳам илгари халифаларнинг биринчи лашкарлари келмасдан бурун бу ерга машҳур бир киши ёки авлиё дафн этилган бўлса керак, ундан ёдгорлик ҳеч нарса қолмабди. Мецоп – монастири бошлиғининг Фомага айтишича, бу ер монастирнинг махфий сирхонасига ўхшаш жой бўлиб, энг оғир кунларда ҳар юз йил деганда бир марта халқ учун энг муқаддас саналган нарсалар яширилар эди. Халқ бу ерга яроғ-аслаҳа яширган йиллар ҳам бўлган, бошқа йиллари эса муқаддас нарсалар ёки қимматбаҳо

буюмлар яширилган. Эндиликда эса бу ерга китоб ташиб келтирдилар. Бу сирхонада минг йиллардан бери яшириб келинган нарсалар ичида энг муҳими нима эканлигини ҳеч кимса айтиб бера олмади.

Латталарга уралган китобларни бир-бир устун тахлаб қалин матога ўрагач, тошни яна эски жойига суриб қўйдилар.

Роҳиб Фома ергача эгилиб, тошга таъзим қилди.

Мартирос йигитларга қараб шундай деди:

– Энди бешовингиз турли шаҳар ва вилоятларга тарқалиб кетишингиз керак. У ерда эҳтиёт бўлиб яшаб, сирни келажак порлоқ кунларгача сақланглар. Агар душман олови ичида бирортангиз қуйиб кул бўлсангиз, бошқангиз худонинг раҳми келган шаҳарда омон қоласиз. Нақадар машаққат бўлса-да, бу жойдан кетинг, бир-бирингиздан узоқроқ туринг. Нақадар қийин бўлса-да, осмон бутунлай ёришиб кетгандан сўнггина бу ерга қайтинг. Балки орадан ўнлаб йил ўтар, ҳозир Фома билан бизнинг ёшимиз қирқда; осмоннинг ёришишини кутолмай, ердаги вазифамизни адо этиб, бу дунёдан у дунёга рихлат қилармиз. Сизлар ҳали ёшсизлар, узоқ умр кўрасизлар. Гарчи ўнлаб йиллардан кейин бўлса-да, гарчи қариб букчайиб қолсангиз-да, ажал ёқасидан бўлса-да, қайтиб келингиз, нақадар машаққатли эса-да, қайтиб келиб халққа китобларни топширингиз! Сизларни худо асрасин ва қийинчиликларда мустаҳкам иродангиз ёр бўлсин!

Мартирос йигитларнинг ҳар бирини қучоқлаб:

– Хайр, сизларга! Азиз ўғилларим! Маҳкам бўлинглар, узоқ умр кўринглар, – деди.

Фома эҳтимол кўп йилларга, узоқ ўлкаларга келиб ажралишдан олдин қўлини шартта осмонга кўтариб деди:

– Бизлар сўнги дамда бирга турибмиз. Келинлар, ғайридинларга лаънатлар ўқийлик. Менинг орқамдан сизлар ҳам такрорланглар!..

Улар биргалашиб такрорладилар.

– Ё Исо, қулоқ сол; илоё душманларнинг жони жаҳаннамга кетсин. Унга абадий лаънатлар бўлсин!

У бир лаҳза жимиб қолди; улар ҳаммалари яна бир-галикда такрорладилар:

– Абадий лаънатлар бўлсин!

Бу сўнги сўзларни қасамёд қилганлардан баъзилари, очиққан ва қийинчиликлардан толиққанлар бу лаънатни хотирда сақлаб қолиш учун эмас, балки ўз ишига садоқат тарзида тилга олдилар.

УН ЕТТИНЧИ БОБ АРЗИРУМ

Кеч кириб, салқин туша бошлади.

Туя ўркачига ўхшаш тоғларнинг ён бағирларида зангори булутлар уймалашиб қолди.

Қўшин орқада қолиб кетгани учун Темур илгари юрмай тўхталди.

У Арзирум чеккасидаги қадимий арман монастирида тўхталди. Бу ерда унга мўридек ис босган пастак бир ҳужрага ёпиқ ва гилам солиб жой қилдилар.

Ҳаяллаб қолган ошпазлар ўт ёқиб кечки овқатни пиширгунча иссиқ тунда тердан пишиллаб кетган Темур монастир кўрасида у ёқдан бу ёққа юриб турди.

Уч сафдоши ундан сал орқада ҳукмдорга аста ҳамроҳ бўлиб сайр-томоша қилиб юришарди. Истилочиларнинг нағал қоқилган пошналари кўранинг тийғончиқ тошларига урилиб жаранглаган овоз чиқарарди.

Монастир бошлиғи ҳужрасининг энсиз деразаси олдига келиб сиқилишиб олган роҳиблар новча, қот-

ма чолнинг бошини ғоз кўтариб қадимий бинонинг деворларини томоша қилиб юрганни кузатиб туришарди. Унинг қорайган юзи ё зерикишдан, ё алам ва қийинчиликдан толиққандек кўринарди. Таги қирилган мўйлови оғзининг икки бурчига осилиб тушганди. Бурун тешиклари худди бир нарсани искагандек керилган, кўзлари эса чала юмуқ, улар кўряптими, ёки мудроқдан юмилиб кетяптими, билиб бўлмасди. Аммо бошини бирдан юқори кўтарганида роҳиблар унинг муқаддас деворларни синчиклаб томоша қилаётганини фаҳмлаб қолар эдилар. Гоҳ разм солиб қарар, ё бўлмаса негадир бирдан деворни қамчи дастаси билан бир уриб кўяр эди. У чингизийларнинг тартиб ва қоидаларига амал қилиб монастир ва роҳибларни, поп ва ибодатхоналарни аярди, минглаб ялангоёқларни гапга кўндиргандан кўра, ўнлаб роҳиб ва попларни гапга кўндириш осонроқ эди. Ялангоёқларга нима ваъда қилинмасин, ғолибларга доим худди ўқ еган йиртқичдек қарардилар; ўз попларининг сўзини иззат-хурмат билан бош эгиб тинглар, ҳукмдорнинг марҳаматли сўзларидан ўтқир найзадан қочгандек қочардилар. Агар монастир қарши турса ёки ибодатхона душманга бошпана берса, жазо қиличи на попларни, на кексани ва на муқаддас жойларни аяб ўтирмас эди. Халқ орасида, фақир кулбалар эгалари итоатгўйликни жорий қилмоқ учун поп ва роҳибларга гоҳо пўписа қилиб қўйишга тўғри келарди.

Темур индамай у ёқ бу ёққа юриб турарди.

Сафдошлари ҳам Темур билан сўзлашишга ботинмай, ўзлари ҳам бир-бирлари билан гаплашолмай жим юрардилар.

У йўнилган катта тошлардан қурилган монастир биносини кўздан кечирарди.

Дарвозанинг икки томонида қизғиш ғишдан терилган бурама устунчалар билан безатилган иккита ажойиб минора қад кўтариб турарди. Устунчалар орасида учбурчак ҳайкал кўринар, ҳар қайси минора тагида эса нақшин оғир ялпоқ тошларга Византия тожи кийгизилган икки бошли бургут ўйиб солинган. Бургут Византия бу деворларга эгалик қилган замонлардан бир эсдалик эди. Бургут узоқларга парвоз қилган эди! Эндиликда султон Боязид ўша бургутни, қари бир хўроздек, ўз мамлакати қафасига қамаб олмоқчи эди.

Темур қамчисини ҳавода ўйнатиб, оқсоқланиб яна биноларни томоша қилиб юра бошлади. Зилдек оғир тошлар худди кеча терилгандек зич ётар эди. Тошдан ўйиб ясалган устунлар эса юқорида бир-бири билан ярим доира ясаб, пештоққа туташиб кетади. Устунчалар жуда усталик билан ясалган, четдан қаралганда гўё таранг тортилган арқондек деворга тегмай, гумбазга интилаётгандек бўлиб кўринади. Уларнинг бошлари тошдан йўнилган, бир-бири билан чирмашган, новда ва барглар билан безалган.

Гумбазнинг остига кўйилган мрамар тошга аллақандай дуо ёзиб кўйилган.

Темур ҳамроҳларига қия ўгирилиб қараб:

– Дуога ўхшайди-а, – деб кўйди.

Улар тушунмадилар, чунки ибодат маҳалига ҳали бор эди; буни ўзигина тушунарди. Қандай ибодат тўғрисида сўз бўлиши мумкин, ахир?

Улар индамай депсиниб турардилар. Унинг жаҳли чиқди.

«Индамаяптилар!.. У ерда нима ёзилганини булар қаердан билишсин, ахир. Арманиларнинг ёзуви қанақаки... Ажи-бужи!..»

Темур гапга кириб деди:

– Мустаҳкам қурганлар. Мен ўтмиш йилларда бу ерларда бўлган эдим, ҳаммаси бутун-а. Эҳтимол, шу йиллар ичида бошқатдан қуриб олишган чиқар.

Аммо ҳамроҳлари бундан ҳам беҳабар эдилар. Бу иморатлар кўпдан қурилганми, шу йиллардами билмасдилар. Индамай, нағалларини тошларга тўқилла-тиб яна юриб кетдилар.

Роҳиблар эса дераза олдида тиқилишиб чўчиб қараб турардилар.

Темур нақадар олға талпинмасин, қўшин ҳамон орқада қолиб кетар эди. Қўшиннинг сўл қаноти Месопотамия тоғларида курдларнинг маккор Қора Юсуфини саваламоқда эди: олдинда бошқа душман турганда, орқада душманни қолдириб ўтиб кетиб бўлмайди-да. Месопотамия тоғларида Бағдод орқасидаги Дажла дарёси бўйларида Қора Юсуфнинг курдлари ва тоурменлар билан жанг қилмоқда эдилар. Улар Дамашққа чекиндилар, чунки Дамашқ қўрғонлари мустаҳкам, уларнинг ҳокими Султон Боязид билан бўлган дўстлигига суянар эди. Қора Юсуфнинг ўзи эса қалқон орқасига яширингандек ўшанинг орқасига яширинарди.

Қўшиннинг сўл қаноти Месопотамияда, ўнг қаноти эса Қора денгиз соҳилларигача, Трабзон хоқони Мануил қўл остидаги ерларга етиб борган, Темур Мануилни итоат қилдиришга уринарди. Чунки Трабзон ўзи кичик ва заиф бўлса-да, унинг ихтиёрида Боязидга керакли бўлган жуда кўп кемалар бор эди. У бу кемалар орқали ўз аскарларини Болқондан Понт соҳилига олиб ўтар, Темурга қарши ўз кучларини тўплай олар эди.

Темур тарқоқ аскарларини бир ерга жамлаб олиш учун Арзирумда тўхталди.

Энди йўл кимсасиз тоғлар, жимжит вайроналардан ўтмасди, балки машаққатли жанг йўли бошланган эди.

Олдинда энди зийраклиги, жанг сафарларидаги тез ҳаракати ва жасорати учун Йилдирим (чақмоқ) деб лақаб олган Боязиднинг қалъалари турар эди. Боязид маккор душман эди! Рим папаси бутун Европадан тўплаган рицарларни енгган тажрибакор саркарда эди. Боязид суворийлари ўзига бино қўйган рицарларни Дунай бўйида чошиб ташлаган, уларнинг салиб байроқлари Никополь ёнида қора ерга топталган. Фақат уларнинг бошлиғи, Венгер қироли Сигизмунд Люксембургга қочиб қолган, унинг гапларига қулоқ осган бутун католик дунёси шундай қўрқувга тушдики, ҳеч ёқдан нажот бўлмагач, ўзини Боязидга маҳкум деб ҳисоблади.

Боязид Болгария ва Македонияни забт этиб бўлиб, Венгрия ерларини поймол қилди, мадори қуриган Византия шаҳарларини оёқости қилди, сўнгги жангга, Константинополни қамал қилишга тайёргарлик кўрди, Константинополни ўз салтанатининг пойтахти деб эълон қилмоқчи бўлди. Ўтган йили кузда Византия императори Мануил Палеолог қабих Боязидга қарши ёрдам сураб ҳамдин қироллари ҳузурига, христиан мамлакатларига сафар қилди. Европадаги подшоҳлар Мануилни иззат ва ҳурмат билан қарши олдилар, лекин меҳмонни зиёфат ва базмлар билан кўнглини овлабгина қўйдилар, аммо Боязидга қарши янги салиб юриши қилиш учун подшоҳларнинг ҳеч бирида истак йўқ эди.

Темур кўкламдаёқ Боязидга хат юбориб, ундан шаҳар ва мамлакатларини олганда ўзидан Султон ҳузурига қочиб кетган Қора Юсуф билан амирларни топширишни талаб қилди. Темур Султон ҳузурида бу қочоқлар ўзларига нисбатан раҳм-шафқат уйғотиб, ғалаён уруғини сочишларини, Темурга нисбатан Султонда ғзаб кўзғатишини биларди. Темур: амирлар

усмонлилар орасида бўлса, Боязид Темурдан қочоқ амирларга ер ва шаҳарларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади, агар қочоқ амирларни Темурга топширса, унинг фақат қочоқлар устидан эмас, балки уларнинг мол-мулки устидан ҳам ҳақ-хуқуқли эканини тан олади, деб тушунарди.

Боязид ўз дўстларини тутиб беришдан бош тортиб кескин жавоб қилди ва хотинларингни вафодорликдан халос қилиб юбораман деб, Темурга дағдаға қилди. Бу таҳқирлаш ва жангга даъват эди. Темур ғинг этмади. Аммо Бағдоддан тортиб Трабзонга арманми, курдми, арабми, бошқа халқларми – кимики Боязидга ён босса, ким бўлишидан, динидан, қайси хонга бож тўлашидан қатъи назар, ҳеч кимга раҳм-шафқат қилмади. Темурнинг бемалол олға юриши учун халал берадиган ҳеч кимса бу ўлкаларда қолмаслиги керак эди.

Олға қараб юрмоқ учун аскарлар бирга қўшилиши, узоқ сафарлардаги жанглардан дам олишлари, янги ғалабаларни қўмсаб қолишлари керак эди. Шу сабабдан ҳам Темур тўхталди. У озарбайжонликлар ҳам, арманлар ҳам ҳаракатимни тўхтатиб қолишга қодир эмас, деб билар эди. Аммо улар бу ҳаракатни тўхтатиб қолдилар.

У Тавра тоғидан ошиб ўтишга улгура олмади ва қишда куч тўплаб олиш учун Боязидга имкон туғдириб берди.

У монастир қўрасида қадимий деворларга ўрнатилган мармар устунларни томоша қилиб, у ёқдан бу ёққа юрар, гоҳо ҳамроҳларидан нималарнидир сўраб-суриштириб қўяр эди.

Жавоби топилмаган бир масала бошини қотирганда у секин одимлар, қамчи ушлаган қўли шалвираб осилиб қолар эди.

Унга олдиндаги шаҳарлар Боязиднинг амрига бўйсуниб, қалъаларни беркитиб олдилар деб хабар қилдилар. Демак, улар Темурдан ҳам кўра Боязиддан кўпроқ хавотирда эканлар, демак, Темурнинг эмас, Боязиднинг ғазабидан кўпроқ қўрқар эканлар.

Темурнинг ихтиёрида икки юз минг пиёда ва отлик аскар бор эди. Аммо Боязидда эса ундан кам эмасди. Боязиднинг қўшини Тавра тоғи, Понт тоғлари, Болқон ерлари ва денгизнинг нарёғигача сочилган эди. Нариги қирғоқдан ҳамма қўшинини бу ёққа олиб ўтиш учун Боязидда кема ҳам етишмайди. Қўшинни тўплаш вақти келганини, бунинг учун кемалар кераклигини у тушунармикан-а? Темурнинг қўшини ҳам Қора денгиздан Эрон кўрфазигача сочилган эди. Агар унинг ҳамма қўшини тўпланса, бунинг устига Мовароуннаҳрни кўчманчилар ва хитойлардан ҳимоя қилиш учун қолдирилган қўшинлар чақириб олинса, Эрон шаҳарлари, Ҳиндистон тоғларидан, Ҳиротдан Шоҳруҳ ихтиёридаги, Самарқанддан Муҳаммад Султон ихтиёридаги қўшинлар тўпланса, яна юз мингча аскар тўпланарди. Шунда ҳаммаси бўлиб уч юз мингча аскар йиғиларди. Аммо Боязидда чақирса бир талай қўшини бор эди: унинг қўл остида отаси Султон Мурод томонидан забт этилган Сербия, Болгария билан бирга Франкия, ўзи забт этган Македония бор эди. Дамашқдан Бобил султони ҳам унга ёрдам қўлини чўзиши мумкин эди.

Ҳамма кучларини жамламасдан, ўзини арманлар, курдлар, қизилбош босқинчилардан амин қилмасдан туриб Темур Боязидга ҳужум бошлайдиган анойилардан эмас эди.

«Босқинчилар... йўлни тўсиб қолдилар-а... Бутун бир қиш бекор кетади, Султон бутун қишлик фурсатга эга бўлади».

У кучи ўзиники билан тенг келадиган душман ҳақида кўпдан бери бош қотирмаган эди. Аскаринг сон жиҳатидангина устун бўлса, уни енголмайсан. Муаммони ечмоқ учун душманнинг кучи гўё икки ҳисса ошиқ деб мўлжаллаш керак бўлади. Шунда бу саволга жўн бўлмаса-да, тўғри жавоб топасан. Душманлар керилиб ўз кучларини кўп, ўзларини мард қилиб кўрсатганлари учун Темур ҳар сафар енгил ғалаба қозонаверган. Душман тўғрисида ҳайиқмасдан, унинг кучини камситмасдан ўйлаш керак, энг муҳими шу.

– Бу жумбоқнинг жавоби оёқ остида ётмайди! Шундай эмасми?

Ҳамроҳлари унга яна нима жавоб қилишни билмадилар. Лекин Темур уларга қайрилиб қараб, дарвоза олдида депсиниб турган хазиначига кўзи тушиб қолди.

Хукмдор сайр қияптими, мудраяптими, йироқ жойларга назар ташлаяптими – бундай маҳалда унинг хаёлини бўлишга ҳеч кимсада ҳақ-хуқуқ йўқ эди.

Хазиначи дарвозадан ичкари киришга ботинолмай, кўзга кўринадиган жойда турарди. Аммо унинг пайдо бўлиши қандайдир муҳим иш борлигидан дарак беради.

Шоҳ Малик Темурдан орқада қолиб, хазиначи олди-га борди:

- Нима қилиб турибсан?
- Карвон ўлжа келтирди. Қаёққа жойласак экан?
- Шу ерда шошмай тур.

Шоҳ Малик яна секин Темурга етиб олиб, хазиначи тўғрисида сўраб қолмасмикан, деб пайт пойлаб турди.

Аммо Темур индамади: кўрани айланиб чиқиб, дарвоза олди-га борди-да, ёнида таъзим қилиб турган хазиначини кўриб тўхтади:

- Нима гап?

– Улжа, улуғ шоҳим. Вондан, Суюникдан. Қаерга жойласак экан?

– Ичида нима бор?

– Кўрмадим: муҳрланган.

– Оч.

У ичи кенг емакхонага кирди. Кеч кирганда у қоронғиликдан янада кенг бўлиб кўринди. Деворидаги тўртта туйнукдан тушган ёруғ унинг ичини ёритолмасди.

Темурнинг кетидан машъал олиб кирдилар, шу он уйнинг ичи ёришиб кетди.

Ерга ётқизилган асрий япалоқ тошлар устида оғзи боғланиб, муҳрланган жун қоплар ётар эди.

Темур муҳрини қирқишга амр қилди.

Эгри пичоқ қоп оғзидаги муҳрни қирқиб ташлаши билан қоп ичидан олтин ва кумуш кўзачалар, шамдон, исириқдон ва косалар юмалаб кетди.

Машъалларнинг қизғиш нурида бу буюмларнинг ҳаммасидан гўё қон оқиб тургандек, улар устида тўқ қизил шуълалар акс этиб уйнарди.

Юқоридан, деразадан бу буюмларга монастир бошлиғи қараб турар, унинг орқасида эса роҳиблар худди чуқур ҳовуздек емакхона ичига кўз ташлардилар. Шунда роҳиблардан бири уҳ тортиб:

– Ибодатхоналардаги буюмлар-ку, – деб юборди.

– Кумушни олтиндан ажратинглар, – деб буюрди Темур. – Бунақа ҳаммаси аралаш-қуралаш ётмасин. Ҳар қайсисининг ўз қиммати бор.

Хазиначи иккиланиброқ жавоб қилди:

– Муҳри Султон Ҳусайнники. Ўзим очишга журъат эта олмадим. Мана, аралаш чиқиб қолди.

– Майли. Бошқаларида нима бор?

– Уларниям очганим йўқ.

– Оч.

Бошқа қопларнинг ҳам муҳрларини кесдилар.

Баъзи бир қопларни тагидан ушлаб қаттиқ силкишга тўғри келди. Уларнинг ичидан ғижимланган либослар, арман, грузин, Венеция зардўзлари тиккан зар чопонлар чиқди.

Бир оғир, катта қопдан талайгина китоб тушди. Китобларнинг сарғайиб кетган кумуш илгакли чарм муқовалари тошга тегиб тўқилларди.

Бир катта китоб ерга ёни билан тушди.

Темур уни этигининг учи билан нўқиган эди, қимир этмадиям.

Шундан кейин хазиначи бориб, уни бир тепиб бошқа китобларга қўшиб қўйди. Сўнгра шикоятлангандек:

– Қоплардаги нарсаларнинг рўйхати йўқ, – деб қўйди.

– Рўйхатини ўзинг туз. Китобларниям унутма. Арманлар бу китобларни қадрлайди. Пул тўлаб арбобларини ажратиб олгандек, бу китобларниям қимматбаҳога қайтариб олишади. Илгаригича қоплатиб, ўзинг муҳр босиб қўй.

– Қалъадаги ертўлалар, ҳужралар ҳаммаси яроғ-аслаҳа, кийим-бош, турли гиламлар билан тўлган. Қўядиган жой йўқ. Карвон билан жўнатсакмикан?

– Орқадан эргаштириб юришнинг ҳожати йўқ. Тез орада орқага қайтамиз: Қорабоғда қишлаймиз. Бу ерлар совуқ.

– Жуда баландлаб кетибмиз, – деди хазиначи.

– Баландлаб кетяпмиз, – деб унинг гапига қўшилди Темур. – Ҳамон тоққа чиқиб кетяпмиз.

Чопонига ўраниб олган Темур омбордан чиқиб кетар экан, хазиначига деди:

– Сен бу нарсаларни шу ерга жойлаштир. Омбор топилар. Қоровул қўй. Қайтишда ўзимиз билан бирга олиб кетамиз.

Роҳиблар эса юқоридан, қандай китоблар экан булар, деб ўзаро пичирлашиб қараб турардилар. Аммо узоқдан яхши кўра олмасдилар. Бирдан монастир бошлиғини хазиначи олдига чақиртириб қолдилар. Хазиначи ундан, монастир ичида маҳкамроқ омбор бор-йўқлигини билмоқчи эди.

Яғрини кенг роҳибнинг елкасига суяниб турган кекса чол тараддудланиб қолди:

– Айланиб кўр. Кўрсатамиз.

Монастир бошлиғи ун қўли билан роҳибга суяниб, чап қўлига ҳассасини олиб, мункиллаганича хазиначини монастир қўрасида бошлаб юрди.

У хазиначига темир эшикли ёки темир панжарали пастак омборларни кўрсатди. Аммо ҳукмдор учун монастирни тозаллаган аскарлар омборларнинг эшик ва қулфларини синдириб ташлаган эдилар.

Хазиначи гумбазсимон омбор остидан бир ертўла-ни кўз остига олди. Аммо монастир бошлиғи бирдан жонланиб, маслаҳат тариқасида деди:

– У ер рутубатлироқ. Агар ертўла керак бўлса емакхона остида бор. Тўқчилик замонларда у ерда озик-овқат сақланарди.

Унинг бу гапи хазиначига гўё ҳозирги вақт бир замонлардаги тўқчилик вақтлардан ёмон дегандек туюлса-да, лекин индамай жимгина тик йўлдан қоронғи ертўлага тушди.

Моғор ва ҳиди ўткир ўтлар исидан хазиначининг кўнгли озди.

– Бу ер ҳам рутубатли.

– Арзирум – совуқ жой! – деди чол гапни чалғитиб.

Хазиначи ертўла ичида пиёз ва ўтларнинг сасиб ётганини пайқаб, бир жангчига унинг ичини супуриб, тозалашни буюрди-да, ўзи югурганича очиқ жойга чиқиб кетди.

Қопларнинг оғзини боғлаганларидан кейин хазиначи ҳар бир қопга ўз муҳрини босди ва сасиб ёнаётган машъал ёруғида, зинапоя устида туриб, ертўлага туширилаётган қопларни кузатиб турди.

Кейин темир панжарани ўз қўли билан беркитиб, ҳалқасига самарқандча бурама қулф солди.

Пастак эшикнинг ҳам лўкидонини суриб, унга ҳам шу хилда қулф солди. Калитини Самарқанд ёки Бухородаги минглаб эшикларга солинадиган қулфларнинг калитларига қўшиб камарига осиб қўйди. Ҳар бир калитни жондан азиз қилиб сақлаш керак эди. Калит учун ҳукмдор олдида гуноҳқор бўлишдан оғирроқ иш йўқ эди.

Эшикларга курдларни қоровул қилиб қўйди.

Қалин пайпоқ устидан майин сахтиён чориқ, тиззагача келадиган калта чопон устидан чакмон кийиб, камарига ханжар қистириб олган курдлар сариқ саллалари остидан шундай ёввойи қарши қилар эдиларки, якка қолганда хазиначининг ўзи ҳам улардан чўчиб турарди. Хазиначи уларни қоронғи қўра ичида қолдириб, ўзи кўрққанидан машъалчилар кетидан қолмай йўл олди.

Кечаси совуқ тушиб, қор учқунлай бошлади.

Темур хужрага манқал келтиришни амр қилди. Эски одатича, чарчаганига қарамай, уйқуга ётишдан олдин даракчиларни ўз олдига чақиртирди. У хабар келтирган чопар ва даракчиларни эрталабгача куттириб қўймас эди, чунки тезда бир ёқлик қиладиган ишлар чиқиб қолиши мумкин эди.

Тутқаноғи бор жулдурвоқи бир киши титраб-қақшаб жаҳонгирнинг олдидан чиқиб кетиши билан бошқа эшикдан дароздан келган, лекин ўзи ўтакетган хушомадгўй самарқандлик бир савдогар кириб келди. Савдогар чиқиб кетиб эшик ёпилиши билан кўз-

ларини ола-кула қилиб дарвиш кириб келди. Дарвиш чиқиб кетиши билан юкини кўтариб, кенг чопон кийган араб кирди. Унинг хуржунда доривор ва қимматбаҳо бошқа хушбўй совғалар бор эди. Унинг ҳузурига ҳатто сочлари тўзиган, қоқсуяк жодугар нусха кампир ҳам судралиб кириб, фисқ-фужурга берилган машҳур арбобларнинг махфий сирларини шивирлаб гапириб берди, чунки Темур ўз яқин сафдошлари тўғрисида ҳам бир нарсалар билмоқчи бўлар эди. Бу кампирдан сўнг ҳавода нопок аёл кишининг қўланса ҳиди буриқсаб қоларди, кейин ўткир кўзли етакчи билан сўқир киши кириб келди.

Форсдан келган дарбадар, ҳукмдорнинг невараси, Форс вилоят ҳокими, Умаршайхнинг ўғли – Пирмуҳаммад подшоҳлик ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўз хизматкорларини бухоролик Ибн Синонинг китобига амал қилиб даволаяпти, эндиликда эса ўзи аллақандай кўкатларни қайнатяпти, айтишларича, заҳар пишираётган эмиш. Лекин кимга қарши заҳар тайёрлаётгани тўғрисида гап кўп, деб ҳикоя қилди.

Неварасининг бу ишларидан Темур хабардор эди. Қанақа табиб! Заҳар? Унга заҳар тайёрлаш нима ҳожат? Ахир унга қўшинни тўплаб, қуроллантириш ва тайёрлаш тўғрисида, тайёр ҳолда туриш, ўзининг чақирилиш пайтини кутиб туриш тўғрисида фармон берилган эди-ку. У қўшинни тўпламади, аскарлар учун ўқ-дори, озиқ-овқат жамламади, бу ёққа келиш учун отланмаяпти, заҳар қайнатяпти! Форснинг бундай ҳукмдорини чақиртириб келиб, бу ерда у билан яхшилаб сўзлашиб олиш керак бўлади...

Самарқанд ҳақидаги янгиликларни икки киши келтирган. Гуноҳкор Искандар Мирзани бу ёққа олиб келаётган Муҳаммад Султон ўз сафари вақтида Самарқанд ҳокими қилиб Арғуншоҳни қолдирибди.

Бу қарор ҳали маълум қилинмаган бўлса-да, лекин Арғуншоҳ шаҳарда кўпларга, энди бундан буён ўзим ҳокимман, деб гап тарқатибди. Баъзи бировларга, шаҳарда тез орада ўзим доруға бўлиб, чинакам тартиб ўрнатаман, деб таҳдид ҳам қилибди. Аммо ҳукмдор гуноҳкор Искандарга қандай жазо беришини у олдиндан кўпларга айтиб қўйибди.

– «Лақма!» – деди Темур узоқдаги Арғуншоҳ ҳақида ўйлаб. Дарак келтирган киши чиқиб кетгач, котибга, Муҳаммад Султон ўз сафари вақтида Самарқандга бош қилиб Худойдодни қўйиб кетсин, деб фармон ёзишга буйруқ берди.

Одамлар кириб-чиқиб турар, аммо Темур уларнинг гапини тинглайверар эди. Катта гилам устида Ҳиндистондан тортиб Ўрда саройигача, Садди чинидан тортиб Босфор бўғози устидаги Византия минорасигача, Константинополь Софиясининг гумбазларигача, Венеция савдо майдонларигача бутун оламнинг сири очилиб борарди.

Темурнинг сафдошлари ҳам кейинчалик хоқоннинг ўзига сўзлаб бериш учун даракчилардан сўраб-суриштирар эдилар, аммо келган кишилар гоҳ учта тўгаракча ўйилган кичкина мис чақани кўрсатар, гоҳ уч тугунли қилиб боғланган, чопонга ёки белбоққа тикилган қизил тасмани кўрсатардилар. Араб эртакларидаги сеҳрли калит билан очгандек уларнинг кўз ўнгида эшик очиларди. Эшик орқасида жаҳонгир уларнинг гапига кулоқ соларди.

У узоқ ўтириб тинглар, гоҳ котибга фармон ёзиш тўғрисида буйруқ қилар ёки эсдалик учун мум суртилган тахтачага бир нималарни қайд этиб қўйдирарди.

Сафдошларига навбат келгунга қадар кўп одамлар кириб чиқди.

Улардан сўнг Шоҳ Малик кирди.

У Арзирумда, Ҳасанқалъа ва Ошқалъа қалъаларида, Катвон ва Пирнакапан қишлоқларида қолдирилган қўшинлар ҳақида, Арзирумга кетаётган қўшинлар ҳақида ва бу ердан етмиш чақирим нарида, Кўпхон до-вони орқасида, Трабзон йўлида – Хинисда тўхталган қўшинлар ҳақида сўзлаб, Трабзондан Табризга, ундан Хуросонгача кетаётган генуялик савдогар карвони билан бирга Хинисдан чопар келганини маълум қилди. Кейин:

– Савдогарлар орасида иккита франк роҳиби ҳам бор. Улардан бири ҳукмдоримизнинг қаердалигини суриштиряпти, – деб сўраб қўйди.

– Улар қаёққа кетишяпти?

– Султонияга, ўзларининг епископи Иоанн олдига.

– Яна нима гаплар бор?

– Шу ердаги монастирнинг бошлиғи арман арзгўйларини киритишни сўраяпти. Асирларни ҳақ тўлаб қутқариб олишмоқчи.

– Қанақа пулга?

– Бўш қўл билан келмаган бўлсалар керак.

– Уларда пул нима қилсин? Биздан яширгани бормикан?

– Яширганларини олиб келишибди.

– Нима, савдолашамизми? Айт, кутиб туришсин; генуяликларни бу ёққа чақир. Улар қаерда?

– Карвонсарой лиқ тўла, ташқари эса совуқ. Мен уларга минора тагидаги Мурға саройдан жой бердим.

– Роҳибларга айт, эрталаб шу ерда ҳозир бўлишсин, савдогарларни келтир.

– Улар йўл босиб келишган, ётишган чиқар.

– Уларни фақат алдаб-сулда: яхши савдогар қоқ ярим кечадаям савдолашиш учун сапчиб туриб кетади. Улар Мурға саройдан келгунча, анави пулдор арманларни киргизиб юбор.

Арман савдогарлари монастыр бошлиғининг ҳужрасида иккита чироқ ёруғида ўтиришарди.

Қорайиб кетган девор бўйида роҳиблар христианларча мардонаворлик кўрсатиб, ўз ҳамдинларини пул тўлаб қутқазиб олмоқчи бўлган тўрт кишига тикилиб турардилар. Бу ерга келмоқ учун қашшоқлашиб қолган халқ орасида пул йиғиш осон бўлмаган эди.

Бир кафтини деворга тираб, бошқаси билан санчиб қолган биқинини босиб турган монастыр бошлиғи оғриққа чидаб туриб, арзгўйларга панд-насиҳат қилди:

– Оғайнилар, ниятларинг улуғ. Билсанглар, пастда қопларда китобларимиз ётибди. Ўттиздан кўпроқ...

– Ўттиз саккизта! – деди Темури ўлжаларни кўриб юрганида деразадан қараб турган бир роҳиб. Яна тўртта: у китобларнинг жилди кумуш бўлгани учун уларни олтин асбоблар солинган қопга қўшиб солиб қўйдилар.

– Жафокашларни қулликдан қутқариб олиш муқаддас ишдир! – деди монастыр бошлиғи, – ғайридинлар қўлидан ўз оғасини қутқариб олган кишилар гуноҳдан халос бўладилар.

– Аммо ертўлада китобларимиз гезариб ётибди, – деди илтимосга келганлардан ёшроғи.

Монастир бошлиғи қаттиқ туриб:

– Одамларни қутқариб олинглар, – деди. – Уларни дарҳол сизларга топширсинлар. Сизлар уларни тездан олиб кетинглар.

– Кеч кириб қолди, отахон!

– Эркисизлик қоронғи тундан ҳам баттар. Уларни ўзларинг билан бирга олиб кетинглар. Нақадар йироқлаб кетсаларинг, бошларинг шунча омон қолади.

Арзгўйларнинг кичиги:

– Китоблар-чи? – деб қолди.

Монастир бошлиғи яна уша гапине қатъий так-
рорлаб деди:

– Китобларни қутқазыш муқаддас иш лекин, –
оғриқдан унинг гапи бўлинди, у ўзи билан ўзи овора
бўлиб биқинини уқаларкан, арзгўйларнинг каттаси
шундай деб қолди:

– Одамлар азобланиб бўлса-да, омон қолади. Китоб-
лар латта-путталар орасида чириб йўқолиб кетади.
Уларнинг ҳар бирига бир инсон ҳаёти сарфланган.
Баъзисига бир неча кишининг ҳаёти кетган. Аждодла-
римиз сақлаб келган, у вақтларда сақлаш осон бўлган-
ми дейсиз? Уларни сақлаб қололмаган бизлар авлод-
ларга нима васият қилиб қолдирамиз?

Монастир бошлиғи гапине давом эттирди:

– Одамларни қутқазиб олиш учун монастирда пул
йўқ. Китобларни қутқазиб қолиш учун эса роҳибла-
римизга фотиҳа бераман. Эзгу бир иш қилишга бизга
имкон беринглар.

Арзгўйларнинг каттаси бошқаларидан:

– Китобларми, ё одамлар? – деб сўради.

Бу саволга жавоб қилмасларидан бурун уларни
ҳукмдор олдиға чақиртириб қолдилар.

Улар шошиб-пишиб жулдур кийимларининг у ёқ бу
ёғини қоқдилар. Сўнгра қоронғи йўлакдан қор босган
қўра саҳни орқали Темур турган хужраға қараб кетди-
лар.

Улар эшик олдида тўхталиб соқол-мўйловларини
ва юзларини силашиб, йўл бошловчидан, бош кийим-
ларимизни ечиб кирайликми, деб сўрадилар.

Шоҳ Малик мийиғида кулди.

– Улуғ ҳукмдор христианлик одатларига риоя қила-
дилар: қалпоғи ёмонлар ечиб кирса бўлаверади.

Бўсағадан ўтиш билан кўзлари қамашди. Пастак
хужра ичида шамлар жуда ёруғ ёнар эди. Гумбаз тах-

лит бу хужра камбағал кучманчининг тор утовига ўхшаб кетар эди.

Чарм ёстиққа тирсакланиб утирган Темур уларга қаради. Букчайган мўсафид арзгўйнинг совуқдан бурни қизариб, кўзлари ёшланган эди. Баданига иссиқ югуриб, жунжикди. Жағи катта, бурни тўмтоқ иккинчиси кўзларини чақчайтириб, кўкиш тили билан қалин лабини ялаб турарди. Учинчиси, қора сочига оқ оралаган ёшроқ бир киши эди.

Ёш туриб қариган бу армани Темурга маъқул бўлиб қолди. У қора кўзлари билан итоаткорона жим боқиб турарди. Темур унга қараб:

– Хуш? – деди.

Аммо у ўзидан катталардан илгари жавоб қила олмади. Катталар эса жим туришарди, чунки Темур бу ёш йигитдан гап сўраган эди. Гарчи бу йигитнинг ҳеч нарсаси – ота-онаси, бойлиги қолмаган бўлса-да, улар отасининг бойлиги ҳурмати уни бирга олиб келган эдилар.

Темур яна сўради:

– Хуш, нима дейсизлар?

– Диндошларимизни қутқариб олгани келдик.

– Пул-чи? Қаердан?

– Худо йўлида қабиладош художўйлардан йиғдик.

– Хирож тулашга келганда ўзларингни қашшоқ кўрсатасанлар.

– Э, ҳукмдор! Бир пул, икки пулдан...

– Қутқариб олиб, қаёққа олиб бормоқчисанлар? Ўзларингга қул қилибми?

– Ўз гуноҳларимизни ювиш учун уларга эрк берамиз.

– Бундан чиқди, худо йўлида сизларга ёрдам қиларканман-да. Мен асир оламан, сенлар беркитган ерингдан пул олиб, гуноҳларингни ювасанлар, шундайми-а?

Назарида Темур улар билан ҳазиллашаётгандай бўлди, аммо улар Темурнинг хириллаган товушидан тошдек қотиб қолган эдилар.

Темур яна қаттиқроқ бақирди:

– Нега индамайсанлар?

Улар ҳеч қандай жавоб қила олмай қотиб турардилар.

– Қанчадан туламоқчисанлар? Кимларни оласанлар? Поплар ҳам бор. Вонлик ва қорслик савдогарлар ҳам бор. Қизлар, хотинлар ҳам бор. Бўлмаса уларни Эрон бозорига жўнатаман. Бозори чаққон. Болаларни олганимиз йўқ, янада қутурсин деб итларга ташлаб келдик.

Одамлар билан узоқ, жиддий гаплашиб чарчаб қолган Темурнинг бу арманилар билан ҳазил-мутойиба қилгиси келарди.

– Қанчадан тўлайсанлар?

Кўзлари чақчайгани лабини ялаб туриб деди:

– Ҳозир асирларнинг нархи тушиб кетган. Кўп асир олинган экан, қўядиган жой йўқ.

– Бақувватлар бозорга чиқариб сотиладилар. Ҳунар биладиганларини ўз шаҳарларимизга ҳайдаб кетамиз. Етиб боргани ишлайди. Йўлда йиқилиб қолгудек бўлса, ҳар бири учун кўмадиган чуқур топилади. Агар хайрли иш бўлса, сотиб олинглар.

– Нархи нима бўлади?

Темур уларга нархини айтди.

Арманлар ҳанг-манг бўлиб қолдилар: у бозордагидан кўра ўн марта қиммат сўради. Аммо қулни фақат мусулмонлар сотиб олиши мумкин эди. Армани арманига сотилмасди, армани фақат хун тўлаб қутқариб олиши мумкин эди.

– Қимматлик қилади.

– Нима?

Ёш арзгуй дарров деди:

– Хукмдор! Мукулмонми, христианми, савоб худо олдида бир хил. Хукмдор, сиз ҳам шафқат ва мурувватли булсангиз. Мурувватли кишиларни худо ёрлақайди.

– Сен савдогармисан?

– Бутун авлод-аждодимиз билан азалдан.

– Ундай булса савдолаш, художуйлик қилаверма. Булмаса попларга иш қолмайди. Худо тўғрисида уйлаш уларнинг иши.

Шу он бирдан негадир ўгли Шоҳруҳ эсига тушди. У ихлосманд художуй эди.

Темур бирдан бушашиб, ўзида ҳаддан ташқари чарчоқлик сизди.

Ёстиққа суяниб, секин Шоҳ Маликка деди:

– Мен баҳосини айтдим. Қанча олишса, майли, олишсин. Бер.

Шуни деб гап тамом дегандай ишора қилди. Лекин ёш армани катталардан кейинроқ қолиб:

– Хукмдор, китоблар-чи, – деди.

– Қандай китоблар?

– Бизники. Агар нархи булса...

– Саркардаларингиз учун оддий асирлардан кўра икки ҳисса ошиқ оламан. Китобларнинг ҳам нархи шу. Арзонга булмайди. Икки ҳисса...

Қоронғи тун. Темур ёстиққа тирсагини қуйиб чўзилди. Бу узоқ кунни тамомлаш учун у шамчироқни олиб чиқиб кетишни амр қилди. Аммо хизматкорлар шамдонга қўл уришлари билан Шоҳ Малик кириб келиб:

– Генуяликлар келди, – деб хабар қилди.

Темур қаддини ростлаб, чопонининг қайрилиб қолган этагини тўғрилаб олди.

– Бошлаб кир.

Улар қалин чопонларини ерга судраб кириб келдилар. Иккитаси катта этик кийиб олган, учинчиси эса йул-йул пайпоқ билан, тумшуғи тумтоқ туфли кийиб олганди. Учала генуялик ҳам Темурга бир хилда кўришиб кетди. Улар одат бўйича унги тиззаларини букиб, шляпаларини ярқироқ тошга теккизиб таъзим қилдилар. Айланасига олдирилган сочлари бир хилда қизғиш эди. Соқоллари ҳам бир хилда кўнғир-малла эди.

Башараларига кўзи тушгандагина Темур уларнинг бир-бирига ўхшамаганлигини пайқаб қолди. Энг каттасининг юзи ялпоқ, кўзлари чақнар, гўё сир олмоқчи бўлган кишидай дам Темурга, дам атрофга қараб аланглар эди.

Иккинчиси қотма бўлиб, юзи ва чаккаси ичга ботган, узун ғозларидан суяклари туртиб чиққан; соқоли орасидан ияги кўришиб турарди. Аммо ичга ботган қора кўзлари қувноқ ва мулойим боқарди.

Учинчиси эса нимаси биландир, ҳозиргина китобларни кутқазиб олмоқчи бўлган армани йигитга ўхшаб кетарди; унинг кўз қарашларидан Темур ўшанақа соддалик ва ўша хилда сокин қайғуни уқиб олди.

Темур қоқ суяк генуялик бир пой этигининг чангини артмаганини, иккинчисини эса шошиб-пишиб артганини пайқаб қолди, юзини артибди-ю, кўнжидаги чанги қолиб кетибди.

Темур христианларнинг ҳамсуҳбати кўзига тик боқиб гапириш одатини ёқтирмасди. Генуяликлар тик боқишар, Темур ҳам ўзини зўрлаб тик қараб гаплашарди. Ёт одамларнинг кўзига қарай олмасанг, улардан бирор нарса талаб қила олмайсан.

Эрон бозорларида кўп марта бўлган катта ёшдагиси форс тилида сўзлар, таржимон керакмасди.

Юзининг суяги туртиб чиққан иккинчиси эса гапига гоҳо форс сўзлари кўшиб кўяр, лекин суҳбатни тушуниб турарди.

Улар барқут ва мовут, ханжар, калта қилич, гулдор жун мато, бир неча бўлак кимхоб, кумуш ва шиша тақинчоқлар келтиргандилар. Улар Эрон савдогарларига нима ёқишини яхши билар эдилар.

Генуяликлар Боязидга қарши франк қиролига ёрдам сўраб кетаётган император Мануил Палеологнинг карвонини учратганлар. Генуяда улар кема ясайдиган жойга келган Боязиднинг одамларини кўрганлар, Генуя ва Венеция кемасозлари олдига, кема ёллаш ёки сотиб олиш ва у ерда қанча кема топилишини билмоқ учун келганлар. Бу кемалар Султонга Константинополни қамал қилмоқ учун керак эди.

– Константинополни қамал қилмоқ учунми? – деб сўради Темур бу гапни қайтариб.

– Худди шундай, шоҳим.

– Қамал қилиш учун эканлигини қаердан биласизлар?

– Боязиднинг одамлари бизнинг генуяликлар. Рост, иккитаси армани. Уларни Боязид юбортирган, аммо биз уларни кўпдан бери биламиз, кўпдан улар билан савдо-сотик қиламиз. Ораларида иккита усмонли ҳам бор, улар бизнинг тилни тушунишмайди ҳам.

– Бу кемалар қандоқ? Топиладими?

– Шундай баҳо кўйишяптики, савдогарлар ўзларини тиёлмай қоладилар. Христианларнинг ишига путур етказётганларни ўзлари ҳам тушуниб турибдилар, аммо кемаларни сотадилар, қандай йўқ деб бўлади? Жуда ҳам фойдали-да, йўқ дейишга кўзлари қиймайди.

Қоқ суяк кўшиб кўйди:

– Константинополдаги битта ибодатхонада бутун Генуядагига қараганда ҳам олтин кўп. Боязид уни олиб кейин ҳисоблашади.

– Шундоқ, харажатини қоплайди, – деб қўйди Темур.

– Қоплаганда-чи!

– Константинополда нима гап?

– Ваҳима. Худо йўлида ёрдам сўрашяпти. Бизнинг қўшинимизни ёллашмоқчи. Тўрт мингча. Никополь ёнида Боязид ихтиёрида икки юз мингдан ошиқ қўшин бор. Шаҳарда ваҳима. Бизникилар яшаб турган Пера, Галагда очлик, қашшоқлик. Ейдиган нарса йўқ. Сотадиган нарса йўқ. Вайронагарчилик. Очлар ҳимоясиз. Уларнинг ҳимоя қиладиган нарсаси ҳам йўқ. Шаҳар бировники, ейдиган нарса йўқ. Император ёрдам сўраб қочди. Унинг укаси Иоанис Палеолог, шаҳар ҳокими одамларни мудофаага чақиряпти. Одамларни чақиряпти-ю, лекин ейдиган нарсалари йўқ! Ким ҳам борарди?

– Демак, Боязидга қарши Константинополь бардош бера олмайдими?

– Қарши туриш учун куч йўқ!

– Демак, кемалар унга қамал учун керакми?

– Денгиз томондан шаҳар очиқ бўлгандан кейин кемасиз қандай қамал қилиб бўлади?

– Сизнинг қиролларингиз, христиан подшоҳлари ёрдам қилмайдиларми?

– Номаълум. Буни биздан кўра роҳиблар яхши билишади. Доминикан роҳиблари ҳам биз билан бирга кетяпти. Сизга ёзилган мактуб ҳам ўшаларда.

– Қанақа мактуб?

– Хабаримиз йўқ. Бу уларнинг ўз ишлари. Эшитишимизча, қиролдан эмиш.

Генуяликларнинг кичиги, сабрсизроғи, қироллар ва шаҳар қамали, урушларга лоқайд қаровчиси, сав-

до-сотик ишлари билан урушлар, савдогарлар билан қироллар икки ёрти бир бутун эканини ҳали англаб етмагани шундай деди:

– Улуғ шоҳим! Бизнинг молларимиз яхши. Яхши харидорга биз нодир молларимизни кўрсатишимиз мумкин.

Ёлғиз қолишга ва шунчалик кўп гапларнинг тагига етиб олишга шошилган Темур:

– Эртага кўрамиз. Эрта ўзим сизларни чақиртираман, – деди.

У генуяликларга жавоб бериб юборди-да, ёстиққа суяниб хаёлга чўмди. Шамдонларни олиб чиқиб кетдилар. Биргина шам ёниб турарди.

Боязид ҳақида ўйланар экан, қандайдир бир фикрига жавобан:

– Шундоқ, шундоқ, – деб қўйди.

У Боязид устида ўйланарди. Бир кечада қанчадан-қанча хабар тўпланиб қолган эди. Бу хабарлар ҳаммаси бир ҳамла билан Боязидни енгиб бўлмасликни кўрсатиб турарди. Бундай душман устига секин-аста бостириб бориш керак. Аста-секин, шу билан бирга кучларни яхшигина жамғариб бориш керак. Узоқ уйқусиз кеча-кунларда тўхтовсиз йўл босиб қийналган тана Темурга итоат қилишдан бош тортар эди; зилдек оғирлашиб кетган тана илиқлик ва ором истар, қўлни кўтариш учун мажол йўқ эди.

Навқарлар унга ёстиқни суриб, устига жун чакмон ёпиб қўйдилар.

Уни узоқдан эшитиладиган қўшиққа ўхшаш сокин мудроқ қоплаб олди: «Ҳофизни чақиртириб, созга жўр қилиб қандайдир яхши бир мақомни айттириш нақадар соз бўлар эди-я...»

Аммо ҳофизни чақиртиришга ҳам мадор йўқ эди.

Денгизга ўхшаш қандайдир ёруғ ва сокин бир нарса жимирлаб кетди. Кемалар...

– Боязиднинг кемалари!.. Аввал Константинополь, сўнгра эса Трабзонга... Мактуб! Кимдан бўлди?

Унинг устини чакмон билан ёпиб қўйган навкарлар кетиб улгурмаслариданоқ у ўрнидан туриб чакмонни улоқтириб, ёстиқни итариб ташлаб:

– Шоҳ Малик қани? – деб бақирди. – Чақиринглар уни бу ёққа! Анави... оти нима эди?.. Емакхонами?.. Уша ерга гилам тушаб, шамлар ёқилсин. Ҳамма тезроқ ўша ерга тўплансин!

Армани савдогарлар билан банд бўлган Шоҳ Малик хаяллаб қолди.

Темур унга яна одам юборди, ўзи ҳужра ичида, худди қафасдаги йўлбарсдек у ёқ бу ёққа юрарди.

Чарчаган Шоҳ Малик эҳтиром билан қадам ташлаб келди. Дарғазаб бўлган Темур унга ўзи пешвоз борди: унинг буйруғини олган саркардаларнинг имиллаб келишларини Темур ёқтирмас эди. Улар елиб-югуриб келишлари, дарҳол эгарга ўтириб, ўқдай учишлари керак эди. Уруш имиллайдиган кишиларни ёқтирмайди. Сусткашлик билан ҳеч қандай ғалаба қўлга киргизилмайди. Ғалаба яйловда юрган айғирга ўхшайди, уни арқонлаб олиш учун қувиш керак бўлади. Арқонлаб олмоқ учун эса чопиб кетаётганида, ўзини қаёққа ташлашини кўзларидан пайқаб олиш керак бўлади. Кимки енгмоқчи бўлса толиқмас, учқур ва қўлга туширмақчи бўлган нарсаси устига ўқдай отилиши керак!

– Қаерда эдинг?

Ажабланган Шоҳ Малик эшик томонга бош ирғади:

– Анави ерда!..

– Анавилар... оти нима эди... қани?

– Қутқариб олган кишиларни шошиб олиб кетдилар. Саксонтачасини бўшатиб юбортирдим. Фақат ёши – яна китоб дейди.

– Мен сендан Трабзондан келганлар тўғрисида сўраяпман.

– Улар бу ерга кириб чиқишди-ку.

– Роҳиблар! Мактуб келтирган роҳиблар...

– Савдогарларни ўрнидан турғизиб олиб келдилар.

Роҳибларга эса эрталаб келинглар, деб айтилган эди. Мен роҳибларга: «Хукмдор чарчадилар. Эртага эрталаб келинглар», деб айтдим.

– Сен чарчаганлигимиз тўғрисида гап тарқатяпсанми, а? Боязидга бизнинг чарчаганимиз, касал бўлганимиз айна муддао. У таскин топади. Роҳибларда мактуб бор!

– Уларни чақиртирайми?

– Емакхонага. Бизнинг бардамлигимизни кўриб қўйсинлар. У ерга шамчироқлар олиб кирилсин, гиламлар тўшалсин. Бизникилардан кимлар бор? Чақирилсин!

– Шаҳзодалар сафарда, шоҳим. Ҳали қайтганлари йўқ.

– Ҳозироқ роҳибларни ўша ерга чақиртир. Мен ўша ерга чиқаман.

У қоматини ростлаб, бардам юриб борарди. Қўра саҳнидан ўтаётганида эса янги ёққан қорга сийғаниб кетди-ю, лекин қаддини тутиб, емакхона эшигига қараб янада илдамроқ қадам ташлади.

Девор бўйига зилдек оғир узун хонтахта қўйилган. Тош ётқизилган ерга чиройли ширвон гиламлари тўшалган. Худди боғда гулзор орасидаги каби тор йўл ҳосил қилиб ўнта шамдон турарди.

Тўрга сафарий эрон тахти ўрнатилган эди.

Темур ёлғиз ўзи кириб келиб, шамдонлар орасидан, гиламдан юриб ўтди.

Ўринларидан бирданига турғизилган, уйқусираган, ошиғич чақиритилган кўрққан бу роҳибларнинг ҳозир

қандай кириб келишларини у аниқ тасаввур қилиб турарди. Унинг уйқусираган сафдошлари ҳам ўз олдига қандай туришларини ва кимдир мактуб ўқишини... кўз олдига келтирарди. Мактуб кимданлигини у ҳали билиб ололмаган, мактубни дўстими ёки душмани юборганини ҳам билмас эди.

У ўйланарди: «Ҳамма, бу мактуб шунчалик муҳим эканки, қандайдир ўткинчи роҳибларниям у подшоҳ элчиларидек қабул этяпти, уларнинг келганига шунчалик хурсанд бўлибдики, эрталабгача кутишга ҳам сабри бўлмапти деб ўйлаши мумкин...

Роҳибларга эса энди эгарлоғлиқ отларни берган чиқарлар, улар энди отларни миниб, машъал ёруғида, соқчилар қўриқлаган ҳолда, бутун қўшин кўзи ўнгида тунда шаҳардан ўтиб, бу ерга келаётган чиқарлар...

Яхшиямки, одамлар аллақачон ухлаган. Яхшиямки, томоша қилиш, муборакбод қилиш учун кўчаларга югуриб чиқмайди. Сўнгра, ҳукмдорга мактуб келтиришибди, деб бутун шаҳарга жар солмайди...

Ғалаба учун шошилиш эмас, тезлик керак. Асло шошилиш эмас».

Темур шахдам босиб емакхонадан чиқди. Жой-жойига турғизиб қўйиш учун сафдошларни ва роҳибларни кутиб, сўнгра уларни ҳукмдор ҳузурига олиб кириш учун Шоҳ Малик эшик олдига турарди.

Темур чиқиб деди:

– Нарсаларнинг ҳаммасини йиғиштириб ол. Ҳозиргарликнинг ҳеч қандай изи қолмасин! Сўнгра одамларга жавоб бериб юбор. Ҳеч ким бўлмасин. Роҳибларни эса хужрага ҳузуримга олиб кир.

Шуларни деб Темур қайтиб хужрага кириб кетди. Қоронғи ғор ёки чўлдаги қашшоқ бир ўтовдек хужра ичида биттагина шам ёниб турарди. Сафарий тахт ўрнида кичкина бир гиламча, унинг устида тўшак ва иккита эски чарм ёстиқ турарди.

Темур ёстиққа ёнбошлади.

Мактуб кимдан бўлса-да, Боязиднинг сиртидан юборилган. Боязиднинг сиртида нималар бўлаётганини билмай туриб, бирор нарса деб бўлмайди. Аммо ким ёзган бўлсаям, у томондан келган мактуб сир сақланиши керак.

У оёғини букиб, тиззаси тагидаги чопони барини тўғрилаб қўйди-да, шам ёруғига тикилиб туриб, Боязид томонда нима гап экан деб ташқаридан эшитилаётган ҳар бир товушга қулоқ осди.

Соқол-мўйловсиз, хотин башара доминикан роҳиблар Темур олдида бирдан пайдо бўлдилар. Улар аста қадам ташлар, қора чопонлари билан қоронғилик ичига сингиб кетгандек эдилар. Қоронғиликдан шам ёруғига чиқдилар.

Улар икки киши эди. Бошларида қора бошлиқ. Қора чопонлари остидан сариқ арқон билан боғлаб олган ридолари кўриниб турарди.

Бирининг юзи бўздек оқ, юзида соқол-мўйлови ўрнида кўкиш доғ. Кўзини ерга қадаб, узун бармоғи билан тасбеҳ ўгирарди.

«Бунақа узун тасбеҳ билан йўлда отни савалаб кетса ҳам бўлади!» – деди унга кўз қирини ташларкан Темур.

Иккинчиси эса қўлини кўксига қовуштириб, кўкрагини олдинга чиқариб турарди.

Ёстиққа суянган ҳукмдор билан новча доминиканликлар ўртасида Шоҳ Малик турар, хужрада бошқа ҳеч кимса йўқ эди.

Улар Султонияга, Султония епископи олдида кетаётган эдилар. Бу ерда Темурни учратамиз деб ўйламагандилар. Константинополда уларга, Темур ҳали Султонияда деб айтган эдилар. Трабзонда, Темур Шамохийда деб айтишдилар. Фақат бу томонга кела-

ётганларида йўлда ҳукмдор ўз қўшини олдида деган гапларни эшитиб қоладилар.

– Менинг қаердалигимни билиш сизларга нима учун керак бўлди?

Босқинчига ўхшаш роҳиб бошини янада чапроққа буриб, Темурдан кўзларини узмай, ҳукмдорнинг гапини шеригига таржима қилиб берди.

Биринчи роҳиб дўриллаган товуш билан:

– Айт, Сандро: биз улуғ амирга мурувватли қироли-мизнинг мактубларини албатта топширишимиз керак, – деди.

Сандро унинг гапини таржима қилиб, ўзидан ҳам кўшиб кўйди:

– Модомики, биродар Франциск мактубни топширмоқ ниятидадурлар, бизнинг нарига йўл босишимиз маъносиз бўлган бўлур эди.

Франциск тасбеҳни эпчиллик билан сўл қўлига олиб, чопонининг қатидан най қилиб ўралган қоғозни чиқарди, Шоҳ Малик уни қабул этиб олди.

Аммо уни ўқимоқ учун икки ўрамни ҳам Сандрога берди. Сандро бош эгиб таъзим қилиб, биринчи мактубни очди.

Бу Франция қироли, Олтинчи Карл Валуанинг Улуғ амир Темурбекка, Франциск Сатрага ишонч билан қарашни илтимос қилган мурожаати экан, Франциск Сатрага қиролнинг мактубини топшириш ва воқеаларни сўзлаб бериш топширилган. Султониядаги епископ Иоанн ҳали бу тўғрида улуғ амирга хабар қила олмаган, чунки Иоаннинг ўзи булар тўғрисида ишончга сазовор Францискдан эштади. Илгари Султонияда турган ва эндиликда Франция билан Султония епископи ўртасидаги алоқани мустаҳкамламоқ учун яна ўша томонга қайтувчи, шунингдек, Генуя ва Венециядан улуғ амир тупроғига келувчи савдогарларга ғамхўрлик қилиш учун Сандрога ваколат берилади.

Мурожаатномани эшитар экан, Темур Сандрога разм соларди, чунки у орқали қирол Карлга бир мактуб йўлланган эди. Аммо унда қиролга ёзилган мактуб епископ Иоаннга топширилган эди. Иоанн эса мактуб билан ана шу Сандрони юбортирган эди. Сандро ҳақида Иоанни кейинчалик Темурга шундай деган эди: «Биродаримиз денгиз гирдобининг ҳайқириғини орган садосидан афзал кўради, черковнинг тахта эшагидан кўра отда бикир утиради».

Қиролнинг мактуби Боязидга биринчи мактуб йўлланган кўкламда Темур томонидан юборилган мактубга жавоб эди. Уша кунлари уша епископ Иоанн орқали, лекин бошқа чопар билан Темур Англияга, қирол Генрих Ланкастерга мактуб йўллади. Генрих вақтида жавоб қайтара олмади.

Темур:

– Редифранс сизга ишонишни илтимос қилган экан, мен ишонаман, – деди.

Иккала доминиканлик ҳам икки букилиб таъзим қилди.

Шундан сўнг, Сандро мактубни ўқиб, қиролнинг мактубини шу он форс тилига таржима қилди:

«Карл, шафқатпаноҳ французлар қироли, улуғ шоҳ Темурбекка дуои саломлар бўлсин!

Улуғ Амир! Подшо ва ҳокимлар тил ва дин фарқи-га қарамай яхши ният билан ўзаро ҳурмат ва дўстлик ипларини маҳкам боғласалар, бу на қонун, на дин ва на ақлга хилоф эмас, уларнинг фуқаролари ҳам бу туфайли тинч ва осойишта бўлурлар. Шунга биноан, улуғ амир ахборингиз учун: Роҳиб Иоанн, епископ, биродаримиз Сандро орқали нома юбориб, бизга соғ-саломатлик тилабсиз ва бизнинг ишларимиздан хабардор бўлибсиз, сафаримиз ва зафарларимиз ҳақида хабардор қилишимизни сўрабсиз. Булар тўғрисида

Константинополда ҳозир бўлган Франциск сўзлаб берар. Сизнинг қиличингиз тиғи бутун дунёнинг ва шу жумладан сизнинг душманингиз Боязид устига ҳамла қилса, худонинг марҳамати-ла улуғ фойда келтирар ва бир-биримизга савдогарларимизни юбориб осойишта ва беҳалал савдо-сотик қилурлар, деган яхши ниятларимизга йўл очур. Боязид хусусида сизнинг ниятларингизни роҳиб Иоаннга оғзаки маълум қилсангиз, у Сандро орқали оғзаки бизга маълум қилса, биз ҳам сизга ёрдам қилган бўлур эдик. Кўп христианларга, бизнинг фуқароларимизга савдо-сотик ва динимиз йўлида сизнинг қўл остингиздаги ўлкаларга беҳалал бориб келишларига кўрсатган марҳаматингиз учун ташаккур ва саломларимизни йўллаймиз. Биз ҳам ўз томонимиздан бизнинг ўлкамизга қадам ранжида қиладиган фуқароларингизга зарур вақтда керагидан ортиқ даражада ёрдамимизни аямаймиз.

Милодий бир минг тўрт юзинчи йил, июль ойининг учинчи куни, Парижда ёзилди».

Темур бу номанинг ҳар бир сўзининг маъзини чақди.

– Редифранс, шонли қиролнинг буюк музаффарияти тўғрисида Франциск хабар қилади деб ёзибди.

– Буюк музаффарият, буюк музаффарият! Венеция императори ёрдам сўраб мурожаат қилди, бизнинг тақводор шоҳимиз унинг илтижосига қулоқ осди. Бир минг уч юз тўқсон тўққизинчи йили қиролимиз император Мануилга ёрдам учун Маршал Бусикони ўн етти кемада икки минг рицарь ва жасур аскарларни юбортирди. Улар Константинополнинг оч қолган халқига кўп ғалла олиб келдилар, ҳам Ғалата ва Пердаги оғайниларимизга маънавий ёрдам қилдилар. Аскарлар Константинополда кемалардан тушиб Босфор ва Геллеспонтдаги кўп қишлоқ ва қалъаларни ишғол қилдилар. Усмонлилар у ерлардан қочдилар ва бу нар-

са бизнинг одамларимизнинг руҳини жуда кўтариб юборди. Шу ғалабадан сўнг император Мануил христиан қироллигига ташриф буюрмоқ учун хотиржам жўнаб кетди.

Сандро унинг гапини таржима қилар экан, Франциск Темурнинг юзига тикилиб қараб турди; бу гапнинг таъсири қандайлигини, муғуллар ҳукмдори фаранг баҳодирларнинг қаҳрамонлигига қойилми, йўқми – билиб олмоқчи бўлди.

Темурнинг қорача юзида ўзгариш кўрилмади.

Шундан сўнг Франциск деди:

– Агар улуғ амир ўз томонларидан Боязидга зарба берсалар, бизнинг диёнатли қиролимиз буни савобли иш деб билдилар. У киши ёрдам бериш ва иттифоқ бўлиш ниятидалар.

Темур бетоқат бўлиб шу сўзларни кутмоқда эди. Унинг қоши андак пирпираб қўйди, Франциск эса буни яхшилик аломати деб билди.

– Биз музаффар Редифрансга ёзамиз, – жавоб қилди Темур. – Амирингизнинг кўксига бу туркка қарши доимий адоват ҳукм сурсин. Сизнинг марҳаматли қиролнингиз ўз томонларидан туркларга зарба бериш учун бошқа подшоҳ ва рицарларни даъват этсалар, биз рицарларга ёрдам қўлимизни чўзмай қўймаймиз. Бунинг бизга фойдаси тегади, ғалаба соатини яқинлаштиради. Епископ Иоанн ўз қиролига одам юбортирса биз бу хусусда ёзмай қўймаймиз. Султонияда Иоанни шу тўғрида хабардор қилиб қўйинг.

Ғалата ва Пера – Константинополнинг теварагидаги савдо-сотик жойлари француз қироли қўл остида эди. Француз қироли ўша йиллари Генуя ва Венецияни ҳам идора қилар эди. Унинг сўзи билан савдогарлар Боязидга кема сотиш ёки ижара қўйишдан воз кечишлари мумкин эди.

Аmmo бу ишни сира кечиктириб бўлмасди. Доминиканликларнинг Султонияга жунашини кутиб утирмасдан мактуб йўллаш керак.

– Сизлардан қайси бирингиз қиролга менинг жавобимни етказасизлар?

Доминиканлар бир-бирларига қараб олишиб, жим турдилар.

– Ҳозирми, эртагами?

Доминиканлар тараддудландилар.

– Йўл харжингиз учун бир ҳамён олтин ва қиролингизга яхши совға-салом. Хўш, биродар Сандро, нима дейсан?

Бу ўғрибашара роҳиб катта ишонч қозонган эди. Темур Шоҳ Маликка уни кўрсатиб:

– Уни йўлга ҳозирла. Ҳамма зарур нарсани бер. Мактубни эрталаб олар, – деди. – Эрталаб, изига – Трабзонга от солдириб кетсин. Ундан отни учуриб Парижга!

Тўсатдан Францискдан сўраб қолди.

– Сизларда Ғалатада очлик дейишади. Одамлар ўлаётган эмиш, шу гап ростми?

Роҳиблар бу гапдан довдираб қолдилар.

– Жудаям очлик.

– Шундай-шундай.

Уларнинг жунаб кетишга розилиklarини олмаёқ жавоб бериб юборди. Боязидга икки томонлама зарба беришга қарор қилинди. Бунда ҳеч қандай найранг, ҳеч қандай тезлик Боязидни сақлаб қола олмас эди.

Роҳибларга жавоб бериб юборганидан кейин хужрага кўкиш шуъла тушаётганини пайқаб қолди: Арзирум осмони ёриша бошлади, совуқдан тўнғиб қолган бу хужрага дарча тирқишидан қорнинг акси тушиб турарди.

Роҳиблар кетидан Темур ташқари чиқди. Музлаб қотиб қолган ерда тақаларнинг қандай тарақлагани-

га кулоқ солиб турди. Пулат тақаларнинг овозидан роҳиблар ўз отларида келганликларини пайқади. Ясси, темир тақа билан тақаланган, Темурга қарашли суворийларнинг от туёқлари бошқача овоз чиқарарди.

«Нега улар менинг отларимни миниб келишмади экан? Ўз қироллари Редифранснинг шаън-шавкатини сақлаб қолмоқчиларми-а?..»

Темур Франция қиролини шу ажиб ном билан аташга одатланиб қолган эди, чунки Генуя савдогарларидан эшитган Карл унвонини Редифранснинг номи деб ўйлаган эди.

Отлиқлар тунги совуқда заранг қотган кўчага отларнинг бошини буришлари билан тақаларнинг овози ҳам тинди. Ерга қапишган ясси Арзирум эрталабки ғира-ширада унсиз ястаниб ётарди. Шаҳар тумтайган, дов-дарахтсиз, манзил қурадиган бирор жойи йўқ эди, баъзи жойдагина кўҳна ибодатхона гумбази ва тепаси нураган бир неча минора диккайиб турарди.

Жимжит тонг маҳалида ёрдам сўраб қичқирган қаттиқ товушдан Темур ҳайратда қолди.

Темур ўша томонга қайрилиб қаради.

Емакхона олдида хазиначи қўли билан юз-кўзини тўсмоқчи бўлган курдни юзига, бошига қамчи билан саваларди. Териси ёрилиб, тизиллаб қон оқарди.

Иккинчи бир курд чопиб келиб, икки қўлини чузиб, шафқат сўраб ялиниб-ёлворди.

Аммо у етиб келгунча бўлмай, хазиначи қиличини суғуриб, гуноҳкор курдни қоқ бўйнидан чопиб ташлади. Иккинчи курдни ҳам чопиб ташламоқчи бўлган эди, лекин тўпланиб қолган аскарлар хазиначинини ушлаб қолдилар.

Темурнинг хужрага киргиси йўқ эди. Халойиқни ёнлаб ўтиб, емакхонага кирди-да, хазиначинини опкелишни буюрди.

Хазиначи етиб келди. У ўз ғазабини босмоқчи бўлса-да, лекин ғалати бўлиб, йиғлоқи еш боладек тит-рарди.

– Хуш, нима гап?

– Э, улуғ шоҳим! Мен гуноҳкор азимман!..

– Нима гап, айт!

– Курдлар ўғри, талончи экан. Тонг еришиши билан мен шу ерли армани муллани чақирдим. Қўлимизга машъал олиб, ертўлага бордик. Кеча арманилар, китобни сот, деб қистаб туриб олишган эди. Китобларни биз кўздан кечирганимиз йўқ, нима китоблигини билишимиз керак эди. Қопларни сўкиш, ҳар китобга қараб нарх қўйиш керак эди. Армани бу ишда билимдон кўринди. Қарасам, қоровулхонада атиги иккита курд бор, икковиям ичкарида ухлаб ётипти. Бошқалар қаёқда? Билишмайди. Ертўлани очсам, юзга гурил-лаб шабода уряпти, шабода ўткирлигидан соқолимни юзимга қапиштириб қўйди, машъаллар ғирғиракдан липиллаб қолди. Пастга тушиб қарасак, ертўла ичида бошқа йўл очилиб қопти, эшик ланг очик. Шундан шамол ураётган экан. Дарров қопларни қидириб қолдим. Кийим-бош солинган эллик етти қоп – ҳаммаси турипти. Китоб солинган қоплар йўқ. Эшикка чопдим. Тўғри полизга олиб кетилипти. Қорда кўндаланг из қолпти. Из қувиб кетдик. Ўзи нима гап деймиз. Иккита арман роҳиби чопилиб ётипти. Тирик қолган учинчиси қорда ўрмалаб турипти. «Ким сени шундай қилди?» «Қоровул курдлар». «Сен ўзинг бу ерда нима қилиб турибсан?» Суриштираман, бу роҳиблар тунда орқадаги яширин йўлдан кириб, китоб солинган қопларни судраб чиқиб кетиптилар. Қоровул курдлар буни кўриб қолиптилар-да, иккитасини чопиб ташлаб, учинчиси га улгуролмаптилар, бошқалари қочипти. Курдлар ҳам ўша қопларни кўтариб кетиптилар. Мен ухлаб

ётган курдлардан сўраб-суриштирдим, уйқусираб ҳеч жавоб қилиша олмади. Кейин чидаб тура олмай уларга ҳамла қилдим.

– Қоплар қаёқда қолди?

– Чопиб бориб қидираман.

– Сен билан бирга бўлган армани билмайдими? Уларнинг тили бир-ку, балки келишгандир?

– Ундан сўрамадим. Қизишиб кетиб иккитасини қулатиб қўйибман.

– Қизишиб!..

– Улуғ шоҳим! Мен гуноҳқор азимман. Қувиб топаман!..

– Сенсиз ҳам қувиб топадилар. Сен бориб бошқа қопларни ҳам текшириб кўр. Қизишиб, уларни елгезакда танлаб келгандирсан. Сендан сўраб-суриштиргунларича уларни йиғиштириб ол, кутиб тур.

Монастирдаги ўттиз роҳибдан ҳеч бирини топа олмадилар.

Тошлари ейилиб кетган тик зинапоядан монастир бошлиғининг ҳужрасига чиқдилар. У ичидан тамбаланган экан. Чақириқларга ичкаридан ҳеч қанақа жавоб бўлмади. Эшикни қилич билан синдирдилар. Дераза олдида катта стол турипти. Деворлар оқланган. Ичидаги суви музлаб қолган тақсимча. Катта ўриндиқ, серямоқ похол тиқилган кўрпача. Токчада дуонома, ўриндиқда ўлиб ётган чол. Ҳужрада бир бурдаям нон йўқ: очдан ўлган бўлса керак деган фикрга келдик.

Китоб солинган қопларни ким олиб кетганини ҳеч ким билмасди.

Йўл бўйлаб от солдириб қидириб кетишди. Аммо Арзирум йўллари тоғли. Музлаган ерда из қолмапти. Дара ичига тунда энгилгина қор ёққан, аммо сўқмоқлар қорсиз, тош йўлларда ҳеч қанақа из йўқ.

Тоғ бағрида кўпгина курд қишлоқлари, ундан ҳам тепачага ўхшаш арман ертўлалари кўп. Ҳаммасини қараб бўлармиди!..

Султон Муҳаммадхон билан Шайх Нуриддин етиб келишди. Шоҳ Маликдан дарак йўқ эди, холос. Андак мизғиб олмоқ учун пана бир жойга яширинган бўлса керак.

– Бу арманиларга бу ерда шунақа китоблар ёзиб кўрсатар эдимки, ҳеч эсларидан чиқмасди, – деди зарда билан Султон Муҳаммадхон.

Шайх Нуриддин уни ёқлаб деди:

– Бу монастирни кўмиб текислаб юбориш керак. Учраган арманини икки нимта қилиб ташлаш керак. Вой китобхонлар-эй!

Аммо Темур эътироз билдирди:

– Бу ер мадраса қилинсин. Унинг ҳужраларида одамлар Қуръон тиловат қилишсин. Бу арманларга панд бўлсин; уларнинг қадимий ибодатхонаси мусулмонлар ибодатхонасига айлантирилсин.

Шуларни деб Темур ўз ҳужрасига кириб кетар экан, котибни чақиришни амр қилди.

Гарчи офтоб тушиб турган бўлса-да, ҳужра ичи қоронғироқ эди. Котибнинг олдида шам ёқиғлик турар, ёстиққа ёнбошлаган Темур эса қиролга ёзиладиган мактуб устида ўйланарди.

Боязидни ҳеч бўлмаса ғарб томондан чўчитиб туриш керак эди. Бу нарса Болқон соҳилларида уни тутиб туришга имкон берарди. Ҳеч бўлмаса бир қисм қўшинини унга тобе болқон қўшини тўхтатиб туриши керак эди.

Котиб силлиқ қоғозни кафти билан бир неча бор текислади. Қамиш қаламни тирноғи билан текшириб кўрди. Кейин бирдан:

– Улуғ шоҳим! – деди. – Генуяликлардан бири Мурғ саройида уларнинг француз қироли ақлдан озганини гапириб берди.

Уни қамаб қўйишармиш, ўзига келгач, яна француз ерларини идора қилиш учун чиқармиш. Ҳамма фармон ва мактубларни, дейишади, унинг номидан бошқа кишилар ёзар эмиш.

Темур котибга ҳатто кўз қирини ташламай, деди:

– Ундан бизга ақл-фаросат эмас, қилич... керак. Ёз... Темурнинг илгариги хатлари эсида турган котиб форс тилида кириш қисмини ёзди: «Амир Темур Қурагонийнинг умрлари узоқ бўлғай!...»

– Ёз: «Подшоҳ Редифрансга.

Дўстингиздан дуои салом бениҳоядин сўнг сўзимиз шул:

Сиз улуғ подшоҳга етиб маълум ва равшан бўлғай-ким, бу ерга ташриф буюрган роҳиб Франциск сизнинг шоҳона мактубингизни топширди ва сиҳат-саломатлигингиз ҳамда улуғвор куч-қудратингиздан бизни хабардор этиб, бахтиёр этди.

У киши беҳад кўп қўшинингиз қилаётган юриши ҳақида ҳам бизни хабардор этди. Худонинг марҳамати билан сиз билан бизнинг душманларимиз ер билан яксон бўлибдир.

Бизлар бундан сўнг ҳам сизнинг сиҳат-саломатлигингиз ва музаффариятларингиз ҳақида шоҳона мактубларингизга муштоқмиз, токи бу хушxabарлар бизларга ҳузур-ҳаловат ва хурсандлик бахш этсин.

Бизлар бундан сўнг ҳам ўз қўл остимиздаги ерларда сизнинг савдогарларингизни иззат-икром ва марҳамат билан қабул этгаймиз ва аларга сизнинг юртингизда бизнинг савдогарларимизга кўрсатиладиган иззат ва ҳурмат кўрсатгаймиз. Аларга ҳеч кимса зиён-заҳмат ва зўрлик қилмайдур, алардан ортиқча бож

ундириб олмайдур, чунки дунёнинг ободлиги савдогарларимиз туфайлидур.

Бизларнинг орамизда ечилмаган бирор муаммо борми ўзи?!

Сизнинг салтанатингиз кўп йиллар саодатли бўлсин! Сизга салом ва осойишталик тилаб...»

Котиб номани тугатиб, сиёҳини қуритиш учун ёниб турган шамга тутди, сўнгра уни Темурга узатди.

Хукмдор бармоғидан муҳр-узукни ечиб котибга узатди. Бу тамға бўлиб, учбурчак шаклдаги уч узук эди.

Бу муҳрнинг қирғоғига Темурнинг: «Рости дуристи – ҳақиқат сақлайди» деган шиори ўйиб ёзилган эди.

Котиб узукни камоли ҳурмат билан қоғозга босди. Ўйланиб туриб, яна бир қарра босди.

Котибга жавоб бергач, Темур Шоҳ Маликни чақиртирди. Уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган, шинқираган қизғиш юзида йўл-йўл оқ чизиқлар пайдо бўлган Шоҳ Малик дарҳол етиб келди. Аммо Темур уйқудан туриб келиш унинг учун оғир бўлганлигини тушунди. Афтидаги йўл-йўл чизиқлар эса ёстиқ излари, қизарган кўзлари эса эндигина туш кўраётган эди.

Темур Шоҳ Маликнинг уйқусираган юзидан кўзини олиб қочиб, роҳиб Сандрони йўлга тайёрлаш, агар унга малол келмаса Францискни ҳам ҳозирлаш туғрисида фармон берди.

– Улар кутиб туриптилар! – жавоб қилди Шоҳ Малик нохушлангандек.

– Уларни бу ерга олиб кир, айтадиган гапим ҳам бор. Боязид Редифранснинг зарбидан чўчиб туриши керак. Бу нарса уни денгизнинг нарёғида ушлаб туради. У ушланиб туриши керак!.. Ҳамма гап шунда. Демак, роҳиблар тайёр...

– Олтиннинг ҳидини билгач, уйқунни ҳам унутдилар!

– Шоҳ учун совғалар-чи? Нималар совға қилинганини ёз, у ерда ҳам ҳар хил одамлар бор. Роҳибларни яхшилаб овқатлантир.

– Вақтлари зиқ, шошилишяпти. Бугун Ҳасанқалъа, эртага Хинисга етиб боришлари керак.

– Чақир уларни.

Доминиканлар киргунча Темур шошиб-пишиб чопинини ўзгартириб олди, шамни олиб чиқиб кетдилар, лекин жаҳонгир Арзирумга келганидан бери икки кунгача ухлашга фурсат топа олмапти-да, деб гумон қилмасликлари учун кўрпа-тўшаги қолдирилди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ КУРДЛАР

Шаҳарнинг тақдири ҳам одамларнинг тақдирига ўхшайди: шаҳарлар ёшлик йилларида қувноқ овозлар ва кўшиқларга тўлиб-тошади, шон-шараф қозониб, донглари чиққан йилларда эса чиройига чирой кўшилиб, бойийди. Аммо ҳодисалар карвони бошқа йўлга бурилиб кетган тақдирда эса шаҳарлар унутилиб юборилади. Шунда шаҳардан путур кетади, унинг ўтмишдаги мағрур номи қадимий харобаларга дуч келиб, унинг ҳувиллаб қолган чалдиворларига қадам кўйган, ғалаба ва шодликларини кўрган, тупроғини оёқости қилган кимсаларда аччиқ кулги ёки алам уйғотади.

Қадимий Тержон шаҳрида кўпгина улуғвор ҳодисалар рўй берган, кўпгина буюк хоқонлар ва донолар унинг паноҳида макон топганлар; эндиликда бу шаҳар ғарбдан шарққа ўтувчи йўлда – Арзинжон билан даҳшатли шаҳар Арзирум ўртасида бир карвонсарой вазифасинигина ўтамоқда.

Арзинжонда Боязиднинг кўриқчи аскарлари турар, Арзирумга эса Темур кириб келган эди. Тержон

икки азамат куч ўртасида қолди; гарчи бутун оламни даҳшат ҳиди босган бўлса-да, Тержон эндигина асрий мудроқдан уйғониб, жонланмоқда эди: фақат бозор майдонларидагина эмас, балки пастқам кўчаларда ҳам савдогарлар уймалашиб, шошиб-пишиб энг ичида савдо-сотик қила бошладилар. Арзирумдан савдогарлар кўпгина музаффариятли жанг йўлларидан қайтган аскарлардан арзон-гаровга сотиб олган молларни келтирардилар. Арзинжон олиб-сотарлари ҳар бири кучи етганича қул, кийим-бош, от, гилам ва мис асбобларини сотиб олиб кетар эдилар.

Жангчиларнинг ўзлари ҳам пайтдан фойдаланиб, ўнбошиларнинг ўткир кўзларини шамғалат қилиб аскаррий ўлжаларни пуллаб олар эдилар.

Асирлар қул ўрнида сотилар, асиралар вақтинча пулланар, болаларнинг эса нархи арзон эди. Қиш яқин қолганидан отлар арзонлашган эди. Тавра тоғларидан яйловга совуқ бўронлар эрта эсган эди.

Гоҳо тор бир кўчадан ҳеч кимга қарамай бирор саркарда чиқиб келар, қўлидаги қамчисини уйнатиб, олисларга назар ташларди. Одамлар чўчиганларидан унга йўл бўшатиб берар, унинг кетидан эса бурнига мис ҳалқа таққан жулдур кийимли ёки пешонасига қора суртилган ёки хўжаси томонидан юзига куйдириб тамға босилган қул ёки бадқовоқ бир аскар, одамларга қарамай, узун қоплар ёки эса тойлар ортилган, мингбошилар ва доғули айғоқчилар назаридан олиб қочилган ўлжа молли икки-уч туяни арқонидан етаклаб ўтар эди.

Бозордаги корчалонлар бунинг қанақа мол эканлигини билишга ошиқиб унинг орқасидан эргашарди; ўзини гўлликка солган ўнбоши ёки юзбоши бирор хилват кўчага кириб савдолашгунча эргашиб бораварди.

Бундай корчалонлар билан учрашишдан қурққан аскарлар теварак-атрофга аланглаб, қўйниларидан кумуш исирға олар, ё қон сачраб қотиб қолган, баъзан аёл кишининг гажак сочлари ёпишган бир булак зардўз мато чиқариб кўрсатарди. Оёқ ости лой эди. Одамлар лойга ботмаслик учун нураб қолган деворларга қапишиб, турган ерларида савдолашар эдилар. Гоҳо пичоқ ёки ханжарларига ёпишиб қолардилар. Бошқалар эса гуноҳга ботишдан ўзларини четга олиб қочардилар. Аммо бир оздан кейин яна савдо-сотикқа берилиб кетар, янги молларни кўздан кечира бошлар, яна авраш йўлига ўтар эдилар.

Ҳар қайсиси йўл-йўлакай шивирлаб ўз молини мақтаб чақирарди:

– Чопон сотаман! Ҳаммасини сотаман кетаман. Янгигина. Андазаси арманча. Мовутдан. Шоҳидан. Опқолинг, қопи билан. Улгуржисига олаверинг.

– Ҳой! – деб кўзини қисиб чақиради бошқаси. – Иккита ойдек жонон бор. Сотиб олган киши пул ахтариб кетди. Опқолинг...

Соқолига оқ оралаган аскар жойидан қимир этмай, этигининг кўнжига тизгин билан уриб туриб, хириллаб чақиради:

– Олиб қолинг. Яхши от. Саҳройи...

– Меники суқсурдек. Бозорнинг олди. Суқингиз киради...

– Унинг ёнидаги савдогарнинг жаҳли чиқиб пихиллайди: «Суқ кирармиш-а!» Сарой тўлиб ётипти бунақа отларга!.. Чопон сотаман деяётган ким бўлди? Қопда нечта бор?..

Темур билан Боязид ўртасида кушандалик кучайиб борса-да, лекин улар орасидаги савдо йўллари қисилиб қолмаган эди; бу ҳукмдорларнинг ҳар қайсиси ҳам ўзини савдо-сотик ишларининг ҳомийси, карвон

йўлларида ва саройларида савдогарларнинг ғамхўри қилиб кўрсатар эди. Бу беғараз олижаноблик эмас эди, чунки ҳар бир ҳукмроннинг ҳам кўпгина карвонлари қатнаб турарди. Аммо улар ўз номини бошқанинг этаги билан яширишга ҳаракат қилар эди. Темурнинг молларини Самарқанд ёки бухоролик савдогарлар ташиб келтирар, Боязид эса гонуяликлар орқали иш кўрар эди. Миср Султони Абул Фараж арман ёки греклар орқали иш олиб борарди.

Абул Фаражнинг қўл остидаги ерлардан, Дамашқдан, Боязид ерлари орқали, Сивас ва Арзинжон орқали илгаригича Арзирумга карвон ўтар, у ердан Темур қўл остидаги ерлар орқали Табриз, Теҳрон, Форс денгиз соҳилларига, Басра ёки Буширга, у ердан юклар кема-ларга юкланиб, Ҳиндистонга қараб сузиб кетади.

Бурунгича карвонлар қатнар, илгаригича, туялар бир маромда оҳиста тебраниб, кўнғироқларини даранглатиб борар, йўл бошловчилар эшак устида бўғиқ овоз билан хиргойи қилиб кетар эдилар.

Музлаган тик довон орқали, туман босган водий ошиб Арзинжондан Табриз йўлига катта карвон чиққан куни Тержон устини қуюқ қора булут қоплаб олган эди. Туяларнинг шокилали оғир гажимлари осилиб ётар, баланд қилиб ортилган юклар йўл-йўл палосларни ёмғирдан сақлар эди. Ҳалаб карвонларининг донғини чиқарган оқ чиғаноқли гилам нўхталардан карвоннинг Нил дарёси соҳилларидан ёки Ўрта денгиздан келганлиги ва ўз юкларини йироқ ўлкаларга олиб кетаётгани билиниб турарди.

Яқиндагина кўнғироқлари қорли Тавра тоғларида даранглаган карвон энди шаҳар бўйлаб кетар, энди бу кўнғироқлар садоси ҳозир масжид қилинган муқаддас Григорий собори деворлари остидан, Богородица черковининг ҳашаматли гумбазлари, шаҳар ҳаммоми,

бозорлардаги буғ босган пастак ошхоналар ёнидан ўтиб, Арабхон карвонсаройининг дарвозаси очилиб, кўнғироқ овозлари тинган, чўккалатилган туяларнинг юклари бўшатишгунча акс садо бериб турди.

Туялар кетидан Арабхон саройига кабобпаз ва ошпазлар югуриб киришиб, қозон ва манқалларини қўриб юбордилар.

Ҳамма ёқни ёғ иси ва кўкиш тутун босди.

Лойдан сакраб ўтиб, Арабхон саройига бозор корчалонлари ва бекорчилар югуришиб келдилар, чунки бу ерга янги молларгина эмас, янги хабарлар ва одамлар ҳам етиб келган эди. Уларни кўриш ва чет юрт савдогарлари билан саломлашиш мароқли эди.

Такасалтанглар гумбаз остида қаттиқ шанғиллашиб гаплашар, бу билан гўё, бизсиз бозорда иш битмайди демоқчи бўлур эдилар. Асл савдо-сотик ишлари билан келганлар эса кўзга чалинмас мол тўғрисида шивирлашиб сўзлашар, янги хабарларни зимдан суриштирардилар.

Туялардан юкларни бўшатдилар. Кейин уларни турғизиб, сарой кўрасидан олиб чиқиб кетдилар. Дам олгандан кейин карвон юкларини яна нарига олиб кетар, Тержонга келган савдогарлар ҳеч қандай олди-сотди қилмай жўнаб қолардилар.

Арабхон саройининг эгалари яхши хўжраларга гердайган араб савдогарларини қўйганликларидан, яхши хўжралар банд эди. Аммо араблардан бир четда камсухан, эскирган чопон, ёмғирда хўл бўлган салла ўраган бир киши пайдо бўлиб қолди. Ингичка ҳассасини қўлтиғига қистириб, эшак устидан хўржунини олди-да, сарой эгасидан эҳтиром билан талаб этди:

– Тақсир! Менга четроқдан тинчроқ бир хўжра керак.

– Хўжра?..

– Аввал мана буларни жойлаштиринг. Мен кутиб тураман. Кейин мени хужрамга бошлаб борасиз, – у кафтидаги узук тамғали мис тахтакачни кўрсатди.

У эҳтиром билан икки букилиброқ хужра кутиб турарди, тажрибакор сарой эгалари ҳам бу одамнинг кўпни курган, ўзи пишиқ одамлигини дарров пайқаб қолдилар. Меҳмонни куттириб қўймадилар.

У хужрага кириб, деворга хуржунини суяб қўйиб, ҳассасини тўқиллатганича бозор айлангани чикди. Бу одам суғноқли савдогар, жаҳонгирнинг ишонган гу-маштаси Мулла Қамар эди.

У топшириқни бажариб ўз хужаси олдига қайт-моқда эди: у Темурнинг ҳинд моллари ортган карво-нини Самарқанддан Эрон ва Боязид ерлари орқали бошлаб келган ва Дамашқнинг ғала-ғовур бозорига-ча етиб келиб, Темур томонидан ўзига топширилган ҳамма қимматбаҳо молларга тегишли харидор топган эди.

Дамашқ савдогарлари нодир ҳинд молларига кўп-дан бери чанқоқ бўлганликларидан, бу молларга қан-чадан-қанча харидорлар топилишини пайқаб, зур бериб нархини ошира бошладилар. Бир-бирларидан хавотир олиб, молнинг бошқа қўлларга ўтиб кетиши-дан қўрқиб тезроқ фойда кўриш учун шошиб қолди-лар. Мулла Қамар индамай, шошилинидан сақланиб, пайт пойлади. Мулла Қамар молларининг довруғи ҳамма бозорларга тарқалди. Турли расталардан харидорлар кела бошлади. Улар бир-бирларидан ўзи-шиб, нархни оширавердилар. Аммо Мулла Қамар пайт пойлайверди. Молнинг баҳоси ўйлаганидан ҳам анча ошиб кетганидан сўнг, катта фойда бараварига пуллаб қолди. Харидор нақадар сабрсиз бўлса, савдогар шунча сабрли бўлиши керак. Мулла Қамар Суғноқдалигидаёқ бу насиҳатга амал қилганди. Нодир мол сотганингда

бунақа молни сендан бошқа киши олиб келмаслигига ишонсанг, кутиб пайт пойлаб тур, токи харидорнинг кўзи куйсин, қўллари қалтирасин ва ҳамёни бўшашиб кетсин. Суғноқда саҳройилар билан савдо-сотик қилганда бу қоидага риоя қилишни ўрганганди. Саҳрода хар қанақа мол осонликча пулланади, чунки у ерда ҳеч нарса йўқ, одамга фақат ғалла ва рўзғор анжомларигина эмас, балки кийим-бош ва ширинлик ҳам зарурдир.

Бу ер на чўл ва на саҳро, бу ерда ажойиб шаҳар моллари тўлиб ётипти, аммо уруш туфайли Ҳиндистон йўли анчадан бери кесилиб қолган. Уруш бир бозорни хароб қилиб, иккинчисини бойитади. Савдогарларнинг бутун ташвиши ҳам харобликка юз тутган бозордан молни тезроқ олиб чиқиб кетиб бошқа бозорга чопиш, рақиблардан илгари уни тезроқ ёйиб сотишдан иборатдир.

Мулла Қамар Дамашқ, Брусса ва Ҳалабда эллинлар, римликлар ёки византияликлар даҳоси билан қурилган ибодатхоналарга, художўй зиёратчилар борадиган қадамжоларга, масжидларга қадам ранжида қилиб ўтирмади, усталар меҳнат қиладиган расталар, мисдан ва кумушдан, зар ва ипақдан минг хил ғаройиб нарсалар ясайдиган жойларга борди. Аммо Мулла Қамарни бу чиройли нарсалар ўзига тортмасди, иси бозор устини тумандек қоплаб маст-аласт қилган ҳавас келтирувчи таомлар ўзига мафтун этмасди, гўё одоб юзасидан лабларинигина кўк ёки қизил шол билан беркитиб олган, савдогарларни номаълум қоронғи бурчакларга чорловчи яланғоч раққосалар ҳам, яманлик дайдилар яширин сотадиган қора ичимлик ҳам қизиқтирмасди; гарчи бу мис кўзачадан кичкина оқ пиёлага қуйиб сотиладиган ичимликдан жаннат меваларининг ҳиди ва ҳароратли тананинг бўйи эсиб, унинг бир томчиси кишининг чарчоғини босиб, хафа-

лигини ёзса-да, уни ўзига жазм қилмасди. Дамашқда Мулла Қамар бу нарсаларни ушлаб тургани йўқ эди: бу ерда у қилич ва ханжарлар ясовчи темирчилар растасига кўзи тушиб қолган эди. Уни фил суягига лаъл қадаб ишланган соплар ва пичоқлар қизиқтиргани йўқ. Эгилиб синмайдиган қилич учун ҳар соп бопдир. Уни пулат ўзига мафтун қилиб қўйган эди. Аслаҳачилар қилич ясаб бўлиб ҳавога бир бўлак шоҳи матони улоқтириб, ялтираган қилич билан кесиб кўрардилар, Мулла Қамарнинг шу растага қатнамаган куни йўқ эди.

Дамашқ усталарининг пулат тоблашдаги шухрати Самарқандгача етиб келган эди. Аммо Мулла Қамар бу машҳур усталарнинг ишларини биринчи кўриши эди. Улар ўз ҳунарларининг сирини ҳеч кимга айтмасдилар. Усталарнинг қўйнига қўл сола билган кишиларгина бу сирнинг тагига ета оларди.

Темирчилик растасида Мулла Қамар дамашқлик машҳур аслаҳасоз усталарнинг номларинигина эмас, балки уларнинг шогирдларини ҳам билиб олган эди. Пулига қайишмай яхши усталардан яхши ясалган буюмларини сотиб олди. Бу касбни хўп томоша қилиб, иложи борича кўп нарсаларни хотирга жойлаб, қадимий шаҳар бўлган Ҳалабни кўрмоқ учун йўловчи карвон билан ўша ерга жўнаб кетди. Бу шаҳарнинг деворлари қалин ва бозорлари чиройли, кўчалари, расталари сон-саноксиз эди. Ҳунармандларнинг дўконлари жазирама иссиқдан тош гумбазлар билан тўсилган, тош гумбазларида хира даричалари бор эди. Бу ерда бутун Ўрта денгиз соҳилларидан келган савдогарлар билан олди-сотди қилинар, бу ердан Мармара денгизи соҳилларига ва денгизнинг нарёғига жун, пахта, мум, совун, писта, буғдой, турли доривор ва кўзни қувонтирувчи буюмлар олиб кетиларди.

Мулла Қамар Дамашқ ва Ҳалабда гоҳо ошхоналарда вақт ўтказар ёки римликлар ясаган тош супаларда

ўтирар, жазирама иссиқ вақтларда сергап бозорчилар тўпланиб салқинлашадиган ҳовуз бўйларида дам оларди.

У бегона одамларнинг гапларига қулоқ осар, ўзи сўраб-суриштирар ва бу шаҳарларнинг эгалари бўлган одамларни кўздан кечирарди.

Булар дадил ва сершовқин, лекин кўнгли очиқ одамлар эди. Бир ҳовуч хурмо билан бир коса муздек сув уларни ҳаётларида рўй берган бир омаддек суюнтирарди. Бундан ортиғини эса улар худои таолонинг улуғ марҳамати деб билардилар. Улар озга қаноат қилиб, ўзларининг киндик қони тўкилган жойларини сақлаб қолиш учун қурбонлар бериш ва қаҳрамонликлар кўрсатишга тайёр эдилар.

Мулла Қамар ўша вақтда Султон Боязид маскан қурган Бруссани бориб кўриш ниятида, йўл хавф-хатарларидан амин бўлиш учун армани мавозачини қидириб топди ва савдодан тушган пулни унга топширди. Унинг ўрнига мавозачилар куйдириб сирли тамға солган бир неча бўлак кўримсиз тери оливолди. Мулла Қамар пулни қайтариб оладиган кишиларнинг номини ёзиб олишдан бурун, мавозачи Мулла Қамардан қаёққа йўл олаётганини сўради.

Мулла Қамар пул ўзига қаерда керак бўлишини билмай иккиланиб қолди. Бу пулларни эсон-омон Самарқандга элтиб, қўлма-қўл қилиб жаҳонгирнинг хазиначисига топширсинми ёки бу ердан мол харид қилиб, Самарқанд йўлида фойдасига сотсинми, билолмай қолди. Мулла Қамар ҳамёнда ёки сандиқда сақланган пулни қадрламас, чет бир бозорда қўлдан чиқиб молга айланган, сўнгра бошқа бозорлар икки ҳисса кўпайиб эгасига қайтган пулгина одамни хурсанд қилиб тўйдирар эди. Гарчи омад юришмаганда озайса ҳам, бир куни келиб яна кўпаяди. Савдогар одамнинг бутун ҳаёти шундан иборатдир.

Мулла Қамар иккиланиб қолди: бирдан кўз унгида ғалати моллар пайдо бўлиб қолса, уларни олмай, бахтни синамай бўладими, ахир?

У арманидан Брусса, Сивас, Арзинжон ва Арзирумдаги мавозачиларнинг номларини ёзиб беришни илтимос қилди.

– Бе, – деди мавозачи армани.

– Савдогар ўзини қаерда мол кутиб турганини билладими, ахир? – деди Мулла Қамар шунча номни ёзишни истамаган мавозачидан шубҳаланиб.

– Мен ундай демоқчимасман, – деди эътироз билдириб армани. – Аммо бу йўллар бизнинг еримиз-да.

Бошқа бир армани ўзларининг йироқдаги хароб бўлган ватанлари тўғрисида эҳтиётлик билан шама қилди,

– У ердан ҳозир нимаям харид қилиб бўлар эди?

– Савдогарлар олдида уни қанақа мол кутиб турганини камдан-кам биледи, – деди яна Мулла Қамар.

Арманилар бир-бирларига қараб олишиб, Мулла Қамарни тўхтатиб қолдилар.

– Сиз Арманистонга борадиган карвонни қидир-япсизми?

– Мен аввал Бруссага бораман.

– Бруссадан Арманистонга ўтасизми?

– Худонинг иродаси бўлса.

– Биз бандасининг ердаги иродасини сўраяпмиз.

– Шунақа ниятим йўқ эмас: Бруссадан, Арманистон орқали...

– Мен сизни карвонбоши олдига бошлаб бораман, Бруссага етиб олгунингизча у сизга ҳамроҳ бўлади. У ерда сизни бошқа карвонбошига топширади. У сизга Арманистон йўлларида ҳамроҳ бўлади.

Мулла Қамар мавозачиларнинг нияти бузилдимикин, пулларим ишончли қўлларга тушдимикан-а, деб хавотирланиб қолди.

– Сизларга ташвиш орттириб нимаям қилдим-а?
– Биз сизга савдо-сотик ишлари хусусида гапиряп-миз...

– Агар ростдан ҳам савдо-сотик тўғрисида бўлса...

– Арманистон шаҳарлари вайрон қилинган. Оқсоқ чигатой шаҳарларимиз ва халқимизни талаб хароб қилди. Монастир ва ибодатхоналаримизнинг табар-рук тошларига ўт қўйди.

– Тош оловда ёнмайди, – деди Мулла Қамар, эъти-роз билдириб.

– Лекин муқаддас ёдгорликлар ва китоблар ку-йиб кул бўлмоқда. У ердан одамлар етиб келиб, дин бошлиқларимизнинг оҳ-зори ва даъватномаларини келтирдилар. Бу ерлик арманилар китобларимизни тутқунликдан қутқаришга ваъда қилдилар. Китоб-ларимизни христиан ерларида ишончли жойларда сақламоқ учун пул тўлаб қутқазиб оламиз. Биз Арма-нистонга ўз одамларимизни юбортирдик. Лекин улар қайтганича йўқ. Сизлар мусулмонсизлар. Сизларга ҳамма йўллар очик. Сизлар савдо-сотик ишларини яхши биласизлар; сизларда пул кўп...

– Агар яхши нарх берилса, нега мол келтирмаслик керак?

– Баҳоси-чи?

– Тарозининг бир ёғига кумуш қўямиз, бунинг усти-га йўл харжи берамиз.

– Ўтакетган сахийлик! – деб қўйди Мулла Қамар ва шу он ташвишланиб қолди. Савдолашмасдан туриб рози бўлиш унинг одатига хилоф эди. Лекин ҳаммаси-га олтин сўраса-чи, – бунинг маъносиз эканлигини у яхши тушунарди: улар тўппа-тўғри қатъий нарх бер-дилар, корчалон одам қўл силтай олмайдиган шарт-лар қўйдилар.

Шу он у ўйлади: «Бу молнинг арманилар учун қий-мати бор, аммо арманича ўқишни билмайдиган киши-

га бу китоблар оғир юк. Ҳаммасини кумуш билан пуллаш текинга олишдир».

Кейин у яна:

– Нархига келишдик, – деб қўйди.

– Қачон қайтиб келасиз? – деб сўрашди ундан. Буни Мулла Қамар ҳали ўзи ҳам билмас, ҳукмдорнинг иродаси номаълум эди. Мулла Қамар унга шунчалик пул топширганидан кейин Темур ўз савдогарига жавоб берармикан-а?

Шу он ўзи ақл югуртириб фаҳмлаб қолди: «Ҳукмдорнинг ўзида ҳам кўпгина арманча китоблар бордир, ахир. Тилсиз қоғозлар жаранглаган олтинга айлангилмаса уларнинг ҳукмдорга нима ҳожати бор?..»

– Ёзда! – деб жавоб қилди Мулла Қамар. – Бу мустаҳкам савдо-сотик аҳди эди.

– Ўзингиз ҳақингизда муқобил карвон орқали хабар қилинг. Сира кўрқманг – қанча китоб топсангиз, барини оламиз.

Мулла Қамар ҳамсуҳбатига таажжуб билан қараб:

– Қўлларинг очик, – деб қўйди.

– Дадил сотиб олаверинг, – деди армани. – Янглишмайсиз. Китобларни қутқариб қолиш – бизлар учун муқаддас бурчдир.

Улар Мулла Қамарга, неча ўнлаб китоб топишга муваффақ бўлганликларини айтдилар. Бу китобларни Венециядаги арман монастирига обориб сақлаб қўйганлар.

Мулла Қамарни ўз карвонини йироқ Бруссага олиб кетаётган жонсарақ грекка топширганлар.

Ҳалаб шаҳрига олти дарвоза орқали кирилади.

Мулла Қамар греклар карвони чиқиб кетадиган дарвоза олдидаги чанг ва иссиқ бир саройга тушди.

Бу ерда одам кўп эди. Кимдир қизиқиб узоқ сафар йўлини пойлар, кимдир катта фойда кўзлаб Ҳалаб

молини туяларга ортар, кимдир йўлга мунтазир бўлиб боқарди. Кўп тилларда сўзлашилган ғала-ғовур ичида Мулла Қамар грекнинг туяларга мол ортишини кун-бакун кутиб, арман китоблари устида хаёлга чўмар, арманиларнинг сахийлиги ва матонатидан ҳайратланар, бир оз овунмоқчи бўлганида эса халтасида доим бирга олиб юрадиган, Ҳофизнинг китобини қўлга олар эди.

Ниҳоят, туялар ўкиришиб, кўнғироқлар даранглаб қолди, Мулла Қамар жазирама сахро йўлидан Бруссага қараб йўл олди.

Ҳалабнинг соя-салқин пистазоридан кейин Бруссунга жаннатдек туюлди. Азим сарв дарахтлари виқор билан чайқалиб, ораларидан баҳор осмонидек шаффоф осмон кўриниб қоларди. Дарахтлар сийраклашган жойларда эса чиройли масжидлар, мақбараларнинг гумбазлари ва сарой арклари кўзга ташланарди. Соя-салқин катта чинор остида булоқ қайнаб ётар, оқ шоҳи чодира ёпинган аёллар мис кўзаларни жаранглатиб сувга келардилар. Шошиб-пишиб кенг яктак кийган араблар, катта жун салла ва туя жунидан кенг чолвор кийган турклар ўтар, оппоқ узун кўйлак ва қора желетка кийган греклар шанғиллашиб қаёққадир шошилишарди. Шаффоф матодан кўйлак кийган, шаҳдам қадам ташлаб кўзлари катта маврлар ўтарди. Кўк камзул кийиб, кўкрагини ўраб олган қора соч арманилар тумтайиб ўтар, ҳар ерда ҳозир генуяликлар ғизиллаб ўтиб қоларди. Ҳамма ёқ жулдур кийим кийган болаларга тўла, бу ғала-ғовур болалар кимники эканлигини фақат ота-оналаригина таниб оларди. Улар кўп тилларда сўзлашаётган одамларга халал бериб бир-бирларини чақиришар ва сўкишарди. Агар бу орага қарияларнинг амирона ҳайқириқлари қўшилмаганда эди, улар бир кунмас бир кун яхлит бир халқ

булиб аралаш-қуралаш булиб кетармидилар! Чунки Брусса шахрининг қувончи, ғам-ташвиши, ер ва осмон буларнинг ҳаммаси учун умумий ва ҳар бири учун умр бўйи жонажон эди.

Аммо бу кучалар, бозор ва халойиқ устида, вавилонлар ёки фиръавнлардан ҳимоя қилиш учун қурилган, римликлар қайта тиклаган қудратли шаҳар қалъаси юксалиб турар, ҳозир эса бу қалъа Султон Боязид қўшинлари ва хизматкорлари билан банд эди. Қадимий арман монастиридан қилинган, Довуд пайғамбар жомесида Боязид тоат-ибодат қилар, қаср деразаларига ўхшаш дарчадан у бутун оламга назар ташлаб ўтирар, гала-гала оқ қушлар Мармара денгизи томонга ёки Босфорга, Константинополга учиб ўтганини ўша ердан томоша қиларди.

Мулла Қамар савдогарлар ва зиёратчилар билан бирга қалъада бўлди, олти Султоннинг қабрини зиёрат қилди, Довуд пайғамбар жомесидаги Ўрхон мақбарасини бориб кўрди. Мақбара ва масжид ўртасидаги тор кучаларда, қадимий тошсаройларда Боязиднинг сара қўшинлари қоровул ва соқчиликда турар эди. Боязид бу ердан кенг шаҳарга, ясси томлар, дўппайиб кўринган гумбазларга, христиан ибодатхоналаридан ясалган ёки усмонли султонларининг ҳомийлигида янгидан қурилган кулранг деворли масжидларга қараб ўтирарди. Одамлар кучаларни тўлдириб кундалик ишлари билан у ёқ бу ёққа ўтар, аскарлар билан лиқ тула ва номи теварак-атрофдаги давлат ва ўлкаларни даҳшатга солиб турган султонни қўриқлаб турган қудратли деворларга қарамас ҳам эдилар; бу девор орқасида пайт пойлаб турган бир вабо яшириниб ётгандек эди.

Паст томондан қовурилаётган писта ҳиди, гоҳ куйган пиёзнинг аччиқ тутуни келарди.

Мулла Қамар Брусса шахри атрофларини ҳам айла-ниб, Усмонли давлатининг биринчи ҳукмдори Султон Усмоннинг мазорини зиёрат қилди. Агар Мулла Қамар Бруссани ҳимоя қилиб турган Усмонли қўшинларнинг чодирлари тикилган томонга қарамаганида, биринчи султоннинг мармар ва яшма тоши билан безалган мақбарасини завқ билан томоша қилган бўлурмиди!..

Мулла Қамар Боязиднинг отаси ва Сербия қироли Лазарни енгган Султон Муруднинг мақбарасини ҳам бориб кўрди. Ёш сарв дарахтларининг сояси дахманинг мармар тошлари устига соя ташлаб турганига Мулла Қамарнинг жуда ҳаваси келди. Сарв дарахти орқасидан Чигиртка номли қишлоқ мўралаб турарди. У чигирткалар эмас, балки Боязиднинг суворийлари турадиган манзил эди, у ердан отларни тақалаётган темирчиларнинг тарақа-туруғи ҳам эшитиларди.

Мулла Қамар ғам-ташвишсиз роҳат қиладиган биргина жой бор эди. Шаҳар яқинидаги олтингугурт ҳиди келиб биқирлаб турган «Каплижа» деган иссиқ булоқда у гоҳо чўмилар, гоҳо иссиққина гилам устида маза қилиб ётар эди. Ҳаммом эгалари унга ширинликлар келтириб хизмат қилишар, баъзан ҳолвадан ҳам ширин нарсалар таклиф этишарди.

Бу ердан чайқалиб турган сарв дарахтлари орасидан шаҳар ўзгача кўринар, улар ортидан миноралар, гумбазлар кўзга ташланарди. Бу ерлик раққосалар томошабинларнинг қалбини ана шундай мафтун этади, чунки уларнинг кенг чолворлари тўпиқларидан белларигача узун кертиги бўлиб рақс қилганда шўх жононни дам пинҳон қилиб, дам ошкор қилиб кўрсатади.

Аллақандай номаълум шаҳарлар ва кўрилмаган дилхушликлар йўловчиларни ўзига мафтун этмай қўймайди. Мулла Қамар ошхонада, туш пайтларида бозорда, дарахтлар соясида ёки гўзал Бруссада кўп

бўлган, мрамртош ётқизилган ҳовуз бўйларида ба-
фуржа суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўради.

Унга, бу ерлик савдогарлар ҳовли нархи, карвонса-
рой, ҳатто Константинополдаги грек монастирлари
нархи тўғрисида константинополлик греклар билан
келишиб қўймоқдалар деб айтишди; чунки Боязид
Константинополни ишғол қилса, бруссалик савдогар-
лар у ерда ўз хусусий мулклари бўлишини истармиш-
лар. Туркларнинг олижаноблигидан ҳайратга тушган
греклар, агар харидорлар бўлса шаҳардаги, улар уруш
ўлжаси қилиб тезда текинга олиб қўйиши мумкин
бўлган энг яхши биноларни арзимаган баҳога берар-
мишлар деб айтдилар. Ҳаттоки битим қилиш учун
гувоҳ тариқасида турклардан бир киши, христианлар-
дан бир кишини ўртага қўйиб келишиб олар эмишлар.

Унга, Султон Боязиднинг қўшини Константинопол-
га яқин келиб қолган, энди шаҳарга соҳилдаги тор бир
йўл билангина ўтилади, қиш чиқиши билан Султон
Константинополга бостириб киради, дейишди.

– Шарқ томондан эса Амир Темур бостириб кел-
моқда, – деб юборди Мулла Қамар бехосдан.

– Бе! – дейишди ҳамсуҳбатлари. – Бурнини тикиб
кўрсин-чи, улиги шу ерда қолади. Ҳали бизнинг Йил-
дирим Боязидга иши тушмаган экан.

Аммо эҳтиёткорлар қалъадан тарқаладиган миш-
мишларни айтиб:

– Султон Константинополни олиб, ҳар эҳтимолга
қарши француз рицарларини даф қилиб туриш учун
у ерга пойлоқчилар қўйишни, ҳамма қўшин бушага-
нидан кейин эса оқсоқ Темур устига юриш қилиб, уни
Каспий денгизига улоқтириб ташламоқчи, – дейи-
шарди, – у ўз салтанатининг ҳудудини Кавказ тоғла-
ригача кенгайтирмоқчи, кейин ўзига қарши курашга
ожиз бўлган Эронга юриш қилмоқчи бўлибди. Шунда

Усмонли давлатининг чегараси Бруссадан Басрагача кенгаярмиш!

– У ердан Ҳиндистон сари бир қадам, – деб қўйди бошқа бир киши.

Ошхонадаги бундай суҳбатлар Мулла Қамарни ўзига ҳар нарсадан ҳам қаттиқ жазм этиб қўйган эди.

Ниҳоят, Мулла Қамар Брусса шахрини кўриб тўйди, унинг тиниқ суви билан чанқоғини бостирди: куз ҳам яқинлашиб қолган эди.

Тоғдан шитоб билан оқиб тушадиган дарё суви Бруссани қоқ иккига ажратиб ўтар эди. Нариги соҳилда армани ва греклар яшар, бу ёғида эса мусулмонлар. Рим қуллари, эҳтимол, Ҳалабда сув қувури қурган ўша қуллар солган қадимий кўприкдан, тошқин дарё устидан ўтаётиб Мулла Қамар бош чайқаб қўйди: «Ҳалаб муъжизалари ҳақида эшитганим бор, лекин уларни кўриш насиб бўлгани йўқ».

Мулла Қамар мусулмонлар соҳилидан тор арман кўчаларига ўтиб, у ерда Брусса молларини Тавра тоғи орқали ўтказиб қўядиган Вахтанг оғанинг кўримсиз ёғоч уйини қидириб топди.

Бу ерда карвоннинг Табризга жўнашини кутиб, арманиларнинг осойишта ҳаётини, болаларнинг ўйинини, жун йигириб пайпоқ тўқиган ёки хамир қориш билан банд бўлган уринчоқ хотинларни кўздан кечирди.

Гарчи нонга кул ёпишиб қолиб, тиш орасида ғижирласа-да, чучук армани нонлари Мулла Қамарга ёқиб қолди. Арман хонадонидаги осойишта, танқис, камтар ҳаёт унга маъқул бўлган эди. Арманилар ўз урф-одатлари ва динига жуда содиқ кишилар эди.

Ниҳоят, карвон йўлга тушди.

Мулла Қамар эшак устида мудраб борар, эшак эса султон Боязиднинг кўп шаҳарларини босиб ўтиб кетмоқда эди.

Баъзи жойларда, саёқ юрган кишилар карвонга хужум қилмоқчи бўлдилар. Соқчилар билан босқинчилар қаттиқ олишиб қолдилар. Бир вақт босқинчилар карвонни йўлдан, соқчилардан уриб олдилар. Аммо кулранг салла ўраган кўримсиз кўкиш эшак устидаги бу йўловчини босқинчиларнинг кўпи пайқамай ҳам қолди.

– Зиёратчимисан? – сўрашди босқинчилар ундан.

– Зиёратдан қайтйпман, – деб жавоб қилди у. – Худо гуноҳкорни кечиргандек, мен осий гуноҳкорга сизлар раҳм қилинглр.

Босқинчилар баъзи нарсаларни ва Мулла Қамарнинг эшагини ўмариб кўздан ғойиб бўлдилар. Йиртиқ этиги, сарғиш лахтак чармларни назарларига илмай ташлаб кетдилар.

Мулла Қамар бошқа эшакка миниб кўп-кўп шаҳарлар, қалъалар, қишлоқлар, Боязид аскарлари, калондимоғ Усмонлилар хўжайинлик қилган карвонсаройларни орқада қолдириб, ўз йўлига қараб кетди. Бу жойларда савдо-сотик ишлари грек, арман ва генуялик савдогарларнинг чайир қўлларида эди.

Мулла Қамар бу шаҳарда бозорларнинг яхши-ёмонлигига, кўрғон деворлари мустаҳкамлигига, аскар кўп-озлигига сарасоп солиб борарди. Эшак эса бошини қуйи солиб шаҳар кўчасидан, баланд кўрғон ва қадимий миноралар ёнидан, Понт тоғлари сўқмоқларидан, баланд ва тубсиз Тавра тоғи сиртидан дикиллаб кетиб борарди.

Мулла Қамар қадимий кичик шаҳар Тержонга шу зайлда кириб келди, Темурнинг Арзирумда эканлигини эса дуч келган карвонбошилардан сўраб-суриштириб билиб олган эди.

* * *

Мулла Қамар майдондан ҳассасини тўқиллатиб, оёқлар лойга тийғаниб кетадиган кўчаларда ҳасса-

сига таяниб, савдогарлар ва молларга назар ташлаб, Тержонни айланиб чиқди.

У Темурнинг қўшини босиб ўтган йўлларни, улар Арзирумга ўтаётганда бутунлай хароб қилиб кетган мамлакатларни, раҳмсизлик билан ғорат қилинган Тержоннинг рутубатли тор кучаларини кўрди. Ўлжалар ҳаммаси илгариги эгаларининг ҳаёти билан бирга суғуриб олинган эди; бу хил моллар тупланган мамлакатга йўл олувчи савдогар учун булар мол эмас эди. Бури ғажиб кетган суяклар билан қорин тўйғизиб бўлармиди!

На отлар, на асиралар, на битта-яримта зирак ва на билагузук Мулла Қамарни қизиқтирмас эди. Бу нарсалар катта ҳодисаларнинг бир гардигина эди. Ишчан савдогар эса ўз улушини олмоқ учун ҳодисаларни ўзи яратмоғи лозимдир.

Мулла Қамар бирдан тўхталди.

Кимнингдир катта дарвозаси олдидаги супачада учта курд ола қопга китоб тахламоқда эди.

Мулла Қамар ҳазил аралаш қилиб:

– Нима сотяпсизлар? – деб сўради ва сийғаниб кетмаслик учун ҳассасига қаттиқ таянган эди, унинг синиб кетишига бир баҳя қолди.

– Китоб... – деб жавоб қилди курд, ҳамма зирак ва билагузук сотиб турган бир пайтда икир-чикир сотганлари учун уялиброқ.

– Нималар ёзилган?

– Ким билсин? Ичимизда манави биттамиз саводхон, лекин булар бошқа тилда ёзилган экан.

– Қанақа тилда?

– Ким уни...

– Қаердан олдинлар?

Курдларнинг бу саволга жавоб қилгиси келмади, лекин жавоб қилмасдан ҳам илож йўқ эди: чунки оғир

қопдан қутулиш учун уни бу ерга судраб келтирган эдилар.

– Арман монастиридан, арманилардан олдик.

– Бу қоп учун қанча берай?

Курдлардан иккитаси ўз ўлжасини пуллашга шошиб қолди. Аммо учинчиси оёғини тираб туриб олди.

– Қопи билан сотмаймиз. Арманилар бизга, асирга тўлагандек, ҳар бирига алоҳида тўлайдилар.

Иккитаси бир нималар деб тўнғилламоқчи эди, лекин учинчи саводхон курднинг Темур қўшинида ўнбошилиқ даражасига етиши эсларига тушиб жимиб қолдилар.

– Ҳаммаси кумушдан...

– Нархини айт! – деб шоширди Мулла Қамар.

– Биттасини бир асирга олишади...

Қайсар курд ўйланиб қолди. Кейин яна деди:

– Ҳар китобга икки асир. Шу ҳафта ичи жаҳонгир шундай деб кесиб қўйди. Арманилар кўрса савдолашиб ўтирмайди. Дарров олади.

– Ўша арманини қидириб топсак, бас, – деди бошқа курд гапга аралашиб. – Эски-туски кийимда ўралашиб юришувди.

– Қанча сўрайсизлар?.. Китобнинг ўзи қанча?

– Қирқтача бор...

– Қанча бўлади бу?

– Кумуш баҳоси.

Иккала курд саводхон курдни:

– Дарвозанинг ичкарасига кирайлик, йўловчилар утяпти! – деб қистади.

Лекин Мулла Қамар уларни ўз хужрасига бошлаб кетди: у ерда молни хотиржам кўриш мумкин эди.

Хужра ичига солинган эски палос устига номаълум кишилар томонидан ёзилган, қорайиб кетган китобларни ёйиб ташладилар.

Уч курд ва Мулла Қамар бу китобларга ҳайратомуз ҳадик билан қараб қолдилар. Бу китобларга шунақа пул тўлаб сотиб олишнинг маънисини тушунмасдилар.

Мулла Қамар омонат турадиган бу ҳужрасида китобларнинг нархи устида қаттиқ туриб хотиржам савдолашди.

Аммо қайсар курд савдогарнинг харид қилишдан бўйин товламаслигини фаҳмлаб, ўз гапида қаттиқ турди.

Улар узоқ талашиб-тортишмоқчи эдилар, лекин Мулла Қамарнинг бирдан йўл харжидан бўлак пули йўқлиги эсига тушиб қолди. Бу ердаги саррофларга лахтак териларни рўпара қилиб бўлмайди-ку: пулни ё Арзинжондан, ё Арзирумдангина олиш мумкин.

– Арзирумга бирга бориб ҳисоблашсак дейман, – деди Мулла Қамар уларга.

Қурдлар бир-бирларига қараб олишиб, китобларни яна қопга сола бошладилар.

– Шошманглар, бир оз таҳаммул қилинглар, – деди Мулла Қамар жонсарак бўлиб.

– Пулни чўзиб қўйинг, бизлар жунаб қолайлик.

– Шошмасанглар-чи!..

Мулла Қамар бунча пулни қаердан олиш тўғрисида ўйланиб шошиб қолди. Савдо-сотикдан ўз улушига тушган пулнинг анчагина қисмини бу жулдурвоқиларга бериши керак бўлиб қолди. Бу ер эса бегона шаҳар...

– Бирпас ўтириб туринглар, мен бориб пул опкелай.

– Бўлмайди! – дейишди курдлар қопқонга тушиб қолишдан кўрқиб. – Биз бу ердан кетишимиз керак.

– У вақтда мен сизларни қаердан топсам бўлади?

– Бизни ахтариб ўтирманг! Хайр!..

Шундан сўнг Мулла Қамар қайсар курднинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Шошмай тур, мен пул келтираман.

Мулла Қамар нақадар қистаб туриб олмасин, улар бу жойдан тезроқ жунаб қолиш ниятида эдилар.

Мулла Қамар шошиб-пишиб нархни оширди.

Лекин курдлар бундан чўчидилар: савдолашиб-савдолашиб, савдогар ўзимиз сўрагандан ошиқ беряпти-я, деб ҳайиқдилар.

Яна бир-бирларига қарашиб, бир-бирларини тир-саклари билан туртиб қўйдилар. Бири қопни елкасига олди, иккинчиси қопнинг бурчагидан маҳкам ушлади. Дарвоза олдида қоровул пойлаб турган бўлса керак деган хаёл билан учаласи ҳам Арабхона саройидан чиқиб кетди.

Аммо дарвоза очиқ эди.

Фақат кўчага чиққанларида ўзларига хира пашша-дек ёпишиб олиб, ўзида йўқ пулини ваъда қилаётган бу чолдан қандай қилиб қутулиб кетишни билмасдилар.

Мулла Қамар кўнглидаги бу молнинг қўлдан чиқиб кетаётганини кўриб, курдларни йўқотиб қўйишдан кўрқиб кетди. Уларнинг пайига тушган сари курдлар ҳам қадамларини тезлаштириб қолдилар. Мулла Қамар эса бу аҳволда пул топишдан умидини узиб қўйган эди.

У ҳадеб нархни ошираверди, саррофдан оладиган, Дамашқда қозонган фойдаларини ҳаммасини бермоқчи бўлди. Бировнинг, ҳукмдорнинг пулини бермоқчи бўлди, ахир уларни ортиғи билан қайтаради-ку!

Курдларнинг нима учун кўрққанларини англамаган Мулла Қамар мажולי борича улар кетидан қолмай чопарди.

Курдлар аллақачон кимсасиз кўчаларга, бир гала дайди итларни хуркитиб, қабристонга кириб кетган эдилар. Орқаларида мияси айниган чолдан бошқа ҳеч кимса йўқлигини фаҳмлагач, курдлар тўхталдилар.

Мулла Қамар нафаси оғзига тиқилиб, ҳассасини йўқотиб кўйганидан текис ерда ҳам қоқилиб кетарди, ниҳоят, фурсат берсаларинг сизларни пулга кўмиб ташлайман, деб ваъда қилди.

Қайсар курд шерикларига кўз қисиб:

– Боравер, биз кутиб турамыз, – деди.

«Қочиб кетишади», – деб ўйлади мулла Қамар. Аммо энди у нима қилиши керак эди?

– Пул олиб келаман.

– Биз кутиб турамыз! – деди қайсар курд яна ва эслатиб қўйди: – Олиб кел. Ваъда қилганингдан кам бўлса олмаймыз.

Мулла Қамар тийғончиқ йўлдан қўлларини кериб кетиб борар экан, пулни қаердан олсам экан, деб ваҳима қиларди. Қурдлар бўлса тараддудга тушиб қолдилар. «Чол пул ўрнига соқчиларни бошлаб келиб бизни секин ўратиб олса-я... Кетсак-чи!.. Шунча пул ҳеч қайси биримизнинг ҳам тушимизга кирмаган эди. Агар баравар учга тақсимласак, ҳар биримизга умр бўйи етади. Ҳар биримиз шоҳона ҳаёт кечирамыз!»

Улар китобларни шаҳарнинг бир чеккасидаги бирор кулбага обориб яшириш тўғрисида тил бириктирдилар, ўзимиз эса якка-якка бўлиб савдогар бу ерга қайтиб келадиган йўлда пана бўлиб турамыз. Шунда, ўзи ёлғиз келяптими ёки соқчи бошлаб келяптими, кўрамыз, деб ўзаро келишдилар.

Бу вақт мулла Қамар Арабхонага қайтиб келиб, сарой эгасини сўради.

Жуда семиз, юзлари қип-қизил хўжайин сийрак соқолини чимдилаб туриб, эрталаб жаҳонгирнинг тамғасини кўрсатган хатарли савдогарга мулойимгина қилиб секин қаради.

Мулла Қамар хўжайиндан Тержонда, катта фойда баробарига бир неча кунга, Арзирумга бориб пул кел-

тиргунимча жуда катта пул қарз бериб туришга қурби етадиган судхўр топиладими, деб сўради.

– Гарови нима бўлади? – сўради хўжайин.

– Менда гаровга қўядиган мол йўқ-да.

– Ундай бўлса ҳеч кимса бермайди.

Мулла Қамар жуда ғам-ташвишда қолди: афсонавий ўлжа қўлдан кетади!

Аммо хўжайин қўлини соқолидан олиб савдогарга узатди-да:

– Тамға-чи? Бу нарсани чиндан ҳам жаҳонгирнинг ўзи берганми? Қани, бир кўрсатинг-чи, – деди.

– Мана! – Мулла Қамар шошиб-пишиб қўйнидаги катта тамғали мис тахтакачни қидириб қолди.

– Қани!..

Хўжайин уни қўлига олиб секин томоша қилди.

– Чиндан ҳам ҳақиқий. Лекин шундай тамғаси бор савдогарда на пул ва на мол бор-а?

Мулла Қамар алам ичида этигини ечиб, у билан хўжайиннинг юзига нуқиб, бақирди.

– Мана!

Хўжайин нари сурилмоқчи бўлди, лекин бесўнақайлиги халал бериб қолди; гоҳ Самарқанд тамғасини, гоҳ йиртиқ этигини пеш қилаётган савдогар талотўп йилларда уруғи кўпайган бозордаги жиннилардан бўлса керак, деб ўйлади.

Хўжайиннинг чўчиб қолганини пайқаган Мулла Қамар, ниҳоят этигининг ямоқларидаги арманча тамғани кўрсатди; бу тамға бунақа лахтакларни кумуш ёки олтинга айлантирарди.

Ниҳоят, хўжайин тамғани гаровга қўйиб қисқа муддатга, Мулла Қамар ҳеч қачон эшитмаган катта фойдага пул берадиган судхўрни топиб беришга ваъда қилди.

Бунчалик катта фойда олишларидан ғазабга келган Мулла Қамар, Пайғамбаримиз (с.а.в.) бундай суд-хўрликни ман қилганлар, деди.

Хўжайин яна соқолини чимдиб туриб, мис тахта-качни савдогарга қайтарди-да, бир уҳ тортиб қўйди.

– Олган ҳам, берган ҳам Пайғамбаримиз(с.а.в.)нинг васиятини бузган бўлади. Аммо бунчалик пулни армани топиб беради. Мусулмончилик қоидалари арманига ҳам, армани билан муомала қилган одамга ҳам дахлсиз.

Мулла Қамар тамғасиз йўлга чиқиш ўзи учун анча мушкул бўлишини фаҳмлаб қолди. Чунки йўлларда ҳамма жойда жаҳонни забт этувчи қўшинлар дайдиб юрарди. Аммо китоблар бирорта арманининг қўлига тушмасдан бурун, курдлар бошқа бозорга, бошқа шаҳарга йўл олмасдан туриб уларни қўлга тушириб олмоқ керак эди.

Армани этикнинг қўнжини диққат билан кўздан кечириб, тамғани мулла Қамарнинг ўзида қолдириб, икки пой этигини гаровга олишга рози бўлди.

Талашиб-тортишишга ва ўй суришга фурсат қолмаган эди. Мулла Қамар этикни ечди.

Армани йиртиқ этикни эҳтиёт билан қўлига олиб, савдогарга бир ҳамён олтин ва кумуш санаб берди. Армани пулга қўшиб берган баймоқ кавушни шалопла-тиб, Мулла Қамар курдларни қидириб кетди.

Харобазорлар ичидан зўрға йўл топди. Бу жойларда курдларни учратолмай даҳшатга келди. Иккитаси олдига пусиб келаётганини пайқаб қолиб, ўзида йўқ суюнди. Қўлидаги бойлиги билан бу ерда якка-ёлғиз ва ҳомийсиз қолганини билиб юраги орқасига тортиб кетди. Ҳатто чақирса ёрдамга келадиган ҳеч кимса йўқ эди!

Курдлар уни талашлари мумкин эди. Кўнгилларидаги бойликни ўзи келтирганидан кейин нега тала-

синлар! Қопдан тезроқ қутулиш керак бўлиб турган бир пайтда қопдаги китобларни яна бир ёққа ташиб кетиш маҳол эди.

Икки курд ҳамёндаги ақчани санаб турганда, қайсар курд қопни келтириш учун жўнаб қолди. У оғир қопни инқиллаб-синқиллаб кўтариб харобазорнинг бир чеккасида кўринганида икки курд бир-бирига Қараб олишиб, тезда кўздан ғойиб бўлди. Мулла Қамар кўз юмиб очгунча ҳамёндан ҳам, курдлардан ҳам асар қолмади.

У фақат қайсар курднигина кўра олди. У воқеани савдогардан илгарироқ фаҳмлаб, қопни улоқтириб ташлаб кўздан ғойиб бўлган эди. Булар ҳаммаси Мулла Қамарга худди бир саробдай туюлди. Қайсар курд айёр шерикларини қидириб кетди; савдогар эса нотаниш харобазорда, қопни кўтаришга кучи етмаган ҳолда якка-ёлғиз, шилта лой ичида, босиб келаётган зулмат олдида қаққайиб қолди.

Мулла Қамар қоронғида ўз хужрасига қайтди. Оғир қопдан қадди букилган бир дайди унга ҳамроҳ бўлиб келган эди.

Қоп зилдек оғир эди! Ҳалабда савдогарга тўланадиган кумушнинг вазни ҳам худди шунақа бўлади!

УН ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ ҚОП

Арзирумда кечаси билан момиқдак оппоқ қор ёғиб чиқди, эрталаб эса баҳайбат булутлар орасидан гоҳ-гоҳ зангори осмон кўриниб қолар, шунда эгарли тоғ ён бағридан кўланкалар елдек учар эди.

Қирчиллама совуқ. Аллақаерда Трабзонда ҳозир атиргуллар барқ уриб очилган. Ереван билан Султонияда боғларда анор узишяпти. Самарқанд боғларида

эса кечки оғир бошли узумлар осилиб ётибди. Аммо жаҳонгирга бу кузакда мевалару гуллар эмас, қаҳрли Арзирумнинг совуқ тошлари-ю қор билан қопланган тоғлардан эсувчи изғиринлари насиб қилган экан.

Темур емак томида иморатларнинг қорамтир ғишталарини, фақирона кулбаларнинг муриларидан чиқаётган оқиш тутунларнинг шаҳар устига ёйилишини ва қор жилоланиб турган олис ерларни томоша қилиб турганда унинг елкасига барра пўстин ташлаб қўйдилар.

Бу ерда муз билан қопланган далалар ва яланғоч тоғларда хашак бўлмаганидан отлиқларни қишлоғга Қорабоққа жўнатдилар. Қўшинлар кетидан келаётган подаларни ҳам Озарбайжон водийларига ҳайдадилар. Бироқ жаҳонгир пиёда аскарларини шу ерда олиб қолди, чунки у баҳор келиши билан яна юриш қилмоқчи эди. Темур Боязиднинг қамал ҳолатга кириб, соҳибқироннинг олға юришига йўл бермай жон-жаҳди билан жанг қилишга тайёр турган шаҳарлари-ю қалъаларини забт этмоқчи эди. Жаҳонгирнинг олдинга қараб юриши ҳам қарз, ҳам фарз, йўқса, олам жуда тор, икки қудратли ҳукмдор бу оламга сиғмас эди.

Темур қор қалашиб ётган оппоқ олисларга тикилиб, «Олам жуда тор!» деб ўйлади. Бу ердан чиқиб кетиб бўлмайди, Боязидни ўз ҳолига ташлаб муғулларнинг ёнига, тоғдан ошиб Хитойга, ҳатто ўз юрти Самарқандга қайтиб боролмайди. Борди-ю, бу ердан кетиб қолса, Боязид куч тўплаб янги шаҳарларни забт этади, давлату қўшинини оширади. Султон христианлар мамлакатида жанг қилиб бўлгач, катта қўшин билан Темурнинг қўл остидаги ерларга ҳам бостириб киради, зероки, ғалаба ғолибнинг кучига куч қўшади. Келиши аниқ, чунки олам торлигини у ҳам яхши билади.

Темур бу ердан фақат Тавра тоғининг туманли довонларидан ошиб олис-олисларга йўл олади. Ортга ё музаффар бўлиб қайтади ёки қурбон бўлади. Бошқа йўл йўқ, Худо билсин, унга туғилиб ўсган жойи Шаҳри-сабзда мрамр тобут тайёрлаб қўйишгандир.

У елкасидан сирғалиб тушаётган пўстинини кутарган ҳолда пиллапоялардан пастга тушди-да, ҳовли саҳнида бир оз тўхталди. Бу жойда очиқ ердагига қараганда ҳаво совуқроқ эди.

Жаҳонгир хужрага кириб исиниб олгач, ертўладан ўғирланган қопнинг топилган-топилмаганини суриштирди.

Кейинги кунларда доим жаҳонгирнинг ёнида юрган Шоҳ Малик чопарлар пул баробарига қутқарилган арманларни тутганини хабар қилди. Аммо китоблар уларда эмас экан, ораларида монастирдан қочган учта роҳиб бор экан.

– Қаерда улар?

– Учовини тутиб келишди. Бошқаларни қўйиб юборишипти.

– Уларни сўроқ қилдингларми?

– Ҳеч нарса олганимиз йўқ деб онт ичишяпти. Қоп тўғрисида эса ҳеч нарса эшитмаптилар.

– Яна қандай гаплар бор?

– Армани савдогардан бирини тутиб келишди. Бошқаларга қараганда кўпроқ жон койитиб, китобларни сотиб олмоқчи бўлганини айтди.

– Қайсиниси?

– Ёши.

– Эсимда бор! – деди Темур гапни чўрт кесиб: – Чақир уларни.

Юпун ридо кийган роҳиблар совуқдан қунишиб, дийдираб туришарди. Совуқ уларни карахт қилиб қўйган. Ҳатто жонлари ҳам кўзларига кўринмасди.

Улар билан бирга юзлари қизариб кетган, тўнғиган ёш арманини ҳам бошлаб кирдилар. У осуда кўзларини Темурнинг кўзларига меҳр билан тикиб турарди. Шунда жаҳонгир қаҳридан тушиб, ётиғи билан сўради:

– Қани, Шоҳ Малик булардан сўранг-чи, нега монастырдан қочди экан. Монастир бошлиғи муътабор чолни очдан ўлади демай ташлаб кетганингизнинг боиси нима? Шу ҳам инсофдан бўлдимиз? Қаерга ошиққан эдингиз?

– Бу ерда биз худди атрофда тўлқин пишқириб ётган кимсасиз оролда якка-ёлғиз қолгандек эдик. Нима қилишимиз керак эди? Нимага умид боғлаймиз? Уша куни кечаси монастыр бошлиғи бизларни чақирди-да: «Ўз халқингиз ёнига жўнанг», деди. Биз ҳам хўп деб жўнаб қолдик, – деди роҳиблардан бири.

– Нега бўлмаса бизнинг қопимизни умариб кетдингиз?

– Биз у пайтда йўқ эдик. Бу мардонавор ишга монастыр бошлиғи бошқа одамларни тортди.

– Бундан сизларнинг хабарингиз бормиди?

– Ҳа.

– Учалангизнинг ҳам-а?

– Ҳа.

– Бориб соқчиларга хабар қилсангиз бўлмасмиди?

– Ўз биродарларимизни сотамизми?

– Биродарларингиз ўғирлик қилса майлими?

– Инсоннинг умри қисқа. Улар тақдири худонинг ихтиёрида. Халқнинг ихтиёрида эса минг йил аввал бунёд этган нарсалари-ю, минг йил кейин яратадиган кашфиётлари бор. Йўқса халқ бўлмас эди. Биз минг йиллардан бери ўз ерларимизга эгалик қиламиз.

– Шу ерларгами?

– Шу ерларгаям, атрофдагиларгаям.

– Бу ерларга биз эгалик қиламиз!

– Илгарилари сон-саноқсиз лашкарлар келган. Лекин унинг эгаси ҳамон ўша бурунги одамлар. Ҳозир ҳам унинг эгаси битта: уни халқ парвариш қилди, асрлар бўйи унга халқ эгалик қилиб келади.

– Сен инсоннинг умри қисқа дединг. Шу билан бутун авлодингиз қирилиб битади.

– Халқ барпо қилган нарсалар омон экан, халқ ўлмайди. Бизнинг ишимиз – бунёд этилган нарсаларни иложи борича кўпроқ асраб қолишдир. Ҳатто тошлар ҳам бу ишга хизмат қилади. Зеро, улар йўнган одамларга содиқдир ва уларнинг номларини эслатиб туради.

Ёш савдогар олдинга талпиниб роҳибнинг сўзини бўлди:

– Одам ҳам гап бўлиптими? Туғилади, ўлади. Китоб эса қолади. Шу ваддан арман китоблари бўлса сотинг деб эдим. Сизга қопда келтиришганмиш-ку. Қандай китоблигини ҳеч ким кўрмабди. Лекин одамлар узоқдан китобларнинг қадимийлигини пайқашибди. Мен одамларни эмас, халқ учун ўлмас китобларни қайтариб сотиб олиш керак десам, гапимга ҳеч ким қулоқ солмади. Мана энди китоблар сизга ҳам йўқ, бизга ҳам насиб қилмади. Қани улар?

– Шуни сўрамоқчимиз, қани китоблар?

– Биз кетаётганимизда, китоб йўқолгани тўғрисида ҳеч нарса эшитмаган эдик.

– Ёрдам бер бизга. Арманилардан суриштир. Топсанг, ўзларингга сотамиз.

– Яхши, суриштириб кўраман.

– Бор бўлмаса! – деб Темур уни қўйиб юборди. Шу пайт роҳиблардан бири эшик томон йўналган эди, Темур Шоҳ Маликка деди:

– Буларни дорга ос!

Роҳиб дарҳол:

– Халқни дор билан қўрқитиб бўлмайди, – деди.

Соқчилар жаҳонгирга садоқат ва жонқуярликларини кўрсатишга тайёр эканликларини билдирмоқ учун учала роҳибни судраб олиб чиқиб кетдилар.

Дарчадан ингичка офтоб нури тушди.

– Ҳаво ёришиб кетди шекилли.

– Кўпга чўзилмаса керак! – деди Шоҳ Малик гумонсирагандек.

Роҳиблардан китоб солинган қопни тортиб олган курдларни атроф қишлоқлардан қидириб кетган отлик соқчилар тўдаси қуруқ қайтиб келди. Атрофда курдлар кўп бўлса-да, улар бемажол чоллар ёки аёллар эди. Қолганлари Темурнинг қўшинида ёки Бағдоддан ташқарига жуфтакни ростлаб қолган Қора Юсуф тоурменлари орасида эди. Булардан бошқа курдлар учрамади.

Ҳар вақтдагидек кун бўйи даракчилар келиб турарди. Чопарлар ҳам келиб-кетиб туришарди. Саркардалар қўшинни боқиш, аскарларга маош тўлаш, Боязид қўл остидаги шаҳарларни айланиб ўтиш учун юборилган, Арзинжон, Кемах ва ҳатто олис Сивасга юборилган олдинги тўдалар тўғрисида кенгашиб олиш учун келишарди. Улар у ердаги одамларнинг қандайлигини, кўкламда бу ўлкаларга борганида Темур аскарлари қандай шароитда ҳаракат қилишини билиб келиши керак эди.

Кўплар бу сафарда калласидан ажраладиган бўлса-да, жон деб боришди, ҳар бир киши омон қолишни кўзлар, омон қолганлар эса катта ўлжа билан қайтарди, чунки улар истилочилар қадами етмаган қишлоқларга беҳосдан кириб борардилар.

Кеч кириши билан лайлак қор ёға бошлади.

Соқчилар ҳовли ўртасига гулхан ёқиб, аланга атрофида депсинишар, таёқдек қотиб қолган этикларини ўтга тутишарди.

Тусатдан Темурнинг олдига Шоҳ Малик кириб келди: агар ошиғич иши бўлса, сафар вақтида яқинлари жаҳонгирнинг ҳузурига ижозатсиз кираверарди.

– Ҳуш, нима гап?

– Китоблар топилди.

– Ҳаммасиямми?

– Тула бир қоп.

– Қаерда?

– Ўз савдогарларимиздан тортиб олдик.

– Ўшанинг ўзи умарганмикин-а?

– Сотиб олдим деб онт ичяпти. Тамғасини рўқач қиляпти.

– Қаерлик?

– Арзинжондан кепти. Ҳузурингизга киришга интиқ.

– Кирсин. Гапини эшитайлик-чи.

Шамдон опкиришди.

Темур томоқ қириб олиб, қўлини манқалга узатганича ўйланиб қолди. Шоҳ Малик хаёлини бузди. У кутиб туришдан тоқати тоқ бўлди шекилли, манқал ёнидан айланиб ўтиб узоқроқда, жаҳонгирнинг кўз ўнгига келиб турди.

– Олиб келишди.

Темур қўлини манқалдан узмай, шартта бурилиб эшик томонга қаради.

Эшик олдида кўк чопон кийиб кўҳна салла ўраган таниш одам турарди.

Ҳайратда қолган Темур манқални ҳам унутди.

– Сенмисан?

– Ҳа, улуғ шоҳим.

Темур ўрнидан турди. Шунда Шоҳ Малик унинг савдогар билан ёлғиз қолмоқчи эканини фаҳмлади, чунки у савдогар билан шивирлашиб гаплашмоқ учун унга томон юрган эди.

- Келдингми?
 - Мол олиб келдим, улуғ шоҳим.
 - Қанақа мол? Уша ёқданми?
 - Шу ердан олдим. Арманча китоблар. Баҳоси катта.
 - Уша ёқдан бу ерга олиб келдингми?
 - Шу ердан олдим. Лекин пуллай олмадим. Худди текинга олгандек қўлимдан тортиб олишмоқчи бўлди. Сиз қаердан олди деб ўйларсиз?
 - Одам юбориб ўғирлатиб кетгандирсан?
 - Улуғ шоҳим!..
 - Хуш?
 - Шу ердан сотиб олдим. У ёққа олиб борсам, ўз нархига пуллайман. Сизда бўлсаям бир йўла олиб кетардим. Ахир сафарда учраб қолади-ку.
 - Шу ерда ҳам баҳосини топади.
- Темур бирор қарорга келганида ўз одатини қилиб, бошини силкитди-да, қарсак урди ва кириб келган Шоҳ Маликка армани йигитни олиб келишни амр қилди ва ундан ташвишланиб сўради:
- Армани йигитни қўйиб юбордингларми? Қувиб етса бўладими?
 - Шу ерда у. Кечаси қаёққа ҳам борарди.
- Жаҳонгир Мулла Камарга юзланиб:
- Китоблар қани? – деб сўради.
 - Талаб кетишди. Қўлимда ҳеч нарса қолмади.
 - Китоблар қани? – деб сўради Темур Шоҳ Маликдан зарда билан.
 - Соқчилар ихтиёрида.
 - Уларниям, арманиниям чақиртир бу ерга. Шоҳ Малик чиқиб кетгач, Темур савдогардан яна сўради:
 - Хуш?
 - Кўриб-билиб келдим. Бруссадагилар, бизга ҳеч ким тирноғини ҳам теккиза олмайди, деб ўйлашади. Дамашқда эса мамлоқлар хотиржам: Темурнинг қў-

шини бу ерга кела олмайди, жуда узоқ дейишади. Ҳа-
лабда ҳам шу аҳвол.

Мулла Қамардан сўраб-суриштиришга фурсат қол-
маган эди. Икки аскар бесўнақай тисарилиб, чата-
ноқларини кериб оғир қопни судраб келиб жаҳонгир-
нинг кўз ўнгига қўйишди.

– Кейин айтарсан. Шоҳ Маликка айтсанг ҳам бўла-
ди. Ҳозир китобларни кўрсат.

Кейинги кунлари совуқданми ёки оғир китобларни
кўтариб юрганиданми, Мулла Қамарнинг бели қотиб,
эгилолмай қолган эди. Шунинг учун қопнинг оғзини
очиш учун чўнқайиб ўтирди.

Мулла Қамарнинг ўйича, қоп устида энг қиммат-
баҳо, кумуш ҳошияли китоб ётар эди.

Темур бу китобни таниди... Китоблар ҳам, қоп ҳам
шу ердаги ертўладан ўғирланган эди.

– Қанчага олдинг?

– Бор-йўғимни бериб олдим.

– Кўпмиди?..

– Дамашқда ҳамма молларни пулладим. Айтганига
олавердим.

– Менинг карвоним эвазигами?

– Ўзимники йўқ эди-да...

– Наҳотки китобга шунча пул сарфлаган бўлсанг?

Бу пулга бутун бир бозорни сотиб олса бўлади.

– Ўзим бердим. Улар бошда озроқ сўрашди.

– Ҳўш, энди бу ёғи нима бўлади?

– Фойдасига пуллайман. Ҳалабга элтиш керак. У
ерда китоб қадрли: бир қоп китобга бир қоп кумуш
беради. Вазнига қараб. Аҳд шунақа.

– Демак, бу китоблар меникими?

– ...Уларни ўша ёққа олиб бораман.

– Шу ерда ҳам харидор топилади.

Армани йигитни қидириб кетганларида Темур Мул-
ла Қамардан узоқ шаҳарлар, уларда ўзи билан жангга

шайланиб турган қўшинлар ҳақида сўраб-суриш-тирди.

Темур Мулла Қамардан Брусада Боязиднинг қўшини сони ортган-ортмаганини, у қўшинини бу томонга жангга ташлайдими-йўқми, деб сўради.

Йўқ, Боязид бутун кучини Константинополь атрофида тўплаб, Византия империясининг бўйнига сиртмоқ солмоқ учун қулай фурсат пойлар эди.

Ниҳоят, армани йигитнинг шаҳарга кетгани, монастыр дарвозаси олдидаги соқчиларга кечқурун қайтиб келаман деб, ваъда бергани маълум бўлди.

Темур қорайиб турган деразага ялт этиб қаради.

– Кеч бўлиб қолди-ку.

Темур Мулла Қамарга жавоб берди.

– Бор, боравер. Қоровулхонада тур. Молингни шу ерда қолдир.

Хизматкорлар қопни судраб бориб деворга тираб қўйдилар, манқални суриб, кечки овқатни олиб келдилар.

Темур мис жомда қўл юваётганда ташқарида отларнинг дупури эшитилди. Шаҳзода Халил Султон келган эди. У Трабзон императори Мануилни бир оз чўчитиб қўймоқ учун ўз отлиқ аскарлари билан Трабзонга бориб келган эди.

– Бир оз юрагини олдингми? – сўради Темур неварасидан.

– Бизлар учун қирқта эшкакли кема тайёрлаб шай қилиб қўйишини талаб қилдим.

– Кемалар нима ҳожат бизларга?

– Чунки уларни Боязидга бермасин-да. Боязид унга одам юборган.

– Шундай. Ўша Мануилни шу ерга чақиртирамиз.

– Мен ҳар довонда аскар қолдириб келдим. Агар у денгизга чиққудек бўлса, шаҳарни ишғол қиламиз. Буни тушунди у. Дуои салом билан мактуб юборди.

– Шундоғ.

– Йўлда генуялик роҳибларни учратдим.

– Кетишяптими?

– Хинисда қўнганларида кўрдим. Узларини ҳам, отларини ҳам аямай елдек учуришмоқда.

– Бир сиқим олтин ҳар қандай учқур отни орқада қолдириб кетади.

Халил бўйнини чузиб, луқмани оғзига келтирмасданок карракдек очиб, тап тортмай ер эди. Трабзонга қилган сафариди афти шамолдан қорайиб кетган эди. Темур назарида у ҳамон илгаригидек зийрак, мулоимгина ёш бола эди. Жаҳонгир қиш кунлари уни тиззасига ўтқазиб, чопонига ўраб олганча, жажжигина юрагининг жонсарак уришига қулоқ солиб ўтиришни яхши кўрар эди.

Темур унга:

– Кеча бувингдан чопар келди. Улуғбек бетоб бўлиб қолибди. Энди тузалаётган эмиш. Султонияда атиргуллар очилиб ётган эмиш... – деди.

Халил:

– Самарқандда-чи? – деди-ю оғзидан чакки гап чиққанини билиб, ғиқ этмай қолди. Чунки у аввал бувисининг аҳволи тўғрисида бирор нарса сўрамай Самарқанд ҳақида суриштириши ноқулай эди.

Темур унинг ҳаяжонини пайқади-ю индамади. Лекин Халил гапини тўғрилади:

– Чопар йўқми? Муҳаммад Султон шаҳардан чиқса бўлар эди.

– У қишнинг охирида чиқади. Баҳорда шу ерда бўлади.

– Боязид устига юриш бошлашимизга етиб кела олармикан?

Темур Боязид устига юриш бошлаш-бошламаслигини, бошласа қачон бошлашини, қайси йўлдан боришни гапиришни хуш кўрмас эди. Бироқ баъзи нарсаларни

маълум қилишга тўғри келди: чунки подшоҳлардан бирортаси кўрққанидан Боязидни қўллаб-қувватлаши мумкинлигини олдиндан билиб бўлмас эди. Унинг кўшнилари-ю, дўстларининг кўнглида нима гаплар борлигини ҳеч кимса билмайди.

– Сафарга тайёрланаяпсанми?

– Ихтиёр сизда, бобо.

– Яхши.

Шу пайт Шоҳ Маликка арманининг қайтиб келганини хабар қилишди. Темур уни чақиришга амир қилди.

– Қандай армани? – деб сўради Халил.

– Биздан китоб сотиб олмоқчи. Ана у қопдагиларни.

Жаҳонгирнинг бемаҳал чақирганини эшитиб, армани довдираб қолди. Лекин Темур унга илтифот қилиб гапирди:

– Айланиб келдингми?

– Ҳа, борди-ю, китоблар сотиладиган бўлса пул берадиган савдогарларни топдим.

– Пуллари етармикан?

– Қанча тўлаш керак бу китобларга?

Темур шундай катта нарх қўйдики, бунга бутун бошли бозорни сотиб олса бўлади.

– Бу ўз баҳоси, – деб қўшимча қилди Темур. – Яна ширинкомаси ҳам бор. Ширинкомасиз олди-сотди бўлар эканми?

– Шунча пулни қаердан оламиз? Қашишга тирноғимиз қолмади-ку. Китобларни сотиб олиш учун тийинлаб пул йиғамиз, оч-наҳор болаларимизнинг еб турган нонини тортиб оламиз, етим-есирларни кўчага ҳайдаб чиқарамиз. Китоблар қопдами?

– Кўрмоқчимисан?

Темур Мулла Қамарни чақириб келишни буюрди. Савдогар югуриб-елиб етиб келди.

– Қопни оч! – деб буюрди Темур унга. – Китобларни унга кўрсат. Қопи билан олишга қурби етмаса, битта-битталаб сотиб олса ҳам бўлади. Пулига яраша.

– Илтифотингизга тасанно!.. – деди армани миннатдорчилик билдириб.

Мулла Қамар чўкка тушиб ўтирди-да, китобларни ола бошлади. Бироқ пихини ёрган савдогар молини харидорга тутқизишга шошилмас, аввал китобга қўнган чангни пуфлаб, енги ёки этагига артар, кейин уни ёнига қўйиб бошқа китобни олар эди.

Шу тариқа у бештами-олтита китоб олди.

Кумуш ҳошияли китобни энг қимматбаҳо ҳисоблаб олдинга қўйди. Қолганларини унинг ёнига тахлади.

– Мана улар.

Мулла Қамар шундай деди-ю нархини айтишдан олдин, харидор мўлни яхшилаб кўриб олсин дегандек четга чиқиб турди.

Армани кумуш ҳошияли китобга эътибор қилмай, оқ шалдироқ қоғозли муқовасига зарҳал ҳарфлар ёзилган бир китобчани олди-ю, шоша-пиша боши билан охирини варақлаб четга қўйди ва бошқасига қўл узатди.

Охирида у бамайлихотир кумуш ҳошияли зилдек оғир Инжилни олди. Кейин қопга қўл чўзди:

– Булар-чи?

Мулла Қамар армани ўзини атайлаб хотиржам тутяпти, ўлгудек айёрга ўхшайди деб ўйлаб Темурнинг буйруғини кутиб ўтирмай:

– Аввал шуларнинг нархини келишиб олайлик! – деди.

– Бу китоблар тўғрисида бир нарса дея олмайман. Буларни олмаймиз.

– Нега, нархи баландми?

– Йўқ, булар бизнинг китоблар эмас.

– Йўғ-э?

– Булар юнонийларнинг китоблари. Черковники. Кераги йўқ буларнинг бизга.

– Нега энди юнонийларники булар экан? Ахир буларни арманилар ўғирлаб кетишди-ку!

– Билмадим. Балки улар қопнинг оғзини очиб кўришмагандир. Олиб кетаверайлик-чи, кейин очиб кўрармиз деб ўйлашган бўлса керак.

Бу гапни эшитиб Темурнинг зардаси қайнаб кетди. Тутақиб арманидан:

– Юнонийларникими? – деб сўради.

– Улуғ шоҳим! Менда нима айб?

– Бошқалариниям кўр!

Китобларни хужранинг ўртасига ағдаришди. Армани китобларни битта қўймай тезда кўздан кечириб чиқди.

Қаердан олишган буларни? Ичида бирортаям арманчаси йўқ. Ҳаммаси юнонча. Қандайдир кўхна монастирда қолиб кетган. Фақат манави саҳифа орасига қўйилган бир парча сариқ қоғозгина арманча китобдан йиртиб олинган... Ҳа, ҳа, бу арманча ёзилган. Эски китобдан йиртиб олинбди. Доно сўзлар ёзилган! Бу китобларнинг эгаси арман тилини билганида қадимий китобдан бу варақни йиртиб олмаган бўлар эди...

Армани ўз фикрларини баён этиб, китобларни тахлаб қўйди.

Кейин қаддини ростлади-да, кафтдек келадиган қоғозни узатиб:

– Арманча ёзилган нарса шу холос. Мана булари юнонча. Айтгандек, ҳозир уларнинг кўнгилларига китоб сиғармиди. Константинополь тўла китоб! Трабзонда ҳам шу аҳвол... Византия, черков китоблари. Арманиларнинг дини бошқа. Юнонийларникига ўхшаса ҳамки, бошқачароқ. Нима қиламиз биз бу китобларни?..

Мулла Қамар китобларини қопга солмоқчи бўлиб отилди-ю, лекин бу фикрдан қайтиб, бедана юриш қилиб девор ёнидан ўтди-да, жаҳонгирга рўпара бўлди.

– Ўзимники бўлса совурардим... лекин!.. Карами кенг шоҳим!

Бу сўзлар дудмол бўлса ҳамки, Темур унинг мағзини дарров чақди. Ғазаби жуш уриб, Мулла Қамар билан арманининг устига йўлбарсдек ташлангиси ва уларни мажақлаб ташлагиси келди.

Бирини у пулни совурдинг деб тилка-пора қилса, бошқасини мол харид қилмагани учун мажақламоқчи эди.

Лекин шу пайт бўлаётган ишларга индамай қараб ўтирган Халил Султон Мулла Қамарнинг кўзлари олакула бўлиб ишшайиб қолганини кўриб, бирдан хахолаб кулиб юборди.

Халилнинг кулгиси Темурга қаттиқ ботди. Ғазабини яширолмай неварасига ўшқирди:

– Чиқ бу ердан, совуқда ҳовурингни бос!

Шу билан унинг ўзи ҳам ҳовуридан тушди-ю, кўзларини ерга қадаганча ўйга толди.

Деворга қапишиб қолган Мулла Қамар дағ-дағ титрар, кўли қалтираб кифти учиб-учиб кўяр эди. Боши ҳам лиқиллар, кўзлари эса бақрайганча Темурга тикилиб қолган эди. Унинг бу ҳоли одамнинг кулгисини қистатарди.

Армани сочилиб ётган китобларга парво қилмай девор ёнига келди-да, нима қилишини билмай гаврангсиб туриб қолди.

«Сўзсиз тарих бўлиши мумкин эмас. Ҳаёт пайдо бўлиши билан шу ҳаётнинг тарихи ҳам пайдо бўлади. Чунки ҳаётдаги ҳар бир ҳаракат тарихнинг мулкидир. Шу сабабдан: «аввало сўз бўлган» дейишади, чунки сўзсиз ҳаёт тарихи бўлиши мумкин эмас, ҳар қандай ҳаёт эса тарихдан иборатдир».

Шу билан жумлалар узилиб қолган эди. Аниғи булардан кўп нарса англаб бўлмасди. Фақат бу бир парча қоғоз армани ёзган қадимий китобнинг биринчи саҳифаси эканлигигина маълум. Бу китобни кимдир йиртиб ташлаган. Ахир тарихни минг йил аввал Мовсес Хорненаци ва Стефан Таранци ёзишган-ку, улуф Вардан ўз қўли билан ёзган бўлиши ҳам мумкин.

Армани муштини жон-жаҳди билан қисиб, бир парча сариқ қоғозни шоша-пиша думалоқлай бошлади, башарти, олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса, оғзига солади-да, олиб чиқиб кетади!..

Бирдан назарида ниятини Шоҳ Малик пайқаб қолгандек бўлди.

Армани қоғозни юмалоқлашдан тўхтаб уни чангаллаб олди-ю, тортиб олгудек бўлсалар, олишаман, деб шайланиб турди.

Темур бошини кўтариб Мулла Қамарга қаради:

– Расво қилдингми?

– Ҳа, муруватли эгам! Ишни расво қилдим.

– Бор, эс-ҳушингни йиғиб ол. Армани, сен ҳам жуна энди. Қаяққа борсанг кетавер. Китоблардан олмайсанми?

– Нима қиламан?

– Ихтиёринг...

Лекин жаҳонгир Мулла Қамарнинг орқасидан қараб турди-да, уни чақирди:

– Тўхта! Қани айт-чи, отлиқ аскарларга кўзинг тушмадими?

– Кимнинг?

– Кимнинг буларди? Боязиднинг-да!

– Бруссада ҳам, йўлда ҳам кўрдим...

– Отлари қанақа?

– Ҳаммасидан бор.

– Арабийми?

– Асл арғумоқлар!

– Чакки эмас. Лекин жангга ярамайди, асов. Бизда уларнинг отидан бор. Халилда ҳам. Халил уларнинг отларини яхши кўради.

– Билмадим, жангга ярайдими-йўқми, хабарим йўқ. Лекин чопишга келганда шамолдан учқур.

– Хўп, жўна энди!

– Расво қилдим! Тавба, ҳеч ақлим етмайди, худди тушдагидек-а!

– Бор, эс-хушингни йиғиб ол.

Темур Шоҳ Малик билан ёлғиз қолгач:

– Китобларни қопга солишсин-да, ертўлага ташишсин. Султон Хусайндан сўраб боқай, қаердан топган бу ўлжани. Келган замони суриштираман.

Жаҳонгир пўстинини ердан олди-да, елкасига ташламоқчи бўлди. Лекин эплей олмагач, Шоҳ Малик ёрдамлашди.

Темур эшикка чиқиши биланоқ Халил Султонни кўрди:

– Совқотдингми?

– Гулхан ёнида эдим...

– Отлиқ айланиб келмаймизми?

– Қоронғи-ку, бобо.

– Қорда йўлни кўрса бўлади. Сенда арабий от борми?

– Отми?

– Фил эмас ҳар ҳолда!

– Доим бўлади менда.

– Бақувватроғини эгарлат.

– Отларим доим эгарлоғлик туради.

– Айланиб келамиз. Совуқда сайр қилиш гаштли бўлади!..

Халил Султон ҳуштак чалган эди, навкарлар ҳашпаш дегунча отларни етаклаб келдилар.

Жаҳонгир билан Халил соқчиларнинг ўтакасини ёриб гулхан ёнидан ўтдилар-да, кимсасиз водийга отларнинг бошини бурдилар.

Соқчилар уларга эргашди.

Китоб солинган қоп эса ўғирланган жойига – ертўлага гурсиллаб тушди.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ ГУЛХАНЛАР

Мецоп монастирининг топшириғига мувофиқ Мартирос тўзиган эски хуржунни елкасига ташлади-да, қўлига ҳасса олиб йўлга чиқди.

У қари, душманнинг эътиборини ўзига жалб қилмайдиган кўримсиз одам эди. Шунинг учун ҳам Темурнинг босқинчи қўшини юрадиган катта йўл бўйлаб бамайлихотир борарди.

Кулай фурсат топиб ўз одамларига мадад бериш, ярадорларга ёрдам қилиш, болаларни ҳалокатдан сақлаш, кишиларни асирликдан қутқариш, жабрланаётган одамларни қидириб топиш, қаерда бўлмасин бахтсизлик рўй берган вақтда қўлидан келганча бирорта хайрли иш қилиш ниятида эди.

Арманистон бир неча вилотларга бўлинганидан бирорта ҳам ҳукмдор ёки паҳлавон уни мудофаа қиладиган қудратли қўшин тўплай олмаган бир вақтда халқнинг киши билмас бу жасоратига монастир раҳбарлик қилар эди.

Фақат монастирларгина тор тоғли сўқмоқлар орқали бир-бирлари билан хабарлашишар, қилич билан душманга зарба бериш учун йиғилган кичик-кичик тўдаларга далда бериб туришарди, ожизларни ва болаларни очиқ чехра билан қабул қилар, пана жой излаганларни яширишар, хунармандларнинг лаш-луш-

ларини сақлаб бериш учун қабул қилиб олишар, ҳукмдорлар хазинасини, амалдорларнинг мол-мулкани, савдогарларнинг маблағларини, жангчиларнинг юкларини, камбағалларнинг ашқал-дашқалларини, ҳар хил зарурий нарсаларни талончи ва ёвуз кишилардан қутқариб қолиш мақсадида сақлаб бериш учун қабул қилиб олишарди. Ҳар хил тоифадаги одамлар нарсаларини монастирга топшириб ҳаммалари ўз йўлларига: кучлироқлари урушга, бўшанглари хайр-эҳсон сўрашга, савдогарлар фойда орттиришга, художўйлар хайрли ишлар қилишга жўнаб кетар эдилар. Мартирос ҳам шулар қатори одамларга раҳм-шафқат қилиш учун йўлга чиқди.

Унинг оқ оралаган, дағал сийрак соқолли мўсафид чехраси худди ҳозиргина ҳаммомдан чиққан кишиникидек қизариб – ялтираб турар эди.

Оёқлари юмшоққина маҳсида шипиллаб кетиб борар, фақат ҳассасигина баъзан тошга тегиб тўқиллаб кетар эди.

У хонавайрон бўлиб хувиллаб қолган яккам-дуккам ҳолдаги қишлоқларга, эскириб ертўлаларга қулаган уйларга кўнгли вайрон бўлиб қараб, тоғдан водийга тушиб борарди.

Гоҳ-гоҳ жойлардагина, ўткинчиларнинг келаётганини сезиб париллаб учган ёки ўзини тошнинг панасига олган уй паррандалари нечукдир омон қолган эди.

Бир харобазор ичида кулранг бир кучук унга эргашди. Чолнинг орқасидан секин эргашиб анчагача изини искаб борди.

Чол ҳам, ит ҳам оч ва уйсиз эди.

Ит Мартиросга ўрганиб қолиб, анчагача ёнида бирга кетди. Аммо бир қишлоққа етмасданоқ ғинғиллаб қочиб қолди. Мартирос харобалар ичида одам борга ўхшайди деб сергакланиб, бир чуқурга ётиб олди.

Дарҳақиқат, одамлар бор экан: ярим йиқилган девор орқасидан уч жангчи чиқиб, отларини секин ҳайдаб бир чеккадан ўтиб кетди.

Ит Мартиросни сақлаб қолдию, лекин бошқа кўринмади, кейин Мартирос ўзи ёлғиз кетди. Агар орқасидан ит эргашмаганида одамсиз қолган бу қишлоқда ўзини бунчалик якка-ёлғиз ҳис қилмаган бўлар эди.

Мартирос ҳувиллаб жимиб қолган ерлардан ўзи ёлғиз кетар эди.

У чарчаб қолганида ўгирилиб, Арарат тоғига қараб, у эса ўз эгасининг – халқининг кўрасида чарчаб тинчгина ётган, лекин эгасининг амри билан ҳар соатда ўрнидан туриб Арманистоннинг ерларини ҳайдашга, мул ҳосил ортилган оғир аравани судраб кетишга тайёр турган ҳўкизга ўхшаб кўринар эди.

Мартирос кетиб бораркан, йўл-йўлакай сўзланарди:
– Мақсадимизга етамиз, етамиз!..

Шуни деб у кучга тўлгандай бўлар эди, чунки Арарат, жонажон Масис чолга ёшлик йилларини эслатар, Мартиросга ўз уйини эслатар, увишган оёқлари шаҳдам қадам ташларди.

Мартирос довон ошди, юртидаги бошқа тоғлар юксалиб Арарат тоғини тўсиб қолдилар. Бошқа сувлар шариллаб қолди. Бошқа дарёлар оқиб ўтди. Ҳатто бу жойнинг ерлари бошқа тусда: йўл бўйларидаги тошларни душман қиличи жароҳатлагандай, босқинчилар гулхани кўйдиргандай гоҳ қизариб, гоҳ қорайиб кўринарди.

Мартирос бир вақт тоғ ошаётиб тор йўлдан кенгроқ тоғ сўқмоқ йўлига чиқиб олди-да, бу йўлнинг водийга иланг-биланг бўлиб тушганини кўрди: бу йўл гоҳ жарлик устига осилиб қолар, гоҳо ушук урган бутазорлар ичига бурилиб кетар эди.

Чангли тошлоқ тор йўл илгарилари бу тоғ оралиқларида кўплаб боқилган подалар оёғи остида топ-

талган. Бир вақтлар бу тоғдан ошиб кўп карвонлар ўтар, йироқ ерлардан Озарбайжонга, Шамохий ва Дарбандга, Мароғий ва Табриз орқали Эрон, Форс ва Хурсонга той-той моллар ўтиб кетар эди.

Эндиликда эса бу йўлни суворийларнинг от туёқлари эзиб ташлаган: бу йўлдан Темур босиб ўтган, унинг чопарлари, қўшини от солдириб ўтган, энди тасодифий учрашувлардан эҳтиёт бўлиш керак. Аммо кузнинг калта кунлари ўтиб кетган, энди бу вақтда ҳеч ким довон ошмас эди. Мартирос ҳеч кимни учратмаганидан кейин қош қорайган маҳалда эгалари ташлаб кетган, Темур аскарлари банд этган бир қишлоққа кирди. Бу ёмон жойдан кечаси қоронғида ўтиб кетиш керак эди.

Бирдан чолни кимдир тақимидан туртди, қоқиниб йиқилиб кетишига сал қолди. Бундай айланиб қараб юраги шиғ этди: бир неча кундан бери аллақерларда дайдиб тентираб юрган ит етиб келиб, уни таниб сўрашаётган эди.

Ит кўкрагини ерга бериб судралди-да, кейин сапчиб ўрнидан туриб олдинга қараб югуриб кетди. Итни учратганидан қувониб кетган чол узини бардам ҳис қилиб қоровулхонани ёнлаб ўтиб кетиш учун сўқмоқдан қия тикликка шаҳдам кўтарила бошлади.

Қоровулхона кўрасидан соқчиларнинг бақирган-ҳайқиргани ва бир талай одамларнинг дўриллаган овозлари эшитиларди. Қулоғига арманча сўзлар чалингандек бўлди.

Мартирос қулоқ солиб турди. Кўра ичида нима биландир банд бўлган соқчилар йўлда кўринишмас эди. Мартирос бу йўлдан чаққон ўтиб, кўранинг орқа томонига ўтиб олди. Қоронғилик қуюқлашди. Энди тошлар ва чакалакзор ичида уни итларгина искаб топа олар эди.

У тошдан тошга босиб ён бағирга кутариларди, қўра эса пастда қолиб кетган эди. Аммо қоронғида ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Тоғликнинг тажрибаси ўзига иш бериб қолди, қоронғида оёғини тўғри босиб тошлардан қурилган пастак қўра деворига тик қоядан туша бошлади.

Мартирос деворнинг ясси устига қадам қўйди ва оёғи остида қўрани тўлдириб турган одамларни кўрди.

Улар бир-бирлари билан секин сўзлашишарди-да, аммо товушлари қўшилиб гулдираб, Мартиросни ўзига тортган эди. У қулоқ солиб турди: улар арманча сўзлашишарди.

Чол кўкраги билан тошга қапишиб девор устида ётди, орадан кўп ўтмай, кўзи қоронғиликка ўрганиб девордан сал нарида бир неча одамни кўрди. Улар давра қуриб ўтиришиб олиб, аста сўзлашишарди.

Мартирос аста сурилиб бориб, секин чақирди. Саросимага тушган бу кишилар жим бўлиб қолдилар. У яна аста такрорлади:

– Қўрқманглар, сизларни армани чақиряпти.

Одамлар пусиб девор бўйига келдилар. Қўл узатишса бир-бирига тегар эди.

У қулоқ солса, булар Ван ва Карс атрофларидан ушлаб келтирилган асир усталар экан. Арзирум ва Аҳилота томонлик кишилар ҳам бор экан. Булар тошчилар, меъморлар, заргар ва ўймакор усталар, кўнчи ва тўқувчилар эди. Шаҳарларни қўлга киритганларида уларни йиғиб, кўп асирлар ичидан ажратиб, эндиликда Озарбайжон ва Эрон орқали Бухоро ёки Самарқандга жўнатмоқда эдилар.

– Йўл узоқ!.. – деди Мартирос.

– Ким ҳам етиб бора оларди, – деди суҳбатдоши умидсизланиб.

– Чидаб етиб бора олганлар, туй-томоша устидан чиқмайди.

– На чора? Қочадиган жой йўқ. Булмаса бу девордан ошиб утиб, тарқалишиб кетардик: соқчилар кўп эмас. Қочсанг қувлаб етадилар. Тўрт юзта асирни атиги йиғирмата отлиқ соқчи пойлаб ётибди.

– Ораларингизда катталарингиз ким?

– Биз ун еттита туқувчининг каттамыз Ованес деган киши.

– Мана мен, – деб жавоб қилди қоронғилик ичидан новча бир киши.

– Товушингдан ёшга ухшамайсан. Буй-бастингдан кучли ва қаддинг букилмаган кўринади. Яқинроқ кел, оғайни. Оғалар, сизлар нарироқ туринглар.

Чоллар ёлғиз қолишганда Мартирос Ованесга деди:

– Табризга бурилганларингда Мароғидан ўтасизлар. Мароғига етай дегандами, уни ўтибми, тундами ёки бошқа вақтдами, қочиб тўғри келган бир тирқишга яширининглар. Сен ёки бошқа бир ишончли киши пайт пойлаб гадойми, ишқилиб, камбағал қиёфаси-гами кириб ол-да, бозорга бор. У ерда мунажжимхона гумбази ёнидаги мискарликда Ализода деган мискарнинг дўконини қидириб топ. Ўзи чол. Унутма.

– Ализода, мискар.

– Мунажжимхона гумбази... Ализода...

– Унга ўз ерларининг эгалари ўз ерларининг хўжаларига салом юборди, дегин.

– Ўз ерларининг хўжаларига?..

– Ундан бирор нарса харид қилиб, у ёқ бу ёққа разм сол, хайр-эхсон сўра. Олдида бирпас туриб, неча киши эканликларингни айт. У йўлни айтиб беради. Қаёққа солиб юборишни ўзи билади.

– Бормикан жойида? Бизнинг замонда одамлар...

– У доим ўша ерда. Агар мен бундан ўн беш йил бурун оғайни бўлган Али бўлмаса, бошқа Али бўлади. Аммо мискар Ализода доим жойида ўтиради.

– У озарбайжонлик, мусулмон бўлса керак.

– Бу ўзининг иши. Мен сени масжидга эмас, бозорга юборяпман-ку.

– Тушундим. Сен ўзинг ким бўласан?

– Худонинг бандаси, сўзларимни ёдда тут.

Мартирос ирғиб тушган эди, оёғини қўйиб турган девор остидаги тош юмалаб тарақлаб кетди.

Катта қора кўппаклар хириллашиб, Мартиросга ташланишди.

Сергакланиб қолган пойлоқчи отлиқ ҳуриётган томонга солдириб келиб, қоронғиликка сарасоп солиб:

– Ким у юрган? – деб бақирди.

Мартирос камарига қистириб олган ханжарини қўлга олди. Бир итни йиқитса бошқаси келиб ёпишишини, уни қулатса, ундан кейин отлиқ соқчи етиб келишини билар эди.

Бирдан итнинг хириллаб вовиллаганига жавобан чийиллаган ва ғажишган овозлар эшитилди. Итлар талашиб-тортишиб қолганга ўхшарди. Лекин уларнинг овози тоғ томондан келаётгандек эшитиларди, соқчи итларни ташлаб, қоровулхонага қайтди.

Мартирос адашган ит якка ўзи соқчиларнинг бир гала итига ҳамла қилганини фаҳмлаб қолди.

Мартирос ҳаяжон-ла қулоқ солиб туриб:

– Одамлар ундан ибрат олсалар бўлади. «Энди шўрликнинг аҳволи нима кечар экан?» – деб ўйланди.

Соқчиларнинг итлари унинг дабдаласини чиқардиларми-йўқми, лекин Мартирос ортиқ уни кўрмади. Ит, ниҳоят, сўнгги хизматини бажо келтириш учун боя кечки пайтда қайтиб келган эди.

Тонготар маҳалида Мартирос, асир тушган оғай-ниларини ўриндан турғизиб узоқ нотаниш юртларга ҳайдаб кетаётганларини кўриб қолди. У новча чолни таниди. Чол гўё олдинда бир нарсани кўраётгандай бошини ғоз кўтариб, ўз ёнида судралиб кетаётганларга ҳам, отлиқ соқчиларга ҳам парво қилмай олға тикилиб борарди.

Соқчиларнинг оқ телпаклари тоурманларникига ўхшаб кетар эди. Утмиш йилларда Арманистонда шунақа телпаклар кўп бўлгувчи эди. Аммо соқчиларнинг афтлари сариқ, кўзлари қийиқ, ҳеч бири барваста ва баҳодир тоурман уруғига ўхшамас эди.

«Кимларни судраб келтирмади-я, бу оқсоқ!» – деб ўйлади Мартирос.

Кундузи у эркаклардан алоҳида ҳайдаб кетилаётган бир тўда хотинларни кўрди.

Уларни тотти от минган бир неча аскар ҳайдаб кетмоқда. Забардаст аскарлардан бири бошини чайқаб кетаётган човкар мўғул отни миниб бормоқда эди.

Бу йўлларда бунақа мўғул оти ажиб бир нарса эмасди; чунки бу ерларни пайхон, шаҳарларни вайрон қилиб, қанчадан-қанча ҳаётни маҳв этиб кўп мўғуллар ўтган эди.

Қора чодира ёпиниб олган аёллар кўк кўйлак кийиб олган эдилар. Офтобда куйиб чанг босган бу чодиралар кулранг тусга кирган. Асираларнинг юзлари ҳам заъфарон эди.

Кўз ёшлари ва оҳ-воҳдан толиққан асиралар бошларини солинтириб борадилар. Бир хиллари синган оёғида оқсоқланиб юрар, баъзилари саркаш оёқларини зўрлик билан босиб, на тинчлик ва на қувончдан дарак берувчи йўлдан кетиб борарди.

Болалиқдан таниш бўлган мулойим ғала-ғовурни у дарров пайқаб ололмади.

У дарахт панасида тошга суяниб қулоқ осди, аммо улар гулдек очилиб, кейин хазон бўлган ҳаётларини уйлаб номаълум бир нуқтага кўз тикиб кетаётганларини кўргач, Мартирос қўшиқларини барала эшитди.

Улар «алла» қўшиғини куйламоқда эдилар. Бу қадимий «алла» қўшиғидан улар ўзлариям, оналариям, боболариям ором олиб, таскин топган эдилар.

Уларнинг оилавий ўчоқлари бузилганида уйларида болалари қолганмикан-а?.. Бу оналарнинг кўксиларига энди болаларнинг нафис лаблари тегармикан-а?.. Онасини бўсағада кўрган бола суюнганидан бақириб қичқирармикан-а? Тутқунлик бўсағаси қора, бегона юрт ҳали узоқ...

Улар чангдан ва ғам-ғуссадан лол бўлиб, чодираларини судраб борардилар.

Асиралар довонга қараб борардилар, Мартирос эса водийга йўл оларди.

У тутунни кўрганида тоғ этагида кетмоқда эди. У сергакланиб, лекин қадамини шахдам ташлаб тор бир дарага етиб келди. Бу ерда жарлик устида Сурб Киракос номли қадимий ибодатхона бор эди. Мартирос болалик чоғида бир маҳал бувиси билан ибодат қилгани шу ерга келган эди.

Ибодатхона атрофида йигирматача отлиқлар тўдаси турарди. Улар ибодатхона эшиги олдига шох уйиб, унга ўт қўймоқда эдилар.

Эшик олдида аланга ўйнар, тош пештоқ ўрлар, пирамон ва гумбазга ўрлар, шамолда ҳар томонга тарқаларди.

Ўша куни эрталаб роҳиблар ва Қўшни қишлоқларнинг омон қолган аҳолиси монастир лаш-лушларини ва бир қанча китоб, кўп йиллардан бери ўчоқ тутуни ёки ўзига эгалик қилган одамларнинг нафас олишидан ўнгиб кетган икки-уч эски гиламни ҳам аравага

ортдилар. Бу юкларни тоққа ташиб бориш керак эди, чунки уларни яширин қазноқларда сақлаш қийин бўлиб қолган эди. Бу водийда туриб қолган истилочилар қазноқни титкилаб қолишлари турган гап эди.

Хўкизлар аравани судраб борар, одамлар эса йўлга сарасоп солиб нарироқда кетар эдилар, арава ҳайдовчи имиллаган хўкизларни тез юришга қистарди.

Арава ғижирлар, хўкизлар эса нам тумшуқларини юқори кўтариб зўр бериб тортарди. Хўкизларни ҳайдовчи эса уларга одатдагидек бақириб ўшқирмас эди.

Улар ўзларига таниш дарага етиб бориб, ўз нарсаларини бўлишиб, на подаси ва на чўпони бўлган шамол бўронли тоғ чўққисидаги тош кулбаларга чиқиб олишлари мумкин эди-ю, лекин рўпараларидан аскарлар тўдаси кўриниб қолди.

Узоқдан аскарларни кўриш билан аравани Сурб Киракос ибодатхонаси томон бурдилар. Аскарлар ҳам уларни пайқаб қолиб, шу томонга бурилдилар.

Улар аравадаги нарсаларни тезда кўтаришиб бориб, ибодатхона ичига кириб яшириниб олдилар.

Аскарлар найза учлари ва қиличлари билан эшикни роса қоқдилар. Аммо эшик чидаш берди.

Эшикни очиб чиқинглар, деган буйруққа шинаклардан лаънатлар ёғдирдилар. Шундан кейин аскарлар шох йиғиб келиб, ибодатхонага ўт қўйиб юбордилар.

Аравага қўшилган хўкизлар бу манзарага қизарган ғамгин кўзлари билан боқиб, кўкиш тукли лабларини оловга чўзардилар.

Мартирос ўзини пайқаб қолганликларини билиб, тўғри ибодатхона сари йўл олди. Истилочиларнинг қилиқларини билганидан, улардан яширинишнинг ҳожати йўқ дегандек, тўғри йўлидан кетаверди.

Урушларда чиниққан барваста аскарлар оёқлари қийшайган, букчайган чолга бепарво қараб турарди-

лар. Унинг чарчаганликдан ва очликдан мадори қуриган эди, юзларини эса тиканакдек соқол босганди.

Отдан тушган аскарлар Мартиросга қараб, эшикнинг ёниб, кул бўлиб ибодатхонанинг очилиб кетишини кутиб туришарди.

Улар тутундан қийналмасин деб эгарлоғлиқ отларини бир чеккага боғлаб қуйган эдилар. Оқ телпак кийган, тоурманга ўхшаш бир соқчи чордана қуриб ўтириб отларни пойлар, лекин кўзларини ёнаётган эшикдан узмасди.

Мартирос ибодатхонага етиб бораё деганда эшик қулаб тушди.

Аскарлар ўт ва чуғ устидан ҳатлаб ўтиб, ланғиллаб турган шохларни бир четга улоқтириб ташлаб, ўзларини ибодатхона ичига урдилар, чунки уларнинг ҳар бири қўлларида найза ёки қилич билан бундай якка-ёлғиз ибодатхоналаргагина эмас, балки мустаҳкам қалъаларга бостириб кирган вақтлари кўп бўлган.

Аммо бу ерда, тор эшик бўсағасида улар тўсқинликка учрадилар.

Умидсизлик – заифларга куч-қудрат бағишлайди. Аскарлар ана шундай куч-қудратни сира кутмаган эдилар.

Улардан баъзилари каллалари таналаридан жудо бўлган ҳолда ибодатхона ичига қуладилар, бошқа бирлари эса янги ҳамлага шайланмоқ учун ўзларини эшикдан четга олдилар, Мартирос эса гангиб қолиб, талотўпга аралашиб кетди.

У аскарлар билан бирга суқилиб ибодатхона ичига кирди. Бурчак-бурчакларга тирқираб қочган одамлар деворларга қапишиб, ҳужумни даф этдилар.

Бу қурол-яроғсиз душманлар исканжасидан дарғазаб бўлган аскарлар улар устига ёпирилдилар. Лекин одамларнинг кўпи аскарларнинг қўлидан қуролини тортиб олди ёки ердан топиб олди.

Мартирос оёғи остида бир тугунча уралашиб ётганини кўрди; ундан қандайдир катта китоб ва ҳақиқ тасбеҳнинг ипи кўришиб турарди.

Чол ҳассасини улоқтириб ташлаб китобга ёпишди, деҳқоннинг ҳамласига дуч келган аскарни елкаси билан итариб ташлаб, бир-бирлари билан олишаётганлар ва тутун орасидан сирғалиб ташқарига чиқиб кетди.

Гарчи китобни зўрға кўтариб бораётган эса-да, у отлар томонга чопди. Узини сапчиб эгар устига олиши учун китоб халал берди ва ҳаёти қил устида турган бир маҳалда кексалиги ҳам малол келди. Бир қўли билан тизгинни ушламоқчи бўлганида от ҳам ҳар ёққа чўчангларди.

Ниҳоят, китобни эгар устига ўнгариб, узини сапчиб эгар устига олди-да, тушиб кетаётган китобни маҳкам ушлаб қолди.

Устида бегона одам борлигини ҳис қилган от саркашлик қилиб гир айланди, лекин Мартирос уни тақими билан маҳкам ниқтаб, тепди. От бир ўкрайди-да, оғир юк билан уни олиб кетди.

Мартирос отга минганида оқ телпак кийган тоурман ўзига келиб, шерикларига бир нима деб бақирди-да, Мартирос орқасидан от солдириб кетди.

Ибодатхона тоғдан оқиб тушаётган торгина сой бўйида эди.

Мартирос от солдириб кетаётган йўл бирдан шу сой томонга бурилиб, қирғоқ бўйлаб кетди.

Унинг узоқ чопган-чопмаганини ҳеч кимса билмасди. Аскар қувиб кетаётиб унинг орқасидан найза отди, лекин теккиза олмади. Аскарнинг ўзига етиб олишини фаҳмлаган Мартирос эса нариги қирғоққа, тор дарага яқин жойга ўтиб олмоқ учун отининг бошини шартта сувга қараб бурди.

Бир ўқ келиб Мартироснинг елкасига тегди. Китоб оғирлик қилиб, қўли кўтара олмай қолди.

Яна бир ўқ Мартироснинг орқасига тегди.

У бир амаллаб отнинг бошини сув томонга бурди. Унинг мақсади дарага етиб олиш, китобни бутазор ичига ташлаб, нопок қўллардан яшириб қолиш эди.

Аммо кўз унгида гирдоб айланар, тоғдан оқиб келаётган тошқин сув отнинг қорнидан келар, у отни ҳадеб ниқтар эди.

У эгардан йиқилай деркан, китобни муздек сувга улоқтирди.

Муъжиза рўй беради.

Орадан юзлаб йиллар ўтгандан кейин сойдан сув олган деҳқон оғир ва ғалати бир тош топиб олади.

Ўз улкан ерининг эгаси бўлган деҳқон бу оғир тошни зўрға кўтариб чиқаради.

У тошнинг устки қаватида ёзув борлигини кўради. Бу – китоб эди! Қумлоқ сувини шимиб олган китоб қотиб тошга айланади. Ҳозир бу китоб Матенадаранда. Ўтмиш қоронғи асрларда аждодлар томонидан сақлаб қолинган барча арман китоблари шу ерга тупланган. Бу китобга ёзилган сўзларни на сув ва на замон ювиб кета олмаган: «Бошлаб сўз бўлган. Сўз эса худоники эди. Худо эса сўз эди!..»

Темур тунда Халил билан бирга қорли текисликдан от солдириб борар, совуқ Арзирум кўчаларида аскарлари ёққан йироқдаги гулханларга назар ташлар эди.

Ҳукмдордан кейинда қолган соқчилар отини бирданига учириб кетганидан таажжубда қолган эдилар; ҳатто Халил ҳам унга зўрға етиб юарди.

Бир тақимини эгарга босиб, бутун оғирлигини чап узангига ташлаган, кенг пўстинли, барваста Темур ўрнидан сал турган эди, бу суворий остида арабий жангари от кичкина кўриниб қолди.

Темур уни нафас олдирмай чоптирар, сал саркашлик қилса, қамчи билан савалар эди. Бир вақт от икки оёғини осмонга кўтариб жангарилик қилган эди, Темур уни шундай саваладики, от ўша замон эгасига бўйсунди-қўйди.

От йўлга қарамай учгани учган эди. Аммо Темур тез орада йўлдан адашганиданми, ҳайдайвериб зерикканиданми, от бошини яланглик дала томонга бурди.

Бу музлаб қотиб қолган қақир-суқир ер эди. Лекин ақлли от ҳамон қоқинмасдан чопарди. Темур эса унга сираям дам бермай савалаб ҳайдар эди.

Шу алпозда у узоқ чопди. Ниҳоят, отнинг бошини шаҳар томонга буриб, яна ўша тезликда чопаверди.

Соқчилар аллақачон қорлар орасида адашиб орқада қолиб кетган эди. Рўпарадан урган шамолдан кўзини очолмай қолган Халил бобосинигина кузатиб борар, лекин орқасидан қувиб ета олмасди.

Халил отнинг энди аввалгидан ўзгача оёқ ташлашини кўриб турар, лекин бобоси унга тиним бермай чоптирарди.

Темур шу зайлда тик тепаликдаги Арзирум кўрғонигача учиб бориб, монастыр дарвозаси ёнидагина отини тўхтатди. Улар аскарлар уймалашиб турган гулханлар ёнидан, соқчилар ёнидан ўтиб, монастыр ичига кирдилар.

Темур ўзини эгардан енгил олиб, тизгинни югуриб келган навкар қўлига топшириб, титраб турган, кўпиклаб кетган отнинг ўмрови, ёлини қўли билан силади.

Сўнгра Халилнинг отига назар ташлаб:

– Сеникям шунақа от-ку, – деди у. – Аяб чопибсан-а. Паға-паға қор ёғар эди.

Совуқдан қизариб кетган, вақти чоғ Темур гулхан ёнига келди.

Халил бобосидан:

– Бизнинг отларимиз бақувват эмасми? – деб сўради.

– Боязидда бунақа отлар ҳаммага етишмайди. Қолганлари кучсиз отлар. Бунақалари ҳам бизникилардан уза олмайди.

– Демак, бобо Боязид устига юрамиз, а?

– Жаҳонда икки ҳукмдор бўлиши мумкин эмас.

– Демак...

Халил Темур билан беллашган душманларнинг энг кучлиси устига қачон от солдиришларини сўрашга ботина олмади.

Лекин бобосининг нима демоқчилигини тушунди:

– Довонлар берк. Қорнинг гупиллатишини кўрмайсанми?

Халил ҳам тушунди: сафар аниқ, лекин ҳали фурсати келмаган.

Халил бобосининг кетидан борар, Темур эса совқотмаган бўлса-да, гулхан ёнига бориб тўхталди. Уй-хаёл ичида, ланғиллаб ёнаётган шохларга қараб қолди.

Шохлар ёниб, чирсиллаб чўғ устига тушар экан, балки хаёлига аланга ичида қолган шаҳарлар, ёнғин ичида от чоптириб юрган суворийлар, жанглар кўрингандир.

Қор эса имиллаб секин ёғар, оппоқ қор юлдузчалари гулхан устига келиб тушгани тушган эди.

Иккинчи китоб тугади.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм. 1400 йил баҳори

<i>Биринчи боб. Тутун.....</i>	<i>4</i>
<i>Иккинчи боб. Куксарой.....</i>	<i>23</i>
<i>Учинчи боб. Чопар йули</i>	<i>40</i>
<i>Туртинчи боб. Қароргоҳ.....</i>	<i>71</i>
<i>Бешинчи боб. Москва.....</i>	<i>96</i>
<i>Олтинчи боб. Ширвон.....</i>	<i>109</i>
<i>Еттинчи боб. Қашқирлар.....</i>	<i>131</i>

Иккинчи қисм. Мунажжимхона гумбази

<i>Саккизинчи боб. Чопон</i>	<i>158</i>
<i>Туққизинчи боб. Ширвон</i>	<i>190</i>
<i>Ўнинчи боб. Темирчилик ишхонаси</i>	<i>216</i>
<i>Ўн биринчи боб. Қароргоҳ.....</i>	<i>242</i>
<i>Ўн иккинчи боб. Созандалар</i>	<i>273</i>
<i>Ўн учинчи боб. Мароғий</i>	<i>292</i>
<i>Ўн тўртинчи боб. Қулоқ.....</i>	<i>327</i>

Учинчи қисм. Арманистон тошлари

<i>Ўн бешинчи боб. Сарой.....</i>	<i>362</i>
<i>Ўн олтинчи боб. Китоблар.....</i>	<i>396</i>
<i>Ўн еттинчи боб. Арзирум</i>	<i>415</i>
<i>Ўн саккизинчи боб. Курдлар.....</i>	<i>454</i>
<i>Ўн туққизинчи боб. Қоп.....</i>	<i>479</i>
<i>Йигирманчи боб. Гулханлар</i>	<i>496</i>

Адабий-бадиий нашр

СЕРГЕЙ БОРОДИН

САМАРҚАНД ОСМОНИДА ЮЛДУЗЛАР

САФАР ҒУЛХАНЛАРИ

Иккинчи китоб

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир

Маъмуржон РАҲМОНОВ

Мусахҳиҳ

Сайёра МЕЛИҚУЗИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи

Нигора УМАРҚУЛОВА

Техник муҳаррир

Абдуқодир ЮЛДАШЕВ

«Ёш куч» нашриётида нашрга тайёрланди.

Тошкент шаҳри, Содиқов-13

Лицензия рақами АІ № 001. 20.07.2018 да берилган.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (98) 360-11-50· (94) 647-32-33

Босишга 06.01.2020 да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 33,75. Шартли босма тобоғи 56,7.

Гарнитура «Calibri». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № -7

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.